

ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН
БАСТАКОРЛАРИ
ВА
МУСИҚАШУНОСЛАРИ**

МАЪЛУМОТНОМА

Тўлдирилган 2-нашр

Тошкент - 2015

Ушбу китоб 2004 йилда нашрдан чиқарилган “Ўзбекистон Бастакорлари ва муסיқашунослари” маълумотномасининг тўлдирилган нашри бўлиб, унда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари, таниқли бастакор ва муסיқашуносларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари тўғрисида қисқача маълумотлар берилган. Ижодий уюшманинг ташкил этилишидан ҳозирги кунга қадар босиб ўтган йўли ёритилган.

Маълумотнома умумий ўрта таълим ва болалар муסיқа ва санъат мактаблари, лицей ва коллежлар, маданият ва санъат олий ўқув юртлари учун қўшимча ўқув адабиёти сифатида тавсия этилади. Шунингдек, ундан муסיқа ижодкорлари, олимлар ва барча қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи-муаллиф: ЎзДК профессори **А.Ҳ.ЖАББОРОВ**

Махсус муҳаррир: муסיқашунос **Муҳайё НАБИЕВА**

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
профессор **Ҳабибулла РАҲИМОВ**

Таҳрир ҳайъати: Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
композитор, профессор **Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
санъатшунослик номзоди, профессор
Равшан ЮНУСОВ,

Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси, доцент **Зумрат ТҲҲИЕВА**
Санъатшунослик номзоди, профессор в.б.
Соиб БЕГМАТОВ

*Ўзбек халқи ўзининг мусиқий
салоҳияти, мусиқа санъатига улкан
муҳаббати билан азалдан жаҳон
аҳлининг эътирофни қозонган.*

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси (дастлабки номи «Ўзбекистон композиторлар союзи») Ўзбекистон Халқ Комиссарлари кенгашининг 1938 йил № 203 р қарорига биноан ташкил топган. Республикада фаолият кўрсатаётган композиторлар ва мусиқашуносларни ғоявий ва ижодий бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор ва дирижёр Толибжон Содиқовга уюшмани тузиш учун расман ваколат берилди. Республика ҳукуматининг Халқ Комиссарлари 1940 йил 21 февраль № 258-қарорига биноан Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси I - съездини 1941- йил октябрь ойида ўтказиш белгиланди ҳамда ҳайъат аъзолари тасдиқланди: Толибжон Содиқов—раис, Мухтор Ашрафий — раис ўринбосари, Карим Абдуллаев — масъул котиб, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Николай Миронов, Алексей Козловский, Елена Романовская, Мутал Бурҳонов, Виктор Успенский, Шариф Рамазонов, Имомжон Икромов, Матюсуп Харратовлар — ҳайъат аъзолари. К.Абдуллаев ўз аризасига кўра масъул котиб вазифасидан озод этилгач, ўрнига мусиқашунос Е.Романовская сайланди.

Собиқ иттифоқ ҳукумати қарорига асосан 1939 йили «Композиторлар уюшмаси» ва «Мусиқа фонди» таъсис комитети ташкил этилган эди. Ҳайъат раиси вазифасига атоқли композитор ва мусиқашунос, академик Борис Владимирович Асафьев (адабий таҳаллуси Игорь Глебов (1884-1949) тайинланди. Уюшманинг биринчи ташкилий қурултойини ўтказиш 1941 йил ноябрь ойига белгиланди. Мазкур ташкилот таркибига бошқа республикалар уюшмалари қаторида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳам киритилди ва «Ўзбекистон мусиқа фонди бўлими» ташкил топди. 1941 йил 22 июнида бошланган 2-жаҳон уруши мазкур ижодий

уюшма қурултойларини ўтказишга имконият бермади. Уруш йиллари Ўзбекистон композиторлар уюшмаси ва унинг «Муסיқа фонди» жанговар штабга айланди. Айрим санъаткорлар қўлларига қурул олиб жанг майдонларига отландилар, қолганлари эса адабиёт ва санъатнинг ривожланиши учун фаол меҳнат ва ижод қилдилар. Бастакор ва композиторлар, шоир ва драматурглар билан ҳамкорликда муסיқанинг барча шакл ва жанрларида ижод қилиб, янги-янги муסיқий ва сахна асарлар яратдилар. Бу жараёнда, юқорида тилга олинган ҳайъат аъзолари билан биргаликда Комилжон Жабборов, Фахриддин Содиков, Саиджон Калонов, Набижон Ҳасанов, Пўлат Раҳимов, Мамадазиз Ниёзов, Ҳасан Нишонов, М.Ҳалимов, Ориф Тошматов (Ориф гармон), К.Мансуров, Мухторжон Муртазоев, А.Аллаберганов каби бастакорлар, 1941 йилнинг июнь ойида Тошкент давлат консерваториясининг илк битирувчилари Икром Акбаров, Борис Гиенко, Владимир Мейен, И.Хамзин (урушда ҳалок бўлган) ҳамда консерватория педагогларидан Георгий Мушель, Борис Надеждин, Ян Пеккер ва юқори курс композитор-талабалар уруш мавзусига бағишланган асарлар ярата бошладилар. Бу ижодий жараёнга Москва ва Ленинград, шунингдек, Беларусиядан вақтинча кўчиб келган таниқли композиторлардан Борис Арапов, Сергей Василенко, Владимир Волошинов, Леонид Ревуцкий, Олег Чишко, Юрий Тюлин, Максимилиан Штейнберг, Никита Богуславский, Георгий Таранон ва Ленинград консерваториясининг профессор, педагог ва талабалари ҳам қўшилдилар.

1948 - йил 11-14 - октябрда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг I - қурултойи бўлди. Толибжон Содиков ҳисобот маърузасида республикаимиз муסיқа маданиятининг ривожланишидаги ютуқ ва муаммоларига тўхталиб ўтди. Қурултой дастурида композиторларнинг мусиқали спектакллари, турли жанрларда яратилган мусиқали асарлари янгради. Қурултойда уюшманинг ҳайъат аъзолари, раис лавозимига композитор Собир Бобоев, раис ўринбосари лавозимига Борис Гиенко, тафтиш комиссияси аъзолари ва унинг раиси этиб Илёс Акбаров, «Ўзбекистон муסיқа фонди» ҳайъат аъзолари, унинг раиси этиб Владимир Мейен сайланди. Директор вазифасига Лев Гисин тасдиқланди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, 1945-1959 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига консерваторияни битирган 27 нафар ёш

композиторлардан қуйидагилар қабул қилинди: Иброҳим Ҳамроев, Ғофур Қодиров, Габдураим Собитов, Пак-Ен Дин, Икром Акбаров, Г.Зубатов, Владимир Князев, Хайри Изомов, Дони Зокиров, Собир Бобоев, Дадаали Соатқулов, С.Абрамова, Александр Берлин, Ҳамид Раҳимов, Совет Варелас, Абдурахим Муҳамедов, В.Зудов, Фаттоҳ Назаров, Олимжон Ҳалимов, Ю.Николаев, Альберт Малахов, Феликс Янов-Яновский. Консерваторияни битирган 54 нафар ёш муסיқашунослардан Ирина Дулгарова, Юрий Кон, Карима Олимбоева, Файзулла Кароматов, Максим Ковбас, А.Асиновская, Тамара Соломонова, Тожиғул Адамбаева, Тамара Головянц, Товур Жумаев, Маҳмуд Аҳмедов ва Наталья Янов-Яновскаялар қабул қилинди.

1955 йилнинг 10-16 декабрида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг II - қурултойи бўлиб ўтди. Унинг дастурида учта симфоник концерт, битта ўзбек халқ чолғулари оркестри концерти, камер концерт, хор концерти ҳамда Г.Мушелнинг «Раққоса» балети, Т.Содиқов ва Р.Глиэрнинг «Гулсара» операси, Т.Жалилов ва Г.Мушелларнинг «Муқимий» муסיқали драмалари намоёиш этилди. С.Бобоев «Ўзбекистон муסיқа маданиятининг ривожланиш жараёни, муаммолари ва санъаткорларнинг вазифаси» мавзуида маъруза қилди. Минбарга чиққанлар концерт дастурларига киритилган асарларнинг ютуқ ва камчиликлари, муסיқани тарғибот қилишдаги муаммолар тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилдилар. Ҳайъат раиси лавозимига Мутал Бурҳонов, унинг ўринбосари этиб Борис Гиенко, масъул котиб этиб М.Алиев, тафтиш хайъати раиси этиб Ирина Карелова сайландилар. «Ўзбекистон муסיқа фонди» раиси вазифасига Владимир Мейен, директори этиб Лев Гисин тасдиқланди.

1960-йилнинг 8-14 июнида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг III-чи қурултойи бўлди. Унинг концерт дастурида композиторларнинг турли шакл ва жанрларда яратган янги муסיқий асарлари 7 та концертда намоёиш қилинди. Шунингдек, қуйидаги спектакль ва кинофильм делегат ва меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди: Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси, Тўхтасин Жалилов ва Габдураим Собитовларнинг «Нурхон» муסיқали драмаси, Икром Акбаров муסיқаси билан «Иккинчи гулшан» ва Манас Левиев муסיқаси билан «Маҳаллада дув-дув гап» («Сюрприз») бадий кинофильмлар кўрсатилди. Мутал Бурҳонов «Ўзбекистон муסיқа санъатининг ривожланиш жараёни ва санъаткорларнинг вазифалари» мавзуида маъруза қилди. У

республиканинг мусиқий ҳаётидаги ютуқ ва камчиликларга ҳамда ечилмаган муаммоларига тўхталиб ўтди. Шу билан бирга композиторларнинг ижодий фаолиятидаги жиддий нуқсонлар танқид остига олинди. Тафтиш ҳайъати раиси Ирина Карелова ўз маърузасида Мутал Бурҳонов сўзларини тасдиқлади. Қурултой кун тартиби ҳақида қарор қабул қилди ва ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг ҳайъат раиси лавозимиغا Собир Бобоев, унинг ўринбосари этиб Ҳамид Раҳимов, масъул котиб Александр Берлин, тафтиш ҳайъат раиси лавозимиغا Ирина Кареловалар сайландилар.

«Ўзбекистон мусиқа фонди» ҳайъат аъзолари ва унинг раиси этиб Илёс Акбаров сайландилар. Фонд директорлигига Лев Гисин тасдиқланди.

1962-йилнинг 13-18 феввалида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган IV - съездида Собир Бобоев ва Дмитрий Кабалевскийлар маъруза қилдилар. Съезд концерт дастурида турли жанрларда яратилган мусиқий ва сахна асарлар намойиш қилинди.

1965 йилнинг 7-15 мартада Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг V съезди бўлди. Съезд дастурида турли жанрда яратилган асарлар, жумладан Собир Бобоевнинг «Ҳамза», Мухтор Ашрафийнинг «Шоир қалби», Матниёз Юсуповнинг «Хоразм кўшиғи» ва Рашид Ҳамроевнинг «Зулматдан зиё» опералари, Георгий Мушельнинг «Кашмир афсонаси» балети, Манас Левиеннинг «Тошболта ошиқ», Собир Бобоевнинг «Икки билагузук» ва Абдурахим Муҳамедовнинг «Жон қизлар» мусиқали комедиялари, Ҳамид Раҳимовнинг «Ишқинг билан» мусиқали драмаси намойиш қилинди. Ҳайъат раиси Собир Бобоев «Ўзбекистон композиторлари ва мусиқашуносларининг ижодий фаолиятидаги ютуқ ва муаммолар» мавзуида маъруза қилди. Съезд ташкилий масалани кўриб чиқди. Уюшма ҳайъати раиси лавозимиغا Аҳмад Ҳамидович Жабборов, унинг ўринбосари этиб Борис Гиенко, масъул котибликка Ғофур Қодиров, тафтиш ҳайъати ва унинг раиси вазифасига Товур Жумаев, «Ўзбекистон мусиқа фонди» ҳайъати аъзолари, унинг раиси этиб Илёс Акбаров сайланди. Фонд директори лавозимиغا Лев Гисин тасдиқланди.

1967 - йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг Қорақалпоғистон бўлими очилди. Бунга бағишланган иккита концертда Қорақалпоғистон композиторларининг турли

жанрлардаги асарлари ва иккита мусиқали драма намойиш этилди. Ўзбекистон Композиторлар уюшмасининг ҳайъат раиси А.Ҳ.Жабборов маъруза қилди. Мазкур уюшма бўлимининг раиси лавозимига Олимжон Ҳалимов, масъул котибликка Тожиғул Адамбаевалар сайландилар.

1971 - йилнинг 15 ноябрь - 2 декабрь кунлари Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг VI - съезди бўлди. Унинг дастурида композиторларнинг симфоник, вокал-симфоник, камер чолғу, камер-вокал асарлари, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун куй ва кўшиқлар, кўшиқ ва романс, эстрада, хор жамоалари ва болалар учун ёзилган асарлар янгради. Александр Берлиннинг «Тўй куни» (А.Розов либреттоси) операси, Мухтор Ашрафийнинг «Темур Малик» балети, Румиль Вильдановнинг «Ўн иккинчи кеча» (Шекспир пьесаси асосида) мусиқали комедияси, Дони Зокиров ва Комилжон Жабборовларнинг «Менинг жаннатим» (С.Абдулла пьесаси) мусиқали драмаси намойиш этилди. Ҳайъат раиси Аҳмад Жабборов Ўзбекистон композитор ва мусиқашуносларнинг ижодий фаолиятлари, республиканинг замонавий мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнидаги ютуқ ва муаммолар ҳамда мусиқа тарғиботидаги нуқсонлар тўғрисида маъруза қилди. Ҳайъат аъзолари ва унинг раиси лавозимига Аҳмад Жабборов, унинг ўринбосари этиб Борис Гиенко, масъул котибликка Энмарк Солиҳов, тафтиш ҳайъати аъзолари ва унинг раиси этиб Товур Жумаев, «Ўзбекистон мусиқа фонди» ҳайъати ва унинг раиси лавозимига Илёс Акбаров сайланди. Директор бўлиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоштемир Шарипов тасдиқланди.

1976 - йилнинг 12-19 - мартада Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг VII - съезди бўлди. Съезднинг концерт дастурида композиторларнинг турли жанр ва шаклларда яратган янги мусиқий асарлари янгради. Нурилла Зокировнинг «Соҳил бўйида тўқнашув» операси, Мухтор Ашрафийнинг «Муҳаббат ва қилич» («Темур Малик») балети, Сайфи Жалилнинг «Лақма», Манас Левиеннинг «Замонали ва Омонали» мусиқали комедиялари намойиш қилинди. Ташкилий масала кўрилиб, ҳайъат аъзолари ва унинг раиси лавозимига Энмарк Солиҳов сайланди. Унинг ўринбосарлари лавозимига Борис Гиенко ва Нурилла Зокиров, масъул котибликка В.Зудов сайландилар. «Ўзбекистон мусиқа фонди» ҳайъати ва унинг раиси И.Аkbаров сайланди. Фонд директори этиб Тоштемир Шарипов тасдиқланди.

1982 - йилнинг 13-19 - июнида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг VIII - съезди бўлди. Унинг дастурида Нурилла Зокировнинг «Уйғониш» операси, Александр Берлиннинг «Василиса прекрасная» болалар учун балети, Тихон Хренниковнинг «Любовью за любовь» балети, Энмарк Солиҳовнинг «Хўжа Насриддин» опереттаси ижро этилди. Ҳайъат раиси Энмарк Солиҳов ва тафтиш ҳайъати раиси Товур Жумаев ҳисобот маъруза қилдилар. Ҳайъатнинг биринчи котиби лавозимига Собир Бобоев, котибликка Мирсодик Тожиев, Александр Берлин, Улуғбек Мусаев ва Галина Кузнецовалар, тафтиш ҳайъати раиси этиб Максим Ковбас, «Ўзбекистон мусиқа фонди» ҳайъати раиси қилиб Илёс Акбаровлар сайландилар. Мусиқа фонди директори этиб Тоштемир Шарипов тасдиқланди. (Изоҳ: Бастакорлар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби Собир Бобоев бемор бўлиб қолганлиги сабабли, ўз аризасига кўра 1984 йилнинг октябрида вазифасидан озод этилди. Унинг ўрнига Мирсодик Тожиев, масъул котиб лавозимига композитор Рустам Абдуллаев, мусиқашунос Ирина Кульбашнаялар тайинланди).

1987 - йилнинг 12-18 - декабрида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг IX - съезди бўлди. Мусиқий театрларда Рустам Абдуллаевнинг «Қуёшга таъзим» балет-ораторияси, Сайфи Жалилнинг «Зебунисо» операси, Улуғбек Мусаевнинг «Тўмарис» балети, Мустафо Бафоевнинг «Еттинчи жин» мусиқали драмаси, Манас Левиёвнинг «Мангулик» мусиқали драмаси томошабинларга ҳавола этилди. Съезд минбаридан уюшманинг биринчи котиби Мирсодик Тожиев ва тафтиш ҳайъати раиси Максим Ковбас ҳисобот маъруза қилдилар. Уюшма ҳайъати раиси лавозимига мусиқашунос Аҳмад Жабборов, масъул котибликка композиторлар Улуғбек Мусаев ва Рустам Абдуллаевлар, тафтиш ҳайъати раислигига мусиқашунос Рустамбек Абдуллаев, «Ўзбекистон мусиқа фонди» ҳайъати раислигига Мардон Насимов сайланди. Фонд директори этиб Тоштемир Шарипов тасдиқланди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан 1988 - йилнинг 27 - ноябридан 8 - декабригача юбилей Пленуми бўлиб ўтди. Пленум концертлари ва ижодий учрашувлар ҳақиқий мусиқа байрамига айланди. Пленум ишини бошлаш арафасида 24-26 - ноябрь кунлари дунёдан кўз юмган композиторлар ва мусиқашуносларга бағишланган «Хотира кеча»лари ўтказилди ва қабрлари зиёрат қилинди. Марҳум композиторларнинг мусиқий асарлари учта концерт дастурида

жаранглади. Нурилла Зокировнинг «Гамлет» Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» опералари, Рустам Абдуллаевнинг «Қуёшга таъзим» балет-ораторияси, Мухтор Ашрафийнинг «Севги тумори» балети, Улуғбек Мусаевнинг «Тўмарис» балети, Самарқанд опера ва балет театрида Дилбар Қодированинг «Сайёра» балети, Мустафо Бафоевнинг «Прометей» мусиқали драмаси, Энмарк Солиҳовнинг «Хўжа Насриддин» опереттаси томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, XX асрнинг 60-80-йилларида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ташаббуси билан Тошкентда ҳар йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон композиторларининг асарларидан «Симфоник мусиқа фестивали» ўтказилди. Мазкур фестивални ўтказишда Ўзбекистон халқ артисти, профессор дирижёр Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги симфоник оркестрнинг фаолияти муҳим роль ўйнади.

1972 - йилнинг май ойида Ўзбекистонда «Грузия мусиқа ҳафталиги», 1-7 - ноябрьда эса «Ўзбекистон мусиқа ҳафталиги» Грузияда ўтди. Мазкур ҳафталикларда грузин ва ўзбек композиторларининг симфоник, вокал-симфоник, камер-чолғу, камер-вокал мусиқий асарлари концерт дастурларида жаранглади. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари мусиқа билим юртлири, болалар мусиқа мактабларида ва шаҳар фаоллари билан грузин композиторларнинг ижодий учрашувлари бўлиб ўтди. Бу учрашувнинг концерт дастурида грузин ва ўзбек ижрочилари фаол қатнашдилар. Худди шундай ўзбек композиторларининг ижодий учрашувлари ва концертлари Тбилиси, Баржоми, Кутаиси, Сухуми ва Поти шаҳарларида ўтди. Бу ижодий учрашувлар ва концертлар икки халқнинг мусиқий байрамига айланиб кетди. Ўзбекистондан Аҳмад Жабборов раҳбарлигида Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Сулаймон Юдаков, Борис Гиенко, Сайфи Жалил, Собир Бобоев, Рустам Абдуллаев каби композиторлар, дирижёр Ғани Тўлаганов, скрипкачи Марлис Юнусхонов, хонандалар М.Ҳожиниёзов, Р.Юсупова, Т.Шарипов ва Грузия санъаткорлари фаол қатнашдилар.

1991 - йилнинг 1 - сентябри Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами деб эълон қилинди. Мустақил давлатнинг қурилиши республикада жаҳон цивилизацияси томонидан эришилган тажриба ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий меросини мукаммал тиклашга, ўрганишга катта имкониятлар вужудга келди. Ўзбекистонда кескин равишда сиёсий-

ижтимоий, иқтисодий-маданий ҳамда маънавий ўзгаришлар юз берди. Республикамиздаги бундай ижобий ўзгаришлар халқимизни янги-янги ижодий зафарларга чорламоқда.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоларининг 1990 - йил 29 - октябрида ўтказилган умумий мажлисида ташкилотнинг янги низоми ишлаб чиқилиб, 1991 - йилнинг 3 - январиди тасдиқланди ва ўша кундан кучга кирди. Мазкур Низомда уюшма мақсади ва вазифалари аниқланди. Уюшманинг асосий мақсади: «Ўзбекистон миллий муסיқасини кенг кўламда бойитиш ва юксалтириш. Ўзбекистонда яшайдиган бошқа халқлар муסיқаси камол топишига мунтазам ёрдам бериш, муסיқий тарбиялашга бутун куч-қудратини сафарбар этиш, Ўзбекистон композитор ва муסיқашуносларини республика ва хорижий давлатларда тарғибот қилиш» дан иборатлиги белгилаб олинди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг аъзолари Ватанимизнинг муסיқий маданиятини ривожлаштириш жараёнида фаол ижод қилмоқдалар. Мустақилликнинг ўтган даврида композиторлар А.Навоий номидаги опера ва балет театрини, Муқимий номидаги муסיқий театрни ва вилоятдаги барча театрларни, миллий симфоник оркестрни, хор жамоаларини, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрларини, эстрада симфоник оркестрини, камер симфоник оркестрини, драма театрларни, болалар хор жамоаларини, дамли чолғулар оркестрлари ва бошқа ижрочи жамоаларнинг репертуарларини янги-янги муסיқий асарлар, спектакллар билан доимий равишда бойитиб келмоқдалар. Шу билан бирга уюшма аъзолари республикамизда ҳар йили ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним», “Ягонасан, муқаддас Ватан” кўшиқ танловларида, ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалларида фаол қатнашмоқдалар. Замонавий симфоник муסיқа санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш ниятида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорликда 1998, 2000, 2002, 2005 йилларда Халқаро симфоник муסיқа фестивалини, «Илҳом» ёшлар театри билан ҳамкорликда 1996-2006 йиллар мобайнида Тошкентда Халқаро замонавий камер муסיқа фестивалларини, 2003, 2008, 2013 йилларда «Давр садолари-I, II, III» муסיқа фестивалларини, 2002, 2005, 2007, 2009, 2011 йилларда Назира Аҳмедова номигади Республика ва Халқаро хонандалар танловларини ўтказди. Бундай

нуфузли мусиқа фестиваллари ҳамда танловларида композитор ва мусиқашунослар фаол иштирок этдилар.

1995 - йилнинг 1-6 ноябрида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси X - қурултойини ўтказди. 6 кун давом этган қурултой дастурида композиторларнинг турли шакл ва жанрларда яратган асарлари янгради. Қурултой доирасида Нурилла Зокировнинг «Тахтга йўл», Мустафо Бафоевнинг «Умар Хайём» (О.Узоқов ва Ж.Камол либреттоси), Сайфи Жалилнинг «Маликаи айёр» (Т.Тўла либреттоси) опералари, Султон Ҳайитбоевнинг «Башорат» (Э.Самандаров асари), Ф.Алимовнинг «Фотима ва Зухра» (Ў.Умарбеков ва Р.Маъдиев асари), Шоҳида Шойимардонованинг «Муҳаббат навоси» (Ҳ.Ғулом асари) мусиқали драмалари, Аваз Мансуровнинг «Бир соатлик халифа» (Н.Қобил асари) мусиқали комедияси томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Қурултой ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди. Уюшманинг кенгаш аъзолари сайланди. Кенгаш раиси лавозимига композитор Рустам Абдуллаев, ўринбосарлар этиб композитор Ҳабибулла Раҳимов, мусиқашунос Равшан Юнусов ва бастакор Аваз Мансуровлар, тафтиш ҳайъати раиси қилиб мусиқашунос Рустамбек Абдуллаев сайланди. Уюшма «Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси» деб аталди ва Низомга айрим ўзгаришлар киритилди.

2014 - йилнинг 11 - сентябрида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг навбатдаги, XI - қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Уюшманинг Фаоллар кенгаши аъзолари сайланди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси лавозимига композитор Рустам Абдуллаев, ўринбосари этиб композитор Ҳабибулла Раҳимов, тафтиш ҳайъати раиси этиб мусиқашунос Рустамбек Абдуллаев қайта сайландилар. Уюшма Низоми Устав сўзига алмаштирилиб, унга айрим ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу маълумотномани нашрга тайёрлаш ва чоп этишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига, Ўзбекистон давлат консерваториясига, шунингдек, сеvimли турмуш ўртоғим иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳрибон маслаҳатчим, жонкуярим Марғуба Юсуф қизи Альмяшова (Жабборова)га қалб ташаккуримни изҳор этаман.

А.Ҳ.ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
санъат арбоби, профессор

РУСТАМ АБДУЛЛАЕВ (1947)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Республика Давлат мукофоти совриндори, композитор Рустам Абдуллаев замонавий ўзбек мусиқа санъатининг забардаст иждоқкорларидан биридир. Ватанимиз мусиқа маданиятининг ривожига самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг яратган қўшиқ ва романслари, опера ва балетлари, симфоник ва вокал симфоник асарлари ижро жамоалар ва яқка ижрочилар репертуаридан муносиб ўрин олган.

Р.Абдуллаев Хоразм вилояти, Хива шаҳрида 1947 йил 12 февралда туғилди. Мактабда ўқиб юрган йиллари мусиқага қизиқиб 1957 йили рубоб чалишни ўрганиш учун мусиқа мактабига қатнади. 1962 йил Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига халқ чолғулари бўлимига ўқишга кирди. Ўқув юртининг назарий бўлимида, аввал тайёрлов курсида ўқиди. У Р.Вильдановдан композиторлик мутахассислигидан сабоқ олди. 1965-1972 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида Р.Вильданов ва Б.Гиенко синфларида таҳсил олди ва фортепиано учун концерт билан ўқишни муваффақиятли битирди. 1972 йилда ёш композитор ва пианиночи сифатида Қозоғистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларида фортепиано концертини симфоник оркестр билан ижро этди, Грузияда ўтказилган фестивалда япон шоирларининг шеърларига яратган «Хиросима фарёди» номли вокал туркумини фортепиано жўрлигида атоқли хонанда Махсет Хажаниязов билан ижро қилиб, мусиқа жамоатчилиги диққатини жалб этди. 1977 йил «Ҳижрон» (Зулфия шеъри) вокал туркуми учун у Москва шаҳрида ўтган ёш композиторлар кўрик-танловида лауреат унвонига сазовор бўлди.

Р.Абдуллаев 1974-1976 йилларда Тошкент давлат консерваторияси ассистентура-стажировкасида профессор Б.И.Зейдман синфида касб малакасини оширди. 1976 йилдан бошлаб М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси бастакорлик кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. 1976 йилда у Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди. 1985 йилдан уюшма хайъат раиси

ўринбосари, 1995 йилдан эса Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси лавозимида фаолият юритмоқда.

Р.Абдуллаев шу кунга қадар турли жанрларда қатор мусиқий асарлар яратди. Булар орасида Самарқанд опера ва балет театрида 1981 йил сахна юзини кўрган О.Матчон либреттосига «Садоқат» номли операси алоҳида ажралиб туради. Бу асарда ўзбек халқининг севимли шоирлари Зулфия ва Ҳамид Олимжонларнинг сиймолари гавдаланади. 1985 йили Навоий номидаги Давлат Катта академик опера ва балет театрида сахна юзини кўрган «Қуёшга таъзим» (Ў.Умарбеков асари, А.Раҳимов либреттоси) балет-ораториясини ёзди. 1987 йилда «Хива» операси (Э.Самандаров ва Ф.Сафаровлар либреттоси) сахналаштирилди. 2015 йилда “Қилқўприк” камер операсини (А.Слоним либреттоси) ёзди.

Композитор Р.Абдуллаевнинг ижодида симфоник, вокал-симфоник, айниқса, фортепиано мусиқаси асосий ўрин эгаллайди. У симфоник оркестр ва фортепиано чолғуси имкониятларини пухта билганлиги сабабли уларга мунтазам мурожаат қилмоқда. Турли оркестр учун «Симфония», фортепиано ва симфоник оркестр учун 5 та концерт: № 1 (1972й.), № 2 «Наврўз тароналари» (1988й.), № 3 «Тай оҳанглари» (1991й.), № 4 (1995й.), № 5 (1996й.), скрипка ва симфоник оркестр учун Концерт (2012), кашқар рубоби ва симфоник оркестр учун Концерт (2013), виолончель ва симфоник оркестр учун Концерт (2013), 10 та симфоник поэма, Навоийга бағишланган симфоник поэма, украин шоири Т.Шевченкога бағишланган вокал-симфоник поэма, “Ҳижрон” (Зулфия), “Қалб хайқириғи” (Н.Нарзуллаев), “Хиросима” (япон шоирлари шеърларига), “Баҳор” (Зулфия) вокал туркумлари, фортепиано учун бир неча «Прелюдия ва фуга», «Прелюдия ва токката» 9 та вариация, «Полифоник эскизлар», фортепиано учун “Соната”, скрипка, виолончель ва фортепиано учун “Трио”, турли шакл ва ҳажмли пьесалар фикримизнинг далилидир.

Р.Абдуллаев Петербургда бўлиб ўтган «Ёш композиторлар» нинг I - фестивали (1971 й.), «Ёш композиторларнинг II - фестивали» (1976 й.), 1977 йилда Москвада ўтган Ўзбекистон мусиқа ҳафталигида ижрочи сифатида, 1991 йилда Украинада ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлигида ўз асари билан қатнашди. Москвада ўтган мусиқий фестиваль дастурида П.И.Чайковский номидаги Москва консерваториясининг катта залида Белоруссия симфоник оркестри билан 2-фортепиано концертини ижро этишга сазовор бўлди. 1991 йил Швецияда ўтказилган «Швед

кузи» номли фестивалда қатнашди. Буюртмага асосан тай халқ куйлари асосида композитор 3-фортепиано концертини яратди ва 1993 йилда Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусиқа фестивалида ижро этилди. 1994 йил Жанубий Корея буюртмаси асосида ёзилган 4-фортепиано концерти Сеулда ўтган халқаро мусиқа фестивалида ижро этилди ва олқишларга сазовор бўлди. 1995 йили Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган мусиқа фестивалида композитор 5-фортепиано концерти тақдиротини ўтказди. 1996 йили эса шу шаҳарда композитор ўзининг 1-фортепиано концерти билан қатнашди.

Р.Абдуллаев кўшиқ ва романс жанрларида ҳам баракали ижод қилмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ижросида янграган «Тўйларинг муборак» (Н.Нарзуллаев шеъри), «Турон турналари» (Й.Муқимов шеъри), «Ватан» (А.Орипов сўзи), «Хур ўзбек қизиман» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Хуш келибсиз» (Ж.Жабборов сўзи) кўшиқлари, «Соғинч» (О.Матчон шеъри) романи, Дуторчилар ансамбли ижросида «Пиёла» (Э.Воҳидов сўзи), Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов ижросида «Гўзал Ватаним» (Н.Нарзуллаев шеъри), истеъдодли хонанда Ш.Отабоева ижросида «Ўзбекистон» (Ҳ.Олимжон шеъри) ва «Ўзбекистон» (М.Юсуф шеъри) кўшиқлари юқори баҳо олган. Шу билан бир қаторда А.Орипов сўзларига 24 та романс туркуми, Ҳофиз Шерозий сўзларига 6 та романс, Рўдакий сўзларига 6 та романс, «Булбулча» болалар хор жамоаси учун мазмундор ва ширали кўшиқлар яратиб келмоқда. Булар орасида: «Тойчоқ» (Ҳ.Муҳаммад сўзи), «Олам гулга тўлаверсин» (П.Мўмин сўзи), «Қошиқ-қошиқ» (Ҳ.Муҳаммад сўзи), «Офтоб чикди оламга» (Т.Тўла сўзи), «Парвоздаги қушчалар» (М.Мирзо сўзи), «Юртим баҳори» (Ш.Қўшназаров сўзи), «Бойчечак» хор жамоасига «Мустақиллик лолалари», «Дўстлик таронаси» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Шодлик ва тинчлик» (П.Мўмин сўзи) ва бошқалар. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ҳам бир талай жанговар кўшиқлар, дамли чолғулар оркестри учун маршлар яратди. Буюртма асосида корейс куйлари асосида торли кваттет учун 3 та миниатюра яратди

Рустам Абдуллаев турли хил фестиваллар, концерт ва танловларнинг иштирокчиси ҳамда ташкилотчиси, ҳозирги замон ўзбек ва жаҳон мусиқа ижодиёти ютуқларининг тарғиботчиси сифатида танилди. Композиторнинг асарлари АҚШ, Германия, Миср, Россия, Таиланд, Жанубий Корея, Вьетнам, Швеция каби қатор хорижий мамлакатларда муваффақиятли ижро этилди. Масалан,

«Болалар учун альбом» ва «Тай оҳанглари» деб номланган учинчи фортепиано концерти бир неча бор Таиландда, болалар кўшиқлари эса Туркияда янграган.

Композитор Рустам Абдуллаев Ўзбекистоннинг замонавий мусиқа санъати ривожига хизматлари учун 1997 йилда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвонига, 1987 йили Республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

РУСТАМБЕК АБДУЛЛАЕВ (1947)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустамбек Абдуллаев ўзининг илмий ишлари, педагогик фаолияти билан Ўзбекистон мусиқашунослиги ва санъати ривожига ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. У ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё халқлари мусиқа меросини ёритмоқда.

Рустамбек Самиғович Абдуллаев Тошкентда Ўзбекистон халқ рассоми оиласида 1947 йил 13 декабрда туғилди. Болалигидан мусиқага қизиқди ва 1958-1965 йилларда Р.Глиэр номидаги республика мусиқа мактаб-интернатида халқ чолғулари бўлимида таълим олди. 1965-1970 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг тарихий-назарий факультетида доцент А.Коральский синфида таҳсил олди. 1975 йилда эса консерваториянинг аспирантурасини Ф.Кароматов раҳбарлигида тамомлади.

Мусиқашунос Р.Абдуллаев ўқитувчилик фаолиятини талабалик давридан бошлаб 1969-1970 ўқув йилида педагогика билим юртида, 1970-1973 йилларда консерваторияда мусиқа назарияси ва Шарқ мусиқаси кафедраларида ишлади. 1975-1985 йилларда Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида илмий ходим, бўлим мудири, 1985-1987 йилларда М.Уйғур номидаги театр ва рассомчилик институтида илмий ишлар бўйича проректор, 1993 йилдан санъатшунослик институтида катта илмий ходим, 2010 йилдан Ўзбекистон давлат консерваториясида профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Р.Абдуллаевнинг илмий фаолияти ўзбек халқи ва Ўрта Осиё халқларининг мусиқа меросини таҳлил ва тарғибот қилишга

бағишланган. Бу соҳада у «Катта ашула жанри ва унинг ижрочилари» мавзуида номзодлик (1982) ва «Марказий Осиё халқлари маросим мусиқаси» мавзуида докторлик (1997) диссертацияларини ёқлади. «Обрядовая музыка Центральной Азии», «Ўзбек мусиқаси тарихидан хрестоматия» (хаммуаллиф Т.Соломонова), «Народные певцы и музыканты» («Сов. композитор», 1982 йил), «История музыки народов Средней Азии и Казахстана» китобида «Музыка для оркестра народных инструментов» номли қисми, «История узбекской музыки» 3 - жилдида «Фольклор и профессиональная музыка устной традиции» қисми, «Файзулла М.Кароматли» рисоласи нашрдан чиққан.

Р.Абдуллаев 1969 йилдан бошлаб ўзбек анъанавий мусиқа дурдоналари бўлмиш халқ кўшиқлари, дostonлар, катта ашулаларни тўплаш, нотага ёзиб олиш ва кейинчалик илмий ўрганиш мақсадида 1969-1989 йилларда фольклор экспедицияларда қатнашиб Ўзбекистон вилоятлари, Марказий Осиё худудида яшаётган ўзбекларнинг мусиқа меросини ёзиб олди. Фольклор экспедиция материаллари асосида «Ўзбекистон анъанавий мусиқаси» (Ф.М.Кароматли билан ҳамкорликда), «Катта ашула», «Фарғона ҳофизлари» грамафон пластинкалар чоп этилди. Р.Абдуллаев 1975 йилдан бошлаб мусиқий фольклоршунослик муаммоларига бағишланган турли анжуманларда қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига Р.Абдуллаев 1979 йили қабул қилинган. 1985 йили уюшманинг тафтиш комиссияси аъзоси, 1995 йилдан эса унинг раиси. У Санъатшунослик илмий тадқиқот институти илмий кенгаш ва ихтисослашган кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги халқ ижодиёти кенгаши ҳайъати аъзоси.

Рустамбек Самифович Абдуллаев мусиқа маданиятимизнинг ривожланишига кўшган хизматлари учун 2002 йилда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланди.



КАРИМ АБДУЛЛАЕВ **(1901-1977)**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор ва жамоат арбоби Карим Абдуллаев ижодий фаолияти билан республика мусиқа маданиятининг ривожига муносиб ҳисса қўшди. У XX асрда бошланган

янгича мусиқий йўналиш жараёнида биринчилардан бўлиб кўп овозли шакл ва жанрларда ижод қилди, янги-янги мусиқий асарлар яратди.

К.Абдуллаев 1901 йилнинг 12 феввалида Тошкент шаҳрида дунёга келди. Болалигида янги «жадид» мактабларида таълим олди. Мусиқага бўлган қизиқиш уни 1921 йили Тошкент халқ консерваториясига чорлади. Бу ўқув даргоҳида у трубада чалишни ўзлаштирди ва тез орада консерваториянинг дамли чолғулар оркестрида иштирок этди. 1925-1929 йилларда Москва мусиқачи-педагоглар тайёрлаш институти қошида ташкил топган мусиқа-этнография курсларида, 1929-1933 йилларда П.И.Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясининг мусиқашунослик факультетида таълим олди, талабалар симфоник оркестрида қатнашди ва мусиқа басталашда изланди. Бу даврда «Шарқ марши», «Чўпонча», «Гўзал Фарғона» каби фортепиано учун пьесалар, «Мухайяр», «Муножот» ва «Савти муножот» куйлари асосида торли кuartет учун сюита, Машраб сўзига «Келдилар» ва «Жонон қиз» кўшиқларини яратди.

1933 йилда К.Абдуллаев Тошкентга қайтиб, Санъат бош бошқармасининг мусиқа бўлимига раҳбар этиб тайинланади. 1937 йилда Москвада ўтадиган «Ўзбек адабиёти ва санъати» декадасига тайёргарлик ишларини амалга оширишда фаоллик кўрсатади.

К.Абдуллаев 1938-1948 йилларда Ўзбекистон радио кўмитаси мусиқий таҳририятининг бош муҳаррири, Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти директори, Ўзбекистон Маориф вазирлиги мусиқа бўлимининг бош назоратчиси вазифасида меҳнат қилди. 1948-1971 йилларда у Ўзбекистон Маданият вазирлиги қошидаги республика халқ ижодий уйида мусиқа бўлимини бошқарди.

Композитор К.Абдуллаев кўшиқ жанрининг ривожланишига самарали ҳисса қўшди. «Баҳор», «Алла», «Жонона қиз», «Пиллачи аёл», «Муҳаббат ўти», «Дўстлик диёри», «Қуёшли ўлкам», «Менинг ёрим» жўрли ва жўрсиз хор учун «Юксал, Ватаним», «Оналар имзоси», «Ўзбекистон ёшлари», «Ўзбекистон қизлари», «Тинчлик кўшиғи», «Янгича ёр-ёр», «Ҳамкорим», «Аскарлар кўшиғи», «Чўл кўксига боғ ўстирдим», «Дехқонга таъзим», «Далада байрам», «Давр-даврона» каби кўшиқлари муаллифга шуҳрат келтирди.

Композиторнинг ижодий меросида болалар учун кўшиқлар алоҳида ўрин тутади. «Биз — Ўзбекистон болалари», «Биз янги ҳаёт қурамыз», «Ватан кўшиғи», «Арча кўшиғи», «Ўлкам», «Қўғирчоғим»,

«Арғамчи-арғимчим», «Оқ теракми, кўк терак», «Менинг боғчам», «Менинг машинам», «Кичик аскар», «Баҳор келди», «Мактабим» тароналари болаларнинг севимли кўшиқларига айланган.

Композитор ўзбек халқ чолғу оркестри учун бир нечта ракс, марш, пьеса ва сюиталар яратди. Бир қатор халқ куйларини хор ва оркестрға қайта ишлади. К.Абдуллаев ўзига хос мусиқий тили билан катталар учун ҳам, болалар учун ҳам яратган кўшиқлари, оркестрға ёзган асарлари ўзининг ихчамлиги, оддийлиги, миллий рух билан суғорилганлиги ва жозибаторлиги билан тингловчини ўзига жалб қилади.

К.Абдуллаев самарали меҳнати учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони, орден ва медаллар билан тақдирланди.

ОЙДИН АБДУЛЛАЕВА (1976)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига ёрқин истеъдод соҳиби, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, композитор Ойдин Абдуллаева 2000 йилда қабул қилинди. У консерваторияда ўқиб юрган пайтларидан бошлаб ўзига хос «овози» ва жамоатчилик фаолияти билан замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатига кириб келди.

Ойдин Отамуродовна Абдуллаева 1976 йилнинг 6 мартида Тошкентда туғилган. Болалигидан мусиқага қизиқади. 1983-1994 йилларда Р.Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа мактаб-интернатида виолончель синфида ва бастакорлик мутахассислигидан сабоқ олди. 1994-1999 йилларда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида, 1999-2001 йилларда ассистентура-стажировкада А.Мансуров синфида таҳсил олди.

Ўқиш жараёнидаёқ энг яхши асарлар учун талаба-ёшлар ўртасида ўтказилган бир неча танловларда мукофотларга сазовор бўлди. О.Абдуллаева мусиқий танқид ва журналистика билан ҳам шуғулланиб, илмий анжуманларда қатнашиб туради, мақолалари газета ва тўпламларда эълон қилинган. У талабалик давриданок «Мусиқа назарияси» кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади.

О.Абдуллаева 1997 йилда М.Улуғбек номидаги Республика жамғармасининг 1-даражали мукофоти, 1998 йили Республика ёшлар «Камолот» жамғармаси мукофоти, 2000 йилда эса Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. У 2001 йилда Навоий, Зулфия ва Эркин Воҳидовларнинг шеърлари асосида режиссёр Ферудин Сафаров либреттосига «Вафо» опера-ораториясини консерваториянинг опера студия жамоаси ижросида (дирижёр Ғани Тўлаганов) комиссияга ҳавола этиб, консерваториянинг ассистентура-стажировкасини муваффақиятли битирди. Унинг фортепиано учун уч қисмли «Сонатина»си, «Прелюдия ва Токката»си, чанг ва фортепиано учун «Концерт куйи», виолончель учун «Фантазия»си, торли трио учун «Сюита»си, труба ва фортепиано учун «Фантазия»си, дамли чолғулар квартети учун «Вариациялар»и, торли оркестр учун «Поэма»си, баритон ва фортепиано учун У.Хайём рубоийларига беш қисмли туркуми, рубоб-прима ва фортепиано учун «Концерт куйи», симфоник оркестр учун «Поэма-фантазия», саксофонлар квартети учун жаз услубидаги миниатюралари, 4 қисмли торли квартети, симфоник оркестр учун А.Бедилнинг «Комде ва Модан» асари асосида «Севги ҳақида дoston» симфонияси, қашқар рубоби ва халқ чолғулари оркестри учун «Концерт»и, сопрано ва фортепиано учун Зулфия шеърига «Ҳижрон кунларида» ва аёллар хори учун романслари, Ҳамрокул Ризо шеърига «Ёр-ёр» ва Умар Хайём рубоийларига «Келиб кетмоқдамиз...», «Жадидлар хотираси» симфоник поэмаси, 50 дан ортиқ эстрада кўшиқлари тингловчиларга яхши таниш.

О.Абдуллаева театр ва кино мусиқаси жанрларида ҳам фаол ижод қилиб келмоқда. Унинг “Осмоннинг бағри кенг”, “Фариштали аёл” (С.Сирожиддинов асарлари), “Кўнглимнинг кўчаси” (Н.Аббосхон асари), “Тобутдан товуш” (А.Қаҳҳор асари), “Қизи борнинг нози бор” (Х.Расул асари), “Паривашга парвонаман” (Н.Аббосхон асари) сингари мусиқали драма ва комедиялари Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида сахналаштирилган. 2004 йил “Ўзбектеатр” ижодий бирлашмаси томонидан ўтказилган “30+1” замонавий театр спектакллариининг Республика танловида «Энг яхши мусиқали драма учун» номинациясида “Осмоннинг бағри кенг” (С.Сирожиддинов асари) спектаклига ёзган мусиқаси учун ғолиб деб топилган. Ўзбекистон Давлат Миллий академик театрида испан драматурги А.Кассоне асари асосида сахналаштирилган “Дарахтлар тик туриб жон беради”

спектаклига мусиқа басталаган. “Севги фариштаси”, “Ёдгор” телесериалларининг, “Ҳикмат чироғи” номли болалар фильмининг мусиқа муаллифи.

О.Абдуллаева “Ансамбль чолғуларини ўрганиш”, мусиқа ва санъат мактаблари учун “Сольфеджио” ўқув қўлланмалари, “Ёш композитор тарбиясида мусиқий-тарихий фанларнинг ўрни”, “Композиторлик ижодиётида эстрада кўшиғи яратилишининг амалий масалалари” каби мақолалар муаллифи.

О.Абдуллаева ижодий, ўқитувчилик, маърифий-жамоатчилик фаолияти билан республикамиз мусиқий ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда.



УЛБИБИ АБДУЛЛАЕВА (1965)

Истеъдодли композитор ва педагог Улбиби Абдуллаева Нукус шаҳрида 1965 йили туғилди.

1984-1989 йилларда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида проф.Б.Гиенко синфида таълим олди. 1990 йилдан Қорақалпоғистон мусиқа коллежида ўқитувчи, 2000 йилдан мусиқа назарияси бўлими мудир, композициядан дарс бермоқда. 1996 йилда “Нуше” болалар эстрада ансамблини ташкил этиб, давлат тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Композитор У.Абдуллаева қуйидаги мусиқий асарларни яратди: симфоник оркестр учун «Байрам увертюраси» (1985 й), «Орол овози», «Кутдим келмадинг» симфоник поэмалари, “Ўмирбек”, “Роксананинг кўз ёши” балет сюиталари, фортепиано учун иккита прелюдия, вариация, «Баллада», пьеса, “Болалар альбоми”, 3 та романс, болалар учун “Қизил гул”, “Унутма мени”, “Кутдим табарма эдин” каби кўшиқлари, “Салем”, “Топ-топ”, “Амударья” хорларини яратди. 1997 йилда кўғирчоқ театри учун А.Есимбетовнинг “Сехрланган сарой” спектаклига мусиқа басталади. 2005 йилда бастакорнинг 25 та кўшиғидан иборат “Бахтли болалик” муаллифлик тўплами нашр этилди.

САЛИХ АБСАЛЯМОВ (1954)



Истеъдодли композитор Абсалямов Салих Анварбекович 1954 йил 23 августда Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳрида туғилган. Салих 13 ёшидан баян чалишни ўрганган. Ўқиб юрган пайтларида баян ва фортепиано жўрлигида ўзининг сўзига бир неча кўшиқлар басталайди. 1971 йилда унинг оиласи Тошкентга кўчиб келди ва Салих Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультетига ўқишга кирди. 1972 йили Тошкент давлат консерваторияси тайёрлов курсларига кириб А.А.Берлидан композициядан таълим олди. 1974-1979 йилларда композиторлик ихтисослиги бўйича профессор Ф.М.Янов-Яновский синфида таълим олди. 1983-1985 йилларда ассистент-стажёрлик босқичида касб малакасини оширди. 1983 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди. Ўқитувчилик фаолиятини талабалик давридан бошлаб, мусиқа мактабида, сўнгра Р.Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернатида дарс берди.

Салих Абсалямов турли жанрларда куйидаги асарларини яратди: флейта, скрипка, фортепиано учун пьесалар, камонли чолғулар учун кваттет, фортепиано учун 28 та «Прелюдия» ва «Пьесалар», дамли чолғулар учун «Дуэт» туркуми, А.Пушкин, Ю.Лермонтов, Г.Лорка, Бодлер, Маяковский, Р.Бобожон шеърларига романслар ёзди. Фортепиано учун «Сонатина» (Алмати шаҳрида 1976 йили) ва Шекспир сонетларига яратган бешта романс, болалар учун С.Маршак сўзларига ёзган «Болалар қафасда» вокал туркуми, 1979 йилда В.Маяковскийнинг поэмаси асосида саккиз қисмли оратория, 2012 йилда «Севги садоси» мюзиклини яратди.

1981 йилдан Салих Абсалямов Хуан Инес Де ла Круссанинг шеърлари асосида 7 қисмли кантата, «Гаврош» (1981 й.) кўғирчоқ спектаклига мусиқа, ёғочли-дамли чолғулар кваттети учун 5 та пьеса, камер-чолғу оркестри учун «Прелюдия ва фуга» (1983 й.). «Бравый солдат Швейк» симфоник поэмаси (1983 й.), камер чолғулар ансамбли учун 7 та пьеса, 1990 йилда «Тафовус» спектаклига мусиқа, миллий чолғулар учун 8 та «Прелюдия», 1992 йилда «Песня песней» мусиқий спектакли, 1993 йилда камер чолғу ансамбли учун 5 та

пьеса, 1995 йил синтезатор учун 7 та «Прелюдия», 1996 йили фортепиано учун 4 та пьеса, 1997 йил татарча 3 та эстрада кўшиғи, 1997 йилда татар куйлари асосида эстрада пьесаси ва прелюдиялар, 1998 йилда татарча ва ўзбекча бир нечта эстрада кўшиқларини яратди. 2007 йилда “О любви” кўшиқлар туркумини, “1001 кеча” шоу дастурига мусиқа, 2009 йилда “Друзья природы” кўшиқлар туркумини, 2010 йилда “Чархпалак” болалар теледастурига мусиқа, 2012 йилда “Эхо любви” мюзиклини яратди.

ТОЖИГУЛ АДАМБОВА (1931-2009)



Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунослик фанлари номзоди Тожигул Адамбובה қорақалпоқ аёлларидан чиққан биринчи олима-мусиқашунослардан. У халқ мусиқа мероси, бахшилар ижоди ҳамда замондош санъаткорлар фаолиятини ўрганиш ва тарғиб қилиши билан республика мусиқа маданияти ривожига катта ҳисса кўшиди.

Адамбובה Тожигул 1931 йил 20 май куни Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрида дунёга келди. Болалигидан ота-онасидан айрилиб болалар уйида тарбияланди. 1940-1943 йилларда мусиқа мактабининг фортепиано синфида ўқиди. 1943-1950 йилларда Р.Глиэр номидаги Республика мусиқа мактаб-интернатида ўқиди. 1950-1955 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг мусиқашунослик факультетида профессор Я.Б.Пеккер раҳбарлигида таҳсил олиб, «Қорақалпоқ халқ мусиқаси тарихи» мавзuida диплом ишини ёқлади.

Т.Адамбובה 1955 йилдан Нукус шаҳри мусиқа мактабида фортепиано ва мусиқа назариясидан дарс берди, Республика Радио кўмитасининг бадий раҳбари сифатида фаолият юритди.

1959 йили Ўзбекистон фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали Нукус шаҳрида очилиши билан Т.Адамбובה институтнинг санъатшунослик бўлимига ишга таклиф этилди. Мазкур даргоҳда у илмий ходим ва бўлим мудури вазифаларида узок йиллар давомида ишлади. Шу сабабли унинг ижодий-илмий фаолияти шу даргоҳ ва 1966 йилда ташкил этилган Қорақалпоғистон Бастакорлар уюшмаси билан боғланди.

Т.Адамбоева Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолигига 1968 йилда қабул қилинган. Шу йили «Музыкальная культура каракалпакского народа» мавзусида диссертациясини ёқлади ва санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Муסיқашунос Т.Адамбоева халқ муסיқа меросини ўрганиш мақсадида фольклор экспедицияларида қатнашиб машҳур бахшилардан куй, кўшиқ ва дostonларни магнит тасмаларига ёзиб олди, уларни нотага тушириб тўпламлар тузди. Т.Адамбоева «XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқларнинг муסיқий маданияти», XIX асрда яшаб ижод этган машҳур бахши «Мусо Турумoв ҳаёти ва ижодий фаолияти», Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари, бастакор Ж.Шомуротов ва композитор О.Ҳалимовларга бағишланган йирик монографияларни чоп этди.

Узоқ йиллар давомида Т.Адамбоева илмий ишлардан ташқари Қорақалпоғистон Бастакорлар уюшмаси ишларида фаол иштирок этиб келди. Бир неча йил уюшма ҳайъати раиси ҳам бўлди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳайъати аъзоси этиб сайланди.

Тожигул Адамбоева серғайрат илмий-ижодий ва жамоатчилик фаолияти билан муסיқа маданиятига, қорақалпоқ санъатшунослик фанига катта ҳисса қўшди.

ОРЗУ АЗИМОВА **(1948)**



Санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Орзу Азимова ўзининг илмий-назарий китоблари, мақолалари, турли мавзуларда ўқиган маърузалари билан Республика муסיқашунослигининг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Азимова (Рахимова) Орзу Нишоновна 1948 - йил 27 - августда Тошкент шаҳрида туғилган. Орзу болалигидан муסיқага қизиқди ва 1955 - йили В.А.Успенский номидаги Республика махсус муסיқа мактабининг фортепиано синфига ўқишга кирди. 1967 йили мактабни назария бўлими бўйича битирди. Ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг тарихий-назарий факультетига ўқишга кирди ва 1972 йили имтиёзли диплом билан тугатиб, аспирантурада ўқишни давом этирди. 1980 йили

«Музыкальная форма ашула (структурно-типологический анализ)» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

О.Азимованинг меҳнат фаолияти талабалик давридан бошланди. У 1958-1970 йилларда болалар мусиқа мактабида, 1970-1974 йилларда ўзи ўқиган мусиқа мактабида мусиқа назариясидан дарс берди. Диссертацияни ёқлаганидан сўнг консерваториянинг мусиқа назарияси кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. 1992-1996 йилларда мазкур кафедра мудири, 1996-1999 йилларда илмий ишлар бўйича проректор вазифаларида ҳам ишлади. Айни пайтда кафедра профессори сифатида фаолият кўрсатмоқда.

О.Азимова 1983 йилдан буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси. Илмий ишларининг асосий мавзуси ўзбек халқ мусикасининг назарий томонларини таҳлил қилишга бағишланган: «О некоторых закономерностях ладоинтонационного становления в ашула», «О расчленённости в узбекской песенной монодии». Бу мақолалар 1976 йили «Проблемы теоретического музыкознания в Узбекистане» тўпламида чоп этилган. «Ашула жанр узбекской народной песенной лирики», («Звезда Востока» журналы № 1.1978 й.). «Основные принципы организации музыкальной строфы ашула» «Вопросы музыки и эстетики» тўпламида (Т., 1980 й.), «Канон и импровизация в мелодическом формообразовании ашула» 1982 й., «Общие принципы музыкальной организации ашула», «Актуальные проблемы изучения музыкальных культур стран Азии и Африки» тўпламида чоп этилган, («Фан» нашриёти, Т., 1983й.), «К вопросу о сравнительно-типологическом исследовании традиционной музыки» («Вопросы эстетики, истории и теории монодии» Т., 1988 й.).

1989 йили Орзу Азимова «Вопросы синтаксиса восточной монодии (на примере традиционной музыки узбекского, каракалпакского и уйгурского народов)» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Монография «Фан» нашриётида, 1989 йил чоп этилган.

О.Азимова 1999 йилда «Гармония. Назарий курс» ва 2004 йилда “Garmoniya” дарсликларини, 2008 йилда “Диалог культур Центральной Азии: Книга 1. Звуковой мир каракалпаков”, “Диалог культур Центральной Азии: Книга 2. Традиционный музыкальный язык узбекского, каракалпакского и уйгурского народов” илмий адабиётларини, «Замонавий гармония. Ўзбекистон композиторлари ижодида аккордлар таркиби» (ҳаммуаллиф Ш.Ибрагимова) ўқув

қўлланмасини нашр этди. 60 дан ортиқ илмий – услубий ва илмий оммабоп мақолалари нафақат ўзбек ва рус тилларда балки чет тилларда ҳам чоп этилган. **“Shashmakam and Problems of Evolution of the Syntax of monody”** IVth Meeting of the Study Group on Makam of the Istanbul, 1998, **“Same principles of the form construction in maqom and professional genres of traditional Uzbekistan music”** // Maqam Traditions of Turkiye. Peoples. Berlin, 2006, шулар жумласидан.

Муסיқашунос О.Азимова турли йилларда ўтказилган республика ва халқаро муסיқий-илмий конференцияларда қатнашиб, долзарб мавзуларда маърузалар қилиб келмоқда. О.Азимова ўзбек ҳамда Шарқ муסיқасининг муҳим ва долзарб назарий масалаларини мустақил тадқиқ қилиш илмий ишлари билан бирга консерваторияда талабаларга «Гармония», «Замонавий гармония», «Муסיқа шакли», «Сольфеджио» фанларидан ўзбек ва рус тилларида дарс бермоқда. У «Гармония» фанидан ўзбек тилида дарслик яратишга эришди ва китоб ҳолида чоп этилди.

ХОЛМИРЗА АЗИМОВ **(1925-1992)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, моҳир педагог, созанда ва композитор Холмирза Азимов санъаткор бўлиш истагида болалигидан муסיқага қизиқди, шу соҳада машаққатли ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтиб, ўзбек йигитлари орасида илк олий маълумотли пианиночи, кейинчалик композитор сифатида танилди.

Холмирза Файзуллаевич Азимов Наманган шаҳрида дунёга келди. Холмирза беш ёшида отасидан етим қолди. Холмирза 1934 йилда ўрта таълим мактабига, икки йилдан сўнг Наманган муסיқа техникум интернати қошидаги муסיқа мактабининг фортепиано синфига ўқишга кирди. Холмирза мазкур муסיқа мактабида Ленинграддан келган моҳир пианиночи Александр Германович Энгельд билан танишди. 1943-1945 йилларда армия сафига чақирилиб аввал Самарқанд шаҳрида, кейинчалик Харьков пиёдалар ҳарбий ўқув юртида хизмат қилди, лейтенант 1944-1945 йилларда урушда қатнашди. 1946-1949 йилларда муסיқа ўқув юртида ўқишини давом эттирди. 1949-1954 йилларда Тошкент давлат

консерваториясининг фортепиано факультетида профессор Н.М.Яблоновский синфида таълим олди.

Ўқишни битириб консерваторияда умумий фортепиано кафедрасида педагогик ишени давом эттириб умрининг охиригача катта ўқитувчи, доцент ва профессор илмий унвонларида фаолият юритди. 1961-1967 йилларда кафедра мудирини ва сиртки бўлими декани, 1967-1969 йилларда кундузги ижрочилар факультети декани, 1969-1971 йилларда илмий ишлар проректори, 1978-1987 йилларда кафедра мудирини лавозимларида ишлади.

Нозик табиатли, юксак дидли, катта истеъдод соҳиби, мохир фортепиано педагоги Х.Азимов мусиқа басталашга уринди ва профессор Г.А.Мушельдан маслаҳатлар олиб, ўзининг бастакорлик маҳоратини оширди. Севимли фортепиано учун куйлар яратди, ўзбек ва бошқа халқлар куйларини фортепиано учун қайта ишлади. Композитор кўп йиллик ўқитувчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мусиқа мактаблари учун педагогик репертуарни миллий асарлари билан бойитиш мақсадида қуйидаги мусиқий намуналар ва тўпламларни нашр эттирди: «Хрестоматия по общему курсу фортепиано» («Ўқитувчи». Ташкент, 1965 г.); «Фортепианные пьесы композиторов Средней Азии и Казахстана» (Алма-Ата, 1982 г.); «Фортепиано дарслиги» («Ўқитувчи». Ташкент 1971 г.); «Баллада, поэма для фортепиано» («Гафур Гулям», 1978 г.) «Хрестоматия по курсу фортепиано» («Ўқитувчи», Ташкент, 1979 г.); «Рапсодия для фортепиано» («Г.Гулям», 1980 г.); «Сборник детских пьес композиторов Узбекистана» («Сов. композитор», Москва, 1985г.); «Три пьесы из цикла «Невольница» для фортепиано («Г.Гулям», 1987 г.).

1971 йилда биринчи бўлиб ўзбек мусиқаси асосида ўзи яратган «Фортепиано дарслиги»ни чоп этди. Талабчан устоз бу дарсликни умрининг охиригача тўлдириб борди, қайта ишлади ва нашрга тайёрлади. Р.Юнусов композитор Х.Азимов хотирасини ёд этиб, у нашрга тайёрлаган «Фортепиано дарслиги»ни 1998 йилда чоп эттирди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг 1989 йилдан аъзоси Х.Азимов композиторлик ижодида миллий руҳ билан суғорилган «Фортепиано учун 24 пьеса», «Фортепиано учун сонатина», «Фортепиано пьесалар тўплами», фортепиано учун поэма, баллада, рапсодия, 4 қисмли пьесалар туркуми, ноктюрн, 12 та пьесадан иборат ўзбек куйлари асосида басталанган полифоник тўплам,

баркаролла, учта прелюдия, 2 фортепиано учун тўрт қўлда ижро этиладиган 12 та пьеса, скрипка, виолончель ва фортепиано учун трио, виолончель учун иккита пьеса, скрипка ва фортепиано учун 12 та пьеса; альт скрипка ва фортепиано учун «Хаёллар», виолончель ва фортепиано учун поэма, овоз ва фортепиано учун «Баллада» (Б.Бойқобилов сўзи); «Эй гўзал» (Назармат сўзи), «Ўқилмаган хат» (О.Матжон сўзи), «Илтижо» (А.Орипов сўзи) романслари, «Интизор» (М.Қориев сўзи) балладаси, «Тошкент гуллари» кўшиғи (М.Қориев сўзи) ва ўзбек халқ чолғулари учун пьесалар яратди.

Устоз санъаткор Х.Азимовнинг миллий кадрлар тайёрлаш ва ижодий ютуқлари Ҳукумат томонидан муносиб баҳоланган. У 1986 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, орденлар ва медаллар билан тақдирланган.

ТУРСУН АЗИМОВ **(1935-1995)**



Композитор ва мохир ғижжакчи-созанда Турсун Азимов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига 1974 йили аъзоликка қабул қилинди. Унинг турли чолғу жамоалари учун яратган асарлари, айниқса, жозибали кўшиқлари ва чолғу куйлари ижрочилар репертуаридан жой олиб, концерт дастурларида ҳамда телерадио тўлқинлари орқали янграб келмоқда.

Турсун Азимов 1935 йил 1 мартда Тошкент шаҳрида дунёга келди. Болалигидан мусиқага қизиқади. 1954-1957 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида ўзбек халқ чолғулари бўлимида ғижжак чолғуси ва мусиқа назариясидан сабоқ олади. 1957-1959 йилларда «Баҳор» рақс ансамблида, 1969 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Дони Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида созанда бўлиб ишлади. 1961-1970 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида проф.Б.Гиенко синфида таҳсил олиб илк симфонияси билан ўқишни битирди.

Композитор Т.Азимов ижодий фаолиятида кўшиқ ва халқ чолғулари ҳамда оркестр учун асарлар яратишга эътибор берди. Беш қисмли «Меҳнат шодлиги» сюитаси, «Навоий хотираси» поэмаси, тўрт қисмли «Болалар учун сюита»си, «Увертюра», Ю.Ражабий хотирасига бағишланган «Фантазия»си, уч қисмли «Ёшлар сюитаси»,

чанг учун «Концерт»и, ғижжак учун «Концертино»си, «Лирик поэма»си. Пьесалардан қашқар рубоби, най, чанг, кўшнай, гобой; чанг учун «Гўзал диёрим» овоз ва оркестр; қашқар рубоби учун «Дурдона» овоз ва оркестр; гобой учун «Гулзоримни куйлайман» овоз ва оркестр; арабча куй «Мустафо» най ва оркестр учун қайта ишлаган; Бастакор С.Калонов билан ҳамкорликда «Лолазорим» қашқар рубоби, овоз ва оркестр учун ва «Баҳор армуғони» овоз, чанг ва оркестр учун каби асарлар шулар жумласидандир.

Т.Азимов хор, якка овоз ва халқ чолғулари оркестри учун «Ўзбекистон» номли кантата (Б.Исроилов сўзи, 1975 й.); тўрт қисмли «Ёрқин ҳаёт» номли кантата (1978 й.); хор учун кўшиқ «Қанотли ёшлигим» (А.Исроилов сўзи). Хор кўшиқлар «Тошкент бинокорлари (Сайёр сўзи), «Ферма қизлари кўшиғи» (Ҳайдар сўзи) «Шоликор қиз» (Ҳ.Ёкубов сўзи), «Ёшлик таронаси»; «Хиёбондан ўтганмисиз» ва «Янги айёмлар билан» (З.Обиджон сўзлари); «Юлдузингдан ўргилай» (Қ.Махсумов сўзи); «Булбул бўлай», «Вафодорингман» ва «Бир қиз таърифи» (П.Мўмин сўзлари); «Сўлим оқшом» (М.Рихсиев сўзи); «Истасанг» (Отажонов сўзи); «Йиллар таронаси», «Терим таронаси» (А.Пўлат сўзлари); «Кўшиғимиз авжида» (Ғ.Зиёдова сўзи); «Бир қиё боққан билан» (С.Зуннунова сўзи); «Қорақалпоқ қизи» (Миртемир сўзи); «Васли ёр эт» ва «Дилоромим менинг» (Фурқат сўзлари); «Севгилим» (О.Мухторов сўзи); «Ниятимдур-ниятинг» (Б.Исроилов сўзи); «Тановарни тинглагач» (М.Қориев сўзи); «Агар соғинсанг» (Э.Охунова сўзи); «Чин ёр эмиш» (С.Абдулла сўзи) каби кўшиқлари хонандалар репертуаридан кенг ўрин олди.

Т.Азимов «Навоий хотирасига» симфоник поэма; камер симфоник оркестри учун «Скерцо ва Рондо», симфоник оркестр учун «Мавзу ва вариациялар»; камонли чолғулар учун «квартет», фортепиано учун 3 та пьеса ва «Сонатина», дамли чолғулар оркестри учун увертюра, «Тинчлик диёри» ва «Скерцо», икки пардали «Қонли рўмолча» радиоинсценировкаси (М.Қориев асари)га мусиқа; баритон овоз ва фортепиано учун «Олмайсан хаёлингга» романси (З.Обиджон сўзи) ва болалар хори учун бир неча кўшиқлар яратган.

Композитор Т.Азимов нозик туйғулар, қалб кечинмалари куйчиси эди. Унинг барча асарлари, айниқса, жўшқин ва жозибали кўшиқлари ўзининг лирик оҳангдорлиги ва бадий нафосати билан ажралиб туради. Шу билан бирга улар ўзбек халқ мусиқасининг тузилиш ва шаклланиш хусусиятлари билан чамбарчас боғланиб пайваста бўлиб кетган.

ИКРОМ АКБАРОВ (1921-2011)



Ўзбекистон халқ артисти, Республика Давлат мукофоти совриндори, атоқли композитор И.Акбаров ўзининг симфоник асарлари, кантата, оратория, опера, балет, мусиқали драма ва комедия, хор ҳамда эстрада кўшиқлари билан ўзбек мусиқаси равнақига улкан ҳисса қўди. XX асрнинг иккинчи ярмидан республикаимиз профессионал мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнини бу истеъдодли композиторсиз тасаввур этиш қийин.

Икром Илҳомович Акбаров Тошкентда 1921 йил 1 мартда туғилди. Болалигидан мусиқага қизиқишини сезган амакиси Илём Акбаров тавсияси билан Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида фортепиано бўйича таълим олади. Ота-онасининг хоҳиши билан Тошкент педагогика билим юртида ҳам ўқиди. 1939 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга киради. Бу ерда Ю.Фортунатов, С.Василенко, Л.Ревуцкий ва А.Козловский каби атоқли композиторлардан сабоқ олди.

Икром Акбаров консерваторияни муваффақиятли тугатгандан кейин Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида мусиқа назариясидан дарс бера бошлайди. У ўз билимини янада бойитиш ниятида 1946 йили Ленинград давлат консерваториясига ўқишга киради. Унинг бу шаҳарда саккиз йил мобайнида ўтказган талабалик ва аспирантлик ҳаёти мутахассисликни пухта эгаллашда ва маънавий озуқа олишда жуда ҳам сермазмун ўтди. У консерватория профессорлари М.Штейнберг, Б.Арапов, В.Волошиновлардан олган сабоқлари зое кетмади. Улар раҳбарлигида И.Акбаровнинг турли чолғуларга, ансамбль ва оркестрга ёзган мусиқий асарлари ёш ижодкор учун катта тажриба мактабини ўтади.

1954 йилда композитор Ленинграддан ватанига қайтиб, Тошкент давлат консерваториясида муаллимлик қилди, 1957 йилдан умрининг охиригача фақат ижод билан шуғулланди. 1954 йилда Ҳамзага бағишлаб яратган «Шоир хотираси» симфоник поэмаси композиторга шуҳрат келтириши билан унинг ижодий фаолиятида бурилиш ясади.

И.Акбаров симфоник ва вокал-симфоник жанрларда бадиий

баркамол асарлар яратди. Унинг «Ўзбекча сюита»си (1956 й.), «Эпик поэма»си (1962 й.), Р.Тагорнинг «Почта» номли сахна асарига (1963 й.) ёзган сюитаси, Самарқанд шахрининг 2500 йиллик юбилейига атаб ёзган «Самарқанд хикоя»лари, «Орзу» балети асосида ёзган «Симфоник сюита»си, «Наврўз» номли балети асосидаги симфоник сюитаси, «Рақс», фортепиано ва «Симфоник оркестр учун концерт»и ва 1962 - йил яратган скрипка ва симфоник оркестр учун концерти ёрқин мисол бўла олади.

Композитор эришган ижодий ютуқлари унинг вокал-симфоник, кантата ва оратория асарларида ҳам намоён бўлди. Масалан; К.Яшин сўзига «Хамза» номли (1962) вокал сюитаси, Ҳофиз сўзига «Баллада»си (1961), М.Шайхзода сўзига «Тошкентнома» ораторияси (1964), Алишер Навоийнинг «Хамса»си асосида ёзилган шу номли кантата (1969), Берунийнинг 1000 йиллик юбилейига бағишлаб О.Матчон сўзига «Абадият» балладаси (1973), Т.Тўла сўзига «Зафарнома» вокал симфоник поэмаси (1972), Дм.Полинин сўзига ёзган «Дўстлик» вокал симфоник поэмаси (1972), Ҳ.Олимжон, Ж.Жабборов, Ҳ.Ғулом, Т.Тўла сўзларига «Менинг шаҳрим» кантатаси (1983), Ҳ.Олимжон ва Ҳ.Ғулом сўзларига ёзган «Мангу хотира» ораторияси (1985) ўзига хослиги ва бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради. Бу асарларда композиторнинг Ватанимиз тарихини, буюк аждодларимиз сиймоларини, ўлкамиз гўзал табиатини баралла тараннум этган.

Икром Акбаров республикада балет ва опера жанрлари ривожланишига ҳам катта эътибор қаратди. У 1959 йили «Орзу» (Г.Измайлова ва Б.Завяловлар либреттоси) номли илк балети, 1964 йили «Нигор» (Аболимов либреттоси), 1968 йил бир пардали «Лайли ва Мажнун» (Г.Измайлова либреттоси), 1968 йил «Наврўз» балетлари (Г.Измайлова ва Р.Фарҳодийлар либреттоси) билан сахна рақс санъатининг ривожланишига ўз хиссасини қўшди. 1973 йили композитор «Сўғд элининг қоплони» (Б.Зокиров либреттоси), 1998 йилда «Ибтидо хатоси» (Э.Шукур либреттоси) «Жалолиддин Мангуберди» (М.Шайхзода) операларини яратди.

Композитор И.Аkbаров мусиқали драма ва комедиялар басталаб, шу жанрларнинг ривожланишига баракали ҳисса қўшди. У 1969 йил З.Фатхулин пьесаси асосида «Кумуш тўй»; 1969 йили Т.Тўла пьесаси асосида «Қиз булоқ»; С.Азимов пьесаси асосида «Юлдузларни кўраман»; Чингиз Айтматовнинг «Момо ер» асари асосида Т.Тўла либреттоси асосида 1965 йил мусиқали драма,

Г.Лорка пьесаси асосида 1973 йил «Қонли тўй», И.Султон пьесаси асосида 1985 йил «Кумуш шаҳарнинг маликаси» мусикали драмалари; Ж.Жабборов пьесалари асосида «Ўжарлар» (1973), «Тўйдан олдин томоша» (1983), «Йиллар ўтиб» (1975) комедиялари учун ёрқин мусиқа басталади. Мазкур сахна асарларининг ғоявий мазмунидан, воқеаларнинг ривожидан, қаҳрамонларнинг рухий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда мусиқий образлар яратди. Бу асарлардан ташқари драмаларга ҳам мусиқа басталади: «Почта» (Р.Тагор пьесаси), «Замон драмаси» (С.Азимов пьесаси), «Йўлчи юлдуз» (К.Яшин пьесаси), «Табассум ўғрилари» (Шукрулло пьесаси).

Композитор ўзининг дилбар кўшиқлари билан халқимиз ўртасида машҳур бўлди. Айниқса, атоқли эстрада хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров учун махсус ёзилган ва илк бор янграган «Раъно» (С.Акбарий сўзи), «Газли», «Маҳбубга», «Кетма, Нигор», «Қайдасан» (Т.Тўла сўзлари), «Ёр кел», «Кўшчинор» (Ҳ.Ғулом сўзлари), «Қор ёғар» (С.Зуннунова сўзи), «Баҳор фасли» (Б.Зокиров сўзи), «Азизим» (У.Рашид сўзи), «Лолазор чорлайди» (Ж.Жабборов сўзи) эстрада кўшиқлари кенг қанот ёзди. Унинг «Юлдуз» (Зулфия шеъри), «Хаёлимда бўлдинг узун кун» (Ҳ.Олимжон шеъри), «Ўйлайсанми» (Ҳ.Муҳаммад шеъри), «Ойдин кечада» ва «Бир гал келганлигинг шодлик табассум» (Уйғун шеърлари), «Гуллаган ёшлик чоғимда» (Ҳ.Олимжон шеъри), «Ўзга» (Т.Тўла сўзи), «Келгин» (Миртемир шеъри) кўшиқлари жамоатчилик эътиборини қозонди.

Икром Акбаров кинофильмларга ёзган мусиқаси, романслари лирик ҳис-туйғуларни ифода этади: «Ҳамза» (1961 й. реж. З.Собитов), «Синчалак» (1961й. реж. Л.Файзиев), «Сен етим эмассан» (1962 й. реж. Ш.Аббосов), «Осиё устида бўрон» (1964 й. реж. К.Ёрматов), «Қора консулнинг ҳалокати» (1970 й. реж. К.Ёрматов), «Икки дил достони» (1966 й. реж. К.Ёрматов), «Гулбаҳор» (1956 й. реж. Й.Аъзамов) «Иккинчи гуллаш» (1959 й. реж.Л.Файзиев), Шунингдек, композиторлар М.Бурҳонов ва М.Левиёвлар билан «Мафтунингман» (1958 й. реж. Й.Аъзамов) ва «Орол балиқчилари» (1957 й. реж. Й.Аъзамов) фильмларига мусиқа басталаган.

Композитор камер-чолғу жанрларини ривожлантиришга катта улуш қўшди. Унинг фортепиано, скрипка, виолончель, айниқса, турли ансамбллар учун яратган асарлари машҳурдир. Композитор “Оркестр ва тор учун пьеса”си, Ҳ.Шарипов сўзига басталаган «Тўйлар муборак» номли 5 қисмли вокал-сюитаси, болалар учун

турли мавзуларда яратган кўшиқлари халқ олқишига сазовор бўлди. Икром Акбаровнинг турли жанрларда яратган энг яхши асарлари XX аср ўзбек мусиқа маданиятининг жиддий ютуғи, мумтоз намуналари қаторидан ўрин олди.

Икром Акбаров Ўзбекистон мусиқа маданиятининг ривожланишидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» (1964 й.), «Ўзбекистон халқ артисти» (1981 й.) фахрий унвонлари билан тақдирланган. 1977 йилда Республика Давлат мукофотиغا, 1999 йилда «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлган.

ИЛЁС АКБАРОВ **(1909-2002)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Илёс Акбаров республикамиз мусиқа маданиятининг йирик вакилидир. Бастакорлар уюшмасига тамал тошини қўйган авлодга мансуб эди. Узоқ йиллар давомида китоб ва дарсликлар, турли мавзуда илмий мақолалар ва тақризлар, ўзбек тилида илк изоҳли мусиқа луғатини тузган, мусиқий-фольклор экспедицияларида иштирок этиб, 9 жилдлик «Ўзбек халқ мусиқаси» нота тўпламларига муҳаррирлик қилди. Шунингдек, Тошкент консерваториясида 50 йилдан ортиқ муаллимлик меҳнати билан республикамиз XX аср мусиқа санъати, таълими ва илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Илёс Акбаров 1909 йил 5 майда Тошкентда туғилди. Жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан Мунаввар Қорининг ҳовлисида очилган «Мухторият» номли мактабда ўқиди. Сўнгра педагоглар тайёрлайдиган техникумда сабоқ олди. Болалигидан мусиқага қизиққанини сезган Мунаввар Қори маслаҳати билан Илёс Акбаров 1927 йили Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга киради. Бу даргоҳда у машҳур созанда Абдусоат Ваҳобовдан дутор чалишни, танбурчи ва ҳофиз Шораҳим Шоумаровдан танбур чертишни ўзлаштирди. Иқтидорли талаба шу ўқув юртида 1930 йилдан бошлаб мусиқий назарий фанлардан дарс бера бошлади. Ўқишни 1932 йили битиргач Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида илмий ходим, 1943-1948 йилларда эса директор вазифасида ишлади.

1936 йилда ташкил топган Тошкент давлат консерваториясига И.Акбаров биринчилардан бўлиб мусиқашунослик факультетига ўқишга кирди. Бу ерда В.А.Успенский, В.А.Фортунатов, В.А.Цуккерман, Я.Б.Пеккер каби устозлардан сабоқ олди. 1943 йилда уни консерватория раҳбарияти ишга таклиф қилди ва шу даргоҳда мусиқа назариясидан дарс бериб, профессор даражасигача кўтарилди. 1963-1992 йилларда Акбаров мусиқа назарияси кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди.

У 1931 йили В.А.Успенский ва Е.Е.Романовскаяларнинг Фарғона водийси бўйича фольклор-этнографик экспедицияда Х.Муҳамедова билан биргаликда қатнашган, Хоразм воҳаси бўйича (1935 й.) Е.Е.Романовская раҳбарлигида, 1937-1939 йилларда яна Фарғона водийсига сафар қилишади. 1946 йили Андижон вилоятига Х.Муҳамедова билан ҳамкорликда ва 1959, 1960 йилларда яна Андижон вилоятига М.Аҳмедов билан ҳамкорликда фольклор экспедициялар ташкил қилиб, созанда ва хонандалар ижросида юзлаб халқ ва мумтоз мусиқа намуналарини магнит-тасмаларига ёзиб олиб, кейин уларнинг айримларини нотага олишган. Бу экспедицияларда орттирган тажрибаси 1950 йилларда Ўзбекистон халқ артисти Академик Ю.Ражабий тўплаб нотага олган беш жилдлик «Ўзбек халқ мусиқаси» тўпламларига муҳаррирлик қилишида кўл келди. И.Акбаров таҳрири остида М.Юсупов ва О.Ҳалимовлар томонидан тўплаб нотага ёзиб олган «Хоразм мақомлари» (6 том) «Хоразм ашулалари» (7, 9 томлар), «Қорақалпоқ кўшиқлари» (8 том) нашр эттирилди. 1980 йилларда эса М.Юсупов томонидан «Хоразм мақомлари» қайта тайёрланган уч жилдлик тўплами ҳам И.Акбаров таҳрири остида чоп этилди. Навоий, Муқимий ва Фурқат ғазалларига басталанган ашулалар нотасини икки жилдлик тўплам сифатида тайёрлади ва 1949, 1952 йилларда чоп эттирилди.

И.Акбаров ижодий фаолиятида ёш авлодларнинг мусиқий саводини ўстиришга катта эътибор бериб, кўп йиллар давомида М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясида маърифий ишларни олиб борди. Умумтаълим мактабларида мусиқа дарсларини такомиллаштириш борасида С.Ҳайитбоев ва Т.Ҳусаиновлар билан ҳамкорликда дастурлар ва дарсликларни яратди, услубий қўлланмалар тузди.

И.Акбаров 1934 йили болалар театрида сахнага қўйилган «Ёрилтош» спектаклига мусиқа басталади, болалар учун қатор кўшиқлар яратди. И.Акбаров ўзбек бастакорларидан Тўхтасин

Жалилов, Юнус Ражабийлар билан дўстона муносабатда бўлиб, уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари тўғрисида «Тўхтасин Жалилов» («Ғ.Ғулом», Т., 1978 й.) ва рус тилида «Юнус Ражабий» (Изд. «Сов.композитор» М., 1982 г.) китобларни ёзиб чиқарди. Бастакорлар уюшмаси ҳайъатининг аъзоси ва Муסיқа фонди ҳайъати раиси сифатида узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатди.

И.Ақбаров 1956 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, 2000 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва бошқа орден, медаллар билан тақдирланган.

БАХТИЁР АЛИЕВ **(1938)**



Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, созанда ва бастакор Бахтиёр Алиев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1991 йили қабул қилинган. Етакчи созанда кўп йиллар давомида «Баҳор» ансамбли ижро репертуарини ўзбек ва бошқа халқлар муסיқаси, замондош бастакорлар ва ўзи яратган рақс куйлари, кўшиқ ва яллалари билан бойитиб келди.

Бахтиёр Алиев 1938 йил 26 майда Тошкент шаҳрида туғилди. Муסיқага қизиқишини сезган ота-онаси марказий муסיқа мактабига ўқишга бердилар. 1952-1956 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртининг чанг синфида илк устози Аҳмад Одировдан сабоқ олди. 1956 йилда Тошкент давлат консерваториясида профессор Б.Ф.Гиенко синфида икки йил композиторлик бўлимида ўқиди.

Бахтиёр Алиев меҳнат фаолиятини 1955 йилда машҳур раққоса ва балетмейстер М.Турғунбоева билан биргаликда «Баҳор» рақс ансамбли ташкил этилиши билан бошлади ва кўп йиллар давомида шу ансамблда фаолият юритди. 1980-1990 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ўқиди ва ишлади. 1991-1996 йиллари «Туркистон дурдонаси» рақс ансамблига раҳбарлик қилди, ижоди ва ижрочилик фаолияти «Баҳор» рақс ансамбли билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Ўтган йиллар давомида у турли мавзуларда замондош шоирлар Т.Тўла, П.Мўмин, А.Пўлат, З.Нуруллаев, Ҳ.Яҳёев, Н.Нарзуллаев, З.Обидов, Ё.Мирзо, Назармат,

А.Орипов, Ў.Рашид, Ш.Умаров, Ю.Ҳамдам ва бошқаларнинг сўзларига кўшиқ, ялла, вокал-рақс сюиталар яратди. Шу жумладан: «Маконим Ўзбекистон», «Ўзбекистон гуллари», «Ялла айтайин», «Тавоис», «Сумалак», «Дўстлик вальси», «Баҳор ўйнасин», «Сенсиз», «Гулдаста», «Гулсанам», «Гулбаҳор», «Ўзбекистон қизлари», «Эркалаб», «Қирқ қиз», «Оқ олтин», «Зардўз», «Духтари лола», «Табассум», «Бахт кўшиғи», «Дада гул», «Нозанин», «Бадахшон қизи», «Интизор», «Кўзларингни яширма», «Хаёлимдасан», «Наврўз», «Дил ноласи», «Ўзбекистон юлдузлари», «Уйғонибди лолалар», «Нилуфар», «Мукаррамахоним ўйнасин», «Она», «Тошкент гўзали», «Кўнглим ноласи», «Баҳор нашидаси», «Бахтиёр ёшлик», «Дўстлик абадий қолур», «Ватанга жон туташган», «Тўй бугун». Унинг куйларига қўйилган рақсларни машҳур раққосалардан Мукаррама Турғунбоева, Галина Измаилова, Клара Юсупова, Гулнора Маваева, Маъмура Эргашева, Қизлархон Дўстмуҳаммедова, Дилафруз Жабборова, Тамара Юнусова, Раъно Низомова, Малика Қаландарова, Валентина Романова, Малика Аҳмедова, Гулчеҳра Фозилжонова, Гулнора Жўраева, Ўғилой Муҳаммедова, Равшаной Шарипова, Ноила Ботирова, Зулайҳо Раҳматуллаевалар ижро этишган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси учун эълон қилинган танловда Б.Алиев ҳам қатнашиб, А.Орипов шеърига яратган мадҳияси учинчи мукофотга сазовор бўлган.

Бахтиёр Алиев замонавий ўзбек кўшиқчилиги ҳамда рақс санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун муносиб тақдирланган: 1973 йили Давлат мукофоти лауреати, 1974 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1982 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари, 2001 йили «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланган.

ФАРҲОД АЛИМОВ **(1947-2014)**



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Фарҳод Алимов ўзбек мусиқа санъатининг забардаст вакилларидан биридир. У ёрқин ижодий фаолияти билан XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига кириб келди. Тез орада

унинг ранг-баранг, жўшқин ва жозибали кўшиқлари, ўзбек халқ чолғу оркестрига ва театр учун ёзган асарлари билан мусиқа шинавандалари қалбидан жой олиб, замонавий мусиқа санъати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Алимов Фарҳод Ғуломжон ўғли 1947 йилнинг 23 октябрида Тошкентда дунёга келди. 1959-1965 йилларда Р.Глиэр номидаги республика мусиқа мактаб-интернатида ғижжак чолғусида О.Холмухамедов синфида ўқиди. 1965-1970 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида таҳсил олди ва Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига созанда бўлиб ишга кирди. Оркестрда ишлаб юрган пайтларида мусиқа басталашга интилиб, кўшиқ ва куйлар ёза бошлади.

Композиторлик малакасига эга бўлиш учун 1972 йили консерваториянинг тайёрлов курсларида, сўнгра асосий босқичда Б.Гиенкодан таълим олди. 1975 йилдан бошлаб А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида катта ўқитувчи, 1993 йилдан доцент лавозимларида ишлади. 1995 йилдан Тошкент давлат консерваторияси оркестр дирижёрлиги кафедрасида доцент, 2007-2013 йилларда бастакорлик ва чолғулаштириш кафедрасида профессор лавозимида фаолият юритди.

Ф.Алимов мусиқа санъатининг деярли барча жанрларида самарали ижод қилмоқда. У яратган симфония, овоз ва симфоник оркестр учун концерт, «Мафтунингман, Тошкент» (Н.Нарзуллаев сўзи) вокал-хореографик поэмаси, «Она сайёрани асранг» (Н.Нарзуллаев сўзи) кантатаси, «Ибн Сино ҳаётидан лаҳзалар» симфоник поэмаси, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Шодиёна», «Табрикнома» ва «Тўёна» увертюралари, «Концерт», камер оркестр учун сюита, торли квартет, жўрсиз хор учун Навоий рубоийларига «Муҳаббатнома» туркуми, Бобур рубоийларига «Дил садоси» туркуми каби асарлари ўзининг мазмундорлиги, миллий руҳи ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Ф.Алимов 1990-йилларда сахна асарларга мусиқа басталашда катта ютуқларга эришди. Масалан, «Муҳаббатнома», «Бахшида» номли балетлар унинг дастлабки асарлари ҳисобланса, Муқимий номидаги мусиқали театр учун ёзган «Юсуф ва Зулайҳо» (Р.Бобожон пьесаси), «Фотима ва Зухра» (Ў.Умарбеков романи асосида Р.Маъдиев пьесаси), «Нодирабегим» (Т.Тўла пьесаси, 1992й.), «Девона» (Р.Маъдиев пьесаси, 1995й.), «Сойибхўжа операцияси»

(С.Имомов пьесаси, 1996й.), «Супер қайнона -1, -2» (С.Имомов пьесалари, 1999,2002й.), «Ўлдинг, азиз бўлдинг» (Х.Хурсандов пьесаси), «Муҳаббат туйғуси» (С.Имомов асари), «На фалакман, на малак». (Н.Қобул асари), «Оқ кабутар» (О.Ҳакимов асари), “Алла” каби мусикали драма ва комедиялари композиторга шуҳрат келтирди.

А.Ҳидоятлов номидаги драма театри учун «Қаллоблар» (Маринье асари), «Бир эшак ҳангомаси» (Ф.Дюрренмат асари) мюзикл, «Пайванд» (Пиранделла асари), «Ғаройиб оқшом» (Тофик ал-Ҳаким асари), «Чеча» (М.Юсуф пьесаси), «Қирол Лир» (Шекспир асари), «Электра» (Софокл асари) спектакларига мусиқа басталади, «Наврўза» (Антакольский асари), «Ассалому алайкум, қизлар» (Цигарелли пьесаси), «Сехрли ҳасса» (М.Алиева асари) мюзикллари яратди.

Композитор Ф.Алимов 1990-йилларнинг иккинчи ярмида «Меҳробдан чаён» (А.Қодирий асари), «Юсуф ва Зулайҳо» (Р.Бобожон асари) бадий ва видеофильмларига, «Самарқанд обидалари ва музейлари», «Ватан бизники, қаторда бормиз», «Санъат мактаби» каби ҳужжатли фильмларга мусиқа яратди.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри ва эстрада хонандалари учун «Сен менинг Ватанимсан», «Бухорога қайтинг, лайлақлар», «Хайр, Самарқанд» (Хуршид Даврон сўзлари), «Марҳабо» (Я.Қурбон шеъри), «Аскар йигит» ва «Оҳангга тўлсин» (Б.Исроилов сўзлари), «Фасли баҳор эсингдами» ва «Муборак бўлсин» (Н.Нарзуллаев шеърлари), «Севишганлар» (Анвар Ҳожи шеъри), «Бибихонингман» ва «Футбол» (У.Азим шеърлари), «Ўзбекистоним сенга» ва «Сен қайдан биласан» (А.Орипов шеърлари), «Севдим деганларинг ёлғондир» ва «Йироқлашдим» (Чўлпон шеърлари) каби 100 дан ортиқ кўшиқлар яратди.

Болалар учун «Сарик жўжаларим» (О.Пўлатов шеъри), «Ойижоним алласи», «Яшасин, дўстлик», «Ёз фасли» (Т.Махмудов шеърлари), «Посбон йигит» каби кўшиқларини ёзди.

Композиторнинг асарлари АҚШ, Франция, Германия, Испания, Миср, Хитой ва бошқа чет давлатларда муваффақиятли ижро этилди.

Ф.Алимов ўзбек мусиқа ривожига қўшган ҳиссалари Ҳукумат томонидан муносиб баҳоланди ва 2007 йилда “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” Фахрий унвони ва “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

ДИЛОРОМ АМАНУЛЛАЕВА (1959)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Дилором Амануллаева Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1989 йили эстрада кўшиқлари ва бошқа асарлари билан кириб келди. У ўзининг ижодий фаолияти билан республика мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнига самарали ҳисса қўшиб келмоқда.

Амануллаева Дилором Дарвиновна Тошкентда 1959 йилнинг 1 октябрида мусиқачилар оиласида туғилди. Дилоромнинг қалбига она аллалари билан мусиқий мўъжизалар кириб келди. Қобилиятли қизча В.Успенский номидаги махсус мусиқа мактабининг фортепиано синфида ўқий бошлади. 12 ёшидан эса кўшимча тарзда профессор Б.И.Зейдман синфида композициядан ҳам сабоқ олди. Илк асарлари орасида торли оркестр, урма чолғулар ва фортепиано учун 5 қисмли сюитасини миллий симфоник оркестр ижро этди. В.Неймер дирижёрлигида янграган асарни мусиқа жамоатчилиги яхши кутиб олди.

Дилором Амануллаева 1978 йили мактабни муваффақиятли битириб, Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида профессор Б.И.Зейдман синфида ўқишни давом эттирди. Талабалик даврида ёзган асарлари орасида Ҳамза хотирасига бағишланган фортепиано учун «Соната №1» (1978 й.); «Самарқанд манзаралари» 5 қисмли сюита (1980й.); Соната № 2 (1983й.); Б.Бойқобуловнинг шеърларига 1981 йили бир нечта романслар ва 3 қисмли торли кваттет (1982й.), флейта ва фортепиано учун «Помир эскизлари» полифоник пьесаси мавжуд. Б.И.Зейдман вафот этганидан сўнг Д.Амануллаева Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Р.Дж.Вильданов синфида ўқишни давом эттирди. 1984 йил симфония № 1 ва фортепиано учун соната № 2 тақдим этиб, консерваторияни имтиёзли диплом билан битирди.

Ёш мутахассис йўлланма билан Гулистон санъат билим юртида 1984-1986 йилларда мусиқа фанларидан дарс бера бошлади. 1985 йилнинг июль ойида Москвада ўтган XII халқаро ёшлар фестивалида композиторнинг флейта ва фортепиано учун ёзган «Помир эскизлари» пьесаси ижро этилди. 1986-1990 йилларда Д.Амануллаева

консерваторияда профессор Т.Қурбонов синфида ассистент-стажёр сифатида сабоқ олди» сўнгра 1990-1993 йилларни консерваторияда «Бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси»да ўқитувчи бўлиб ишлади. 1993-2002 йилларда В.А.Успенский номидаги махсус мусиқа мактабида ўқитувчи, композиторлик бўлими бошлиғи, 2002 йилдан Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада бўлими бошлиғи, доцент, профессор в.б. лавозимларида ишлаб келмоқда.

Д.Амануллаеванинг ижодий фаолиятида замонавий эстрада кўшиқчилиги санъати устувор туради. У замондош шоирлардан У.Азимов, З.Обидов, Ж.Жабборов, Ё.Мирзо, П.Мўмин, У.Ўтаев, М.Омон, Б.Ражаб, Н.Нарзуллаев, Ю.Суюнов, Э.Мадраҳимов, З.Мўминова, Ҳ.Худойбердиева ва бошқаларнинг сўзларига, турли мавзуларда 100 дан ортиқ кўшиқлар яратди. Улар орасида «Мен сени ҳеч кимга бермайман», «Ёмғир ёғди», «Саратон», «Сиз ёққансиз менга ҳамиша», «Икки дарахт», «Сен қайдасан», «Азизим», «Бахтиёрим», «Яшнайвер, Ўзбекистон», «Қора атлас», «Армон бўлмасин», «Кўнглим қуши кўлингда», «Йиғлама», «Ёлғон дунё», «Оташ замон», «Билсанг эди» ва бошқалар эстрада хонандалари К.Раззоқова, К.Қаюмов, М.Ойнакулова, А.Раҳимова, Р.Бўронова, ака-ука Саидориповлар ижроларида машҳур бўлди. Композитор турли ёшдаги болалар учун ҳам кўп кўшиқлар басталади. Унинг кўшиқлари телерадио тўлкинларида доимо янграб келмоқда. 1994 йили шоира Нодира ғазалларига 2 та романс ёзди.

Д.Амануллаева мусиқа санъатининг бошқа жанр ва шаклларида асарлар яратди. Жумладан, 1987 йили Симфония № 2; 1989 йили фортепиано ва симфоник оркестр учун концерт; 1993 йил «Бахтномамиз таронаси» ва 1994 йил «Истиқлол мадҳияси», хор ва оркестр учун турк халқ кўшиқлари асосида “Сюита”, хор акапелла, солистлар, флейта ва дойра учун “Кўнгил соҳили” – 3 – симфонияси (2002). У қуйидаги камер-чолғу мусиқа асарлари муаллифидир: 1982 йили Б.И.Зейдман хотирасига бағишлаб торли кваттет яратди. 1983 йили торли кваттет № 2; 1992 йили фортепиано учун соната №3, 1990-1995 йиллари фортепиано учун «Болалар альбоми», бешта кичик пьеса; «Речитатив ва токката»; Токката №2; «Ёмғир», «Бекинмачоқ ўйин»; «Карвон» ёш пианиночилар иккинчи тўпламига киритилган. 1985-1993 йилларда «Кичкинтойлар учун мусиқа» болалар боғчалари учун 20 та кўшиқ ва 30 та рақс куйлари киритилган тўплам; 1992 йили «Топишмоқ айтишув» 6 та кўшиқдан иборат туркум, шоир П.Мўмин шеърларига боғча болалари учун ва

худди шундай «Топишмоқ кўшиқлар» 10 та кўшиқдан иборат туркум; 1994 йили «Алифбо кўшиқлари» биринчи синф учун лотин алифбосининг ҳар бир ҳарфига 30 та кўшиқ тўплами П.Мўмин шеърларига ёзилган. Зикр қилинган асарларни Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Булбулча» хор жамоаси эстрада симфоник оркестри жўрлигида ижро этиб келади. Шу билан бирга уларнинг клавирлари нашр этилган. Шунингдек, у 1997 йилда У.Азим шеърига «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали мадҳиясига мусиқа басталаган.

Мусиқа санъатида мураккаб жанрлардан ҳисобланган Мадҳия Д.Амануллаева ижодида муҳим ўрин эгаллайди. Миллий ва замонавий руҳда яратилган Миллий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг Мадҳияси (И.Жиянов шеъри, 1997й.), Президент ҳузуридаги Давлат ва Қурилиш Академияси Мадҳияси (Н.Комилов шеъри, 1998й.) Миллий театр Мадҳияси (У.Азимов шеърлари, 2001й.), «Тошкент Мадҳияси» (И.Жиянов шеъри, 2002), Байналминал маданият маркази Мадҳияси, Кураш ассоциацияси Мадҳияси (И.Жиянов шеъри, 2003) композиторнинг бу соҳада етук ва профессионал ижодкор сифатида гавдаланганлигидан далолат беради. Айниқса, «Шарқ тароналари» ва «Тошкент Мадҳияси» ўзининг ёрқин миллийлиги, оригиналлиги, замонавийлиги ва кўтаринки руҳда ёзилганлиги билан ажралиб туради. Шунинг қаторида композиторнинг ватанпарварлик мавзусида яратилган «Зарралари зар ватан», «Туғилган кунинг муборак бўлсин» (Ж.Жабборов шеърлари); «Бир-бирингни асра, ўзбегим» (С.Тўйчиева шеъри), «Сен менинг ватанимсан» (Х.Даврон шеъри), «Тўйларинг муборак» (Н.Нарзуллаев шеъри), «Ўзбекистон» (М.Омон), «Азиз бўстон — Ўзбекистон» (М.Мирзо), «Хумо қушим» (П.Мўмин), «Наврўзим» (Ш.Қурбон), «Ўзбекистон ватаним маним» (М.Жабборов) каби 30 дан ортиқ кўшиқлари Республика танловларида, давлат тадбирларида кенг ижро этиб келинмоқда.

Дилором Амануллаева Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига кўшиб келаётган ҳиссалари Ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган. 1996 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», 2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” фахрий унвонлари, 1998 йили «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. У «Офарин» мукофоти соҳиби, «Ўзбекистон — Ватаним маним» ва бошқа танловлар совриндори.

СУЛТОН АНВАРОВ (1941-2006)



Султон Анваров XX асрнинг 70-йилларида ўзининг ёрқин, жозибали кўшиқлари билан республика мусиқа жамоатчилигига танила бошлади. У 1977 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилиниб, шу даврдан бошлаб халқчил миллий руҳ билан суғорилган турли жанрларда ижод қилди, кўшиқ жанрига алоҳида эътибор берди.

Анваров Султон 1941 йил 28 февралда Мирзачўл шаҳрида дунёга келди. У болалигидан мусиқага қизиқиб, мусиқа мактабида ғижжак чалишни ўрганди. 1958-1963 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимида А.А.Малахов ва С.А.Вареласлардан композиторлик бўйича сабоқ олди. 1963 йилдан Қарши шаҳридаги мусиқа мактабида дарс берди. 1964 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирди. Ҳарбий хизматни ўтаб, С.Анваров 1967 йилдан консерваторияда профессор Г.А.Мушель синфида ўқишини давом эттириб 1972 йилда тугатди. 1972-1974 йилларда Қарши шаҳар маданият техникумида мусиқадан, 1974-1977 йилларда Тошкентдаги 3-сон болалар мусиқа мактабида мусиқа назариясидан дарс берди. 1977-1978 йилларда М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси қошидаги «Гўзал» ансамблининг бадиий раҳбари бўлиб ишлади.

С.Анваров композиторлик ижодини талабалик йилларидан бошлади. Скрипка, виолончель ва фортепиано учун трио, тўрт қисмли симфония, рубоб-прима ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун концерт, фортепиано, скрипка, ғижжак ва бошқа чолғулар учун пьесаларни, ўқишни битиргач мустақил равишда «Симфоник поэма», «Увертюра», афғон рубоби ва халқ чолғулари оркестри учун «Садо» пьесаси, виолончель ва фортепиано учун «Сўзсиз кўшиқ», кашқар рубоби ва фортепиано учун «Пьеса», фортепиано учун «Прелюдия», 4 та «Вариация», скрипка ва фортепиано учун «Рондо» асарларини басталади.

Бастакорнинг турли мавзуларга бағишланган ранг-баранг кўшиқлари хонандалар репертуари ҳамда мухлисларининг дилидан жой олган. У бугунга қадар яқка хонанда, хор жамоалари, болалар

хор жамоалари учун 100 дан ортиқ кўшиқ яратди. Улар орасида: «Кўзинг» (Э.Воҳидов сўзи), «Олтин бошоқлар» (Б.Исмоил сўзи), «Бизнинг замона» (С.Абдулло сўзи), «Фарғона» (Ҳ.Муҳаммад сўзи), «Шифокор қизман» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Тонг юлдузи» (Т.Тўла сўзи), «Куйла, ёшлигим» (Б.Исроил сўзи), «Йўлда» (Я.Қурбон сўзи), «Кўшиғимдасан» (Ў.Рашид сўзи), «Отмиш баҳор» (А.Пўлат сўзи), «Юрагим», «Кўзи хумор», «Севги баҳори» (З.Обидов сўзи), «Соғиндим» (Ж.Камол сўзи), «Қашқадарё» (Т.Тўла сўзи), «О, ёшлигим» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Ўзбекистон пахтакори», «Марҳабо» (Ё.Мирзо сўзи) кўшиқлари бор. Композитор кўшиқ яратиш билан бирга талайгина рақс куйларини ҳам басталаган.

ОРИФ АТОЕВ (1939)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакорлик анъаналарининг давомчиси, моҳир созанда ва хонанда Ориф Атоев ўзининг ширали, мазмундор, жозибали куй ва кўшиқлари билан бастакорлик ижодиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Атоев Ориф Бухоро вилояти Бухоро туманида 1939 йил 15 июнда туғилди. Болалигидан мусиқага қизиқади ва мактабдаги ҳаваскорлик мусиқа тўғарагига қатнайди. 1955-1959 йилларда Бухоро мусиқа билим юртининг халқ чолғулари бўлимида ўқийди. 1959-1966 йилларда Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида созанда, 1966-1977 йилларда Бухоро педагогика билим юртида мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 1969-1974 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг мусиқа-педагогика факультетининг сиртки бўлимида таҳсил олади. 1977-1980 йилларда Бухоро маданият техникумида ўқитувчи, 1980 -1996 йилларда Бухоро вилоят давлат филармониясида созанда, 1996-2008 йилларда «Ўзбекнаво» бирлашмаси бадиий раҳбари бўлиб ишлади. 2008 йилдан Бухоро санъат коллежида ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ориф Атоев фаолияти давомида халқ мусиқа меросини ўрганди, устозлардан сабоқ олди, бастакорлик ва ижрочилик камолоти сари интилди. Турли мавзуларда ранг-баранг кўшиқ ва ашулалар яратди. «Диёр васфи», «Гулихайри», «Амударё сувлари»

(Т.Ҳамид сўзлари), «Далам» (Ў.Рашид сўзи), «Қалдирғоч», «Оқшом сурури» (Э.Охунова сўзлари), «Бухоро» (Р.Рўзиёв сўзи), «Она юртим ошиғиман», «Бухороча ёр-ёр» (Т.Аҳмедов сўзлари), «Жайхун кўшиғи», «Аз сарад гардам» (халқ сўзи), «Қутлайман кўшиғимда» (А.Пўлат сўзи), «Дўстлик жамоли» (А.Самадов сўзи), «Кулайлик, дугона» (О.Ҳожиёва сўзи), «Ўзбекистон муштарак» (Ю.Муқим—Оташ сўзи), «Зарварақ» (В.Саъдулло сўзи), «Юрагим сенга» (А.Мўминжонов сўзи), «Интизорман» (Нодира ғазали), «Ҳаддин жаво» (Ж.Камол шеъри), «Муносиб» (Мунис ғазали), «Этғали» (А.Орипов шеъри) кўшиқлари, рақс куйлари бастакор қаламига мансуб.

Халқ меросини адабийлаштириш, ёш авлодга етказиш мақсадида О.Атоев олимлар Охунжон Сафаров ва Файзулла Тўраёвлар билан ҳаммуаллифликда “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари” китобини нашр қилди.

Ориф Атоев Бухорода ташкил топган мақом ансамбли ҳамда ашула ва рақс ансамблларида бадиий раҳбар бўлиб, Бухоро шашмақомини, Мавриги, Бухорча куй-кўшиқларини Германия, Малайзия, Голландия, Канада ва бошқа давлатларда кенг намойиш этишга ўз ҳиссасини қўшди.

МУХТОР АШРАФИЙ **(1912-1975)**



Халқ артисти, Ўзбекистон халқ артисти, Носир ва Неру халқаро мукофотлари, республика Давлат мукофоти совриндори, композитор, дирижёр, муаллим, йирик жамоат арбоби Мухтор Ашрафий кўп қиррали ижодий фаолияти билан XX аср Ўзбекистон мусиқа маданиятига улкан ҳисса қўшган. Унинг опера, мусиқали драма, балет, симфоник, вокал симфоник, камер чолғу, кўшиқ ва романс жанрларида яратган асарлари, замонавий ўзбек мусиқаси тарихида чуқур из қолдирди.

М.Ашрафий 1912 йили 11 июнда Бухоро шаҳрида туғилди. Болалигидан мусиқага қизиқди ва 12 ёшида Абдурауф Фитрат томонидан ташкил этилган Шарқ мусиқа мактабига ўқишга киради. Мақом устозларидан сабоқ олади. 1928 йил Самарқанд шаҳрида очилган Ўзбекистон Мусиқа ва хореография институтига биринчилар

қаторида ўқишга киради. Талабалик даврида М.Ашрафий Бухоро халқ кўшиқларини, Т.Содиқов Фарғона водийси кўшиқларини ва Ш.Рамазонов Хоразм халқ кўшиқларини нотага олишади. Институт раҳбари Н.Миронов таҳрири остида 1931 йилда «Песни Ферганы, Бухары и Хивы» номи билан нашрдан чиқади. Шу уч оға-ини ўқиш даврида Н.Миронов раҳбарлигида «Садраш» номли (Содиқов, Рамазонов ва Ашрафий фамилияларининг биринчи бўғинларидан тузилган) симфоник оркестр учун марш яратдилар. Институтни тугатгач, М.Ашрафий 1931-1934 йилларда «Ўзбекистон давлат мусикали театр»ида бадий раҳбар ва бош дирижёр вазифасида ишлади. Касб малакаси етарли бўлмаганини сезган М.Ашрафий 1934-1937 йилларда Москва давлат консерваторияси қошида ташкил этилган Ўзбек опера студиясида атоқли композитор, профессор С.Н.Василенкодан сабоқ олади. 1937 йилда Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлигида М.Ашрафий дирижёр ва мусика раҳбари сифатида фаол қатнашди ва ўша йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланди.

М.Ашрафий турли раҳбарлик лавозимларида фаол ташкилотчилигини намоён қилди. 1938 йилдан республика давлат опера ва балет театрига бадий раҳбар ва бош дирижёр, 1943-1947 йилларда эса директор лавозимини ҳам эгаллайди. 1947-1961 йилларда Тошкент давлат консерваторияси ректори ва опера-симфоник дирижёрлиги кафедрасининг мудирини, 1964-1966 йилларда янги ташкил топган Самарқанд опера ва балет театри директори, бадий раҳбари ва бош дирижёри, 1966-1971 йилларда Алишер Навоий номидаги Академик катта опера ва балет театри бадий раҳбари ва бош дирижёри, 1971-1975 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг ректори лавозимида ишлади.

Дирижёрлик фаолияти орқали М.Ашрафий узоқ йиллар давомида ўзбек, европа ва рус классик композиторларининг опера, балет ҳамда симфоник асарларини тарғиб қилди. Ўзбекистон мусика санъатини чет элларда ўтказилган декада, фестиваллар, кўшиқ байрамлари ва турли танлов концертларида намоёиш этди.

М.Ашрафийнинг ижодий мероси серқиррадир. У мусиканинг ҳар хил жанр ва шаклларида ижод қилиб, кўп асарлар яратди. 1939 йилда С.Н.Василенко билан ҳамкорликда драматург К.Яшин либреттоси асосида «Бўрон» номли биринчи ўзбек операсини яратди. Бу муаллифлар томонидан 1941 йилнинг бошларида «Улуғ канал» номли иккинчи опера ёзилди. 1958 йилда Навоийнинг «Сабъаи

сайёр» достони асосида К.Яшин ва М.Муҳамедовларнинг либреттосига «Дилором» операсини М.Ашрафий мустақил равишда басталади. 1962 йили Фурқат сиймосига бағишлаб И.Султон либреттоси асосида «Шоир қалби» номли операсини яратди.

М.Ашрафий қуйидаги балетларнинг музика муаллифи: «Севги тумори» (Г.Миллер либреттоси, 1969 й.), «Темурмалик» (М.Ашрафий либреттоси, 1970 й.), «Матонат» (А.М.Камел либреттоси, 1971 й.). Бу балетнинг премьераси 1972 йил Миср давлатининг пойтахти — Қоҳира шаҳрининг опера ва балет театрида ўтган ва 1973 йили Ж.Носир мукофотиغا сазовор бўлган; 1973 -1974 йилларда Душанбе ва Тошкент шаҳарларида «Муҳаббат ва қилич» (М.Ашрафий ва Г.Геловани либреттоси, 1973й.) балетининг премьераси бўлиб ўтган.

Композитор М.Ашрафий республикамизда симфоник музика санъатининг ривожланиши учун ҳам самарали ҳисса қўшди. Симфоник оркестр учун 1932 йил «Қурилиш» маршини европа классик симфония услубида, 1942 йил «Қаҳрамонлик» симфониясини яратди. Худди шу услубда 1952 йилда тожикча рақс сюитаси ҳам басталанган. М.Ашрафий қуйидаги симфоник асарларнинг муаллифи: 1950 йилларда учта симфоник сюита, 1963 йил шоир С.Айний хотирасига бағишланган «Темурмалик» симфоник поэма-рапсодияси, 1964 йил «Байрам шодиёна»си уветюраси. Йирик жанрдаги вокал-симфоник асарларидан 1951 йилда «Бахт қўшиғи» кантатаси, «Даҳшатли ишлар» вокал-симфоник поэмаси ва 1974 йилда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си асосида «Рустам ҳақида достон» эпик-ораторияси (Л.Шерали сўзи) дунёга келди. 1968 йилда «Субҳидамда» номли симфоник-хореография манзарасини ёзди.

М.Ашрафий қуйидаги кинофильмларнинг музика муаллифи: «Момоқалдиروقда туғилганлар» (1965), «Кониюта ғорининг сирини» (1965), «Дилором» фильм-опера (1968), «Қадим қалъа афсонаси» (1970), «Семурғ» (1972), «Ганг дарёсида тонг» (1972).

Йиллар давомида М.Ашрафий йирик музика асарлар билан турли якка чолғуларга, ансамблларга ҳар хил жанрларда куй, қўшиқ ва романслар ёзди.

XX аср Ўзбекистон музика маданиятининг ривожланишидаги улкан хизматлари учун М.Ашрафий «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» (1937 й.), «Ўзбекистон халқ артисти» (1939 йил) фахрий унвонлари, «Шухрат» ордени (1937й), икки маротаба Давлат мукофоти (1943 ва 1952 й.), Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти (1970 йил), Ж.Неру номидаги Ҳиндистон давлат мукофоти,

(1972 йил) ва 1973 йил Жамол Абдул Носир Миср давлат мукофоти совриндори.

МАҲМУД АҲМЕДОВ (1925-1996)



Санъатшунослик фанлари номзоди, муסיқашунос Маҳмуд Аҳмедов илмий, педагоглик ва лекторлик фаолияти билан Ўзбекистоннинг замонавий муסיқий маданияти ривожланиши жараёнига ҳисса қўшди. У ўзбек муסיқа меросини, тарихини, замонавий муסיқа йўналишларини пухта ўрганди, турли мавзуларда китоб ва мақолалар ёзди.

Маҳмуд Аҳмедов 1925 йили Бухоро вилояти Гиждувон туманида дунёга келди. Болалигидан муסיқага қизиқиб, 1935 йилдан бошлаб машҳур созандалардан ғижжак чалишни ўрганди. 1938-1942 йиллар мобайнида у Гиждувон тумани театрида ғижжакчи бўлиб ишлади.

1943 йили М.Аҳмедов жанговар қисмда хизмат қилди ва яраланиб, 1945 йили ногирон бўлиб юртига қайтиб келди. 1948 йили у Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов курсларига ўқишга кирди. 1951 йилдан муסיқашунослик факультетида ўқиб, профессор Я.Б.Пеккер раҳбарлигида Абдурахмон Жомийнинг «Муסיқа рисоласи» асосида диплом иши билан ўқишни битиради. Талабалик йилларида дастлаб Ўзбекистон радиоси муסיқий тахририятида, 1955 йилдан Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим лавозимида ишлайди. 1956 йили консерваторияни битиргач, шу институт аспирантурасига йўлланма олди. Бу даргоҳда вилоятлар бўйлаб ўтказилган фольклор экспедицияларида қатнашди, натижада у кўп халқ куй ва кўшиқларини магнит тасмаларга ёзиб олди, айримларини ноталаштирди.

М.Аҳмедов кўп йиллар давомида санъаткорларнинг ижодий фаолиятларини радио ва матбуот орқали тарғиб қилди, монографиялар ва рисоалар ёзди. Масалан: муסיқашунос К.Олимбоева-Аҳмедова билан ҳамкорликда 1959 йилда ёзган «Ўзбекистон халқ созандалари» китобида ҳофиз ва ўн тўққизта созанданинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ёритилган. «Юнус Ражабий» (1967 й., 1980 йилда тўлдирилган нашри), «Исоҳор Оқилов» (1975 й.),

“Маргарита Оқилова” (1985 й.), “Р.М.Глиэр” (1963), “Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов” (1980), “К.Олимбоева - Аҳмедова” (1996), “Дони Зокиров” (1995) монографияларини чоп эттирди.

1950-1995 йилларда муסיқашунос М.Аҳмедовнинг 200 га яқин турли мавзуларда ёзилган илмий ва публицистик мақолалари газета ва журналларда чоп этилди. У 1966 йили В.Вахромеевнинг «Элементарная теория музыки» ва 1968 йили И.Дубовский, С.Евсеев, И.Способин ва В.Соколовларнинг «Учебник гармонии» китобларини ўзбек тилига таржима қилди.

Муסיқашунос М.Аҳмедов узоқ йиллар давомида ижодий иш билан биргаликда Низомий номидаги педагогика институтида, Тошкент давлат театр ва рассомчилик институтида, А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида муסיқий-назарий фанлардан дарс бериб келди.

Маҳмуд Аҳмедов Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси сифатида қатор жанговар медаллар билан тақдирланган.

МУСТАФО БАФОВЕВ (1946)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор, дирижёр, педагог, Мустафо Бафоев — серунум, серқирра ижодкорлардан бири. У Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига 1970 йилларнинг охирида ёрқин, замонавий оҳанг ва анъанавий услубий оқимлари таъсиридаги, жозибали муסיқий асарлари билан шахдам кириб келди.

Мустафо Бафоев 1946 йил 10 ноябрда Бухоро вилояти Когон тумани Ганчкаш қишлоғида туғилди. 1953-1960 йиллари умумтаълим мактабида ўқиди. 1960-1964 йилларда Мустафо Бухоро муסיқа билим юртида, сўнгра Тошкент давлат консерваториясида ғижжак ихтисослиги бўйича ўқиди. Унга доцент В.А.Беленький, профессор М.Насимов сабоқ бердилар. 1969 йили консерваторияни муваффақиятли битиргач, ёш мутахассис Бухоро давлат педагогика институтига йўлланма олади. Бастакорлик сирларини ўрганиш мақсадида Мустафо 1972 йилда консерваторияга иккинчи марта ўқишга кирди. Профессорлар Б.Гиенко синфида композициядан, А.Козловскийда чолғулаштиришдан кунт билан ўқиди. 1977-1979

йилларда ассистент-стажерлик курсларида касб малакасини оширди. Айни пайтда Тошкент давлат маданият институти ўзбек халқ чолғулари кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1980 йилда Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига дирижёр лавозимига таклиф қилинди. Олти йилдан сўнг у оркестрнинг бош дирижёри ва бадиий раҳбари вазифасида ишлай бошлади.

Композитор М.Бафоев музиканинг турли шакл ва жанрларида жозибали, оҳангдор музикий асарлар яратиб келмоқда. Талабалик даврида «Широқ афсонаси» (1974й.) симфоник поэмаси, «Байрам увертюраси» (1976й.), труба учун концерт-рапсодияси (1978 й.), шунингдек, пьеса, сонатина, соната, поэма, скерцоларни яратди. Торли кватрети 1973 йили Новосибирск шаҳрида ижро этилди, Навоий шеърларига овоз ва фортепиано учун ёзган «Беш рубойи» туркуми (1975 йил) Ленинградда ўтказилган ёш композиторлар ижодига бағишланган фестивалда ижро этилди. «Бухоронома» (О.Халил сўзи) ораторияси 1978 йилда Москвада бўлиб ўтган Ёш композиторларнинг танловида 3-даражали дипломга сазовор бўлди.

М.Бафоевнинг асарлари республикамизда ва бошқа мамлакатларда ўтказилган фестиваль ва симпозиумлар концерт дастурларида янгради: Абу Али Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган концерт дастурида композиторнинг Ибн Синонинг рубойларига басталаган яккахон ва акапелла хори учун 7 қисмли «Поэма-фреска» (1980 йил Тошкент ва Москва), Тожикистонда ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декада концерт дастурида шоир Ж.Камол сўзига ёзган «Дўстлик» вокал-симфоник поэмаси (1981 йил), Бутуниттифоқ музика фестивалида Ж.Камол сўзига ёзган «Ажаб нозик» хор кўшиғи (1983 йил март ойида Таллин); Мусо ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган концертда «Ал Хоразмий юлдузи» хореографик миниатюра (1983 йил Москвада); иккинчи халқаро музикашунослик симпозиумининг концерт дастурида «Мақом садолари» хор-поэмаси (1983 йил, Самарқанд); Арманистонда ўтказилган хор санъати фестивалининг концерт дастурида яккахон, гобой, урма чолғулар ва хор учун яратилган «Баҳория» (халқ сўзи, 1986 й.); Ўзбекистон адабиёти ва санъати декада концерт дастурида Т.Тўла сўзига басталаган «Тантанали қасида-поэма» (1987 йил, Украина); учинчи халқаро музикашунослик симпозиуми концерт дастурида камер симфоник оркестри учун басталаган «Ибн Сино хотираси» 2-

симфонияси (1987 йил, Самарқанд); Мирзо Улуғбек таваллудининг 650 йиллигига бағишланган концертда «Улуғбек буржи» телебалетидан парча (1994 йил, Самарқанд); Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган концерт дастурида «Куй ва қўшиқлар туркуми» (1996 йил, Самарқанд); Ўзбекистон кунларига бағишланган тадбирда “Буюк ипак йўли” спектакли (1997 йили, Париж) янгради. Шу спектакль 1997 йили Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивалида, 1999-2001 йилларда Тошкентда ўтказилган халқаро «Илҳом XX» мусиқа фестивалларида дугор ва фортепиано учун «Концерт-поэма», фортепиано ва миллий чолғулар учун 5 та мусиқий манзара («Алпомиш» достони асосида), овоз, камер оркестр, хор, зарбли асбоблар ва фортепиано учун «Зикр ал-Ҳак» номли концерти янгради.

М.Бафоев Муқимий номидаги республика мусикали театри учун «Еттинчи жин» (Л.Бобохонов либреттоси, 1983), «Узилган торлар» (К.Амиров либреттоси, 1984), «Зулдир» (А.Иброҳимов либреттоси, 1985); «Раджа» (Р.Тагор асари, Т.Тўла либреттоси, 1985); «Сўнмас аланга» (Ю.Марцинкявичюс либреттоси, 1987); «Тошкентда туман» (И.Тўхтаев либреттоси, 1988), «Севги нидоси» (Ф.Жўраев либреттоси, 1994), “Пари қишлоқ афсонаси” (Г.Эшмуродов либреттоси, 2005), “Тўмарис” (Х.Хурсандов либреттоси, 2012) мусикали драма ва комедияларини, А.Ҳидоятлов номли театр учун «Буюк ипак йўли» (А.Шарипова либреттоси, 1996) спектаклига мусиқа басталади. «Умар Хайём» (О.Узоқов либреттоси, 1987), «Аҳмад ал-Фарғоний» (Ж.Жабборов либреттоси, 1998), “Ибн Сино” (2011), “Борбад” (2013) операларини «Бухорои Шариф» (Х.Даврон либреттоси, 1997) телеопера-достонини, «Нодира» (1992); «Улуғбек буржи» (1994); «Мозийдан нур» (1995) (Ю.Исматова либреттолари) телебалетларини яратди.

М.Бафоев симфоник ва вокал-симфоник жанрларда самарали ижод қилиб келмоқда. У оркестр ва хор жамоалари репертуарларини сара асарлари билан бойитди: «Широқ ҳақидаги афсона» симфоник поэма (1974); «Байрам» симфоник увертюраси (1976); труба ва симфоник оркестр учун «Концерт-рапсодия» (1978); «Авиценна» номли камер оркестр учун симфония № 2 (1984); 1990 йил Ҳамзага бағишланган «Шоирнинг ҳаёт саҳифаси» номли 3-симфония; 1991 йил Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган «Мовароуннахр» номли 4-симфония; «Суғдча фреска» (1992). Вокал-

симфоник асарлардан 1983 йил хор ва симфоник оркестр учун «Ҳаяжонли поэма» кантата (Т.Тўла сўзи); шоир Ж.Камол сўзига бадий сўз устаси, яккахон, хор ва симфоник оркестр учун «Тошкент ҳақида кўшиқ» номли оратория; 1984 йил Б.Бойқобилов сўзига якка хонанда, хор ва симфоник оркестр учун «Тошкент — Шарқ машъали» поэмаси; 1987 йил Ҳ.Олимжон сўзига, бадий сўз устаси, яккахон, аёллар хори, урма, фортепиано, торли чолғулар учун «Роксананинг кўз ёшлари» ораторияси; 1993 йил А.Орипов сўзига бадий сўз устаси, яккахон, хор, дамли, урма, торли, фортепиано, миллий чолғулар учун «Ҳажнома» ораторияси: мазкур асар видеотелефильм қилинган. 1995 йил яккахон, хор ва симфоник оркестр учун «Зардуштийлар маросими» оратория-балет (Ю.Исматова либреттоси). Хор асарларидан Увайсий сўзига «Мақом садолари» поэмаси (1982); хор учун «Созлар нағмаси» (1983); Я.Қурбон сўзига яккахон ва хор учун «Юрак нидоси» туркуми (1985); Навоий сўзига «Ҳолати Алишер Навоий» 5-хор-симфонияси (1991) асарларини яратди.

Композитор ва дирижёр М.Бафоев ўзи раҳбарлик қилган Д.Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри учун турли жанрларда мусиқий асарлар басталаб, оркестр репертуарини бойитди. Қашқар рубоби ва оркестр учун «Поэма» (1980 йил); «Байрам тантанаси» поэма (1981); оркестр учун «Концерт» (1983); дутор ва оркестр учун «Концерт-поэма» (1989); Жомий ва Навоийга бағишланган уд ва оркестр учун «Поэма» (1991); оркестр учун «Зарафшон тўлқинлари» сюитаси (1994); Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида яккахон, хор ва оркестр учун «Баҳром ва Дилором» хореографик поэмаси (1998); «Алпомиш» достони асосида 8 та мусиқали манзара (1999); танбур ва оркестр учун концерт (1999), Т.Жалилов мавзулари асосида 2 та «Сюита» (2014); Суғдиёна халқ чолғулари камер оркестри учун «Бухорча» (1999) номли концерт.

Йиллар давомида М.Бафоев чолғу ва камер вокал асарлар ҳам яратиб келмоқда. Жумладан: торли ансамбль учун «Квартет» (1973); скрипка ва фортепиано учун «Соната-поэма» (1974); торли камер ансамбль учун «Учта рақс» (1978); Навоий сўзига овоз, урма ва камер чолғу оркестр учун «5 та рубой» (1979); Х.Дехлавий сўзига яккахон ва камер оркестр учун «Ғазал» романси (1980); Увайсий сўзига яккахон ва камер оркестр учун «Муҳаббат» романси (1984); Ансорий сўзига уд, овоз ва камер оркестр учун «Нажотия» номли 9 та рубой-романси (1994); «Алпомиш» достони асосида фортепиано учун 5 та мусиқали манзара (1999); 2002 йилда «Илҳом XX» халқаро мусиқа

фестивали концерт дастурида скрипка ва фортепиано учун «Хоразмча нағмаю усул» концерти ижро қилинди.

2000 йили АҚШда М.Бафоев «Буюк ипак йўли» халқаро мусиқа фестивалида қатнашди ва фестивалга виолончель ва миллий чолғулар - чанқобуз, най, кўшнай, сурнай, доира ва ноғора учун «Бухороча концерт» яратди ва бу асар Бостоннинг мусиқа марказида ижро этилди. 2000 йил Навоийнинг «Лисонут тайр» достони асосида сахна томошаси учун мусиқа яратди. 2000 йил М.Бафоев М.Турғунбоева номидаги «Ўзбек рақс» бирлашмаси қошида халқ чолғулари оркестрини тузди ва унинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлади. Шунингдек, М.Бафоевнинг асарлари 1998 йилда халқаро симфоник ва камер мусиқа фестивалида “Суғд фрескалари” симфоник поэмаси, 2000 йил фестивалида «Зардуштийлар маросими» оратория-балети ижро этилди. 2001 йили М.Бурҳоновга бағишлаб «Таҳсиннома» поэмасини (яккахон, хор ва симфоник оркестр учун), 2002 йил виолончель ва камер ансамбли учун саккиз поэмадан иборат «Ипак йўлидаги хаёллар» ва М.Бурҳонов хотирасига «Санъатим» романс-поэмасини (А.Орипов шеъри), 2012 йилда М.Ашрафий хотирасига фортепиано ва камер оркестр учун Концертни яратди.

Композитор жами 200 дан ортиқ кўшиқ ва романслар басталаган.

Мустафо Бафоевнинг ижодкорлик, дирижёрлик ва жамоатчилик фаолияти муносиб баҳоланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони (1995й.), А.Қодирий номидаги Давлат мукофоти (1997й.), “Фидокорона хизматлари учун” ордени (2008) билан тақдирланган.

СОИБЖОН БЕГМАТОВ (1957)



Санъатшунослик фанлари номзоди, мусиқашунос Соибжон Бегматов кўп қиррали илмий, педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан ўзбек мусиқа санъати тарғиботига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бегматов Соибжон Маҳмудович Наманган вилояти Чуст шаҳрида 1957 йил 20 сентябрда таваллуд топди. Соибжон болалигидан мусиқага қизиқди, 1964-1972 йилларда

умумтаълим мактабида ва болалар мусиқа мактабида қашқар рубоби синфида ўқиди.

1972 йили Наманган мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга қабул қилинди. 1976 йили билим юртини битириб, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси мусиқашунослик факультетининг тайёрлов курсига ўқишга киради. Ихтисослик бўйича Шарқ мусиқаси кафедрасида таҳсил олди ва устоз, мусиқашунос Отаназар Матёқубов раҳбарлигида «Эрон дастгоҳлари» мавзуида диплом ишини муваффақиятли ёқлаб, 1984 йили консерваторияни битирди.

С.Бегматов «Фарғона водийси ҳофизлик анъаналари» (Содирхон Ҳофиз, Жўрахон Султонов ва Расулқори Мамадалиевлар ижоди мисолида) мавзуида номзодлик диссертациясини ёзиб, 1995 йили муваффақиятли ёқлади.

С.Бегматовнинг меҳнат фаолияти 1983 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси қошидаги Мусиқа жамғармасининг мусиқий тарғибот бўлимида муҳаррирликдан бошланди. Шунингдек, 1984-1986 ўқув йиллари Гулистон давлат мусиқа билим юртида ва 1986-1987 йилларда Низомий номидаги педагогика институти мусиқий педагогика факультетида мусиқа тарихидан дарс берди. 1987 йилдан Тошкент давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси кафедраси таркибидаги Халқ мусиқа хонаси мудири, малака ошириш факультети декани, ўқитувчи ва доцент вазифаларида ишлади. Бугунги кунда кафедра мудири, профессор в.б. лавозимларида ишлаб келмоқда.

С.Бегматовнинг илмий-ижодий, ўқитувчилик ва жамоатчилик фаолияти кенг қамровлидир. У бастакорлик анъаналари ва ижрочилик санъатини чуқур ўрганиб, 2000 йилда “Орифхон Хотамов”, 2002 йилда “Қамолиддин Раҳимов”, 2006 йилда “Мухторжон Муртазов” (ҳаммуаллиф А.Зокиров) монографияларини нашр этди, «Шифобахш оҳанглар», («Гулистон» журнали. 1990 йил № 12), «Ушшоқ» Ю.Ражабий ва Содирхон ҳофиз талқинларида», (Ражабийхонлик илмий-амалий анжуман материаллари, Т., 1993 й), «Эл ардоқлаган санъаткор», («Халқ сўзи» 1994 йил 18 апрел), «Мумтоз хонандалик санъати мезонлари», «Гулистон» 1995 йил № 6), «Шарқ овози», (Нафосат журнали, 1995 йил № 7-8), «Олтин мерос», («Ўзбек адабиёти ва санъати»), «Буюк ижодкор», («Гулистон» 1997 йил № 5), «Ғуломжон сурнайчи» («Нафосат» 2000 й. № 3) каби илмий мақолаларини ёзди. “Мусиқа”

дарслиги (2002-2008 беш маротаба қайта нашр этилган ва рус, қозок, қирғиз, тожик ва туркман т.н.э.); “Мақом сурнай йўллари” (2004), “Анъанавий ансамбль синфи” (2008), “Ўзбек анъанавий чолғулари”(2008) ва ОТМ магистратура босқичи учун “Ҳофизлик санъати” (2007) ўқув-услубий қўлланмалар ва 30 дан ортиқ илмий-назарий ва оммабоп мақолалар муаллифидир. Шунингдек, «Хонандаликда овоз талқини» илмий очерк, «Тошкент вилояти мусиқий фольклори» тўпламига «Бўстонлик тумани мусиқий фольклори» (қўлёзма), «Фарғона-Тошкент чолғу туркумлари» (қўлёзма), «Афғонистон» ва «Эрон» мусиқа тарихи (қўлёзма) ва ҳ.к. муаллифидир. С.Бегматов биринчилардан бўлиб олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида ўқув тизимини такомиллаштириш йўлида янги педагогик технологияларга асосланган “Шарқ халқлари мусиқа тарихи” фанидан мультимедияли электрон дарслик тузиб, амалиётга тадбиқ этди.

С.Бегматов халқ мусиқа ижодиётини ўрганиш ва келажак авлодга ёзма намуналарини қолдириш мақсадида халқ ижрочилик амалиётини мавжуд асарларни нотага олиш билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Унинг О.Ҳотамовнинг ижодий фаолиятига бағишланган китоби, «Чустий ғазалларига К.Раҳимов ашулалари», «Фарғона-Тошкент сурнай йўллари», «Шашмақом ва анъанавий ижрочилик мактаблари», «Анъанавий хонандаликнинг ижро услублари», «Фарғона водийси анъанавий ижрочилиги», «Мумтоз хонандалик санъати мезонлари» шулар жумласидандир.

АЛЕКСАНДР БЕРЛИН **(1930-1991)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Александр Берлин ижодий, педагогик ва жамоатчилик ишлари билан республикада мусиқа санъати ривожига муайян ҳисса қўшди. Унинг опера, балет, мусиқали драма, кўғирчоқ театрига, кинофильмларга, симфоник ва камер оркестрларга ёзган мусиқаси узоқ йиллар давомида янграб келди.

Александр Абрамович Берлин Тошкентда 1930 йил 25 августда туғилди. У 1938 йилдан ўқувчилар саройи қошидаги мусиқа мактабининг фортепиано синфида ўқиди, сўнгра В.А.Успенский номидаги Республика мусиқа мактабида ўқишни давом эттирди. 1949 йилда Берлин Тошкент давлат консерваторияси

композиторлик факультетига қабул қилинди. 1949-1954 йили профессор Б.Б.Надеждин синфида композиция, бир йил ўтгач, фортепиано мутахассислиги бўйича ўқишни битирди.

Ёш мутахассис 1954-1960 йилларда Тошкент Академик рус драма театри мусиқа бўлими раҳбари лавозимида ишлади. 1954 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига аъзо бўлди ва уюшманинг III ва VII қурултойларида масъул котиб этиб сайланди. 1964-1971 йилларда Ўзбекистон маданият вазирлигининг театр ва мусиқа муассасалари бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишлади. Шунингдек, 1961 йилдан бошлаб Тошкент консерваторияси композиция кафедрасида ўқитувчи, сўнгра доцент бўлиб ишлади. Навоий номидаги Академик катта опера ва балет театрида 1967 йилда сахна юзини кўрган «В день свадьбы» В.Розов асари, Г.Миллер либреттоси асосида ёзган опера мусиқали театрлар кўрик-танловида дипломга сазовор бўлиб, 1969 йили театрнинг Москвада ўтказилган гастролларда кўрсатилган. 1970 йилда аввал Самарқанд, кейин Тошкент театрида сахналаштирилган А.Мўминов либреттоси бўйича «Поэма о воде» балети театрлар кўрик-танловида мукофотга сазовор бўлган, Москва, Горький ва Қозон шаҳарларида намойиш этилган. 1981 йили болалар учун «Василиса Прекрасная» (И.Юсупов либреттоси) балети ҳам сахна юзини кўрди. 1962 йили Муқимий номидаги мусиқали театрда Лопе де Вега пьесаси асосида яратилган «Овечий источник» мусиқали драмаси ўзбек тилида қўйилган. 1984 йили Тошкент оперетта театрида «Ласточка моей весны» (З.Фатхулин либреттоси) мусиқали комедияси кўрсатилган.

Тошкент рус драма театри учун драма ва комедияларга А.Берлин мусиқа басталаган: «Настоящий человек», «Первый день праздника» (1954 й.), «Дракон и солнце», «Чужой ребёнок», «Тайфун», «День чудесных обманов», «Мать своих детей» (1955 й.), «Крепость над Бугм», «Отелло», «Солдатская вдова», «В поисках радости» (1960 й.). Бу асарлардан ташқари композитор Алмати, Душанбе, Минск, Фрунзе, Владивосток, Симферополь, Самарқанд, Қўқон, Гулистон театрлари учун спектаклларга мусиқа басталаган. Тошкент болалар рус театри учун қуйидаги спектаклларга мусиқа ёзган: «Волшебная серна», «Часовой его величества», «Крылья Дюймовочки». Кино ва телефильмлардан «Мойдодыр» (К.Чуковский асари, 1960); «Рахим и жук» (А.Қобулов сценарийси) ва бадиий фильм: «Пятеро из Ферганы» (Реж. Й.Аъзамов — 1963й.) кабиларга композитор Ҳамид Раҳимов билан ҳамкорликда мусиқа басталаган.

Симфоник оркестр учун: «Увертюра» (1954 й.); «Поэма», «Скерцо» ва «Молодёжная увертюра» (1961 й.), увертюра «Радостный праздник» (1964 й.), вальс «Юность» (1966 й.), «Аллегро скерцандо» ва хореографик манзара «Боевой восемнадцатый» (1970); «Торжественная увертюра» (1974 й.). Вокал-симфоник асарлардан: «Славься Отчизна», (Г.Санников сўзи, 1955 йил); «Горны трубят сбор» кантаталари (Р.Фарходи ва Н.Буканов сўзи); «Баллада о войне», «Миру Быть!» қасидаси; (Н.Буканов сўзи); баллада «Памяти солдата» (С.Орлов сўзи) ва «Вечно живой» (Х.Бурулова сўзи) каби ўнлаб кўшиқлар ёзди.

Композитор чолғу ва вокал камер жанрларида қуйидаги асарларни яратди: учта торли кватрет (1951,1973, 1982й.); фортепиано учун «Соната», «Сонатина» ва элликдан ортиқ пьесалар; тромбон ва фортепиано учун «Соната»; скрипка, виолончель, флейта ва труба учун тўртта пьеса; романслар.

«Ҳосил байрами» увертюраси, баян ва оркестр учун концертино, ғижжак ва оркестр учун концерт: «Шодиёна» увертюраси, қорақалпоқ халқ куйи асосида «Юмореска», туркман халқ куйи асосида «Скерцо», фортепиано, скрипка ва фортепиано, виолончель ва фортепиано учун пьесалар, «Сюита для детского струнного оркестра» ва «Казахские напевы» пьесаси, 200 га яқин кўшиқлар яратди.

А.Берлин 1986 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

ИРИНА БЕРЛИН **(1962)**



1990 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига кириб келган ёш композиторлар сафида Берлин Ирина Александровна ҳам бор.

Ирина Берлин Тошкент шаҳрида, композитор А.А.Берлин оиласида 1962 йилнинг 5 сентябрида дунёга келди. У болалигидан муסיқа оламида ўсди. 1970 йили В.А.Успенский номидаги Республика давлат муסיқа-интернат мактабига фортепиано синфига ўқишга кирди. Шу мактабда 7-синфдан бошлаб профессор Б.И.Зейдман синфида композициядан ҳам сабоқ олди. 1980 йили муסיқа мактабини битириб, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат

консерваториясининг фортепиано бўлимига ўқишга кирди, бир йилдан сўнг композиторлик бўлимида ҳам профессор Б.И.Зейдманда ўқишини давом эттирди. 1985 йили фортепиано, 1986 йили композиторлик мутахассисликларидан консерваторияни битирди. Ҳозирда ўзи ўқиган мусиқа мактабида композициядан дарс бериб келмоқда.

Консерваторияда ўқиб юрган йиллари И.Берлин фортепиано учун «Прелюдия», «Юмореска-экспромт», «Сюита», виолончель ва фортепиано учун «Соната», симфоник оркестр учун «Увертюра», романслар: «Вечер после дождя» (М.Лермонтов шеъри), «Осенняя элегия» (А.Блок шеъри), «Зульфие» ва «Поиски ночи» (Ҳ.Олимжон шеъри); «Подруги» телефильмига мусиқа ёзди.

Мустақил ижодий фаолиятида ҳам И.Берлин виолончель ва симфоник оркестр учун концерт, виолончель ва фортепиано учун уч қисмли соната, фортепиано учун соната, 6 та прелюдия, 4 та пьеса, сюита, камонли чолғу асбоблар квартети учун сюита, скрипка ва фортепиано учун учта пьеса: Анданте, вальс, гротеск ва «Менуэт», овоз ва фортепиано учун иккита баллада: «Грустная» (Ну Тезина шеъри) ва «В разлуке» (Тин Моу шеъри); овоз ва фортепиано учун романслар: «Это нужно для нас» (Гилвиче шеъри); «Нет сил уйти» (Джейн Бронте шеъри); «Поторопись венки сплести» (С.Борго шеъри); «Ожиданье» ; «У камина», «Не избегай, я не молю» ва «Осень» (А.Фет шеърлари); «Есть ли толк в добре» ва «Клад на пустыре» телефильмларига мусиқа; Республика болалар театрида сахна юзини кўрган «Калиф аист» спектаклига, Республика кўғирчоқ театрида сахналаштирилган «Необыкновенное состязание» спектаклига мусиқа басталади.

СОБИР БОБОВ **(1920-2004)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, атоқли композитор Собир Бобов ижодий ва жамоатчилик фаолияти билан республикамиз замонавий мусиқа маданиятига катта ҳисса қўшган. С.Бобовнинг опера, мусиқали драма ва комедиялари, симфоник, вокал-симфоник ва хор асарлари, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун асарлари, кўшиқ ва романслари маънавий мулкимизга айланди.

Собир Бобоев 1920 йил 30 декабрда Тошкентда туғилди. 1931 йили отаси вафотидан сўнг Собир болалар уйида тарбияланади. У ерда ҳаваскорлик тўғарагига қатнаб, дутор ва танбурда чалишни ўзлаштиради. Тошкент индустриал техникумида, кейин педагогика институтининг тайёрлов курсида таҳсил олади.

1943 йилда С.Бобоев Тошкент консерваторияси профессори, музикашунос Е.Е.Романовская маслаҳати билан консерваторияда очилган композиторлик тайёрлов бўлимига ўқишга киради. Асосий босқичда профессор Б.Б.Надеждин синфида таълим олиб, 1949 йилда Т.Тўла либреттоси асосида «Зумрад» номли бир пардали операси билан консерваторияни муваффақиятли битиради.

Талабалик йиллари С.Бобоев Ўзбекистон радиосининг хорида хонанда, бош хормейстер ёрдамчиси, 1947-1949 йилларда Ўзбекистон филармониясининг ашула ва ракс ансамблида бадиий раҳбар бўлиб ишлади. Бу даврда ёзган музика асарларининг бадиийлиги ва профессионалигини ҳисобга олиб С.Бобоев 1946 йили Ўзбекистон бастакорлар уюшмасига аъзоликка қабул қилинди. 1948 йили эса уюшманинг биринчи қурултойида у ҳайъат раиси лавозимига сайланди ва 1955 йилга қадар фаолият кўрсатди. Шу билан бирга у 1951-1952 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент музика билим юртида ва консерваторияда музика назарий фанлардан дарс берди. Шунингдек, С.Бобоев 1958-1959 йилларда Ўзбекистон хор жамияти ҳайъат раиси, 1960-1965 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, 1966-1969 йилларда Самарқанд опера ва балет театри дирижёри ва бадиий раҳбари, 1972-1976 йилларда М.Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси бадиий раҳбари; 1969-1978 йилларда консерватория муаллими, 1982-1985 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси вазифаларида ишлади.

Композитор фортепиано учун пьеса, сонатина, ракс, кларнет ва фортепиано учун «Рапсодия», симфоник оркестр учун иккита сюита, хор жамоаси учун «Навбахор» (Муқимий сўзи), «Алла» (Т.Тўла сўзи), «Халқимга» (Т.Фаттоҳ сўзи), «Ўзбекистон» (Р.Бобожон сўзи), «Булбул сайраганда» (Т.Тўла сўзи), «Ватан» (Н.Тошпўлат сўзи), «Сендадур» (Шухрат сўзи), «Гул сочар» ва «Оразинг» (Навоий сўзлари) хор кўшиқларни, «Ишонмайман» (М.Бобоев сўзи), «Эй сабо» (Навоий сўзи), «Бу ҳол» (Уйғун сўзи), «Дўстимга» (Ҳ.Олимжон сўзи), «Гўзал водий» (Т.Тўла сўзи), «Сенинг кўшиғинг» (Ҳ.Ғулом сўзи) каби романслар, Р.Бобожонов сўзига бешта, Т.Мирзо сўзига болалар учун учта кўшиқ басталади.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Поэма», «Байрам увертюра»си (1950 й.) ўзининг шодиёна оҳангдор кўтаринки рухи, миллийлиги, шаклининг ихчам, мукамал профессионаллиги, оркестрнинг ранг-баранг жаранглаши билан ажралиб туради. Бу асар композиторни элга танитди. «Байрам увертюра»си, чанг ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Концертино» (1952 й) ҳам созанда ва тингловчиларнинг севимли асарларидан биридир. Бундай ижодий ютуқ композиторни ўз касб-ҳунари устида янада жиддий ишлашга, йирик ва мураккаб муסיқа асарлари яратишга илҳомлантирди. Тез орада унинг қалами остидан қуйидаги симфоник ва вокал-симфоник асарлар бунёдга келди: симфоник оркестр учун иккита сюита (1952, 1953 й.), мумтоз халқ куйи «Сегоҳ» асосида симфоник поэма (1956 й.), Т.Тўла сўзларига «Оқ олтин» вокал-хореографик сюита ва «Байрам куни» (1955 й.) вокал-симфоник поэма, айниқса, пахтакор деҳқонлар ҳаётига бағишланган 4 қисмли «Ҳосил байрами» (Р.Бобожон сўзи, 1955 й.) кантатаси ўзининг миллий оҳангдорлиги, ранг-баранг хор кўшиқлар билан мироббошининг лирик ашуласи, яқунловчи тантанавор руҳда оммавий хор садолари билан ажралиб туради. Биринчи ижросидаёқ ижодий ютуғи ва асарнинг бадий таъсирчанлиги эътироф этилди.

С.Бобоевнинг бутун ижодий фаолиятида сахна асарларига муסיқа басталаш асосий ўринда туради. У биринчи муסיқали комедия «Далада байрам» ва муסיқали драма «Менинг соҳилларим» (Ш.Саъдулла ва З.Фатхулинлар пьесаси, 1954 ва 1957 й.) Д.Зокиров билан ҳамкорликда яратган бўлса, мустақил равишда 1957 йил «Катта муҳаббат» (Б.Раҳмонов пьесаси) муסיқали драмани яратди. 1958 йил Муқимий номидаги муסיқали театрда сахналаштирилган, «Ватан ишқи» (Ш.Саъдулла ва З.Фатхулинлар пьесаси) муסיқали драма композиторнинг катта ижодий ютуғи, десак муболаға бўлмайди. Келгуси йилларда С.Бобоев «Икки билагузук» (Ш.Саъдулла пьесаси, 1962 й.) муסיқали комедия, «Майна Ҳасанова» (А.Раҳмат пьесаси, 1972 й.), «Олтин камар» (Тўлқин пьесаси, 1978 й.), «Муҳаббат кўшиғи» (Т.Тлегенов пьесаси, 1980 й.) муסיқали драмалар, «Темир қафас» (Х.Расулов пьесаси, 1982 й.) муסיқали комедия ва «Шаҳрисабз маликаси» (Л.Гладких пьесаси) муסיқали комедиясини (1986 й.) яратди.

С.Бобоев К.Яшин билан ҳамкорликда «Ҳамза» операсини яратди. Атоқли шоир, драматург, бастакор, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг сиймосига бағишланган «Ҳамза» операси

1961 йил 27 май куни сахна юзини кўрди ва томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди. «Ватан ишқи» мусиқали драмаси асосида 1973 йили (иккинчи таҳрир 1985 й.) «Фидойилар» (Ш.Саъдулла ва З.Фатхулин либреттоси) ва болалар учун 1969 йили ўзбек халқ эртаги асосида «Ёрилтош» (Ш.Саъдулла либреттоси) операларини яратди.

С.Бобоев ижодий фаолиятида доимий равишда кўшиқ, романс, жўрли ва жўрсиз хор кўшиқлар яратиб келмоқда. Бу соҳада басталаган ҳамма асарларнинг номларини санаш мушкул. Айниқса, у романс жанрига катта аҳамият бериб, ўзига хос услубни топиб олди, композитор ҳар бир шеърнинг мазмунидан келиб чиқиб, декламацион оҳангларга эътибор берди. Бундай ҳол, айниқса, «Ёр кетди» (Ойбек шеъри), «Қалб» (С.Зуннунова шеъри), «Мерос» (А.Саъдулла шеъри), А.Мухторнинг 4 та шеърига, Ҳ.Худойбердиевнинг шеърларига басталаган романсларида яққол сезилади. Булардан ташқари 90-йилларда Навоийнинг 3 та, Машрабнинг 11 та, Фурқатнинг 5 та ва Нодиранинг ғазалларига романслар басталади. Жўрсиз хор учун яратган хор кўшиқлари, айниқса, ўзбек халқ ашула ва кўшиқлари асосида қайта ишлаган: «Галдир», «Тановар», «Сегоҳ» каби асарлар диққатга сазовор.

Собир Бобоев ёрқин, кўп қиррали ва серунум ижоди билан Ўзбекистон мусиқа маданиятининг ривожланишига кўшган хизматлари учун 1967 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, 1998 йили «Эл-юрт ҳурмати» ва бошқа орденлар билан тақдирланган.

БОРИС БРОВЦИН **(1903-1987)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, дирижёр ва композитор Борис Бровцин — республикамизда узоқ йиллар давомида ишлаган рус санъаткорларидан бири. У ўзбек бастакорлари билан ҳамкорликда, мустақил равишда басталаган мусиқаси ва дирижёрлик фаолияти билан Ўзбекистон мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнига самарали ҳисса қўшди.

Борис Васильевич Бровцин Петербург шаҳрида 1903 йил 20 сентябрда туғилди. Болалигидан мусиқага қизиқди, скрипка ва

фортепиано чалишни ўрганди, мактабда ҳаваскорлар оркестрига қатнашди. 1925 йилдан у Ленинград давлат консерваторияси профессори Крюгер синфида скрипкадан, профессор Чернов синфида композициядан ва профессор Купер синфида дирижёрликдан таълим олди. 1932 йили консерваторияни битиргач, Союзкиноинг Ленинград бўлими симфоник оркестри дирижёри, 1934 йил Ленинград опера ва балет театри симфоник оркестри скрипкачиси, сўнгра Брянск мусиқа билим юртида ўқитувчи ва филармония торли квартетида биринчи скрипкачи бўлиб ишлади. 1938 йилда Ленинградга қайтиб мусиқа мактабида ўқитувчи ва директор ўринбосари вазифасида ишлади. 1939 йили Б.Бровцин Ўзбекистон радиоси қошида ташкил топаётган симфоник оркестрга бош дирижёр ва бадий раҳбарликка таклиф этилади. Шундан бошлаб, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти умрининг охирига қадар республикамиз билан боғлиқ бўлди. У яратган чолғу мусиқалар орасида энг саралари «Симфоник сюита» (Ю.Ражабий ёзиб олган Фарғона халқ куйлари асосида, 1941й.), «Нурхон» ва «Қурбон Умаров» увертюралари (Т.Жалилов куйлари асосида, 1944, 1945й.), симфоник оркестр учун «Ўзбекча каприччио», 2 та «Қорақалпоқча сюита» (1946-1955), 2 та «Уйғурча сюита», «Ўзбекча шодлик тароналари» поэмаси, скрипка ва симфоник оркестр учун 2 та концерт (1955-1985) ва «Фантазия» («Тоҳир ва Зухра» опера куйлари асосида): симфония; «Байрам увертюраси», 2 та ўзбек куйи асосида увертюра; «Рихард Зорге» номли симфоник поэма; торли оркестрга «Лирик поэма».

Б.Бровцин бастакор Т.Жалилов билан ҳамкорликда «Ғунчалар» (1949 й.) мусиқали драмасини ва «Тоҳир ва Зухра» операсини (1950й.) яратади. Муқимий номидаги мусиқали театрда «Меҳмонхона бекаси» мусиқали драмаси (1964 й.) сахналаштирилади. «Семурғ» (Ҳ.Олимжон поэмаси асосида Е.Барановский либреттоси) балети Опера балет театрида сахна юзини кўрган ва узоқ йиллар давомида театр гастролларида Москва, Ленинград, Свердловск ва Қоҳира шаҳарларида намоёиш қилинган, 1969 йил Самарқанд опера ва балет театрида «Сестрица Алёнушка и братец Иванушка» (рус эртаги асосида О.Узоқов либреттоси) балети сахналаштирилган. Т.Содиқов билан ҳамкорликда 1950 йили «Ўзбекистон рақслари» кинофильмини; 1951 йили Рус болалар театрида сахнага қўйилган «Правда об его отце» драмасига; 1963 йили Навоий номидаги опера ва балет театрида Б.Қориева ва В.Васильевлар учун хореографик этюд «Чоргоҳ» симфоник оркестр жўрлигида. 1972 йилда «Балет

сахналари», 1970 йилда «Мишка на прогулке» кинофильмига; 1959 йили ўзбек халқ чолғулари оркестри учун туркман, тожик, қирғиз халқ куйлари асосида сюита; 1960 йил хитой, мўғул, корейс халқ куйлари асосида сюита; 1953 йилда чанг ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Концерт» ва бошқалар.

Республикамиз мусиқа санъатининг ривожланишига қўшган ҳиссаси учун у 1973 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди.

МУТАЛ (МУТАВАККИЛ) БУРҲОНОВ (1916-2002)



Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг мусиқа муаллифи, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза ва Бердах номидаги Давлат мукофотлари совриндори Мутал (Мутаваккил) Музаинович Бурҳонов ҳаёти ва ижодий фаолияти замонавий ўзбек профессионал санъатининг ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу нодир истеъдод соҳиби баркамол, ширадор ва

жозибали асарлари билан юртимизни дунёга танитди. Унинг барча асарлари оригиналлиги, маишийлиги билан ажралиб туради. Композиторнинг кўшиқ ва романслари, симфоник ва вокал-симфоник асарлари, сахна ва кино мусиқаси тингловчининг қалбига етиб боради. М.Бурҳоновнинг эсда қоладиган куйлари айна вақтнинг ўзида мураккаб ҳамдир. Чунки улар оҳангдорлиги билан инсон ички дунёсининг бойлиги ва муаллифининг нозик ва сезгир табиатини, ўй ва ҳис-туйғуларини ифода этади.

Ўзбек халқининг асл фарзанди Мутал Бурҳонов 1916 йил 5-майда Бухоро шаҳрида туғилди. Мутаваккилнинг уч нафар амакиларидан бири Мукамил Бурҳонов Бухоро жадидчилар ҳаракати фаолларидан бўлган.

Ҳаётнинг оғир синовлари бошига тушган М.Бурҳонов болалик ва ўспиринлик даврида аввал эски диний, сўнгра янги мактабларда ўқиди. Болалигидан мусиқага қизиқди ва меҳр қўйди. Танбур чалишни аввал амакиси Мукамил Бурҳоновдан, кейин машҳур танбурчи Ота Ғиёс Абдуғанидан ўрганди. 1928-1932 йилларда Самарқандда Ўзбекистон мусиқа ва хореография институтида таълим

олди. Мазкур ўқув масканида ишлаган Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғани, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Матёқуб Харратов, Абдурахмон Умаров каби устозлар сабоқлари, Абдурауф Фитрат ва Бурҳоновлар хонадонларида С.Айний, А.Чўлпон, Боту, Элбек, ёш Ҳ.Олимжон иштирок этган ижодий кечалар М.Бурҳонов учун унутилмас ҳаёт ва ижод мактаби бўлди.

Ўқишни битиргач, М.Бурҳонов 1932-1935 йилларда Тошкентда Ҳамза ва Душанбеда Лоҳутий номидаги драма театрларида созанда, мусиқа раҳбари лавозимларида ишлади, мусиқа басталашга интилдди. Композиторлик таълимини олиш орзусида у 1935 йили Москва консерваторияси қошида очилган “Ўзбек опера студияси”да таҳсил кўрди. 1939 йилда Москва консерваторияси асосий курсида профессор С.Н.Василенко синфида ўқишни давом эттирди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан кўнгиллилар армияси сафида Москва шаҳрини ҳимоясига отланди, 1942 йили эса қаттиқ бетоб бўлиб, Тошкентга қайтиб даволанди, ижод билан шуғулланди. 1946 йилдан ўқишни давом эттириб, 1949 йили Москва консерваторияси композиторлик куллиётини муваффақиятли тугаллади.

М.Бурҳонов бошидан кечирган қийинчиликлар, уюштирилган тухматлар, унинг метин иродасини синдира олмади. «Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди» деб ўзига далда берди, ижод қилди ва ҳақиқат юзага чиқди. Композитор ижодининг асосий қисмини вокал мусиқа ташкил этади. У талабалик давридаёқ илк ижодини атоқли шоир А.Лоҳутий шеърларига басталаган «Эй булбул» романи ва «Бути нозанинам» («Менинг гўзалим») кўшиғидан ва Машраб шеърига «Ишқ ўти», яккаҳон ва симфоник оркестр учун басталаган балладаси кабилардан бошлади. Уруш йиллари «Жангчилар кўшиғи» (Уйғун сўзи), «Самолёт» (Ҳ.Олимжон сўзи), «Учиб кетасан» (З.Диёр сўзи), «Пахта очилса» (Қамтар сўзи) кўшиқлар, «Ишқида» (Уйғун сўзи), «Дилбари-мо» (А.Лоҳутий сўзи) романсларини яратди. М.Бурҳонов қаламига мансуб «Мафтунингман» кинофильмида Ботир Зокиров ижро этган «Мафтунингман», Клара Жалилова ижросидаги «Юлдуз кўшиғи» ва «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» (Т.Тўла сўзи), Лайло Шарипова ижро этган «Баҳор кўшиғи» (Т.Тўла сўзи) ва «Самолётлар кўнолмади» кинофильмида араб аёлининг кўшиғи, Юнус Тўраев ижросидаги «Гул диёрим» (Э.Воҳидов сўзи) ва «Гўзал Нукус шаҳрим» (И.Юсупов сўзи), Тамараҳоним ижро этган «Гўзал Фарғона» (А.Бобожон сўзи), «Уйғур қизига» (Маматоҳунова сўзи),

«Ватан қўшиғи» (Ғ.Ғулом сўзи), «Ёрим бор» (Миртемир сўзи), «Гўзал Ўзбекистон» (Шухрат сўзи), «Бой ила хизматчи» кинофильмидан Гулбаҳор алласи каби ажойиб қўшиқлар кенг қанот ёзди. Дарҳақиқат, М.Бурҳонов биринчилардан бўлиб романс жанрини республикамиз мусиқий ҳаётига жорий этди, янги йўл очиб берди, десак муболаға бўлмайди. Бастакорнинг бу жанрдаги асарлари орасида улуғ шоир Навоий ғазалига басталаган «Табассум қилмадинг» ва Ҳофиз ғазалига яккахон ва симфоник оркестр учун «Намедонам чи ном дорад» («Исмингни билмайман») романс-поэмаси алоҳида ўрин тутади. Бу романс-поэма биринчи бор гўзал ва ёқимли овоз соҳиби Тошкент консерваторияси доценти Давид Муллоқандов, ундан кейин Ботир Зокиров ижросида янгради. «Юрак садоси» (Т.Тўла шеъри), «Келса ногоҳ...» (Н.Комилов шеъри), «Нега тарк этдинг» (А.Фитрат шеъри), «Унутмас мени боғим» (У.Носир шеъри), «Шоир орзуси» (Машраб сўзи) балладаси баркамол даражага етказилган.

М.Бурҳонов вокал-симфоник жанрларда ҳам баракали ижод қилди. 1949 йилда яккахон, хор ва симфоник оркестр учун «Гуллагай Ўзбекистон» кантатаси, «Баҳор қушлари» (С.Умарий сўзи), «Оқ олтин» (И.Юсупов сўзи) вокал-симфоник поэмаларини яратди. “Оқ олтин” асарни М.Турғунбоева ўз вақтида «Баҳор» рақс ансамбли учун сахналаштирган ва хужжатли фильм олинган. Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига бағишлаб А.Орипов билан ҳамкорликда «Алишер Навоийга қасида» (1968 й.) вокал-симфоник поэмаси, шу шоир билан 1975 йили урушда ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб хор ва симфоник оркестр учун «Эпитафия» марсиясини яратди.

М.Бурҳонов биринчилардан бўлиб 1950-йилларнинг бошларида ўзбек халқ қўшиқлари «Гўзал қизга», «Ёрларим», тожик халқ қўшиқлари «Сари кўҳи баланд» ва «Заррагул», қорақалпоқ халқ қўшиқлари «Бибигул», «Айрилиқ», уйғур халқ қўшиғи «Сайра», қозоқ халқ қўшиғи «Дударай», кейинги йилларда афғон халқ қўшиғи «Чашми сиёҳ», эрон халқ қўшиқлари — «Гули гандум» ва «Дамкул-дамкул» кабиларни акапелла хори учун мослаштириб, мураккаб ижодий масалани муваффақият билан еча олди.

Ноёб истеъдод соҳиби М.Бурҳонов 1990 йилда Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб «Алишер Навоий» операсини яратди. У Уйғун ва И.Султон драмасини қайта ишлаб, опера жанрига мослаган ҳолда либретто тузиб, жозибали мусиқа яратди ва у 1990 йилнинг охирида Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик опера ва балет катта театрида сахна юзини кўрди.

М.Бурҳонов ижодий фаолиятида кино мусиқаси ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Унинг 1950-1970-йилларда «Бой ила хизматчи» (режиссёр Л.Файзиёв), «Абу Али ибн Сино» (реж. К.Ёрматов), «Самолётлар кўнолмади» (реж.З.Собитов), «Сурайё» (реж. У.Назаров), «Тарк этилган келин» (реж. Й.Аъзамов) бадиий кинофильмларга ёзилган мусиқаси маданиятимиз тарихида чуқур из қолдирди. М.Левиёв ва И.Акбаровлар билан ҳамкорликда «Мафтунингман» ва «Орол балиқчилари» кинофильмларига яратган дилбар кўшиқлари янграб келмоқда.

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида сахналаштирилган: «Алишер Навоий» (Уйғун ва И.Султон пьесаси, 1943 й.), «Ҳикмат» (Ш.Туйғун пьесаси, 1950 й.), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза пьесаси, 1953 й.) спектаклларида М.Бурҳонов мусиқа басталаган. Республика кўғирчоқ театрида намоёиш қилинган Ҳ.Олимжоннинг «Ойгул ва Бахтиёр» спектаклига ҳам композитор мусиқа яратган.

М.Бурҳонов ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Мавриги», ҳар хил пьесалар, сюиталар, симфоник оркестр учун сюиталар, скрипка ва виолончель ансамбли учун вальс ва пьесалар яратди. Болалар хори учун қатор кўшиқлар басталади.

М.Бурҳонов табаррук 80 ёшлик тўйини янги мусиқий асарлар билан кутиб олди. Жомий дўсти Алишер Навоийга бағишлаб «Ширу шакар» шеърига кўшиқ, болалар хори учун «Ватан бизга меҳрибон» (М.Мирзо сўзи), акапелла хори учун «Бухорои Шариф» (Рўдакий шеъри) кўшиқларини басталади. Шу билан бирга Ўзбекистон мусиқаси тарихида М.Бурҳонов биринчи бўлиб яккахонлар, хор ва симфоник оркестр учун беш қисмли «Абадий хотира» номли РЕКВИЕМ яратди. Бу асарда қатағон йиллари қурбони бўлган ўзбек халқининг улуғ фарзандлари Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев, композиторнинг катта акаси Мисбоҳ, амакилари Масхариддин, Мукамил ва Муаммир Бурҳоновлар хотирасига бағишланган. Бу асар 1996 йил 14 майда «Туркистон» саройида композиторнинг юбилей кечасига бағишланган концерт дастурида илк бор ижро этилди. С.Қобулова, Ф.Зокиров, бадиий сўз устаси Т.Мўминов, А.Абдуқодиров, З.Ҳақназаров раҳбарлигидаги миллий симфоник оркестр, хормейстерлар А.Ҳамидов ва Ж.Шукуровлар раҳбарликларидаги кўшма хор жамоалари қатнашган эди.

М.Бурҳонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган юбилей

концерт Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида 2001 йил 17 майда ўтди.

Мутал Бурҳонов Ўзбекистон мусиқа маданиятини ривожлантиришда қўшган хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонларига, «Меҳнат шухрати» медали, 1999 йили «Буюк хизматлари учун» ордени, 2001 йилда «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланди.

Мутаваккил Бурҳонов Бухоро шаҳрида 2002 йилнинг 15 июнида дунёдан кўз юмди.

СОВЕТ ВАРЕЛАС (1923-1997)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор композитор Совет (Сергей) Варелас ўз ижоди билан замонавий мусиқа санъатига ўз ҳиссасини қўшди. У турли ансамбллар, оркестрлар, яқка ижрочи ва хор жамоаларига мусиқий асарлар яратиб, уларнинг репертуарини бойитди. С.Варелас болалар учун яратган «Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи» операси

Навоий номидаги давлат академик катта опера ва балет театрида узлуксиз намоёниш этиб келинмоқда.

Совет Афанасьевич Варелас 1923 йил 17 мартда Таганрог шаҳрида туғилди. 1933 йилда Вареласлар оиласи Тошкентга кўчиб келди.

Болалигидан мусиқага қизиққан С.Варелас 1946 йили Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртига ўқишга кирди. Бу ўқув масканида у гитара чалишни ўрганди ва айни пайтда хор дирижёрлиги бўлимида ҳам таҳсил кўрди. 3 - курсдан назария бўлимида Б.Ф.Гиенкода композиция бўйича дарс олади. Сўнгра Тошкент давлат консерваторияси композиторлик факультетида профессор Б.Б.Надеждин синфида таҳсил кўрди. Талабалик даврида фортепиано учун пьесалар, прелюдиялар, 2 та сонатина, соната, скерцо, торли кваттет, сюита, виолончель учун романслар, кўшиқлар яратди. 1955 йили симфоник оркестр учун «Поэма» диплом иши билан консерваторияни битирди.

1956-1960 йиллар Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим

юртида композициядан дарс берди. 1957-1965 йилларда Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлади. 1963-1997 йилларда Тошкент давлат консерваториясида муаллимлик қилди, 1960 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди.

Композитор 1956 йилда «Зоя» (Алигер сўзи) номли кантатаси билан муסיқа жамоатчилигига танилди. Унинг фортепиано учун юздан ортиқ пьеса, сонатина, соната, поэма, прелюдия, скерцо, вальс каби куйлари муסיқа ўқув юртларининг дастурларидан жой олган, уч юзга яқин кўшиқ ва романслар яратди.

С.Варелас симфоник, дамли ва ўзбек халқ чолғулари оркестрлари учун ҳам муסיқа басталади. Шу жумладан, «Ёшлик поэмаси», 2 та симфония, симфониетта, 7 та симфоник манзара, сюита, маршлар, оркестр жўрлигидаги жанговар ва лирик кўшиқлар, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун 50 га яқин халқ куйлари асосида увертюра, симфониетта, чанг учун концерт, сюиталар, шулар қаторида ўнбешта қорақалпоқ халқ куйларини қайта ишлаб, турли пьесалар, камер чолғу ансамбллари учун 2 та дуэт, 3 та трио, 3 та кuartет, Тошкент рус драма театри спектакллари учун «Такая любовь» (1959), «Миллион за улыбку» (1960), «Остров Афродиты» (1961) ва 2 та телеспектакльга муסיқа басталаган.

Унинг асарлари Москва, Ленинград, Свердловск, Минск, Бишкек, Душанбе, Ашхобод, Новосибирск шаҳарларида ижро этилган. С.Варелас 1989 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, медаллар билан тақдирланган.

АНАТОЛИЙ ВАРЕЛАС (1950)



XX асрнинг 70-йиллари охирида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига истеъдодли композитор Анатолий Советович Варелас кириб келди. У турли жанрларда яратган муסיқа асарлари ва скрипкада ижрочилиги билан республикамизнинг кўп миллатли муסיқа санъатига ҳисса қўшиб келмоқда.

Варелас Анатолий Советович Тошкентда 1950 йил 27 февралда дунёга келди. У болалигидан бошлаб муסיқа муҳитида тарбияланди: отаси — композитор Совет (Сергей) Афанасьевич Варелас ва онаси Головянц Тамара Аванесовна

фарзандлари Анатолий ва Еленаларга касб таълимини бердилар. Анатолий 1957 йили В.Успенский номидаги махсус мусиқа мактабда композициядан профессор Б.И.Зейдман синфида ўқиди.

1968 йили А.Варелас Тошкент давлат консерваторияси оркестр чолғулари ва композиторлик факультетларида скрипкада Рейдер ва композицияда профессор Б.Зейдманлардан сабоқ олди. Композиторлик мутахассислигидан давлат комиссияси ҳайъатига «Поэма о сыне» (Антакольский сўзларига) номли кантата диплом ишини симфоник оркестр, хор ва солистлар ижросида тақдим этди ва аъло даражали диплом олишга сазовор бўлди. Талабалик даврида 1971-1973 йилларда ўзи ўқиган мусиқа мактабида композициядан дарс берди. Консерваторияни битиргач, Ўзбекистон миллий симфоник оркестрида скрипкачи лавозимида ишлади. 1973 йилнинг ноябридан 1989 йилнинг ноябригача А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг оркестр дирижёрлиги факультетида чолғулаштиришдан дарс берди. 1989-2010 йилларда консерваторияда скрипкадан, 2010 йилдан бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси профессори сифатида фаолият юритмоқда.

У скрипка ва фортепиано учун ёзган сюита, вариация, сонатина, лирик пьесалар, иккита скрипка учун иккита соло, виолончель ва фортепиано учун андантино, сонатина, альт-скрипка учун 30 та пьеса, фортепиано учун 7 та пьеса, 8 та прелюдия, «Вечное движение» фугатто; тромбон ва фортепиано учун «Сўзсиз кўшиқ», ўзбек ва қорақалпоқ халқ оҳанглари пайваста қилиш асосида яратган, кашқар рубоби ва фортепиано учун «Рондо», ғижжак ва фортепиано учун «Рақс», най ва фортепиано учун «Элегия» ва «Шарқ рақси», ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Рақс» ва «Концерт пьесаси» созандалар репертуарини бойитди. Булардан ташқари турли чолғу ансамбллари учун ҳам мусиқа яратмоқда. Улар орасида торли «Квартет», «Сюита», 4 та пьеса, скрипка, виолончель ва фортепиано учун «Трио», дамли чолғулар ансамблига 3 та пьеса ҳам ижрочилар репертуаридан жой олди.

А.Варелас яратган симфоник «Увертюра» (1969 й.) «Симфоник поэма» (1970 й.) симфония № 1 (1977), № 2 (1983), № 3 (2002), № 4 (2005), № 5 (2012), скрипка ва симфоник оркестр учун концертлар № 1 ва № 2 (1972, 1986 й.), альт ва оркестр учун Концерт (2008), скрипка ва камер оркестр учун Concerto grosso (2001), най ва халқ чолғулари оркестри учун Концерт (1993) ижодкорнинг энг катта ютуғидир.

А.Варелас шоирлардан А.Исаакян, С.Ципачев, А.Блок, А.Ахматова, Зулфияларнинг шеърларига романслар яратди. Улар хонандаларнинг репертуар дастурларидан жой олди ва концертларда ижро этиб келинмоқда. Композитор кўшиқлар, хор жамоалари ва болалар учун оммавий кўшиқлар яратди.

А.Варелас “Задачи по инструментровке” (1996), “Произведения для скрипки и фортепиано” (2007), “12 каприсов для скрипки” (2011) ўқув қўлланмалари муаллифидир.

2007 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

СЕРГЕЙ ВАСИЛЕНКО **(1872-1956)**



Россия ва Ўзбекистон халқ артисти, П.И.Чайковский номидаги Москва консерваторияси профессори, композитор Сергей Василенко педагогик, дирижёрлик, композиторлик, ижодий ва жамоатчилик фаолияти билан кўп миллатли мусиқа санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

Василенко Сергей Никифорович Москва шаҳрида 1872 йил 30 мартда туғилди. Гимназияда ўқиб юрган кезлари хорда иштирок этди, фортепиано чалишни ўрганди. Ломоносов номидаги Москва университетининг юридик факультетига ўқишга кирди. Университетни битириш арафасида Москва консерваториясининг композиторлик факультетига имтиҳонсиз қабул қилинди. Шундан бошлаб мусиқа санъатига ўзини бағишлаб, профессорлар С.Танеев ва М.Ипполитов-Иванов синфларида сабоқ олиб, 1901 йили Москва консерваториясини олтин медаль билан битирди.

У турли рус шоирларининг шеърларига романслар, симфоник оркестр учун увертюра, сюита, симфония ва мусиқали сахна асарлар яратди. Жуда кўп рус халқ кўшиқларини қайта ишлади. «Сказание о великом граде Китеже и тихом озере Светояре» Опера-кантатаси 1903 йил унга шуҳрат келтирди. С.Василенко 1930 йиллардан бошлаб Шарқ мусиқа маданияти билан қизиқади, ўрганади ва арман, тожик, ўзбек, қозоқ, озарбайжон, доғистон халқ куйлари асосида «Сов. Восток» номли симфоник сюитасини ёзди ва ўзи тарғиб қилди. У ўзининг «Хотира саҳифалари»да шундай ёзади: «Мен ёш

республикаларга ёрдам бериш ниятида кўп сафар қилдим, санъаткорлар билан ва халқларни муסיқий мерослари билан яқиндан танишдим. Ўзбек халқ муסיқаси, созанда ва хонандалар катта таассурот қолдирди. Ўзбек халқ муסיқасини севиб қолганлигим сабабли 1938 йили Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг, ўқувчим М.Ашрафий билан ҳамкорликда, «Бўрон» номли биринчи ўзбек операсини ёзишга қилган таклифини мамнуният билан қабул қилдим. Тез орада ёзувчи-драматург Комил Яшин, Мухтор Ашрафий мен билан бирга операнинг либреттоси устида ишладик. Кейин менинг талабимга биноан М.Ашрафий ўзбек халқ муסיқасидан опера учун бир овозли куйларни танлади, ўзи ҳам куйлар басталади. Мен эса уларни кўповозли гармония воситалари билан бойитдим, симфоник оркестрга мослаштирдим ва 1939 йил операни театрга такдим этдим. 1939 йил 13 июн куни операнинг премьераси бўлди. Томошабинлар ва республика раҳбарлари кўтаринки руҳ ва олқишлар билан кутиб олишганлари мен учун бахт ва абадийдир».

Композитор С.Василенко Ўзбекистонга иккинчи мартаба 1941 йил Иккинчи Жаҳон уруши бошланганда келади ва 1941-1945 йилларда Тошкентда яшайди, ижод қилади ва консерваторияда дарс беради. У 1941 йил М.Ашрафий билан ҳамкорликда «Улуғ канал» операсини ёзади. 1942 йил ўзбек халқ муסיқаси асосида «Оқбилак» балетини, «Шерали» муסיқали драмаси, 9 қисмли симфоник сюита ва иккита юриш маршларини ёзади. Шунини айтиш жоизки, С.Василенконинг ижодий фаолияти асосан рус муסיқа санъатини ривожлантиришга қаратилан эди. У жуда кўп муסיқий асарлар яратди. Улар қаторида «Нойя», «Иосиф прекрасный», «В солнечных лучах», «Лола», «Треугольник», «Цыгане», «Мирандолина» балетлари, «Сын солнца», «Христофор Колумб» опералари ва Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат опера ва балет театри сахнасида 1941 йил премьераси бўлиб ўтган «Суворов» операси: «Гибель сенсаций», «Золотое озеро», «Обновленная земля», «Джувльбарс», «Я — сын трудового народа» каби кинофильмларга муסיқа басталаган. Булардан ташқари у фортепиано учун концерт; бешта симфония, симфоник сюиталар, скрипка, балалайка ва симфоник оркестр учун концертлар ва турли драмаларга муסיқа ёзди.

С.Н.Василенко узоқ йиллар давомида кўпгина шогирдлар тайёрлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муסיқасининг муаллифи буюк композиторимиз М.М.Бурҳонов ҳам шу моҳир педагогда ўқиган.

Атоқли композитор Сергей Никифорович Василенко ўзининг ёрқин ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан мусиқа маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Унинг хизматлари «Ўзбекистон халқ артисти» (1939 йил), «Россия халқ артисти» (1940 йил) фахрий унвонлари, орден ва медаллар билан тақдирланган.

ТАМАРА ВИЗГО (1906-1998)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, мусиқашунос Тамара Визго узок йиллар давомида олиб борган илмий, ўқитувчилик ва жамоатчилик фаолияти билан республикаимиз замонавий мусиқа маданиятининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. У ўзбек халқи мусиқа меросини, ижрочиларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини, мусиқа чолғуларини, бастакорларнинг ижоди ва муаммоларини ўрганиб, тарғиб қилди.

Визго Тамара Семёновна 1906 йил 5 апрелда Россиянинг Ломже шаҳрида туғилди. 1907 йилда унинг оиласи Тошкентга кўчиб ўтди. Саккиз ёшида гимназияга ўқишга киради, мусиқага қизиқиб, фортепиано чалишни ўрганади. 1932-1936 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа техникумининг мусиқа назарияси бўлимида ўқийди. 1936 йилда Тошкент давлат консерваторияси ташкил топиши билан у биринчилардан бўлиб тарихий-назарий факультетига ўқишга кириб, Москва консерваториясининг малакали ўқитувчилари - В.А.Цуккерман, Ю.А.Фортунатов, И.И.Мартинов, Я.Б.Пеккер, Л.В.Данилевич, А.Ф.Козловскийлардан таълим олади. Айниқса, уни ўзбек халқи мусиқа мероси ва замонавий композиторларнинг ижоди қизиқтирди. Талабалик давридаёқ унга консерватория тайёрлов бўлимида мусиқа назарияси ва тарихдан дарс бериш вазифаси топширилади. 1939 йилда эса уни Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа техникумига ишга таклиф қилишди. 1943 йили Т.Визго Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтига ишга таклиф қилинди ва ҳаётининг сўнгги давригача мазкур институтда илмий ходим, 1947-1952 йиллар мусиқа бўлими мудир, 1952-1957 йиллар илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлади. Мусиқа мероси ва айниқса, Ўзбекистон симфоник мусиқаси ва опера

санъатининг ривожланишини ўрганишга катта аҳамият берди. 1944-1948 йиллар консерваторияда ўзи тузган дастур асосида «Ўзбек мусиқаси тарихи»дан дарс берди. 1947 йили ўзбек симфоник мусиқаси мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1955 йилда унинг таҳрири остида «Музыкальная культура советского Узбекистана» номли тўплам нашр этилди. Унда Т.Визгонинг урта: «Пути развития узбекской музыки», «Узбекская опера», «Симфоническая музыка» каби йирик илмий мақолалари берилган. Йиллар давомида Тамара Семёновна ўзбек ва рус мусиқаси алоқаларига доир тарихий ҳужжаларни излаб, кекса санъаткорлар билан мулоқотда бўлиб, ҳозирги замон ўзбек ва рус композиторларининг турли шакл ва жанрларда яратган асарларини таҳлил этиб «Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой» мавзуида докторлик диссертациясини ёзди. Т.Визго беш жилдлик «Музыкальная культура братских народов» китоби ёзилишида қатнашди. Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан тайёрланган «История узбекской музыки» уч томлигида фаол қатнашган. Унинг «А.Ф.Козловский», «В.А.Успенский», «Музыкальные инструменты Средней Азии», «Узбекский оркестр народных инструментов» ва «Народная инструментальная культура современного Узбекистана» (А.И.Петросянц билан ҳамкорликда) монографияларини ёзди. Мусиқашунос Д.Рашидова билан ҳамкорликда «Музыкально-теоретическое наследие великих среднеазиатских мыслителей» мақоласини, «Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана» мақолалар тўпламини 1972 йили чоп этди.

Т.Визго уч юздан ортиқ турли мавзуларда илмий-оммабоп мақолалар, тақризлар ёзган. У республикада, халқаро конференция ва симпозиумларда маърузалар билан қатнашди. Узок йиллар давомида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг ҳайъат аъзоси ва мусиқий танқидчилик комиссияси раҳбари сифатида меҳнат қилди.

Т.Визго 1976 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, 1986 йили «Халқлар дўстлиги» ордени ва медаллар билан тақдирланган.

РУМИЛЬ ВИЛЬДАНОВ (1939-1987)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Республика Давлат мукофоти совриндори, композитор Румиль Вильданов XX асрнинг 60-йилларида ёрқин, жозибали мусиқа асарлари билан бастакорлар сафига кўшилди. У турли жанрларда, айниқса, кино мусиқаси соҳасида улкан мерос қолдирди.

Вильданов Румиль Жахонгирович 1939 йили 24 ноябрда Бишкек шаҳрида туғилди. 1949 йилда Вильдановлар оиласи Наманган шаҳрига кўчиб ўтди. Румиль 1949 йилдан мусиқа мактабида аккордеон чалишни ўрганди, сўнгра Наманган мусиқа билим юртининг баян синфига кирди. Ўқиш пайтларида мусиқа басталашга интилиш пайдо бўлди. Шу сабабли у гармония ва полифония билан қизиқар, фортепиано чалишга катта эътибор берар эди. 1957 йил билим юртини битириб, Тошкент консерваториясининг бастакорлик факультетига, профессор Б.И.Зейдман синфига ўқишга қабул қилинди. Ўқишни битиргач, 1962-1968 йиллар мобайнида консерваторияда композиция бўйича ўқитувчиликни бошлади. 1968-1981 йилларда у асосан ижод билан шуғулланди, ўриндошлик асосида болалар мусиқа мактабида дарс берди. 1981 йилдан консерватория доценти вазифасида ишлади.

Талабалик даврида фортепиано учун 9 та «Прелюдия», «Вариация», «Экспромт ва токката», скрипка ва фортепиано учун «Сюита», виолончель учун сонатина, виолончель ва фортепиано учун соната, орган учун 3 та пьеса, скрипка, виолончель ва фортепиано учун «Трио», 2 та скрипка, альт ва виолончель учун кватрет ва 6 қисмли сюита каби асарлари пайдо бўлди. Унинг 1-симфонияси, «Войдите в мир» поэма-кантатаси композиторга катта шуҳрат келтирди. Композитор бирин-кетин қуйидаги ёрқин ва мураккаб симфоник, вокал-симфоник ва театр учун асарлар яратди: фортепиано учун концерт (1965 й.): скрипка ва симфоник оркестр учун концерт (1966 й.): 2-симфония (1967 й.), фортепиано учун 2-концерт, 3-симфония (1968 й.), 4-симфония (1971 й.) каби симфоник асарлари юқори малакали ижрочилар репертуаридан муносиб ўрин олди. Муқимий номли мусиқали театрда унинг «12-кеча» (В.Шекспир

пьесаси), «Кўнгилли ёш қариялар» мусиқали комедияларини сахналаштирди. Республика болалар кўғирчоқ театри учун «Севги сири» ва «Дюймовочка», «Сўзлайдиган кўзача», «38 тўтиқуш» спектакллариға мусиқа басталади.

1964 йили кинорежиссёр Э.Ишмухамедов «Учрашув» бадийий фильми учун Р.Вильдановни мусиқа басталашға таклиф қилди. Шу кундан эътиборан композитор киноға мусиқа яратишға берилиб кетди, энди унинг ижодий фаолияти умрининг охиригача шу соҳа билан боғланиб қолди. 1964-1987 йиллар давомида 97 та бадийий, 46 та мультипликацион, 14 та ҳужжатли, илмий-оммабоп кинофильмларға мусиқа басталади. «Дорбозлар», (реж. Р.Ботиров, 1964 й.); «Оппоқ-оппоқ лайлаклар» (реж. А.Ҳамроев, 1965 й.), «Йигирма олтинчи отилмасин» (реж. Р.Ботиров, 1966 й.), «Генерал Собир Раҳимов» (реж. З.Собитов, 1967 й.), «Фарҳоднинг жасорати» (реж. А.Хачатуров, 1967 й.), «Қизил кушлар» (реж. А.Ҳамроев, 1968 й.), «41-йил олмалари» (реж. Р.Ботиров, 1969 й.), «Йигит, сени кутамиз» (реж. Р.Ботиров, 1972 й.), «Еттинчи ўқ» (реж. А.Ҳамроев, 1972 й.), «Одамлар орасида бир аёл» (реж. К.Ёрматов, 1973 й.), «Абу Райҳон Беруний» (реж. Ш.Аббосов, 1977 й.), уч серияли «Бу Кўқонда бўлган» (реж. У.Назаров, 1977 й.), кўп серияли «Оловли йўллар» (реж. Ш.Аббосов, 1977-1984 йилларда) кинофильмлари шулар жумласидандир.

«Оловли йўллар» кино мусиқаси, акапелла хори учун ёзган «Вокализ» кўшиғи бастакор ижодининг чўққиси саналади. Саҳна асарларидан Бернара Қориева учун ёзилган «Захарли ҳаёт», «Номаълум аёл», «Элегия» балетлари ҳам ноёб намуналар қаториға киради (балетмейстер И.Горлина.). Унинг «Тоғлар йиғиси» (Э.Дицоева либреттоси, 1983) ва «Анахита ғзаби» (1984) балетлари саҳна юзини кўрди. 1983-1986 йилларда бастакор виолончель ва фортепиано учун соната; фортепиано учун соната, скрипка ва фортепиано учун «Концерт пьесаси» асарларини яратди. Айниқса, иккита фортепиано учун «Диалог»и асари шинавандалар томонидан қизгин кутиб олинган.

Р.Вильданов 1976 йили «Человек уходит за птицами» (реж. А.Ҳамроев) кино мусиқаси учун кинофестиваль дипломи билан, 1977 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан, 1978 йили «Дом под жарким солнцем» (реж. А.Хачатуров) кино мусиқаси учун А.Хачатурян номидаги кино фестивали дипломи ва мукофоти билан, 1983 йили «Непокорная»

(реж. А.Қобулов, 1981) ва «Ленинградцы, дети мои» (реж. Д.Салимов, 1980 й.) кино муסיқаси учун Республика Давлат мукофоти билан тақдирланган.

САДИР ВОҲИДОВ (1930-1998)



XX асрнинг 80-йиллари бошида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига санъатшунослик фанлари номзоди, моҳир педагог, муסיқашунос Садир Воҳидов кириб келди. У замонавий миллий муסיқа санъати масалаларига бағишланган ёрқин, мазмундор илмий тадқиқот ишлари, маърузалари, телерадио эшиттиришлари билан танилди.

Садир Воҳидов 1930 йил 8 мартда Тошкентда туғилди. Ота-онасидан эрта айрилган Садир тоғаси Ҳожи Ҳақназаров, сўнгра эса болалар уйида тарбияланди, ҳаваскорлик муסיқа тўғарагига қатнашди. 1942-1947 йилларда Республика махсус муסיқа мактабида, 1947-1951 йилларда Тошкент вилояти педагогика билим юртида ўқиди. 1951-1956 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетида таълим олди. 1956-1959 йиллар Наманган муסיқа билим юртида муסיқа назарияси ва адабиётдан дарс берди. 1959-1968 йиллар Ўзбекистон телерадио муסיқа бош таҳририятида муҳаррир, 1968-1978 йиллар Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлади. 1976 йили «Замонавий ўзбек кўшиқчилиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1978-1995 йилларда С.Воҳидов А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида муסיқа назарияси ва тарихи кафедраси доценти бўлиб ишлади.

Илмий ишлари Ўзбекистон кўшиқ санъатининг тараққиёти муаммоларига қаратилган эди. Бу соҳада у санъатшунослик фанлари доктори, Н.С.Янов-Яновскаянинг илмий раҳбарлигида яратилган диссертацияси асосида 1976 йили «Узбекская советская песня» номли китоб нашр қилинган. Китобда «Ўзбекистон композиторларининг кўшиқларида фольклорнинг ўрни», «Ўзбек кўшиғининг пайдо бўлиши» масалалари ёритилган. «Уруш давридаги кўшиқлар», «Урушдан кейинги давр композиторларининг кўшиқлари» «История и современность» тўпламида (Москва, «Музыка»), «Песни

Узбекистана» мақоласи «Музыка Украины» нашриётида чоп этилган нота тўпламида (1972 й.), «История узбекской советской музыки» китобининг 2-томида «Песня», (Ғ.Ғулом нашриёти, 1973 й.), «Куй кўшиқнинг қаноти» ва «Кўшиқ куйи давр садоси» мақолалари «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1975 йил 12.08 ва 17.10-сонларида, «Эстрадная песня» мақоласи «Узбекская музыка на современном этапе» тўпламида, «Кўшиқ янги оҳанг даракчиси» мақоласи «Ўзбекистон маданияти» газетасида (1978 й), «Ўзбекистон санъати» журналининг 1978 йилдаги 5-,6-,8- сонларида «Музыка ҳақида Шарқ афсоналари» мақоласи, «Санъат» журналида «Куй-кўшиқнинг қаноти» (№ 12, 1981 й.), «Куйлар хазинабони» бастакор-дугторчи Ориф Қосимов ҳақида ижодий «портрет» (№11,1982 й), «Муסיкий тарбия ва томошабин» (№11, 1983 й.), «Ўзбек оммавий кўшиқ муаммоси» (№11, 1984 й.) мақолалари чоп этилди.

Садир Воҳидов жиддий ва танқидий мулоҳазаларга суяниб ёзган мазкур мақола ва маърузалар давр нафаси билан чамбарчас боғлиқдир. Замонавий миллий муסיқамиз йўналишлари, бастакорлар ва ижрочилар ижодий фаолиятлари, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, муסיқа ҳаётида учраган муаммолар уни бефарқ қолдирмас эди. Муסיқа санъатининг ўзига хос миллий услубда ривожланиши маданиятимиз тараққиёти учун меҳнат қилди, обрў-эътибор топди.

ИРИНА ГАЛУШЕНКО **(1946)**



Санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат консерваторияси муסיқа тарихи кафедраси профессори Ирина Галушенко Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига 2002 йилда кўшилди. Бу меҳнаткаш олима, моҳир педагог ва жамоат арбоби республикаимиз ҳамда хорижий мамлакатлар муסיқа ҳаёти, композиторлик ижодига бағишланган китоб ва мақолалар ёзиб, замонавий муסיқашунослик фани ривожига ўз хиссасини кўшиб келмоқда.

Галушенко Ирина Георгиевна 1946 йилнинг 4 сентябрида Литва Республикаси Алитус шаҳрида туғилди. Тез орада оиласи Тошкентга кўчиб келди. У болалигидан муסיқага меҳр кўяди. 1964-1968 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимида ўқийди. 1968 йили Тошкент давлат

консерваторияси мусикашунослик факультетига ўқишга киради. Талаба Ғарб ва Шарқ халқлари мусиқа маданиятларини, мумтоз ва замонавий композиторлар ижодий фаолиятини пухта ўрганади, айниқса, чех ва словак композиторлари ижоди билан қизиқади. Композитор Бедржих Сметананинг «Далибор» операси мавзусида диплом иши ёзиб, 1973 йили консерваторияни битирди. 1974 йилда у Ленинград консерваторияси аспирантурасига кириб М.С.Друскин бошчилигида чет эл мусиқаси кафедрасида таҳсил кўрди. Профессор Н.Я.Богоявленский раҳбарлигида «Оперное творчество композитора Эугеня Сухоня» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзи ва ҳимоя қилди.

Мусикашунос И.Г.Галушенко меҳнат фаолиятини Тошкент вилояти Қибрай туманидаги болалар мусиқа мактабида бошлаб, 1977-1979 йилларда назария бўлимини бошқарди. 1978 йилдан буён Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа тарихи кафедраси ўқитувчисидан профессоргача бўлган йўлни босиб ўтди. «Композиторское творчество стран Восточной Европы второй половины XX века» мавзусида докторлик диссертациясини ёзи.

Ўтган йиллар давомида И.Г.Галушенко илмий ишлари орасида «Эугень Сухонь и его значение в развитии современной чехословацкой культуре» («Вопросы современного музыкознания», Ташкент, 1979), «Черты оперной драматургии и стиля Э.Сухоня (на примере его музыкальной драмы» 1980 г.), «Э.Сухонь—оперный драматург» («Актуальные проблемы современной музыки». № 689. Ташкент, 1981г.), «Национальные истоки творчества Э.Сухоня» («Музыкальное искусство» Ташкент, 1982 г.), ««Святоплук» Э.Сухоня» (Очерки по истории зарубежной музыки XX века, Л.1983 г.), «Опыт анализа концерта для гобоя и камерного оркестра Ф.Янов-Яновского» («Вопросы истории, теории и исполнительства в музыке Узбекистана. Ташкент, 1984 г.), «Трудности роста музыкальной критики в условиях послевоенных лет (1946-1959)» (Музыкальная критика в Узбекистане, Т., 1984 г.), В.З.Плунгян билан ҳамкорликда «Тўхтасин Ғофурбеков» монографиясини ёзи (1997 й. Т., «Музыкальный театр-студия» (брошюра, Т., 1998г.), «Школа профессионализма» очерк деятельности кафедры истории музыки и музыкальной критики Ташкентской государственной консерватории им.М.Ашрафи (изд. «Яни», Т. 1998 г.), «Роль Ташкентской консерватории в развитии музыкальной культуры и образования Узбекистана» (Мустақиллик даврида Олий ўқув юртлари фаолияти.

Т., 2001 й.), “Муסיқанинг сеҳрли олами” (“Театр” журнали, 2001, №5), Воспоминания С.А.Юдакова. (Сулейман Юдаков в воспоминаниях современников, Т., 2003), К проблеме изучения истории музыки народов мира (Мустақиллик йилларида ижодий кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари. Т., 2004), “Совет Варелас. Жизнь в музыке” монографияси (хаммуаллиф Т.Головянц, 2005), “История музыки народов мира. Вып.3. Страны Восточной Европы второй половины XX века. (Т., 2008) ўқув кўлланмасини, “Фортепианное творчество Рустама Абдуллаева” (Рустам Абдуллаев. Сборник произведений для фортепиано. Т., 2008), “Жанрово-стилевые традиции Ф.Листа в венгерской фортепианной музыке XX века” (Золотой Музыкальный ЛИСТопад. Т.,2011.), “Алишер Навои в трудах Н.Конрада и В.Жирмунского” (Навой ва мусика. Т., 2011.), “Поэзия Хафиза Ширази в вокальном творчестве Кароля Шимановского” (Восток-Запад аспекты взаимодействия. Т., 2012) кабиларни қайд этишимиз мумкин.

Шунингдек, И.Г.Галушенко турли мавзуларда газета ва журналларда кўплаб мақолалар эълон қилди, радиоэшиттиришлар тайёрлади.

БОРИС ГИЕНКО (1917-2000)



Ўзбекистон халқ артисти, профессор Борис Гиенко бутун ижодий ва муаллимлик фаолиятини республикамиз мусиқа маданиятининг ривожланишига бағишлади. Деярли барча шакл ва жанрларда баркамол асарлар яратиб, ўзбек мусиқа санъатининг равнақиға катта ҳисса қўшди.

Гиенко Борис Фёдорович 1917 йил 8 августда Орджоникидзе (Шимолий Осетиянинг Дзауджикау) шаҳрида туғилди. Борис 6 ёшидан бошлаб фортепиано чалишни ўргана бошлаган. Отаси вафотидан сўнг 1935 йилда Гиенколар оиласи Тошкентга кўчиб ўтади. 1936 йили Тошкент давлат консерваторияси очилгач, Б.Гиенко композиторлик факультетига биринчилардан бўлиб ўқишга кириб Г.Мушель ва Б.Б.Надеждин синфларида таълим олди.

Б.Гиенко консерваторияда ўқиб юрган йиллари ўзбек халқ мусиқаси хусусиятлари билан қизиқди, ўрганди, куй ва кўшиқларни

нотага олди. Айримларини кўп овоз услубида қайта ишлаб, ҳар хил чолғулар ансамбли ва оркестрлар учун пьеса, поэма, увертюра ва сюиталар ёзди. Айниқса, 1938 йили Ўзбек филармонияси қошида Н.Н.Миронов ва А.И.Петросянцлар томонидан ташкил қилинган «Ўзбек халқ чолғулари оркестри»га Б.Гиенко ишга таклиф қилиниб, оркестрнинг репертуарини бойитишга хизмат қилди.

1941 йилда Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан ҳарбий хизматга чақирилди ва ҳарбий округ қошидаги ашула ва рақс ансамблида созанда ва композитор сифатида қатнашди. Ҳарбий хизматдан қайтгач Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида дарс берди. 1948 йили Тошкент давлат консерваториясида ўзбек халқ чолғулари кафедраси ташкил топади ва Б.Гиенко дарс беришга таклиф этилди. 1961-2000 йилларда консерваториянинг композиция кафедрасида кафедра мудири, доцент, профессор лавозимларида фаолият юритди.

Б.Гиенко ижодида яқка чолғулар учун ёзилган асарлар, айниқса, камер ансамблларга, симфоник ва ўзбек халқ чолғулари оркестрлари учун ёзган асарлар устуворлик қилади. Унинг уч қисмли 1 - симфонияси (1941 й.), «Ўзбекистон» номли иккинчи симфонияси (1950 й.), тўрт қисмли учинчи симфония (1962 й.), тўртинчи симфония (1973 й.), фортепиано ва симфоник оркестр учун уч қисмли концерт (1976 й.), виолончель ва симфоник оркестр учун қорақалпоқ халқ мусиқаси асосида «Концертино» (1978 й.), иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган камер оркестр учун беш қисмли драматик эскизлар (1972 й.), «Тошкентнинг 2000 йиллиги»га бағишланган камер оркестр учун симфонияетта (1983 й.), виолончель ва камер оркестр учун икки қисмли Концерт (1985 й.), симфоник оркестр учун «Хоразмча сюита», «Ўзбекистон лирик манзаралари» сюитаси, «Мирзаҷўл» симфоник поэмаси, увертюра, скрипка ва камер оркестр учун концерт, труба ва камер оркестр учун концерт пьесалар ёзган.

Композитор меросида вокал-симфоник мусиқа ҳам мавжуд: овоз ва оркестр учун «Новелетта» сюита-вокализ (1967 й.); «Ташвишли йиллар аро» вокал поэма (1970 й. Б.Сингаевский сўзи). Б.Гиенко Р.Глиэрга бағишлаб 1972 йили овоз ва оркестр учун «Концерт» ёзди. 1973 йили овоз ва камер оркестр учун «Фрески» асарини яратди.

Б.Гиенко ижодида ўзбек халқ чолғулари оркестри мусиқаси алоҳида ўрин тутади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда бу жамоани ундан

яхшироқ биладиган, севадиган, унинг имкониятларидан моҳирона фойдалана оладиган ва бу қадар кўп асарлар яратган рус миллатига мансуб композитор бўлмаган деса муболаға бўлмайди. «Ўзбекча марш» (1944 й.), овоз ва домбра секстет ансамблига «Бешта Помир халқ кўшиқлари» (1946 й.), оркестр учун симфониетта ва 9 та ўзбек халқ куйларини оркестрга мослаштирди (1947 й.). 1949-1951 йилларда иккита Хоразм халқ кўшиқларини овоз ва фортепиано учун, учта ўзбек халқ рақс куйларини фортепиано учун, учта ўзбек халқ куйларини ўзбек халқ чолғу ансамбли ва фортепиано учун қайта ишлади, Ҳ.Олимжон сўзига учта романс ёзди. Оркестр учун Украин халқ мусиқаси асосида «Сюита» (1954 й.); оркестр учун «Ноэл» ва «Бозатау» қорақалпоқ халқ кўшиғини қайта ишлади. Бастакор А.Султонов билан ҳамкорликда оркестр учун уч қисмли «Қорақалпоқча сюита» (1955 й.), оркестр учун Помир халқ куйи асосида «Увертюра» (1958 й.) яратди, бастакорлар Н.Ҳасанов ва С.Калоновларнинг куйларини оркестрга мослаштирди (1959 й.), оркестр учун «Пахта ҳақида поэма», «Айланиб келинг» ва «Ул пари» каби ўзбек халқ куйларини овоз ва оркестр учун мослаштирди (1961 й.), оркестр учун тоғли Бадахшон халқ куйи асосида «Увертюра» (1953 й.), оркестрга учта қорақалпоқ халқ куйларини қайта ишлади ва ўзбек халқ куйи асосида «Шонли байрам» увертюрасини (1967 й.) яратди. Ҳамза куйлари асосида оркестр учун «Фантазия», рубоб ва оркестр учун «Концертино», 1983-1985 йилларда оркестр учун «Гулдаста» сюитаси, бастакор Н.Ҳасановнинг ўзбекча, қирғизча, қозоқча, тожикча, туркманча куйлари асосида «Ўзбекистон дўстлиги», «Сўзана» сюиталари, «Йўл бўлсин» ва «Азим дарё» куйларини оркестрга мослаштирди, оркестр учун «Симфониетта» ва «Концертино» асарларини яратди. Талабалар учун ўзбек халқ чолғулари оркестрига чолғулаштириш ўқув қўлланмасини (1959 й.) ёзди.

Республикамызда камер-чолғу мусиқаси жанрлари ривожланишига Б.Гиенко катта ҳисса қўшди. Шунини айтиш керакки, Б.Гиенко илк кваттетидея (1949 й.) маҳоратини намойён қилди. Келгусида мазкур жанрга қайта-қайта мурожаат қилди ва жами 9 та кваттет яратди (2- 1959, 3- 1961, 4- 1963, 5 - , 6 - ва 7 - 1965 й, 8- 1987, 9- 1994 й.). 2-4- кваттетлар нашр этилиб, республикамыздан ташқарида ҳам ансамбллар репертуаридан жой олди. Камер-чолғу мусиқа асарлари орасида иккита скрипка, альт, виолончель ва фортепиано учун квинтет, Триптих (1964 й.), фортепиано учун 24 та

прелюдия (1959 й., 1969 ва 1962 йилларда нашр этилган), фортепиано учун 12 та концертли миниатюра, иккита фортепиано учун концертино, «Масхарабозлар» (1979 й. Т., 1981 й.) каби асарларини айтиб ўтиш ў жоиз.

Б.Гиенко театр учун ҳам муסיқа яратди. Г.Собитов билан ҳамкорликда «Хуш келибсиз» (Озарбайжон драматурги С.Раҳмонов пьесаси, 1952 й.) ва «Тоҳир ва Зухра» (С.Абдулло пьесаси, 1953 й.) муסיқали драмаларини, Д.Зокиров билан ҳамкорликда «Сўнмас чироқлар» муסיқали драмаси (А.Бобожонов ва М.Муҳамедовлар пьесаси, 1953 й.) ва «Ойниса» балетини (Т.Литвинова либреттоси, 1956 й.), Ф.Содиқов билан ҳамкорликда «Ота ўғли» (Ҳ.Шарипов пьесаси, 1966 й.), Д.Соатқулов билан ҳамкорликда «Махтумқули» (Б.Кербобоев пьесаси, 1966 й.) каби муסיқали драмаларни ёзди. Й.Охунбобоев номидаги болалар театрида сахна юзини кўрган «Гердаган қуён» (С.Михалков пьесаси), «Икки қайрағоч» (Е.Шварц пьесаси), «Четда», «Павлик Морозов» (Любимова пьесалари), «Сирли сандиқ» (Толипов ва Аҳмедовлар пьесаси) ва кўғирчоқ театрида кўйилган «Василиса прекрасная» (А.Пушкин асари асосида Преображенскийнинг пьесаси) спектакллариға муסיқа басталади.

Б.Гиенко болалар муסיқа мактаблари ўқувчилари учун ҳар бир синф босқичлариға мўлжаллаб, турли чолғулар ва ансамблларға куй ва кўшиқлар яратди. Айниқса, фортепиано учун «7 та пьеса тўплами», «10 та пьеса тўплами» туркумлари; Ю.Коринц сўзига «Муסיқали топишмоқлар» туркуми, скрипка ва виолончель учун ёзган куйлари диққатға сазовордир.

Б.Ф.Гиенко «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, орден ва медаллар билан тақдирланган.

ВЛАДИМИР ГЛИНСКИЙ **(1947-2011)**



Кўп миллатли Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафида Владимир Борисович Глинский ҳам бор. У 1989 йил уюшмага қабул қилинган. У республикамиз замонавий муסיқашунослик фанининг ривожига жараёнида илмий, тарғибот мақолалари, педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан самарали хизмат

қилди.

Глинский Владимир Борисович 1947 йили 15 июль куни Ўзбекистоннинг Навоий шаҳрида дунёга келди. 1949 йили уларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келди. Владимир 1954 йили умумтаълим мактабида ўқишни бошлайди, 1956-1963 йилларда 3-сон болалар мусиқа мактабида фортепиано мутахассислиги бўйича, 1963-1967 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртининг назария бўлимида таҳсил олди. 1967 йилда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг тарихий-назарий факультетига ўқишга кирди. 1972 йил доцент М.С.Ковбас раҳбарлигида «Восток в творчестве М.А.Балакирева» мавзуида диплом ишини ҳимоя қилиб, консерваторияни муваффақиятли битирди ва ўша йили аспирантурада сабоқ ола бошлади. 1975 йил аспирантурани доцент М.С.Ковбас раҳбарлигида «Ориентальные традиции русской классической музыки и симфоническое творчество композиторов Средней Азии и Казахстана» мавзуида илмий иш ёзиб битирди. 1973-2011 йиллар мобайнида консерваториянинг мусиқа назарияси кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

Мусиқашунос В.Б.Глинскийнинг ижодий фаолияти кўп қиррали. У «Интернациональное и национальное в становлении музыкальной культуры Узбекистана» (Всесоюзная научная конференция аспирантов ВУЗов, Киев, 12-16 июня 1974 г.), Некоторые черты изображения «Востока» в творчестве композиторов «Новой русской школы» (сборник Вопросы истории и теории узбекской музыки. Ташкент, «Фан», 1976г.), «Восточный тематизм в творчестве М.Балакирева» (сборник, Проблемы теоретического музыкознания в Узбекистане. Ташкент, изд. им.Г.Гуляма, 1976 г.), Симфоническая поэма А.Ф.Козловского «По прочтении Айни» (сборник, Теоретические проблемы узбекской музыки, Ташкент, изд. ТашГУ, 1976 г.), «Ориентальные традиции русской классической музыки и симфоническое творчество композиторов Узбекистана» (сборник Вопросы музыки и эстетики. Ташкент, изд. ТашГУ, 1980 г.), «Ориентальные традиции русской музыкальной классики и симфоническая музыка композиторов Средней Азии и Казахстана» (сборник, Вопросы теории, истории и исполнительства в музыке Узбекистана, Т., изд. ТашГУ, 1984 г.), «Простой и сложный контрапункты в творчестве композиторов Узбекистана» (сборник, Вопросы полифонии, Т., изд. ТашГУ, 1987 г.), «Имитационная полифония в творчестве композиторов Узбекистана» (сборник.

Вопросы методики преподавания музыкальных дисциплин, Т. 1991 г.), Полифония в хоровом творчестве композиторов Узбекистана. К методике анализа полифонических приемов и форм. (Вопросы музыкального исполнительства и педагогики. Вып.2., 2002), Полифония (Хрестоматия по полифоническому анализу на материале произведений композиторов Узбекистана, Т., 2004), В.Сапаров. Прелюдия и fuga для струнного оркестра (К столетию со дня рождения Ильяса Акбаровича Акбарова. Т., 2009), Полифония в кантатно-ораториальном творчестве композиторов Узбекистана (Ташкент и развитие музыкальной культуры Узбекистана. Ежегодник, Т., 2009) мақолалари муаллифи.

В.Глинский «Мелодия» грампластинка фирмасининг Ўзбекистондаги студияси буюртмаси асосида кўп грампластинкаларга аннотациялар ёзган.

РЕЙНГОЛЬД ГЛИЭР (1875-1956)



Озарбайжон ва Ўзбекистон халқ артисти, санъатшунослик фанлари доктори, П.И.Чайковский номидаги Москва давлат консерваторияси профессори, дирижёр ва жамоат арбоби, атоқли рус композитори Рейнгольд Морицевич Глиэр Россия, Озарбайжон ва Ўзбекистон мусиқа маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Р.М.Глиэр Киев шаҳрида 1875 йил 11 январда туғилди. 1892 йилда Киев мусиқа билим юртига скрипка бўйича ўқишга киради. Шу пайтдан бошлаб ёш созанда мусиқа басталашга қизиқади ва композициядан дарс олади. 1894 йилда Москва консерваториясига ўқишга киради. С.И.Танеев ва М.М.Ипполитов — Ивановдан композиция, чолғулаштиришдан дарс олади. Ўқишни битиргач, ижод билан шуғулланади, Гнесин мусиқа мактабида мусиқа назарияси ва сольфеджиодан дарс беради. 1913 йилда Киев консерваторияси профессори, 1914 йилдан ректори бўлди. 1920 йилда Москва консерваторияси раҳбариятининг таклифига биноан Глиэрлар оиласи Москвага кўчиб келади. 1920-1955 йилларда Москва консерваторияси профессори, шу билан бирга 1920-1923 йилларда шаҳар халқ таълим бошқармасининг мусиқа бўлими мудири, 1924-

1930 йилларда драматург ва композиторлар жамиятининг ҳайъат раиси, 1939-1948 йилларда иттифоқ композиторлар уюшмаси таъсис ҳайъати раиси каби вазифаларда ишлади.

Унинг асосий муסיқий асарлари: «Земля и небо» опера-ораторияси (Д.Байрон асари асосида, 1900 й.), «Шахсенем» (М.Гальперин либреттоси, 1923 й, иккинчи таҳрир, 1934й.), «Рашель» (М.Булгаков ва М.Алигер либреттоси, Мопассан асари асосида, 1942 й.) опералари; «Хризис» балет-пантомимоси (Н.Миль либреттоси, П.Люис асари асосида, 1912 й.); «Красный мак» (М.Курилко либреттоси, 1926 й., иккинчи таҳрир, 1949 ва 1957 й.), «Комедианты» (А.Петровский либреттоси, Лопе де Вега асари асосида 1922 й., янги таҳрирда «Доч килии» 1955 й.), «Медный всадник» (П.Аболимов либреттоси, А.С.Пушкин асари асосида, 1948 й.), «Тарас Бульба» (Л.Захаров либреттоси, Гоголь асари асосида, 1951 й.) балетлари, учта симфония (1899, 1907, 1911 йй.), «Сирена» симфоник поэмаси (1908 й.), «Запорожцы» симфоник манзараси (1921), «Тантанали увертюра» (1908), «Победа» увертюра (1945 й.), арфа ва симфоник оркестр учун Концерт (1938 й.), овоз ва симфоник оркестр учун Концерт (1943 й.), виолончель ва симфоник оркестр учун Концерт (1947 й.), валторна ва симфоник оркестр учун Концерт, тўртта торли кватет (1899, 1905, 1928, 1946 йй.), учта секстет (1898, 1904, 1905 йй.), октет (1901), 150 та фортепиано учун асарлар, 70 та турли чолғулар учун асарлар, 100 дан ортиқ романс ва кўшиқлар шулар жумласидандир.

1937 йилда Москвада ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси кунларига тайёргарлик кўриш муносабати билан 1936 йили Т.Содиқов билан ҳамкорликда «Гулсара» муסיқали драмасини яратиш учун Р.Глиэрни таклиф қилдилар. «Гулсара» муסיқали драмаси премьераси 1936 йил томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди. 1937 йил Москвада мазкур спектакль декада кунлари намойиш этилди. 1940 йил композитор Т.Содиқов билан ҳамкорликда ёзган «Лайли ва Мажнун» (Ш.Хуршид либреттоси) операси театрда сахна юзини кўрди. Улар «Гулсара»ни 1949 йил К.Яшин либреттоси асосида опера вариантыни театрга тақдим этдилар. Р.Глиэр муסיқали сахна асарларини ёзиш билан бирга ўзбек халқ куйлари асосида «Фарғона байрами» номли симфоник увертюра ва бошқа чолғулар учун асарлар басталади.

Рейнгольд Морицевич Глиэр муסיқа санъатини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун «Халқ артисти»,

«Озарбайжон халқ артисти», «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари, қатор орденлар билан тақдирланган.

ТАМАРА ГОЛОВЯНЦ (1929)



Санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи кафедраси профессори, мусиқашунос Т.Головянц илмий ва педагогик фаолияти билан республикамиз мусиқа санъати ва таълимига муносиб ҳисса қўшди. У 1981 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди. Унинг китоб ва илмий мақолалари, ўқиган маърузалари турли мавзуларга бағишланган.

Головянц Тамара Аванесовна 1929 йил 5 июнда Тошкент шаҳрида туғилди. 1937 йилдан умумтаълим мактабида ва Р.Глиэр номидаги мусиқа мактабида фортепиано синфида ўқиди. 1945 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кирди. 1955 йили Тошкент давлат консерваторияси мусиқашунослик факультетини тугатди. У меҳнат фаолиятини мусиқа мактабларида бошлаб, Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида давом этди. 1966-2009 йилларда консерваториянинг мусиқа тарихи кафедрасида дарс берди. 1982 йили «Камерно-инструментальный ансамбль в творчестве композиторов Узбекистана» мавзuida диссертациясини ёқлаб, санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Т.Головянц «Камерно-инструментальная ансамблевая музыка Узбекистана» («Фан», Т., 1990 й.), «Совет Варелас. Жизнь в музыке» (ҳаммуаллиф И.Галушенко, Т., 2005й.), «Восток в творчестве французских композиторов XX века. К.Дебюсси, М.Равель, А.Жоливе» (Т.2008), «Восток в творчестве французских композиторов» (Французский институт исследований Центральной Азии, Т., 2008), «Нурилла Закиров» (Т., 2010) монографияларини ёзди. Бир қатор илмий ишлари турли тўпламларда чоп этилди. «Полифония в инструментальном ансамбле композиторов Узбекистана» («Вопросы полифонии» тўпламида, 1987), «О преподавании музыкальной литературы в РССМШИ им. В.Успенского» («Вопросы преподавания музыкальных дисциплин» 4-тўпламда, 1987), «Камерно-инструментальная ансамблевая музыка

Узбекистана» («Музыкальные культуры республик Средней Азии и Казахстана» ўқув кўлланмасида, М., 1992); «Об особенностях музыкального языка квинтета Б.Гиенко» («Проблемы музыкальной науки Узбекистана» тўпламида, «Фан», Т., 1973); «Творческий портрет композитора А.Мухамедова» («Вопросы истории и теории узбекской советской музыки» тўпламида, «Фан», Т., 1976 й.); «Из истории камерно-инструментального исполнительства в Узбекистане» («Теоретические проблемы узбекской музыки» тўпламида, «Фан», Т., 1976 й.); «Об особенностях музыкального языка струнных квартетов И.Акбарова» («Вопросы современного музыкознания» тўпламида, «Фан», Т., 1979 й.) мақолалари фикримизни тасдиқлайди. Газета ва журналларда босилган куйидаги мақолалар билан танишиш мумкин: «О музыкальной жизни Ташкента» ж. «Сов.музыка» № 7 1970 й. ва № 1 1971 й.; «Праздник дружбы» ж. «Сов.музыка» № 3 1971 й.; «Интервью с главным режиссером ГАБТа им. А.Навои, ж. «Сов.музыка» №12 1991 й.; иккита интервью: С директором Узгосфилармонии Т.Джалиловым и главным дирижёром симфонического оркестра З.Хакназаровым, ж. «Сов.музыка» №1 1972 й.; Булардан ташқари куйидаги кўлэзма илмий ишлари бор: «Струнные квартеты И.Акбарова и Б.Гиенко», 1989 й.; «Творчество А.Мухамедова» монография, 1971 й.

Музыка санъатини радио орқали тарғибот қилишда Т.Головянц хизмати беқиёс. «Қардош халқлар кўшиғи», «Қувноқ кўшиқлар» каби нота тўпламларига муҳаррирлик қилган.

ГАИП ДЕМИСИНОВ (1942-1990)



Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор ва дирижёр Гаип Демисинов турли жанрлардаги жозибали, ёрқин, қорақалпоқ миллий оҳанглари билан суғорилган асарлари билан музика жамоатчилиги эътиборини ўзига қаратди ва эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлди. У 1973 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига қўшилди. Қорақалпоқ республикасининг замонавий музика санъатини ривожлантириш мақсадида тинмай ижод қилди, дарс берди, оркестрни бошқарди, музикани тарғиб қилди. Қисқа умр кўрган бўлса-да, музика ижодиётида ўчмас из қолдирди.

Демисинов Гаип 1942 йилнинг 20 февралда

Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида дунёга келди. Мактабдаги ҳаваскорлик тўғарагида ёғжак чалишни ўрганади. 1960-1964 йилларда Нукус муסיқа билим юртида скрипка чолғусида ўқийди. 1965-1971 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг композиция факультетида профессор Г.А.Мушель синфида таълим олади. 1971 йилдан Нукус муסיқа билим юртида иш фаолиятини бошлайди. 1973 йилда Қорақалпоқ телерадио комитети қошидаги халқ чолғулари оркестрида концертмейстер, 1974 йилдан умрининг охиригача дирижёр вазифаларида фаолият юритди.

Г.Демисинов Шарқ ва Ғарб муסיқа анъаналари асосида кўп овозли жанрларда миллий муסיқа басталашда яхши натижаларга эришди. Унинг «Фарғонача» (1971 йил) биринчи, «Бўзатов» (1980 йил) иккинчи симфониялари, биринчи ва иккинчи фортепиано ва симфоник оркестр учун ёзган концертлари (1971, 1980 йил), симфоник оркестр учун «Прелюдия ва фуга»си, торли кватрет учун иккита «Прелюдия ва фуга»си, фортепиано учун «Токката», «Фуга каприччио» ва «Фантазия», скрипка ва фортепиано учун 3 қисмли соната, камер чолғу оркестр учун 3 қисмли симфониетта каби чолғу асарлари миллий оҳанг ва усул билан суғорилган. Мазкур асарлар қорақалпоқ халқининг замонавий миллий муסיқаси йўналишининг намунали кўриниши дейилса муболаға бўлмайди.

Г.Демисинов йиллар давомида чолғу муסיқа асарлари билан айна пайтда акапелла (жўрсиз) хор учун «Азада бостонинг» (Т.Матмуратов сўзи), хор ва симфоник оркестр учун «Гуллен Қорақалпоғистон» поэмаси (И.Юсупов сўзи); якканавоз — баритон, хор ва симфоник оркестр учун «Қорақалпоғистоним» (Т.Сечанов сўзи), «Қайдасан» (С.Жеталиев сўзи), «Ақ халат» (Ж.Аймурзаев сўзи), «Қандай теран қиз жони» (Г.Сейитназаров сўзи) кўшиқларини яратди. Ўттиздан ортиқ кўшиқларини фортепиано ва халқ чолғулари оркестри учун қайта ишлади. У турли мавзуларда бир қатор шоирлар сўзига катталар ва болалар учун кўплаб кўшиқлар яратди.

Замонавий муסיқа санъатида Г.Демисинов ўзининг жўшқин ва кўп қиррали ижодий фаолияти билан ёрқин из қолдирди.



ИРИНА ДУЛГАРОВА **(1919-2012)**

Муסיқашунос Ирина Антоновна Дулгарова замонавий муסיқа санъати ривожига жараёнида туғилган муҳим масала ва муаммоларга бағишланган

мақола, тақриз, таҳрир ва радиоэшиттиришлари билан муסיқа шинавандаларининг муסיқий-маънавий савиясини ошириш йўлида фаол хизмат қилди. Моҳир педагог ва тарғиботчи сифатида республикамиз замонавий муסיқа санъати ривожига жараёнига самарали ҳисса қўшди.

Дулгарова Ирина Антоновна 1919 йилнинг 15 мартида Туркманистоннинг Ашхабад шаҳрида дунёга келган. Отаси вафотидан сўнг унинг оиласи Тошкентга кўчиб келди.

Ирина 1928 йили Р.М.Глиэр номидаги болалар муסיқа мактабига ўқишга кирди. Муסיқа мактабининг 7-синфини битириб, Ҳамза номидаги Тошкент давлат муסיқа билим юртининг фортепиано синфига ўқишга кирди. 1941 йили Тошкент давлат консерваториясининг назарий-тарихий факультетига ўқишга кирди. Консерваторияда ўқиб юрган йиллари кечки муסיқа мактабида муסיқа адабиётидан дарс беради ва Ўзбекистон давлат радиоэшиттириш комитетининг муסיқа муҳарририятида муҳаррир лавозимида ишлайди. 1947 йили консерваторияни битириши билан ўзи ўқиган Р.М.Глиэр номидаги болалар муסיқа мактабига ишга юборилади. Шу билан бирга Ўзбекистон Бастакорлар уюшасининг масъул котиби қилиб тайинланади ва 1948 йили уюшма аъзолигига қабул қилинади. 1948 йили у консерваторияга ишга таклиф қилинди. Консерваторияда ишлаб юрган йиллари Ирина Антоновнага бўлғуси ўзбек бастакорлари Д.Зокиров, Ҳамид Раҳимов, Д.Соаткулов, А.Муҳамедов, Х.Изомов, Ф.Назаровларга алоҳида муסיқа тарихидан дарс бериш топширилди.

Муסיқашунос И.Дулгарова консерваторияда ишлаб юрган йиллари педагогик ва илмий ишлар билан бирга консерватория илмий кенгаши котиби вазифасини ҳам бажарди. 1971-1989 йиларда Т.Содиқов номидаги Тошкент шаҳар болалар муסיқа мактабида муסיқа адабиётидан дарс берди. Ирина Антоновна бутун ижодий умрини консерватория ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг маъмурий ва жамоа ишларига бағишлади. Бу даргоҳларда банд бўлишига қарамадан турли мавзуларда мақолалар, радиоэшиттиришлар ёзди ва илмий ишлар ҳам қилди. Унинг яратган «Туркестанская народная консерватория» («Туркистон халқ консерваторияси») номли монографик очерки, М.П.Дайн, М.С.Ковбас ва Т.Мирзаевлар билан ҳамкорликда «Библиографический указатель узбекской музыкальной культуры» илмий ишлари олқишга сазовордир. Чунки мазкур чоп этилган ишлар Ўзбекистоннинг муסיқа

маданиятини ўрганувчиларга жуда қулай шароит яратади. Булардан ташқари у Ўзбекистон халқ артисти, композитор ва дирижёр Д.Зокировнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган монографик очерк ёзди (қўлёзма), Ўзбекистон бастакорларининг якка хонанда ва хор жамоаларига ёзилган қўшиқ ва халқ қўшиқларини қайта ишлаган асарлар асосида «Пустыню в край цветущий превратим», «Узбекские хоры» ва «Обработки Узбекских народных песен композиторами Узбекистана» тўпламларни тайёрлаб чоп эттирди.

ШЕРМАТ ЁРМАТОВ (1939)



Ўзбекистон халқ артисти, хор дирижёри, мураббий ва бастакор Шермат Ёрматов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига 1998 йили қабул қилинган. Унинг меҳнат фаолияти кўп овозли болалар хор ижрочилигини ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон телерадиоси ҳузурида 1967 йилда ўзи ташкил қилган «Булбулча» болалар хор жамоаси республикамиз маданий ҳаётида катта роль ўйнаб келмоқда.

Шермат Ёрматов 1939 йилнинг 17 октябрида Фарғона вилояти Лоғон қишлоғида туғилди. 1947 йилдан умумтаълим мактабида ўқиди, ҳаваскорлик тўғарагига қатнади. 1959 йилдан Ш.Ёрматов Тошкент маданият техникумида, 1962 йилдан консерваторияда хор дирижёрлиги факультетида таҳсил олди, Пак Ен Диндан композиторлик сирларини ўрганди. 1967 йилда Ўзбекистон телерадиоси ҳузуридаги Б.Умиджонов раҳбарлик қилган хор жамоасига дирижёр вазифасига тайинланди.

Ш.Ёрматов 1990 йилдан А.Қодирий номидаги Тошкент маданият институти (ҳозирги Тошкент давлат санъат ва маданият институти) да доцент, 1996-1999 йилларда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раисининг биринчи ўринбосари, 2000-2002 йилларда Ю.Ражабий номидаги Тошкент мусиқа-педагогика билим юрти директори лавозимларида ишлади. Ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори.

Композитор Ш.Ёрматовнинг ижодида қўшиқ жанри устувор туради. У ўтган йиллар давомида замондош шоирлар билан ҳамкорликда турли мавзуларда ўзи раҳбарлик қилаётган ижро

жамоаларга, якка хонандаларга атаб кўшиқлар, сюита, кантаталар яратди. Мисол сифатида айримларини эслатиб ўтамиз: жўрсиз (акапелла) хор кўшиқлари, «Қор ёғар» (Б.Исроил сўзи), «Қари чумчук чақимчи» (А.Обиджон сўзи), «Ялпиз» (Ю.Шомансур сўзи), «Дорбоз» (Т.Баҳромов сўзи), «Гуллола» (Т.Содиқова сўзи), «Майса» (Р.Толипов сўзи), «Салом, мактаб» ва «Она тупроқ» (П.Мўмин сўзлари), «Келди наврўз» (А.Исоқов сўзи), «Она тилим» (Д.Саримсоқов сўзи), «Ислом бобо» (М.Раҳмон сўзи), «Ой Ватаним» ва «Замоним, о замоним» (Қамбар Ота сўзлари), «Кўйлак» (Мирмуҳсин сўзи), «Кўзичок» (Д.Абдурахмонов сўзи), «Соғлом авлод кўшиғи» (С.Барно сўзи). Фортепиано жўрлигидаги хор асарлари: «Дадамларга ўхшасам», «Темир-терсак», «Ўйнадик ҳеч тўймадик», «Икки кўйманг, ўқитувчим» ва «Ўнбештамит беш олдик» (П.Мўмин сўзлари), «Онажоним» (Ҳ.Муҳаммад сўзи), «Энг чиройли ой» (Т.Аюпанов сўзи), «Гул фасли», «Бармоқларим» (М.Муҳамедов сўзи), «Нурли авлод» (Х.Раҳимов сўзи), «Меҳнат кўшиғи» (М.Зайниддинова сўзи), «Ёш механизатор кўшиғи» (Ғ.Маҳмуд сўзи), «Умиджон полвон» (Р.Шукуров сўзи), «Хўрозим» ва «Оймомажон ром бўлди» (Қ.Муҳаммадий сўзи), «Сумалак» (Т.Баҳромов сўзи), «Айёмларинг муборак» ва «Норин дарё» (Т.Содиқова сўзи), «Баҳор» (З.Азимова сўзи), «Муаллим» (Ю.Шомансур сўзи), «Той бола» (Қамбар Ота сўзи). Кўп қисмли хор асарлари: «Читти гул» вокал хореографик сюитаси (Н.Карим сўзи), «Ассалом, ҳаёт» кантатаси (Т.Илҳомов сўзи), «Бу гулшан соз экансан» болалар халқ термалари асосида вокал-хореографик сюита яратди. Бундан ташқари, композитор мактабгача ёшдаги болалар учун ҳам кўшиқлар ёзди. Унинг кўшиқлари турли нота тўпламлари ва «Муסיқа» дарсликларига киритилган. Ш.Ёрматов ҳаммуаллифликда умумтаълим мактаблари учун муסיқа дарсликларини яратди ва нашрдан чиқарди.

Шермат Ёрматов 1982 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1995 йил «Соғлом авлод учун» ордени, 1996 йил «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан мукофотланган.

АҲМАДЖОН ЖАББОРОВ (1925)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси муסיқий шарқшунослик кафедраси профессори, муסיқашунос Жабборов Аҳмад Ҳамидович¹ республикамиз муסיқа маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса кўшиб келаётган йирик арбоблардан бири.

Жабборов Аҳмад Ҳамидович 1925 йилнинг 8 августида Наманган шаҳрида туғилди. У 1933 йилдан умумтаълим мактабида ўқий бошлади. 1936 йилдан Наманган муסיқа техникуми қошидаги болалар муסיқа мактабида фортепиано ва муסיқий-назарий фанлардан сабоқ олади. 1942 йилда икки ойлик курсини тугаллаб, ҳарбий қисмга таржимон ва 12-сон умумтаълим мактабига ҳарбий бўлим раҳбари этиб тайинланди. 1943 йилда у Наманганда жойлашган Харьков пиёда ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Мазкур билим юртини олти ойда битириб, 1945 йилга қадар урушда қатнашди.

1950 йилгача Порт-Артур қалъасида ҳарбий хизматни давом эттирди. 1950 йилда Наманганга қайтди ва муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимида ўқишини давом эттирди. 1955 йили А.Жабборов Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетига ўқишга кирди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги даъватига кўра яна бир йил Наманганда ишлаб беришга қайтди. Консерваторияда ўқиш билан бирга 1961 йилга қадар муסיқа мактабида ўқитувчи сифатида меҳнат қилди. У 5-курсга ўтганида, ўзбек ва рус гуруҳларига «Ўзбек муסיқаси тарихи»дан дарс берди. Профессор Я.Б.Пеккер раҳбарлигида «Ўзбек муסיқали драмаси» мавзусида диплом ишини ёзиб, 1960 йили муваффақиятли битирди ва консерваторияда ўқитувчи лавозимида қолдирилди. 1959-1974 йиллари муסיқа тарихи кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида, 1974-1987 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент маданият институтида доцент, профессор ва кафедра мудири вазифаларида ишлади. 1987 йили консерваториянинг шарқ муסיқаси кафедрасига таклиф этилди ва 2009 йилга қадар ўзбек муסיқаси тарихи фанидан дарс берди. 1961 йилда Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди.

¹ Макола муаллифи муסיқашунос Отаназар Матёкубов.

А.Жабборов 1961-1963 йилларда консерваториянинг композиторлик ва мушакшунослик факультети декани, 1963-1965 йиллар Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси масъул котиби, 1965-1971, 1971-1975 ва 1987-1992 йилларда уюшма хайъати раиси, 1975-1980 йилларда Ўзбекистон Маданият вазирлиги Санъат Бош бошқармасининг бошлиғи вазифаларида ишлади. 1965-1980 йилларда Ўзбекистон Маданият вазирлиги хайъати, 1965-1994 йилларда адабиёт ва санъат соҳасида Давлат мукофотлари кўмитаси хайъати ва Ўзбекистон Олий кенгаши депутати сифатида, 1965-1975 йилларда турли ижодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ишларда фаол қатнашди.

А.Жабборов мушакшунос сифатида ўзбек мушакси тарихи, мушак таълими, композиторлик, ижрочилик ва мушак тарғиботи масалаларига бағишланган ўзбек ва рус тилларида тадқиқот ва қўлланмалар яратди. Булар қаторида: «Манас Левиёв» («Ғ.Ғулом», Т.,1986); «Мушакли драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида» («Ғ.Ғулом», Т.,2000) Т.Е.Соломонова билан ҳамкорликда ёзилган «Композиторлари ва мушакведлари Ўзбекистани» (Ғ.Ғулом, Т.,1975); “Ўзбекистон Бастакорлари ва мушакшунослари” (“Янги аср авлоди”, Т.,2004, тўлдирилган 2-нашри 2015 й.).

Мақолалар: «Ўзбекская музыкальная драма» (Очерки истории музыкальной культуры Узбекистана. I - тўплам, «Ўқитувчи», Т., 1968 й.), «Некоторые проблемы узбекской музыкальной драмы» (Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. II - тўплам, «Ғ.Ғулом», Т.,1969), «Ўзбекский дастан», «Ўзбекская музыкальная драма и комедия» (Музыкальная культура Узбекистана. «Музыка», Москва-1981), «Бастакорлар тортиғи» «Шарқ юлдузи» № 12, 1972 й.; «Путь к расцвету», «Звезда Востока» № 10, 1974 й.; «Буюк усталик» «Юлдуз» №3, 1994 й.; «Ер заминнинг ўз тюркюси бор», «Юлдуз» № 5, 1984 й.; «Бахтли замон кўшиқлари» «Меҳнат ва турмуш» № 4, 1970 й.; «Гулистон» журналининг № 7, 1971; № 4, 1975; № 10, 1987 й.; «Ойдин» журналининг 1974 й., «Сов.Ўзбекистони санъати» шу журналнинг ўзгарган номи «Санъат»нинг №7, 1978; №5,1982; №10, 1982; №1, 1983; №2, 1985; №7, 1986; № 1, 1989 сонларида ва № 7, 1990; № 7, 1991, 1985 й. «Музыка Узбекистана» (традиции и новаторство) (Музыка и общество) мақоласи немис тилида, Ўзбекистон энциклопедиясида бир қатор мақолалари, 1999 йили «Театр» журналининг декабрь сонидида «Йлоҳий оҳанглар султони»

номли машхур бастакор Т.Жалилов тўғрисидаги хотиралари чоп этилган.

«Сов. музыка» журналида (1966; 1968; 1971; 1973; 1983), Музыкальная академия №1, 1992 йилда «Друзей и собеседников найди...» тақризлари чиққан. «Ўзбекистон маданияти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида 1962 йилдан шу кунгача 20 га яқин мақолалар эълон қилинган. Булардан ташқари «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Ташкентская правда», «Вечерний Ташкент», «Тошкент окшоми» газеталарида мақолалари чоп этилган. 1970-1975 йиллар Москвада чоп этилган «Информационный бюллетень»да «Ўзбекистон мусиқа маданиятининг кундалик ҳаёти тўғрисида мақолалари эълон қилинган.

1970 йилда М.Бурҳонов, М.Левиев, Ғ.Қодиров, Ш.Рамазонов каби композиторларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари тўғрисида телекўрсатувлар ўтказган.

Консерваторияда ўтилаётган ўзбек мусиқаси тарихи ва XX аср ўзбек мусиқаси тарихи фанларининг дастурларини ёзиб, 1967 йили нашрдан чиқарган. 1991 ва 2000 йилларда мазкур дастурларни қайта ишлади.

Ўтган йиллар давомида собиқ иттифоқ Бастакорлар уюшмасининг IV-V-VI-IX съездларида ҳамда ҳар йили ўтказилган Пленумларида, замонавий мусиқа муаммоларига бағишланган симпозиум ва конференцияларда маърузалар қилди ва мунозараларда қатнашди. Шу билан бирга барча республикаларда ўтказилган турли анжуманларда ҳам қатнашди. Шулар билан бирга, ЮНЕСКО томонидан ўтказилган бир қатор халқаро мусиқий конгресс ва симпозиумларнинг ташкилий қўмиталарида қатнашди, маърузалар қилди. Жумладан, «Музыкальные культуры народов. Традиции и современность» (Москва, 1971г.) мусиқа конгрессини ўтказишда қатнашди ва «Музыка Востока и Запада» (эволюция национальных традиций на опыте узбекской музыки» мавзуида маъруза қилди. Конгресснинг натижаси туфайли Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг ҳайъати, мусиқашунослик комиссиясининг таклифига биноан 1972 йили Тошкент давлат консерваториясида шарқ мусиқаси кафедраси ташкил топди. 1972 йили «Музыкально-эстетическое воспитание детей и юношества» мавзусида Тунисда ўтказилган «ИСМ» халқаро конгрессида делегация ва ижрочи жамоаларнинг бошлиғи сифатида қатнашди ва «Музыкально-эстетическое воспитание детей и юношества в Узбекистане» мавзусида мусиқий

мисоллар билан маъруза қилди. 1972 йили Болгарияда «Софийский музыкальный фестиваль-симпозиум» да қатнашди. 1973 йили Алмати шаҳрида ўтган «Осиё мусиқа минбари» халқаро анжуманининг ташкилий қўмитасида фаол қатнашди. 1978 йилда «ЮНЕСКО»нинг «Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность» мавзусидаги симпозиум бўлиб ўтди ва уни ҳар беш йилда ўтказиш анъанага айланди. 1967 йил «Прага мусиқа баҳори», 1972 йил «Париж мусиқа баҳори», 1991 йил «Хельсинки мусиқа баҳори» фестивалларида иштирок этди. 1977 йил Мўғилистон композиторларининг III - қурултойида делегация раҳбари сифатида иштирок этди ва нутқ сўзлади. 1970 йил Бастакорлар уюшмаси йўлланмаси билан Ҳиндистонда ижодий сафарда бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси А.Ҳ.Жабборов қатор жанговор ордон ва медаллар билан тақдирланган. 1990 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, 1995 йили «Жасорат» медали ва 1999 йили «Эл-юрт хурмати» ордени, Беларусия ва Ўзбекистон ҳукуматларининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. 1983 йили доцент ва 1994 йили профессор илмий унвонларига сазовор бўлган.

КОМИЛЖОН ЖАББОРОВ **(1914-1975)**



Ўзбекистон халқ артисти, атоқли созанда ва бастакор Комилжон Жабборовнинг номи республикамиздагина эмас, бошқа қўшни мамлакатларда ҳам машҳурдир. Кундалик ҳаётимизда мунтазам янграб келаётган унинг мазмундор, жозибали қўшиқ ва ашулалари, рақс куйлари, тингловчиларга манзур. Созанда ва бастакор ўзининг бетакор мусиқа асарлари ва нодир ижрочилик санъати билан республикамиз миллий мусиқа маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса қўшиб, XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди.

Комилжон Жабборов 1914 йилнинг 15 апрелида Андижон шаҳрида туғилди. Комилжон болалигидан мусиқага қизиқиб акасидан дутор ва ғижжак чалишни ўрганади. 1923 йилдан умумтаълим мактабида ўқиди, мактаб ҳаваскорлар ансамблига қатнашади.

Комилжоннинг мусиқага бўлган қобилиятини кўрган созанда Рўзиматхон Исабоев уни ўзи билан Наманганга олиб кетади. 1925-1929 йилларда Намангандаги «Намуна» мактабида таълим олди. 1929 йилда Тошкентга келиб, Ҳамза номидаги драма театрида созандалар ансамблига ишга қабул қилинди. 1931 йилдан Й.Охунбобоев номидаги Андижон вилояти мусиқали драма театрида, 1933 йилдан Республика мусиқали драма театрида созанда, бир йилдан сўнг Андижон театрида мусиқа раҳбари лавозимларида ишлайди. 1941-1946 йилларда Янгийўлдаги театрда, сўнгра Муқимий номидаги мусиқали театр оркестрида созанда, 1946 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон радиоси қошидаги мақом ансамблида, ўзбек халқ чолғулари оркестрида ишлади.

К.Жабборов ғижжак, дутор ва танбурда беназир ижрочи эди. Унинг ижро дастуридан халқ, мақом, ўзи басталаган куйлар ўрин олди. Жумладан у ғижжакда «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Гул мавсуми»; танбурда «Самарқанд Ушшоғи», «Гулёр»; дуторда «Курд», «Нолиш» ва бошқа мумтоз куйларни мукамал янгротиб, ўзига хос услубда талқин этган.

Бастакор К.Жабборов турли мавзуларда юздан ортиқ ажойиб ва ўзига хос, оҳангдор кўшиқ ва ашулалар яратди. Уларнинг аксарияти миллий-маънавий мулкимизга айланди. Булар «Мубтало бўлдим сенга» ва «Эй, пари» (Навоий сўзлари), «Диёримсан», «Озода ўлкам», «Хушёр ёр», «Баҳор кўшиғи» (Ҳабибий сўзлари), «Лолахон», (К.Отабоев сўзи), «Тошкент пиёласи» (Ҳ.Хўжаев сўзи), «Шифокорлар» (П.Мўмин сўзи), «Салом», «Бирма-бир», «Кўргим келур» (Т.Тўла сўзлари), «Ватан» (Уйғун сўзи), «Хуш келдинг» (Р.Парфи сўзи), «Кел» (Э.Воҳидов сўзи), «Муҳаббат гулшани» (Ҳ.Муҳаммад сўзи) каби кўшиқ ва ашулалардир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда истиқомат қилиб ижод этган атоқли рус композиторлари К.Жабборов басталаб берган куйлари асосида М.Штейнберг «Симфония-рапсодия», Б.Арапов ва А.Козловскийлар «Жалолиддин» ораториясини яратдилар.

Андижон вилояти мусиқали драма театрида ишлаб юрган йиллари К.Жабборов «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» каби спектакллари ўзбек халқ мусиқаси намуналари ҳамда ўзи басталаган куйлар асосида сахналаштирилган. 1959 йили «Гулфия устида нур» (С.Тилла пьесаси) спектаклига мусиқа басталади. 1963 йили композитор С.Ҳайитбоев билан ҳамкорликда «Нодира» (Х.Раззоқов пьесаси) мусиқали драмасини яратди.

Драматург Т.Қосимованинг «Дилнавоз» (1964 й.) ва «Чўлпонойнинг алласи» (1965 й.) телеспектаклларига мусиқа басталади.

Ўзбек халқ мусиқасининг билимдони, мохир бастакор К.Жабборов 1967 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинган. Бастакор ва созанда Комилжон Жабборов республикамиз мусиқа маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун 1950 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ва 1973 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари, медаллар билан мукофотланган.

МАРКАБОЙ ЖИЕМУРАТОВ **(1943)**



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига композитор Маркабой Жиемуратов 1984 йили қабул қилинган. У Қорақалпоғистон республикаси Тахтақўприк туманида 1943 йилнинг 28 мартада туғилди. Болалигидан мусиқага қизиқиб, скрипка, мандолина, дутор чалишни ўрганди, турли концертларда фаол қатнашди. 1960-1964 йилларда Нукус давлат мусиқа ва хореография билим юртида Н.Муҳаммадиев синфида скрипка бўйича сабоқ олди. 1964 йилда Беруний шаҳри болалар мусиқа мактабида скрипкадан, 1965-1966 йилларда Хўжайли шаҳридаги болалар мусиқа мактабида дарс берди. 1966-1967 йилларда Қорақалпоғистон радио комитетида концертлар уюштириш бўлимида ишлади. Шу йиллари кўшиқ ва куйлар басталай бошлади.

1967 йили М.Жиемуратов Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирди. Бу ўқув даргоҳида мутахассисликдан аввал профессор Б.Ф.Гиенко, кейин профессор Г.А.Мушель синфида таҳсил кўриб, 1975 йили консерваторияни муваффақиятли битирди. 1975-1978 йилларда Станиславский номидаги театрда дирижёр лавозимида ишлади. 1979 йилда радиокомитетда муҳаррир, сўнгра радио қошидаги халқ чолғу оркестрида дирижёр, 1981-1982 йилларда Нукус шаҳри 2-болалар мусиқа мактабида ўқитувчи, 1983 йилдан Нукус шаҳар болалар театрида, 1989 йилдан 2-болалар мусиқа мактабида директор лавозимларида фаолият юритди.

Композитор М.Жиемуратовнинг ижодида кўшиқ ва романс жанрлари устувор аҳамият касб этади. У талабалик пайтларидан бошлаб турли мавзуларда замондош шоирларнинг шеърларига 100

дан ортик ранг-баранг ва жозибали кўшиқлар яратди. Улар орасида «Қиз муҳаббати», «Мен бир бўйдоқ жигитмен» (Ш.Мамбетмуратов сўзи), «Анажаним» (И.Аимбетов сўзи), «Арал вальси» (М.Даулетмуратов сўзи), «Соғиниш» ва «Асыгар саган» (О.Хошанов сўзи), «Умытпа», «Сени сағынаман аткан танларда», «Кел жоним», «Гоззал жаслығым», «Райхон», «Журек сыры», «Келин келди», «Мактанышым Каракалпакстаним», «Булбул», «Кара озек», «Асыгып атыр», «Сени коргенде» (Н.Торешов сўзи), «Бес тебенин тауларында», «Айыт сен Эжинияздын косыкларынан» (И.Юсупов сўзи), «Сахра кизина», «Саган асыгаман», «Кегейли» (К.Рахмонов сўзи), «Салы атызлар», «Кеширемен», «Нэупир бойлари», «Яр-яр», «Алтынкол» (Т.Кабулов сўзи), «Айдынлар», «Сен сулыу» (А.Тажимуратов сўзи), «Анажаним» (Х.Аимбетов сўзи) кўшиқлари, вальслари ажралиб туради. Композиторнинг «Эму акшамы» (Х.Сейтов сўзи), «Суйемен сени» (С.Пиржонов сўзи) романслари, «Куяшы» (Т.Сейтжонов сўзи) иккинчи, «Нури» (К.Жуманиязов сўзи) кўшиқлари кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллади.

М.Жиёмуратов ижодий фаолияти давомида фортепиано учун «Пьеса»лар, «Полька», «Вальс»лар, «Марш», «Алла», «Ноктюрн», «Скерцо», соната, «Эрназар Алакоз» номли симфоник поэма, беш қисмли симфоник сюита, уч қисмли 2- симфоник сюита, торли оркестр учун «Поэма», уч қисмли торли кuartет, уч қисмли дутор ва фортепиано учун пьеса, хор ва симфоник оркестр учун «Қорақалпоғистон» (И.Косымбетов сўзи) кўшиғини яратди. 1974 йили балетмейстер Н.Маркарянц билан ҳамкорликда ёзган либреттоси асосида «Гўзал Макарья» номли балет мусиқасини басталади. Балет мусиқаси асосида тузилган симфоник сюита 1975 йили Тошкентда ижро этилган ва илиқ кутиб олинган.

Композитор М.Жиёмуратов кўп йиллар давомида қорақалпоқ халқ кўшиқ ва куйларини, бахшиларнинг ижодидаги намуналарни нотага ёзиб борди ва 1991-1994 йилларда куйидаги нота тўпламларни нашрдан чиқарди:

«Жырау намалари» - 98 та халқ куйлари ўрин олган;

«Дауытбай Каипов» шу исмли бахшининг репертуари ёзилган;

«Дэртке-дауа Мукаррама» шу исмли сеҳргар репертуаридан ёзилган.

«Аккан жулдызлар» Д.Каипов ва З.Хожаназарованинг репертуаридан ёзилган. Булардан ташқари у 110 та куйни нотага ёзиб, нашрга тайёрлаган.

САЙФИ ЖАЛИЛ (1932-2003)



Ўзбекистон халқ артисти, Республика Давлат мукофоти совриндори, профессор Сайфи Жалилов (тахаллуси Сайфи Жалил) замонавий ўзбек мусиқа маданиятининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган. У лирик қўшиқ ва романс, мусиқали драма ва комедия, опера, симфоник, вокал-симфоник ва бошқа жанрларда яратган асарлари билан эл-юрт назарига тушган, халқ меҳрини қозонган атоқли ижодкордир.

Бўлажак композитор Самарқанд шаҳрида 1932 йил 20 июнда туғилди. Унинг оиласи 1935 йилда Тошкентга кўчиб ўтади.

Сайфи Жалил 1948 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига кириб аввал ғижжак синфида С.Габриэльянц ва М.Асиловда, бир йилдан сўнг композиторлик бўйича Б.Ф.Гиенкода таълим олади. 1949 йили М.Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига ғижжакчи бўлиб ишга кирилади. Мазкур жамоада у ижрочилик билан бирга ижод қилиб, ўзбек шоирларининг шеърларига қўшиқ ва ашулалар басталай бошлайди. Унинг бахтига шу оркестр концерт дастурларида Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Коммуна Исмоилова, Клара Жалиловалар ҳам қатнашар эдилар. Сайфиддиннинг лирик қўшиқларини улар моҳирона ижро этишганда томошабинлар қизгин кутиб олишарди. Жумладан, «Эй ёр, хуш келибсиз» (Ҳамза сўзи), «Келмаса-келмасун нетай» (Завкий сўзи), «Сенга бир гап айтаман» (П.Мўмин сўзи), «Тўйга келдик, тўйларингиз муборак» (Ў.Рашид сўзи), «Хонуваслинг» (Атойи сўзи), «Пари рўйим» (Фурқат сўзи) каби қўшиқлар Ҳалима Носирова ижросида элга танилди. Ҳалимаҳоним Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Албания ва араб мамлакатларида бўлган сафарлари чоғида ўрганиб келган халқ қўшиқларини С.Жалил қайта ишлаб, оркестр учун партитурасини тайёрлаб берар эди. Йиллар давомида С.Жалил анъанавий услубда, мумтоз ва замондош шоирлар шеърларига кўплаб қўшиқ ва романслар яратди. Масалан, унинг «Кечалар юлдуз санаб», «Ватанимга қўшиқлар айтай» (З.Обидов сўзи), «Кўзим тушди ўша оҳуга» (М.Каримов сўзи), «Ноз этма» (Чустий сўзи), «Куйида», «Ўзингсан» (Я.Қурбон сўзи), «Бенаво қилдинг мени» (Атойи сўзи),

«Тош қизлари» (Тўлқин шеъри), «Боғ кўчада» (Ғ.Ғулом сўзи), «Ойдин кечалар» (Уйғун сўзи), «Биринчи ваъда», «Қор ёғар» (Т.Тўла шеъри), «Оташ қалблар» (Э.Воҳидов сўзи) замонавий кўшиқчилик санъатимизни бойитди.

1952 йили Сайфи Жалил мусиқа билим юртини ўзбек халқ чолғулари ва 1953 йилда композиция бўйича битириб, кадрдон оркестрида ғижжакчи-концертмейстер, кейинчалик дирижёр бўлиб ишлади. Бастакорлик профессионал маҳорати етарли эмаслигини сезиб, 1959 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида ўқишга кирди. У дастлаб Б.Надеждин синфида, сўнгра Б.Ф.Гиенкодан композициядан, А.Ф.Козловскийдан чолғулаштириш бўйича таълим олди.

Сайфи Жалил консерваторияни 1967 йилда симфоник увертюра диплом иши билан тугатгач, турли жанр ва мавзуларда миллий асосдаги асарлар ярата бошлади. У кўшиқ каторида мусиқали драма, комедия, опера, кино мусиқаси ва бошқа мураккаб шакл ва жанрларда асарлар яратди. Унинг 1967 йилда «Тошкент манзаралари» 5 қисмли дастурли симфоник сюитаси мазмундорлиги, жозибadorлиги ва миллийлиги билан тингловчининг қалбини ўзига тортади. Бундай ижодий ютуқлар бошқа симфоник асарларида ҳам сезиларлидир. Лирик туйғуларга бой скрипка ва симфоник оркестр учун концерти (1971 й.), виолончель ва симфоник оркестр учун концерти (1975 й.), «Самарқанднома» номли биринчи симфонияси (1977 й.), тўрт қисмли иккинчи симфонияси ва камер симфониялари унга катта шухрат келтирди. С.Жалилнинг скрипка учун «Ғазал» куйи, скрипка ва фортепиано учун «Экспромт» пьесаси, камер оркестр учун тўрт қисмли сюитаси, иккита уч қисмли торли квартети, скрипка ва виолончелчилар унисон ансамбли учун «Лирик вальс»и, яккахон ва симфоник оркестр учун «Мажнун монологи», симфоник оркестр учун «Хореографик сюита»си, «Муҳаббат синови» (К.Фридланд либреттоси) хореография фрескаси (1987 й.) М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» рақс ансамбли учун рақс куйлари, Ғ.Тошматов номидаги «Дуторчилар» ансамбли учун яратган кўшиқлари эътиборга сазовордир. С.Жалил ўзбек композиторлари орасида биринчилардан бўлиб орган учун пьесалар ёзди. Фортепиано учун Амир Темурнинг 660 йиллига атаб саккиз қисмли «Темур дарвозаси», «Юлдузли осмон», «Кўшиқ», «Ой шуъласи», «Само», «Фикр» ва «Токката» номли миниатюралар (1996 й.) басталади. Жўрсиз хор учун «Тароналар», «Концерт», Б.Бойқобилов шеърига

«Тўрт сонет» номли кўшиқлар туркумини, кўғирчоқ театрида сахналаштирилган «Фарҳод ва Ширин» (И.Ёқубов инсценировкаси), «Ширмонбулоқ» (М.Нурмуҳаммад пьесаси) ва «Қачал полвон» (Ш.Саъдулла пьесаси) спектакллариға мусиқа ёзди.

1967 йили М.Карим билан ҳамкорликда «Қалам қошлигим» илк мусиқали драмасини яратганидан сўнг ўша йили «Тўлин ой» (Ғ.Жаҳонгиров ва Ж.Исомиддиновлар пьесаси) пайдо бўлди. Алишер Навоий юбилейига атаб Юнус Ражабий билан ҳамкорликда «Алишер Навоий Астрободда» (И.Муҳамедов пьесаси) номли мусиқали драмаси сахна юзини кўрди. 1971 йили эса «Лақма» (Уйғун пьесаси) номли мусиқали комедияси томошабинларға тақдим этилди. 1973 йили Фарғона театрида «Анвар ва Раъно» (Ё.Мирзо пьесаси) мусиқали драмаси сахнаға кўйилди. 1974 йили Андижон театрида «Тонг қизи» (Р.Сафаров ва С.Исмоиловлар пьесаси) мусиқали драмаси сахналаштирилди. «Юлдуз жамоли» (С.Азимов пьесаси, 1984), «Шайтон муридлари» (О.Юсупов пьесаси, 1986), «Кампир кетармиш» (Я.Худойқулов асари, 1989), «Заҳарли ҳаёт» (Ҳамза асари, К.Яшин пьесаси, 1989) мусиқали драма ва комедиялари, 1986 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат катта академик опера ва балет театрида «Зебунисо» (Уйғун либреттоси) операси сахналаштирилди. Мазкур театрда С.Жалилнинг 1987 йили яратган «Муҳаббатнома» балети ва болалар учун 1991 йили ёзилган «Маликаи айёр» операси томошабинлар эътиборига ҳавола этилган эди.

Халқ чолғулари оркестри учун «Шодлик рақси», танбур ва оркестр учун «Қалбимда» куйи, оркестр учун «Юбилей марши», «Байрам марши», «Бинокорлар марши», най ва оркестр учун «Романс», сюиталар ва ўзбек мумтоз куйларини қайта ишлаб оркестрға мослаштирган.

Композитор С.Жалил «Икки дил достони» (Ш.Рашидов асари) радиоспектаклиға, «Қора кўзим» (Т.Қосимова сценарийси) «О, муҳаббат» телепостановкаларига, «Азизахон» (реж. Муҳамедов) телефильмиға, «Зулматни тарк этиб» (реж. Й.Аъзамов), «Ота васияти» (реж. Й.Аъзамов) бадиий фильмларига ҳам мусиқа басталаган.

Композитор 1967 йилдан умрининг охиригача Тошкент давлат консерваториясида кафедра мудири, профессор лавозимларида ишлади.

С.Жалил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби»

(1977 й.) ва «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонларига, 1979 йили Республика Давлат мукофотига, 2002 йили «Эл-юрт хурмати» орденига сазовор бўлган.

ТЎХТАСИН ЖАЛИЛОВ (1896-1966)



Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор, созанда Тўхтасин Жалилов XX аср ўзбек мусиқаси тарихида катта ўрин эгаллади. Беназир маҳорат билан ажойиб кўшиқ, лирик ашула ва рақс куйлари, қирққа яқин мусиқали драма ва комедия, «Тоҳир ва Зухра» (Б.Бровцин билан ҳамкорликда) номли опера яратиб, республикада мазкур жанрларнинг таракқий этишига улкан ҳисса қўшди. Устоз ижодий изланиш, тинмай меҳнат қилди, кўп қиррали ижодий, раҳбарлик ва жамоатчилик фаолияти билан мусиқа санъатида чуқур из қолдирди. Шунини айтиш жоизки, у етиштирган юзлаб шогирдлар ҳам Ўзбекистон мусиқа санъатининг раҳбарлари бўлиб фаолият кўрсатмоқдалар. Бу улғу инсонни санъаткор аҳли ва халқимиз хурмат қилиб «Уста» деб эъзозлади.

Тўхтасин Жалилов 1896 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган. 10 ёшидан Юсуфжон чангчи бошчилигидаги санъаткорлар билан халқ сайилларида, қишлоқ ва шаҳардаги тўй маросимларида қатнаша бошлади. Мусиқий мерос сирларини кунт билан устоз ва дўстларидан ўрганди. «Ташвиқот араваси» ансамбли жамоасида Ёқубжон чангчи, Ашурали Охун дуторчи, Ғазат Охун ғижжакчи, Зокир эшон доирачи, Орифжон дуторчи, Ҳайит Охун танбурчи, Рустам меҳтар сурнайчи, Исмаилов карнайчи, Сайфи қайроқчи, Беркинбой Файзиев, Деҳқонбой ҳофизлар бор эди. Мазкур жамоани аввал Ориф Тошматов (Ориф гармон), сўнг Тўхтасин Жалилов бошқардилар.

1923 йили Москвада ўтказилган ҳунармандлар кўрганмаси концерт дастурида Т.Жалилов ҳам қатнашди. 1925 йилдан Ҳамза тузган Фарғона театр труппасида ишлади, кейинги йили машҳур санъаткор М.Қориёқубов Самарқандда ташкил этган Ўзбек давлат этнографик ансамблига таклиф қилинди. 1927 йили ансамбль билан Москва, Ленинград, Боку, Қозон ва Уфа шаҳарларида ўтказилган гастроль концертларида бўлди. 1928 йил Андижондаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрига мусиқа раҳбари вазифасига таклиф

қилинди. Мазкур театрда Т.Жалилов «Лолажон» (К.Яшин пьесаси), «Қашқар қизи», «Ойхон» (С.Абдулла пьесалари), «Ўртоқлар» (К.Яшин пьесаси), «Ҳалима» (Ғ.Зафарий пьесаси), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» (Ш.Хуршид пьесалари) спектакллари учун куй, кўшиқ ва ашулаларни халқ мусиқа меросидан танлаб олди.

Т.Жалилов Ўзбек давлат мусиқали театрининг мусиқа раҳбари этиб тайинланди. Ғ.Зафарийнинг «Ҳалима», К.Яшиннинг «Ўртоқлар» пьесалари ҳамда концерт дастури устида ижодий иш олиб борди. Мазкур спектакльлар мусиқасини қайта ишлади.

1936 йили Лондонда ўтказилган жаҳон рақс фестивалида Т.Жалилов, М.Қориёқубов, Тамарахоним ва Уста Олим Комиловлар қатнашиб, кўш мукофотларга сазовор бўлдилар.

1936 йилда Тошкентда Ўзбек давлат филармонияси М.Қориёқубов раҳбарлигида ташкил топди. Филармония жамоаларида Москвада ўтказиладиган Ўзбек санъат ва адабиётининг биринчи декадасига тайёргарлик қизғин бошланиб кетди. Т.Жалиловга 120 кишидан иборат бўлган Ўзбек ашула ва рақс ансамблини ташкил этиш ва бошқариш вазифаси топширилди. Мазкур ансамбль устоз раҳбарлигида Москва, Озарбайжон, Украина ва Белорусия бўйлаб гастроль сафарларида бўлди.

1939 йилнинг охирида Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театри ташкил топди. Мазкур театрга Т.Жалилов раҳбар этиб тайинланди. Унинг бастакорлик фаолияти бу ерда янада самаралироқ бўлди. У драматург С.Абдулла билан ҳамкорликда 1939 йилда яратган «Тоҳир ва Зухра» мусиқали драмасини сахналаштирди. 1941 йили «Қурбон Умаров» (С.Абдулла пьесаси, композитор Г.Шперлинг билан ҳамкорликда); 1942 йили «Нурхон» (К.Яшин пьесаси, композитор Г.Собитов билан ҳамкорликда); 1943 йили «Ўзбекистон қиличи» (Ҳ.Олимжон пьесаси, К.Яшин, Уйғун ва Н.Погодинлар, бастакорлар Т.Содиқов, М.Бурҳонов, Н.Ҳасанов, Климов ва Вайнберглар ҳамкорлигида); 1943 йили «Асрлар» (Уйғун пьесаси, композитор Б.Надеждин билан ҳамкорликда); 1945 йили «Ғунчалар» ва 1947 йили «Орзу» (С.Абдулла пьесаси, композитор Б.Бровцин билан ҳамкорликда); 1949 йили «Алпомиш» (С.Абдулла пьесаси, композитор Б.Надеждин билан ҳамкорликда); 1949 йили «Муқимий» (С.Абдулла пьесаси, композитор Г.Мушель билан ҳамкорликда); 1952 йили «Нурхон»нинг мусиқаси Г.Собитов билан, 1953 йили «Тоҳир ва Зухра»нинг мусиқаси Б.Гиенко билан қайта таҳрир этилган; 1956 йили

«Сурмахон» (Б.Раҳимов пьесаси, композитор Л.Степанов билан ҳамкорликда); 1957 йили «Равшан ва Зулхумор» (К.Яшин пьесаси, композитор Г.Мушель билан ҳамкорликда); 1957 йили «Истибдод» (С.Абдулла пьесаси, композитор Г.Собитов билан ҳамкорликда); 1962 йили «Фарғона ҳикояси» (Х.Ғулом пьесаси, композитор Б.Зейдман билан ҳамкорликда); 1962 йили «Дала маликаси» (Жалол Машрабий пьесаси) ва 1949 йили Б.Бровцин билан ҳамкорликда «Тоҳир ва Зухра» операсини яратди. 1977 йили шу опера қайта таҳрир этилди.

Ўзбек мусиқа меросининг билимдони Т.Жалилов йиллар давомида ижодий изланди, янгиликка интилди ва ноёб мусиқий асарлар басталади. Унинг замонавий услубда яратган илк куйи «Сигнал», кўшиқларидан «Ер экканники», «Оқ олтин», (Камтар сўзлари), «Довруғ» (К.Аҳмадий сўзи) бўлган. У Ватанни мадҳ этди, инсоннинг орзу-умидлари, инсон муҳаббати каби нафис ҳис-туйғуларини кўшиқ ва ашулаларида ифода этди. Унинг «Эй, ҳур Ватан», «Азим Ватан», «Она Ватан», «Фарҳод қаҳрамонлари», «Олдинга бос, болам», «Ялла» (Уйғун сўзи) каби кўшиқлари ўзбек кўшиқчилиқ санъатига замон руҳига мос келадиган янги оҳанглар олиб келди. Булардан ташқари, «Кокилинг», «Куйласам» (Уйғун сўзлари), «Баҳор айёмида» (Фурқат шеъри), «Гулистоним менинг» (Муқимий шеъри) каби лирик ашулалари муаллифнинг улкан салоҳиятидан далолат беради. Устознинг «Тўйлар муборак» кўшиғисиз эса ўзбек тўйларини тасаввур этиш қийин.

Шуни айтиш жоизки, устоз Т.Жалилов улкан маънавий-мусиқий мерос қолдирган. Шу билан бирга у эл-юрт ҳурматиغا сазовор ажойиб фарзандларнинг отасидир. Тўнғич ўғли Холхўжа Тўхтасинов (1919-1971 й.) моҳир ғижжакчи, дирижёр, бастакор сифатида танилди. Кенжа ўғли Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дехқон Тўхтасинов Москва консерваториясининг ўзбек опера студиясини тугатиб, умрининг охиригача Фарғона мусиқали драма ва комедия театрида дирижёр лавозимида ишлади. Қизлари Ўзбекистон халқ артисти Эътибор Жалилова Муқимий номидаги мусиқали театрнинг етакчи актрисаси эди. Холида Жалилова Тошкент давлат консерваториясининг вокал факультетини битириб, Тожикистон радиосида хонанда ва мусиқа билим юрти муаллимаси бўлиб ишламоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Тўхтасинов узоқ йиллар давомида филармонияда етакчи ғижжакчи-созанда сифатида фаолият юритди.

Ўзбекистон мусиқа маданиятини ривожлантиришда кўрсатган улкан хизматлари учун 1937 йилда Тўхтасин Жалиловга Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвони берилган. 1946 йили Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат бўлиб сайланган.

АЛЕКСАНДР ЖУМАЕВ (1953)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг мусиқашунос аъзолари сафига XX асрнинг 90-йилларида Шарқ мусиқа манбашунослиги ва замонавий йўналишларга қизиқувчан мусиқашунос Александр Жумаев кириб келди. У ўзининг турли мавзулардаги мақолалари, манбашунослик соҳасида илмий ишлари билан республика ва халқаро мусиқа конференциялари ва симпозиумларида қизиқарли илмий мавзулари билан мусиқа жамоатчилиги орасида танилди.

Жумаев Александр Бобониёзович 1953 йил 20 ноябрда Тошкентдаги туғилди. Александр Республика махсус мусиқа мактаб-интернатида кларнет, аккардеон ва фортепиано чолғуларини ўзлаштириш билан бирга мусиқий назарий фанлар бўйича ўқиди. 1971-1976 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг мусиқашунослик факультетида таълим олди. 1976 йилда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти аспирантурасига йўлланма олди.

Институтда Ўрта Осиё олимларининг мусиқага доир рисоалари билан яқиндан танишди, ўрганди ва натижада 1981 йил «Вопросы музыкальной эстетики в трудах ученых Среднего Востока IX-XII веков» мавзuida номзодлик диссертациясини ёқлади ва мазкур институтда илмий ходим, 1984-1992 йилларда институтнинг мусиқа бўлими мудир лавозимларида ишлади. 1993-1997 йилларда илмий иш билан шуғулланди. У жаҳон фольклоршунослик (АҚШ, Нью-Йорк) ташкилотининг аъзоси ва унинг Ўзбекистондаги вакилидир. Муаллифнинг илмий мақола ва турли анжуманларда ўқиган маърузаларининг мавзу номлари «Авицена и музыка» (ж.Звезда Востока, Т., 1980, №3), «Ибн Сина об общественных функциях музыки» (ж. Общественные науки в Узбекистане, Т., 1980, № 8-9), «О психологическом основании музыкальной эстетики средневекового Востока» (Краткие тезисы докладов 4 искусствоведческой научно-

теоретической конференции молодых ученых. 21-24 апреля, Т., 1981 г.) «Об эстетическом отражении макамов в средневековье» В книге: Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность (Сборник материалов Международного музыковедческого симпозиума Музыкального Совета ЮНЕСКО, Самарканд, 3-6 октября 1978 г.) Т., 1981, с 1999-2003, «К вопросу об эмоциональном воздействии макамов (по средневековым письменным источникам). В кн. Тезисы докладов V искусствоведческой научно-теоретической конференции молодых ученых (19-22 апреля 1983 г.) Т., 1983, «Трактат о музыке Мухаммада Нишапури» (ж.Общественные науки в Узбекистане, Т., 1984, № 1, с. 44-50), «Музыкально-эстетические взгляды Абу Али Ибн Сино». Музыка народов Азии и Африки (Сборник статей). Выпуск 4. М., 1984, «Уникальный источник по истории среднеазиатско-индийских музыкальных связей («Замзаме-йи вахдат» Наини) 17 в. В кн. Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии. Т., 1986, «Отражение взаимосвязей профессиональной музыки устной традиции Среднего и Ближнего Востока в средневековых письменных источниках» В кн. Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность: (Сборник материалов Второго Международного музыковедческого симпозиума, Самарканд, 7-12 октября 1983 г.) М., 1987, «К проблеме эволюции эстетических учений о макаматах» В кн. Вопросы эстетики, истории и теории монодии. Сборник научных трудов. Т., 1987, «По страницам древних манускриптов. О памятниках музыкальной культуры народов Востока» В кн. Вехи времён. Рассказы о памятниках истории и культуры Узбекистана. Альманах-89, Т., 1989, «Художественные традиции Борбада в средневековом музыкальном искусстве Мавераннахр и Хорасана» В кн. Борбад, эпоха и традиции культуры Душанбе, 1989, «Древние корни эстетической системы макамата». В кн. Борбад и художественные традиции народов Средней Азии и современность. Тезисы докладов и сообщений. Душанбе, 1990, «Макомы в Узбекистане: динамика политико-идеологических оценок и научных подходов». В кн. Музыкальная фольклористика. М., 1990, «Искусство в мире Ислама, Единство принципов в многообразии проявлений» ж. Творчество, М., 1991, № 9, «Правила и традиции военной музыки в Средней Азии в древности и средневековье» В кн. Международная конференция «Средняя Азия и мировая цивилизация» Тезисы докладов. Т., 1992, «Ислам и

музыка» ж. «Музыкальная академия», М., 1992, № 3., илл. «К изучению ритуалов «арвохи пир» и «камарбандон» в городских цехах музыкантов Средней Азии», ж. Общественные науки в Узбекистане, Т., 1995, № 5, 6, 7, 8, с.163-170, «Музыкальная культура народов Средней Азии и Казахстана до 1917 года» Глава 1. Музыкально исторический очерк. В кн. История музыки Средней Азии и Казахстана. М., Музыка, 1995, (соавтор О.Р.Матякубов), «Наджмиддин Кавкаби Бухари и Бухарская школа». В кн. Узбекистан — вклад в цивилизацию. Бухара и мировая культура. Тезисы III Международного симпозиума, Бухара, 1995, «Туркестанский старец «Ходжа Ахмад Яссавий и мусульманские духовные песнопения». (ж. Музыкальная академия, М., 1996, № 3, 4, с.125-131. 1997, № 1 с.133-141), «Абдурауф Фитрат и его современники на «музыкальном фронте» Узбекистана (20-30-е годы)». ж.Центральная Азия, Швеция, 1997, № 1-3, «Музыкальные традиции Хивы XVII начала XX века». ж. Общественные науки в Узбекистане. Т., 1997, № 7, 8, с.71-83. Открывая «черный ящик» прошлого // Муз. академия, М., 2000, № 1. Мир музыки – мир человека // Общественное мнение. Права человека. Узбекстанский гуманитарный журнал, 2000, № 1-2., О взаимосвязях муз. культур Средней Азии и Индии в древности // Индия и Центральная Азия (доисламский период). Т., 2000. Художественные тенденции и эстетические идеалы в музыке // Амир Темур в мировой истории. Издание второе. Т., 2001. Термин шаман в толковании газневидского поэта Масбуда Салмана // Культурное наследие Средней Азии. // Сборник статей. Т., 2002., Трактат о музыке «Кашф ал-автар» Касима ибн Дуста Али ал-Бухари: предварительное сообщение // Из истории культурного наследия Бухары (8 – выпуск). Бухара, 2002., «Наука о музыке» в энциклопедическом сочинении Фахр ад-Дин Рази «Джами ал-улум» («Собрание наук»). Вводная статья, перевод с персидского и комментарии Александра Джумаева // Культурные ценности. Международный ежегодник (Bibliotheca Turkmennica). 2000-2001. СПб., 2002. Баксы и жырау, дуутар и кобыз. О традиционной муз. культуре каракалпаков // San'at. Искусство, 2003, № 2. Бухарские евреи и муз. культура Средней Азии // Евреи в Средней Азии: вопросы истории и культуры. Сборник научных статей и докладов. Т., 2004. Говорят музыканты Узбекистана: двадцать лет спустя... // Муз. академия, 2004, №1. Камбар-Ата (Камбар, Баба-Гамбар) и муз.традиции народов Средней Азии // «Курак», Бишкек, 2004, № 6., Среднеазиатская ханака, суфийские

предписания о слушании (сама‘) и традиция духовных песнопений (хонакои) //Transoxiana. История и культура. Сборник научных статей. Т., 2004. Ташкентский фестиваль современной музыки: попытка осмысления в контексте культурного процесса //Musiqi Dunyasi, Баку, 2004, № 3-4/21., Возвращаясь к естественному руслу: К проблеме нового прочтения исторических и теоретических знаний о макомате //Шашмаком сабоқлари (мақола ва маърузалар тўплами). Т., 2005., Шашмаком на грани веков: историко-культурный и муз.феномен //Шашмаком сабоқлари (мақола ва маърузаларнинг иккинчи тўплами). Т., 2005. Из истории муз.культуры Карши //San'at. Искусство, 2005, № 2., Муз.культура Карши //Общественное мнение. Права человека, 2005, № 2., Бухарский Шашмаком: в поисках новых интерпретаций (источники, версии, принципы) //«Традиции Шашмакома и современность». Самарканд, 27-29 август Т., 2005., Musical Heritage and National Identity in Uzbekistan //Ethnomusicology Forum, London, Vol. 14, No. 2, November 2005. Музыка в системе жизненных и эстетических ценностей средневекового «восточного человека» //Узбекистан и Япония на возрождающемся шелковом пути (илмий конференция мақолалари тўплами, Тошкент, 14-16.12.2006й.). Т., 2007. Трактат о музыке «Кашф ал-автар» Касима ибн Дуста Али ал-Бухари (XVI в.) из коллекции Библиотеки Британского Музея //Записки Восточного Отделения Российского археологического общества (ЗВОРАО). Новая серия. Том II (XXVII). СПб., 2006. Музыка в жизни и творчестве Захир ад-Дина Бабура //Общественное мнение. Права человека, 2007, №2. Музыка в системе эстетических ценностей средневекового «восточного человека» и формы ее культивирования (маджлисы) //Общественное мнение. Права человека, 2008, №1. Musical Traditions and Ceremonies of Bukhara //Anthropology of the Middle East, Volume 3, Issue 1, New York-Oxford, Spring 2008., Русско-европейский научно-педагогический и художественный опыт и возрождение системы традиционного обучения «уstad-шагирд» в постсоветской Центральной Азии //Муз.культура в исламо-христианском контексте. Материалы Всероссийской научно-практической конференции, Казань, 17-18 ноября 2009 года, К истории исследования и публикации «Трактата о музыке» Абд ар-Рахмана Джамии //Вторые Востоковедческие чтения памяти Н.П.Остроумова: сборник материалов. Т.,2010. Традиция ашуро у иранцев Бухары: источники и историко-культурный контекст //Мир Ислама. Рах Islamica, М., 2010, № 2(5). «Устав

Среднеазиатских музыкантов» в переводе Чулпана. История творческого сотрудничества Чулпана и В.М.Беляева. Публикация ранее не известного перевода Чулпана //Восток Свыше. Духовный литературно-исторический журнал. Ташкент, 2011, вып. XXIII – XXIV. Мошина – кошик ёхуд Гирмуфун васфида //JannatMakon, Тошкент, 2012, апрель. Предмет любви и почитания. Из истории распространения граммофона в Средней Азии //Иные берега. Журнал о русской культуре за рубежом. М., 2012, №1. Музыка «устной традиции» в постсоветской Центральной Азии: единство и «противонаправленность» тенденций развития //Вопросы современного музыкознания. Материалы Международного Круглого стола, посвященного 70-летию профессора Б.И.Каракулова, 4 мая 2012 год, Алматы, Казахстан. Алматы, 2012. К вопросу о трансформации ашуру среди иранцев Бухары: основные источники изучения //Третьи Востоковедческие чтения памяти Н.П.Остроумова: Сборник материалов. Т., 2011. К истории формирования традиции *михтара* и *михтарлик* в городской музыкальной культуре Средней Азии // O'zbekiston tarixi. Илмий журнал, 2012, № 1. «Радости бытия высокого порядка». Александр Семенов – исследователь культуры Средней Азии //Восток Свыше, 2012, вып. XXVIII, октябрь – декабрь. От Пифагора к Фисагурсу. «Греческие мудрецы» и муз.мир средневекового мусульманского Востока //Восток Свыше, 2013, вып. XXX, апрель – июнь. «Чудеса» и новшества русских и европейцев в восприятии «среднеазиатского человека»: культурный шок, адаптация, «присвоение» //Культурный трансфер на перекрестках Центральной Азии: до, во время и после Великого шелкового пути. Париж – Самарканд, 2013. Сакральное и светское – две основные парадигмы развития классического муз.искусства (макомат) Средней Азии в контексте исторических перемен (2-я половина XIX – XX в.) //Традиционная музыка казахов и народов Центральной Азии: современное состояние, изучение, перспективы развития. Материалы Международной научной конференции (Алматы, 16 – 18 октября 2013 г.). Алматы, 2013.

ТОВУР ЖУМАЕВ (1918-1983)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, муסיқашунос Товур Жумаев турли мавзуларда ёзган илмий мақолалари, айниқса, мактаб болалари, талабалар, ҳарбийлар, ишчи ва деҳқонлар орасида муסיқа санъатини тарғиб этиш фаолияти билан танилди, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлди.

Товур Жумаев кўҳна Бухоро вилоятининг Давлатобод қишлоғида 1918 йилнинг 6 ноябрида дунёга келди. 1921 йилдан мактабда ўқиди, муסיқаға қизикди. Товур жуда эрта отасидан айрилди. Онаси билан Бухоро шаҳриға кўчиб келишади. Товур 1929 йилдан бошлаб умумтаълим мактабда ўқишини давом эттиради. Мактабдаги ҳаваскорлик тўғарағида, афғон рубобида чалишни ўрганишни бошлади. Бу қизиқиш уни 1931 йили Бухоро муסיқа техникумиға чорлайди. Мазкур ўқув юртида таниқли созанда-устоз Н.Насриддиновдан рубоб чалиш сирларини ўзлаштирди. Муסיқа назариясини техникум директори А.М.Ихтиёровдан ўрганеди. 1935 йили у Бухоро вилояти муסיқали драма театри чолғу ансамблида меҳнат фаолиятини бошлайди.

Маълумки, 1936 йилда Тошкентда Ўзбек давлат филармонияси ташкил этилади. Ўзбекистон халқ артисти, атоқли созанда ва бастакор Тўхтасин Жалилов раҳбарлиғида 120 кишидан иборат ашула ва рақс ансамбли ташкил топади. Мазкур ансамблда ҳамма вилоятлардан моҳир созанда ва хонандалар таклиф этилади. Бухородан шу ансамблға келган 12 нафар ёш санъаткорлар орасида Т.Жумаев ҳам бор эди. 1937 йили Москвада ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасиға катта тайёргарлик олиб борилади. 1937-1939 йилларда Т.Жумаев Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов бўлимида Б.Б.Надеждин синфида композициядан сабоқ олди.

Товур Жумаев 1939-1947 – йилларда Киевнинг ҳарбий қисмларида ҳарбий хизматни ўтади. 1940-1941-йилларда Киев консерваториясининг кечки бўлимида Л.Н.Ревуцкийдан ва Б.Н.Лятошинскийдан сабоқ олди. 1941-1945 йилларда урушда қатнашди, 1945-1947 йилларда Германияда намунали дамли чолғулар оркестри бошлиғининг ўринбосари лавозимида хизмат қилди.

1947 йилда Бухороға қайтади ва вилоят муסיқали драма театри

директорининг ўринбосари лавозимига тайинланади. Театр чолғу ансамблида рубоб чалади. Икки йил ўтгач, у Ўзбек давлат филармониясига директор этиб тайинланади, тез орада ижодий жамоалар ишларини яхши йўлга қўяди. 1951-1956 йиллар мобайнида Т.Жумаев Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетида ўқийди. Профессор Я.Б.Пеккер раҳбарлигида “А.Н.Серов и некоторые вопросы оперного искусства в его музыкально-критических статьях” мавзуида диплом иши ёзиб, консерваторияни муваффақиятли битирди. Т.Жумаев 1954-1957 йиллар Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театри директори, 1957-1958 йиллар филармония бадий раҳбари, 1958-1961 йиллари Ўзбек эстрада театри бадий раҳбари, 1961-1963 йиллар директори, 1963-1968 йиллар Ўзбек давлат филармонияси ва ўзбек эстрада бирлашмасининг бадий раҳбари, 1968-1970 йиллар “Санъат саройи” директори, 1970-1972 йиллар филармония ва эстрада бирлашмаси бадий раҳбари, 1972-1978 йиллар Ўзбекистон Маданият вазирлиги қошидаги театр ва муסיқа муассасалари Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1978 йилдан умрининг охиригача Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юрти директори вазифаларида ишлади.

1959 йили Т.Жумаев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига қабул қилинган. 1965 ва 1971 йилларда мазкур уюшма тафтиш комиссиясининг раиси вазифасига сайланган.

Муסיқашунос Т.Жумаев 200 дан ортиқ мақола ва тақризлари асосан замонавий ўзбек муסיқа санъатининг ривожланиши жараёнидаги муаммоларга, композиторлар асарларининг ютуқ ва камчиликларини очишга қаратилган. Шу жумладан: “Ўзбек операси муаммолари”, “Абдуқодир найчи”, “Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари”, “Ўзбекистон композиторлари 3-қурултойи”, “Концерт дастурларидан таассурот”, “Ўзбекистон хор санъатининг ривожланиши”, “А.Ф.Козловскийнинг янги муסיқа асарлари”, “Ёшлар орасида муסיқий тарғиботнинг баъзи масалалари”, “Симфоник муסיқа мавсумининг очилиши”, “Д.Зокиров ижоди”, “М.Ашрафий 60 ёшда”, “Устоз хотираси” (бастакор Шоназар Соҳибов тўғрисида), “Симфоник муסיқа янграмоқда”, “Композитор Т.Содиқов 60 ёшда”, “Қўшиқ, куй, рақс маскани” (Ўзбек филармониясининг 30 йиллигига) ва бошқалар. Тақризлар композиторлар Қ.Қўжамёровнинг биринчи уйғур операси “Нозумгул”га, “Зайнаб ва Омон” операсига, С.Бобоевнинг “Ҳамза”

операсига, Р.Хамроевнинг «Тонг олдидан» операсига, И.Хамроевнинг «Ойжамол» операсига, И.Акбаровнинг «Эпик поэмаси»га, «Қозоғистон халқ чолғулари оркестри Тошкентда», Г.Мушельнинг «Самарқанд афсонаси» балетига ва бошқалар. Муаллиф қаламига мансуб С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши» биринчи ўзбек комик операси илмий таҳлилига бағишланган катта мақоласи 1961 йил «Вопросы музыкальной культуры Узбекистана» тўпламида чоп этилган.

Т.Жумаев қатор орден, медаль ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган. 1967 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан мукофотланган.

ТУРСУНБОЙ ЖЎРАЕВ **(1952)**



Етук созанда, хонанда ва бастакор Турсунбой Жўраев Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида 1952 йилнинг 17 майида туғилди.

1960 йил Ўш шаҳар болалар мусиқа мактабининг скрипка синфида ўқиди. 1967 йилдан мусиқа билим юртида ғижжак бўйича ўқиб, 1971 йил муваффақиятли битирди.

Турсунбой Жўраев ўзининг дилрабо кўшиқлари, куйлари ва яллалари билан ўзбек кўшиқчилиги ва созандалиги ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган санъаткорлардан. Унинг “Айёмингиз муборак”, “Тўзал муҳаббат”, “Ватандир бу”, “Ўзбек тилим”, “Минг чинор”, “Салом Наврўз”, “Истиклол”, “Қалбимдасан”, “Зебони кўринг” каби 100 дан ортиқ яратган кўшиқларини машҳур хонандалар Ўзбекистон халқ ҳофиси Ориф Алимаҳсумов, Ўзбекистон халқ артистлари Таваккал Қодиров, Комуна Исмоилова, Замира Суюнова, Маҳмуджон Тожибоев, Муножот Йўлчиева, Марям Сатторова, Хуррият Исроилова, Матлюба Дадабоева ва мақом ансамблининг етук ҳофизлари ижро этган ва этиб келмоқдалар. Т.Жўраевнинг халқимиз юрагидан жой олган дилбар кўшиқлари Ўзбекистон радиосининг “Олтин Фонд”ига, яъни магнит тасмаларига ёзилган.

Кўшиқ жанрида ижод қилиш қаторида, Т.Жўраев телерадиокомпания қошидаги «Тановар» рақс ансамбли учун ҳам қатор рақс куйлари ва сюиталар, ўзбек халқ чолғулари учун ҳам бир неча куйлар яратди.

Т.Жўраев ижодкор бўлиш билан бир қаторда ўзбек мумтоз муסיқасини тарғиб қилишда ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Унинг ижросида “Сараҳбори дугоҳ” тароналари ва талқинлари, “Чормақом” куйлари, “Мушкилот” йўллари ва халқимизнинг сеvimли кўшиқлари, куйлари нафақат республикаимизда, балки Франция, Англия, Туркия ва бошқа Европа мамлакатларида муваффақиятли ижро этилган.

ҲАЛИМЖОН ЖЎРАЕВ **(1936-2008)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, моҳир найчи ва бастакор Ҳалимжон Жўраев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1993 йили қабул қилинган. Ёркин истеъдод соҳиби, ўзбек халқи муסיқий меросининг пухта билимдони Ҳ.Жўраев XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб муסיқа оламига кириб келди. Бастакор сифатида мумтоз ва замондош шоирларнинг шеърларига ранг-баранг, жозибали куй, кўшиқ, ялла ва ашулалар яратиб, республикаимиз муסיқа санъатининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди.

Ҳалимжон Жўраев 1936 йилнинг 15 майида Наманган вилояти Чуст тумани Варзик қишлоғида туғилди. Ҳалимжон болалигидан муסיқага қизиқди, 1943 йилдан маданият уйидаги хаваскорлик тўғарагига қатнаб най чалишни ўрганди. 1954 йилда -1958 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртида най синфида сабоқ олди. 1958 йилда Ҳ.Жўраев М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» рақс ансамблида, 1961 йилдан радио ҳузуридаги Ўзбек халқ чолғулари оркестрига найчи лавозимида ишлай бошлади. 1967-1972 йилларда консерваториянинг хор дирижёрлиги факультетида таҳсил кўрди.

Ҳ.Жўраев бастакор сифатида ўтган йиллар давомида турли мавзуларда мумтоз ва замондош шоирларнинг шеърларига 100 дан ортиқ кўшиқ, ялла ва ашулалар яратди. Улар орасида: «Саодат баҳори» (Ҳ.Ғулум сўзи), «Қуёшли элим» (Т.Тошматов сўзи), «Интизор», «Пахтакорлар доврўғи», «Сўрайман», «Камтарлик билан», «Тошкентим» (А.Пўлат сўзи), «Сен йироқда» (Э.Воҳидов сўзи), «Ишқ офтоби» (Б.Исроилов сўзи), «Ўзбекистон ипак йўллари» ва «Чаман айлаб кел» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Интизор эмасман» (Фурқат сўзи), «Бирга юргинг келади» (Маҳтумқули сўзи), «Ўртар»

(Машраб ғазали), «Най навоси» (М.Қориев сўзи), «Бир қиё боққан билан» (С.Зуннунова сўзи), «Ҳолим сўрмасанг» (Э.Охунова сўзи), «Мен каби шайдо эмас» (Муқимий ғазали), «Ватаним» ва «Замонамни куйлайман» (Т.Тўла сўзи), «Ватан васфи» (Ҳ.Расул сўзи), «Хуш садолар» (Уйғун сўзи), «Сен гули раъно» (Н.Парда сўзи), «Шўхи дилороми кўринг» (Ж.Жабборов сўзи), «Сўрайман», «Ахду вафодан кечма» ва «Юрса одоб-ибода» (П.Мўмин сўзи), «Солдат жасорати» (С.Кўқонбеков сўзи), «Мен сизни кутдим» (Нилуфар сўзи), «Бегим сизга» (Ҳ.Худойбердиева сўзи), «Иқболим баланд» (Ҳ.Муҳаммад сўзи), «Ўргатдинг» (Ғайратий сўзи), «Хаёлларим» (А.Ҳожи сўзи), «Интизор этма» (К.Усмонов сўзи), «Онажоним-онажон» (О.Назарова сўзи) ва бошқалар. Бастакор рубоб учун лирик куй, кўшнай учун пьеса, оркестр учун «Рапсодия» ва «Поэма» ларни яратди.

Ҳ.Жўраев найчи сифатида 1962 йили Финляндияда ўтган VIII халқаро ёшлар фестивалида, 1966 йили Болгарияда ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлигида, 1973 йили Сурия араб республикасида Ўзбекистон санъати кунларида қатнашди. 1974 йили Германия, 1976 йили Греция, Миср, Туркия, Кипр каби мамлакатларда ижодий сафарда бўлди.

ҚУРБОНБОЙ ЗАРЕТДИНОВ (1951)



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердах номидаги Давлат мукофоти совриндори, дирижёр, педагог, композитор Қурбонбой Заретдинов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1989 йили қабул қилинган.

Қурбонбой Заретдинов Қорақалпоғистон республикаси Кегейли туманида 1951 йилнинг 25 феввалида дунёга келди. Қурбонбой 1958 йилдан умумтаълим мактабида ўқиди, бадий ҳаваскорлик тўғарагига қатнади. 1966 йили Нукус мусиқа-хореографик билим юртининг хор-дирижёрлиги бўлимига ўқишга кириб бастакорликдан машқ қила бошлади. 1968-1970 йилларда К.Станиславский номидаги республика театри хор жамоасида артист бўлиб ишлади.

Қ.Заретдинов 1970 йили Тошкент консерваторияси хор-дирижёрлиги факультетига ўқишга кирди. Бу ерда у ўз мутахассислиги билан бирга профессор З.Ҳақназаров синфида опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислигидан ҳам сабоқ олди. Консерваторияни 1975 йили муваффақиятли битиргач Ж.Шомуротов номидаги Нукус музыка ва хореография билим юртига ишга йўлланма олди. 1975-1976 йилларда у Ички ишлар кўшинларининг ашула ва рақс ансамблида хормейстер бўлиб хизмат қилди, сўнгра ўқитувчилик ишини давом эттирди.

1981 йилда Бердах номидаги симфоник оркестр ташкил қилинди ва унинг иккинчи дирижёри этиб Қ.Заретдинов тайинланди. 1985-1986 йилларда у Ленинграднинг кичик опера ва балет театри симфоник оркестрининг Бош дирижёри В.В.Кожин бошчилигида стажёр бўлиб ишлади. Дирижёр Қ.Заретдинов 1987-1992 йилларда Қорақалпоғистон симфоник оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри, 1992-2008 йилларда Қорақалпоғистон Бастакорлар уюшмаси раиси лавозимида ишлаган, 2008 йилдан Университетнинг музыка бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Қ.Заретдинов куйидаги сахна асарларига музыка басталади: композитор О.Ҳалимов билан ҳамкорликда «Ғариб ошиқ» (А.Бегимов, Т.Алланазаров пьесаси) ва «Адолатга қиянат» (С.Ҳожаниязов пьесаси) музыкали драмаларга; «Шаръяр» (Қ.Матмуратов пьесаси) драмага; «Ақ текеш ҳам кок текеш» (Қ.Матмуратов пьесаси), «Асанбала ҳаққинда» (Ж.Хожанов пьесаси) кўғирчоқ спектаклига; халқ эртаги «Аш-касқир» асосида болалар учун балет яратди. Иккинчи балети «Назлимхан сулиў» (Т.Хожасов либреттоси) деб аталади.

Композитор симфоник ва вокал-симфоник асарларни яратди: «Бегжан фожиаси» симфоник поэмаси, «Кайрауда қалганг элғиз гиз» симфоник манзара, «Наўриз» симфоник поэмаси, дутор ва оркестр учун «Қарадэли» концертли пьесаси, фортепиано ва оркестр учун «Концерт пьеса»си, «Сирласиў» симфоник-хореографик манзараси, халқ чолғулари оркестри учун «Биринчи қуваниш» ва «Ватан куйлари» сюиталари хор, яккахон, бадиий сўз устаси ва оркестр учун «Бозатау» (Т.Қобулов сўзи) вокал-симфоник поэмаси, «Посқан ел» (Жийен жрау) ораторияси, «Хэсирек хэўири» (Х.Деўлетназаров сўзи) ораторияси, «Хош келдин Наўриз» (Х.Даўлиетназаров сўзи) «Достлик» (К.Раҳмонов сўзи), «Қорақалпоқстан» (Б.Генжемуратов сўзи), «Қорақалпоқстан» (И.Юсупов сўзи) кантаталари, «Туўилган

жерим» (К.Раҳмонов сўзи) хор-сюита оркестр билан; «Она Ўатаним» (Ш.Пахретдинова сўзи) яккахон, хор ва оркестр учун сюита; «Акапелла» хор учун: «Налиш», «Айкулаш», «Қара коз», «Алти қиз» халқ кўшиқларини қайта ишлаган. Хор учун: «Дутарим менин» (Х.Турдикулов сўзи) ва «Мондай кулдим» (Ж.Шомуратов сўзи) кўшиқлари, дамли чолғу оркестри ва хор учун «Ўзбекистон армияси» (Н.Мусаев сўзи) кўшиғини басталаган.

К.Заретдинов юзга яқин кўшиқ ва романслар яратди. Улар орасида «Шибиғи синса шинардин», «Булбул», «Аралим эрманим», «Қжне сол жулдиз», «Ядимда менин», «Еслеу» (И.Юсупов сўзи) «Тўмарис ҳақинда баллада» ва «Эжинияздин монологи», «Дайи қиз» (Д.Алланазаров сўзи), «Қорақалпоғистаним», «Бу дунья ажайип дунья» (Э.Отенбергенов сўзи), «Сенинг козлорин» (С.Ембергенов сўзи), «Гуззал келди», «Тумтарлар», «Нагислар дуньяси», «Инкор боларман» (К.Раҳмонов сўзи) каби кўшиқлар ёзди. У болалар учун ҳам бир талай яккахон, хор кўшиқларини басталади.

БОРИС ЗЕЙДМАН **(1908-1981)**



Озарбайжон ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, моҳир педагог, композитор, профессор Борис Зейдман кўп қиррали ижодий фаолияти билан замонавий мусиқа санъати ривожланиши учун самарали хизмат қилди ва мусиқа тарихида салмоқли из қолдирди.

Зейдман Борис Исаакович Санкт-Петербург шаҳрида 1908 йил 10 февралда дунёга келди. Болалигидан мусиқага қизиқиб, 1923-1928 йилларда бадий студияда фортепиано чалишни ўрганди, гармониядан дарс олди. У 1927 йили Ленинград консерваториясининг композиторлик факультетида, машҳур композитор, профессор М.О.Штейнберг синфида таълим олди. 1931 йили ўқишни битириб, Саратов билим юртида мусиқа назарияси ва тарихидан дарс берди ва маҳаллий радио студиясида мусиқа муҳаррири бўлиб ишлади. Икки йил ўтгач Ленинградга қайтиб, консерватория аспирантурасида сабоқ олди. 1938 йили доцент илмий унвонига сазовор бўлди.

1939 йили Б.Зейдман Озарбайжон давлат консерваториясида композиторлик кафедраси ташкил этилиши муносабати билан доцент

лавозимига таклифни қабул қилди ва шу ўқув даргоҳида 16 йил ишлади. У талабаларга композиция, гармония, полифония, чолғулаштириш ва опера драматургияси асосларидан дарс берди, 30 га яқин юқори малакали композиторларни тайёрлади. Улар орасида Халқ артистлари Ф.Амиров, С.Ҳожибеков, М.Кажлаев, Ж.Жангиров ва бошқалар бор. 1949 йили профессор илмий унвонига эга бўлди.

1957 йили Б.И.Зейдман Тошкент давлат консерваторияси раҳбариятининг таклифига кўра проректор ва композиция кафедраси мудирини лавозимларида иш бошлади. 1981 йилга қадар бу ерда 30 дан ортиқ композиторларни тайёрлади. Унинг ўқувчилари орасида Ўзбекистон санъат арбоблари А.Отажонов, Р.Вильданов, Р.Ҳамроев, Э.Салихов, Р.Абдуллаев ва бошқаларни кўриш мумкин.

Б.Зейдман Боку опера ва балет театрида қўйилган «Гнев народа», «Новогодняя ночь», «Маскарад», «Горе от ума», «Сын полка», Навоий номидаги опера ва балет театрида қўйилган «Двенадцатая ночь», «Русские люди», «Зайнаб ва Омон» (Т.Содиқов, Ю.Ражабий ва Д.Зокировлар билан ҳамкорликда ёзилган) опералари, «Золотой ключик», «Человек, который смеётся», «Дракон и солнце», «Сорока-воровка», «Граф Монте Кристо» балетлари, Саратов опера ва балет театрида «Красное и зелёное» ва «Выстрел» опералари муаллифидир.

«Ўғил уйлантириш» (С.Юдаков ва Ю.Ражабий билан ҳамкорликда, Ҳ.Ғуллом пьесаси) мусиқали комедияси, «Қариқиз» (Т.Тошматов билан ҳамкорликда, Т.Тўла пьесаси) ва «Фарғона ҳикояси» (Т.Жалилов билан ҳамкорликда, Ҳ.Ғуллом пьесаси) мусиқали драмалари Муқимий номидаги мусиқали театрда сахна юзини кўрган.

У Ленинград консерваториясини 1931 йили фортепиано ва симфоник оркестр учун концерт диплом иши билан тугатган эди. Сўнгра 2-фортепиано концерти (1935 й.), альт скрипка ва оркестр учун концерт (1938 й.), «Хусрав ва Ширин» симфонияси (1941 й.), фортепиано ва оркестр учун фантазия (1950 й.), симфоник оркестр учун 3 та увертюра (1949, 1950, 1951 й.), симфониетта (1957й.), 1 ва 2 симфоник сюита (1961 й.), катта симфоник оркестр учун 3та концерт (1963,1972,1978й.); 8та симфония (1941, 1966, 1967, 1976, 1977, 1978, 1979, 1981 й.), скрипка ва оркестр учун «Фантазия» (1952й.), Концерт № 1,2 (1968, 1981й.), оркестр ва фортепиано учун 4 та концерт (1931,1935, 1970, 1974 й.), альт скрипка ва оркестр учун 2- концерт (1962 й.), тромбон ва оркестр учун концерт (1977 й.), симфоник

оркестр учун «Человек, который смеётся», «Дракон и солнце», «Сорока-воровка» ва «Граф Монте Кристо» балетлар мусиқаси асосида бешта сюита, симфоник оркестр учун «Приветственная увертюра», учта увертюра каби асарлар композитор ижодида муҳим ўрин эгаллайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, композитор симфоник жанрларга қандай эътиборини қаратган бўлса, камер жанрларга ҳам шундай қарайди. Сон жиҳатдан камер асарлари кам ёзилган бўлса-да, лекин уларнинг моҳияти сезиларлидир. Шу жумладан: тўрт кўл учун 5 та фортепиано пьесаси, дамли чолғулар ансамблига 6 та пьеса, камонли чолғулар учун пьеса ва учта кватрет, скрипка, виолончель ва фортепиано учун трио, фортепиано квинтети, скрипка, виолончель ва оркестр учун соната, виолончель ва фортепиано, гобой ва фортепиано учун сонатина, мактаб репертуарига: торли чолғулар квинтети учун 5 та пьеса, труба ва фортепиано учун 4 та пьеса, А.Пушкин ва С.Щипачев шеърларига романслар шулар жумласидандир.

Хоразм халқ куйлари асосида торли чолғулар учун кватрет, фортепиано учун қайта ишланган 6 та ўзбек халқ куйи, М.Ашрафий хотирасига бағишланган симфоник поэма, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун симфония, Хоразмча 3 қисмли симфониетта ва «Фантазия», «Ҳамза хотираси» симфоник поэмаси.

Б.Зейдман хизматлари Озарбайжон ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1956,1964 й.), Озарбайжон ва Ўзбекистон ҳукумати фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

ДОНИ ЗОКИРОВ **(1914-1985)**



Ўзбекистон халқ артисти, созанда, дирижёр, мураббий, жамоат арбоби, композитор Дони Зокиров ажойиб кўшиқ, романс мусиқали драма, балет, симфоник ва халқ чолғулари оркестри учун басталаган мусиқий асарлари билан XX аср ўзбек мусиқа маданиятини бойитди.

Д.Зокиров Самарқанд шаҳрида 1914 йилнинг 28 декабрида туғилди. Унинг мусиқага бўлган қизиқиши болалигидан пайдо бўлади. Ижодкор ўспиринлик даври ҳақида шундай хотираларни айтиб ўтган: «1926 йили ўрта таълим мактабига ўқишга бордим ва мактабдаги мусиқа тўғарагига

қатнашдим. 1928 йили Самарқандда композитор, дирижёр Н.Н.Миронов раҳбарлигида мусиқа ва хореография илмий тадқиқот институти ташкил топди. Мазкур институтда 1929 йили кирганимда у ерда ўқиётган Мутал Бурҳонов, Толибжон Содиков, Манас Левиев ва Олимжон Ҳалимовлар билан дўстлашиб, бирга устозлардан сабоқ олиб, турли тадбирларда фаол қатнашар эдик. Ўша йили мохир санъаткор Али Ардобус ташкил қилган «Кўк кўйлак» номли театрлаштирилган тўгаракка бизларни таклиф қилишди, Толибжон Содиков эса мусиқа раҳбари бўлди. Бу даврда, яъни 1929-1932 йиллар институтда ўқидим, 1929-1935 йиллари республика мусикали драма театрида созанда бўлиб ишладим. Мазкур театрни ташкил қилган улуғ санъаткор Муҳиддин Қориёқубов, Тамара-хоним, Уста Олим Комилов ва бошқа машҳур санъаткорлар билан танишдим, бирга ишладим. Институтда Ота Жалол, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Матюсуф ва Матёқуб Харратовлар ва бошқа санъат жамоаларида ишлаган устозлардан сабоқ олганим мен учун катта мактаб бўлди. 1936 йилда Тошкентда Ўзбекистон давлат филармонияси очилиб, унинг қошида Т.Жалилов раҳбарлигида ашула ва рақс ансамбли ташкил топди. Мени шу ансамблга концертмейстер лавозимига таклиф қилишди. Мазкур ансамбль билан эл қатори 1937 йил Москвада ўтган Ўзбек санъати ва адабиёти декадасида қатнашишга муяссар бўлдим. Ўша йили Москвадан қайтилгандан кейин Тамарахоним филармонияда алоҳида ансамбль тузди ва мени шу ансамблга мусиқа раҳбари этиб тайинлашди. 1940-1948 йиллари Муқимий номидаги мусикали театрда иккинчи дирижёр лавозимида ишладим. 1948-1953 йиллари Ўзбекистон давлат радиоэшиттириш комитети қошидаги Ўзбек халқ чолғу асбоблар оркестрида дирижёр бўлиб ишладим. 1930-йиллардан буён ижрочиликдан ташқари, турли мавзуларда классик ва замондош шоирларнинг шеърларига кўшиқ, ашула ва спектаклларга мусикалар яратиб келсам ҳам кўп овозли мусиқа восита услубларини, шакл ва жанрларини, қоидаларини, Ғарбий Овруро ва рус классик композиторларининг ижодий фаолиятларини ўрганиш, мусиқа фанларидан билим олиш ниятида 1940-1942 йил Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов курсида ўқидим. Лекин уруш касофати билан ўқишни ташлашга мажбур бўлдим. 1947 йили тайёрлов курсида ўқишни Ҳамид Раҳимов ва Дадаали Соатқуловлар билан бирга композитор Б.Б.Надежиндан композиторлик мутахассислигидан, Ю.Н.Тюлиндан гармония,

полифониядан, А.Ф.Козловскийдан чолғулаштириш ва дирижёрликдан, И.А.Дулгарова ва Ян Борисович Пеккердан музика тарихидан сабоқ олдик. 1948 йили консерваториянинг асосий композиторлик куллийетида мазкур домлаларда ўқишни давом этиб, 1953 йили ўқишни муваффақиятли битирдик. 1953 йили филармония қошидаги Ўзбек ашула ва рақс ансамблига бадиий раҳбар лавозимига тайинландим. 1957 йили Ўзбекистон радиоэшиттириш кўмитаси қошидаги Ўзбек халқ чолғулари оркестрига бош дирижёр ва бадиий раҳбар лавозимига тайинландим», —деб сўзини тамомлади Дони Зокиров. Мазкур лавозимда 1983 йилга қадар фаол ишлади ва нафақага чиқди.

Д.Зокиров 1930-йилларда, театр ва ансамблларда созанда бўлиб ишлаб юрган пайтларида рақс куйлари, кўшиқ ва ашулалар басталай бошлаган. Унинг биринчи йирик ижоди 1934 йили З.Фатхулиннинг «Гунчалар» пьесаси учун басталаган музикадир. Бу спектакльга музика тайёрлашда у халқ музикасидан фойдаланиб, кўп қисмларни мустақил равишда яратган. У илк ижодий ютуғидан кейин мумтоз ва замонавий шоирлар шеърларига кўшиқ ва ашулалар яратади. Шу жумладан уруш йиллари «Она орзуси» (Миртемир), «Зафар топиб» (С.Абдулла), «Ол қасос» (М.Раҳмонов), «Жангда бардам бўл» (С.Абдулла) каби ватанпарварлик мавзусидаги кўшиқлар; Навоийнинг шеърларига «Орази» ва «Ўртанур» фортепиано жўрлигида кўшиқлар, симфоник оркестр учун 1-сюита: ўзбек халқ чолғулари ансамблига 3 қисмли «Меҳнат fronti» номли сюита, Чустийнинг тожик тилида ёзган учта шеърига «Жон медиҳам», «Ин туи» ва «Чехрай хандед» лирик кўшиқлар; бастакор Н.Ҳасанов билан ҳамкорликда «Орзигул» ва мустақил равишда «Ёрилтош» спектаклларида музика басталади.

Д.Зокиров музикали сахна асарлар яратишга катта эътибор берди. У Б.Ф.Гиенко билан «Сўнмас чироқлар» (А.Бобожонов ва М.Муҳамедов пьесаси) музикали драмани (1953й.) ёзди. 1954 йили С.Бобоев билан «Далада байрам» (Ш.Саъдулла пьесаси) музикали комедия ва 1956 йил «Ватан қирғоқлари» (Ш.Саъдулла ва З.Фатхулин пьесаси) музикали драма; 1960 йил Б.Ф.Гиенко билан «Ёшлиқда берган кўнгил» (З.Фатхулин пьесаси) музикали драма; 1962 йил «Ҳаёт машъали» (С.Исмоил пьесаси) музикали драма; 1970 йил К.Жабборов билан «Менинг жаннатим» (С.Абдулла пьесаси) музикали драма; 1978 йили халқ эртаги асосида «Шаҳзода ва етим қиз» (Р.Ҳамроев пьесаси) музикали драмалари томошабинлар

томонидан яхши кутиб олинди. А.Навоий номидаги опера ва балет театри сахнасида 1956 йили Б.Ф.Гиенко билан «Ойниса» (Литвинова либреттоси) балети; Ҳ.Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достони асосидаги шоира Зулфия либреттосига Т.Содиқов «Зайнаб ва Омон» операсини бошлаб қўйган эди. Композитор вафот этгани сабабли опера тугалланмай қолган эди. 1958 йил ушбу опера мусиқасини Ю.Ражабий, Д.Зокиров, Б.Зейдман билан ҳамкорликда тугатиб, томошабинларга ҳавола этишди.

Д.Зокиров композитор М.Зив билан ҳамкорликда қуйидаги бадиий кинофильмларга мусиқа басталади: 1955 йил «Амирликнинг емирилиши» (режиссёр Л.Файзиев ва В.Басов); 1956 йил «Қутлуғ қон» (режиссёр А.Панн); 1964 йил «Улуғбек юлдузи» (реж.А.Панн); композитор А.Малахов билан ҳамкорликда 1964 йили «Қайдасан, Зулфия» ёки «Ёр-ёр» (реж.А.Ҳамроев) Д.Зокировнинг шу фильмга ёзган «Кўчалар» (Т.Тўла сўзи) кўшиғи машҳур бўлиб кетган. Д.Зокиров симфоник оркестр учун бир нечта асарлар яратди. Уларнинг орасида уч қисмли симфоник сюита ҳамда «Ҳамза» номли симфоник поэмаси яхши баҳо олган.

Д.Зокировнинг ижодий меросида кўшиқ, романс, ўзбек халқ чолғулари оркестри ва яқка чолғулар учун мўлжалланган мусиқий асарлар етакчи ўринни эгаллайди. Унинг Навоий шеърларига басталанган «Кўрмадим», «Эй, сабо», «Бўлмаса», «Айб этмангиз», Туроб Тўла шеърига «Булбул» номли романслари симфоник оркестр жўрлигида Д.Муллақандов, Ҳ.Носирова, С.Қобуловалар ижросида машҳур бўлиб кетган эди. Композитор турли мавзуларда, яқкахон, хор, турли чолғулар ва оркестр жўрлигида ижро этиладиган юздан ортиқ кўшиқ, ашула, оммавий хор кўшиқлар яратди. Улар орасида «Ўзбекистоним» (А.Ниёзмуродов сўзи), «Тинчлик кўшиғи», «Пахтакор диёр», «Космос бизники», (М.Қориев сўзлари); «Шифокорларга», «Теримчиларга», «Дўстларга», «Она диёр» (А.Пўлат сўзлари); «Тошкент оқшоми» (Назармат сўзи); «Сув келди, ҳаёт келди» (Ў.Рашид сўзи); «Дугоналарга» (Нилуфар сўзи); «Дўстлик кўшиғи», «Чўпон кўшиғи», «Тинчлик кўшиғи» хор учун (П.Мўмин сўзлари), «Икки дил достони» (З.Обиджон сўзи), «Ёр истаб» (З.Фурқат шеъри); «Ҳаёт гулшани» (Н.Нарзуллаев сўзи) каби кўшиқлар ёрқин мисол бўла олади. Айниқса, композиторнинг яқкахон, хор ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзган кўп қисмли асарлардан: «Қарши чўли гуллари» (М.Қориев сўзи) 5 қисмли вокал-сюитаси; «Асрлар садоси» (Ойбек сўзи) 4 қисмли кантатаси; «Оби

ҳаёт» (Ў.Рашид сўзи) 4 қисмли вокал-сюиталар олқишга сазовордир.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, ўзбек классик мусиқа намуналарининг айримларини Д.Зокиров маҳорат билан қайта ишлаб, ўзбек халқ чолғулари оркестри, якка чолғулар ва оркестрга мослаштира олгани композиторнинг катта ижодий ютуқларидандир. Булар: оркестр учун «Ёввойи Чоргоҳ», ғижжак ва оркестр учун «Қайтарма», «Фигон», «Чўли Ироқ», болабон ва оркестр учун «Шароб», най ва оркестр учун «Фарғонача», «Гадоий», «Жазоир»; оркестр учун «Наво», «Савти наво», «Уфари наво», «Гардуни сегоҳ», «Таснифи дугоҳ», «Мухаммаси ироқ», «Насруллоий», «Мирзадавлат», «Ёлғиз»; танбур ва оркестр учун «Ражабий». Мазкур асарлар республикамиздаги профессионал оркестрлар репертуаридан кенг ўрин олиши билан мусиқа ўқув юртларининг халқ чолғулари оркестри дастурига ҳам киритилган.

Д.Зокиров болалар учун П.Мўмин шеърларига «Саёҳат — роҳат», «Кунгабоқар», «Оппоқ отим», «Сирдарё, Сирдарё», «Капалак ва хандалак», «Боғда пишди узумлар», «Дўлона», У.Раҳмонов сўзига «Болалар вальси», «Баҳор вальси», Р.Бобожон сўзига «Олма», Ю.Ҳамдам сўзига «Бадантарбия», Ё.Мирзо сўзига «Мактабим», Ю.Ҳамидий сўзига «Бахтиёр қўшиғи», М.Ҳайдар сўзига «Янги йил қўшиғи» ва «Беқиёс диёр» каби кўшиқларни бағишлаган.

1950 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1956 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1965 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонларига сазовор бўлди. Орден ва медаллар билан мукофотланган.

НУРИЛЛА ЗОКИРОВ (1942-2003)



Нурилла Зокиров замонавий профессионал композитор бўлиб шаклланишда у анъанавий ўзбек халқ мусиқа меросини ўзлаштириш билан бирга Европада вужудга келган кўп овозли мусиқа ёзув техникасини пухта ўрганди.

Нурилла Абдуллаевич Зокиров Тошкент шаҳрида 1942 йилнинг 2 майида туғилди. У 1961 йили Р.Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатини чангчи Э.Тошматов синфида битириб, Тошкент давлат консерваторияси профессори Н.М.Яблоновскийнинг фортепиано синфида таҳсил кўра

бошлайди. 1962 ўқув йилидан бошлаб профессор Б.И.Зейдман синфида композиторлик мутахассислигидан сабоқ олди. У фортепианодан 4-курсда бутунлай композиторликка ўтади. 1967 йили тўрт қисмли симфония билан консерваторияни битирди.

Н.Зокиров меҳнат фаолиятини консерваторияда ўқиб юрган йилларидан бошлаган. У 1963-1964 йиллари Чирчиқ шаҳар болалар мусиқа мактабида, 1964-1967 йиллари Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида, 1967-1971 йиллари Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1971-1977 йиллари Ҳамза номидаги мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимидан бошқарди. 1977-1982 йиллари Ўзбекистон композиторлар уюшмасининг хайъат раиси ўринбосари вазифасида ишлади. 1982-1984 йиллари фақат ижод билан шуғулланди. 1984-1987 йиллар Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг директори лавозимида ишлади. 1987-1990 йилларда фақат ижод билан шуғулланди. 1990-1993 йиллари Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги бадиий ижрочи жамоаларнинг директори бўлиб ишлади. 1995 йилдан умрининг охиригача ижодий иш билан шуғулланди.

Навоий ғазалига басталанган «Истадим» номли вокал-симфоник поэмасини 1968 йили мусиқа аҳли илиқ кутиб олди ва ижрочилар репертуаридан муносиб ўрин олди. «Менинг Ўзбекистоним» номли (Э.Охунова сўзи) вокал-симфоник поэма 1971 йили; «Муҳаббат кўшиғи» номли (У.Умарбеков сўзи) вокал-симфоник поэма 1971 йили; А.Орипов сўзи билан иккинчи симфония 1971 йили; камер оркестри учун «Концерт» 1977 йили; торли оркестр учун «Симфония №3» 1981 йили; скрипка ва симфоник оркестр учун «Концерт» 1984 йили; симфоник оркестр учун «Концерт» 1989 йили; тўртинчи симфония ва А.Орипов сўзига «Муножот» номли вокал-симфоник поэма 1996 йили; 3 та симфоник поэма 1992-1994 йилларда яратди.

Камер-чолғу асарларидан 2 та торли кваттет; 7 та фортепиано учун соната; скрипка ва ф-но учун соната-импровизация; виолончель учун соло соната-импровизация; фагот ва фортепиано учун соната; фортепиано учун пьесалар, виолончель учун пьесалар; скрипка ансамбли учун «Скерцо»; чанг учун концерт-фантазия; чанг ансамбли учун «Тантана» пьеса ва бошқа асарларини таъкидлаш жоиз.

Н.Зокиров М.Бойжиевнинг пьесаси асосида Э.Охунова ёзган либреттога 1972 йили «Соҳилда тўқнашув» номли опера-мунозара композиторнинг ижодида ва республикамиз мусиқий ҳаётида катта

воқеа бўлди. Операнинг премьераси Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрида 1974 йили ўтган. Самарқанд давлат опера ва балет жамоаси Н.Зокировнинг Ойбекнинг «Бой ила хизматчи» романи асосида (М.Раҳмонов либреттоси) «Уйғониш» номли операни 1983 йили томошабинларга ҳавола қилди. Ҳамзанинг «Фарғона Автономияси» асари асосида Н.Зокиров ўзи либретто ёзиб, «Автономиячилар» операсини 1993 йили яратди ва В.Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Макбет» фожиаси асосида композитор режиссёр А.Слоним билан ҳамкорликда либретто ёзиб, шу номли операни 1994 йили яратди. 1989 йили Ч.Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романи асосида «Манқурт», 1995 йили «Орол фожиаси», «Амир Тошкентда» ва 1996 йили Улан-Батор опера ва балет театри билан ҳамкорликда «Чингизхон» балетларини яратди.

Н.Зокиров 50 та драматик спектаклларга мусиқа басталади, «Ўзгалар учун» 1978 йили, «Қачонки дарахтлар катта бўлганда» 1982 йили ўзбек кинофильмларига ва 1992 йили «Мазмун» қозок кинофильмига мусиқалар басталади, 8 та романс ёзди. Композитор 2000 йилдан бошлаб Атланта шаҳридаги Жоржиния университети (АҚШ) буюртмасига биноан спектаклларга мусиқа басталади.

Н.Зокировнинг симфоник ва камер-чолғу асарлари Москва, София, Бухарест, Париж, Лондон, Вильнюс, Тбилиси каби шаҳарларда ижро этилган. У «Варшавская осень», Руминия ва Ҳиндистонда ўтказилган «Ўзбекистон мусиқаси кунлари»да қатнашган.

Н.Зокиров Ўзбекистон ва Озарбайжон республикалари фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. «Ўзбекистон ёш композитори» кўрик-танлови совриндори.

ПАЙЗИҚУЛ ЗОКИРОВ (1946)



Бастакор, созанда, педагог Пайзиқул Зокиров Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги Навоий номидаги жамоа хўжалигида 1946 йили 25 мартда таваллуд топди.

1962 йили Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги Самарқанд санъат билим юртига ўқишга кириб, 1966 йили муваффақиятли тугатди. Жиззах педагогика институтининг сиртки бўлимида 1975-1980 йилларда ўқиди ва имтиёзли диплом билан институтни битирди.

Бастакор П.Зокировнинг ижодий фаолиятида кўшиқ жанри устувор туради. «Ёшлигим», «Ёр билмади», «Онажоним», «Жиззахим», «Ойсулув», «Раққосалар», «Севиб қолдим қайси Лолани» каби 100 дан ортиқ кўшиқ, ашула ва яллалар яратди.

ОҚИЛХОН ИБРОҲИМОВ (1956)



Санъатшунослик фанлари доктори Оқилхон Иброҳимов мусиқашуносликка XX асрнинг 80-йиллари бошида кириб келди. У илмий фаолиятини мумтоз мақом санъатини ўрганишга бағишлаб, монография ва қатор мақолаларни нашр эттирди ва йирик мусиқашунос-олим сифатида танилди. У Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1989 йили қабул

қилинган.

Оқилхон Акбарович Иброҳимов 1956 йилнинг 26 сентябрида Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида таваллуд топган. Глиэр номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатида скрипка, сўнгра мусиқа назарияси синфи бўйича ўқиди. 1974 йилда Тошкент консерваториясининг мусиқашунослик факультетига ўқишга кирди. Доцент З.Каримова раҳбарлигида «Претворение национально-художественных традиций в узбекской симфонической музыке» мавзуида диплом иши ёзди ва 1979 йили ўқишни муваффақиятли биттирди. Ўша йили О.Иброҳимов йўлланма бўйича Гулистон мусиқа билим юртида мусиқий-назарий фанлардан дарс берди. 1981-1983 йиллар консерваториянинг халқ мусиқаси лабораторияси мудири вазифасида ишлади. 1983-1986 йилларда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасида сабоқ олди. Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Ф.М.Кароматов раҳбарлигида «Фергано-Ташкентские макомы в аспекте проблем макомата» номли диссертациясини 1988 йили муваффақиятли ҳимоя қилиб, санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. 1998 йили «Мақомлар семантикаси» мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди.

О.Иброҳимовнинг меҳнат фаолияти консерваторияда ўқиб юрган пайтларида бошланган. У 1976-1979 йиллар Республика дамли чолғулар махсус мусиқа мактаб-интернатида, болалар мусиқа

мактабида мусиқа назариясидан дарс берди. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида 1987 йили илмий ходим, 1997 йилдан мусиқа тарихи бўлими мудир, 1998-2000 йилларда директор лавозимларида фаолият кўрсатди. 1998-2014 йилларда консерваториянинг мусиқий шарқшунослик кафедрасида дарс берди. 2012 йил Тошкент давлат санъат ва маданият институти “Мусиқа” кафедраси мудир, 2013-2014 йилларда Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори вазифасида фаолият юритди.

О.Иброҳимов «Мақом ва макон» (1996), “Фергано-Ташкентские макомы” (2006), “Маком и космос”. (Т., «San`at», 2010) номли илмий монографиялар, қатор илмий мақола, ўқув қўлланма ва дарсликлар муаллифидир.

Шу жумладан, «Тўёна симфониялар» (композиторлар М.Тожиевнинг 10-симфонияси ва М.Махмудовнинг 3-симфониясига бағишланган, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1982 йил, июнь); «Мақомда нечта услуб бор?» («Тошкент ҳақиқати», 1983 йил, февраль); «Яна мўғулча шўъбаси хусусида» («Сов. Ўзбекистони санъати» 1986 йил, май); «Оркестр ва ижро муаммолари» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1988 йил, 11 март); «Ёш композиторлар анжумани» (Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1988, октябрь); «Мусанниф Анвар Эргашев» («Ёш куч» 1989 йил, январь); «Отилмаган сопқон» (ёхуд мақомшуносликдаги айрим «кашфиёт»лар хусусида (Санъат, 1989, № 9); «Инқироз» (Ёшлик, 1989 й. № 10); «Вопросы макомата в исследованиях И.Р.Раджабова» (Актуальные проблемы Музыкальной культуры народов Востока); «Структурные принципы макома» (поляк тилида, “Музыка”, Варшава, № 3, 1990 й.); «Ўзбек халқ мусиқа ижоди» (Билим юртлари ва махсус мусиқа мактаблари учун дастур, Тошкент, 1993 й.); «Ўзбек халқ мусиқа ижоди» (Методик тавсиялар, Тошкент 1994 й.); «Умумий таълим мактабларининг 6-7-синфлар мусиқа дарслари учун услубий тавсия ва қўлланмалар» (1994 й.), Мусиқа. 8-синф учун дарслик, (1995 й. ҳаммуаллифликда); «О некоторых особенностях Фергано-Ташкентских макомов» (Борбад и художественные традиции народов Центральной и Передней Азии. Душанбе, 1990 й.); «Геранлик» (Гулистон, 1994 й. № 3); «Макомат в контексте суфизма» (Первый Международный симпозиум «Музыка тюркских народов» Алматы, 1994 й.); Умумий таълим мактабларида мақомларни ўрганиш масаласига доир. (Тўплам: Мусиқада таълим ва тарбия бирлиги, 1996 й.); «12 мақом» («Гулистон» №4, 1997 й.); «Мақомнинг табаррук

номлари» («Мулоқот» № 4, 1997 й.); «Мақом «гоҳ»лари хусусида» (Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари, Т., 1997 й.); «Ҳазрат Яссавий наволари» («Тафаккур» № 4, 1997 й.); «Мақомнинг маънолар тизимига доир» (Муסיқа ижодиёти масалалари, Тошкент, 1997 й.); «Мақомдон олим Исҳоқ Ражабов» (Муסיқа ижодиёти масалалари, Т., 1997 й.); «12 мақом семантикаси хусусида» («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» 1997 й. № 7 ва 8); «Мактабда муסיқа дарслари» («Халқ таълими» № 3, 1997 й.); «Чолғу куйларидаги хазина» (ўзбек ва инглиз тилларида «Шарқ тароналари» № 3 1997 й.); яна шу тилларда «Мақомлар ҳақида» («Шарқ тароналари» № 1, 1997 й.); «Мақомлар тарихидан» («Шарқ машъали» 1997 й. № 1 ва 2); «Амир Темур даврида мақом санъати» (ўзбек ва инглиз тилида, «Шарқ тароналари» № 2, 1997 й.); «Ўзбек халқ болалар кўшиқлари» (ўзбек ва инглиз тилларида, «Шарқ тароналари», 1997 й. № 3); «Миллий тарбиянинг муסיкий асослари» («Соғлом авлод учун», 1997, №4); «Муסיқа» (6-синф учун ўқув кўлланма» ҳаммуаллифликда Т., 1997); «Мақом ва муסיкий тафаккур» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2001 й. 25 август); «Мақом ва тасаввуф» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2001 й. 16 октябрь); «Ҳазрат Навоий ва мақом» (Муסיқа ижодиёти масалалари тўпламида, 2002 й.).

«Юксак илм маскани» («Гулистон» 1998 й., № 5); «Санъатшунослик масалаларига доир» (тўплам; Санъатшунослик масалалари, Т., 1998 й.); «К семантике мақомов» («Театр», 1999, № 1-3); «Саҳна муסיқалари ижодкори» («Театр», 1999 й. №7-8); National musikal instruments: history and fate// Procofundings international scientific conference-EASTERN MUSIC INSTRUMENTS UNESCO, 1999 й.; М.Бурҳонов «Алишер Навоий» (аннотация). (Т., 1991); 7-синф учун «Муסיқа» дарслиги (ҳаммуаллифликда, Т., 2001 й.); «Халқ муסיқа ижодиёти» (Ўзбекистон санъати тўплами, ҳаммуаллифлар: Ф.Кароматли, Р.Юнусов); Мумтоз анъанавий-касбий муסיқа («Ўзбекистон санъати»: 1991-2001 й. ҳаммуалифлар: Ф.Кароматли, Р.Юнусов).

О.Иброҳимов 1979-1990 йиллари қатор туркумларда 50 дан ортиқ телекўрсатувлар тайёрлади ва олиб борди: «Муסיқа истеъдоди эгалари», «Санъаткорлар ҳақида суҳбат», «Камер муסיқа оқшомлари», «Мақом санъати», «Мақом ижрочилари» ва бошқалар.

ХАЙРИ ИЗОМОВ (1922-2009)



Ўбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор ва дирижёр Хайри Изомов XX асрнинг 30-йилларида мусиқа дунёсига кириб келди. У ўзбек профессионал композиториларнинг иккинчи авлодига мансуб. Ўзининг кўп қиррали ижодий ва дирижёрлик фаолияти билан республикамиз мусиқа санъати ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Изомов Хайри Ғуломжон ўғли Бухоро шаҳрида 1922 йилнинг 30 декабрида туғилди. 1928 йилдан умумтаълим мактабида ўқиди. Болалигидан мусиқага қизиқди ва 1931 йили Бухоро мусиқа техникумида скрипка бўйича ўқиди ва 1935 йили битирди. 1935-1936 йилларда Бухоро мусиқали драма театрида созанда бўлиб ишлади.

Маълумки, 1936 йили Т.Жалилов бошчилигида Ўзбек давлат филармонияси қошида ўзбек халқ чолғулари ансамбли ташкил топди. Мазкур ансамблга бошқа созандалар қатори 14 ёшли Хайри Изомов ҳам ишга таклиф қилинди. У 1937 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида энг ёш созанда сифатида қатнашди. Декададан қайтиб келгач, Т.Жалиловнинг ансамбли қошида Ўзбекистон халқ артисти, композитор ва дирижёр Н.Н.Миронов ёш созандалардан нотали оркестр тузди. Х.Изомов нота ёзувини мусиқа техникумида ўргангани учун устозга ёрдамчи ва дирижёр бўлди. Бу жамоа Россия ва Белорусия шаҳарлари бўйлаб ўзбек мусиқасини тарғиб қилди.

Мазкур жамоа асосида 1938 йили филармония қошида Ўзбек халқ чолғулари оркестри ташкил топди.

1938 йили Х.Изомов Тошкент консерваториясининг тайёрлов курсига ўқишга кириб, Б.Б.Надеждин синфида сабоқ ола бошлади. Х.Изомов 2-жаҳон уруши даврида Олмаота шаҳри ҳарбий авиация мактабида учувчиликка ўқиди. Ушбу мактабда курсантлардан ташкил топган бадий хаваскорлик ансамблига раҳбарлик қилди. Сўнгра у учувчи бўлиб фронтда, урушдан кейин шу армиянинг захирадаги авиаполкида хизмат қилди. 1946 йилнинг сентябридан бошлаб узилиб қолган ўқишни консерваториянинг асосий курсида Б.Надеждин синфида давом эттирди. Ўқиб юрган йиллари мусиқанинг турли жанр ва шаклларида асарлар яратди. Улар орасида «Пари» (Навоий ғазали) романи, «Ватан олқиши» (П.Мўмин сўзи), «Гул» (Т.Эрназаров сўзи),

«Ўзбекистоним менинг» (Уйғун сўзи) кўшиқлари ва фортепиано учун «Токката» куйи машхур бўлиб кетди. Унинг нотаси 1949 йилда чоп этилгандан буён республикамизнинг ҳамма мусиқа мактабларида ёш пианиночилар ҳамон ижро этиб келмоқдалар. Талаба-композитор Х.Изомов ўқиш билан бирга 1949-1950 йилларда Ўзбекистон радио комитети мусиқий тахририятининг масъул котиби, 1950-1955 йилларда эса радиокомитетнинг бадиий эшиттиришлар бошқармасининг бош муҳаррири вазифаларида ишлади.

Тошкент давлат консерваториясини Х.Изомов 1952 йилда битириб, радиодаги ишини давом эттириш билан бирга мустақил равишда турли жанрларда ижод қила бошлади. Масалан, 1953-1964 йилларда бирин-кетин куйидаги кўшиқ ва бошқа мусиқий асарлар яратди: «Қаҳрамон қизлар», «Шонли элим», «Ёшлик байрами», «Тинчлик ҳақида ёшлар кўшиғи», «Дуторим» (М.Қориев сўзлари), «Менинг севимли ўлкам», «Тошкент осмони» (Д.Полинин сўзлари), «Сайр этдим» (П.Мўмин сўзлари), «Қиз кўшиғи» (Ғ.Ғани сўзи), «Салом, юлдузлар» (Т.Тўла сўзи), «Севмай бўлмайди», «Зиёфатда айтиладиган кўшиқ» (Х.Шарипов сўзи) ўз даврида жуда машхур бўлган кўшиқлар билан бирга симфоник оркестрга ўзбекча сюита, скрипка ва фортепиано учун пьеса, фортепиано учун этюд, 7 та вариация, «Ноктюрн», «Мусиқали қутича», 4 та пьеса; кларнет ва фортепиано учун пьеса, хонанда ва симфоник оркестр учун «Ўзбекистон пахтаси» (В.Мухторов сўзи) кўшиқ, хонанда ва хор жамоаси учун «Севикли ёр» кўшиғи, Тошкент давлат ёш томошабинлар театрида сахна юзини кўрган куйидаги спектаклларга мусиқа басталади: «Абдулла Набиев» (А.Раҳмат пьесаси), «Ўжар» (М.Ғани ва У.Исмоилов пьесалари), «Ким айбдор» (И.Аҳмедов пьесаси), «Ойгул ва Бахтиёр» (Ҳ.Олимжон асари асосида У.Раҳмонов пьесаси), «Иқбол» (Ё.Мирзо пьесаси), «Вафодорлик» (О.Ёқубов пьесаси); кўғирчоқ театри учун «Тўти қиз» (М.Мухамедов пьесаси), «Ўрмондаги воқеа» (С.Абдуқаҳҳор пьесаси), Ҳамза номидаги драма театри учун «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» (О.Ёқубов пьесаси) ва бошқалар.

Х.Изомов 1964-1966 йилларда Афғонистон ҳукумати таклифига биноан Қобул радиосида маслаҳатчи бўлиб ишлади. 1966 йили Тошкентга қайтгач, радио қошидаги «Ўзбек халқ чолғулари» оркестрида дирижёр вазифасида ишини давом эттирди ва 1992 йили нафақага чиқди.

Х.Изомов дирижёрлик ва жамоатчилик ишлари билан банд бўлишига қарамай мусиқанинг турли жанрларида янги-янги, жозибали асарлар яратди. Композитор 60-йилларнинг иккинчи ярми, 70-80 йилларда замонавий ўзбек эстрада санъатининг ривожланишига катта аҳамият берди. У яратган эстрада кўшиқларидан «О, Дилбар», «Бу муҳаббат», «Салом-алайкум» (Д.Полинин сўзлари), «Ким ўзи?» (Э.Раҳим сўзи), «Кимга айтай?» (А.Пўлат сўзи), «Кўзи хумор» (Ш.Шомаҳмудов сўзи), «Сен» (О.Гаджиқосимов сўзи), «Ишва кўз» (С.Холмуҳамедов сўзи) машҳур бўлиб кетди. Яккагон ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзилган «Қуёшли Ўзбекистон» номли вокал-ракс сюитаси, «Зангори кема капитанлари» ва «Янги Тошкент» (Д.Полинин сўзлари) кўшиқ-балладаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Драматург С.Абдуқаҳҳор билан ҳамкорликда «Алижон ва Валижон» спектаклига мусиқа басталаган.

Х.Изомов бастакорлар уюшмасининг оммавий жанрлар комиссиясига узоқ йиллар раислик қилди. 1954 йили «Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрлиғи», 1967 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ва 1974 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонлари ва 2000 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

ИМОМЖОН ИКРОМОВ **(1891-1980)**



Ўзбекистон халқ артисти, созанда ва бастакор Имомжон Икромов ўзбек мусиқаси тарихида чуқур из қолдирди. У мусиқа оламига ХХ аср бошларида кириб келди, ғижжак чалишни ва ашула айтишни ўрганди, бастакорлик сирларини ҳам эгаллади, тинимсиз ижодий меҳнати билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди. 1940 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига аъзо бўлди.

Икромов Имомжон Салимжон ўғли Тошкентда 1891 йил 29 апрелда туғилди. Ёшлик даврини бўлғуси санъаткор шундай эслар эди: «Отам ҳунарманд бўлса-да, кўшиқ хиргойи қилиб юрардилар. Айтган кўшиқларини ёдлаб олардим. Мусиқага қизиққанганимни сезиб, отам мени машҳур ғижжакчи Солижон Ҳожига шогирдликка бердилар. Устозимнинг гуруҳи билан чойхоналарда, тўй-томошаларда бирга қатнашдим. 1917 йилда ҳаваскорлар тўгараклари,

театрлар пайдо бўлди. Устозим ҳофиз Шораҳим Шоумаров 1918 йил «Саной нафиса» жамиятини туздилар. Мазкур жамиятда ғижжакчи ва ҳофиз бўлиб хизмат қилдим. Ўша йили ажойиб инсон Виктор Успенский ва Саодатхоним Еникеевалар раҳбарлигида Шайхонтохур масжид биносида Эски шаҳар халқ консерваторияси очилди. Мен ҳам ўқишга кирдим. Бу даргоҳда ўзимнинг устозим Солижон Ҳожи ғижжакда, Шораҳим Шоумаров ва Мулла Тўйчи Тошмухаммедов устозларимдан ашула йўлларини, В.Успенскийдан нота алифбосини дўстларим Ю.Ражабий, П.Раҳимов, Ф.Содиқовлар билан бирга сабоқ олдим. 1921 -1924 йиллари ўқишдан бўш вақтларимда янги мактабда ҳаваскорлар тўғарагини ташкил қилиб, ўқувчиларни турли асбобларда чалишни ўргатдим. 1925 йил Туркистон халқ консерваториясини битириб, йўлланма билан Самарқанд давлат ўзбек театрига ишга бордим. Юнус Ражабий мусиқа раҳбари, мен эса ансамблга созанда лавозимига тайинландим. Улуғ Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари асосида Хуршид яратган пьесани мусиқа билан безатишда меросимиздан танлаб ва ўзимиз ҳам айрим куйларни басталаб, спектаклнинг мусиқасини яратдик. Театр ишидан бўш вақтимизда Самарқанд педагогика институтида мусиқадан дарс бердим. Машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Расулов улуғ инсондан ўзим билмаган мақомларни ўргандим. 1927 йили Тошкентда Ўзбекистон радиоси ташкил топиши билан унинг қошида ўзбек халқ чолғу асбоблар ва ашула ансамбли тузишни Ю.Ражабийга топширди.

Ансамблимизнинг аъзолари ташкил топишда 12 машшоқ ва ҳофизлардан иборат бўлса, 30-йилларда 40 нафарга етди. Мен куйидаги улуғ санъаткорлар: Рисқи Ражабий, Шораим Шоумаров, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Матюсуф Харратов, Сафо Муғанний, Фахриддин Содиқов, Ориф Қосимов, Маҳкам Юсупов, Зокиржон Содиқов, Карим Мўминов, Турғун Каримов, Назира Аҳмедова, Мавлуда Аъзамова, Марям Алишаева, Берта Давидова, Борух Зиркиев ва бошқалар билан ҳамкорликда ишлаганимдан бахтиёрман. 1934 йили мен ва Ю.Ражабийни Москва консерваториясида ташкил қилинган уч ойлик малака ошириш курсига юборишди. Ҳар куни кечалари театр ва концерт залларига бориб, Оврўпо ва рус мусиқа маданияти билан танишдик. 1935 йил Москвадан қайтиб келиб, Тошкент консерваториясининг тайёрлов курсида Ю.Семёнов ва Б.Надеждинлардан сабоқ олдик. 1936 йилдан бошлаб Москвада бўлиб

ўтадиган декадага тайёргарлик ишлари авж олиб кетди. Консерваторияда ўқишни давом эттиришга имконият бўлмади. 1942-1945 йиллар ўзим ишлаган ансамблга, Ю.Ражабий Янгийўл мусиқали театрга мусиқа раҳбари бўлиб кетгандан сўнг, 1941-1945 йиллар бадий раҳбар, у яна ансамблга қайтгандан кейин мен концертмейстер лавозимида нафақага чиққунга қадар ишладим. Мен бир нарсадан хурсандманки, йиллар давомида бошимиздан не-не савдолар ўтишига қарамасдан, ўзим севган санъат билан меҳнаткаш, юраги соф кўнгилли халқимга хизмат қилдим», — деб сўзларини тугатдилар.

Ўзбек халқ мусиқа меросининг билимдони Имомжон Икромов ижрочилик, мураббийлик, жамоат фаолияти билан бирга бастакор сифатида 20-йилларда танила бошлади. Унинг ижодида кўшиқ, ашула ва чолғу куйлар асосий ўрин эгаллайди. У илк ижодий қадамларини юртимизнинг гўзал табиатини мадҳ этувчи «Чаман» (Ш.Туйғун), «Сўлим» (Соатий) кўшиқларидан бошлади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ўзбек халқ мусиқасининг бой хазинасидан баҳраманд бўлган бастакор И.Икромов мусиқий анъаналарига ўз ижодида риоя қилиш билан бирга замон талабига биноан унинг доирасини кенгайтириш, янгича оҳанглар топишга ҳаракат қилиб, ажойиб натижаларга эришди. Гўзал Ватан, сўлим табиат, соф муҳаббат куйчиси, бастакор И.Икромов 200 га яқин ранг-баранг, оҳангдор кўшиқ ва ашулалар яратди.

Бастакор И.Икромов улуг ўзбек шоирлари Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқатларнинг шеърисига мурожаат қилиб, классик ашула йўллари асосида куйидаги асарларини яратди: «Муножот» (ёки «Сарви гулрў келмади»), «Дилоромимга айт», «Бир пари» (Ажам), «Қора соч», «Зори кўнгил», «Ул қаро кўз», «Қолдим», «Топилмас», «Айлай десам», «Бир келсангиз», «Келдилар», «Қоши қаросиини кўринг», «Ким десун». Булар атоқли ҳофизлардан Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Акбар Ҳайдаров, Шожалиловлар, Берта Давидова, Ориф Алимаҳсумовларнинг ширали овозлари билан санъат шинавандалари қалбидан жой олди.

Бастакор Ҳамза, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Ҳ.Ғулом, С.Абдулла, Ҳабибий, Ғайратий, Чархий, Т.Тўла, П.Мўмин, С.Зуннунова, М.Қориев, Э.Воҳидовларнинг шеърисига кўплаб оммавий ва лирик кўшиқлар яратди. Мисол сифатида машҳур хонанда, устанинг шогирди Неъматжон Қулабдуллаев ижросида «Индамади», «Қўлда раъноси билан», «Жон бўлибди, жонон бўлибди» (П.Мўмин сўзи),

«Ўйнасин», «Сулув чечаклар» (Миртемир ғазали), лирик кўшиқлардан «Топилмас» (Фурқат ғазали) машхур бўлиб кетган. Булардан «Олқиш», «Шер йигитлар», «Даво топдим», «Даври давроним гўзал», «Мирзачўл қаҳрамонларига», «Янги ер таронаси», «Шон муборақдур сенга», «Ватан меҳри», «Азим Ватан», «Садоқат», «Оҳангарон», «Ўзбекистон», «Эл завқи таронаси», «Теримчи қиз ёрим бор», «Тинчликка тинчлик», «Сирдарёнинг сулуви», «Азгануш», «Соғиндим, эй гул», «Ёр армуғони», «Васли ёрим», «Гул дийдор», «Розиман», «Мен келгум», «Бир келиб кўйсанг», «Сенга десам», «Анор баҳона», «Тилингиздан», «Сенга», «Ким десун» (Муқимий шеърлари) миллий кўшиқчилик санъатининг ёрқин намуналарига айланди. Булардан ташқари у бир қатор вокал сюиталар, чолғу куйлар ҳам яратди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари унинг «Ўзбекистон», «Ботирлар», «Соғиниш», «Фарҳод», «Марш», «Садоқат», «Хуш келдинг, ўғлон» каби кўшиқлари ёвуз душман устидан ғалаба қозонишга чорлади.

Халқ орасида кенг тарқалган «Онам дерман», «Эъзоз қилинг», «Дўст билан», «Узма дўстлик торини» каби кўшиқларининг маънавий салоҳияти юксак даражада.

Имомжон Икромов 1943 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1953 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари билан; Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

АЛИШЕР ИКРОМОВ (1962)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Алишер Икромов Бастакорлар уюшмаси сафига 1994 йили қабул қилинган. Унинг симфоник, вокал-симфоник, мусикали саҳна асарлари, айниқса замондош шоирлар шеърларига ёзган эстрада кўшиқ ва куйлари эътиборга сазовор.

Икромов Алишер Каримович Тошкент шаҳрида 1962 йилнинг 9 июнида туғилди. Ота-онаси Алишернинг мусикага қизиқишини сезиб, уни 1969 йили В.Успенский номидаги махсус мусика мактабининг фортепиано синфига беришди. Ўқиш жараёнида у мусика назарияси ва композиция билан қизикди. Шу боисдан 8-синфидан бошлаб композиция бўйича композитор С.Варелас синфида

Ўқишни давом эттирди ва 1980 йили муваффақиятли битирди. Ўша йили А.Икромов П.Чайковский номидаги Москва консерваторияси композиторлик факультетига ўқишга кирди ва профессор Т.Н.Хренников синфида таҳсил кўрди. Москва шаҳри маданият ва муслиқий муҳити Алишерни композитор сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнади.

Мақтаб ва консерваторияда ўқиб юрган даврида ёзилган муслиқий асарлари фортепиано учун «Вариация», «Сонатина №1, 2, 3», «Баллада», «Токката», «6 та прелюдия»; торли оркестр ва фортепиано учун «Таржимаи ҳолимиз» сюитаси, флейта, труба ва фортепиано учун пьеса; торли оркестр учун «Andante» асарлари тингловчиларга манзур бўлди. Давлат имтиҳонига «Симфоник оркестр учун муслиқа» ҳамда ўзбек ва француз шоирлари шеърларига «Муҳаббат кўшиқлари» номли туркумни диплом иши сифатида ҳавола этиб, 1985 йили консерваторияни муваффақиятли битирди.

А.Икромов 1985-1989 йиллар Ўзбекистон телерадиокомпания-сининг муслиқа таҳририяти муҳаррири, 1989-1990 йилларда Ўзбек концерт таркибидаги «Садо» вокал-чолғу ансамблида созанда бўлиб ишлади. 1990 йилдан Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳузуридаги эстрада-симфоник оркестри жамоаси концертмейстери, 1996 йилдан эса оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри лавозимида ишламоқда.

А.Икромов театр учун муслиқа басталашга муҳим эътиборни қаратди. Кўғирчоқ театри учун 1986 йили «Бахтли гадоилар» (К.Гоци пьесаси); 1993 йили «Бахт изловчи Гасан» (Е.Сперанский пьесаси), «Пакана Бурун» (А.Гауфу пьесаси), 1995 йили «Қор маликаси» (Андерсен асари), 2001 йили «Лисонут тайр» (А.Навоий, Х.Расул), 2002 йили «Девочка и спички» (Андерсен асари), 2003 йилда «И снова Андерсен», 2006 йилда «Кто сказал мяу?», «Три веселых пятачка», 2010 йилда «Приключения Аладдина», 2011 йилда «Солнечный лучик», 2012 йилда «Волшебное зеркало», «Карнавал животных» кўғирчоқ спектаклларига муслиқа, 1987 йили «Бизнинг Майсара» (Х.Шарипов либреттоси) номли рок-операсини ёзди. 1995 йили «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» спектаклига ёзган муслиқаси учун Тошкентда ўтказилган кўғирчоқ театрларининг халқаро фестивалида Диплом билан тақдирланди. 1987 йили «Афсонавий ажойиб зина» (Ю.Энтин либреттоси) мюзиклини, Ҳамза номидаги академик драма театри учун 1993 йили «Шум бола» (Ғ.Ғулом пьесаси), 1996 йили «Беваларни юпатиш» (П.Сулоев либреттоси)

комедияларини, 1994 йили «Ноёб нусха», 1999 йили «Қирол Лир» (В.Шекспир асари) драмаларини, 1993 йили «Мамат кулол» (А.Баграмов асари), 1995 йили «Жаҳлдор подшонинг сири» (А.Колмогоров), 1996 йили «Болаларга хайвонлар ҳақида» (К.Васильев либреттоси), 2004 йили “Хола, мен уйланаман” (А.Баграмов асари) оперетталарини яратди.

1996 йили А.Навоий номидаги Давлат Академик катта опера ва балет театри Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб А.Икромовнинг бир парда икки кўринишли «Буюк Темур» (И.Жиянов либреттоси) номли операсини томошабинларга ҳавола қилди.

Композитор Алишер Икромов қуйидаги кино, телефильм ва телеспектаклларга муסיқа басталади: 1987 йили «Кўшиқ ва расмларда пахта» хужжатли фильм-мюзикли, 1992 йили «Чангак» (Х.Султонов сценарийси) видеофильми ва бш.

Муқимий театри учун 1997 йили «Тилло тухум» (Ф.Файзиев); 1998 йили «Бўш келмангиз, шоввозлар» (Ф.Файзиев) муסיқали комедияларини яратди.

Унинг қаламидан қуйидаги асарлар ҳам бунёдга келган: 1993 йили «Шум бола» спектаклига ёзган муסיқаси асосида симфоник оркестр учун сюита ёзди. Ўша йили «Шарқ-Ғарб» фестивалида З.Ҳақназаров дирижёрлигида мазкур асар ижро этилди; 1994 йили камер оркестр ва муסיқали компьютер учун «Прелюдия» асарини яратди.

Композитор А.Икромовнинг ижодий фаолиятида эстрада кўшиқчилиги устувор йўналиш ҳисобланади. У 150 дан ортиқ кўшиқлар муаллифидир. Улар орасида «Ўлка» (Э.Воҳидов сўзи); «Куйиб қолибди», «Қарасам, қарамайсан» ва «Севилганлар, севганлар» (П.Мўмин сўзлари); «Интизор кутдим» (Н.Аминжонов сўзи); «Бахтни эъзозланг» (Э.Аслиддинов сўзи); «Шара-бара» (Р.Фархади сўзи); «Сендан олдин» ва «Ҳеч ким етолмас» (Ҳ.Худойбердиева сўзлари); «Когда красавица стареет» (И.Резник сўзи) каби кўшиқлари бор.

Унинг эстрада кўшиқлари Латвияда ўтказилган халқаро эстрада муסיқаси «Юрмала—87, 88», «Спутник к парнасу» (1989й.) кўриктанловларида ижро этилди. Композитор 2000 йилда яккахон ва синтезатор учун «Умар Хайём» моноперасини (форс тилида) электр муסיқа асари сифатида яратди ва ижро этди.

АБДУҲОШИМ ИСМОИЛОВ (1952)



Ўзбекистон халқ артисти, созанда ва бастакор Абдуҳошим Исмоилов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1991 йили қабул қилинган. Унинг яратган кўшиқ, ашула ва куйлари ўзининг сержило оҳанглари, ранго-ранг хусусиятлари, ноёблиги билан ажралиб туради.

Абдуҳошим Исмоилов 1952 йилнинг 9 июнида Фарғона вилояти Қува туманида туғилган. 1959 йилдан умумтаълим мактабида ўқийди. Болалигидан мусиқага қизиқади ва санъаткор бўлишни орзу қилади. Ҳаваскорлар тўғарагига қатнайди. Мактабнинг 8-синфини битириб, 1967 йили Фарғона мусиқа билим юрти ўзбек халқ чолғулари бўлимининг ғижжак синфига ўқишга киради. 1975 йилда Тошкент давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик факультетига ўқишга кирди. Айни вақтдан бошлаб телерадио ҳузуридаги мақом ансамблида созанда бўлиб ишлайди. У 1980 йили консерваторияни ғижжак синфи бўйича битириб, мақом ансамблида ишини давом эттирди. 1983 йили илк бор ўтказилган Республика мақом ижрочиларининг танловида у биринчи ўрин совриндори бўлди. Ёрқин истеъдод соҳиби, моҳир ижрочи А.Исмоилов бастакорлик санъати анъаналарини давом эттириб, ижодкор сифатида ҳам кенг танилди. Унинг ўтган йиллар давомида яратган кўшиқ, ялла, ашула, чолғу ва рақс куйлари замон руҳи билан ҳамоҳангдир. Шунини айтиб ўтиш жоизки, у яратган мусиқий асарларда анаънавий услуб ва замонавий мусиқа воситалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзига хос оҳанг ва усуллар кашф этган ҳолда таъсирчан. Унинг яратган ҳар хил овозли ёки чолғу мусиқаси ўзининг сержило оҳанглари, ранг-баранглиги ва жозибали руҳи билан ҳам ажралиб туради. Шу сабабли бастакорнинг ҳар бир асари мухлислар томонидан иштиёқ ва мунтазирлик билан кутиб олинади. Масалан: «Ўзбекистон», «Тошкентим», «Бўлмас», «Ноз», «Юлдузим», «Мажнунтол», «Тоғ қизи», «Сен ўзинг», «Сенинг кулишларинг», «Ёримга айтинг», «Учрашув», «Кетай» кўшиқ, ашула ва яллалари ҳамда «Ҳолим сўрма», «Гуллола», «Тонг», «Нафосат», «Зилола» каби бир қатор чолғу ва рақс куйлари мусиқа мухлисларининг дилларидан жой олган. Шунинг учун яратган асарлари хонанда ва созандаларнинг

ижро дастуридан кенг ўрин олган. Мисол сифатида радио тасмаларида машхур хонандалар ижросида ёзилган куйидаги кўшиқлар айниқса машхур: Матлуба Дадабоева ижросида «Кўлда созим» (Э.Охунова сўзи); «Омон кўнгил» (Р.Ризо сўзи); Махмуджон Азимов ижросида «Ўшалар дейсан» (О.Матчон сўзи); «Етай деб» (Ш.Ҳакимий сўзи); «Гулшанда ёр кўринди» ва «Бебаҳо дурдонасан» (Уйғун сўзлари); Комила Аминова ижросида «Сендан кетаман» (Ў.Холдоров сўзи); Ҳожиакбар Раҳматов ижросида «Шодлик ато этсин» (Ў.Холдоров сўзи); «Сочингни майда ўрдинг» (Ш.Ҳакимий сўзи); «Сиз мунча ширинсиз» ва «Осон бўлмади» (И.Тўхтамишев сўзлари); «Раққоса» (Ж.Субҳон сўзи); «Бир елка соч» (Н.Қобилов сўзи); Абдулло Раҳимжонов ижросида «Ром этар» (М.Ҳакимов сўзи); Эркин Рўзиматов ижросида «Сендан» (Э.Самандаров сўзи); Насиба Сатторова ижросида «Иккимиз дунёдан ўтганда» (Ҳ.Худойбердиева сўзи); Махмуджон Йўлдошев ижросида «Ёрим айтинг» (Огаҳий ғазали); «Осмонда ҳам йўқ», «Дилимга ғамзадан» (Ҳофиз Шерозий ғазаллари); «Жонон кўзингга» (Чустий шеъри); «Бўлмагай», «Минг зардан аъло» ва «Ўзингдан бўлак» (Ш.Ҳакимий сўзлари); «Муҳаббат лайлоси» (Т.Тўла сўзи); «Қайдасан» (В.Абдурашидов сўзи), «Эски кўшиқ» (А.Суюн сўзи); Равшан Комилов ижросида «Келинчакка» (Қ.Дехқонов сўзи); Зулайҳо Бойхонова ва Ҳамид Тўхтаевлар ижросида Бобур спектаклидан «Етолмасман» (Ҳ.Муҳаммад шеърий дуэти) ва бошқалар. Ўзбекистон халқ артисти, Ю.Ражабий номидаги «Мақом ансамбли» бадиий раҳбари, моҳир созанда ва бастакор Абдуҳошим Исмоилов кўп қиррали фаолияти билан замонавий ўзбек мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнига катта ҳисса қўшиб, баракали ижод қилмоқда.

А.Исмоилов “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвони, “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

САИДЖОН КАЛОНОВ (1914-1972)



Ўзбекистон халқ артисти, найчи-созанда ва бастакор Саиджон Калонов XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У халқимизнинг мумтоз санъати анъаналарини давом эттирди, ўзига хос услуби билан турли мавзуларда жозибали кўшиқ ва

ашулалар яратиб, замонавий мусиқа маданиятимиз ривожланишига баракали ҳисса кўшди.

Саиджон Калонов Наманган вилояти Чуст тумани Каркидон қишлоғида 1914 йил 30 июлда туғилди. У 1920 йилдан бошлаб янги мактабда таълим олди, ҳаваскорлик тўғарагига қатнашиб най чалишни ўрганди. 1927 йилда Тошкент мусиқа техникумига ўқишга кирди, Ўзбекистон радиоси қошидаги чолғу ансамблида найчи бўлиб ишлади. 1932 йили мусиқа техникумини битиргач, Фарғона вилояти мусиқали драма театрига мусиқа раҳбари этиб тайинланди. «Фарҳод ва Ширин» спектаклига куй ва ашулалар басталади.

1936 йили Ўзбекистон давлат филармонияси очилиб Т.Жалилов раҳбарлигида ансамбль ташкил топиши, келгуси йилда Москвада ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати 10 кунлигига тайёргарлик кўриш муносабати билан вилоятлардан кўзга кўринган созанда ва хонандалар қатори С.Калоновни ҳам мазкур ансамблга ишга таклиф қилишди.

1938 йили С.Калонов Ўзбек давлат мусиқали театрига, 1939 йилнинг июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон давлат опера ва балет театрига якканавоз лавозимига таклиф қилинди, 1941 йилда Янгийўл мусиқали драма театрининг ташкил топиши билан театрнинг мусиқа раҳбари Ю.Ражабий ўзи билан Саиджон Калоновни бирга олиб кетди. 1942 йили С.Калонов раҳбарлигида 16 кишидан иборат ашула ва рақс ансамбли тузилди. 1942-1945 йилларда ансамбль Марказий Болтиқ бўйи фронтларида жангчиларга хизмат қилди. Бастакор эса ансамбль репертуарини бойитиб борди ва ўзи ҳам бир қатор кўшиқлар яратди. «Ўзбекистондан салом», «Опалардан салом», «Зафар билан қайтиб», «Ғалаба қиламиз», «Лочинлар», «Ўзбек ўғлонлари», «Дўстлик жасорати», «Ботир аскарлар» ва бир неча рақс куйлари шулар жумласидандир. 1945 йил С.Калонов ўзи ишлаган театрда ансамбли билан қайтиб 1948 йилга қадар ишлади. Ўша йили Ўзбекистон радио кўмитаси қошидаги ўзбек халқ чолғу асбоблар оркестрига созанда лавозимига таклиф қилинди. Мазкур жамоада у умрининг охиригача ишлади ва ижод қилди.

1967 йилдан Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг аъзоси, бастакор С.Калонов классик ва замондош шоирларнинг шеърларига турли мавзуларда 200 дан ортиқ кўшиқлар яратди. Улар орасида «Ватан севгиси», «Ватан таронаси», «Гулистонлар аро», «Чевар қизлар», «Яшанг, қизлар», «Ёшлар марши», «Ҳазога биринчи босқич», «Куюшли ўлкам» каби ватанпарварлик, меҳнат ва жасоратни

ифодалайдиган кўшиқлар, ишқ-муҳаббатни, орзу-умидларни куйлайдиган «Гулмиди, раъномиди» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Севгилим» (М.Қодиров сўзи), «Ойдин кечада» (Миртемир сўзи), «Интизорман йўлингга» (А.Пўлат сўзи), «Дилнавозим», «Гулёр айтиб кел» (А.Навоий шеърлари), «Даркор эмас» (А.Ғаффорий сўзи), «Айб этма» (З.Обидов сўзи), «Висол гулшани» (А.Исроилов сўзи), «Эй сарви равон» (Нодира шеъри), «Бу насим» (Ҳабибий сўзи) каби лирик кўшиқ-ашулалар мавжуд. Бу жозибали кўшиқ ва ашулалар турли ижрочи авлодларни мулки бўлиб қолди ва кўшиқ санъатининг шайдолари дилларидан жой олди. С.Калонов кўшиқлар басталашдан ташқари муסיқанинг бошқа жанрларида ҳам ижод қилди. Бастакор дирижёр Н.Халилов билан ҳамкорликда «Ҳалима» мусиқали драмаси ва халқ чолғулари учун турли-туман, катта-кичик жанрларда мусиқа асарларини яратди.

Саиджон Калонов 1950 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, орден ва медаллар билан мукофотланган.

ИРИНА КАРЕЛОВА **(1905-1976)**



Муסיқашунос Карелова - Власова Ирина Николаевна 1905 йил 6 февралда ҳозирги Ростов вилоятида таваллуд топган.

1925-1927 йилларда мусиқа билим юртида, 1936-1941 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетида таълим олган.

1920-1922 йилларда Туркистон халқ консерваториясида фортепиано бўйича, 1927-1928 йилларда 123-сонли мактабда, 1928-1930 йилларда 2 - давлат мусиқа билиб юртида, 1934-1944 йилларда Глиэр номидаги мусиқа мактабида, 1939-1976 йилларда Тошкент давлат консерваториясида умумий мусиқа тарихи фанларидан дарс берган.

Ирина Карелова мақолалари ва илмий ишлари ўзбек мусиқасининг долзарб муаммоларига бағишланган. Муסיқашуноснинг «Детская песня в творчестве композиторов Узбекистана», «Пути развития песен и романса в творчестве композиторов Узбекистана», «Новый узбекский балет», «Музыкальное образование Узбекистана» каби мақолалари эътиборни тортади.

ЗАРИФА КАРИМОВА (1944)



Санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, муסיқашунос З.Каримова Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1976 йилда қабул қилинган. Унинг республикамизда замонавий профессионал муסיқа санъатининг ривожланиш жараёнида ўзбек композиторларининг турли авлодлари фаолиятларидаги ижодий ютуқ ва камчиликларига, ижодий муаммоларига бағишланган, ўзбек ва рус тилларида, матбуотда, китоб ва тўпламларда чоп этилган илмий, илмий-оммабоп мақолалари, «Алишер Навоий муסיқада» мавзусида ёқлаган диссертацияси билан мутахассисларнинг диққат-эътиборини жалб қилди.

Каримова Зарифа Гуломовна Тошкент шаҳрида 1944 йилнинг 16 феврилида туғилди. 1950 йилда В.А.Успенский номидаги Республика махсус муסיқа мактабига фортепиано мутахассислиги бўйича ўқишга киради. У 8-синфдан бошлаб муסיқа назарияси бўлимида ўқиб, 1962 йили мактабни битиради.

Ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетига ўқишга киради. 1967 йили ўқишни муваффақиятли битирган ҳолда аспирантурага ўқишга киради, турли мавзуларда мақолалар ёзади. Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Т.С.Вызго раҳбарлигида 1974 йили «Алишер Навоий муסיқада» мавзусида ёзган диссертациясини ҳимоя қилади ва санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлади. З.Каримова меҳнат фаолиятини аспирантурада ўқиб юрган пайтларида консерваториянинг муסיқа назарияси кафедрасида бошлади. Маданият ишлари вазирлигининг малака ошириш институтида ишлади. Ва яна консерваторияда фаолиятини давом эттирди.

У ўтган йиллар давомида ўзбек ва рус тилларида қуйидаги мақолаларни ёзди. «О роли национальных традиций в становлении современного узбекского романса» (сборник «История и современность», Москва 1972); «Глазами современника» (журнал «Сов музыка» № 4 1973); «Навои и музыка» (журнал «Звезда Востока» №9, 1972); «Композиторлар ижодида миллий анъана»

(газета «Ўзбекистон маданияти» 1971 йили 31 август); «Узбекский романс» (сборник «Музыкальная культура Узбекистана, Москва 1981); «Музыкальная критика 60-70 годов» (В кн. «Музыкальная критика в Узбекистане», Ташкент, «Фан» 1984г.); «Навоий ва мусиқа» («Гулистон» № 1, 1987 й.); «Мусиқа инсон тақдири» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1984 й. 19 октябрь); «Камерно-вокальная лирика композиторов Средней Азии и Казахстана» («Музыка»); «Мусиқий-эстетик фикр активлиги» (В.З.Плунгян билан ҳамкорликда ёзилган, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1982 й. 25 июль); «Предмет исследования музыка» (газ. «Вечерний Ташкент» 1983 г. 23 май); «Служение музыке» (газ. «Правда Востока» 1984 г. 19 октябрь).

1974 йили ёш мусиқашунослар илмий ишлари танловида З.Каримованинг «Навои и музыка» монографияси мукофотланди ва 1980 йили Москвада нашр қилинди. Унинг тўлиқ нусхаси 1988 йили Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Унинг радио эшитувчилар учун олиб борган «Ойбек ва мусиқа», «Узеир Гаджибеков», «А.Козловский», «Ҳ.Олимжон ва мусиқа», «Д.Сайдаминова», «И.Акбаров» мавзуларидаги суҳбатлари тингловчиларда яхши таассурот қолдирган.

СОБИР КАРИМҲОЖИ **(1934-2002)**



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига композитор ва педагог С.Каримҳожиге 1968 йили кириб келди. Санъаткор ранг-баранг мусиқий асарлар яратиб, республикамиз замонавий мусиқаси ривожланишига баракали ҳисса қўшган.

Собир Исомиддин ўғли Каримҳожиге 1934 йили 1 майда Андижон шаҳрида туғилган. 1946-йил оиласи Душанбе шаҳрига кўчиб келган. 1949-1955 йилларда мактаб-интернатида фортепиано синфида сабоқ олган. 1955-1959 йилларда Душанбе давлат мусиқа билим юртида таълим олди. Ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик ва чолғулаштириш факультетига ўқишга киради. Аввал профессор Б.Б.Надеждин синфида, у 1961 йили вафот этгандан сўнг профессор Б.И.Зейдман синфида таҳсил олди.

Консерваторияни С.Каримҳожиге 1965 йили муваффақиятли битирди ва мустақил ижодий жараёнга отланди. Консерваторияни

битиргач, 1965-1966 йиллари Ўзбекистон Маданият вазирлигининг санъат бош бошқармасида бош муҳаррир лавозимида ишлади. 1966-1969 йиллар консерваторияда дарс берди. 1969-1970 йиллар Т.Шевченко номидаги Тожикистон давлат педагогика институтининг «Санъат» кафедрасида, 1970-1972 йиллар Тошкент давлат консерваториясида ишлади. 1972-1973 йиллар Тошкент шаҳар музика мактабида дарс берди. 1973-1975 йил М.Уйғур номидаги Тошкент театр ва санъат институтининг музика кафедрасида ишлади. 1975-1994 йилга қадар А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида фаолият кўрсатиб нафақага чиқди.

Композитор С.Каримхожининг ижодий фаолияти талабалик давридан бошланди. У музиканинг турли жанр ва шаклларида бир талай асарлар ёзди. Улар орасида фортепиано учун 7 та пьеса, вариация, соната, 4 та фуга; скрипка ва фортепиано учун 2 та пьеса, «Сўзсиз кўшиқ поэма»; флейта ва фортепиано учун 2 та пьеса; торли кватрет учун «Кватрет» ва 2 та пьеса мавжуд. Айниқса композиторни танитган «Восеъ кўзғолони» симфоник поэмаси; «Осиё садоси» симфонияси; труба ва фортепиано учун «Элегия-поэма» каби асарлари эътиборга лойиқ. Шуни айтиш жоизки, 1967-1970 йиллар труба ва симфоник оркестр учун яратган 2 та концерт, 1971 йили ёзган «Морис Равель хотирасига» симфоник-хореографияли поэма; 1976 йил флейта ва симфоник оркестр учун «Тоғ фантазияси»; 1980 йил най ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Концерт-фантазия»; 1986 йил виолончель ва симфоник оркестр учун «Симфония-концерт» каби йирик, миллий оҳанглар билан ажралиб турадиган бу асарлар композиторга шуҳрат келтирди. Унинг асарлари республикамизда, Тожикистонда, Қозоғистонда, Москва, Нижний Новгород, Таллин ва бошқа шаҳарларда кўп жаранглади. Айниқса, ўзбек композиторлари орасида биринчилардан бўлиб яратган труба ва оркестр учун биринчи ва иккинчи концертлари жуда ҳам машҳур бўлиб кетди. Моҳир созандалар уларни ўз репертуарларига киритдилар. 2001 йил виолончель ва торли оркестр учун «Поэма» яратди.

Композитор С.Каримхожи ўтган йиллар давомида ўзига хос услубда камер чолғу ва овозли жанрларда жуда кўп жозибали музикаий асарлар яратди: улар орасида фортепиано учун ёзган: «Рақс», «Этюд экспромт», тўртта пьеса; 5 қисмли «Dies irae» (Қиёмат куни) мавзусидаги 5 қисмли драматик сонатада жаҳонда содир бўлган

дахшатли фожиалар ўз ифодасини топган; «Мовий рангли гумбазлар» номли 8 қисмли вариациялар (1995-1996 йиллар); 6 та «Муסיқали лаҳза» (2000 йил); дутор альт ва фортепиано учун 8 та пьеса; скрипка ва фортепиано учун «Поэма-элегия» (1980 йил); «Соната-фантазия» (1992 йил)да қайта ишлаган най ва фортепиано учун Панжоб халқ куйлари асосида «Етти гўзал» пьесалари (1984 й.); афғон рубоби ва фортепиано учун «Муҳаббат ракси» пьесаси (1986 й.); флейта ва фортепиано учун «Концертино» (1987 й.) ва бошқа асарлар муסיқа шинавандаларининг олқишларига сазовор бўлган. Улар муסיқа ўқув юртлари дастурларидан муносиб ўрин олган, айримлари чоп этилган.

Композитор тилга олинган асарлардан ташқари романс, кўшиқ, хор ва болалар учун кўшиқлар ҳам яратди. Айниқса, 1999-2000 йилларда тожик шоирлар сўзларига ёзган 12 та болалар учун кўшиқлар «Олами бачаҳо» номли тўплам, 1998 йил Ойбек сўзига ёзган «Капалак» болалар кўшиқлари; 1999 йил тожик шоирлари сўзига ёзган А.Омонов ва О.Раҳмоновларнинг кўшиқларини овоз ва фортепиано учун қайта ишлаган «Олами бачаҳо» 6 қисмли болалар кўшиқлари машҳур бўлиб кетди. Биринчи синф болалари учун 2001 йил тожик тилида «Муסיқали алифбо» яратди.

ФАЙЗУЛЛА КАРОМАТЛИ **(1925-2014)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, муסיқашунос Файзулла Кароматли республикаимиз муסיқа маданиятига ва муסיқашунослик фани ривожига катта ҳисса кўшган олимлардан. У 1955 йилдан Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, кўп йиллар давомида муסיқий-этнографик, илмий-тадқиқот, педагогик ва жамоатчилик соҳаларида кенг қамровли фаолият олиб бориб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Кароматли (Кароматов) Файзулла Музаффар ўғли Бухоро шаҳрида 1925 йили 14 декабрда туғилди.

У 6 ёшидан умумтаълим мактабида ва 1934 йилдан Бухоро муסיқа мактабининг ғижжак синфида таълим ола бошлади. 1936 йили эса шу мактабнинг скрипка синфига ўтди.

Ўз қобилияти билан ўқитувчилар диққатини ўзига жалб эттира олган Файзулла 1939 йили Тошкентдаги М.Глиэр номидаги муסיқа

мактаб-интернатига кўчиртирилади. Давлат имтиҳон комиссияси уни консерваторияда ўқишни тавсия этади. Бироқ, бошланган иккинчи жаҳон уруши ўқишни давом эттиришга имкон бермади. Бир неча ойдан сўнг консерваториянинг 1-курс талабаси Файзулла Бухорога қайтади ва Педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети 2-курсига қабул қилинади. Ушбу йиллари Бухоро муסיқали драма театрида скрипкачи сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлайди. Худди шу аснода Аёллар педагогика техникумида ҳам ўзбек тилидан дарс беради.

1943 йили Ф.Кароматли Тошкентга қайтиб келади ва ўқишини консерваторияда тиклайди. Айни вақтда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг 4-курсига ўқишни давом эттиради ва филармониянинг симфоник оркестрида скрипкачи созанда бўлиб ишлайди.

1944 йили Ф.Кароматли педагогика институтининг тил ва адабиёт ихтисослиги бўйича давлат имтиҳонларини топшириб дипломга эга бўлади. Шунга қарамасдан у консерваторияда скрипка бўйича ўқиш билан бир вақтда, 1946 йилдан бошлаб муסיқашунослик факультетида ҳам ўқий бошлади. Шунингдек, симфоник оркестрда 1943-1948 йиллари ўз меҳнат фаолиятини давом эттиради. Кейин эса Ҳамза номидаги Ўзбек драма театри кичик оркестрида (1948), Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги симфоник оркестрда (1948 йил охири - 1950) ва Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг муסיқа кабинетида илмий ходим сифатида (1949-1950 й.) ишлади. 1950 йили профессор Ю.Н.Тюлин олиб борган назарий машғулотлар негизида ёзилган диплом ишини ёқлаб, консерваторияни муסיқа назарияси ва фольклоршунос малакаси билан тугатади. Айни вақтда Илмий кенгашнинг тавсияси билан П.И.Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясига бориб кириш имтиҳонларини топширади.

1950-1954 йиллар давомида Москва консерваториясининг аспиранти сифатида Файзулла Кароматли таниқли муסיқашунос олим, профессор В.М.Беляевдан сабоқ олади. 1955 йили «Ўзбек замонавий кўшиқлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлади.

Санъатшунослик институтида илмий ходим сифатида ишлашни давом этган Файзулла Кароматли 1956 йилдан ушбу даргоҳнинг Муסיқа кабинети мудири ва Тошкент давлат консерваториясининг Муסיқа тарихи кафедраси доценти лавозимларида ишлайди.

1957-1964 йиллари Файзулла Кароматли мазкур институтнинг

бўлим мудирлари ва директорлари лавозимида фаолият кўрсатди. 1960-1972 йилларда Санъатшунослик институти муаммолари ва илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланди. Айни вақтда турли илмий анжуманларда фаол қатнашиб, докторлик диссертацияси устидаги ишини жадаллаштирди. Натижада 1971 йили Москва Санъатшунослик илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашда «Ўзбек чолғу мусиқаси. Мерос» мавзuida докторлик диссертациясини ёқлаб, санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

Маълумки, 1971 йилнинг октябрида ЮНЕСКО тасарруфидаги халқаро Мусиқа Кенгашининг навбатдаги VII конгресси Москвада “Халқлар мусиқа маданияти, анъаналар ва ҳозирги замон” мавзuida ўтказилган эди. Мусиқий меросимиз ўзлаштирилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилган вазиятда Тошкент консерваториясида Халқ мусиқа ижодиёти кабинети ташкил этилди. Файзулла Кароматов (Кароматли)нинг янги йўналишдаги Шарқ мусиқаси кафедрасини ҳам ташкил этиш масаласи жиддий таклиф сифатида ўртага ташланган эди. Ушбу масалани Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси маъқуллади. Бу кафедранинг очишдан мақсад нафақат минтақамиздаги мусиқий мерос, балки кенг қамровли ўрта аср мусиқий рисолалари, яъни илмий-назарий тадқиқотларни бевосита араб, форс, хинд, урду, туркий тилларда мутолаа этишга қодир мусиқашунос-шарқшуносларни тайёрлашдан иборат бўлиб, бу жаҳон консерваториялари учун ўрнак бўлишда илк қадам эди. Айни вақтда ушбу кафедра доирасида мусиқий меросимизнинг устозона анъанавий ижрони талаб этувчи мураккаб турлари (мақомлар ва бш.)ни амалий ўзлаштириш, аниқроғи ушбу соҳа учун хонанда ва созандаларни тайёрлаш ҳамда Халқ ижодиёти кабинети фаолиятини фольклор экспедициялари ила талабалар чиқишларини таъминлаб, улар диққатини йиғилган дурдоналарни нотага олиш, тартиблаштириш, тадқиқ этиш услубларига қаратиш жуда муҳим аҳамиятга эга қадамлардан бўлганди, албатта. 1972 йилнинг сентябрида Ф.Кароматли кафедра мудирлари (1972-1980; 1992-1997) ва профессори (1980-1990) сифатида бу масалада талабаларни йўналтириб турди. Биринчи йиллардан оқ ушбу кафедрага хос ихтисосликлар бўйича ўзбекистонлик талабалар, аспирантлар билан бир қаторда қардош Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжондан ҳамда кейинчалик Германия, АҚШ, Польша, Чехославакия, Судан, Иордания каби хорижий давлатлардан келиб

тахсил олгандилар. Англиядан Л.Пиккен, Германиядан Ю.Эльснер, Эрондан Баркешли ва Пуртураб, АҚШдан М.Слобин, ироқлик Шахризода Ҳассан ва бошқалар бу даргоҳда таълим олдилар. Шарқ мусиқасининг турли масалалари, унинг ривожланиш тарихи ва мусиқий-назарий асослари ҳақида маъруза ўқиганлари алоҳида аҳамият касб этганди.

Мусиқашунос олим Файзулла Кароматли 1949-1950 йиллари ўз илмий-тадқиқий ишларини Санъатшунослик институтида бошлаган бўлса, 1954 йилдан тадқиқотлари, кенг қамровли экспедициялари билан бирга аспирант ва докторантларга раҳбарлик қилди. Унинг кўмагида 30 дан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ёзилиб ҳимоя қилинди. Ф.Кароматлининг шогирдлари орасида ўзбекистонликлар билан бир қаторда Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва чел эл мамлакатларидан келиб, унинг бевосита раҳбарлигида стажировкаларини ўтказдилар.

Профессор Файзулла Кароматлининг илмий-тадқиқий фаолияти мусиқий меросни ўрганиш, нодир намуналарини нотага ёзиб нашр этиш йўли билан тарғибот қилиш чегараланмай, замонавий ўзбек мусиқа санъати муаммолари, жумладан композиторларнинг ижодиётидаги долзарб масалаларга ҳам қаратилган. 1955 йилдан Санъатшунослик институти режаларига биноан унинг раҳбарлигида ва бевосита иштирокида ўтказилган ўттиздан ортиқ мусиқий-фольклор экспедициялари ҳар йилга мўлжалланган Ўзбекистоннинг барча вилоят, туман, қишлоқлари ҳамда Марказий Осиё минтақаларида яшовчи ўзбекларни ўрганишга сафарбар қилинди. Айни вақтда тадқиқотчининг (Н.Нуржонов билан бирга) Помирни катта экспедициялар давомида деярли пиёда оралаб ўтгани ва умуман Тожикистоннинг ҳамма минтақалари бўйлаб ўтказган ўндан ортиқ экспедициялари улкан натижалар берди. Мазкур минтақаларда истиқомат қилувчи истеъдодли хонанда ва созандалар ижросида кўпгина мусиқий жанр намуналарини магнит тасмаларига ёзиб олиб, келгусида уларни нотага олиб, таснифлаб, турли тўпламлар чоп этиш билан бир қаторда бир турга хос хусусиятларини ўрганиб қолишини амалда таъминлаб, фольклоршунослик фани таркибига киритишга эришди. Файзулла Музаффар ўғли Кароматли (Кароматов) қуйидаги китоб ва тўпламларни нашрдан чиқарди: «Хамза и узбекская музыка» (1959 й.); «Узбекская домбровая музыка» (1962 й.), «Хамза Ҳакимзода Ниёзий. Етакчи мусиқа арбоби ва бастакор» (Т. 1965 й.); «Ўзбек халқ мусиқасининг локал услублари ҳақида» (рус тилида,

Москва, 1964 й); «Ўзбек чолғу мусиқаси. Мерос» (рус тилида, Т. 1972 й); «Ўзбек халқ мусиқа мероси XX асрда» 1 том. «Кўшиқ» (ўзбек ва рус тилларида, Т. 1978 й); «Помир мусиқа санъати» (Ҳаммуаллиф Н.Нуржонов); 1-китоб (тожик ва рус тилларида, М. 1978 й.); «Ўзбек халқ мусиқа мероси XX асрда» II том; «Терма, ялла, қарсак» (ўзбек ва рус тилларида. Т. 1985й.); «Помир мусиқа санъати» (ҳаммуаллиф Н.Нуржонов) II китоб (тожик ва рус тилларида. М., 1985 й.); «Мусиқа тарихи тасвирларда. Ўрта Осиё» (Т.Вызго, В.Мешкерис ҳамкорликларида. немис тилида. Лейпциг. 1988 й., Япон тилидаги таржимаси. Токио, 1990 й.); «Алпомиш» (достондан парчалар. М.Афзалов матни ва С.Габриэлян нота ёзувлари, Тўраҳожи Мирзо ҳамкорлигида нашрга тайёрланган. Т. 1999 й.) Мазкур нашрлардан ташқари ўзбек ва тожик мусиқа меросига, яъни унинг назарий ва тарихий муаммоларига, ижро этилиш ва тарғиб этиш масалаларига ҳамда замонавий ижодий ва ижровий мавзуларга бағишланган илмий-тарғибот, илмий-тадқиқий мақолалар сони ҳам кўп¹. Улар турли тўпламларда ҳамда «Общественные науки в Узбекистане», «Фан ва турмуш», «Ўзбекистон санъати», «Сов. музыка», «Музыкальная академия», «Гулистон» каби журналлар, рўзномалар ва «Большая Сов. энциклопедия», ўзбек, қозоқ, тожик, украин, молдован тилларида мазкур республикалар энциклопедияларида чоп этилган.

Файзулла Кароматли йиллар давомида республикамизнинг турли шаҳарлари ва чет элларда турли мавзуларда ўтказилган халқаро илмий конференция, симпозиум ва семинарларда қатнашиб, минтақамиз мусиқа санъатининг диққатни алоҳида жалб этувчи қирралари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида маърузалар қилди. Айрим давлатлар (Германиянинг Гумбольд номидаги Берлин университети, Лист номидаги Веймар Олий мусиқа ўқув юрти; Польшанинг Варшава ва Краков университетлари, Мусиқий институтлари, Жорданиянинг Джермук университети)да ўзбек ва тожик мусиқа мероси ва замонавий мусиқий ривож муаммоларига бағишланган суҳбатлар ўтказди ҳамда уларнинг мусиқий меросига хос диққатни жалб этарли хусусиятлари ҳақида маърузалар ўқиди.

Файзулла Кароматлининг бевосита иштироки ва ташаббускорлигида собиқ Иттифоқ ва республикамиз Бастакорлар уюшмалари ташкилий ҳамкорлигида ЮНЕСКОнинг халқаро Мусиқа Кенгаши томонидан 1978, 1983, 1987 йиллари ўтказилган Самарқанд

¹ «Файзулла М.Кароматли» (Тошкент. 1996 й.) монографиясида мусиқашунос олим олиб борган илмий изланишларининг тўлиқ рўйхати берилган.

халқаро мусиқашунослик симпозиумлари ва улар доирасидаги концертлар, ундаги маърузалар мақомот ва умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мумтоз устозона мусиқий меросига эътиборни кучайтириб, юксак илмий аҳамият касб этди. Ушбу халқаро симпозиумлар муҳим натижаларидан бири сифатида «Мақом» халқаро тадқиқотчилар доимий гуруҳи бўлдики, унинг раисдошлари д-р Юрген Эльснер ва д-р Файзулла Кароматли ҳамкорликларида 1988-2002 йиллар давомида турли давлатларда уюштирилган конференциялар диққатни жалб этарли натижалар берди. Бу жиҳатдан Самарқанд «Шарқ тароналари» III халқаро фестивали доирасида 2002 йил августида «Мақом» гуруҳи 5-конференциясининг ҳам ўтказилиши мақомотнинг қиёсий тадқиқ этиш муаммоларини кенгроқ тадқиқ этилишини бошлаб берди.

Ўзбекистон мусиқашунослигининг йирик намоёндаси, олим ва мураббий Файзулла М.Кароматли ўз илмий-тадқиқий, мусиқий-этнографик ва мусиқий-жамоатчилик доираларидаги фаолияти билан республикамизнинг замонавий мусиқа санъати ривожланиши жараёнига катта ҳисса қўшди ва эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлди. У 1981 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони, 1994 йили «Шухрат» медали ва 1999 йили «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

КОМИЛ КЕНЖАЕВ (1939)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига Комил Кенжаев 1975 йили қабул қилинган. Бу кўп қиррали композитор мусиқанинг турли жанр ва шаклларида ўтган йиллар давомида ранг-баранг, жозибали асарлар яратди. Унинг симфоник оркестр учун, турли чолғу ансамбллар учун, театр учун ва айниқса, эстрада оркестр ва вокал-чолғу ансамбллар учун мусиқалари, қўшиқлари мусиқа шинавандаларининг олқишларига сазовор бўлди. У ижодкорлик, педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатига ҳисса қўшган.

Кенжаев Комил Омонович 1939 йилнинг 21 декабрида Тожикистон республикасида дунёга келди. Комил болалигидан мусиқага қизиқди, 1947 йили ўрта таълим мактабига ўқишга кирди. 1953 йили эса болалар мусиқа мактабининг фортепиано синфида сабоқ ола бошлади ва Душанбе мусиқа билим юртида ўқишни давом

эттирди. 1960 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кириб, профессор Б.Б.Надеждин синфида таҳсил ола бошлади. 1962 йили домласи вафот этгандан сўнг, профессор Б.И.Зейдман синфида ўқишни давом этди. У турли жанр ва шаклларда мусиқа басталади. 1965 йили «Лирик симфония» диплом ишини давлат имтиҳон комиссиясига тақдим этиб, консерваторияни муваффақиятли битирди, мустақил ижодга йўлланма олди.

Композитор К.Кенжаев меҳнат фаолиятини 1957 йилда Душанбе шаҳридаги 24-болалар боғчасида созандаликдан бошлади. 1957-1959 йилларда шойи-атлас комбинатининг қарамоғидаги болалар боғчасида созанда бўлиб ишлади. 1960-1964 йилларда Тошкентдаги ўрта таълим мактабларида мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлади. Консерваторияни 1965 йили битиргач, Тожикистон республикасининг собиқ Ленинобод мусиқа билим юртида 1965-1966 йиллари мусиқий назарий фанлардан дарс берди. 1966-1972 йиллари Ўзбекистон маданият вазирлигининг Санъат Бош бошқармасидаги репертуар-коллегиясида мусиқа муҳаррири лавозимида ишлади. 1972-1973 йиллари М.Уйғур номидаги санъат институтида мусиқа назарияси фанларидан дарс берди. 1973-1984 йилларда Р.М.Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернат директори лавозимида ишлади. 1984-1986 йиллари М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг ректори бўлиб ишлади. 1986 йилдан буён ижодий иш билан машғул.

Композитор К.Кенжаевнинг мустақил ижодий фаолияти консерваторияни битиргандан сўнг, 1965-1980 йилларда жўш урди ва баракали ижод қилди. 1965 йили симфоник оркестр учун «Ёшлар увертюраси», 1966 йили торли чолғу оркестр, литавра, доира ва ксилофон учун «Симфониетта», 1967 йили виолончель ва ф-но учун «Концерт»; 1972-1973 йил ўзбек халқ чолғулари оркестри учун 2 та сюита ва виолончель ансамбли учун «Концертино»; 1969 йили «Олмос отин» (Ё.Мирза пьесаси); 1974 йили «Умирхўжанинг найранги» (С.Тилла ва Хайруллаевлар пьесаси), 1982 йили «Оқ булоқ паризодаси» (М.Мирзаева пьесаси) каби мусиқали драмалар; Республика давлат кўғирчоқ театрида 1966 йили «Овдаги ҳодиса» (Раҳматуллаев пьесаси), 1981 йили «Кенжа қиз», 1984 йили «Пахтаой»; скрипка унисони учун «Шодлик», «Вальс» ва «Шодиёна»; хор жамоаси учун «Тошкент воҳаси», «Ёшлар кўшиғи», «Келажак бизники», «Тинчликни куйлаймиз», «Лола», «Ерга доврўғ

соламиз»; эстрада кўшиқлари: «Нозик савол», «Айт», «Болгар қизи кўшиғи», «Сен билан дўстлашган эдик», «Қиз кўшиғи», «Посбоним», «Телефонистка кўшиғи», «Ўзбек қизлари», болалар учун 100 га яқин кўшиқлар: «Ўзбекистон болаларимиз»; «Ёшлар кўшиғи», «Келажак бизники», «Биз тинчлик учун», «Укамизни боқамиз», «Бизлар хат ёзишамиз», «Кимки бўлса йиғлоқи», «Бешга тенг биринчи», «Физкультура-танга роҳат», романслар: «Битта ўзим биламан» (Миртемир шеъри); «Севги десам» ва «Розимисан» (Х.Олимжон шеъри) асарларини яратди.

У 1982-1984 йиллар Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг Болалар мусиқа комиссияси раиси; 1982-1987 йиллари тафтиш комиссияси раиси сифатида фаолият кўрсатди.

Композитор К.Кенжаев ўзининг ижодий, педагогик, раҳбарлик ва жамоатчилик фаолияти билан республикамизнинг мусиқа санъатига салмоқли ҳисса қўшди. У Ўзбекистон ва Эстония ҳукуматларининг фахрий ёрлиқлари ва Ўзбекистон республикаси «Халқ таълими аълочиси» нишони билан мукофотланган.

ВЛАДИМИР КНЯЗЕВ **(1913-1970)**



Ўзбекистонда яшаб ижод қилган рус санъаткорлари орасида Князев Владимир Ефимовичнинг ҳам номи бор. У профессионал композиторлик соҳасига кеч келишига қарамай, қисқа вақтда ўзининг ёрқин ижодий ва жамоатчилик фаолияти билан кўп миллатли мусиқа маданиятида ёрқин из қолдирди. У иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони эди.

Князев Владимир Ефимович Термиз шаҳрида 1913 йили дунёга келди. Болалигидан альт, баритон ва труба асбобларида чалишни ўрганди, мусиқа басталашга интилиб марш ва пьесалар ёзди. 1939 йили Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди ва 2 йилдан сўнг консерваториянинг асосий курсида профессор Б.Надеждиндан композиция мутахассислигидан сабоқ ола бошлади. В.Князев 1942-1946 йилларда Иккинчи Жаҳон урушида қатнашди. 1951 йили консерваторияни муваффақиятли битирди.

Композитор В.Князевнинг ижодий фаолияти талабалик давридан бошланди. Ижодий фаолияти даврида фортепиано, скрипка,

дамли чолғу асбобларига, ансамбль ва оркестрларига турли жанрдаги асарлар, кўшиқ, романслар басталади. Замондош шоирлар шеърларига «Нас миллионы», «За дружбу народов», «Ставлю подпись свою», «Только наше дело», «Под синем небом Туркистана», «Марш воинов», «Песня ракетчиков», «Идут караваны», «Встречная песня», «Пришла любовь» каби ватанпарварлик, лирик руҳда ёзилган кўшиқлари машҳур бўлган. Унинг рубоб прима ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри учун ёзилган «Концерт»и (1954 й.) шоир Твардовскийнинг «Василий Теркин» поэмаси асосида «На привале» номли кантатаси (1951 й.), «В лесах Беловежа» (1955 й.) вальс-поэмаси, чолғу асбоблар учун «Квартет»и (1956 й.), катта симфоник оркестр учун симфония 1958 йил ва «Симфоник увертюра» (1965 й.)лари композиторга шуҳрат келтирди.

МАКСИМ КОВБАС (1921-1995)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига 1959 йилда кўшилган, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент, муסיқашунос Максим Ковбас халқ муסיқа меросининг замонавий жараёни муаммолари, санъат арбобларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятларига оид илмий оммабоп мақолалари, китоблари билан ўзбек муסיқашунослиги ва муסיқа таълимида ёрқин из

қолдирди.

Ковбас Максим Степанович 1921 йил 29 апрелда Украина Республикаси Черкас вилоятида туғилди. 1937 йилда Максим Тошкентга келади. 1937-1938 йилларда почтачи ва қурувчи бўлиб ишлади. 1939 йилда Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртининг халқ чолғулари бўлимига ўқишга кирди. 3-курсдан бошлаб назария бўлимига ўтди. 1942 - 1946 йилларда Иккинчи Жаҳон урушида қатнашди. Урушдан қайтгач Тошкент консерваторияси муסיқашунослик факультетига ўқишга кирди. 1950 йилда Т.С.Визго раҳбарлигида «Эпический симфонизм в русской музыке» мавзусида диплом ишини ҳимоя қилиб ўқишни битирди. Муסיқашунос М.С.Ковбаснинг ихтисослик бўйича меҳнат фаолияти, 1940 йилда Республика ўқувчилар саройи қошидаги 7 йиллик муסיқа мактабида ўқитувчиликдан бошланди.

Талабалик даврида Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим

юртида мусиқа назарияси ва сольфеджиодан дарс берди. 1950 йилда консерваторияни битиргач, йўлланма билан Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтида илмий ходим лавозимида ва Р.М.Глиэр номидаги Республика давлат мусиқа мактаб-интернатида 1990 йилга қадар гармония ва сольфеджиодан дарс берди. 1958 йил у консерваторияга таклиф қилинди ва олий даргоҳда умрининг охиригача ишлади.

М.Ковбас илк илмий ишини 1953-1955 йилларда Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари қишлоқларида ўтказилган фольклор экспедицияда қатнашишдан бошлади. Улар ижрочилардан кўплаб халқ кўшиғи, лапар ва яллаларини тасмаларга ёзиб олиб, кейинчалик уларни нотага кўчириб, қуйидаги номларда чоп этишган: «Узбекская домбровая музыка», «Узбекская народная инструментальная музыка», «Музыкальное наследие узбекского народа» (1 - қисми) ва бошқа нота тўпламларида берилган. Москвада 1965-1967 йилларда илмий иш билан шуғулланди ва натижада «Е.Е.Романовская как исследователь узбекской народной музыки» мавзuida профессор Ю.В.Келдиш раҳбарлигида ёзилган диссертациясини ёқлаб, санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди. 1952 йилда бадий хаваскорлар раҳбарлари учун «Самодеятельные оркестры узбекских народных инструментов» ва ўзбек тилида «Қайта ишланган ўзбек халқ чолғу асбобларидан тузилган хаваскорлар оркестри» номли кўлланмаси 1961 йилда «Мусиқа оламида» китоби, 1963 йил «Ташкентская народная филармония» рисоласи, 1982 йилда «Е.Е.Романовская ҳаёти ва ижодий фаолияти» номли китоби Ғ.Ғулум номидаги нашриётда чоп этилди.

М.Ковбаснинг илмий тадқиқий мақолалари турли тўпламларда берилган. Булар: «В.В.Лейсек в Узбекистане» («Вопросы музыкальной культуры Узбекистана» Выпуск 2 изд., «Фан» 1969 й.) «Просветительная деятельность Чешских музыкантов в Узбекистане» (Кн: «Вопросы музыковедения» выпуск 2 ой изд. «Фан» 1971 й.); «Узбекские варианты мелодии Персидского хора М.И.Глинки» (в кн. «Проблемы музыкальной науки в Узбекистане» изд. «Фан», 1973 й.) «Музыкальное искусство Узбекистана в годы Великой Отечественной Войны» (журн. «Звезда Востока» 1975 й. №6); «Некоторые Вопросы развития музыкального образования в Узбекистане» (в кн. «Вопросы истории и теории узбекской музыки» изд. «Фан», 1976г.); «Музыкальная самодеятельность» (в кн. «Очерки Музыкальной

культуры Узбекистана» изд. Худож.лит-ры, 1956 г.); «Народная опера в Ташкенте» (журнал «Сов.музыка» 1, 1961 йил); «Опера Хамза» (С.Бабаева, журнал «Сов.Музыка» 4,1961 й.) «Музыкальные связи Узбекистана и Украины» (в кн. «Вопросы музыковедения Узбекистана» изд. ТашГУ, 1982 й.) Бу илмий мақолалардан ташқари у рус ва ўзбек тилларида 100 га яқин мақола, тақриз ва буклетлар ёзди. Консерваторияда битирувчи 30 та талабанинг дипломларига раҳбарлик қилди.

Муסיқашунос М.С.Ковбас қатор жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган.

АЛЕКСЕЙ КОЗЛОВСКИЙ (1905-1976)



Ўзбекистон халқ артисти, композитор, дирижёр ва профессор А.Козловский ёрқин ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан ХХ аср муסיқа маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган. У яратган симфоник, вокал-симфоник, муסיқий саҳна асарлари республикаимиз замонавий мумтоз санъатининг дурдоналари қаторидан ўрин олган. Рус миллатига мансуб ижодкорлар орасида ўз ҳаёти ва ижодий меҳнатини ўзбек муסיқа маданиятининг тараққиётига бағишланган илк композиторлардан бири сифатида сидқидилдан хизмат қилди.

Козловский Алексей Федорович Киев шаҳрида 1905 йил 15 октябрда туғилди. Туғма истеъдод соҳиби бўлган Алексей фортепиано чалишни ўрганиш билан бирга муסיқа басталашга интилди. 1916 йили гимназияда ўқиди, сўнгра Киев консерваторияси тайёрлов бўлимида Б.Л.Яворский синфида фортепиано ва композициядан сабоқ ола бошлади. Алексей Федорович турли шакл ва жанрларда фортепиано учун пьесалар, сонатина, соната, ракс куйларини, Т.Шевченко шеърларига кантата ёзди. 1923 йили акаси билан Москвага келиб Б.Л.Яворский билан учрашади. Унинг маслаҳати билан 1923-1927 йилларда Москва давлат биринчи муסיқа техникумида таълим олади. 1927 йилда эса Москва консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кириб Н.С.Жилиев ва Н.Я.Мясковскийлардан сабоқ олади. А.Б. Хессин раҳбарлигида дирижёрлик ихтисослигини (консерваториядан ташқари) ўрганади.

1931 йили катта симфоник оркестр учун «Қаҳрамонлик увертюра» си диплом ишини ёзиб, консерваторияни битирди. Ўша йили Станиславский номидаги опера ва балет театрига дирижёр лавозимига таклиф қилинди. 1934-1936 йилларда ижод билан шуғулланиб бир қатор асарлар яратди. Қатағонлик йилларининг А.Козловский оиласига салбий таъсир этиши сабабли, А.В.Луначарскийнинг маслаҳати билан 1936 йили Тошкент давлат консерваторияси ташкил топганлиги сабабли у Тошкентга оиласи билан кўчиб келади.

Ҳақиқатан ҳам, А.Ф.Козловский ва рафиқаси Т.Л.Герус-Козловскаялар учун Ўзбекистон иккинчи ватан бўлиб қолди. Тошкентга келган кундан бошлаб улар ўзбек зиёлилари ҳамда ўзбек мусиқаси ва адабиёти билан яқиндан таниша бошладилар. Айниқса, узоқ йиллардан буён Тошкентда истиқомат қилаётган, ўзбек мусиқа меросининг билимдонларидан В.А.Успенский билан дўстлашади ва у орқали атоқли санъаткорлар Шораҳим Шоумаров, Домла Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Абдуқодир Исмоилов, Уста Олим Комилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Ғуломқодир Ғаниев, Леви Бобохонов, Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Лутфихоним Саримсоқова, Муҳиддин Қориёқубов, Тўхтасин Жалилов, Юнус ва Ризқи Ражабийлар билан яқиндан танишади. Улардан, шунингдек, тўйларда, чойхоналарда ўз санъатини намойиш қилган ҳофиз ва дарвешлардан 300 дан ортиқ кўшиқ, ашула ва куйларни нотага ёзиб олиб, ўз ижодида фойдаланади. Ўзбек санъат усталаридан доира, най, дутор, ғижжак, танбур чалишни ҳам бироз ўрганади. 1936-1938 йилларда фақат ижод билан шуғулланади. 1938-1977 йилларда консерваторияда композиция, полифония, чолғулаштириш, дирижёрликдан дарс беради. Композиторлик, кейинчалик чолғулаштириш кафедраларига мудирлик қилади. Консерваторияда педагогик иши билан бирга Ўзбек опера ва балет театрида 1938-1948 йилларда дирижёр ва мусиқа маслаҳатчиси 1949-1965 йиллар мобайнида эса Ўзбек давлат филармонияси қошидаги симфоник оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри вазифаларида ишлади. Мусиқий хотираси кучли, юқори малакали, халқаро миқёсда машҳур бўлган дирижёр А.Ф.Козловский Европа, рус классик ва ўзбек композиторларининг симфоник асарларини тарғибот қилишда кенг фаолият кўрсатди.

А.Ф.Козловский педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан банд бўлишига қарамасдан, мусиқанинг турли жанрларида жозибали

асарлар яратди. В.Катаевнинг «Авангард» пьесасига мусиқа; «Дружная горка» номли оперетта, Украина халқ кўшиқлари асосида иккита акапелла хор кўшиғи, иккита симфония, тўрт қисмли «Хореографик симфония», Москва бадиий театрида ишлаган балетмейстер В.Кригшорнинг турли тажриба балетларига мусиқа басталаган. Дамли чолғулар оркестри учун маршлар, вальслар, сюиталар ва оммавий кўшиқлар асосида попури ва кўшиқлар яратди.

У ўлкамизнинг тарихи, маданий ҳаёти, тарихий сиймоларининг ҳаёти ва ижоди, мусиқий меросни ўрганишга жиддий киришиб, ундан фойдаланишга ҳаракат қилди ва беназир ютуқларга эришди. Унинг 1937 йилда симфоник оркестр учун яратган уч қисмли «Лола» Фарғона сюитаси биринчи асари демакдир. Ўша йили Ҳалима Носирова ижросида машҳур бўлган халқ ашулаларидан «Тановор», «Гулюз узра», «Фигон» ва «Ўзганча» симфоник оркестр учун қайта ишланган тўртта поэма композиторга шуҳрат келтирди. Овоз ва фортепиано учун мослаштирган «Аяжон», «Оҳа-ялли», «Ёр-ёр» ўзбек халқ кўшиқлари, «Тановор» симфоник поэмаси (1940 й.) ҳам шулар қаторига киради. А.Козловский ватанпарварлик руҳида «Жанг» симфоник поэма-манзара; ўзбек халқи тарихий қаҳрамони Жалолоддин Мангуберди сиймосига бағишланган «Жалолоддин» (М.Шайхзода сўзи) номли ораторияси, Миртемир либреттоси асосида бир пардали «Бектошнинг жасорати» операси, Т.Содиқов билан ҳамкорликда «Даврон ота» (К.Яшин ва Ҳ.Олимжон пьесалари) ва М.Ашрафий, С.Василенколар билан «Шерали» (Ҳ.Фулом пьесаси) мусиқали драмаларини яратишда иштирок этди. 1944 йили Тошкентда ўтказилган бешта Ўрта Осиё республикалари декада концертлари асосида ёзиб олинган «Фильм-концерт»га симфоник оркестр учун увертюра, Тошкент рус драма театрида сахналаштирилган Л.Леоновнинг «Нашествие», И.Гончаровнинг «Обрыв», Тирсо де Молинани «Благочестивая Марта» номли драмаларга мусиқа басталади. «Тоҳир ва Зухра», «Хўжа Насриддин», «Дочь Ферганы» ва «Хирург» номли кинофильмларга ҳам мусиқа ёзди.

А.Ф.Козловскийнинг театрга ёзган асарлари орасида Г.Герус-Козловская либреттоси асосида яратилган «Улуғбек» операси 1942 йили (иккинчи таҳрири 1958 й.) ва «Тановар» балети (1971 й.) сахна юзини кўрди. Композиторнинг бу икки шоҳ сахна асарлари республикамиз маданий ҳаётида катта ютуқ бўлди. Нурхон образи

билан боғлиқ бўлган «Тановар» балети учун А.Козловский 1973 йили Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг соҳиби бўлди.

А.Козловский симфоник оркестр учун «Достон» номли симфоник поэма (1954 й.), «Ўзбекча рақс сюитаси» (1954 й.), «Ҳинд поэмаси», «Ўзбекча симфоник сюита»си (1957 й.), «Самарқанд ушшоғи» симфоник поэма (1959 й.), биринчи ва иккинчи «Қорақалпоқ сюиталари» (1959,1962 йй.), «Тантанавор байрам» (1963 й.) симфоник поэмаси, «Согдийские фрески» симфоник сюитаси (1966й.), «Увертюра», «Рақс» симфоник оркестр учун (1967 й.), «Похищение идолов» (1968 й.) симфоник поэмаси басталанган. Композитор ўзбек халқ чолғулари оркестрига мўлжалланган: ғижжак ва фортепиано учун тўртта пьеса (1954-1955 йй.), «Ушшоқ» поэмаси (1957 й.), ғижжак, альт ва фортепиано учун поэма (1958 й.), кашқар рубоби ва фортепиано учун сонатина (1970 й.), ўзбек халқ чолғулари оркестри учун иккита пьеса яратди. У торли чолғулар учун пьесалар, соната, прелюдия ва фугалар, романслар, хор учун кўшиқ ва поэмалар ёзди.

А.Ф.Козловский педагогик фаолияти билан миллий композитор ва дирижёрларни тайёрлашда жонбозлик кўрсатди. Унинг синфида таълим олганлар орасида композиторлардан И.Акбаров, И.Ҳамроев, Д.Зокиров, Д.Соаткулов, С.Жалил, С.Ҳайитбоевни, дирижёрлардан Б.Иноятов, Ф.Шамсутдинов, С.Алиевларни кўриш мумкин.

А.Ф.Козловский 1944 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1955 йили «Ўзбекистон халқ артисти», 1973 йили Ҳамза номидаги Давлат мукофоти, қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.

ҚАҲРАМОН КОМИЛОВ (1948)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, моҳир ғижжакчи, композитор Қаҳрамон Комилов, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1992 йили қабул қилинган. У ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратган увертюра, поэма, оратория, чолғу сюита, кантата ва турли мавзулардаги кўшиқлари билан эл-юртга танилди ва ҳурмат эътиборга сазовор

бўлди.

Комилов Қахрамон Садриддинович Тошкент шаҳрида 1948 йилнинг 21 мартида туғилди. Қахрамон 1962-1966 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент музыка билим юртининг ғижжак синфида таҳсил олади. Қ.Комилов 1970 йилда Тошкент давлат консерваториясига композиторлик ихтисослиги бўйича тайёрлов бўлимига ўқишга кирди. Профессор Б.Ф.Гиенконинг шогирди Қ.Комилов 1993 йилда композиторлик факультетини муваффақиятли битирди. 1964-2001 йиллар мобайнида Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида ғижжакчи созанда, 1996-1998 йилларда Ғанижон Тошматов номидаги «Дуторчи қизлар» ансамблининг бадий раҳбари, 2001-2012 йилларда Ўзбекистон давлат санъат институтида доцент сифатида фаолият юритди.

Қ.Комилов бастакор сифатида турли жанр ва шаклларда жозибали, миллий руҳда суғорилган, ранг-баранг оригинал музика асарлар яратди. Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланган, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзган «Тошкент ҳақида поэма»; яккахон, хор ва оркестр учун О.Матчон сўзига ёзган «Менинг муҳаббатим» сюитаси, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун учта увертюра; сопрано ва оркестр учун Н.Нарзуллаев сўзига «Ишонади она юраги» балладаси, тенор, хор, сухандон ва оркестр учун «XX аср нидоси» (Э.Воҳидов сўзи) балладаси, виолончель ва фортепиано учун «Элегия», акапелла хори учун «Юртим» (М.Али сўзи) кўшиғи; хор ва оркестр учун «Жон тасаддуқ», «Эл мадҳи» (У.Рашид сўзлари), «Нур кўйнида диёрим» (Н.Нарзуллаев сўзи) номли кўшиқлар яратди.

Композитор ижодида кўшиқ жанри устувор туриб 400 дан зиёд турли мавзуларда кўшиқлар яратди. Улар орасида «Хаёлда суратинг, Дилдор» (Назармат сўзи); «Оқ йўл тиланг, онажон» (Р.Содиқов сўзи); «Кўнгил» (Миртемир сўзи); «Сенсан ўзинг» (Э.Воҳидов); «Ҳаёт билан сўзладинг» (Шорахўжаев сўзи); «Оху» (А.Орипов сўзи); «Турналар» (Н.Нарзуллаев сўзи); «Ўзбекистон куйлаган» (М.Мухамедова сўзи); «Менга не бўлди», «Ассалом», «Гули Раъно», «Пахтакор Ўзбекистон», «Жиззах чўллари», «Тинчлик учун» (Қ.Саидмуродов сўзлари); «Қизларжон» (О.Ҳакимов сўзи); «Гулчи боғбон» (Э.Шукуров сўзи); «Афғон она алласи» (Н.Аминжонов сўзи); «Келмади» (Халқ сўзи), «Наврўзим», «Ёрим демасанг», «Юлдуз сочган кечалар» ва бошқалар.

Қ.Комилов «Симфония» (1993 й.); «Далварзинтепа» сюитаси (1995 й.); кўшнаё ва оркестр учун «Кўклам таровати», ғижжак ва оркестр учун «Диёрим мадҳи», рубоб ва оркестр учун «Дўстлик»,

ғижжак ва оркестр учун «Алла» каби пьесалари, хор учун «Ўзбекистон кўшиғи» (Ҳ.Ғулом сўзи); «Озод юрт» (М.Али сўзи) номли ораторияларини, «Жалолиддин Мангуберди» ва «Она фарёди» (К.Аваз сўзлари) вокал-поэмаларини, муסיқали театр учун «Диёнатга хиёнат» (К.Аваз пьесаси 1999 й.), «Отабек ва Кумушбиби» (Ж.Жабборов пьесаси, 1999й.), “Ой онам-қаноам”, “Муҳаббатим қисматим”, “Гаровдаги муҳаббат” каби муסיқали драма ва комедияларга муסיқа басталади.

Қаҳрамон Комилов республикамизнинг муסיқий санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун 1990 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони, 2000 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

АРКАДИЙ КОРАЛЬСКИЙ **(1918-1976)**



Санъатшунослик фанлари номзоди, муסיқашунос А.Коральский замонавий ўзбек профессионал муסיқа санъатининг ривожига ўз ҳиссасини кўшди. У педагог ва моҳир лектор сифатида Ғарбий Оврўпа рус ва ўзбек муסיқа санъати намоёндаларини тарғиб қилди. Жаҳон ва ўзбек муסיқаси тўғрисида, турли мавзуларда мақолалар ёзди, анжуманларда маърузалар ўқиди. Билимдонлик ва инсоний фазилатлари билан муסיқа жамоатчилиги орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Коральский Аркадий Яковлевич Ленинград шаҳрида 1918 йилнинг 25 декабрида туғилди. А.Коральский болалигидан фортепиано чалишни онасидан ўргангани, 1929 йили болалар муסיқа мактабининг фортепиано синфига кириб ўқийди. Ўқишни тугатгач, Аркадий М.П.Мусоргский номидаги Ленинград давлат муסיқа техникумининг муסיқа назарияси бўлимига ўқишга киради. 1941 йили А.Н.Римский-Корсаков номидаги Ленинград консерваторияси Тошкентга кўчиб келиши муносабати билан ўқишни шу ерда давом этади. А.Коральский 1946 йили консерваторияни профессор Ю.Н.Тюлин раҳбарлигида битириб, муסיқа мактабида ва ўзи ўқиган муסיқа техникумида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1947 йилда Тошкент консерваториясига ишга таклиф этилади ва умрининг охиригача сольфеджио, гармония, полифония каби фанлардан дарс берди, юқори малакали мутахассисларни тайёрлади, илмий изланишлар

олиб борди. А.Коральский 1971 йилда «Ўзбекистон композиторлари ижодида ҳамда халқ мусиқа меросида полифония» мавзусида диссертация ёқлаб санъатшунослик фанлари номзоди бўлди, 1973 йили доцент илмий унвонга тасдиқланди.

А.Коральский Ўзбекистон композиторларининг ижодида полифониянинг ўрни масаласига асосий эътиборни қаратиб, «Ўзбекистон композиторларининг профессионал ижодида полифония», «Кантата ва оратория жанрлари Ўзбекистон композиторлари ижодида», «О некоторых элементах полифонии в узбекской народной музыке и их применение при обработке народных мелодий», «Путь в большое искусство» (М.Ашрафий хақида) илмий мақолаларни ёзади ва «Композиторы Узбекистана» (Ўзнашр. Т., 1951 й.); «Музыкальная культура сов. Узбекистана»), Ўзнашр, Тошкент 1955 й.); «О черте музыкальной культуры Узбекистана» (Тошкент 1968 й.); «Теоретические проблемы узбекской музыки» (Фан, Тошкент, 1968 й.); «Вопросы музыкознания» (2-нашр, Ўзнашр, Тошкент, 1971 й.); «История и современность» («Музыка», М., 1972 й.) тўпламларига киритади. Консерваторияда, филармонияда, ўқув юртларида, корхоналарда мусиқа санъатига оид турли мавзуларда 2000 дан ортиқ маъруза ўқиди.

Аркадий Яковлевич 1976 йили оғир касал бўлиб ётганда уни кўргани бордим. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг: «Мен бир воқеани сизга айтиб беришга қарор қилдим ва дунёдан кўз юмганимдан кейин ошқора қилишингиз мумкин. Чунки мен улуғ инсон Усмон Юсуповга сир сақлашга ваъда берган эдим. «... Кунлардан бирида, Ўзбекистон Марказий комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов 1942 йилнинг декабрида, кундузги ишларидан ҳориб, кечаси кабинетдаги радиони кўйса, шарқона симфоник мусиқа янграётган экан. Мусиқани мириқиб тинглаб, ёрдамчисини чақириб «Отасига раҳмат, мен ҳозир ажойиб мусиқа тингладим. Радиога телефон қил, мусиқа муаллифини билиб, уларга айт, эртага у композиторни мукофотга ёки унвонга тавсия қилсинлар», деб вазифа берибди. Ёрдамчиси ҳам мусиқани тинглаган экан. Радиога телефон қилиб суриштирса, улуғ рус композитори Н.А.Римский-Корсаковнинг «Шаҳризода» симфоник асарини эшиттирдик, деб жавоб берибди. Ёрдамчиси Усмон Юсуповга айттайми ёки йўқми, деб иккиланиб, эсидан чиқиб кетса керак, деб ўйлабди. Анча вақт ўтгандан кейин у: «Суриштирдингми?» деб сўрабди. «Ҳа, суриштирдим. Мусиқанинг

муаллифи улуғ рус композитори А.Н.Римский-Корсаков экан»,— деса, бир оз сукунатдан кейин: «Отасига раҳмат мана кўрдингми, мен ва сен ҳам дунё мусиқасидан беҳабар эканмиз. Энди юзаки бўлса ҳам мусиқа тарихидан хабардор бўлишимиз даркор», — дебди. «Ленинград консерваториясининг директорига кўнғироқ қилиб айт, бирорта билимдон талабалардан бизнинг ҳузуримизга юбортирсин». П.Серебряков мени тавсия қилибди. Кечқурун мени машина келиб олиб кетди. Усмон Юсупов ва хотини самимий кутиб олишди. «Бизга мусиқа тарихи, айниқса, машҳур композиторларнинг асарлари билан оддий суҳбат қилиб таништирасиз, шу сабабли профессор домлаларни таклиф қилмадик. Сиз бизга бир ўғил сифатида хизмат қиласиз. Сизни фақат кечаси бўш вақтимда ҳайдовчи олиб келади. Менинг тириклигимда келишув ҳақида, ҳеч кимга айтмаслигингизни илтимос қиламиз» дедилар. «Мен ваъда бердим, ҳаяжонландим бу учрашувдан. Эртасига машина келди. Дарсни улуғ рус классик композиторларининг шарқ мусиқасига муносабатлари ўз асарларида фойдаланишдан англашинишни айтдим, Н.А.Римский-Корсаковнинг «Шаҳризода»га тўхтаб, унинг хусусиятларини, мазмун-ифодасини тушунтириб, пианинода чалиб бердим ва пластинкада эшитдик. Усмон ака ва хотини жуда ҳам хурсанд бўлиб, менга омад тилашди. Шундай қилиб, бизнинг биринчи дарс-суҳбатимиз уларга маъқул келди ва 1943 йили ҳафтада икки марта учрашар эдик. 1944 йилда Ленинградга кетдим, ўқишимни битиргач, 1947 йили Тошкент консерваториясидан педагоглик ишига таклиф олдим. Яна жонажон Тошкентга келдим. Усмон ака билан учрашув дарсимиз 1949 йилга қадар давом этди. Бу инсонпарвар, довюррак, хуш-муомала, улуғ инсон менинг хотирамда абадийдир. 1966 йилда Усмон ака вафот этгани мен учун ҳам жуда оғир жудолик бўлди. Мана бугун эсга олганимдан ва сизга изҳор этганимдан мамнунман. Юрагимда сақлаб юрган гапни сизга етказганимдан хурсандман», — деб сўзни тугатди Аркадий Яковлевич.

Мусиқашунос А.Коральский ижодий педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъати таълими ва мусиқашунослик фани ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшди.

МАНАС ЛЕВИЕВ (1912-1991)



Ўзбекистон халқ артисти, композитор Манас Левиев XX аср ўзбек мусиқаси тарихи саҳифаларида ёрқин, унутилмас из қолдирди. У замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнига тамал тошини қўйган композиторлардан биридир. Композитор яратган жозибали кўшиқ-романслар, симфоник, вокал-симфоник асарлар, балет, айниқса, мусиқали драма, мусиқали комедия ва киномуסיқалар эл-юрт хурматиға сазовор бўлди.

Левиев Минасай (Манас — тахаллуси) Бетьянович эсдаликларида шундай деб ёзади: «...Мен Наманган шаҳрида 1912 йилнинг 25 июлида туғилдим. Ота-онам Самарқанд шаҳрида истиқомат қилишган, 1910 йили Наманган шаҳрига, 1917 йилда Қўқонга, сўнгра эса Самарқандга кўчиб ўтдик. Мен акаларимдан доира, дутор ва най чалишни ўргандим. Самарқандда 1920 йили «Турон» номли ўзбек ўрта таълим мактабига қабул қилишди. 1928 йилда Ўзбекистон халқ артисти, санъаткор Али Ардобус Ибрагимов ўзи тузган 120 кишидан иборат «Кўк кўйлақликлар ансамбли»га ишга таклиф қилди. Мазкур ансамблнинг мусиқа раҳбари Т.Содиқов эди. Ансамблда мendan ташқари Д.Зокиров, Н.Ҳасанов, И.Оқилов, А.Жўраев, В.Абдуллаев ва бошқалар фаол қатнашар эди. Ўша йили Н.Н.Миронов раҳбарлигида Самарқандда Мусиқа ва хореография институти очилди. Мен, М.Ашрафий, М.Бурҳонов, Т.Содиқов, Ш.Рамазонов, О.Ҳалимов, Р.Оллоберганов, М.Калантаров, Ш.Сохибовлар биринчилардан бўлиб ўқишга кирдик. 1929 йили Туркменистон Республикаси Керки шаҳридаги ўзбек театрига ёрдам бериш учун мусиқа раҳбари қилиб тайинландим. 1930 йилдан яна институтда ўқишни давом эттирдим, харбий офицерлар уйидаги ашула ва рақс ансамбли учун «Дивизия қадам ташламоқда» (М.Рахматуллаев сўзи) оммавий марш кўшиқ ва иккита рақс куйларини яратдим. 1933 - 1938 йилларда Ленинград мусиқа техникумининг назарий-композиторлик бўлимида, 1938-1941 йилларда Ленинград давлат консерваториясида таълим олдим. 1941 йили уруш бошланиб, курсдош ва педагогларим билан кўнгилли

аскарлар дивизияси сафига кўшилдим. Жангда оёғимдан ярадор бўлиб, 1942 йилнинг июнь ойида Тошкентга қайтиб келдим. 1942-1943 ўқув йилидан Тошкентга кўчиб келган Ленинград консерваториясида ўқишимни давом этдим. Консерватория талабалари орасида энг яхши симфоник асар учун ўтказилган кўрик танловда «Нурхон» номли симфоник поэма биринчи даражали мукофотга сазовор бўлди”.

Композитор М.Левиевнинг ижодий фаолияти асосан талабалик давридан бошланди. Ўқиб юрган йиллари қуйидаги асарларни ёзди: фортепиано учун 5 та пьеса, сонатина, ракс, фантазия, 3 та этюд, 3 та прелюдия, 2 та вариация, 20 та ўзбек халқ куй ва кўшиқларини гармониялаштирди. Талабалар концертида «Оқ ойдин кечалар», «Рангим этди заъфарон» ўзбекча, «Гули сурху сафед» тожикча халқ кўшиқларини ва Зулфия сўзига ёзган «Озод қизман» номли кўшиқни ўзи ижро этиб олқишларга сазовор бўлган. У скрипкага этюд, пьеса, вариация, торли квинтетга сюита, виолончель учун 4 та этюд, 3 та пьеса, труба ва кларнет учун пьесалар яратди. Навоий шеърига басталаган «Дилистоним, сен менинг» романи симфоник оркестр жўрлигида, илк бор Давид Муллақандов ижросида шуҳрат келтирди.

Уруш йиллари М.Левиев «Ўзбек ўғли» ва «Шерзодлар» (В.Абдуллаев сўзлари), «Биз Ватан фарзандларимиз» ва «Жанг майдонимиз» (М.Шайхзода сўзлари), «Ватан чақириғи» (Т.Тўла сўзи), яккахон, хор ва оркестр жўрлигида «Боғ кўча» ва «Фарғона» (Миртемир сўзлари), «Гўзал ой» (Т.Тўла сўзлари) ватанпарварлик ва лирик кўшиқлари; композитор М.Бурҳонов билан ҳамкорликда С.Абдулла, К.Отабоев ва Миртемир сўзларига 5 қисмли «Ўзбекистон 20 ёшда» вокал-симфоник сюитаси, А.Лохутий билан ҳамкорликда «Суруди бахт» («Бахт кўшиғи»), «Духтари пур ғайрат» каби кўшиқлари, лирик романслари, Саид Аҳмаднинг «Шерзод ва Гулшод», М.Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмаларига мусиқа басталади.

У яратган «Ўзбек қизи овози», «Гинчлик учун» (Т.Тўла сўзлари) халқ артисти, севимли хонанда Ҳалима Носирова ижросида жуда машҳур бўлиб кетди. Умуман, 100 га яқин турли мавзуларда, ўзбек, тожик классик ва замондош шоирларнинг шеърларига жозибали кўшиқ ва романслар яратди. Улар «Кўшиқ ва романслар» (1958 й.), «Пахта байрами» (1977 й.), «Ҳаёт кўшиқлари» (1978 й.) тўпламларида чоп этилган. Замонавий кўшиқ санъатини ривожлантиришда оригинал кўшиқ ва романслари билан халқ меҳрига тушган

композитор М.Левиев «Ўзбекистон куйчиси» деган номга сазовор бўлди.

1948 йилда сахна юзини кўрган (қайта кўйилиши 1967 й.) Навойнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида ёзилган «Сухайл ва Меҳри» (К.Отабоев ва В.Губская либреттоси) балети ва 1949 йил Муқимий номидаги мусиқали театрда сахнада кўйилган «Олтин кўл» (Уйғун пьесаси) мусиқали драмаси (қайта тахрири 1952 й.) М.Левиевга катта шуҳрат келтириш билан бирга ўша муҳитда замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъати тарихида биринчи мустақил равишда ва миллий услубда яратилган сахна асарлар ҳам эди. Шунинг учун бўлса керак, келгусида композитор театр учун мусиқа басталашга меҳр кўйди. Муқимий номидаги мусиқали театр учун яратган «Тошболта ошиқ» (Ҳ.Ғулом пьесаси, 1961 й.), «Ажаб савдолар» (Ҳ.Ғулом пьесаси, 1969 й.), «Замонали - Омонали» (Ғ.Ғуломнинг «Шум бола» асари асосида Ҳ.Ғулом пьесаси, 1973й.), «Хизматингизга тайёрмиз» (Ф.Мусажонов ва Б.Ихтиёров пьесалари, 1981й.) мусиқали комедияларини; «Кимга тўй, кимга аза» (Н.Сафаров пьесаси, 1962й.). «Нозик ниҳолим» (Ч.Айтматовнинг шу номли қиссаси асосида Ҳ.Ғулом пьесаси, 1978 й.), «Мангулик» (Ҳ.Ғулом пьесаси) мусиқали драмалари халқ орасида машҳурдир. Шу билан бирга М.Левиев «Семурғ» (Зулфия ва С.Сомовалар пьесаси), «Ёлғончи даркор» (Д.Пеафиса пьесаси), «Бахт кўшиғи» (Уйғун пьесаси), «Шоҳи сўзана» (А.Қаҳҳор пьесаси), «Муҳаббат афсонаси» (Н.Ҳикмат пьесаси), «Туркия ҳақида ҳикоя» (Н.Ҳикмат), «Ҳазоир менинг ватаним» (Дибба пьесаси), «Ҳамза» (К.Яшин ва А.Умарийлар пьесаси), «Мирзо Улуғбек» (М.Шайхзода пьесаси) драмаларига ҳам мусиқа басталади.

Композитор М.Левиев киномусиқа санъатининг ривожланишига ҳам ўзининг беназир ҳиссасини кўшди. 1957 йилда И.Акбаров ва М.Бурҳоновлар билан ҳамкорликда «Орол балиқчилари» ва 1959 йили «Мафтунингман» (реж. Й.Аъзамов) кинофильмларига мусиқа, мустақил равишда эса «Маҳаллада дув-дув гап» (реж.Ш.Аббосов, 1960), «Блокнотдан варақа», «Сайёт кўнғироғи» (реж. Й.Аъзамов, 1966), «Ўтган кунлар» (реж. Й.Аъзамов, 1969) киноларига мусиқа басталади. 1971 йили режиссёр Л.Файзиев композитор М.Левиевнинг «Сухайл ва Меҳри» балети асосида «Жонли миниатюралар» номли кинофильм яратди.

М.Левиев яккахонлар, раққосалар, турли чолғу ва вокал ансамбллар, хор ва оркестр, «Баҳор» рақс ва филармония «Ашула ва

рақс» ансамбллар репертуарларини бойитиш мақсадида жуда кўп асарлар яратди. Улардан айримларининг номларини эслатиб ўтсак кифоя: «Физкультурачилар парадига» махсус ёзилган мусиқа (1947й.), «Ёрқин йўл» (Т.Тўла сўзи, 1947й.), «Оқ олтин» (М.Шайхзода сўзи 1958 й.) кантаталар, ўзбек халқ чолғу асбоблар оркестри учун 5 қисмли «Ёшлик» сюитаси, «Қаҳрамонлик» увертюраси, «Шодиёна» поэмаси хор ва яқка ижрочи билан, «Пахта байрами» сюитаси, «Гулла, яшна Ўзбекистон» сюитаси ва бошқалар.

М.Левиев ижодий ишлари билан республикамиз мусиқа санъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди ва катта мусиқий мерос қолдирди. У 1961 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1972 йили «Ўзбекистон халқ артисти», 1979 йили Республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Бир неча медаллар билан тақдирланган.

БАҲРУЛЛО ЛУТФУЛЛАЕВ (1948)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, хор дирижёри, композитор, профессор Баҳрулло Лутфуллаев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1989 йили қабул қилинган. Композитор баракали ижоди билан хор жамоалари, эстрада оркестри, симфоник, камер-симфоник оркестрлари, мусиқали театр, хонанда ва созандалар репертуарини бойитиб

келмоқда.

Лутфуллаев Баҳрулло Амруллаевич Самарқанд вилояти Ғаллаорол тумани Фориш қишлоғида 1948 йилнинг 5 сентябрида туғилди. Баҳрулло 1961 йили Тошкент маданият техникумининг хор-дирижёрлиги бўлимига, 1965 йили эса Тошкент давлат консерваториясининг хор-дирижёрлиги факультетига ўқишга кирди. 1972 йили консерваторияни муваффақиятли битириб, радио хорида ишлади. Шу жамоада 1988 йилга қадар хор артисти, дирижёрликдан бош дирижёрлик вазифасигача кўтарилди. Бу ерда ишлаб юрган пайтларида у халқ кўшиқларини қайта ишлади, кейинчалик унда мусиқа басталаш иштиёқи пайдо бўлди. Шу сабабли у композиторлик мутахассислиги бўйича таълим олишга қарор қилди. 1983 йили консерваториянинг композиторлик факультетига ўқишга кириб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, доцент Мирсодиқ

Тожиев синфида таҳсил кўрди. Талабалик даврида фортепиано учун «Рақс», “Сўзсиз кўшиқ”, «Пьесалар», «Вариация», «Рондо», «Поэма», Навоий сўзига «Рубойи», 4 қисмли торли кватрет, фортепиано ва камер оркестр учун «Абадий аланга» марсия ва бошқа асарлар ёзди. Давлат имтиҳонига у тўрт қисмли симфонияни тақдим этиб, 1987 йили профессионал композитор сифатида мустақил ижод учун йўлланма олди. 1988 йилда у А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти халқ мусиқаси кафедрасида доцент вазифасида 1992 йилга қадар ишлади. 1992 йилдан Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида бадий-мусиқий эшиттириш тахририятининг бош муҳаррири лавозимида, 2003 – 2013 йилларда М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида кафедра мудири, ҳозирги Тошкент давлат санъат ва маданият институтида профессор (2004 йилдан) вазифасида ишлаб келмоқда.

Б.Лутфуллаев хор учун «Ёр сендек», «Куйдирма кўп» (Навоий шеъри); «Бир тола соч», «Куз манзараси», «Она», «Булоқ», «Сендан йироқда», «Баҳор шамоли», «Болалик йилларим» ва «Ҳавас» (А.Орипов шеъри); «Олий режалар» (П.Мўмин сўзи), «Хур Ўзбекистон» (Р.Бобожон шеъри), «Тошкентим бор» (Назармат сўзи), яккахон ва хор учун поэма; яккахон, бадий сўз устаси, акапелла хори учун «Ўзбекистон ифтихоримсан» (Б.Исроилов сўзи) 4 қисмли сюита; «Тошкент баҳори» (Н.Муҳаммад сўзи) хор-рақс сюитаси; «Ўзбекистон қардошлар юрти» (Б.Исроилов сўзи), акапелла хор учун беш қисмли «Кантата»; хотин-қизлар вокал ансамбли учун «Чакра чаки» тожик, «Гулойим» уйғур ва «Қари наво» ўзбек халқ кўшиқларини қайта ишлаган. Йирик шаклдаги хор асарларидан 1991 йил «Сарахбори Дугоҳ ва тароналари» асосида хор учун 9 қисмли «Концерт» (Бобур, Навоий, Ҳувайдо, Нисбат ва халқ сўзлари); жўрсиз хор учун «Фироқ» (Навоий сўзи) 9 қисмли туркум; 1990 йил яккахон ва хор учун «Наврўз алёри» (А.Суюн шеъри) сюита ва бошқалар.

Б.Лутфуллаев куйидаги симфоник ва вокал-симфоник асарларни яратди: 1987 йил катта симфоник оркестр учун 4 қисмли «Симфония №1»; 1988 йил хор, сухандон, торли оркестр учун «Мунг» (Т.Тўла сўзи) симфония № 2; 1988 йил аралаш хор, сухандон, хонанда ва катта симфоник оркестр учун «Ўзбекистон» (Х.Олимжон ва С.Ҳаким сўзлари) симфония № 3; 1990 йил симфоник оркестр учун «Улуғбек юлдузи» поэмаси; 1995 йил камер оркестр учун «Нидо» симфония № 4; 1995 йил камер оркестр учун «Симфония № 5»; 2000 йил симфоник оркестр учун «Симфония № 6»; 1995 йил аралаш хор,

сухандон, хонанда ва симфоник оркестр учун «Уруш номинг ўчсин жаҳонда» (Ш.Қурбон шеъри) 5 қисмли оратория; 1989 йил аралаш хор ва симфоник оркестр учун «Ўлка» (Ҳ.Олимжон шеъри) поэма; 1993 йил яккахон, сухандон ва симфоник оркестр учун «Яйра Туроним, яйра» вокал-симфоник поэма; Овоз ва эстрада-симфоник оркестр учун куйидаги асарларни яратди: 1976 йил хонанда ва оркестр учун «Қора соч» (Ш.Одил сўзи); 1983 йил якка хонанда, сухандон, хор ва оркестр учун «Менинг оппоқ кўшиғим» (Ҳ.Муҳаммад сўзи) 8 қисмли вокал туркум; 1985 йил яккахон, хор ва оркестр учун «Орденларни тақиб юринг азизлар» ва «Тинчлик гўзаллик» (Ҳ.Муҳаммад сўзи) кўшиқлар; 1993 йил хор ва оркестр учун «Хориждаги ватандошлар» ва «Дил изҳори» (А.Кўчимов сўзи) кўшиқ-поэмаси; яккахон, сухандон, хор ва оркестр учун «Мустақиллик қасидаси» поэмаси; «Ватандошлар ёр-ёри» кўшиғи ва бошқа мавзуларда 400 дан ортиқ кўшиқ, романс, поэмалар ёзди. Композитор ўзининг кўшиқлари, хор асарлари ва эстрада мусиқаси билан Мустақиллик, Наврўз байрамларида, тарихий саналарга бағишланган давлат тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда.

Б.Лутфуллаев ижодида сахна асарлари ҳам алоҳида ўрин тутуди. Бунга композиторнинг куйидаги сахна асарларига мусиқа басталади: 1992 йил «Самарқанд ушшоғи» (У.Азим пьесаси) мусиқали драмаси; 1993 йил «Ёр истаб» (Ҳ.Шаригулов пьесаси) мусиқали комедияси; 1995 йил «Ҳазилкаш шох», «Сехргар ва айёр» (Ҳ.Муҳаммад пьесалари) мусиқали комедиялари; 1997 йил «Таҳир» (Р.Маъдиев пьесаси); 1995 йил «Қудуқ тубидаги фарёд» (Р.Шермуҳаммад пьесаси); 1999 йил «Мангу машъал» (Й.Муқимов пьесаси). 2001 йил «Алпомишнинг қайтиши» (У.Азим пьесаси) мусиқали драмалари, 2001 йил «Улоқчалар йўл бўлсин» (Г.Файзиев пьесаси) мусиқали эртак-комедия.

Б. Лутфуллаев 1983 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1999 йили «Меҳнат шухрати» ордени, 2001 йилда Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби фахрий унвонлари билан тақдирланган.

АЛЬБЕРТ МАЛАХОВ (1936-1969)



XX аср ўзбек музыкаси тарихида композитор ва дирижёр А.Малаховнинг муносиб ўрни бор. У қисқа умри давомида турли жанрларда бир қатор ажойиб асарларни яратди. Ўзбекистонда эстрада оркестрини ташкил этиб, дирижёр ва аранжировкачи сифатида жўшқин фаолият кўрсатди.

Альберт Абдулович Малахов Тожикистоннинг Регар тумани Бауман қишлоғида 1936 йилнинг 19 апрелида туғилди. Болалигидан музыкага ҳавас кўяди. 1945 йили унинг оиласи Наманган шаҳрига кўчиб келади ва Альберт музыка мактабининг скрипка синфида ўқишни бошлайди. 1951 йили улар Самарқанд шаҳрига кўчиб ўтадилар ва А.Малахов музыка билим юртида ўқишини давом эттиради. Ўқишни битириш арафасида музыка басталашга қизиқиб, куйлар ёзди. Бу қизиқиши билан 1954 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кириб, профессорлар Б.Надеждиндан композициядан, А.Козловскийдан чолғулаштириш ва дирижёрликдан сабоқ олди. У талабалик даврида фортепиано, скрипка, виолончель, кларнет, валторна каби чолғуларга кўплаб катта-кичик пьесалар ёзади. Айниқса, унинг симфоник оркестр учун «Ёшлик даври» увертюраси симфониеттаси, халқ куйлари асосида ёзган симфоник сюитаси ва консерваторияни 1959 йили битиришида фортепиано концерти мутахассис ва шинавандалар томонидан илиқ кутиб олинган эди.

1956 йилдан Альберт Тошкент рус драма театрининг кичик симфоник оркестрида скрипкачи бўлиб ишлади ва ўқишини давом эттирди. 1959 йилдан Ўзбек давлат эстрада концерт ташкилотида жўрнавоз лавозимида ишлайди. 1960-1966 йиллар мобайнида Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида ўқитувчилик қилди. 1966 йилдан умрининг охиригача эстрада концерт бирлашмаси қошида янги тузилган жаз-оркестрда дирижёр ва аранжировкачи бўлиб ишлади.

А.Малахов консерваторияни битиргандан сўнг бирин-кетин турли жанрларда ижод қилди, ҳар хил чолғулардан тузилган ансамбль гуруҳларига, симфоник ва жаз оркестрларига, театр спектаклларига, кинофильмларга музыка басталади. Унинг ёзган асарлари замонавий оҳангларга бойлиги ва услуби билан ажралиб

туради. Истеъдодли композитор виолончель ва фортепиано учун 12 пьеса; венгер халқ куйлари асосида скрипка ва фортепиано учун 7 та пьеса; бешта поляк халқ куйлари асосида ёғочли дамли чолғу квинтети, ўзбек, уйғур, туркман, қирғиз халқ куйлари асосида торли чолғулар учун бир неча вокал туркумлар; ўзбек халқ кўшиқлари ва композиторлар асарлари асосида жаз оркестри учун попурилар яратди. 1961 йилда Ғарб ва Шарқ замонавий шоирларнинг тинчликка бағишланган шеърларига «Тўлдирилган анкета» вокал туркуми, 1967 йилда ёзган 4 қисмли иккинчи симфониятгаси композиторга катта шуҳрат келтирди.

А.Малахов «Менинг уйимга кир», «Қайдасан, менинг Зулфиям», «Плюс бир», «Тошкент - нон шаҳри», «У битта ўзи эмас эди» кинофильмларига, «Муҳаббат учун 10 сутка», «Бернард Альбини уйи», «Мария Стюарт» драматик спектаклларига мусиқа басталади, эстрада ва болалар кўшиқларини яратди.

У «авангард» мусиқий оқимларнинг техник восита ва услубларини ўзлаштирди, уни қўллаган композиторларга эргашди, ўрганди ва ўзининг симфоник асарларида моҳирона қўллади.

АВАЗБЕК МАЛЛАБОЕВ **(1955)**



Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Маллабоев Авазбек Ғанижонович Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида 1955 йилнинг 28 февralида туғилди.

1972 - 1976 йилларда Т.Жалилов номидаги Андижон мусиқа билим юртининг хонандалик бўлимида, 1976–1982 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факультетида, 1982 – 1987 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти хор дирижёрлиги бўйича сиртки бўлимда таълим олди.

А.Маллабоев ижодида ҳарбий оркестрлар, халқ чолғуси ва эстрада симфоник оркестрлари учун ҳарбий маршлар, кўшиқлар, она Ватанни ҳимоя қилиш, уни қадрлаш ва кўз қорачиғидай асраш каби ёшларни тарбияловчи мавзулар муҳим ўрин эгаллайди. “Етти баҳодир марши”, “Она эл мадҳи”, “Ҳарбийлар кўшиғи”, “Нур чакнасин танангда”, “Шодиёна” сюитаси, “Ватандир бу” вокал-хореографик сюитаси, “Ватан биздадур”, “Азим диёрсан”,

“Ўзбекистон офицерлари”, “Гўзал ошёним”, “Ватаним қудрати”, “Аскарнома”, «Гўзал ошиёним», «Қорақалпоғистон - Ватаним менинг» каби кўшиқлари шулар жумласидан. Бастакор яратган сара кўшиқлар Мустақиллик, Наврўз, Конституция куни, Ватан ҳимоячилари куни каби давлат тадбирларида мунтазам ижро этиб келинмоқда.

1999 йил Қорақалпоғистон Жукори Кенгашининг фахрий ёрлиғи ва 2000 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист», 2002 йилда “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвонлари билан тақдирланган.

ФАТТОҲХОН МАМАДАЛИЕВ (1923-1999)



Ўзбекистон халқ ҳофизи, созанда бастакор, устоз-мураббий, профессор Фаттоҳхон Мамадалиев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1991 йил қабул қилинган. Бу нодир истеъдод соҳиби, самимий инсон ҳофизликда ўзининг ширали ва дардли овози билан ўзбек халқининг маънавий мулки бўлмиш мумтоз ашула, катта ашула ва мақом намуналарини маромига етказиб ижро этиши туфайли танилди, халқ меҳрини қозонди. Унинг «Мискин», «Муножот», «Ушшоқ», «Насруллои» каби туркумларни қайта ишлаши, «Қадимги Ушшоқ», «Умрзоқ Полвон Ушшоғи» ва «Зикри Ушшоқ» мақом йўллари қайта тиклаши, «Савт»и Фаттоҳхон туркумини басталаши мусиқа санъатимизда катта воқеа бўлди.

Фаттоҳхон Мамадалиев Андижон вилояти Балиқчи туманининг эски Ҳаққулобод қишлоғида 1923 йили таваллуд топди. Оиланинг 7 фарзанди орасида Фаттоҳхон болалигидан мусиқага қизиқди, меҳр қўйиб улғайди. 1931 йилдан умумтаълим мактабига ўқишга борди. Туман маданият уйи қошидаги бадий ҳаваскорлик тўғарагида танбур, дутор чертишни ўрганди ва кўшиқ ижрочилиги билан ажралиб турди. Бошланғич мактабни 1938 йили битирган пайтида, ҳаваскорлар Концертини кўрган машҳур ғижжакчи санъаткор, туманда эндигина очилган театр раҳбари Мўминжон Каримов эътиборини ёш Фаттоҳхоннинг ашула айтишига қаратди. Катта мусиқий санъатга кириб келиш илк даврини Фаттоҳхон Мамадалиев шундай эслаган: «Концерт тугагач, бўлғуси устозим Мўминжон

Каримов мен билан алоҳида суҳбатлашди, бошқа кўшиқ ва ашулаларни айттириб кўрди, ўзи ғижжаги билан жўр бўлди ва театрга ишга таклиф қилди. Устозим билан бўлган ана шу қисқа, ҳаяжонли мулоқот менинг келгуси ҳаётимда, тақдиримда бурилиш бўлди. Театрга ишга кирдим ва устознавозлик мусиқий санъатига илк қадамимни кўйдим. Иш жараёнида менга устозим овозни сўзга тушириш, шеърият тузилиш қонунларини, турларини, ашула ва кўшиқ учун уларни танлаш, ашула айтганда бурро талаффуз этиш, қочиримларни безаб куйлаш каби йўлларни қунт билан ўргатди. Улуғ ҳофизлар Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шоумаров, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов ва бошқа ҳофизларнинг ижрочилик нафас йўлларини ўрганиш ва ўз услубини топиб олишга маслаҳатлар берар эдилар. Булар ҳаммаси мен учун ҳақиқий мактаб бўлди. Отам раҳматлик адабиётни, шеъриятни, ҳофизлар санъатини жон-дилидан севар эди. Дўст-улфатлари орасида буюк алломаларнинг шеърий китобларидан завқланиб ёддан ўқир эди. Отам ва онам менинг ҳофиз бўлишимни орзу қилишар эди», — деб хотирасини тамомлаган эди.

Ф.Мамадалиев санъаткор сифатида шаклланишида юқорида зикр қилинган омиллар билан бирга Умрзоқ Полвон Сайидали, Абдулла Тароқ, Беркинбой Файзиёвлар катта роль ўйнади.

1950-йиллардан бошлаб Ф.Мамадалиёвнинг ҳофизлик, бастакорлик, мураббийлик фаолияти кенг қулоқ ёза бошлади. 1963-1968 йилларда у Андижон давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини битирди. 60-йилларнинг бошларида Ф.Мамадалиёв кучли ва юқори диапазонли овозни талаб қиладиган «катта ашула»ни поёнига етказа билиш қобилияти, куй ва сўз узвийлигини ашулада таъминлаш маҳорати билан Ўзбекистон халқ артисти Ю.Ражабий назарига тушди. Ф.Мамадалиёв шундай эслайди: «Кунларнинг бирида Юнус ака билан узок мулоқотда бўлиб қолдик. Бу улуғ инсон ва устоз менга мурожаат қилиб «Фаттоҳхон, ўзингизни мақом санъатида ҳам синаб кўрмайсизми? — дедилар. — Уддалай олармикинман, устоз? — деб жавоб бердим». «Мени билишим ва сезишимча кўлингиздан келади. Агар ўз устингизда астойдил ишласангиз», деб далда бердилар. Бизнинг устозларимиз мусиқий санъатимиз хазинасининг бебаҳо жавоҳири бўлган буюк мақом санъатини бизга ўргатиб, қарз қилиб кетдилар. Биз ҳам кейинги авлодларга етказишимиз ва ўргатишимиз лозим», деган сўзлар менга жуда ҳам таъсир қилди. Шу ажойиб унутилмас суҳбатдан кейин

мақом йўллариини ўрганишга астойдил киришдим. Имкониятим борича Фарғона—Тошкент мақом ва Шашмақом йўл услубларини ўзлаштириб бордим ва яхши натижаларга эришдим. Хоразм мақом йўллари билан Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев ва дўстим Рўзимат Жуманиёзов каби машҳур санъаткорларнинг ижроларида танишишга муяссар бўлдим».

Табиатан зеҳни ўткир, муסיқий қобилияти кучли, фалсафий дунёқараши кенг Ф.Мамадалиев мумтоз мақом санъати асосларини ҳам мукамал ўзлаштирди ва Андижон шаҳар маданият уйида ўзи тузган «Мақомчилар ансамбли» билан халққа хизмат қилди, республика ва халқаро анжуманларда, концертларда, кўриктанловларда фаол қатнашди. Биринчи гал бу ансамбль 1972 йили «Марҳабо, талантлар!» республика телетанловида «Қашқарчай Мўғулчай Дугоҳ» ва «Соқийномаи Мўғулчай Дугоҳ» ижроси учун энг юқори баҳога сазовор бўлган эди. 1973 йили Алмати шаҳрида ўтказилган «Осиё муסיқа минбари» халқаро анжуманида республикамизнинг муסיқа санъати шарафини намойиш қилган эди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган муסיқашунослик симпозиумларида қатнашди. Андижон вилоятининг Хўжаобод, Избоскан туманлар маданият уйларида, Андижон давлат педагогика институтида «Мақомчилар ансамбли» жамоаларини ташкил қилди, кейинчалик уларга мураббийлик ва маслаҳатчилик қилиб турди. 1985 йили М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси Шарқ муסיқаси кафедрасига ишга таклиф қилинди. Мазкур кафедрада дастлаб доцент лавозимида ишлаб, 1993 йили профессор илмий унвонига эга бўлди.

Ф.Мамадалиев басталаган кўплаб ашулалар орасида «Интизор» (Улфатий сўзи), «Оқибат», «Соғиндим», «Фалак», «Меҳмон», «Жудо келди» ва «Юзин ҳажрида» (Нодира сўзлари); «Аҳд қилдим» (Муқимий сўзи); «Жононим менинг» (Ҳайратий сўзи); «Орзу» (В.Саъдулло ғазали); «Сўрмаса», «Каломингдан» ва «Дилкушо» (Ҳ.Азимов сўзи); «Ўлмағай» (Навой ғазали); «Кўнгил» (Х.Яҳёев сўзи); «Раъно гуллар» ва «Соғинурман» (О.Холдор сўзи) каби ўнлаб ноёб ашулалари мухлислар кўнглидан чуқур жой олди. У 1983 йили Самарқандда ўтказилган 2-муסיқашунослик симпозиумида, 1990 йили Душанбе шаҳрида Борбад таваллудининг 1400 йиллигига бағишланган халқаро симпозиумда, 1991 йилда ўтказилган бир неча концерт дастурларида, 1998 йили Пхеньян (КХДР)да ўтказилган Осиё муסיқа минбарида ва бошқа халқаро анжуманларда якка

ижрочиликда мумтоз ашула ва мақомлари, ўзи яратган ашулалари билан тингловчиларни мафтун қилди. Айниқса, мумтоз муסיқа фестивалида ижро этган унинг «Дарди дилим» ашуласи қатнашчиларни лол қолдирди.

Моҳир ҳофиз, бастакор, устоз-мураббий ва жамоат арбоби Фаттоҳхон Мамадалиев республикамиз миллий муסיқа санъатининг ривожига йўлидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. 1981 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1990 йили «Ўзбекистон халқ ҳофизига» фахрий унвонлар, «Меҳнат шухрати» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан мукофотланган.

ҲАЛИМ МАМАДАЛИЕВ **(1956)**



Композитор Мамадалиев Ҳалим Ҳамроқулович Самарқанд шаҳрида 1956 йилнинг 21 январида таваллуд топган.

1971 йилда Самарқанд муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимини, 1986 йилда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик бўлимини проф. Г.Мушель синфида тамомлаган. Ҳозирги кунда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги Самарқанд давлат санъат коллежида муסיқий-назарий фанлардан дарс бериб келмоқда.

Ҳ.Мамадалиев турли жанрларда ижод қилиб келмоқда. Унинг асарлари орасида фортепиано ва симфоник оркестр учун бир қисмли «Концерт» ва «Концертино», торли камер оркестр учун 2 та полифоник пьеса, торли кваттет учун сюита, скрипка ва фортепиано учун соната; афгон рубоби ва фортепиано учун Рондо, фортепиано учун сонатина, соната, халқ чолғулари ва дамли чолғулар учун бир қатор пьесалари мавжуд.

Муסיқали сахна жанрларига мурожаат этган ҳолда Ҳ.Мамадалиев «Самар ва Қанд» балетини (1989), «Зарҳовузнинг бўйларига» муסיқали драмасини (1993), «Султон, султонми ё мансаб» муסיқали комедиясини (1994) яратди.

Композитор вокал муסיқасида ижод қилишда ҳам яхши натижаларга эришди. Вокал – симфоник поэма (1995), хор ва оркестр учун «Қасида» (1996), сопрано, тенор ва оркестр учун «Ўзбекистоним» асари, «Мирзои ту», «Дийдора» (Орифий сўзи),

«Самарқанд раъносидан» (Б.Бойқобулов сўзи), «Дунё» (М.Абдураззоков сўзи), «Булбулимдир» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Я долго шёл к тебе» (Лаврентьева сўзи), «Қайдасан» (Машраб сўзи), «Раққоса қиз» (Нилуфар сўзи) каби кўшиқлари, болалар кўшиқлари композитор ижодининг асосини ташкил этади.

ҚЎЛДОШ МАМИРОВ (1941)



Педагогика фанлари номзоди, хор дирижёри, бастакор Қўлдош Мамиров Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1994 йили қабул қилинди. У миллий бастакорлик анъаналарини давом эттириб, замондош шоирлар билан ҳамкорликда жозибали кўшиқлар яратмоқда.

Мамиров Қўлдош Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига қарашли Сувчи қишлоғида 1941 йилнинг 23 мартда деҳқон оиласида туғилди. Ота-онаси Қўлдошнинг мусиқага қизиққанини сезиб, қишлоқдаги найчи йигит Раҳматжон Абдурайимовга шогирд қилиб беришди. 1958 йили у Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг хор дирижёрлиги бўлимига қабул қилинди. 1962 йил Тошкент давлат консерваторияси хор дирижёрлиги факультетига ўқишга кирди. 1964-1968 йилларда Қўлдош Мамиров Тошкент гарнизони Ички ишлар қуролли кучлари қошидаги Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ўзбек ашула-рақс ансамблида найчи бўлиб ҳарбий хизматини адо этди.

Бастакор ва хор-дирижёри Қ.Мамировнинг меҳнат фаолияти талабалик давридан бошланиб, 1960 йилдан умумтаълим мактабларида мусиқадан дарс берди. 1964 йили Тошкент ўқувчилар саройида ўзбек халқ чолғу ансамблига, 1968-1970 йилларда А.Гагарин номидаги Тошкент саройидаги ўзбек халқ чолғулари ансамблига раҳбарлик қилди. 1970-2013 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг мусиқа факультетида хор-дирижёрлиги кафедраси мудирлигидан, декан, профессорликкача бўлган йўлни босиб ўтди. 1987 йили Москвада «Бошланғич синф мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ахлоқий ҳисларини тарбиялаш» мавзусида диссертация ёқлади ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. I- ва II- синф «Мусиқа» ўқув қўлланмасини ҳамда VI- синф «Мусиқа» дарслигини яратишда иштирок этди.

Толибжон Бадиновдан Навоий ғазаллари билан куйланадиган 40 та ашулани нотага ёзди. 80 та халқ кўшиғи ва мақом шўъбаларини ўз ичига олган «Ўзбек халқ кўшиқчилиги мажмуаси»ни тузди. Ўз асарларидан ташкил топган «Қуёш юртим», «Оҳангларда ҳаёт нафаси», «Она алласи» каби бир қанча қўлланмалар, “Жамоали кўшиқчилик” (2012й.), “Хор аранжировкаси технологияси” (2011й.), “Интерпретацион тафаккур ва унинг мусиқа мутахассисларини тайёрлашда ўрни” (2013й.), “Болалар ва ёшлар учун кўшиқ ва хор асарлари” ўқув қўлланмаларини тайёрлади.

«Она алласи» (Н.Орифжонов сўзи), «Уйғон туйғулар» (А.Орипов шеъри), «Йўлим бошлар» (Зулфия шеъри), «Севинч ёшларим» (М.Муҳаммедова шеъри), «Сен ҳам ёд айлагил мени» (А.Дехотий шеъри), «Гўзаллик мадҳияси» (М.Муҳаммедова шеъри), «Тошкент, гўзал диёримсан» (Ж.Оймирзаев шеъри) яқка хонанда ва вокал ансамбль билан оркестр жўрлигида. Вокал-чолғу ансамбл ижросида бастакорнинг «Баҳор» (М.Туробова шеъри), «Нигоҳимни узолмайман» (А.Умаров шеъри), «Кўшиққа навбат» (Б.Туробова шеъри), «Она юрт кўшиғи» (К.Мирзаев шеъри) каби бир қатор кўшиқлари янграган. У 100 дан ортиқ кўшиқлар яратди. Хор, акапелла (жўрсиз хор) «Лаҳза-лаҳза» (Фурқат ғазали), «Милтирайди бир митти юлдуз» (А.Орипов шеъри), «Ўзбекистон ёшлари» (М.Мирзаев шеъри), «Қуёш юртим» (Ч.Рўзиев шеъри), «Ўзбекистон таронаси», «Тошкент ҳақида кўшиқ» ва «Ўзбекистон-она юрт» (Қ.Мамиров сўзлари) кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллади. Хор ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун қуйидаги кўшиқларни яратди: «Истиклол», «Ёр қани?» (Қ.Мамиров сўзлари), «Турон тонглари» (О.Ҳақимов сўзи), «Гўзал Тошкент қизлари» (Ж.Оймирзаев сўзи), «Муҳаббатим» (М.Юсуф сўзи), «Анҳор лабида» (С.Зуннунова сўзи), «Нигоҳимни узмайман» (А.Шеров сўзи), «Нигоҳингда кулар баҳор» (М.Муродов сўзи) ва бошқалар. У драматург Н.Қурбонов билан ҳамкорликда «О, менинг қора кўзларим» номли мусиқали драмаси ва кинорежиссёр З.Мусоқов билан ҳамкорликда «Қалдирғоч» кинофильмига мусиқа басталади.

СУЛТОНАЛИ МАННОПОВ (1948)



Ўзбекистон халқ артисти, моҳир созанда, хонанда, мураббий, бастакор Султонали Маннопов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1999 йили қабул қилинган. Бастакорнинг ўнлаб кўшиқ ва ашулалари, ялла-рақс сюиталари ва чолғу асарлари вилоят ҳамда республика миқёсидаги Концерт дастурларида, кўрик-танловларида, фестивалларда жарангламоқда. Айниқса, унинг истиқлол мавзуларидаги жозибали кўшиқлари «Мустақиллик баҳори», «Мустақиллик таронаси», «Гулла, Ўзбекистон», «Ўзбекистон менинг ватаним», «Дўстлик таронаси», «Фарғонадан ассалом» кабилар машҳур бўлиб кетди.

Султонали Маннопов Фарғона вилояти Қува тумани Султонобод қишлоғида 1948 йилнинг 1 январида туғилди. Ота-онаси Султоналини болалигидан мусиқага қизиққанини сезиб, таълим-тарбиясига эътибор бердилар. 12 ёшида у машҳур хонанда Таваккал Қодировга шогирд тушди. 1954-1964 йилларда умумтаълим мактабда ўқиди, устози билан концертларда иштирок этди. 1964-1968 йиллари Фарғона мусиқа билим юртининг халқ чолғулари бўлимида таҳсил кўрди. 1968-1969 йиллари Фарғона ҳарбий гарнизонининг оркестрида ҳарбий хизматни бажо этди. Меҳнат фаолиятини 1969 йили болалар мусиқа мактабидан бошлади. Унинг орзу-ниятлари 1970 йили Фарғона педагогика институтининг мусиқа факультетига чорлади. У 1974 йили ўқишни муваффақиятли битирди ва университетнинг мусиқа факультетида ўқитувчиликни бошлади. 1978 йилдан Фарғона вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрида концертмейстер, хормейстер, бош дирижёр вазифаларида фаолият кўрсатди. 1982 йилдан Фарғона вилоят филармониясининг бадиий раҳбари, 1986-1988 йилларда вилоят ўзбек театрининг директори вазифасида ишлади. Ҳозирда Фарғона давлат университети профессори сифатида ёш авлодни тарбиялаб келмоқда. 2013 йилда Турон фанлар академияси академиги унвонига сазовор бўлди.

Бастакор ва хонанда С.Маннопов ижодий фаолиятида кўшиқ жанри устувор туради. У замондош шоирлар сўзларига 150 дан ортиқ ранг-баранг кўшиқлар яратди. Уларнинг айримларини эслатиб ўтамиз: «Ўзбекистонда бугун ҳамма пахтакор», «Муборак» (А.Каримов сўзлари); «Истиқлол мадҳияси» (М.Исломов сўзи, катта

ашула); «Хиром этсанг» (Б.Исмоилов сўзи); «Турналар», «Сайранг, кушлар», «Фарғоний бобом» (И.Турсунов сўзи); «Чарх урар дилраболар», «Дунёлар сеҳри», «Гулзорга қарасам» (Ҳ.Муҳаммад сўзлари); «Узма дўстлик торини» (П.Мўмин сўзи); лапар «Менга гапи бормикан» (О.Ҳакимов сўзлари); «Қаландар ишқи» (Чўлпон шеъри); «Беқиёс» (Н.Андижонов сўзи); «Мурувват бирла» (Чархий ғазали); «Келса санамим» (Ш.Ҳакимий сўзи); яллалар «Фарғонажон» (И.Сулаймон сўзи); «Ассалом» (Т.Тўла сўзи); «Фарғона ёр-ёри» (А.Рустамов сўзи) ва бошқалар.

Бастакорнинг 1982 йили «Яшнайвер, жонажон республикам», 1985 йили «Мангулик», 1986 йили «Созимда васлинг», 1989 йили «Водий таронаси», 1992 йили «Мустақиллик баҳори», 1997 йили «Фарғонадан ассалом», 1998 йили «Наврўз таронаси» ва бошқа асарларини Фарғона вилоят «Ўзбекнаво» жамоалари ижро этганлар. Якка чолғу ва ансамбллар учун куйлар яратди. У 1994 йили «Олий ва ўрта махсус билим юрларининг санъат бўлимлари учун миллий-анъанавий кўшиқчилик ихтисослигидан қўлланма-дастур»; 1994 йили «Таваккал Қодиров»нинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида монографик очерк ва 1996 йили «Кўшиқ олами юлдузлари» китобида машҳур ҳофизлар Мадалибек Рахматилло ўғли, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари тўғрисида илмий-оммабоп рисола яратди ва нашрдан чиқарди. «Сўнмас наволар» илмий-бадий рисоласида 20 нафар устоз ҳофиз, созандаларнинг ҳаёти ва ижодлари қаламга олинган.

Бастакор С.Маннопов Ўзбекистон дўстлик делегациялари билан Куба, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Афғонистон, Туркия, Сурия каби мамлакатларда ижодий сафарда бўлди. Қозоғистонда ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида қатнашди.

АВАЗ МАНСУРОВ

(1957)



Ўзбекистон Ёшлар мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат консерваторияси композиция ва чолғулаштириш кафедраси профессори, композитор Аваз Мансуров ўзининг шахсий услуби билан алоҳида ажралиб туради. Композитор турли жанрларда, айниқса кўшиқчиликда баракали ижод қилиб келмоқда.

Мансуров Аваз Мақсудович 1957 йил 2 ноябрда

Қўқон шаҳрида туғилган. Авазнинг болалик йиллари театр сахнасида ҳамда машҳур хонанда ва созандаларнинг мусиқа ва шеърят давраларида ўтди.

1982 йилда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг «композиция ва чолғулаштириш» кафедрасини профессор Б.И.Зейдман синфида, 1986 йили ассистентурани профессор Ф.М.Янов-Яновский раҳбарлигида битирган.

Композитор А.Мансуров иш фаолиятини 1973 йилда Фарғона вилояти мусиқали драма театрининг оркестрида созандалиқдан бошлади. 1981-1983 йилларда ўқиш билан бир қаторда Республика ўқувчилар саройи қошидаги болалар мусиқа мактабида ишлади. 1982 йили консерваторияда ўқишни битиргач композиция ва чолғулаштириш кафедрасида педагог лавозимида ва ассистентурада қолдирилди. Мазкур кафедрада 1990-1993 йиллари катта ўқитувчи, 1993 йилдан доцент, 1993-1998 йилларида «Шарқ факультети» декани, 1998 йилдан «композиция ва чолғулаштириш кафедра»си мудири, 2000-2010 йилларда консерватория ўқув ишлари бўйича проректор, профессор, 2011 йилдан «композиция ва чолғулаштириш кафедра»си профессори лавозимларида ишламоқда.

Аваз Мансуровнинг мусиқа басталаш ишқи мусиқа мактабида ўқиб юрган кезларида бошланди. У биринчи ижодий қадамини фортепиано учун «Қизча ва тулки», «Қўрқинчли туш» эртақларига мусиқа басталашдан бошлади. Мусиқа билим юртида ўқиб юрган пайтларида ҳам скрипкачилар ансамбли учун «Сўзсиз кўшиқ», фортепиано учун «Токката-прелюдия» ва бир неча кўшиқлари унинг ижодига бағишланган махсус муаллифлик концерт дастурида жаранглади. Бу концерт А.Мансуров учун синов мактаби бўлиб хизмат қилди ва уни катта санъат йўлига чорлади. Композиторнинг бугун етишган ютуқлари узоқ вақт давомида қилган машаққатли меҳнатлари ва ижодий изланишларининг самарасидир. Серқирра композитор мусиқа санъатининг барча жанрларида унумли ижод қилиб, ўз асарлари билан мустақил республикамизнинг мусиқа маданиятини ривожланишига самарали ҳисса қўшиб келмоқда.

Композитор А.Мансуровнинг ижодий фаолиятида камер вокал жанрлар устунлик қилади. Унинг овоз, скрипка ва фортепиано учун ёзган «Муҳаббат» лирик туркуми, 10 дан ортиқ романслари мусиқий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. Айниқса болалар кўшиқларини яратишда А.Мансуров юқори натижаларга эришди. Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги «Булбулча» болалар хор жамоаси

ижросида янграган «Қуёш билан суҳбат», «Кел, бахт куйин куйлайлик», «Оқ кабутарнинг парвози» (Т.Комилов сўзлари), «Хур республикам», «Музқаймоқ», «Шаҳрим-фаҳрим», «Томчилар кўшиғи», «Бахтли болалик» (Х.Қаюмов сўзлари), «Уч баҳо», «Дангаса», «Дакан хўроз», «Қувноқ болалар», «Кўшиғим жон кўшиғим», «Минг ассалом устозлар», «Бол арилар» (П.Мўмин сўзлари), «Ўзбекистон саломи», «Жонажон капалак» (Х.Муҳаммад сўзлари), «Ўзбекистон онажон!» (А.Кўчимов шеъри), «Китоб менинг дўстимсан» (З.Диёр шеъри), «Булбулча кўшиғи» (Т.Муллабоев сўзи), «Кўғирчоғим ўйинчок» (М.Қаҳҳоров сўзи), «Самолёт», «Машинам» (Б.Исроилов сўзлари), «Биз аскармиз, аскармиз», «Офтобжоним-ўртоқжон», «Теракларим-толларим» (Қ.Ота сўзлари) каби 100 дан ортиқ кўшиқлари машҳур бўлиб, композиторга шуҳрат келтирди.

Композитор эстрада жанрида ҳам унумли ижод қилиб келмоқда. «Наврўз», «Чимён», «Ойдин йўл», «Чамандаги чаманим», «Соғиниб ўйғонар тонглар...», «Талабалар кўшиғи», «Аскарлар кўшиғи» (Назармат сўзи) каби эстрада кўшиқлари шулар жумласидандир.

Композитор А.Мансуровнинг ижодий фаолиятида театр-саҳна асарларга мусиқа басталаш ҳам устувор туради. У йиллар давомида «Ўзга сайёралик робот» (1984й. Х.Қаюмов либреттоси), «Ҳайвонлар султони» (1989й. Б.Исроил ва Ф.Сафаровлар либреттоси) болалар операларини, «Илоншоҳ ва унинг амалдорлари Ари ҳақида» (1982й. Қ.Ҳикмат эртаги), «Шарқ афсонаси» (1983й. И.Исмоилов либреттоси) балетларини, 20 та мусиқали спектакллар, шулар қаторида «Қачал полвон ва Гармсел» (1988й. А.Муҳиддинов, А.Юнусов, Х.Имонбердиевлар пьесаси), «Қорин-ботир» (1993й. А.Обиджон пьесаси), «Весёлый обманщик» (1994й. И.Лукьянов пьесаси), «Қўнғироқли ёлғончи» (1983й. А.Обиджон пьесаси) мюзиклларини, «Хўжа Насриддиннинг 41 пашшаси» (1985й. З.Яглям пьесаси) «Ҳамза» (1986й.); «Муҳаббат» (1987й. А.Қаҳҳор ҳикояси асосида радиоспектакль) спектаклларини, «Ур тўқмоқ» (С.Приображенский пьесаси), «Кольцо магрибских колдунов» (1990й. В.Борисов пьесаси), «Шўх хўтикча» (1991й. Темурбек пьесаси), «Уچار ковуш» (1991й. И.Жуманов пьесаси), «Кашмир кўшиғи» (1992й. Темурбек пьесаси) мусиқали эртакларини, «Бир соатлик халифа» (Насрулло Қобул пьесаси), «Ғаллатепалик авлиё» (1982й. М.Муҳаммаддўст сценарийси) мусиқали комедияларини яратди.

Симфоник оркестр учун иккита симфония (1982-1988),

«Симфоник поэма» (1978), «Байрам увертюраси», «Наврўз байрамига» (1984), «Обод юртда байрам бугун» (2012) увертюралари, фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концерт» (1981), ўзбек халқ чолғулари оркестри учун Концерт-фантазия, «Фазога интилиш» (1980), «Мустақилликка бағишлов» (1992 М.Кенжабек сўзи), «Шодиёна» (1994) мадҳиялари, дамли чолғулар оркестри учун «Карнай садоси» ва «Аскарлар марши», «Сўғдиёна» оркестри учун «Янгра дойра, жарангла» увертюраси, «Юртим жамоли» популлариси, тромбонлар ансамбли учун «Фанфарлар», камер чолғу асарлари, ф-но учун «Ҳайвонот боғида сайр» мусиқали манзаралар А.Мансуров қаламига мансуб.

Иқтидорли композитор, талабчан раҳбар, малакали мураббий ва меҳрибон устоз Аваз Мансуровни Республикамизда мусиқа санъатини ривожлантиришдаги фаол хизматлари учун 1986 йили Ўзбекистон ёшлар мукофоти совриндори, 1992 йили Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи, Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

БОТИР МАТЁҚУБОВ (1953)



Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг 2000 йилдан буён аъзоси, созанда, мусиқашунос Ботир Матёқубов 1980 йилдан педагог ва тадқиқотчи сифатида танила бошлади.

Б.Матёқубов 1953 йилнинг 12 январида Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида туғилди. У болалигидан мусиқага қизиқди, Хива шаҳар болалар мусиқа мактабида таълим олди. 1968-1972 йилларда М.Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртида кларнет синфида таҳсил олди. 1973 йили Тошкент давлат консерваториясининг оркестр ижрочилиги факультетига ўқишга кирди. 1978 йили у консерваторияни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Урганч мусиқа билим юртида ўқитувчи бўлиб 1983 йилга қадар ишлади. Ўша йилдан Хоразм вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида мусиқа-эстетика кабинетини мудирлиги вазифасида хизмат қилиши билан бирга Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Сурхондарё, Туркменистон, Хоразм ҳудудларида истиқомат қилаётган бахши ва созандалар билан жонли мулоқотларда бўлиб

уларнинг ижроларида дoston мусиқасини ёзиб олишга муваффақ бўлди.

Б.Матёкубов 1990 йилда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг Республика методика кабинетига ишга таклиф қилинди. 1993 йилда бу бўлинма Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот республика марказига айлантирилди. Б.Матёкубов 1996 йили вазирликнинг Фан, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, бир йилдан сўнг мазкур Марказ директори вазифасида ишлади. 2000-2001 йилларда Матёкубов Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим бўлиб ишлади. 2001-2010 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежи директори, 2002 йилдан Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, 2010 йилдан профессор в.б., 2011-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Таълим муассасалари бошқармаси бош мутахассиси лавозимида фаолият кўрсатди.

Б.Матёкубовнинг педагогик ва илмий фаолиятининг доираси кенг: 1991 й. «Дамли ва зарбли чолғуларда ўқитиш методикаси» номли дастур; «Дoston ва дostonчилар» («Гулистон» № 4, 1995 й.); «Дoston ва бастакорлик ижодиёти» (1995 й. «История и современность» номли китобга киритилган); «Хоразм дostonларининг мусиқий хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертацияси (1996), «Темурийлар даври ҳарбий мусиқаси» («Гулистон» № 6, 1996 й.); «Авазхон», «Базирён», «Хирмондали», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonларининг тўлиқ матни ва нота ёзувлари билан биргаликдаги 4 та тўплам (1996 йили кўлёзма ҳолида санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг кутубхонасига топширилган ва у ерда сақланмоқда); «Санъатга бахшида умр» К.Отаниёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган («Гулистон» № 2, 1997 й.); «Дostonларнинг мусиқий хусусиятлари» («Қатортол-Камалак» нашриёти, 1997 й. 1-сон); «Созпарвар Хива» («Жамият ва бошқарув» 1997 й. 2-сон); «Бахшилар санъати» («Шарқ тароналари» халқаро фестивалъ йўлдоши. 1997 й.); «Созпарвар Хивам менинг» («Гулистон» № 5, 1997 й.); К.Авазнинг «Олис оҳанглар» (китобига сўзбоши ўзбек ва инглиз тилларида, 1998 й.); «Хоразм дoston ижрочилигининг зарҳал саҳифалари» («Хоразм» нашриёти. 1999 й.); Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг «Хоразм мусиқий тарихчаси (рисола эски ўзбек кирилл ёзувига ўгирилган ҳолида нашрга тайёрланган ва изоҳлар билан «Ёзувчи»

нашриётида 1999 йили чоп этилган); «Бахшилар санъати» («Шарқ тароналари 1-халқаро фестивални эслаб», 1999 й.); «Қўшиқчилигимиз муаммолари» («Гулистон», №1, 2000 й.); «Таълим ислохотлари маданият тизимида» («Маънавият ва маърифат — давлат сиёсатининг устивор йўналиши» тўплами, Т., 2000 й.); «Ожиза наволари» («Хоразм фольклори» иккинчи жилд. Урганч давлат университети, Хоразм Маъмун Академияси олимларининг илмий мақолалар тўплами, Урганч, 2000 й.); «Истиклол ғунчалари» альбом-китобча (тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва муҳаррир Т., 2002 й.); «Муҳаббат» (кларнет ва фортепиано учун мослаштирилган «Елпасаланди», «Зумлак», «Норим-норим», «Муҳаббат» хоразмча рақс куйлари тўплами, фортепиано жўрлигини композитор М.Отажонов басталаган).

Б.Матёкубовнинг мусиқа санъатига бағишланган долзарб мақолалари газета саҳифаларидан ўрин олган. “Хоразм ҳақиқати” газетасида «Сувора» (1980 й. 20.05); «Комил Хоразмий» (1985 й. 20.02); «Руҳият озиғи» (1986й. 20.08); «Мураббий санъаткор» (И.Ҳамроевнинг 80 йиллигига бағишланган, 1987 й. 8.04) мақолалари, «Ватанпарвар» газетасида «Ғалабага чорловчи мусиқа» (1994 й. 26.11.); «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Ёш истеъдодлар танлови» (1999 й. 14.05); «Енгил жанрнинг оғир муаммоларини ўқиб» (1999 й. 29.10); «Рақс тушиш осон эмас» (2000 й. 14.01) «Маърифат» газетасида «Миллий эстрада муаммолари», (1999 й. 4.09) каби қатор мақолалари нашр этилган. “Достон ва мақом”// Шашмақом сабоқлари (мақола ва маърузалар тўплами, Т., 2005.) “Туташ томирларда оққан наволар” (Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи ўқитувчиларининг “Мақолалар тўплами” Т., 2005.). “Санъаткорлар тарбия олган даргоҳ” (Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежининг 80 йиллигига бағишланган тарихий лавҳалар. Т., 2005), “Жўшқинлиги мисоли Жайхун” О.Худойшукуров ҳаёти ва ижоди бўйича ноанъанавий дарс услуби (Таълим технологиялари тўплами, 2006, вып.3). Хоразм даври мусиқаси. (Т., 2009), “Мусиқашунослар устози” (оттограмма). Отаназар Матякубовнинг 60 йиллигига бағишланган мақолалар тўпламида нашр юзини кўрган.

ОТАНАЗАР МАТЁҚУБОВ (1946)



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Отаназар Матёқубов республикамизнинг етакчи муסיқашуносларидан бири. Бу моҳир педагог-олим матбуотда чоп этилган илмий-оммабоп мақолалари, айниқса, муסיқий санъат билан боғлиқ турли туркумларда олиб борган телевизион кўрсатув ва радио эшиттиришлари ҳамда ташкилотчилик фаолияти билан эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлди. Тафаккури ва илмий салоҳияти кенг, олим О.Матёқубов узоқ йиллар давомида анъанавий ва замонавий муסיқа санъатининг ривожланиш жараёни билан боғлиқ долзарб муаммоларга бағишланган мавзулар билан санъатшунослик фанига ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Отаназар Матёқубов 1946 йилнинг 25 августида Хоразм вилояти Хива туманида туғилди. Унинг болалиги театр ва муסיқа муҳитида кечди ва у рубоб чертишни ўрганди. Урганч шаҳар муסיқа мактабининг фортепиано синфида ҳам ўқиди. Кейин Бухоро муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимига ўқишга кирди. 1964 йили ўқишни битириб, Тошкент давлат консерваторияси муסיқашунослик факультетининг тайёрлов бўлимида ўқиди ва бир йилдан сўнг асосий курсга ўтказилди. У доцент И.Н.Кареловадан ихтисослик бўйича таълим олди. «Хоразм халқ муסיқаси» мавзуида диплом иши ҳимоя қилиб, 1970 йилда аспирантурага қабул қилинди. Талабалик даврида консерваториянинг муסיқа назарияси кафедрасида ўқитувчилик қилди. 1974 йили профессор Ф.М.Кароматов илмий раҳбарлигида аспирантурани битирди. 1973-1977 йиллари консерватория «халқ муסיқа кабинетининг» мудирини бўлиб ишлади. 1976 йили Ленинград театр, муסיқа ва киноматография институтида «Хоразм мақомлари» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1979 йили у «Шарқ муסיқаси кафедраси» мудирини, 1982 йилдан доцент, 2009 йилдан профессор лавозимиغا сайланди. 1980 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига қабул қилинди. 1983 йили мазкур ижодий уюшманинг муסיқашунослик комиссияси раиси этиб сайланди. 1991-1997 йиллари Отаназар Матёқубов ижод билан шуғулланди. Турли

мавзуларда мақолалар ёзди, мусиқага оид телевизион кўрсатувлар тайёрлади. Бир неча марта АҚШ, Германия университетларида «Ўзбек мусиқаси тарихи» ва «Мақом асослари»дан маърузалар ўқиди. Москва, Ленинград, Баку, Ереван, Тбилиси, Минск, Олма-Ота, Тошкент шаҳарларида ва Самарқандда ўтказилган қатор халқаро симпозиумларда маърузалари билан қатнашди. 1997 йили Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Маданият, фан ва туризм бошқармаси бошлиғининг муовини, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими, 2002-2012 йилларда Ўзбекистон давлат консерваторияси ихтисослашган илмий маркази раҳбари вазифасида фаолият юритди.

О.Матёқубов ўзбек ва рус тилларда назарий ва тарихий мавзуларда жиддий илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга оммабоп мақолалар, услубий ва ўқув дастурлар ёзди. Унинг қуйидаги илмий-тадқиқотларини қайд этиш мумкин: «Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш» (Т., 1983 й.); «Фараби об основах музыки Востока» (Тошкент 1986 й.) китоблари, «Мақомот» (Т., 2004 й.), «Додекограмма» (Т., 2005) монографиялари, «Хорезмские макомы», «Проблемы музыкальной науки Узбекистана» (Тошкент, 1973 й.; Шу номдаги яна бир мақола «Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность» тўпламида, Тошкент 1981 й.); «Ладовая основа и цикличность макомов», «Музыка народов Азии и Африки» (Москва, 1984г.); «Некоторые особенности строения инструментального раздела хорезмских макомов («Музыкальное искусство». Ташкент 1982 г.); Ладовая и ритмическая основа макомов («Музыка народов Азии и Африки». Москва, 1984 г.).

«Сов. музыка» журналида «О кафедре восточной музыки Ташгосконсерватории», (№ 12, 1978 г.); «Ценная книга» (Рецензия на книгу В.С.Виноградова «Классические традиции Иранской музыки» № 9, 1983 г.); «Неисчерпаемая жизненная сила традиции», (№ 3, 1986 г.); «Замонавий миллий мусиқанинг йўлланиш муаммоси» мавзусига бағишланган илмий даврада сўзлаган нутқи (№8, 1985 йили), «VII Трибуна Азии» мақоласи (№3, 1986 йили) мақолалари чоп этилган.

«Ўзбекистон санъати» журналида «Ибн Синонинг мусиқий мероси» (№ 9, 1979 й. Шу мақола учун у Ўзбекистон ёш ижодкорлар кўрик-танлови лауреати мукофотиغا сазовор бўлган); «Республика ёш мақомчи ижрочилар кўрик-танлови» ҳақидаги мақола (журналнинг

№4, 1983 й.); «Бастакор» (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби А.Отажоновнинг ижодий портрети ёритилган. № 4, 1984 й.), «Гулистон» журналида «М.Тожиевнинг ижодий портрети» (№ 3, 1983 й.) мақолалари чоп этилган.

О.Матёкубов “Соз васфи”; “Хоразм созига бир назар”; “Бухоро соз манзаралари”; “Мақом тафаккури”; “Хоразм соз санъати”; “Улуғ шоир А.Жомийнинг «Рисолаи мусикий»сига тафсирлар”, «Хоразм танбур чизигининг принциплари» (инглиз тилида, 1993); «Бухоро Шашмақомининг эски мактаби» (француз тилида, 1995) илмий асарларини нашрга этди.

О.Матёкубов 1988 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 2001 йилда «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонлари билан тақдирланган.

МИРХАЛИЛ МАҲМУДОВ (1947)



XX аср 70-йилларининг бошларида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига истеъдодли ёш композиторлардан бир гуруҳи биринкетин кириб келди. Улар орасида композитор Мирхалил Маҳмудов ҳам бор эди. У 1971 йили Давлат имтиҳонига «Наво» номли жозибали, миллий руҳ билан суғорилган, тингловчининг қалбини тўлқинлантириб, беихтиёр ўзига торта оладиган биринчи симфониясини тақдим этди. Мазкур асар 1971 йилда ўтказилган Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг VI курултойи дастурида ижро этилди ва тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Ўша йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига истисно сифатида қабул қилинди. Композитор ўтган йиллар давомида ўзининг турлитуман симфоник, вокал-симфоник, камер-чолғу асарлари, театр ва кино мусиқаси билан бу ишончни тўла оқлади. У замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнига самарали ҳисса қўшиб келмоқда.

Мирхалил Маҳмудов 1947 йилнинг 2 январида Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Оилада икки қиз ва беш ўғил тарбияланиб вояга етди. Ўғиллардан Мирсодиқ ва Мирхалил композитор бўлиб етишиб чиқдилар. Мирхалил 1964 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кирди.

Ўқиш жараёнида у мусиқа басталашга қизиқди. Истеъдодли композитор Р.Вильданов унга раҳбарлик қилди. 1966 йили Тошкент давлат консерваторияси композиторлик факультетининг тайёрлов бўлимига қабул қилинди ва Р.Вильдановнинг синфида таҳсил кўра бошлади. 1969 йилдан эса профессор Ф.М.Янов-Яновский синфида таҳсил кўрди ва 1971 йили «Наво» номли симфония асари диплом иши билан ўқишни битирди.

Композитор М.Маҳмудов меҳнат фаолиятини 1968 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида мусиқий-назарий фанлардан дарс беришдан бошлади. 1974-1977 йилларда М.Қориёқубов номидаги ўзбек филармонияси қошидаги «Шодлик» ансамбли дирижёри, 1978 йилдан эса бадиий раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. У йиллар давомида тилга олинган мусиқа ўқув юртида ҳам ишлади. 1985 йилдан буён М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг бастакорлик ва чолғулаштириш кафедрасида дарс бериб, ёш санъаткорларни тайёрлашда фаолият кўрсатмоқда.

М.Маҳмудов мусиқанинг турли жанр ва шаклларида бир талай жозибали мусиқий асарлар яратди. Симфоник оркестр учун: Увертюра-1968 й., Симфония-1969 й., «Наво» симфонияси-1971 й. Сюита-1975 й., «Байроқдорлар» сюитаси-1975 й., Симфония №3 - 1981 й., «Байрамона» сюита-1984 й., «Фанфаралар» сюитаси-1984 й. скрипка ва оркестр учун Концерт-1985 й. «Байрам увертюраси». Камер симфоник оркестри учун: 1972 й. сюита, 1976 й. Д.Д.Шостаковичга бағишланган «Хотира» симфоник поэмаси, 1976 й. учта «Мухаммас ва уфор», 1976 й. Симфония №2. Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун: 1974 ва 1977 й. 2 та увертюра, рубоб-прима учун «Токката», 1983 й. «Пьеса ва рақс». Вокал-симфоник асарлардан 1973 й. хор, яккахон ва оркестр учун «Тошкент садоси» (Т.Тўла сўзи) ораторияси, 1973 й. хор ва оркестр учун «Тошкент замини» (Э.Воҳидов сўзи) поэмаси, 1976 й. «Она мадҳи» (Т.Тўла сўзи) поэмаси, 1976 й. «Ватан шахнози» (Т.Тўла сўзи) қасидаси, 1976 й. «Она Ўзбекистон» (Т.Тўла сўзи), 1984 й. «Кўҳна Шош» (Т.Тўла сўзи, 1985 й.) ва «Буюк бешик кўшиғи» (Й.Муқимов сўзи) ораториялари, «Она мадҳи» (Э.Воҳидов сўзи) поэмаси, 1985 й. «Элга баҳор келди» (Г.Нуруллаева сўзи) қасидаси, 1995 й. «Турон ўғлонлари» (Й.Муқимов сўзи) қасидаси, 1995 й. «Элим, насибанг улуғ» қасидаси, 1998 й. «Ўзбекистон» (Й.Муқимов сўзи) қасидаси шулар жумласидан.

М.Маҳмудов «Келинлар кўзғалони», «Суюнчи», «Ўтган

кунлар», «Чимилдик» (реж. М.Абзалов); «Анор», «Занжир», «Занжир-2» (реж.С.Бобоев), «Жалолиддин Мангуберди» (реж.М.Маҳмудов); «Севги» (реж.И.Эргашев); «Яратганга шукр», «Аёл қалби» (реж. М.Мусаков); «Тилсимой ғаройиб кизалоқ» (реж. М.Боймухаммедов); «Қабоҳатга қўйилган тузоқ» (реж. Б.Аҳмедов), «Зумраша» (ҳажвий тележурнал), «Тақдир йўллари», «Лафз» (реж.Б.Аҳмедов) каби 70 дан ортиқ кинофильмларга, «Синдирилган кўза» (С.Жамол), «Ишчи фарзанди» (Ё.Мирзо), «Ака-ука совчилар» ва «Давлат болалари» (Р.Муҳаммаджонов), «Ҳийлаи шаърий» (А.Несин), «Тўйлар муборак» (Ў.Ҳошимов), «Асл хазина» мусикали драма ва комедияларига мусика басталади.

М.Маҳмудов 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби фахрий унвони билан тақдирланган. «Ёшлар», «Офарин» мукофотлари соҳиби.

ВАДИМ МЕЙЕН (1911-1971)



XX аср ўзбек профессионал мусика санъатининг ривожланишига ҳисса қўшган рус санъаткорлари сафида композитор В.Мейеннинг номи бор. У кўп қиррали ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан республикамиз мусика тарихи саҳифаларида ёрқин из қолдирди.

Мейен Вадим Александрович Москва шаҳрида 1911 йилнинг апрелида туғилди. Унинг фортепиано бўйича биринчи ўқитувчиси онаси бўлган. В.Мейен хотираларида шундай ёзади: «1928 йили Гнесинлар номидаги мусика техникумида фортепиано, бир йилдан сўнг композиция бўйича М.Ф.Гнесиндан дарс ола бошладим. 1932 йили техникумни битирдим, 1933 йили Тошкентга келдим, санъаткорлар билан танишдим. 1934-1936 йилларда театр мусика бўлими мудири бўлиб ишладим. Қўйилган спектаклларга мусика басталаб турдим. 1936 йили Тошкент давлат консерваторияси очилди. Мен биринчи талабалар қаторида ўқишга кириб, иккинчи йилидан бошлаб Б.Б.Надежинда композициядан дарс ола бошладим. Ўқиш билан бирга Республика давлат кўғирчоқ театрида мусика бўлими мудири лавозимида ишладим. 1941 йили консерваторияни муваффақиятли битирдим. 1942-1946 йилларда ҳарбий драма театри мусика бўлимини бошқардим. 1943-1944 йилларда Ленинград

консерваторияси Тошкентда бўлганида М.О.Штейнберг, Ю.Н.Тюлин ва А.Ф.Козловскийлардан дарс олдим. 1946-1948 йилларда Ҳамза номидаги Республика давлат академик ўзбек драма театрида мусиқа бўлимини бошқаришга таклиф қилишди. 1948 йили Тошкент давлат консерваторияси раҳбарияти гармония ва полифониядан дарс беришга таклиф қилди».

Композитор В.А.Мейеннинг ижодий фаолиятида театр спектакллари ва ўзбек халқ чолғулари оркестрига мусиқа басталаш устувор бўлди. У рус, ўзбек драма ва кўғирчоқ театрларида сахна юзини кўрган 100 дан ортиқ спектаклларга мусиқа басталади. Уларнинг орасида қуйидагиларни эслатиб ўтиш кифоя. «Всегда с вами» (Ржевский пьесаси), «Слуга двух господ» (К.Голдон пьесаси), «Жди меня» (К.Симонов пьесаси), «Обыкновенный человек» (Леонов пьесаси), «Он пришел» (Дж.Пристли пьесаси), Ҳамза номидаги ўзбек давлат театрида сахналаштирилган «Муҳаббат» (Уйғун пьесаси), «Бранденбург дарвозаси» (Светлов пьесаси) спектаклларига мусиқа, Муқимий номидаги мусиқали театрда қўйилган «Армуғон» мусиқали драмасини (композитор Т.Содиқов билан ҳамкорликда яратган. А.Бобожонов ва М.Муҳамедовлар пьесаси) айтиб ўтиш жоиз. Республика кўғирчоқ театрида қўйилган «Сказки бабушки Татьяны», «Зайкино горе», «Мяу-мяу», «Бармалеева погибель», «Вовкина ёлка», «Аладдин и волшебная лампа», «Бей дубинка», «Сэмбо», «Зияд батыр», «Приключения Шавката», «Вали батыр», «Семурғ» ва бошқа спектаклларга мусиқа яратди.

Узоқ йиллар давомида В.Мейен Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри учун асарлар яратди, айрим мумтоз халқ куй ва ашулаларини оркестрга мослаштирди. Улар орасида 1962 й. «Қашқарча», «Рақс марши», «Янги даврон», «Санам уфориси» асосларида ёзилган 4 қисмли сюита; 1963 йил «Самарқанд Ушшоғи», «Гулузорим», «Бузрук», «Бозургоний» 4 қисмли сюита, 1964 йил «Ўзбекча марш» увертюраси, сюита «Соғий», «Ассалом», «Гул», «Наззора қил», «Соғиндим» кўшиқларини қайта ишлади; 1965 йил «Ўйин Баёти», «Муҳаммаси Раст», «Насруллои 3» ва «Насруллои 5» лар асосида 5 қисмли сюита, 1966 йил П.Мўмин билан ҳамкорликда «Ассалом келажак» номли кантата каби асарларни кўриш мумкин.

В.Мейен ўзбек халқ мусиқасига таянган ҳолда симфоник оркестр учун «Лирик поэма», «Симфониетта», 4 қисмли сюита, увертюра, «Пахта байрами» поэмасини яратди. Халқ куйлари асосида «Фарғонача рез», «Ўйин Баёти», «Насруллои 3» ва «Насруллои 5»

симфоник сюита; симфоник оркестр жўрлигида айтиш учун мослаштирди: «Фарғонача», «Ўлтурғуси», «Галдир», «Кўп эрди», «Ол хабар», «Бир келиб кетсин» ва «Нигорим», «Мубтало бўлдим сенга», «Галдир», «Уфори Насруллои» асосида «Сўзсиз сюита», Ойбек шеърига «Навой» номли вокал-симфоник сюита кларнет ва симфоник оркестр учун концерт; «Напев», «У калодца», «Сказание», «Плясовая» номли пьесаларни ёзган.

В.Мейен камер асарларидан дўсти Т.Содиқов хотирасига бағишлаб торли кваттет учун тўрт қисмли сюита, Фурқат шеърларига 4 та романс Навой шеърларига 4 та романс, Ҳ.Олимжон шеърларига 4 та романс, А.Пушкин шеърларига 6 та романс, шунингдек болалар учун бир қатор қўшиқлар ёзган.

ВЛАДИМИР МИЛОВ (1938-1998)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1969 йили ёш композитор Владимир Миров кириб келди. У овоз ва яққа чолғулар, оркестр, театр ва кино учун музика басталаб, республикамизнинг кўп миллатли музикаий маданияти тарихида из қолдирди.

Миров Владимир Ефимович Россиянинг Ульяновск вилояти Мемкессе шаҳрида 1938 йилнинг 1 февралда дунёга келди. 1945 йилда умумтаълим мактабига ўқишга борди. Болалигидан музикага қизиқди, мактабдаги бадий ҳаваскорлик чолғу ансамблида аввал гармошка, кейинчалик баян ва аккордеон чалишни ўргана бошлади. 1955 йили Ҳамза номидаги Тошкент музика билим юрти халқ чолғулари бўлимининг иккинчи курсига қабул қилинди. 1958 йили ўқишни битириб Фарғона вилояти Қувасой шаҳри болалар музика мактабидан баян ва музика назариясидан дарс берди. Ўша йили Тошкент консерваториясининг композиция бўйича сиртки бўлимида профессор Б.Зейдман синфида сабоқ ола бошлади. 1960 йилдан кундузги бўлимда ўқишни давом эттириб, 1964 йили битирди. 1965 йили Тошкент давлат консерваториясининг музика назарияси кафедрасига ишга таклиф қилинди ва 1968 йилга қадар «гармония»дан талабаларга дарс берди. Ўша йили у Туркистон ҳарбий округи қошидаги Офицерлар Уйидаги «Туркестанская звездочка» номли болалар ансамбли раҳбари вазифасига таклиф қилинди ва 1972 йилга қадар шу жамоада ишлади,

асарлар яратди. 1972 йилдан Мирзо Улуғбек тумани болалар мусиқа мактабида умрининг охиригача ишлади. 1995-1998 йилларда Б.Зокиров номидаги эстрада оркестрида дирижёр бўлиб ишлади.

В.Милов турли жанрларда ижод қилди. У учта балет: «Широқ ғазаб» («Гнев Ширака», И.Мальмберг либреттоси, (1965 й.), «Уч пальма» («Три пальмы» И.Мальмберг ва И.Юсуповлар либреттоси, 1966 й.) ва «Сказка о Попе и работнике его Балде» (Пушкиннинг асари асосида композиторнинг ўз либреттоси, 1975 й.) ёзди. Унинг кинорежиссёр Л.Файзиев сценарийси асосида «Восточная легенда» (1972 й.) фильм-балети Тожикфильмда суратга олинган. «Лесная сказка» (Л.Бережных либреттоси) 1976 й. ва «Тайна трех не» (1977 й.) спектаклига мусиқа басталади. Композитор қуйидаги мультфильмларга мусиқа басталаган: «Кто сделал облако» (1969 й.), «Дороже золота» (1970 й.), «Храбрый воробей» (1971 й.) ва «Девочка и звездочка» (1972 й.). Турли халқлар қуйларини эстрада оркестри ва чолғу ансамбллари учун қайта ишлади. Замондош шоирлар шеърларига турли мавзуларда қўшиқлар яратди. Улар орасида Л.Бережных сўзларига ёзилган қўшиқлар: «Разлив», «Каблучки», «Счастье», «Песня о политруке», «Ташкентские розы», «Ташкентская лирическая»лар, ҳамда Ю.Когтев сўзига ёзилган қўшиқлар: «Есть фронт в каждом сердце», «Человек и мираж», «Солнечная улица» (Р.Фарходий сўзи), «Родник» (Г.Нуруллаева сўзи), «Грустная струна» (А.Гальперина сўзи), «Кто мне песню нашёл» (Балакина сўзи) кабилар машҳур бўлиб кетган эди.

В.Миловнинг ижодий фаолиятида чолғу мусиқаси устун туради. У симфоник оркестр ва турли чолғу ансамбллари, яқка чолғу асбобларга қуйидаги асарларни яратди: «Перекуем мечи на орала» (1962 й.) симфоник поэма, фортепиано ва симфоник оркестр учун Концерт (1963 й.), космонавтларга бағишланган Симфония (1964 й.), «Тўйчи Эржиментов»га бағишланган хореографик поэма (1967 й.), скрипка ва фортепиано учун пьесалар, прелюдиялар, сонатиналар, торли квартет (1963 й.) ва бошқалар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, В.Милов 1980-йиллардан бошлаб яна сахна ва кинофильмларга мусиқа басталашга киришиб, қуйидаги асарларни яратди: «Фарход ва Ширин» (В.Баграмов либреттоси, 1980 й.) рок-опера; «Свадьба», «Неудачный день», «Преступление и наказание» (М.Зошенко либреттолари, 1986 й.) бир пардали опералар; «Баба яга против Деда Мороза» (1985 й.), «Корол Пиф-Паф» (1986 й.), «Зимняя сказка» (1991 й.), болалар учун «Дракон и свирель»

(1986 й.), «Смерть и рождение Тиля» (1987 й.), «По шучьему велению» (1989 й.), «Колобок» (1990 й.) операларини яратди, «Али баба и 40 разбойников» (Ўзбек ва ҳинд фильми, 1989 й.), «Легенда о любви» каби 30 дан ортиқ кинофильмларга; «Эшмат добрый ангел», «Пробуждение» телефильмларига, «Нежные голоса», «Удивительный манеж», «Дриссированная корова», «Волшебная серна», «Сказка про аиста», «Козел в огороде», «Большой и маленький», «Дорожная собака», «Сказка о волшебном гранате», «Жил и был ослик», «Ух-ты!» мультфильмларига мусиқа яратди. У 1998 йили «Ўзбекистон қуролли кучларига маданий хизмат кўрсатган аълочи»си нишони ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ (1913-1999)



Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва созанда Муҳаммаджон Мирзаев ажойиб лирик кўшиқ, ашула ва куйлари билан эл-юрт ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб, XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У бастакорлик анъаналарини давом эттирган ҳолда яратган асарларида ҳаётни, севги-муҳаббатни, вафо ва садоқатни, мардлик ва жасоратни ардоқлади ва баралла куйлади. 1975 йилдан Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси М.Мирзаев замонавий ўзбек мусиқа санъатининг ривожланишига баракали ҳисса қўшди ва катта мусиқий мерос қолдирди.

Муҳаммаджон Мирзаев Тошкент шаҳрида 1913 йилнинг 13 августида туғилди. 1920 йилдан умумтаълим мактабда ўқиди. 1932 йили Тошкент Тўқимачилик комбинатига ишга кирди ва бўш вақтларида Темирйўлчилар клубида ташкил топган ҳаваскорлик тўғарагига қатнаб, мандолина чалишни ўрганди. 1936 йили Ўзбек филармонияси қошида Т.Жалилов раҳбарлигида ташкил топган «Ўзбек халқ чолғулари ансамбли»га ишга қабул қилинди. Мазкур ансамбль унинг учун катта ижрочилик мактаби бўлди. Бу ерда М.Мирзаевга Т.Жалилов кўрсатмаси билан рубобчи Юсуф-Охун қашқар рубобида чалишни ўргатди. Ёш созанда тез орада ансамблда иштирок эта бошлади. Шу аснода у қашқар рубобини омма орасида кенг тарқалишига сабабчи бўлиб қолди. Дарҳақиқат, мазкур ижодий

жамоа М.Мирзаев учун биргина рубоб чалишда эмас, балки ўзбек халқ мусиқа меросини пухта ўрганишга қулай имкониятлар яратди. У машҳур созандалар билан ёнма-ён ишлаб, бўш вақтларида улар билан мулоқотда бўлиб, мусиқа ижрочилиги ва ижодкорлиги сирларини ўрганди ва ҳаётий мактабини шу ансамблда ўтади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбек филармонияси қошида бир нечта «Фронт концерт бригадалари» тузилди. Шулардан бири 1942 йилда ташкил этилган бўлиб қуйидаги санъаткорлардан иборат эди: Д.Соаткулов (най), М.Мирзаев (рубоб), С.Алиев (ғижжак), Ш.Ҳамдамов (доира), Н.Наливайко (баян), хонандалар Н.Якубова ва С.Самандарова, лапарчи М.Отонова, раққоса Т.Маҳмудова. Улар жангчиларга концертлар бериб, фаол хизмат қилдилар.

Маълумки, 1943 йили «Фарҳод ГЭС» қурилиши муносабати билан ишчиларга маданий хизмат қилиш мақсадида бошқарма қошида композитор ва дирижёр М.Насимов раҳбарлигида «Мусикали драма театри» ташкил топди. Ўзбекистон «Санъат» бош бошқармаси М.Мирзаевни ушбу театрда мусиқа раҳбари лавозимига тайинлади. Унинг мустақил бастакорлик фаолияти шу жамоада бошланди. Созанда ва ижодкор азамат қурувчиларга атаб ғайрат билан, замонавий мавзуларда янги-янги жозибали кўшиқ ва рақс куйларини яратди ва ансамбль ижро репертуарини бойитиб борди. 1946 йили рубобчи М.Мирзаев филармонияга ишга қайтди. Икки йилдан сўнг Тошкент давлат консерваториясида «Ўзбек халқ чолғулари» кафедраси ташкил топди. Бу даргоҳга М.Мирзаев биринчи талабалар қаторида ўқишга кирди ва 1953 йили битирди. Шу йилдан бошлаб умрининг охиригача филармония ҳузуридаги «Мусиқа бўлимида» рубобчи-якканавоз вазифасида ишлаб, томошабинларга фаол хизмат қилди. Унинг ижрочилик маҳоратига тингловчилар тан беришар эди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ана шу даврда созанданинг саъй-ҳаракатлари туфайли-рубоб созига эътибор кўтарилди, тўғараклар ва мусиқа ўқув юртларида мазкур чолғу мустаҳкам ўрин эгаллади. Касбий созандаликни, юқори малакали ижрочилик санъатини сеvimли ўғли Шавкат Мирзаевга ота мерос қилиб қолдирди.

Бастакор ва созанда М.Мирзаевнинг ижодий фаолияти, айниқса, урушдан кейинги йилларда гуллаб-яшнади. У 1950-1980 йилларда ўз устида кўп ишлади, изланди, тинимсиз ижодий меҳнатда бўлиш унинг яшаш тарзига айланди. У йиллар давомида, халқимизнинг сеvimли хонанда, созанда ва раққосаларига атаб, уларга мўлжаллаб ажойиб асарлар яратиб берар эди. Масалан,

халқимизнинг фахри Ўзбекистон халқ хофизи Маъмуржон Узоқов ижросида бастакорнинг куйидаги ашула ва яллалари илк бор янгради: «Қачон бўлғай», «Шўхи жононим менинг», «Ёр истаб», «Йўлингда» (З.Фурқат шеърлари), «Якка бу Фарғонада», «Кўзларинг», «Сувратинг», «Ёлғиз», «Яна» (Муқимий шеърлари), «Шайдо бўлибман» (Камтар сўзи), «Зор этдинг» (Жаннатий сўзи), «Парво этиб кет» (С.Абдулла сўзи). Тожик ва ўзбек халқларининг сеvimли хонандаси, Тожикистон халқ артисти Ҳанифа Мавлонова ижросида бастакорнинг куйидаги ашулалари машҳур бўлиб кетган эди: «Парвона бўлдим» (Камтар сўзи), «Юрагингни ўйнатдим» ва «Гулчеҳра ёр» (П.Мўмин сўзлари), «Хуснингга бу шайдони» (Шухий сўзи) «Тонг отгунча» (Дилафгор сўзи). Кейинчалик устоз санъаткор Муножот Йўлчиева, Дилором Қаюмова, Мавлуда Ойнакулова каби ёшларнинг ижрочилик йўли, талқин услублари шаклланишига улкан ҳисса қўшган.

Муҳаммаджон Мирзаев йиллар давомида, М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» рақс ансамбли, Ўзбек давлат филармониясининг «Шодлик», «Лазги» ашула ва рақс ансамбллари репертуарларини бойитиб келди. У уч юздан ортиқ кўшиқ, ашула, ялла ва рақс куйларини яратди. Унинг яратган асарлари орасида жуда ҳам машҳур бўлиб кетган, ажойиб «Баҳор вальси», «Дилдор 1 ва 2», «Интизор этма», «Уфори санам», «Гулноз» рақс куйларни ёки «Олтин сандиқ», «Эй гул», «Уч дугона», «Тошкент наҳори», «Муҳаббат мактуби» (Т.Тўла сўзлари), «Кўзларимга зиё оламан» ва «Чавандоз қизлар» (Н.Нарзуллаев сўзлари), «Ассалом, келин салом» ва «Оналар» (У.Рашид сўзлари) каби кўшиқларни, қашқар рубоби учун яратган «Гўзал Ватаним», «Марғилон қизлари», «Орзу дил», «Зулфизар», «Ёр учрашув», «Дилрабо», «Шодлик» куйлари кенг қанот ёзди.

Бастакор М.Мирзаев она-юрт табиатига, сеvimли халқига, санъаткорларга ҳар доим ғайрат ва ҳаяжон билан гўзалликни куй ва кўшиқларида ифодалаб келди. У ўз даврининг машҳур куйчиси эди, шунинг учун унинг ижодида замонавий мавзу устувор турди. Шунинг айтиши жоизки, М.Мирзаев 1937, 1951, 1959 йилларда Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаларида, «Катта Фарғона», «Фарҳод ГЭС», «Катта қўрғон сув омбори», «Тошкент канали» каби йирик иншоотларнинг қурилишларида ижрочилиги ва бастакорлиги билан фаол қатнашди.

У замонавий Ўзбекистон мусиқа маданиятининг ривожланишидаги улкан хизматлари учун 1945 йили «Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган артист», 1965 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари, орден ва медаллар билан тақдирланган.

ДИЛОРА МУРОДОВА (1955)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси (1998 йилдан), санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Дилора Муродова ўрта ёш авлод муסיқашуносларининг иқтидорли вакиллари билан бири. Унинг илмий-ижодий қизиқишлари асосан Марказий Осиё муסיқали театр тарихи ва назарияси билан боғлиқ бўлиб, илмий, оммабоп ва ўқув-услугий йўналишдаги тадқиқот, мақола, тақриз, маъруза ва телерадио чиқишларида намоён бўлди. Шу билан бир қаторда Д.Муродова ўз фаолиятини Ўзбекистон давлат консерваториясининг педагогик, маънавий-маърифий жамоатчилик ва раҳбарлик ишларига бағишлади.

Муродова (Одилхўжаева) Дилора Аҳмедовна Тошкент шаҳрида 1955 йил 16 июнда туғилди. Ёшлигидан муסיқага ихлос қўйган Дилора 1962 йили Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус муסיқа мактаб-интернатининг фортепиано бўлимига қабул қилинди. Муסיқий-назарий фанлардан аъло баҳоларга ўқиб, муסיқа назарияси бўлимида ҳам таҳсил олди. Мазкур мактабни иккита йўналиш бўйича битиргандан сўнг, 1973 йили Дилора Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетига ўқишга қабул қилинди.

1978 йили Тошкент консерваториясини имтиёзли диплом билан тугаллаган Дилора Муродова П.Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясининг аспирантурасига ўқишга киради. Таниқли муסיқашунос, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Марина Сабина раҳбарлигида «Становление и эволюция оперного жанра в Республиках Средней Азии и Казахстана» мавзuidaги номзодлик диссертациясини ёзди ҳамда 1989 йили ҳимоя қилиб, санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлади.

1982 йилдан Д.Муродованинги фаолияти Тошкент давлат консерваторияси билан чамбарчас боғлиқ. У муסיқа тарихи кафедраси ўқитувчисидан доцент, профессор (2003й.) лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ташкилий ва жамоат ишларида жонбозлик

кўрсатиб, 1982-1986 йилларда факультетлараро талабалар илмий-тадқиқот ва ижодий ишлари бўйича масъул, 1989-1999 йилда аспирантура бўлими бошлиғи, 2000-2005 йилларда консерваториянинг илмий-ижодий ишлар бўйича проректори, 2005-2013 йилларда ректор вазифаларида фаолият кўрсатди.

Дилора Муродованинг илмий-ижодий ишлари республикада мусиқа санъати ва маданияти, шунингдек, Ўзбекистон композиторлик ижодиёти, ўзбек мусиқали театри тарихи, олий таълим масалалари каби долзарб мавзуларга бағишланган бўлиб, ўзбек ва рус тилларида битилган турли жанрдаги мақолаларда ўз аксини топди. Жумладан, «К проблеме возникновения камерной оперы в Узбекистане» (Вопросы музыки и эстетики. Т., 1980), «К вопросу об общих закономерностях развития оперного жанра в республиках Средней Азии и Казахстане» (Актуальные проблемы современной музыки. Т., 1981), «Опера и музыкальная драма: изоляция или взаимодействие?» (Взаимообогащение музыкальных культур стран СНГ. Проблемы музыкального театра. Т.2. М., 1994), «Мусиқа театрининг аънаналарига доир» (Ўзбекистон санъати, 1981, № 11), «Опера ва мусиқали драма» (Ўзбекистон санъати, 1982, № 11), «Марказий Осиёда мусиқали театр тараққиёти муаммолари» (Шарқ тароналари. Халқаро фестивалъ йўлдоши. Самарқанд, 1997, № 3 - ўзбек ва инглиз тилида), «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» (Шарқшунос, 1997, № 3), Мусиқа санъатидан нурланган маскан» (Таълим тизимининг маънавий-маърифий масалалари. Т., 2001), «Мустақиллик даври Ўзбекистон композиторлик ижодиёти тўғрисида» (Мусиқа ижодиёти масалалари. 2-китоб. Т., 2002 й.). Д.Муродованинг замонавий мусиқа масалаларига бағишланган ва илмий асосланган фикрлари «Театр» журналидаги «Санъаткорнинг сирли калити», «XX аср Ўзбекистон санъатининг Истиқбол тимсоллари» китобидаги «Санъат ғунчалари» бобида, «Шашмақом аънаналари ва замонавийлик» Халқаро илмий амалий конференция материалларида «Шашмақом ва замонавий мусиқий таълим» мақоласи (2005 йил), «Мусиқа санъати ва замонавийлик» Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий амалий конференцияси материалларида «Создание учебно-методической литературы – веление времени» (2008 йил) мақоласидан кенг ўрин олган.

Д.Муродова талайгина тадқиқот, номзодлик ва докторлик диссертацияси, дарслик, мақолалар тўплами, ўқув қўлланмаларига муҳаррир ва тақризчи сифатида жалб қилинган. Мустақиллик

даврида унинг илмий изланишлари фаоллашиб, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган конференцияларда, янги нашрларда ўз ифодасини топмоқда.

ЗАМИРА МИРОЛИМОВА (1944)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, созанда, композитор Замира Мирוליмова Маҳкам қизи республикада замонавий мусиқа санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

З.Мирוליмова 1944 йилнинг 14 августида Тошкентда туғилди. 1951 йилда Р.М.Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернатига ўқишга кириб рубоб синфида таҳсил олди.

Замира бастакорликка қизиқиб 1960 йилдан бошлаб профессор Б.Зейдман синфида композиторлик мутахассислигидан ҳам сабоқ ола бошлади. 1962 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик тайёрлов бўлимига ўтказилди.

1964-1966 йилларда ўқиш билан бир пайтда Ўзбекистон радиоси қошидаги хор жамоасида ишлади. Тайёрлов бўлимини тугатиб, ўзбек халқ чолғулари факультетида рубоб чалишдан сабоқ олди ва 1972 йили муваффақиятли битирди. 1971-1977 йилларда хореография билим юрти ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультетида рубоб ва фортепиано бўйича дарс берди.

1976 йили З.Мирוליмова Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги Ўзбек халқ чолғулари оркестрига рубобчи-созанда вазифасига таклиф қилинди. Оркестрда ишлаб юрган кезлари кўшиқ ва чолғу куйларини басталади.

1980 йили З.Мирוליмова Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида ўқишга кирди. Гиенко синфида сабоқ олди, давлат имтиҳонига чанг ва симфоник оркестр учун «Концерт-диалог» ёзди. 1986 йилдан Ўзбекистон радиосининг мусиқа бош таҳририятида дастлаб муҳаррир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари, кейинчалик бош муҳаррир лавозимида фаолиятини давом эттирди.

Мусиқани, журналистикани мукамал уққан Замира «Бастакор», «Ёш ижодкорлар радиоклуби», «Созингни соз эт»,

«Композиторлар ижодхонасида» номли рукнларни ташкил қилиб, бастакор ва композиторлар, ёш хонанда ва созандалар ижодини тарғиб қилди.

Замира Миролимова муסיқа мактабида ўқиб юрган кезларида, айниқса, консерваторияда таҳсил олаётганида муסיқанинг турли жанр ва шаклларида ижод қилиб, қуйидаги асарларни яратди: «Фортепиано учун пьесалар», «Йил фасли» пьесаси, вариация, скерцо, вальслар, гобой, кларнет, скрипка, рубоб, дутор ва фортепиано учун куйлар, скрипка ва фортепиано учун «Сўзсиз кўшиқ», рубоб учун «Хотира» куйи, скрипка, виолончель ва фортепиано учун «Трио», торли кватрет учун сюита, «Скрипка ва фортепиано учун соната», торли камер оркестр учун уч қисмли «Сюита», кашқар рубоби ва халқ чолғу оркестри учун «Поэма», ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Концерт», Ҳ.Ғулом сўзларига «Ватан посбонларига» номли баллада ва «Жаҳонга тинчлик» ораторияси, шоирлар Т.Тўла, Ҳ.Ғулом, З.Обидов, П.Мўмин, Н.Нарзуллаев, В.Саъдулла, Ё.Мирзо, М.Юсуф, Г.Нуруллаева, Ҳ.Аҳмедова ва Ғайратийларнинг сўзларига кўшиқ ва ашулалар басталади.

НИКОЛАЙ МИРОНОВ (1870-1952)



Ўзбекистон халқ артисти, этнограф, дирижёр, моҳир педагог ва ташкилотчи, композитор Николай Миронов Туркистон Республикаси ташкил топгандан умрининг охиригача замонавий ўзбек профессионал муסיқа санъати ривожланиши учун хизмат қилди.

Миронов Николай Назарович 1870 йилда Россиянинг Самара губерниясининг Воскресенский қишлоғида туғилди. Ота-онасининг вафотидан сўнг Самара шаҳрига келиб, дамли чолғулар оркестрига шогирд бўлиб ишга киради. 1891 йили Москва консерваторияси қошидаги ҳарбий дирижёрлик факультетига ўқишга киради. 1896 йили консерваторияни битириб, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида жойлашган рус кўшинлари дамли чолғулар оркестрига дирижёр (капельмейстер) этиб тайинланади. Шу билан бирга маҳаллий халқ муסיқаси билан қизиқди, ўрганишга интилди. 1904 йили Фарғона водийси, Етти сув ва Шарқий Сибирга саёҳат қилиб, турли халқлар куйларини нотага ёзиб, ўз ижодида фойдаланишга ҳаракат қилади. 1906 йили Н.Миронов Тошкент ҳарбий гарнизонининг намунали

дамли чолғулар оркестрига бадий раҳбар ва бош дирижёр лавозимига тайинланади. У зиёлилар ва санъаткорлар томонидан 1885 йилда ташкил қилинган Тошкент Муסיқий театр жамиятига аъзо бўлади. Миронов хор ва симфоник оркестрни ташкил этиб, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижонларда концертлар берди. У романс ва якка чолғулар учун куйлар қаторида «Боярин Орша», «Русские женщины», «Цыгане», «Коробейники» каби операларни ҳам яратди.

Н.Миронов 1918 йили ташкил топган «Туркистон халқ консерваторияси» кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. В.Успенский бошчилигида иш бошлаган «Муסיқий этнография ва театр» бўлимига Н.Миронов ўринбосар этиб тайинланди. Ўзбек санъаткорларидан 1922 йили «Этнографик муסיқий ансамбль» тузиб, Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида ва Москвада 1926 йилда 80 та концерт беришди. Шу йиллари у яна Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Кавказ, Сибирь ва Монголия бўйлаб фольклор-экспедицияларини ташкил этиб, 2000 дан ортиқ кўшиқ ва куйларни нотага ёзиб олишга муваффақ бўлди.

1928 йили профессор А.Фитрат ва Н.Миронов зиммасига Самарқанд шаҳрида «Муסיқа ва хореография илмий-тадқиқот институти»ни ташкил қилиш вазифаси юкланди. Институт фаолияти уч йўналишда жорий қилинди. Яъни, ўзбек халқ ва Оврўпа чолғу асбобларида талабаларни ўқитиш, миллий ва Оврўпа рақсларини ўргатиш, муסיқа меросини ўрганиш ва тарғибот қилиш. Миллий муסיқий меросни талабаларга (аспирантларга) ўргатиш ниятида у Бухоро, Хоразм ва Фарғона водийсидан машҳур санъаткорларни, Россиядан айрим мутахассисларни ишга таклиф қилди. Ўзбек ва татар тилларида «Бошланғич муסיқа назарияси» дарслигини тайёрлади. «Музыка узбеков» (Самарқанд, Москва, 1929 г.), «Обзор Музыкальных культур узбеков и других народов Востока» (Самарқанд-Москва, 1931 г.), «Музыка таджиков» (Москва, 1932г.) китобларни нота мисоллари билан ёзди ва унинг раҳбарлигида талабалар М.Ашрафий Бухоро, Ш.Рамазонов Хива ва Т.Содиқов Фарғона халқ кўшиқларини нотага ёзиб олишди ва бунинг натижасида 1931 йили Тошкентда «Песни Ферганы, Бухары и Хивы» номли тўплам чоп этилди. Н.Миронов раҳбарлик қилган мазкур институтда М.Ашрафий, М.Бурҳонов, Т.Содиқов, Ш.Рамазонов, А.Ҳалимов, Д.Зокиров, М.Левиёв, М.Насимов, Ф.Шамсуддинов, Б.Иноятов, Н.Ҳасанов, Ш.Соҳибов, Ф.Шаҳобов ва бошқалар ўқишган.

Н.Миронов 1929 йили ташкил топган Муסיқали драма театри қошидаги студияда муסיқа назариясидан сабоқ берди. Театр репертуарини бойитишда драматург ва бастакорлар билан ҳамкорликда муסיқали драмалар яратишга муваффақ бўлди. Жумладан, у Т.Содиқов билан «Пўртана» (С.Абдулла пьесаси), Т.Жалилов билан «Тоҳир ва Зуҳро» (С.Абдулла пьесаси), Ю.Ражабий билан ҳамкорликда яратилган «Қўчқор Турдиев» номли муסיқали драмалар унинг номи билан боғлиқ. 1936 йили Т.Жалилов Ўзбек филармонияси қошида ташкил қилинган Ўзбек халқ чолғулари ансамбли созандаларини нота ёзувини ўргатишда кўмаклашди ва улардан «нотали оркестр» тузди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1928 йили Самарқанд илмий-тадқиқот институтда Н.Мироновдан бироз сабоқ олган. Н.Миронов М.Ашрафий билан ҳамкорликда Шота Руставели достони асосида «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» номли вокал-симфоник поэмани ёзди. Ўзбек, рус, тожик, мўғул, қолмиқ ва бошқа халқлар муסיқасини фортепиано, хор, турли чолғулар, ансамбллар, ўзбек халқ чолғу ва симфоник оркестрлар учун қайта ишлаб, уларга мослаштирди.

Н.Миронов замонавий, ўзбек профессионал муסיқа санъатини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун 1930 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1937 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари билан тақдирланган.

МУХТОРЖОН МУРТАЗОВ *(1909-1994)*



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, созанда, хонанда ва бастакор Мухторжон Муртазов забардаст санъаткорларимиздан бири. Бастакорнинг турли мавзуларда, классик ва замондош шоирларнинг шеърларига басталаган ранг-баранг, жозибали кўшиқ ва ашулалари, сахна учун ёзган муסיқаси ва моҳир ижрочилик фаолияти XX аср ўзбек муסיқаси тарихида ўчмас из қолдирди.

Мухторжон Муртазов Қўқон шаҳрида 1909 йилда туғилди. Табиат унга ажойиб овоз берган экан, кунларнинг бирида таниқли Маҳрам ҳофизга дуч келиб қолади. Унинг жаранглаган овозини эшитган устоз ўспиринни янги ташкил этилган интернатга

жойлаштириб, ундан хабар олиб туриб, мурувват кўрсатди. Мухторжон мактабда ҳаваскорлик тўғарагида ғижжак ва дутор чалишни ўрганди, йил сайин барча қолган чолғуларни ҳам ўзлаштирди. Очiq концертларда кўшиқ айтиб юрди. 1928 йили Қудаш тумани (ҳозирги Ўзбекистон тумани) халқ маорифи бўлими ҳузурида ташкил қилган ансамбль ғижжакчиси Қодиржон Ҳамдамов ва бошқа иштирокчилар ёш Мухторжонни ўз бағрига олишди. Тез орада у хонанда ва созанда сифатида оммага танилди, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Бир оз вақт ўтгач, уни Қўқон шаҳар темир йўл театрига мусиқа раҳбари вазифасига таклиф этишди ва 1933 йилга қадар у ерда ишлади. Сўнгра Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар мусикали драма театрига ишга таклиф қилишади. Ушбу театр унинг учун ҳақиқий ижод мактаби бўлди. Бу даргоҳда ажойиб санъаткорлар билан бирга ишлади, яқин мулоқотда бўлди. Маҳаллий шоирларнинг сўзларига 1936-1940 йилларда ёзган «Бўлсин омон», «Бир ишва билан», «Эй, гўзал», «Обод ўлкам», «Жон жўражоним», «Йигит кўшиғи», «Хур диёр», «Умринг зиёда бўлсин», «Каналим», «Ватанга муҳаббат» каби кўшиқ ва ашулаларини театр артистлари, жумладан, бу театрга эндигина келган Валижон Ҳамроев, Муроджон Аҳмедов, Сабохон Каримовалар илк бор ижро этишди.

М.Муртазоев Иккинчи жаҳон уруши йилларида тинимсиз ижодий изланишлар билан шуғулланди. Унинг жанговар «Ватаним», «Тор-мор айлай бугун», «Мактубингизни олдим», «Вафодорлар», «Малоҳат» ва бошқа кўшиқлари жангчиларни ва фронт ичкарасидаги азамат меҳнаткашларни мардликка, вафодорликка ва садоқатликка ундади. Уруш йилларида у Тошкент вилояти Янгийўл мусикали театрига чақириб олинди ва Юнус Ражабий раҳбарлигида ишлаб, халқ мусиқа хазинаси билан янада чуқурроқ танишиш шарафига муяссар бўлди. У 1945-1957 йилларда Муқимий номидаги ўзбек мусикали драма театрида концертмейстер, республика радиосида ашула муаллими вазифаларида ишлади ва яна Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар мусикали драма театрида мусиқа раҳбари, Қўқон шаҳар халқ театри ҳузуридаги мақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари бўлиб ишлади.

Устоз санъаткор М.Муртазоев ижрочилик ва раҳбарлик ишлари билан бир қаторда йиллар давомида ижод қилиб, турли мавзуларда, классик ва замондош шоирларнинг шеърларига ранг-баранг, ширали кўшиқ ва ашулаларни яратди. Жумладан, «Ўртама» ва «Гулзор макон» (Навоий ғазали); «Бизни ташлаб» (Мискин ғазали); «Жоним

ила жоним» (Фузулий сўзи); «Айладинг, кўйдинг» (Муқимий ғазали); «Бир ишва билан» (С.Абдулло сўзи); «Қасамёд», «Эй, кўнгил», «Булбулларинг», «Тасаддукман», «Жафо ҳам қилмадинг» (Чустий сўзи); «Жоним эрусан» (Камтар сўзи); «Бахт толе то абад ул дилбарим қошиндадир», «Барнолигингиздан», «Вафодорлар», «Сунбулларингдан», «Ўргилай», «Ўн саккиз ёшиндадур» (Чархий сўзи) ва бошқа 100 га яқин кўшиқлар куйлаб, хонандаларнинг репертуаридан жой олдилар. Хусусан машҳур халқ хофизлари О.Имомхўжаев, К.Мўминов, А.Охуновларнинг репертуарларидан ҳам жой олган. М.Муртазоев куйидаги сахна асарларига мусиқа басталади: «Дўстлар» (Уйғун пьесаси); «Қумрининг муроди» (Ж.Машрабий пьесаси); бастакор ва дирижёр Дехқонбой Жалилов билан ҳамкорликда «Ишқ-обод» (С.Абдулло пьесаси), «Холисхон» (Ҳамза пьесаси). Ажойиб инсон, катта истеъдод соҳиби, бастакор, хонанда ва созанда Мухторжон Муртазоев ўз санъати билан халқ дилида ва мусиқа санъатимиз тарихида чуқур из қолдирди.

ЗАКИЯ МИРҲАЙДАРОВА (1949)



Санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи кафедраси доценти, мусиқашунос Закия Мирҳайдарова ўзбек операси тараққиёти ва чет эл композиторларининг ижодиётини ўзида мужассамлаган илмий назарий ва оммабоп мақолалари билан замонавий мусиқашунослик фанига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мирҳайдарова Закия Мирҳамидовна 1949 йил 14 майда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1964-1967 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида мусиқа назарияси ва хор дирижёрлиги бўлимларида ўқиди. 1967 йилда Тошкент давлат консерваториясининг мусиқашунослик факультетига ўқишга кириб 1973 йили доцент В.З.Плунгян раҳбарлигида «Киномузыка в творчестве Р.Вильданова» мавзуидаги диплом иши билан битирди. 1974-1977 йилларда Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Н.С.Янов-Яновская илмий раҳбарлигида консерваториянинг аспирантурасида таҳсил олди. 1974 йилдан консерваториянинг

муסיқа тарихи ва танқидчилиги кафедрасида ўқитувчи, 1985 йилдан доцент вазифасида ишлаб келмоқда.

Муסיқашунос З.Мирҳайдарова қатор илмий назарий, илмий услубий ишлар, турли мавзулардаги мақолалар, буклет ва аннотациялар муаллифидир. «Музыка в драматическом театре Узбекистана» автореферати (Т.,1981) ва монографияси (Т.,1986), «Роль музыки в драматических спектаклях», «Путеводная звезда», «Шестого июля» (в сборнике «Теоретические проблемы Узбекской музыки» Т., 1976), («Музыка в драматическом театре» (Журнал «Звезда востока» № 4 1979) мақолалари, «Итальян операси ва Оврупа опера йўналишлари» (2006), «18 аср муסיқа театрининг ривожланиши. Франция, Германия, Австрия.» (2007), «Жаҳон халқлари муסיқа санъатининг ривожланиш жараёни» (2009) ўқув қўлланмалари, кўплаб аннотациялар муסיқашунос қаламига мансуб.

УЛУҒБЕК МУСАЕВ¹ (1948-2000)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Республика Давлат мукофоти совриндори Улуғбек Мусаев ҳассос ижодкор, раҳбар ва жамоат арбоби сифатида юртимизда кенг танилган.

Улуғбек Раззоқович Мусаев 1948 йил 12 сентябрда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида таваллуд топди. Ёшлигидан муסיқага меҳр қўйган Улуғбек 1962 йилда М.Харратов номидаги Урганч муסיқа билим юртига ўқишга киради. 1964 йили Ўзбекистон давлат консерваториясининг тайёрлов курсига ўқишга кириб, композиция ихтисослиги бўйича профессор Борис Гиенко синфида таҳсил олди. Ўзининг истеъдоди ва билими билан консерватория ўқитувчилари ва талабалари орасида хурмат қозонди. Бу давр мобайнида У.Мусаев кўшиқлар, романслар, турли чолғу асбоблари ва фортепиано учун пьесалар, Лутфий сўзларига «Ғазаллар» вокал-симфоник туркуми, симфония-поэма ва бошқа кўпгина асарлар яратди.

У.Мусаев яратган бир қатор асарлар республика ва халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаган. Хусусан, 1968 йилда яратилган «Навоий хотирасига» фортепиано триоси ёш композиторларнинг Республика танловида биринчи ўринни, скрипка

¹ Мақола муаллифи Ҳабибулла Раҳимов

ва фортепиано учун ёзилган 3 қисмли сонатинаси эса 1969 йилда Москвада ўтказилган танловда совринли ўринни эгаллади.

1972 йилда У.Мусаев консерваторияни Э.Раҳим либреттоси асосида ёзилган «Мангулик» операсининг муқаддимаси билан муваффақиятли тамомлади. Кейинчалик бу опера тўлиқ кўринишда Навоий номидаги опера ва балет театрида сахналаштирилди. Операнинг алоҳида лавҳалари Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси пленумида ҳам муваффақият билан ижро этилиб, Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Ёш композитор мустақил ижодкорлик ишини муаллимлик фаолияти билан боғлаб борди. Дастлаб Урганч мусиқа билим юртида, 1975 йилдан эса Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида ўқитувчилик қилди. 1982-1991 йилларда У.Мусаев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси котиби, 1992-1995 йилларда эса раис вазифасида фаолият юритди.

Композитор турли жанрларда сара асарлар яратди. Бирин - кетин яратилган «Байрамона» симфоник поэмаси, фортепиано ва оркестр учун «Поэма», турли чолғулар таркиби учун камер асарлар, романслар, кўшиқлар, «Халққа қасида», «Ғалабага қасида», «Шон-шараф» қасидалари композиторнинг ижодий етуклик даврини ташкил этади.

У.Мусаев айниқса мусиқали театр соҳасида катта муваффақиятларга эришди. «Мангулик», «Робия» опералари, Ш.Рашидовнинг «Кашмир кўшиғи» достони асосида «Ҳинд достони», «Тўмарис», Навоий «Ҳамса»си асосида «Поэтик миниатюралар», «Электра» балетлари композиторнинг йирик сахна асарлари қаторига киради. Айниқса, унинг балетлари халқаро миқёсда шуҳрат қозонган.

Композиторнинг «Афсоналар водийси» балети 1978 йилда опера ва балет театрида сахналаштирилди, кейинчалик эса Москва Катта театрида «Ҳинд достони» номи билан Ю.Григорович раҳбарлигида балетмейстерлар Р.Папко ва Ю.Скот томонидан қайта кўйилиб, томошабинлар ва санъат аҳли томонидан юқори баҳоланди. О.Узоқов либреттоси асосида яратилган «Тўмарис» балети эса биринчи маротаба 1981 йилда Қирғизистонда Катта опера ва балет театрида бош балетмейстер Уран Сарбагишев томонидан сахналаштирилди. 1984 йилда эса балетмейстер И.Юсупов томонидан Тошкентда кўйилди. Композитор яратган ҳар бир сахнавий асар республиканинг мусиқий ҳаётида катта қувончли воқеага айланарди.

Бунга нафақат юқорида тилга олинган балетлар, балки «Поэтик миниатюралар» балети ҳам ёрқин мисол бўла олади. Бу балет ҳам «Тўмарис», «Ҳинд достони» сингари Навоий номидаги опера ва балет театри балет труппаси томонидан Германия, Малайзия, Австралия, Россия, Қозоғистон каби кўпгина мамлакатларда намойиш этилди.

Улуғбек Мусаев ҳозирги замон ўзбек профессионал музика санъатига улкан ҳисса қўшган ижодкорлардандир. У 1981 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони ва 1983 йилда Республика Давлат мукофотига мушарраф бўлди.

ГЕОРГИЙ МУШЕЛЬ (1909-1989)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, устоз, рассом ва композитор Мушель Георгий Александрович XX аср ўзбек музикаси тарихида теран из қолдирди. Бу ажойиб инсон халқимиз турмуши, маданияти ва музикаий меросини, ўлкамизнинг табиатини ўрганиб, асарлар яратиш ва ёш кадрларни тайёрлаш билан банд бўлди. Г.Мушель биринчилар қаторида ўзбек композиторлик ижодиётининг турли шакл ва жанрларида ноёб асарлар яратиб, бу соҳада катта мерос қолдирди.

Мушель Георгий Александрович Россиянинг Тамбов шаҳрида 1909 йилнинг 15 июлида туғилди. Болалик чоғларида мактабга қадар онаси бошланғич умумий таълимни бериб, фортепиано чалишни ўргатган. 1920 йилларнинг бошидан умумтаълим ва музика мактабида ўқиди. 1925 йили Тамбов шаҳар музика техникумининг фортепиано бўлимига ўқишга киради ва шу ерда музика басталашга ҳам интилади. 1930 йили синов имтиҳонларини топшириб, Москва консерваториясига ўқишга киради. Мазкур даргоҳда композициядан аввал профессор Н.Я.Мясковский, кейинчалик М.Ф.Гнесин, фортепианодан профессор Л.Н.Оборинлардан сабоқ олди. Талабалик даврида у концертларда яқка созанда ва концертмейстер сифатида тез-тез чиқиб, музика жамоатчилигига танила бошлади.

1936 йили Г.Мушель Москва консерваториясининг композиция ва фортепиано мутахассисликлари бўйича муваффақиятли битириб, музикашунос Я.Б.Пеккер билан йўлланма бўйича Тошкентда янги ташкил этилган консерваторияга ишга қабул қилинади.

Консерваторияда муаллим сифатида у умрининг охиригача босқичма-босқич профессор лавозимигача катта йўлни босиб ўтиб, бир қатор шогирдларни тайёрлади. Улар орасида О.Ҳалимов, П.Холиқов, Т.Ҳасанов, Х.Азимов, Г.Демесинов, А.Ҳошимов, Қирғизистондан С.Осмонов, М.Бурштин, Туркменистондан К.Кулиев, Тожикистондан Я.Сабзанов ва бошқалар.

1936 йилда В.А.Успенский Г.Мушель билан ҳамкорликда «Фарҳод ва Ширин» мусикали драмасини қайта ишлаб сахнага қўйилиши ёш композитор учун муҳим ижодий мактаб вазифасини ўтади.

Нодир истеъдод соҳиби, салоҳияти бой композитор Г.Мушель Ўзбекистонда яшаб ижод қилган, рус композиторлари орасида масъулиятни сезадиган, изланувчан ижодкор сифатида танила борди. У замонавий Ўзбекистон мусиқа санъатининг ривожланиш уфқларини кенгайтиришга, мусиқий асарнинг ифода воситаларини бойитишга интилиб, Шарқ билан Ғарб анъаналарини боғловчи омилларга таянган ҳолда улкан ижодий ютуқларга эришди, десак муболаға бўлмайди. Яна шуни айтиш жоизки, Г.Мушель биринчилардан бўлиб чолғу мусиқасининг энг мураккаб жанрларини қўллаб, учта симфония (1938, 1941, 1942 йй.), фортепиано ва симфоник оркестр учун 6 та концерт (1936, 1943, 1946, 1950, 1951, 1962 йй.), скрипка ва симфоник оркестр учун концерт (1959 й.) яратди. 3 та симфония, 1 - фортепиано концертидан ташқари унинг қолган барча асарлари ўзбек мусиқа мероси намуналаридан иқтибос келтириш, асосан унинг оҳанг, вазн, усул ва парда хусусиятларидан фойдаланган ҳолда гармоник, полифоник воситалар билан уйғунлаштира олди. Композиторнинг ёрқин мусиқий асарлари ўзбек профессионал мусиқа ижодкорлигини оламшумул даражага кўтаришга муваффақ бўлди. Машҳур дирижёрлар, пианиночи ва скрипкачилар, ўқитувчи ва талабалар Г.Мушелнинг асарларини ўз ижро дастурларига киритганлар. Композиторнинг 2, 3 ва 4-фортепиано концертлари «Ўзбек филармонияси симфоник оркестри» жўрлигида илк бор ижро этилган бўлса, 1951 йили Москва консерваториясининг катта концерт залида 1-симфонияси Тошкент консерваториясининг доценти пианиночи Ш.Рохлина ижросида, 4-фортепиано концерти симфоник оркестр жўрнавозлигида (дирижёр А.Ф.Козловский) янграганда тингловчилар қизгин кутиб олдилар. Шу концерт таассуротлари туфайли Москва консерваторияси пианиночи ўқитувчилари унинг ижодига қизиқиб қолишади. Шундан сўнг, 4-

фортепиано концертини Д.Башкиров. И.Аптекарев, 2- ва 4- фортепиано концертларини Рудольф Керер Москвада, Ленинградда, Тошкентда, Бокуда, Украинада, Россияда, Беларусияда, Болтиқ бўйи республикаларида, Болгарияда, Чехословакияда, Польшада, Германияда, Японияда, Англияда, Францияда намойиш этдилар. Чет эл мусиқа жамоатчилигида ҳам композиторнинг ижодига қизиқиш ортиб борди ва грамофон ёзувлари орқали кўпайтирилди.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Украинадан Тошкент консерваториясига орган чолғуси тухфа қилинди. У ўқув юртининг кичик залига ўрнатилди. Ўрта Осиё тарихида бу орган чолғуси билан Г.Мушель биринчи бўлиб ўзбек куйлари асосида «Ария», «Токката», «Фуга» уч қисмли сюита, орган ва виолончель учун поэма; 6 та пьесадан иборат: «Баллада», «Интермеццо», «Токката», «Элегия», «Прелюдия», «Фуга»лардан «Орган учун альбом» яратди. Бу асарлар Лондон, Варшава, Берлин, Рига, Таллин, Москва, Ленинград шаҳарларида ижро қилинмоқда, ўз вақтида пластинкаларга ҳам ёзилган.

Г.Мушель турли чолғулар, чолғу ансамбллари, айниқса, фортепиано учун турли чалишга осон ва мураккаб асарлар яратди. Улар орасида скрипка ва фортепиано учун иккита сюита, соната; виолончель ва фортепиано учун «Соната»; флейта ва фортепиано учун соната, сонатина, учта пьеса; торли чолғулар квинтети учун иккита сюита; фортепиано учун 24 та «Прелюдия ва фуга» туркуми, «Розовая сонатина», 26 та пьеса; «Раққоса» балети мусиқаси асосида сюита, болалар учун альбом; токката, 4 қўл учун пьеса ва сюита; икки рояль учун иккита сюита; симфоник оркестр учун «Мусиқали вернисаж» ва 6 та миниатюра, Ҳамза куйлари асосида сюита каби асарлари концертларда ижро этилмоқда. Унинг кўшиқ ва романслари орасида Зулфия шеърларига 6 та романс, «Незабываемая» романслар туркуми; ўзбек ва рус замондош шоирлар сўзларига «Ўзбекистон» тўплами, рус шоирлари шеърларига романслар, Навоий шеърига «Элегия», Огнецвет сўзига «Голубое небо», «Застольная песня» кўшиқлари ва «Баллада о Днепре», болалар хори учун кўшиқлар мисол бўла олади. А.Лугин сўзига «Фарходстрой» кантатасини ҳам ёзган.

Г.Мушель ижодида мусиқий сахна асарлари ҳам муҳим ўрин тутди. У мусиқали драмаларни ёзишда бастакорлар билан ҳамкорлик қилган. Ю.Ражабий билан «Муқанна» (Ҳ.Олимжон пьесаси, 1944 й.), В.Успенский билан «Ёрилтош» (Ш.Саъдулла пьесаси, 1944 й.),

Х.Тўхтасинов билан «Офтобхон» (К.Яшин пьесаси, 1953 й.), Ю.Ражабий билан «Фарход ва Ширин» (К.Яшин пьесаси, 1954 й.), Т.Жалилов билан «Муқимий» (С.Абдулла пьесаси. 1954 й.), «Равшан ва Зулхумор» (К.Яшин пьесаси 1958 й.), «Гул ва Наврўз» (С.Абдулла пьесаси, 1966 й.), Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» драмасига мусиқа басталаган.

Ўзбекистонда балет санъатини ривожлантириш борасида Г.Мушель баракали ижод қилди. У 1948 йили Е.Барановский либреттосига «Гулнора» балетини ёзди. У Навоий номидаги опера ва балет театрида сахна юзини кўрди. 1952 йили балет янги тахририда «Раққоса» деб аталди. Г.Мушель хитой халқ эртаклари асосида С.Зельцер ва С.Димонтлар либреттосига «Туфелька Дин» номли балет мусикасини ёзди ва 1959 йили Челябинск опера ва балет театрида сахналаштирилди. Навоий номидаги Академик катта опера ва балет театри Г.Мушелнинг «Кашмир афсонаси» балетини 1961 йили томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Ш.Рашидовнинг «Кашмир кўшиғи» асосида либреттони композиторнинг ўзи тузган. 1968 йили Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигига атаб Г.Мушель режиссёр О.Узоқов либреттоси асосида «Бибихоним» балетини ёзди. «Самарқанд афсонаси» номи билан балет сахна юзини кўрди.

Мушель Георгий Александрович тасвирий санъатда ҳам ёрқин из қолдирди. У чизган ажойиб картина композиторнинг ижодига бағишланган кечаларда кўрсатилар, улар ҳеч кимни бефарқ қолдирмас эди. Томошабинлару профессионал мусаввирлар унинг рангтаъсир асарларига юқори баҳо бериб, ўз таассуротларини изҳор этганлар.

Республикамыз замонавий профессионал мусиқа санъатини ривожлантиришдаги улкан хизматлари муносиб тақдирланган.

АБДУРАҲИМ МУҲАМЕДОВ **(1923-1980)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор А.Муҳамедов XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У ўзига хос овози билан мусиқа ижодкорлигига 1950-йилларда кириб келди. Унинг яратган ажойиб лирик, оммабоп хор қўшиқлари, миллий услубда ёзган симфоник ва

музикий саҳна асарлари замонавий маданиятимизни бойитди.

Абдурахим Муҳамедов 1923 йили 10 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. Туғма истеъдод эгаси тасвирий санъат ва муסיқа билан қизиқади, қалам ва мойбўёқда ҳар хил расмлар чизади. Ҳаваскорлик тўғарагида мандолина, домбра, дамли чолғулардан альт, баритон чалишни ўрганади ва оркестрда қатнашди. 1938 йили 7-синфни битириб, Тошкент саноат техникумининг химия-технология бўлимига ўқишга киради. Ўқишни 1942 йилда битиргач, ҳарбий хизматга чақирилди ва Жанубий Украина fronti жангларида қатнашди. 1943 йилда оғир ярадор бўлди. 1944 йили Тошкентга қайтиш унга насиб этди. Бир йилдан сўнг ўзбек давлат филармонияси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига ишга қабул қилинади. 1952 йили Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига ишга ўтади. Оркестрда ишлаб юрган кезлари 1946-1950 йилларда Тошкент муסיқа техникумининг ўзбек халқ чолғулари бўлимида ўқийди ва муסיқа басталашга қизиқади. С.Бобоевнинг дўстона маслаҳати билан у 1948 йилдан бошлаб Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов бўлимида композиторлик мутахассислигидан сабоқ олади. 1950-1955 йилларда асосий босқичида профессорлар Б.Б.Надеждинда композициядан, А.Козловскийда чолғулаштиришдан таълим олади. «Ёшлик» симфоник поэмаси билан ўқишни битиради. Ёш мутахассис йўлланма билан Ўзбекистон Маданият вазирлиги Санъат бош бошқармасида инспектор вазифасидан иш бошлади. 1956-1957 ўқув йилида Тошкент давлат хотин-қизлар педагогика билим юртида муסיқа ўқитувчиси, 1958-1960 йилларда Тошкент телестудиясида муסיқа муҳаррири бўлиб ишлади. 1960-1965 йилларда яна санъат бош бошқармасида муҳаррир, муסיқа бўлими бошлиғи, репертуар бўлими аъзоси лавозимларида ишлади. 1965-1972 йиллари А.Муҳамедов ўзбек давлат филармониясининг тарғибот бўлимида, 1972-1974 йиллари Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муסיқа муҳаррири бўлиб ишлади. 1974-1975 ўқув йилида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг музикий педагогика факультетида муסיқа назариясидан дарс берди. 1975-1977 йилларда ўзбек давлат филармонияси қошида янги ташкил этилган «Гўзал» ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри вазифасида ишлайди.

А.Муҳамедов композитор сифатида шаклланишида ўзбек халқ муסיқаси ва унинг намояндалари, ўзи ишлаган ўзбек халқ чолғу

оркестрлари, рус, оврупо классик композиторлари ҳамда ўзбек композиторларидан М.Бурҳонов, М.Левиев, Д.Зокиров, С.Юдаковларнинг ижоди катта роль ўйнади. Уларнинг таъсири остида А.Муҳаммедов ижоди шаклланган бўлсада, изланиб, ноёб муסיкий асарлар яратишга ҳаракат қилади ва ўз услубини топади.

А.Муҳаммедов ижодий фаолиятининг илк давридан бошлаб, замон руҳига мос кўшиқлар яратишга эътиборини қаратди. Унинг ижодида кўшиқ жанри етакчи ўрин эгаллайди. У кўшиқларини асосан замондош ўзбек шоирлари П.Мўмин, З.Обидов, Камтар, Миртемир, А.Бобожонов, З.Диёр, Т.Тўла, Я.Қурбон, Э.Охунова, Мирмуҳсин, Н.Орифжонов, А.Нурмуҳаммедовлар билан ҳамкорликда яратди. Улар ўз замондошларининг меҳнат жасоратларини, ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, тинчлик учун курашни, ёшларнинг севги ҳис-туйғуларини ифодаладилар. Яккаҳон ва хор ижросида айтиладиган кўплаб кўшиқлар орасида «Жон қизлар», «Етти қиз», «Шоҳи сўзана», «Куйлайман», «Тошкент овози», «Чилонзор чиройли», «Сени эслайман», «Бир оқшом бўйдоқман», «Қирғиз қизига», «Бир наззора» лирик ва лирик-ватанпарвар кўшиқлари билан бирга хор учун «Гўзал Фарғона», «Тинчлик байроқдори», «Дилдор қиз», «Жон Ўзбекистон», «Яшна, хур Ватан», «Дўстлик кўшиғи», «Спортчилар кўшиғи» каби оммавий кўшиқлар ижрочилар репертуаридан кенг ўрин олиб, машҳур бўлиб кетган эди.

А.Муҳаммедов болалар учун ҳам жозибали, оригинал кўшиқлар яратди. Ўзбекистон радиосининг болалар учун эшиттиришлари йиллар давомида унинг «Юлдузча» кўшиғи билан бошланиб келди. Болалар ҳаётига сингиб кетган «Арча кўшиғи»сиз янги йил байрами ўтмаган бўлса керак. Ёки композиторнинг «Салимжон нимжон», «Кўғирчоғим, алла», «Капалак», «Алла», «Алла кўзичоғим», «Тантиқ қиз», «Сабоқ ол» каби кўшиқлари жажжи ижрочи ва тингловчилар қалбидан жой олган.

Муқимий номидаги муסיқали драма театрида А.Муҳаммедов қозоқ драматурглари Қ.Шанғитбоев ва К.Бойсеитовлар билан ҳамкорликда П.Мўмин асарига «Жон қизлар» (1963 й.), тожик драматурги С.Улуғзоданинг «Гавҳари шамчироқ» (1967 й.) ва П.Мўмин пьесаси асосида «Олифта» (Н.Халилов билан ҳамкорлида) муסיқали комедияларни яратди. Бу асарларни томошабинлар қизгин кутиб олишган. Уларнинг адабий мазмуни замон ёшлари ҳаётидан олиниб, қизиқарли воқеалар, тўқнашувлар, орзу-умид ва ҳис-туйғуларга бой муסיқада ёрқин ифодасини топди. Бастакорнинг

мазкур спектаклларга басталаган куйлари ёрқин оҳангдорлиги билан ажралиб туради. Айти пайтда бу композиторнинг катта истеъдодидан дарак бўлди.

НАЖИМАДДИН МУҲАМЕДДИНОВ (1937)



Қорақалпоғистон Республикаси мадҳияси муסיқасининг муаллифи, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофотлари совриндори, педагог ва жамоат арбоби, композитор Нажимаддин Муҳамеддинов 1970-йилларда ўз овози билан муסיқа ижодкорлигига кириб келди ва тез орада ёрқин асарлари билан танила бошлади. Ўзининг опера, балет, симфоник, вокал-симфоник асарлари, кўшиқлари билан замонавий профессионал муסיқа санъати ривожланишига муносиб ҳиссасини кўшди.

Нажимаддин Муҳамеддинов Тахтакўпир тумани Қораузак шаҳарчасида 1937 йилнинг 26 августида туғилди. Нажимаддин 1956 йили Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртига ўқишга киради. Бу ерда гижжак синфида бир ўқув йили сабоқ олади, сўнгра машҳур педагог Тител раҳбарлигида скрипка чалишни ўрганади. 1961 йили ўқишни битириб, Нукус муסיқа билим юртида скрипкадан ўқитувчилик қилади. Бу даврда у кўшиқ, куйлар басталай бошлади ва 1964 йили Алмата давлат консерваториясининг композиторлик факультетига кириб, профессор Е.Раҳмадиев синфида композициядан сабоқ олди ва 1971 йили ўқишни битирди.

Нукусга қайтгач, ёш мутахассиснинг машаққатли мустақил ижодий фаолияти бошланади. 1971-1977 йилларда у Бердах номидаги филармониянинг бадий раҳбари, 1977-1988 йилларда Қорақалпоғистон Бастакорлар уюшмаси хайъат раиси, 1988-1999 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазири лавозимларида ишлади. Н.Муҳамеддинов 1999 -2009 йилларда Нукус санъат билим юрти директори, 2009 йилдан Қорақалпоғистон Бастакорлар уюшмаси раиси вазифасида ишламоқда.

Н.Муҳамеддинов ижодий фаолиятининг доираси кенг ва кўп қиррали. Она юртига меҳр кўйган ва унга бутун ижодини бағишлаган композитор халқ турмуши, тарихи, муסיқа меросини ўрганиб, турли

шакл ва жанрларда ифодалашга интилки. Филармонияда ишлаган йиллари у профессионал миллий рақс ансамбли тузиб, унга кўп куйлар ёзади. Симфоник оркестр ва хор тузиб, улар учун симфоник ва вокал-симфоник асарлар басталади. Қорақалпоқ халқининг асрлар давомида чеккан жафоларини акс эттирувчи «Хонавайрон бўлган халқ» симфоник поэмаси, биринчи қорақалпоқча симфония, 2-симфония, «Қорақалпоғистон» кантатаси (Е.Раҳмонов сўзи), камер чолғу куйлардан фортепиано учун пьесалар, сонатина, вальс, соната, вариациялар; скрипка ва фортепиано учун «Кўшиқ ва рақс»; камер симфоник оркестр учун «Рўмол», «Ангалак» хореографик сюиталари, «Рақс» сюитаси; овоз ва торли кватрет учун «Нэресте» (И.Юсупов сўзи) балладаси. У яратган кўплаб кўшиқлар орасида «Саҳралар» (А.Қурбонбоев сўзи), «Қиз қиялан биласез» (Б.Сенкиязов), «Гошсан ўлкам» (Г.Сейтназаров сўзи), «Жослик» ва «Аму олтын жагыс» (Утамбетов сўзлари) «Бир дастаным, болениг» ва «Мустақиллик гуллари» (И.Юсупов сўзлари), «Ярим бар» (Ажинияз сўзи), «Бир аўызсуйемен» ва «Нокисим гоззал орайўм» (С.Даулеталиев сўзлари).

Н.Муҳамеддинов ижодий тажрибаси ва маҳорати ижодкорликнинг энг мураккаб жанри ҳисобланмиш опера ёзишга журъат қилади. XIX асрда яшаб ижод этган қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниязнинг ҳаётига бағишланган шоир, драматург У.Юсупов либреттоси асосида 1987 йили «Ажинияз» операсини ёзади. Қорақалпоқ мусиқа маданияти тарихида бу биринчи операни сахналаштириб, Бердах номидаги мусиқали театр жамоаси томонидан томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Мазкур операнинг премьераси чинакам катта маданий воқеага айланиб кетди. Н.Муҳамеддинов «Ажинияз» асаридан кейин 1997 йили «Қирқ қиз» операси ва «Айжамал» балети, 1998 йилда «Бахытлы бўлынг болалар» мусиқали драмаси ва «Тоғрыз тонқылдан ҳам бир шингилдек» мусиқали комедиясини яратди.

АБДУСАИД НАБИЕВ (1950)



Композитор Набиев Абдусаид Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1988 йили қабул қилинди. У ўзининг сара асарлари билан замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатининг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Набиев Абдусаид Сафиевич 1950 йилнинг 16 октябрида Тошкентда ўқитувчи оиласида туғилди. У 1957-1967 йилларда ўрта умумтаълим мактабда ўқиди, айти пайтда мусиқа мактабининг ўзбек халқ чолғулари бўлимида чанг чалишни ўрганди. 1967 йилдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа-педагогика факультетида сабоқ олди. Мусиқа басталашни ўрганиб, ҳар хил куйлар ёзди. Таниқли композитор Р.Вильдановдан композициядан дарс олиб, фортепиано учун «3 та пьеса» пайдо бўлди. Ўқишни битиргач, Тошкент вилояти болалар мусиқа мактабида ўқитувчилик қилди. Бироқ, мусиқа басталаш иштиёқи кун сайин ортиб борди. А.Набиев 1971 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирди. У мутахассисликдан аввал С.Жалилдан сабоқ олди, сўнгра Б.И.Зейдман синфида ўқишни давом эттирди ва 1977 йили консерваторияни муваффақиятли битирди. Ҳарбий хизматдан кейин у 6- ва 8-сон болалар мусиқа мактабида ўқитувчилик ишини давом эттирди. 1981-1983 йиллари Республика ҳарбийлаштирилган дамли чолғулар мусиқа-интернатида фортепианодан дарс берди.

1984 йили Республика ўқувчилар саройи бадиий бўлимида жўрनावоз бўлиб ишлади. 1986 йилда миллий чолғулар ансамблига бошчилик қилди. Сўнгра ўқувчилар саройида «Юлдуз» рақс ансамблида концертмейстерлик қилди. У 1971-1987 йилларда фортепиано учун пьеса, сўзсиз кўшиқ, 2 та прелюдия, рақс, токката, алла, рондо, вариациялар, вальс-миниатюра, скерцо асарларини яратди. Айниқса, машҳур ўзбек халқ куйи «Тановар»ни дутор ва танбур жўрनावозлигига ўхшатиб қайта ишлаган фортепиано пьесаси республикамиз ва чет эл пианиночилари ижросида машҳур бўлди.

Шунингдек, муаллиф скрипка, виолончель ва фортепиано учун «Трио», скрипка ва фортепиано учун «Соната», флейта ва торли квинтет учун «Тонг отиши» пьесаси, симфоник поэма, торли квинтет, гобой ва фортепиано учун пьеса, флейта ва фортепиано учун пьеса, виолончелчилар квинтетига «Сюита», хор, яккахон ва симфоник оркестр учун «Кантата», фортепиано ва симфоник оркестр учун бир қисмли «Концерт», халқ чолғулари оркестри учун пьеса, симфоник оркестр учун «Вальс», «Ўзбекча сюита», камер симфоник оркестр учун «Симфония», жўрсиз хор учун «Ёшлик кўшиғи» З.Обидов сўзи, болалар хори учун «Баҳор ҳақида кўшиқ» (А.Ҳожи сўзи) ва ўзининг шеърига «Спорт ҳақида кўшиқ», А.Носирова сўзига «Баҳор келди» кўшиғи, В.Саъдулла сўзига «Палов» кўшиғи, Ш.Одил сўзига «20

ёшим» романи, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Баёт ракси» ва «Дуторим» куйларини қайта ишлади. Республика кўғирчоқ театри учун «Фотиманинг саргузаштлари» (Н.Ҳабибуллаев пьесаси)га мусиқа басталади. Бу мусиқали эртак 1987 йил кўғирчоқ театрлари фестивалида биринчи ўринни эгаллаган. 1989 йили Сиэтл (АҚШ), 1990 йил Ҳиндистон, Покистон ва МДҲ мамлакатларида ижро этилган. 1993 йили Й.Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган «Таронинг тоғлардаги саргузашти» (Миско Мабудо, «Япон эртаклари» асосида, 1991 й.) мусиқали эртак ҳам диққатга сазовордир. А.Набиев бу спектакль мусиқасини ёзишда япон фольклорига мурожаат этган. Ўзбекфильм буюртмаси билан «Ўғриям одам» кинокомедиясига мусиқа ёзди. (режиссёр И.Эргашев). Бу фильм МДҲ мамлакатларида намойиш этилган. Турк халқи ҳаётидан олинганлиги учун композитор шу услубда мусиқа басталайди. 1994 йил камер оркестр учун ёзилган «Шабада» виртуоз асари эшитувчиларни ўзига тортиб шу пайтгача концерт залларида, ижодий учрашув ва байрамларда ижро этиб келинмоқда. Бу тоифадаги асар машҳур итальян созандаси ва композитори Н.Паганининг «Абадий ҳаракат» услубида ёзилган. Бундай асарлар қаторига А.Набиевнинг камер оркестри учун 2000 йилда ёзилган «Шодиёна» ва 2002 йилда камер ансамблига ёзилган куйла, «Мадҳия» (1999 й.) эстрада кўшиғи қиради. 2001-2002 йиллари А.Набиев фортепиано ва камер оркестр учун «Муножот» пьесасини, дўмбира ва ХЧО учун Концерт (2007), ғижжак ва ХЧО учун Концерт (2008), чанг ва ХЧО учун Концерт (2009)ларни яратди. Муаллиф бу асарларида ҳам, соло чолғулари ва оркестрда миллий нола ва қочиримлар жарангдорлигидан моҳирона фойдаланган.

Композитор ўзбек мусиқаси табиатининг жаз услубига бўлган муайян яқинлигини топди. Натижада «Сайқал», «Сўзсиз кўшиқ», «Тановар», «Шабада», «Шодиёна», «Бахтиёр», «Навқирон ёшлар» каби асарлари пайдо бўлди.



БОРИС НАДЕЖДИН **(1905-1961)**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор, профессор Б.Надеждин ижодий ва педагогик фаолияти билан XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У республикамиз

музикий-маданий ҳаётига боғлиқ ижод қилди, турли жанрларда асарлар яратди, миллий композитор кадрларни тарбиялади. Ажойиб инсоний ва моҳир устозлик хислатлари билан шогирдларни, қолаверса, музика жамоатчилиги ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Надеждин Борис Борисович Россиянинг Смоленск шаҳрида 1905 йилнинг 4 майида туғилди. 6 ёшида унинг ота-онаси Ярославль шаҳрига кўчиб ўтишади. Борис болалигидан пианино чалишга қизиқди, савод чиқарди. Лекин отаси ўғлини муҳандис бўлишини орзу қилар эди. Шу сабабли Борис гимназияни битиргач, «Реальное училище»га ўқишга кирди. Бу ўқув даргоҳида икки йил ўқиди, сўнгра Москва музика техникумининг фортепиано ва композиторлик бўлимларида ўқиди. 1932 йили ўқишни битириб, Москва давлат консерваториясининг композиторлик факультетида мутахассисликдан профессор Г.И.Литинский синфида таҳсил кўради. Талабалик даврида у турли чолғулар, ансамбль ва симфоник оркестрга ҳар хил жанрларда куйлар басталайди. Кўп асарлари орасида фортепиано учун сонатина, соната, прелюдия ва фуга, вальс, фантазия, экспромт, скрипка ва фортепиано учун сюита, кантата, симфония каби асарларни ёзди. Талабалик давридаёқ педагоглик иштиёқи сезилди. Москва консерваторияси қошида 1935 йилда ташкил топган Татар студиясида музика назарияси, адабиёти, таҳлили каби фанлардан дарс бера бошлайди.

1937 йили Б.Надеждин консерваторияни 2-симфонияси билан муваффақиятли битирди. Шу йили йўлланма бўйича у Тошкент давлат консерваториясига ишга қабул қилинди. Профессional миллий композиторларни тайёрлаш энди йўлга қўйилаётган пайтда у биринчилардан бўлиб педагогик фаолиятини бошлади. Бу борада миллий музика анъаналарини ҳам билиш заруриятини сезган ҳолда Б.Надеждин Ўзбекистон маданияти хусусиятларини билишга интилди, ўрганди, санъаткорлар билан яқиндан танишди, ўз талабаларини ўқитди ва ўзи ҳам ўрганди, тажриба орттирди. Шуни айтиш жоизки, йиллар давомида унинг синфида битирган: И.Ҳамроев, Г.Собитов, Б.Гиенко, Ғ.Қодиров, В.Мейен, Х.Изомов, Пак-Ен Дин, Ю.Николаев, С.Бобоев, А.Берлин, Ҳамид Раҳимов, А.Муҳамедов, А.Малахов, С.Варелас, Ф.Янов-Яновский, С.Ҳайитбоев, М.Юсупов, Е.Шварц ва бошқалар кейинчалик Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоларининг катта қисмини ташкил қиладилар.

Б.Надеждин педагоглик ва жамоатчилик ишлари билан банд

бўлишига қарамай мунтазам ижод билан шуғулланиб, бирталай мусикий асарлар яратди. Айниқса, мактаб болалари учун куй ва кўшиқлар ёзиб, қатор тўпламларни чоп эттирди. Улар орасида «Фортепиано учун 6 та пьеса», «Фортепиано учун учта ўзбекча пьеса», «Боғча болалари учун кўшиқлар», «Замондош ўзбек шоирларининг сўзига Фарғона канали хақида 6 та кўшиқ», «Сегоҳ» симфоник сюитаси», Ю.Ражабий куйи асосида ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Хотира» поэмаси.

Б.Надеждин 2-жаҳон уруши йиллари Ю.Ражабий билан ҳамкорликда «Қасос» (Уйғун ва А.Умарийлар пьесаси) мусикали драмасини ёзди. Ўзбек болалар театрида сахна юзини кўрган «Қаҳрамон» номли спектакльга мусиқа басталади. 1943 йили Т.Жалилов билан ҳамкорликда «Асрлар» (Уйғун пьесаси) мусикали драмаси, замондош рус шоирларнинг сўзларига, ватанпарварлик мавзуида яккахон ва хор учун кўшиқлар яратди. Шунингдек Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида гармония ва полифониядан дарс берди.

Б.Надеждиннинг урушдан кейинги йилларда ҳам ижодий фаолияти самарали бўлди. 1946 йили Ю.Ражабий билан ҳамкорликда «Фарход ва Ширин» мусикали драмаси ва 1951 йили Москвада ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси концерт дастурида ижро қилинган «Пахта» вокал-хореографик сюита-манзарасини ёзишда ҳамкорлик қилди. Ўзбек халқ чолғулари оркестрига Ҳамза кўшиқларини ва 8 та ўзбек халқ кўшиқларини қайта ишлади ва мослаштирди. У фортепиано учун 10 та пьеса, «Болалар альбоми», 18 та болалар учун пьеса, кичик сюита, симфоник оркестр учун «Симфониетта», иккита пьеса, «Болалар учун сюита», «Поэма», иккита «Вальс», симфоник сюиталарнинг муаллифидир.

Б.Надеждин 1950 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган. Б.Надеждиннинг номи Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 5-болалар мусиқа мактабига берилган.

АБДУМАННОН НАЗАРОВ (1953-2005)



Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Абдуманнон Назаров Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1998 йили қабул қилинган. Бу муסיқашунос олим ўзбек муסיқаси тарихи, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари муסיқий-назарий мероси, шунингдек муסיқа таълими, ижрочилиги каби йўналишларни ўз ичига қамраб олган илмий тадқиқот ишлари билан танилди.

Назаров Абдуманнон Файзуллаевич Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Кўйгош шаҳарчасида 1953 йилнинг 15 мартида туғилди. У болалигидан муסיқага қизиқди ва бошланғич муסיқа маълумотини ишчилар шаҳарчасида очилган муסיқа мактабида, ғижжак синфида С.Исмоиловдан сабоқ олди. Умумтаълим мактабининг 8-синфини ва муסיқа мактабини битириб, 1967 йилда Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги Самарқанд муסיқа билим юртининг ўзбек халқ чолғулари бўлимида ғижжакда ўқишини давом этди. 1971 йили Самарқанд муסיқа билим юртини имтиёзли диплом билан битирди. Давлат имтиҳон комиссияси тавсияномаси билан у ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди.

1972 йили консерваториянинг асосий курсига ўтказилди ва эндигина ташкил топган «Шарқ муסיқаси кафедра»сида профессор Ф.М.Кароматов раҳбарлигида мутахассислик бўйича ўқишини давом эттирди. 1977 йили ўқишни муваффақиятли битирди ва консерваториянинг «Халқ муסיқаси лабораторияси»да лаборант бўлиб иш бошлади. Ҳарбий хизматни бажо этиб, 1980 йилда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти сиртқи аспирантурасида таҳсил кўрди. 1984 йили «Книга песен ал-Исфохани в аспекте транскulturативных процессов» мавзуида ёзган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. 1984-1997 йиллар мобайнида мазкур институтда илмий ходим, 1992 йилдан бўлим мудири лавозимларида ишлади. Шу йилларда турли мавзуларда илмий тадқиқий мақолалар ёзди ва докторлик диссертацияси устида ишлади. 1996 йили у «Форобий ва Ибн Сино Мумтоз ийқоъ назарияси» диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва

санътшунослик фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. 1997-1999 йилларда А.Назаров Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим, 1999-2000 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг илмий ишлар бўйича проректори, 2000-2005 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг “Санъат тарихи ва назарияси” кафедраси муdiri, доцент вазифаларида ишлади.

А.Назаров ўтган давр мобайнида республикаимиз ва хориж матбуотларида 70 дан ортиқ илмий мақолалар, монография ва дарсликлар, ўқув маърузаларини ёзди ва нашрдан чиқарди. «Фаробий ва Ибн Сино мусикий ритмика хусусида» (Мумтоз ийқоъ назарияси) Т. 1995 й., Usul in the context of Magamat. Berlin. 1994 й. Монографиялари, “Музыкальные традиции Среднего и Ближнего Востока: вопросу о динамической целостности культуры. («Музыкальное, театральное искусство и фольклор народов Средней Азии» тўпламида. Т. 1989 г.) мақоласи, «Музыка асрлардан таралган зиё» Имом ал-Бухорий таваллудига бағишланган тўплам (ўзбек, рус, инглиз, француз, араб тилларида) Т. 1997 й. «Бухоро мусикаси» — Бухоро шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тўплам (ўзбек, рус, инглиз, француз, араб тилларида) Т. 1995 й. (хаммуаллиф Р.Юнусов). «Хадисы о музыке»//Труды I Международной конференции «Ислам и духовное возрождение народов Центральной Азии» Шымкент, 2001г., «Ибн Халдун о социальной сущности искусства музыки» //Общественные науки Узбекистана. Т. 1984г., «Навоийнинг мусикий олами»// «Ёшлик», 1988 й., «Бобурнинг «Мухтасар» асарида мусика муаммолари»//«Гулистон», 2001й., «Ёшларни маънавий тарбиялашда мусиканинг ўрни» //Оналар ва болалар йилига бағишланган конференция материаллари. Олий Мажлис. Т. 2001 й. шулар жумласидан.

АНОР (АНОРҚУЛ) НАЗАРОВ **(1950)**



Назаров Аноркул Мамадович 1950 йил 5 июнь Тошкент вилоятида Бўка туманида таваллуд топган. 1968 йилда М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясини туба синфида тамомлаган. 1968-1985 йилларда А.Навоий номидаги ДАКТ оркестри

солисти, 1985-1987 йилларда Тошкент шаҳар мусиқа ансамбллари жамоаси бош дирижёри, 1986-1996 йилларда Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестри бадий раҳбари ва бош дирижёри, 1996-2000 йилларда “Ўзбекнаво” бирлашмаси бош директори, 2000-2002 йилларда “Ўзбекнаво”да бадий раҳбар лавозимларида фаолият юритди.

Назаров Аноркул Мамадович ўзбек мусиқа санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган таниқли бастакорлардан. Унинг ижоди ранг-баранг бўлиб турли жанрларда асарлар яратди. “Ипак йўли”поэмаси (2005), труба ва симфоник оркестр учун “Она диёр” концерт-фантазияси (Ж.Жабборов ва С.Островский сўзлари, 2005), “Истиклол вальси” концерт пьесаси, сурнай ва ЭСО учун қайта ишланган “Сурнай ўйини”, яккахонлар, хор, халқ чолғулари оркестри ва симфоник оркестр учун Ж.Жабборов сўзларига “Хиросима” ва “Наврўзнома”, солист, хор ва оркестр учун Ш.Қурбон сўзларига “Алёр эй диёр”, бас овози, хор ва симфоник оркестр учун “Ёд этдинг” (Э.Воҳидов), яккахон, хор ва оркестр учун “Истиклол қўшиғи” (А.Орипов), солист, хор ва ЭСО учун “Тошкентим” (Ж.Жабборов), “Ватан ягонадир” (Д.Ёқубов), солист, болалар хори ва оркестр учун “Тинчлик орзу-ўйимиз” (Ж.Жабборов ва С.Островский), халқ чолғулари оркестри учун “Тароналар базми” (2009) асарлари шулар жумласидандир. Болалар учун ёзган “Отанга балли” (М.Мамажон), “Оймома”, “Али бобо” (А.Обиджон), “Шум бола”, “Нихол” (А.Орипов), “Истиклол болалари” (Д.Ражабов), “Бобожон”, “Капалак” (М.Юсуф) каби кўшиқлари ёш ижрочилар ва тингловчиларнинг қалбидан чуқур жой олган. Бастакорнинг “Гап эгасини топади”, “Шум боланинг янги йил саргузаштлари”, “Меҳр қолур” мусиқали драма ва комедиялари, “Ҳаётга қайтиш”, “Кичкина табиб”, “Қадимда бўлган экан”, “Бир жиноят изидан” кинофильмларига, “Қайтмас” телесериалига, “Истиклол йўлида” (1992, 2002) ҳужжатли фильмига яратган мусиқалари кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Бастакорнинг фаолияти асосан эстрада мусиқа санъати билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўзига хос мустақил услубий ижоди билан ажралиб туради. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” (А.Орипов шеъри), “Ватан азиздир”, “Жон Ўзбекистон” (Ж.Жабборов шеърлари), “Ифтихор” (Х.Шарипов), “Яшнар баҳорим”, “Она юрт” (Б.Бобомурод), “Баркамол авлод”, “Ўзбекистон муштарак” (Й.Оташ), “Тўзал Тошкент”, “Юрт қадри” (Б.Исроилова), “Азиз одамлар”

(М.Иброҳимов), “Изҳор” (А.Орипов) каби 120 дан ортиқ кўшиқлари ўзининг жозибадорлиги, она Ватанга бўлган муҳаббат, уни эъзозлаш, асраб авайлаш ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилганлиги билан эътиборлидир. Ватанимизнинг Мустақиллик, Наврўз каби миллий ва давлат тадбирлари дастурларида композиторнинг кўшиқлари муносиб ўрин эгаллаб, тараннум этиб келинмоқда. Композитор асарлари нафақат Ўзбекистонимизда балки, АҚШ, Франция, Россия, Бирлашган Араб амирлиги, Туркия каби чет давлатларда ҳам муваффақиятли ижро этиб келинмоқда.

Ижодкорнинг серқирра ва баркамол ижоди давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 1995 йил Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, 1997 йил А.Қодирий номидаги Давлат мукофоти лауреати ва 2008 йил «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

ФАТТОҲ НАЗАРОВ (1919-1982)



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган артист, дирижёр, композитор, профессор Фаттоҳ Назаров ижодкорлик, дирижёрлик, ўқитувчилик ва жамоатчилик фаолияти билан ХХ аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. Унинг ёшлар учун турли жанрларда яратган куй ва кўшиқлари болалар боғчаларида, ўрта таълим ва мусиқа мактабларида кенг қўлланиб келинмоқда.

Фаттоҳ Назаров Абдуваҳоб ўғли Бишкек шаҳрида 1919 йилнинг 1 январиди туғилди. Фаттоҳнинг мусиқага ҳаваси жуда эрта уйғонди. Умумтаълим мактабини битирган йили шаҳар мусиқа студияси очилади ва Фаттоҳ у ерда кларнет чалишни ўрганади. 1935 йил Ипполитов-Иванов номидаги Москва мусиқа билим юртида ўқишга киради, кларнет ва виолончель мутахассисликлари бўйича ўқиди. 1939 йили Ф.Назаров ҳарбий хизматга чақирилиб, ҳарбий қисмнинг дамли оркестрида кларнетчи бўлиб хизмат қилади. 1941-1944 йилларда Иккинчи жаҳон урушида хизмат қилди. Москва консерваторияси қошидаги ҳарбий дирижёрлик факультетида ўқийди ва 1945 йилнинг июнь ойида она шаҳрига қайтади.

Бишкекда драма театри мусиқа раҳбари ва Қирғизистон давлат филармониясининг халқ чолғулари оркестри дирижёри

лавозимларига тайинланди. 1947 йили Ф.Назаров Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича қабул қилинади. 1949-1950 ўқув йилидан бошлаб Ф.Назаров Г.Мушель синфида композициядан дарс ола бошлади. 1951 йили консерваторияни дирижёрлик синфи бўйича битириб, Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги симфоник оркестр дирижёри лавозимига тайинланди, икки йилдан сўнг ўзбек филармониясининг симфоник оркестрига ишга ўтказилади. 1955 йили ёзган 4 қисмли симфониясига ўзи дирижёрлик қилиб, Ф.Назаров иккинчи диплом олишга муваффақ бўлди. Ёш мутахассис 1952-1958 йилларда Муқимий номидаги муסיқали театр дирижёри бўлиб ишлади.

Ўқиши ва меҳнат фаолияти билан бирга 1950-1982 йилларда консерваториянинг ўзбек халқ чолғулари факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимида ишлади. 1946 йилда Қозоғистон, 1947 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига аъзоликка қабул қилинди.

Композиторнинг 1964 йили Москва консерваторияси қошидаги махсус муסיқа мактабининг 7-синфида ўқиётган қизи Гулнора Назаровага атаб фортепиано ва симфоник оркестр учун ёзган концерти қизининг илк ижросида машҳур бўлиб кетди. 1973 йили концерт партитураси Москва нашриётида чоп этилиши билан кўп муסיқа мактабларининг ўқувчилари томонидан ижро этила бошланди. Ф.Назаровнинг 1948 йилда скрипка ва фортепиано учун басталаган «Кўшиқ ва рақс» куйи (ғижжак ва фортепиано учун вариациялари ҳам бор) муסיқа мактаблари, билим юртлари ва консерватория талабаларининг ўқув дастурларида доим ижро этилмоқда. Булар қаторида 1960-1970-йилларда ёзилган скрипка ва фортепиано учун поэма, Ҳамзанинг «Сайёра» ашуласи асосида басталаган пьесаси, фортепиано учун «Ноктюрн», «Марш», «Фуга», «Рақс», «Вальс» каби пьесалари, скрипка ва фортепиано учун «Концертино», ғижжак ва фортепиано учун «Вальс», «Рубоб ва фортепиано учун скерцо», дутор ва фортепиано учун «Концерт пьесаси», фортепиано учун 10 та пьеса, виолончель ва фортепиано учун «Концертино», рубоб учун «Амударё» вальс-концерти, болалар симфоник оркестри учун 4 қисмли сюита кабилар ёш ижрочилар концерт дастурларида сақланиб келмоқда.

Ф.Назаров «Равшан» (Ж.Оймирзаев ва Т.Оллоназаров пьесаси) муסיқали драмаси 1956 йил, «Кўйчелек козли яр» (А.Саиджонов пьесаси) муסיқали комедияси 1959 йил, «Алданган қиз»

(Р.Орифжонов пьесаси) мусиқали драмаси 1967 йил; «Дард тортса» (Х.Умаров пьесаси) мусиқали драмаси 1967 йил; «Мулла Тўйчи» (Ж.Асомиддинов пьесаси) мусиқали драмаси 1973 йил, «Афсонавий шахс» (С.Жамол пьесаси) мусиқали драмаси 1978 йил, «Ҳарфлар жанги» (Т.Илҳомов пьесаси) 1974 йил ва Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул ва Бахтиёр» номли радиопостановкалари учун, Ёш томошабинлар театри спектакллари учун мусиқа басталаган.

Композитор симфоник оркестр учун «Ўзбекча сюита», «Қирғизча сюита», «Симфония», «Иккинчи ўзбекча сюита», ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Ёшлар сюитаси», «Болалар сюитаси», «Насруллоий Уфор поэмаси», «Қорақалпоқча рапсодия», «Қорақалпоқча сюита», «Шодиёна увертюраси», уч қисмли «Сюита», «Байрам марши», «Чорвоқ тароналари сюитаси», дамли оркестр учун «Ўзбекистон» марши, «Байрам марши», кларнет ва эстрада оркестри учун 3 қисмли сюита яратди. Бу асарлардан ташқари унинг яккахон, хор ва симфоник оркестр иштирокида ижро этиладиган «Ўзбекистон хотин-қизлари» кантатаси, Ў.Рашид сўзига ёзилган 5 қисмли «Ватан бизнинг онамиз» болалар хори ва симфоник оркестр учун сюита, торли кваттет каби асарлар турли ижро жамоалар репертуарини бойитди.

Ф.Назаров ижодий фаолиятида 150 дан ортиқ турли мавзуларда кўшиқлар яратди. Айниқса, болалар учун ёзилган кўшиқлари устувор туради. «Ўзбекистон» (М.Қориев сўзи), «Ватан меҳри» (Шоназар сўзи), «Теримчи қиз» (Ҳабибий сўзи), «Менинг қалбим» (Ҳ.Расул сўзи), «Қайдасан» (Х.Муҳаммаджонов сўзи), «Қирғизистон» ва «Кел, бу оқшом» (Миртемир сўзи), «Дўстлик кўшиғи» (Д.Полинин сўзи), «Чилонзор» (Оймирзаев сўзи), «Дурдона» (А.Тоқомбоев сўзи), «Ой, муҳаббат» (К.Акаев сўзи), «Дўстлик кўшиғи» ва «Қалдирғоч» (Б.Исмоилов сўзлари), «Тўй таронаси» (Ҳайдар сўзи), «Ёр-ёр» (А.Бўриев сўзи), «Лирик кўшиқ» ва «Баҳодир жангчилар» (Камтар сўзлари), болалар кўшиқларидан «Кичик пахтакор» (Шоназар сўзи), «Сайра, булбул» ва «Арча» (Муҳаммадий сўзлари), «Қумрихон» (Бобоев сўзи), «Онагинамнинг алласи» (Р.Бобожон сўзи), «Мактабим», «Ёз» ва «Шодлик» (И.Муслим сўзлари), «Оҳангарон» (Я.Қурбон сўзи), «Доно бобо», «Қиш чоғлари», «Ойижон» ва «Олтин кўл» (П.Мўмин сўзлари), «Бўз тўрғай» (Б.Исмоилов сўзи), «Ўйинчи лайлак», «Кичкинтойлар кўшиғи» (И.Муслим сўзи), «Дадажон» (З.Обидов сўзи) ва бошқалар.

Ф.Назаров «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида

хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланган. Унинг номи Тошкент шаҳри 23- болалар муסיқа мактабига берилган.

ХУШНУД НАЗАРОВ (1969)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига ёш композитор Хушнуд Назаров 1991 йили қабул қилинган. У муסיқанинг турли жанр ва шаклларида асарлар яратиб, замонавий ўзбек профессионал муסיқа санъатининг ривожланиш жараёнига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бўлғуси композитор Хушнуд Эркин ўғли Назаров Тошкентда 1969 йилнинг 18 июлида таваллуд топди. Болалигидан муסיқага қизиқди ва 8 ёшида М.Улуғбек тумани маданият уйидаги муסיқа мактабининг фортепиано синфида ўқиди, композиторлик бўйича А.Мансуровдан сабоқ олди. Муסיқа мактабини 1984 йили битириб, ўша йили Ҳамза номидаги Тошкент давлат муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимига ўқишга кирди. Бу ўқув даргоҳида у композитор Н.Зокировдан сабоқ олди ва 1988 йили ўқишни муваффақиятли битирди. Ўша йили М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик ва чолғулаштириш факультетига кирди ва профессор, композитор Сайфи Жалил синфида таҳсил кўрди. 1993 йили консерваторияни биринчи симфония билан битирди. 1994-1996 йиллари доцент М.Тожиев синфида ассистентура-стажировкани муваффақиятли ўтди ва бир муддат ўқитувчи лавозимида ишлади. 1997 йилдан консерваториянинг «эстрада-ижрочилик» кафедрасида катта ўқитувчи, 2008-2013 йилларда кафедра декани, 2012 йилдан доцент лавозимида ишламоқда.

Композитор Х.Назаров фортепиано ва бошқа чолғулар учун муסיқа басталади, муסיқа ўқув юртида ижод сирларини ўзлаштириб борди. Талабалик даврида басталаган асарлари орасида торли кuartет (1991 й.), «Фараон» номли симфоник поэма асарлари муסיқа жамоатчилигида яхши таассурот қолдирди. Унинг қаламидан қуйидаги муסיқий асарлар бунёдга келди: юқорида зикр қилинган иккита симфония (1993 ва 1996 йй.); саксофон сопрано ва торли оркестр учун «Серенада» (1998); 1995 й. фортепиано учун «Бешта прелюдия» альбоми ва «Токката», «Юмореска»; 2001 й. Жаз Биг-Бэнд

учун «Тошкентдаги таътил»; 1999 й. улуг шоир А.Навоийнинг ғазалига «Базм аро...» романи; 1998й., «Илк севги» (М.Юсуф сўзи) ва 1999 й. «Ўктам диёрим» (З.Обидов сўзи) кўшиқлари, болалар учун «Ажойиб туш» (Ф.Абдурахмонова сўзи), «Укажон» (И.Жиянов сўзи), «Ўлкам тонги», «Аёл кўнгли» (Б.Бобомурод сўзи) кўшиқлари ва бш.

Х.Назаров киномузиқа жанрида ҳам ижод қилиб, «Қаердасан оймомо» (реж.Т.Исроилов-2007) ва «Асал, йигитда гап битта бўлади» (реж.Т.Мақсудов-2008) фильмларига музиқа басталади.

МАРДОН НАСИМОВ (1914-1998)



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, профессор, композитор ва дирижёр Мардон Насимов ХХ аср ўзбек музиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. Ижодкорлик фаолиятида асосан овоз учун музиқа яратишга катта эътибор бериб, яккахон, жўровоз ансамбль ва хор жамоаларига кўшиқ, ашула, кантата, сюиталар басталаб, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди.

Мардон Насимов Самарқанд шаҳрида 1914 йилнинг 5 апрелида туғилди. 1929 йилда Самарқанд давлат музиқа ва хореография институтига ўқишга киради. Мардон машҳур найчи, устоз Абдуқодир Исмоиловдан най, Аҳмаджон Умрзоқовдан кўшна чалишни, Ота Жалол ва Домла Ҳалим Ибодовдан Бухоро шашмақоми, М.Харратовдан Хоразм мақомларидан сабоқ олади. У институтда ўқиб юрган пайтида машҳур санъаткор Али Ардобус томонидан ташкил этилган «Кўк кўйлак»лилар тўғарагида найчи бўлиб ишлади. 1934 йили М.Қориёқубов ташаббуси билан Москва давлат консерваторияси қошида очилган Ўзбек опера студиясида хор дирижёрлиги ихтисослигини ўзлаштириш учун ўқишга киради. 1939 йили бир гуруҳ санъаткорлар билан биргаликда Катта Фарғона канали қурилишида ишчиларга берилган концертларда хизмат қилди. Москвадаги ўқишини 1941 йилда битириб, Тошкентга қайтади ва Навоий номидаги опера ва балет театрида хормейстер вазифасида ишлайди. 1943 йили Шимолий-ғарбий фронтда ўрта осиелик аскарлар орасида маданий-маърифий ишларни олиб бориш учун инструктор этиб тайинланади. «Фарход ГЭС» қурилиши бошқармаси қармоғидаги музиқали театрда М.Насимов 1944-1946 йилларда

бадий раҳбар ва бош дирижёр лавозимида ишлайди.

М.Насимов дирижёрлик малакасини янада ошириш мақсадида 1946 йили имтиҳонларни топириб, Ленинград давлат консерваторияси опера-симфоник факультетига ўқишга кириди ва профессор Мусиндан таълим олади. Дирижёр-симфонист дипломи билан 1951 йили Тошкентга қайтгач, у Ўзбек давлат филармониясига бадий раҳбар ва симфоник оркестр дирижёри лавозимларига тайинланади. Мазкур даргоҳда 11 йил ишлаб, 1963 йили Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида дирижёрлик мутахассислигидан дарс бериш учун таклиф қилинади. Консерваторияда у ўқитувчиликдан профессорликкача йўлни босиб ўтди.

М.Насимов ижрочилик, маъмурий ва ташкилий ишлар билан банд бўлишига қарамай, музика яратишга вақт топди ва яққалок вокал ансамбллар ва хор учун турли мавзуларда кўшиқ, ашула, хор сюиталари ва кантаталар ёзди. У Ватанни, меҳнат аҳлини, муҳаббатни, умуман инсоннинг назик ҳис-туйғуларини садоларда ифодалашга ижодини бағишлади.

М.Насимовнинг 100 дан ортиқ турли мавзуларда ёзган кўшиқлари орасида «Тинчлик боғи» (Т.Тўла сўзи), «Қор босган тоғлар» (Ғ.Ғулом сўзи), «Барно қиз кўшиғи», «Аскар йигит кўшиғи» (Сайёр сўзи), «Ҳисларимни сочмоқдаман», «Соябон бўлайин» (Миртемир, Сайёр сўзлари), «Юр, ўртоқ», «Байрам вальси» (К.Отабоев сўзи), «Бугун байрам» (Р.Толиб сўзи) каби кўшиқлар хонандалар ижросида машҳур бўлган. Айниқса, унинг радио қошидаги хор ва Ўзбек давлат филармонияси қошидаги академик хор жамоалари учун жўрли ва жўрсиз хор асарлари: «Жон Ўзбекистон», «Наврўзим» (Ҳ.Шарипов сўзлари), «Байрам вальси» (К.Отабоев сўзи), «Дўстлик кўшиғи» (Х.Сяитов сўзи), симфоник оркестр жўрлигида «Марҳабо» (М.Қориев сўзи), «Пахтакорлар» (П.Мўмин сўзи), ўзбек халқ чолғулари оркестри жўрлигида «Тошкент, гўзал диёримсан» (Р.Толиб сўзи), «Самарқанд обрў муродим» (Қамбар Ота сўзи), «Ҳушёр ёр» (Я.Қурбон сўзи), «Гул очилар» (Р.Толиб сўзи), «Менинг говушим» (Ойбек сўзи). Москвада Ойбекнинг юбилей кечасида биринчи бор ижро этилган «Менинг ёрим вафоли» (Ҳ.Шарипов сўзи), «Бир дилдор бор экан» (С.Муҳаммадий сўзи), «Амир Темур», «Турон юрт посбонимиз», «Қолар», «Ҳар ошиққа беш кун даврон», «Талабалару талабалар» (Қамбар Ота сўзлари) диққатга сазовордир.

М.Насимовнинг ажойиб, дилрабо, жўшқин, кўп қисмли

асарлари «Дехқонга таъзим», «Дилбарим», «Ўзбекистон диёрим» (Ҳ.Шарипов сўзлари), яккахон, хор ва оркестр учун басталаган «Ўзбекча тўй сюитаси» (халқ сўзи) ва «Тинчликка тинчлик» (Ҳ.Ғулом сўзи) кантатаси жуда машҳурдир. Композитор болалар учун «Аҳмад боғбон», «Булбулчам», «Дўстлик чаманзори», «Ёш физкультурачилар марши», «Ёш саёҳатчилар кўшиғи» каби кўшиқларни яратган. Шунингдек, дутор ва фортепиано учун «Уфори санам»; чанг ва фортепиано учун иккита пьеса; най ва фортепиано учун «Элегия», чанг ва фортепиано учун «Байрам вальси», най ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Элегия», «Лирик рақс», хор учун қайта ишлаган қорақалпоқ халқ кўшиқ ва лапар, иккита рубоб ва фортепиано учун «Баллада», хор ва симфоник оркестр учун поэма ва баллада (М.Шайхзода сўзи), хор ва симфоник оркестр учун «Шарқ» қасидаси (Ойбек сўзи) ва бошқа асарлар яратди.

МАМАДАЗИЗ НИЁЗОВ (1907-1970)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва бастакор Мамадазиз Ниёзов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1940 йилда қабул қилинган. Санъаткор ўзининг турли мавзуларда мумтоз ва замондош шоирларнинг шеърларига басталаган ранг-баранг, жозибали кўшиқ, ашула, ялла, лапар, рақс куйлари, ижрочилик маҳорати ва ташкилотчи-раҳбарлик фаолияти билан танилган.

Мамадазиз Ниёзов Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида 1907 йили туғилди. Мамадазиз болалигидан мусиқага қизиққан, дутор, ғижжак чалишни ўрганган. 1926 йили туманда театр ва «Қизил чойхона» очилгач, Мамадазиз созанда сифатида ишга таклиф қилинади ва чойхоначилик қилади. Бу ерга машҳур бастакор ва созанда Тўхтасин Жалилов Андижон вилояти мусиқали театри билан гастролга келади. Меҳмонларга ёш ҳаваскорлар концертини намойиш этишади. Шунда Мамадазиз дутор жўрлигида кўшиқ айтиб беради. Бастакор Т.Жалилов уни ўзи билан театрда олиб кетади. Шу йилдан бошлаб унинг тақдирида кескин ўзгариш рўй беради. 1926-1932 йилларда М.Ниёзов Андижон вилоят мусиқали драма театрида хонанда ва созанда бўлиб ишлади, куй ва кўшиқларни басталашга ҳам уринди. 1926-1932 йилларда театрда ишлаш билан бирга

Рабфакда кундузги бўлимда ўқиди. 1932 йили Ўш ўзбек театрига мусиқа раҳбари лавозимига таклиф этилади. 1934 йили эса Республика давлат мусиқали театрига таклиф қилинди. 1937 йили Ўзбекистон санъат бош бошқармасининг буюртмаси билан янги ташкил топаётган Республика театрига мусиқа раҳбари лавозимига тасдиқланди ва шу театрда 1940 йилгача ишлади. 1940-1941 йилларда Ўзбек давлат филармонияси таркибидаги Тамарахоним ансамблида созанда бўлиб ишлади. 1942 йилнинг февралдан июль ойигача Республика давлат болалар театрида мусиқа раҳбари, 1942-1944 йилларда Ўзбек давлат циркида мусиқа раҳбари, 1944-1962 йилларда Ўзбек филармонияси, Ўзбек эстрадаси, Ўзбекистон радиосида созанда, мусиқа раҳбари вазифаларида ишлади. Шу билан бирга, 1940 йили композитор Р.М.Глиэр бошчилигида ташкил қилинган бастакорлик курсида ўқиди. 1943 йилнинг мартида Тожикистон Республикаси Санъат бош бошқармасининг илтимосига биноан Душанбе шаҳридаги театрда концерт дастурини тайёрлашга ёрдам берди. 1960-1962 йили Ўзбекистон Санъат бош бошқармаси маданият саройида, 1962-1964 йилларда Тошкент давлат университетининг маданият саройида, 1964-1965 йилларда Республика маданият уйидаги ўзбек ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қилди. 1965 йилдан ҳаётининг охиригача маданият саройига бошчилик қилди. Мазкур жамоаларнинг репертуар дастурларини бойитишда ўзи ҳам улар учун кўшиқ ва рақс куйларини яратди.

М.Ниёзов уруш даврида ватанпарварлик мавзусида «Олға бос» (Ю.Ҳамдам сўзи); «Янчамиз» (Ҳ.Олимжон сўзи); «Яхши бор» (Соқий сўзи); «Салом онажон фронтдан» (Камтар сўзи) «Ғунчалар» (Ғ.Фатхулин сўзи); «Пахтакорим» ва «Кетма, жоним» (М.Қориев сўзлари); «Лочинлар» (Мирзаев сўзи) каби кўшиқларини, Чустий, Ходи Шоди ва Ҳ.Олимжон сўзларига кўшиқ ва куйлар яратган.

М.Ниёзов 100 дан ортиқ кўшиқлар яратди. Улардан айримлари: «Мубтало бўлдим сенга» ва «Кўнглим ўртансин агар» (Навоий сўзлари); «Хол бўлсам» (Ҳ.Олимжон сўзи); «На гўзалсан» (Миртемир сўзи); «Ҳунармандлар», «Зар дўппи», «Кийим» (Т.Тўла сўзлари); «Ўзбекистонга келинг», «Давримиз», «Тожикистонсан», «Мирзачўлга кел» (А.Пўлат сўзлари); «Гулим қизим», «Андижоним», «Жоним Навоий кўринг» (Ҳабибий сўзлари); «Саодатли диёримсан» (К.Махсум сўзи); «Жоним Тошкентим», «Боғбон йигит», «Онамга», «Яхши йигит, яхши қиз» (П.Мўмин сўзлари); «Шахло кўзлар», «Жамолингга тўймайман» (Ё.Мирзо сўзлари); «Хур Ўзбекистон»,

«Жоним пахтазор» (М.Раҳмон сўзлари); «Жон Ўзбекистон» (Миртемир сўзи); «Бас» (А.Фаттоҳ сўзи); «Нурли гулистон» (В.Абдулла сўзи); «Сайр этайлик», «Кеча» (Ҳ.Яҳё сўзлари) ва бошқалар. Қўшиқлардан ташқари бастакор турли чолғулар ва ансамбллар учун куйлар, рақс куйлари ва ашула-рақс сюиталари яратди.

Мамадазиз Ниёзов 1965 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланди.

НАДИМ НОРХЎЖАЕВ (1947)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, композитор Н.Норхўжаев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1978 йили қабул қилинди. У ўзининг жозибали мусиқий асарлари, айниқса, эстрада ва болалар учун яратган қўшиқлари билан эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлди.

Норхўжаев Надим Қодирович Тошкентда, 1947 йилнинг 24 декабрида дунёга келди. Р.Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатида танбур синфида ўқиди. 1963 йилда Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ўтказилади. Машҳур композитор Р.Вильдановдан мусиқа сирларини ўрганди ва 1967 йили симфоник оркестр учун басталаган «Сюита»си билан аъло баҳоларга ўқишни битиради. Ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирди. Бу олий даргоҳда Н.Норхўжаев композиторлик мутахассислигидан Г.Мушель, чолғулаштиришдан А.Козловскийдан сабоқ олди. 1972 йили Н.Норхўжаев имтиёзли диплом билан консерваторияни битирди ва Бекобод мусиқа билим юртига ишга йўлланма олди. Ҳарбий хизматни ўтаб юрган даврда Н.Норхўжаев вокал-чолғу эстрада ансамблини ташкил қилиб, концертлар бера бошлади. Ансамблнинг репертуари учун ёш композитор қўшиқлар яратди. Унинг фаолиятида қўшиқ жанрига кўпроқ аҳамият берилишининг сабаби шу бўлса керак.

Композитор Н.Норхўжаев меҳнат фаолиятини талабалик давридан бошлади. У 1968-1972 йилларда болалар мусиқа мактабида,

1972-1975 йиллари Бекобод мусиқа билим юртида, армия сафидан қайтганидан сўнг, яна мусиқа мактабида ўқитувчи ва ўқув бўлими мудири бўлиб ишлади. 1975-1976 йилларда «Мелодия» фирмасининг овоз ёзиш студиясида бош муҳаррир вазифасида ишлади. 1976-1994 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг “Партитура ўқиш ва чолғулаштириш” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1993 йилдан доцент, айти пайтда 1996-1998 йилларда Ю.Ражабий номидаги Тошкент педагогика билим юртида ўқитувчи, 1998 йилдан буён давлат консерваторияси эстрада ижрочилик кафедраси мудири, 2003 йилдан профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Норхўжаев талабалик чоғида фортепиано учун 3 та пьеса, 4 та прелюдия, 2 та вариация, сонатина, «Лукмалар» номли миниатюралар туркуми, сўзсиз кўшиқ, фортепиано учун 2 та сонатина, скрипка ва фортепиано учун пьеса, торли кватрет, фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концертино», 4 қисмли симфоник сюита, 1 қисмли симфония ва бир неча кўшиқлар яратди. «Концертино» 1970 йили «Баҳор» концерт залида ижро этилиб, олқишларга сазовор бўлди. Фортепиано учун ёзган 2 та прелюдия, сўзсиз кўшиқ ва 8 та миниатюралари 1977 йилда «Мелодия» фирмасида пластинкага ёзилди, «Пьеса»нинг нотаси эса 1974 йили чоп этилди.

Н.Норхўжаевнинг ижодида кўшиқ устувор аҳамият касб этади. У замондош шоирлар билан ҳамкорликда, турли мавзуларда, 130 дан ортиқ эстрада, 100 дан ортиқ боғча болалари ва мактаб ўқувчиларига кўшиқлар яратди. Ёш бастакорнинг болалар учун 1975 йилда ёзган «Ҳақкалар» (Н.Орифжонов сўзи) илк эстрада кўшиғи эндигина ташкил топган «Пахтаой» номли болалар эстрада-вокал чолғу ансамбли ижросида машҳур бўлиб кетди. Бундан илҳомланган композитор болалар ва ўспиринлар учун кўплаб кўшиқлар яратди. «Яхши бола», «Олтин пахта, оппоғим», «Салом берган болалар», «Юлдузлармиз, юлдузлар», «Хоҳ ўқишда, хоҳ ишда», «Гуллар маним кулганим», «Боғча опа, бўлманг хафа», «Китоб кўлимда», «Бобо хўроз», «Хумо куши», «Варрагим», «Олмалар» (П.Мўмин сўзлари); «Гижинглаган тойчоғим», «Сайёрахон», «Кичик чегарачи» (М.Абдушукурова сўзлари) шулар жумладан,

Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги «Булбулча» болалар хори учун ҳам кўпгина кўшиқ яратди. Улар орасида: «Энг маза, эҳ маза», «Ёд оламиз, шодланамиз», «Ўйнасангчи, типратикан»

(П.Мўмин сўзи), жўрсиз хор учун 7 қисмли, шоир А.Мухтор сўзига болалар хори учун «Ҳафта» кантатаси; шоир Э.Воҳидов сўзига «Дарахтлар суҳбати» хор сюитаси ёки ўзбек халқ кўшиқларини хор учун қайта ишлаган: «Пашша ғинг-ғинг», «Бозор байрами», «Осмондаги ой», «Чори чамбар», «Ковушим», «Бошгинам оғрийди», «Оқ шоли, кўк шоли», «Чучвара қайнайди», 1993 йилда Р.Толиб сўзига кичкинтойлар учун ёзган тўпламга куйидаги кўшиқлар киритилди: «Ҳалима ва Салима», «Биринчи қор», «Тошбақа», «Шалола», «Қиличми, тўқмоқ», «Бир, икки, уч...», «Шамолжон», «Дангаса», «Соат кўшиғи». Буларнинг ҳаммаси болаларни маънавий-эстетик тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Шуни айтиш жоизки, Надим Норхўжаев замонавий эстрада кўшиқчилигига катта эътибор бериб келмоқда. У эстрада хонандалари ва турли вокал-чолғу эстрада ансамблларига ранг-баранг, жозибали кўшиқ ва чолғу куйлар яратиб, уларнинг репертуарларини бойитишга кўмаклашмоқда. Масалан, унинг «Дилда баҳор» (М.Қориев сўзи), «Сени зор этгандим» (М.Мирзаев сўзи), «Чавандоз бир йигит бор» (С.Кўқонбоев сўзи), «Ёр йўли» (Т.Тўла сўзи), «Ишқ асири» (З.Обидов сўзи), «Йигитлар тор чертсалар» (Э.Охунова сўзи), «Ёр менга узук тақди», «Вафодан сўрардинг», «Етурмиз висолига» (П.Мўмин сўзи), «Қора кўзим», «Кўнгил боғласанг», «Никоҳ узуги» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Ёшимни сўрама» (С.Зуннунова сўзи), «Сенинг сеҳринг бор» (О.Мўмин сўзи), «Жаннатмакон диёр бу» (Ш.Дадаш сўзи) каби кўшиқлари республикамизда таниқли ижрочилар репертуаридан жой олиб, радио олтин фондидан ўрин олган. Эстрада кўшиқчилигини ривожлантиришда кўшган ҳиссаси учун 1981 йили Ўзбекистон Ёшлар мукофоти билан тақдирланган. Унинг кўшиқлари «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика танловларида совринли ўринларни олди.

Н.Норхўжаев ижодида турли жанрларда басталаган йирик шаклдаги мусиқий асарлар ҳам мавжуд. Улар орасида: «Симфониетта» (1979й.), симфоник оркестр учун 2 та увертюра (1978, 1984й.), камер-симфоник оркестр учун «Миниатюралар» (1977й.), фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концертино» (1984й.), симфоник оркестр учун «Шодиёна» увертюраси, камер симфоник оркестр учун 3 та пьеса (1976й.); вокал-симфоник оркестр учун «Менинг ўлкам» сюитаси (1982й.), «Ватан ёшлари» поэториясини айтиб ўтиш лозим. Ўзбек халқ чолғу оркестри учун: «Болалар сюитаси» (1988й.), «Рондо» (1981 й.). Эстрада-симфоник

оркестри учун: «Наврўзи олам» сюитаси (1995й.), «Азиза» араб куйи асосида (1997й.), камер-чолғу оркестри учун «Сўғдиёна» сюитаси (1996й.); дамли чолғу оркестр учун «Марш» (1979й.) ва «Қувноқ болалар» марши (1988й.). Андижон кўғирчоқ театрида 1981 йили қўйилган «Бургутча ва тойчоқ» (П.Мўмин пьесаси), Фарғона театрида 1981 йили қўйилган «Она болам дейди, бола онам дейди» ҳамда Муқимий номидаги мусиқали театрда 1985 йили қўйилган «Туяқуш-бойқуш» болалар спектаклига, Республика ёш томошабинлар театри учун «Жўжаларим», «Ажойиб уруғ», «Тегирмон воқеаси» (2004) спектаклига мусиқа басталаган.

Н.Норхўжаев Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида кўшиқ шўбаси раиси, республикамизда ўтказилаётган турли кўрик-танловларда жюри хайъатларида фаол қатнашиб келмоқда. У республика «Офарин-2000» кўрик-танловининг совриндори. 1999 йили у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», 2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвонлари билан тақдирланган.

ЧАМАН НОСИРОВА (1944)



Санъатшунослик фанлари номзоди, муסיқашунос Чаман Носирова 1985 йилдан буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси. 1970 йилдан бошлаб у замонавий ўзбек муסיқа санъатининг ривожланишига оид турли мавзуларда ёзган илмий тарихий, назарий мақолалари билан муסיқа жамоатчилиги ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Носирова Чаман Расуловна Тошкентда 1944 йилнинг 14 феврилида туғилди. У 1951-1959 йилларда умум таълим, сўнгра В.А.Успенский номидаги махсус муסיқа мактаби, сўнгра Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимида ўқиди. 1965-1970 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетида таҳсил олди. Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг аспирантурасида ўқиди. 1979 йили санъатшунослик фанлари доктори Т.С.Визго раҳбарлигида «Национальное и интернациональное в узбекской музыке» мавзусидаги диссертация ёзиб ҳимоя қилди. Мазкур институтда 1974-1988 йилларда илмий ходим бўлиб ишлади.

1988-1990 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида, Глиэр ва Успенский номларидаги махсус мусиқа мактабларида, 1990-2005 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида аввал «Мусиқа тарихи ва назарияси кафедраси» мудири, доцент, 2005-2011 йилларда Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежи ўқитувчиси лавозимларида фаолият кўрсатди.

Чаман Носирова таълим-тарбия бериш билан бирга, ижодий фаолиятини замонавий ўзбек мусиқа санъатининг ривожланиши муаммоларини ўрганишга бағишлади. У турли мавзуларда илмий-назарий, маърифий мақолалар, тақризлар ёзди.

Ч.Носирова композитор А.Мухамедов ижодига бағишланган «Бахтни куйлаган кўшиқлар» мақоласи («Шарқ юлдузи» журн. №2, 1974 й.), Ҳамзага бағишланган «Он был первым» мақоласи («Вечерний Ташкент», газ. 1974 й. 24 август), композитор М.Бурҳонов ижодига бағишланган «К творческим высотам» мақоласи («Вечерний Ташкент» газ. 1974 й. 28 август), «Новое в проблеме композитор-фольклор». («Материалы 2 - искусствоведческой научно-теоретической конференции молодых учёных» Т., 1975 г.), «К вопросу о динамических возможностях узбекской мелодии» мақоласи («Теоретические проблемы узбекской музыки», Т., 1976 г.), «Новые произведения М.Бурханова» («Узбекская музыка на современном этапе», Т., 1977 г.), И.Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони» операсига бағишланган “Камолот нишонаси” тақризи («Ўзбекистон маданияти», газ. 1977 й., 26 июль), «Глинка ва Ўзбекистон» мақоласи («Ўзбекистон маданияти», газ. 1977 й. 14 октябрь), «Гениальный наставник всех, кто творит музыке» («Правда Востока», газ., 1977 г. 15 октябрь), «Кўшиқ-янги оҳанг даракчиси» (ҳаммуаллиф С.Воҳидов, «Ўзбекистон маданияти» газ. 1979 й. март), «Ўзбек мусиқаси оқсоқоли» (В.А.Успенскийнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган, «Ўзбекистон маданияти» 1979 й. 2 октябрь), “Яна сахнада «Бўрон»” («Ўзбекистон маданияти» 1979 й. 16 ноябрь), «О характерных чертах интонационного строя узбекской песни» («Культура сов. Узбекистана», Москва, 1981 г.), «Оммавий кўшиқларда интернационализм» мақоласи (Сов. Ўзбекистони №8, 1980 й.), «Ўзбек мусиқаси тарихи» 3-жилдида «Кўшиқ», «Романс», «Хор капелла» ва «Опера» қисмлари; («Тил ва адабиёт таълими» журн. 1991 й. № 9), «Шеърят ва мусиқа» (Ҳ.Олимжон ва Зулфия ижодлари ҳақидаги мақолалар, Л.Мажидова билан ҳамкорликда ёзилган), 1991 йилда

«Оммавий эстрада кўшиғига Ўзбекистон замонавий эстрада санъатининг ривожланиш муаммолари» мақоласи, 1996 йили «Зулфия мусикада» мақоласи; 1998 йили «Лайли ва Мажнун» операсига 60 йил» мақоласи, 2000 йили «Нацл» (Талабалар хори кеча ва бугун) мақолаларининг муаллифидир.

Чаман Носированинг чоп этилган илмий ишларидан ташқари унинг нашрдан чиқмаган мақолалари ҳам мавжуд. Шу жумладан «Икром Акбаровнинг ҳаёти ва ижодий йўли», «Самарқанд опера театри», «Ўрта Осиё халқлари мусикаси тарихи», «Вокал-симфоник мусика» ва «Ўзбек кўшиғи» боблари, «К.Зокиров ижодида янгилик», «Ўзбек симфоник мусика санъатининг асосчиси» 1- ва 2- саҳифалар; «Ўзбек мумтоз мусика асослари» фани дастури, «Мақом асослари» фани дастури, «Мусика тарихи» фани дастури, «Мусика тарихи» фани бўйича услубий кўрсатмалар, «Гармония» фани намунавий дастури, «Мусика асарининг таҳлили» фани дастури, «Мусика тарихи» фани намунавий дастури ва бошқалар.

Мусикашунос Чаман Носирова 1970 йилда ўтказилган ёш мусикашунослар илмий ишлари танловида иккинчи даражали мукофотга сазовор бўлган. У 2001 йили «Мустақил Ўзбекистоннинг 10 йиллик медали» билан тақдирланган.

ЮЛДУЗ НОСИРОВА (1947)



Санъатшунослик фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусика тарихи кафедраси профессор в.б., мусикашунос Носирова Юлдуз Мирхамидовна 1947 йил 31 июлда Германиянинг Вердер шаҳрида туғилган. 1962-1966 йилларда Ҳамза номидаги мусика билим юртининг мусика назарияси бўлимида, 1966-1971 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг мусикашунослик факультетида, 1972-1974 йилларда аспирантурада таҳсил олди. 1971 йилдан консерваториянинг мусика тарихи кафедрасида ўқитувчи, доцент, профессор в.б. лавозимларида ишлаб келмоқда.

Ю.Носированинг кўйидаги мақолалари чоп этилган: «К вопросу о роли народно песенной мелодии в вокальной драматургии узбекских опер» (Т., 1972), «Некоторые приёмы использования узбекской народной мелодии в опере В.А.Успенского и Г.А.Мушеля

«Фархад и Ширин» (Проблемы музыкальной науки Узбекистана, Т., 1973), «Узбекская песня в операх Р.Глиэра и Т.Садыкова» (Вопросы истории и теории узбекской музыки, Т., 1976) «Принципы претворения фольклора в узбекских операх 70-х годов» (Вопросы музыковедения Узбекистана Т., 1982), «К проблеме использования фольклора в узбекской исторической опере» (Вопросы теории и исполнительства на современном этапе Т., 1983), «Ўзбек операси ва фольклор» («Шарқ тароналари Халқаро мусиқа фестивали йўлдоши» Самарқанд, 1997).

Ю.Носированинг «Дирижёр Ғ.Тўлаганов», «Композитор Р.Абдуллаев» ижодий портретлари, «Шарқий Оврўпо мусикаси тарихи» ўқув қўлланмаси, «Мусиқа тарихини ўқитиш услубияти» фани бўйича ўқув дастурлари каби қўлёзмалари мавжуд.

ЛЕЙЛА НУРИМОВА (1964)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоларининг сафига истеъдод соҳиби, ёш композитор Нуримова Лейла Чориевна 1992 йили мусиқий санъатнинг турли жанр ва шаклларида яратган мусиқий асарлари билан кириб келди. Бу ижодий изланиш руҳида яшаётган композитор, XXI асрда камолот сари интилиб, янги-янги бадий-мусиқий асарлар яратиб, замонавий профессионал мусиқий санъатнинг ривожланиш жараёнига ўз ҳиссасини қўшишмоқда.

Бўлғуси композитор Нуримова Лейла Чориевна Ашхобод шаҳрида, 1964 йилнинг 27 сентябрида таваллуд топди. Унинг отаси композитор Чори Нуримов, онаси мусикашунос олима Ноила Турсунова. Мусиқа оламида яшаган Лейла болалигидан мусикага меҳр қўйди. Фортепианода бошланғич сабоқни Г.А.Аннамамедовадан олди. Кейинчалик Туркменистондаги мусиқа мактабида фортепиано бўйича ўқий бошлади. 1976 йилда онаси Тошкентга бутунлай кўчиб келганлиги сабабли, у ўқишини В.А.Успенский номидаги Республика мусиқа мактаб-интернатида давом эттирди ва 1982 йили мактабни битирди. Ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирди. Композитор Р.Дж.Вильданов синфида композициядан сабоқ олди. Ўқиш жараёнида турли чолғулар, ансамбль ва оркестрлар учун устозининг

рахбарлигида асарлар ёзди ва 1987 йили овоз ва оркестр учун «Концерт-поэма» диплом асари билан консерваторияни битирди. 1987-1988 йили Тошкент давлат маданият техникумида дарс берди. 1988 йилдан буён 27-болалар санъат мактабида музика назарияси, тарихи ва композициядан дарс бериб келмоқда.

Композитор Л.Нуримова педагогик фаолияти билан биргаликда фаол ижод қилмоқда. Шу ўтган йиллар давомида, мустақил равишда у қуйидаги музика асарларни яратди: 1989 йили баритон овози ва симфоник оркестр учун шоир Э.Межелайтис сўзига «Ми бемоль мажор» номли романс туркуми ва 1990 йили симфоник оркестр учун «Думы о Родине» номли симфониетта, камер-чолғу музикалардан 1986 йили торли кваттет, 1988-1990 йилларда виолончель ва фортепиано учун «Соната», гобой ва фагот учун «Канонлар» ва «Дуэт», гобой ва фортепиано, кларнет ва фортепиано учун «Пьесалар», скрипка ва фортепиано учун пьесалар. 1987-1999 йилларда фортепиано учун «Сонатина», «Вариация», «Детская вариация», бешта пьесалар «Родные напевы», иккита прелюдия, «Восточная сказка», «Грустное настроение», «Раздумье», «Вчера и сегодня», иккита пьеса (1999 й.)

1988-1999 йилларда ёзилган романслар: «Мечта» (Р.Фарҳодий сўзи), «Фиалка» (С.Красиков сўзи), «Пора листопада», (Шукрулло сўзи), «Благодарю тебя» (А.Омарова сўзи), шоир Э.Межелайтис сўзларига «Останься» романслар туркуми. Мазкур йилларда қуйидаги кўшиқлар бунёдга келди: «Без тебя» (П.Прадова сўзи), «Ты облаком плыла» (В.Николаев сўзи), «Гроза» (А.Портянко сўзи), «Ты прекрасней всех» (Л.Димова сўзи), болалар учун кўшиқлар: «Новый год» (В.Ветрова сўзи), «Лошадка пони» (халқ сўзи), «Я рисую на песке» (Л.Ильинова сўзи), М.Яснов сўзига олти қисмли туркум: «Что такое счастье», «Пирог с морошкой», «Колыбельная тигрёнку и котёнку», «Незнакомец», «Спасибо», «Поросёнок и жеребёнок», «Зелёный верблюжонок» (Р.Фарҳодий сўзи), «Я и ты» ва «Где ты?» (Э.Орипова сўзлари), «Мой край» (А.Омарова сўзи), болалар хор жамоалари учун «Доброе слово» (К.Чолиев сўзи), «Летом» (К.Тангрикулов сўзи), «Қорақум», «Джейранчик» (Н.Байрамов сўзи) ва бошқалар.

НОИЛА НУРИМОВА (ТУРСУНОВА) (1940-2005)



Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент, муаллим, муסיқашунос Н.Нуримова (Турсунова) Ўзбекистон ва Туркманистон муסיқа маданиятларининг вакилларида. У икки халқнинг муסיқа тарихига замондош бастакор, композиторларнинг ижодий фаолиятига, концерт жамоалари ва муסיқий театрларнинг муаммо ва долзарб масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлари, газета ва журналларда чоп этилган мақолалари билан эл назарига тушди ва хурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Нуримова (Турсунова) Ноила Пардаевна Тошкентда 1940 йилнинг 7 январиди туғилди. Ноила болалигидан муסיқага меҳр қўйди. В.А.Успенский номидаги махсус муסיқа мактаб-интернатида ўқиб юрган пайтлари назарий фанлар билан қизиқди. 1959 йили мазкур муסיқа мактабини битириб, Гнесинлар номидаги Москва муסיқа-педагогика институтининг муסיқашунослик факультетига ўқишга кирди.

Фольклоршунос-олим, профессор Т.В. Попова раҳбарлигида «Туркменская народно-бытовая песня» мавзуида диплом ишини ҳимоя қилиб, 1964 йили олий муסיқа ўқув юртини битирди.

Москвада ўқиб юрган даврда Н.Турсунова ва туркман композитори Чори Нуримов оила қурдилар ва 1964 йили Ашхоботга келдилар. Шу йилдан бошлаб 1976 йилга қадар Ноила Нуримованинг ҳаёти ва ижодий фаолияти туркман муסיқа санъати билан боғланди. Муסיқашунос Н.Нуримова (Турсунова) меҳнат фаолиятини Д.Овезов номидаги Туркманистон давлат муסיқа билим юртида муסיқа тарихи ва назарияси, сольфеджио, муסיқа шакли каби фанлардан дарс беришни бошлади. 1996 йили Махтумқули номидаги Туркманистон давлат опера ва балет театрида адабий эмакдош лавозимида ишлади. 1970 йиллари Туркманистон Фанлар академияси тасарруфидаги Ш.Ботиров номидаги «Тарих институти» санъат тарихи бўлимининг аспиранти сифатида сабоқ олди ва 1975 йили «Зарождение и развитие симфонической музыки в Туркменистане» мавзуида номзодлик диссертациясини Т.С.Вызго раҳбарлигида ёзиб, санъатшунослик

фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. У 1970 йили Туркменистон Композиторлар уюшмаси сафига қабул қилинди. Н.Нуримова (Турсунова) 1964-1976 йилларда «Творческий портрет Вели Мухатова» избр. (Пьесы, Ашгабат, 1970г.), «Гармоничный дуэт о народной артистке Б.Кариевой» (журнал «Музыкальная жизнь» № 13, 1970 г.), «История и современность» номли 1972 йили Москвада чоп этилган китобга унинг «Роль русских композиторов в зарождении симфонической музыки в Туркмении», Москвада 1973 йилда чоп этилган «История музыки народов» китобининг 4-5-томларига «Туркменская музыка» мақоласи киритилган: журнал «Сов. музыка» (8-сон), 1975 йили «К развитию национальных музыкальных культур» мақоласи киритилган, журнал «Музыкальная жизнь» (23-сон), 1975 й. «Два спектакля туркменского театра» мақола, «Музыкальная энциклопедия» 1977-1979 йилларда чоп этилган. Китобда П.Сариев, Г.Угурлиев, М.Тачмуродов каби бастакорларнинг ижоди ёритилган. Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги «Мелодия» грамофон пластинкада Туркман композиторларининг қисқа ижодий портретларини ёзган.

Н.Нуримова (Турсунова) турли мавзуларда ўтказилган конференция ва симпозиумларда маърузалар билан қатнашди, республика пойтахти Ашхоботда, Красноводск, Чоржўй шаҳарларида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалараро танловларида жюри раиси ёки аъзоси сифатида қатнашди.

1976 йилдан Н.Нуримова (Турсунова)нинг ҳаёти ва ижодий фаолияти Ўзбекистонда ўтди. Шу йилдан бошлаб у Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси. 1976-1996 йилларда М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаб, мусиқий фанлардан дарс берди. 1997 йили у Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига мусиқа фанларидан дарс беришга таклиф қилинади. У 300 дан ортиқ илмий-назарий, методик қўлланмалар, композиторларнинг ижодий портретлари, хонанда ва созандалар, концерт жамоалари ва мусиқий театр спектаклларига тақриз ва оммабоп мақолалар ёзди. Унинг газета ва журналларда чоп этилган мақолалари мусиқа ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятини беради. Бу борадаги унинг фаолиятини мусиқашунос-журналист деса муболаға бўлмайди. У доимий равишда 40 га яқин турли тилларда чиқадиган газета ва журналлар билан алоқа қилди, қатор диссертацияларга тақризлар ёзди.

КАРИМА ОЛИМБОЕВА (АХМЕДОВА) (1926-1992)



Карима Олимбоева (Аҳмедова) атоқли мусиқашунос-олималаримиздан. У XX аср ўзбек мусиқа санъатининг ривожланишига самарали ҳисса қўшди. Йиллар давомида вилоятлар бўйлаб ўтказилган фольклор-экспедицияларда фаол қатнашиб, ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқларининг мусиқий меросини ва машҳур ҳофиз, созанда ва бастакорлар ҳаёти ва ижодий фаолиятларини ўрганди, бу асосда нота тўпламларини тузди, китоблар ёзди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси сифатида мусиқий фольклоршунослиги, мусиқали драма масалаларига бағишланган ижодий-илмий ишларини ёзди.

К.Олимбоева Қўқон шаҳрида 1926 йили дунёга келди. Ўрта умумтаълим мактабида ўқиб мусиқа мактабида фортепианодан сабоқ олди. 1941-1945 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида фортепиано ва мусиқа назарияси бўйича таълим олди. 1945 йилда Карима Тошкент давлат консерваториясининг мусиқашунослик факультетига ўқишга киради. Талабалик даврида унинг халқ мусиқа ижодига қизиқиши ортади. 1946 йилда у Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтига ишга қабул қилинади. Институт ташкил этган фольклор экспедицияларида К.Олимбоева фаол қатнашади ва фольклорчи мутахассислигини пухта ўзлаштиради. Шу йиллари «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» халқ достони билан қизиқади ва машҳур Бола бахши ижросида магнит тасмасига, кейин нотага олади. Шу мавзуда И.Акбаров ва Т.Визго раҳбарликларида диплом иши ёзиб, 1950 йилда ўз ишини битиради ва мазкур институтда илмий фаолиятини давом эттиради.

К.Олимбоева (Аҳмедова) фольклор экспедицияларда магнит тасмаларига ёзиб олинган халқ мусиқа намуналарини нотага олиб, қуйидаги номларда нашрдан чиқарган: «25 ўзбек халқ кўшиқлари», «Ўзбек чолғу мусиқаси», «Уйғур халқ кўшиқлари», «Ўзбек халқ мусиқаси». У созанда, хонанда ва бастакорлар ҳаёти ва ижоди ҳақида қуйидаги китобларни ёзди: «Фарғона ва Тошкент мусиқачилари», «Хоразм мусиқачилари» (бу қўлёзмалар институтнинг кутубхонасида сақланади), мусиқашунос М.Аҳмедов билан ҳамкорликда «Ўзбекистон халқ созандалари» (Т., 1959 й.). Бу китобда машҳур халқ

хофизлари: Домла Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Шораҳим Шоумаров, Леви Бобохонов, Матпано Худойбергенов, Усто Шоди Азизов, Мадрахим Якубов (Шерозий), Куржиота Авазатов, Комилжон Отаниёзов ва 20 га яқин машҳур созанда ва бастакорларнинг ижодий йўллари қисқача таърифланган. Т.Йўлдошбоева, М.Аҳмедов, Т.Мирзаевлар билан ҳаммуаллифликда «Ўзбекистон халқ созандалари» (Т.,1974) иккинчи китобини ёзиб, тузувчи ва муҳаррир вазифасини ҳам бажарган.

Узоқ йиллар давомида К.Олимбоева муסיқали драма бўйича илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланди, очерк ва мақолалар тайёрлади: «Рождение узбекского музыкального театра», «Узбекская музыкальная драма», «Музыкальные драмы, созданные в годы войны», «Музыкальные драмы в 1945-1967 годы» ва «Мастера народного искусства - носители многовековых художественных традиций» шулар жумласидандир. 1971 йилда у «Ўзбек муסיқали драмаси» мавзuida номзодлик диссертациясини ёқлади. К.Олимбоеванинг қатор илмий мақолалари ўзбек муסיқаси тарихига оид ўқув қўлланмаларга, тегишли мавзуларга бағишланган тўпламларга киритилган.

Карима Олимбоева (Аҳмедова) Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг садоқатли аёли, болаларнинг меҳрибон онаси эди.

ИСЛОМ ОЛЛОБЕРГЕНОВ

(1942)



Бастакор Исллом Оллобергенов Хоразм вилояти муסיқа санъатини ривожлантириш ва тарғиб этишда катта ҳисса қўшган ижодкорлардан.

Оллобергенов Исллом Раҳмон ўғли Хоразм вилояти Урганч шаҳрида 1942 йилнинг 29 сентябрида таваллуд топган. 1964 йили Бухоро муסיқа билим юртини муваффақиятли битириб М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факультетига ўқишга киради. Бу ерда муסיқа сирларини ва амалиётини янада чуқурроқ, кенгроқ ўрганди ва бастакорлик ижоди билан шуғулланиб, сиртки бўлимни битирди.

И.Оллобергенов 1959-1960 ва 1967-1968 йилларда Урганч шаҳар 1-сон болалар муסיқа мактабида ўқитувчи, 1968-1972 йилларда М.Харратов номидаги Урганч муסיқа билим юртида илмий мудир,

директор, 1972-1978 йилларда Урганч шаҳар Ҳокимияти Маданият ишлари бўйича бўлим бошлиғи, 1978 -2011 йилларда Урганч шаҳар Р.Аллабергенов номли 2-сонли болалар музика мактаби директори лавозимларида фаолият юритди.

У қуйидаги музика асарларни яратди: скрипка ва фортепиано учун «Романс», «Сонатина», «Сонатина №2», «Серенада», «Болалар учун концерт», «Менуэт», уч қисмли «Соната» ва бошқалар.

Бастакорнинг ижоди раҳбарлик ва педагогик фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, унда болалар музикаси муҳим ўрин эгаллайди. Ижодкорнинг бир қатор сонаталари, марсия, поэма, кантата, романслари олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчи ҳамда талабалари репертуарларидан кенг ўрин олган. “Ўзбекистон”, “Ўзбекистоним менинг”, “Она ва бола” кантаталари, хор учун “Ўзбекистон ортга қайтмайди” асари, дамли оркестр учун маршлар, скрипка учун “Болалар концерти”, “Менуэт”, “Романс”, 3 қисмли Соната, сонатина, “Серенада”, кларнет учун “Рапсодия”, фортепиано учун «Вальс», «Сухбат», «Учрашув», «Менуэт», «Вальс №5», «Сонатина», рубоб учун «Мелодия», «Кичик концерт» ва бошқа асарлари шулар жумласидан. И.Оллобергенов нашрдан чиқарган “Болалар альбоми”, “Фортепиано дарслиги”, рубоб чолғуси учун “Қўшиқ ва рақс”, “Болалар учун 40 қўшиқ”, “Р.Аллаберганов”, “Жалолиддин Мангуберди” каби музика асарлар тўпламлари ёш авлоднинг маънавий онгини кенгайтиришга, музика саводини оширишга, ижро техникасини бойитишга катта хизмат қилади.

И.Аллабергенов кўп йиллар мобайнида ташкилотчилик, раҳбарлик фаолиятини олиб бориб, Хоразм вилоятида музика санъатини мавқеини кўтаришда, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта ишларни амалга оширди.

АБДУШАРИП ОТАЖОНОВ (1924-1997)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва композитор Абдушарип Отажонов 1924 йилнинг 1 январиди Хива шаҳрида дунёга келди. Унинг бобоси ва отаси «созчи уста» номи билан танилган сурнайчи эдилар. Улар Абдушарипда туғма музика қобилият борлигини сезиб, музикадан сабоқ бера бошладилар ва

у тез орада «мўъжизакор» ғижжакчи ва сурнайчи номига эга бўлди. 1932 йили бошланғич ўрта таълим мактабида, сўнгра ёшлар мактабида ўқиди, 1937 йили Хива қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирди. Мазкур ўқув даргоҳида мусиқа тўғаракларига ҳам қатнашди. Ўзининг ижрочилиги билан обрў-эътиборга эга бўлган 15 ёшли Абдушарип 1939 йили Хива шаҳридаги вилоят театрига ишга таклиф қилинди ва шу пайтдан унинг меҳнат фаолияти бошланди.

1942 йили А.Отажонов ҳарбий хизматга чақирилди ва Калинин, 2-Белорусия фронтларида жанг қилди. 1944 йили 23 июнь куни оғир ярадор бўлиб, бир оёғидан ажралди. Госпиталларда даволангандан кейин 1945 йили армия сафидан озод этилиб, Ватанига қайтди. 1945-1951 йилларда А.Отажонов Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма ва комедия театрида созанда, мусиқа бўлими маслаҳатчиси бўлиб ишлади. Ёшлигидан ижрочилик ила мусиқа басталашга қизиққан ва машқ қила бошлаган Абдушарип замонавий Оврўпо нота тизимини кўп овозли мусиқа қоидаларини ўрганиш эҳтиёжи билан 1951 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа юртининг мусиқа назарияси бўлимида К.Отаниёзов, М.Юсупов ва С.Ҳайитбоевлар билан биргаликда ўқиди. Бу эл-юрт орасида обрў-эътиборга сазовор бўлган санъаткорларга ўқув юрти директори И.Ҳамроев шароит яратиб берган эди. 1955 йили ўқишни битириб, А.Отажонов Хива шаҳрида болалар мусиқа мактабини ташкил этди. Унга раҳбарлик қилиш билан бир вақтда Хива шаҳар маданият бошқармаси театри мусиқа бўлимининг эмакдоши вазифасида ишлади. 1959-1964 йилларда у Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма ва комедия театри директори ва дирижёри лавозимларида ишлади, айна пайтда Тошкент давлат консерваториясида композиция бўйича сиртқи бўлимда профессор Б.И.Зейдман синфида ўқиди. 1964 йили А.Отажонов чанг ва симфоник оркестр учун концерт билан консерваторияни муваффақиятли битирди. Олий маълумотли мутахассис Урганч мусиқа билим юрти директори лавозимида тайинланди. 1967-1973 йилларда у Огаҳий номидаги театр директори ва дирижёри, 1973-1980 йилларда мусиқа билим юрти директори бўлиб ишлади. 1980-1986 йилларда театрга қайтиб, бош дирижёр вазифасида ишлади ва нафақага чиқди.

А.Отажонов ижодий меросида ранг-баранг, турли мавзуларда ёзилган кўшиқ, хор ва оркестр учун кўп қисмли мусиқий асарлар, мусикали драма ва комедиялар муҳим ўрин эгаллайди. У ўз

ижодининг дастлабки даврида чолғу мусикасига нисбатан кўшиқчиликка кўпроқ аҳамият берди. Замондош шоирларнинг шеърларига меҳнатни ва меҳр-муҳаббатни куйловчи, одамлар хулқи ва жамиятда учраб турадиган айрим нуқсонларни ҳазил ила танқид остига олувчи ранг-баранг, жозибали кўшиқлар, лирик ашулалар, ҳажвий лапарлар яратди. Жумладан, 1957-1964 йилларда «Меҳнат завқи» (М.Абдурахимов сўзи), «Роҳати бир жон етишдим» (М.Раҳмонов сўзи), «Газ келди, газ» (Э.Эшмонов сўзи), «Салом марду мардонларимга» ва «Чўпон йигит кўшиғи» (А.Пўлат сўзлари), «Машъал элим» (Р.Бекниёз сўзи) каби меҳнатни ва Ватанни ардоқлайдиган кўшиқларни, «Куйлайди табиат» (Ҳ.Шарипов сўзи), «Келди ёрим қошимга» (Х.Саидов сўзи), «Кезарман» (К.Аҳмадий сўзи), «Интизормикин», «Айрилма мани», «Жонгинам шартингни айт» (Р.Бекниёз сўзлари), «Ошиқ ноласи» (Дилафкор сўзи), «Кел, кел жоним» (Шухрат сўзи) каби лирик кўшиқларни, «Бири бинафша, бири Равшан» (Бобур сўзи) лирик ялласини, «Шўх ошпаз» (Порлоқ сўзи), «Почтачиман, почтачи» (К.Аҳмадий сўзи), «Узук тақсам билагингга», «Бобойжоним», «Аравакаш» ва «Ўзи билса, билсин» (Р.Бекниёз сўзлари), «Ҳар кишининг бўлса икки хотини» (Махтумқули сўзи), «Каминангиз комендант» (Э.Раҳим сўзи), «Суратчиман, суратчи» (Хуршид сўзи) каби ҳазил, сатирик, лапарсимон айтишувларни яратиб хонандалар репертуарларини бойитди. Ҳозирга қадар айримлари концерт дастурларида янграмоқда.

А.Отажоновнинг ижодий меросида шоирлар билан ҳамкорликда меҳнат, тинчлик, дўстлик, ишчи-деҳқон ёшлар, Ватан каби мавзуларда яккахон, хор ва оркестр учун басталаган кўп қисмли йирик асарлари ҳам оз эмас. Улар кўшиқлари каби ёрқин оҳангдорлиги, жозоба ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Композитор қаламидан қуйидаги асарлар бунёдга келди: «Хоразм» (Э.Раҳмон сўзи, 1968й.), «Шодиёна» (1968й.), «Маҳаллада тўй», «Сумалак оқшоми» (1971й.), «Замон анъанаси-никоҳ тантанаси» (Хуршид сўзлари, 1973й.), «Олтин қўллар» (Миртемир сўзи, 1973 й.), «Улуғ кун» (Хушнуд ва О.Матчон сўзлари, 1967 й.), «Ақлда доно қизлар» (Э.Раҳим сўзи, 1982й.) вокал-хореографик сюиталари, яккахон, хор ва оркестр учун поэма, хор ва оркестр учун «Офарин» ва «Оқ олтин» (О.Матчон сўзи, 1967 й.), хоразм «Ёр-ёр»ини акапелла хори учун қайта ишлаган; «Авазим» Хоразм халқ кўшиғи асосида чолғу ансамбль учун пьеса, «Қудалар баҳси» (Нурматов сўзи, 1974 й.)

яккахон, хор учун хореографик композиция, аралаш хор ва оркестр учун сюита, «Пахтакорман» (Хуршид сўзи, 1982й.) яккахон ва чолғу ансамбли учун кўшиқ; «Хоразмда байрам» (Х.Абдуллаев сўзи, 1983 й.) вокал-хореографик манзара ва бошқалар.

А.Отажонов ижодида мусиқали драма ва комедия жанрлари муҳим аҳамиятга эга. Драматурглар билан ҳамкорликда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида қуйидаги асарлар сахна юзини кўрди: «Оқ нилуфар» (Р.Тагор асари, Авинников, С.Оспос ва А.Бобожоновлар таржима ва инсценировкалари, 1958й.), Р.Оллоберганов билан ҳамкорликда «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» (Ю.Юсупов пьесаси, 1958 й.) ҳамда «Маърифат қурбонлари» (Э.Раҳим пьесаси, 1958 й.) драмалари; «Ишқ билан ўйнашма» (А.Хайруллаев ва К.Аҳмадийлар пьесаси, 1960 й.); «Ким айбдор» (И.Аҳмедов ва У.Исмоиловлар пьесаси, 1960 й.); «Сенсиз яшолмайман» (Р.Бекниёз пьесаси, 1961 й.); «Тоғ қизи» (Р.Ҳамзатов пьесаси, 1963 й.); «Тош тешар» (А.Жамол, 1964 й.) «Икки ўт ўртасида» (Р.Бекниёз пьесаси, 1964 й.); «Хўжа Насриддин» (Азимзода пьесаси, 1965 й.) «Махтумқули» (Матризаев пьесаси, 1966й.); «Мавлоно Огаҳий» (Ю.Юсупов пьесаси, 1968 й.); «Меҳрибонлар» (А.Жамол пьесаси, 1970 й.); «Тузоқ» (А.Жамол пьесаси, 1972 й.); «Али масхарабоз» (А.Бобожонов пьесаси, 1972 й.); «Қизлар исёни» (Ю.Юсупов пьесаси, 1973 й.); «Сўнги пушаймон» (А.Жамол пьесаси, 1974 й.); «Тошлар тилга кирганда» (П.Телегенов пьесаси, таржимон Н.Комилов, 1976 й.); «Фотима кампирнинг лотореяси» (О.Матчон пьесаси, 1977 й.); «Мунозара давом этади» (Қ.Мирзоев пьесаси, 1981 й.); «Орзу» (Х.Расул пьесаси, 1984 й.); «Жавоҳир» (Э.Самандаров пьесаси, 1984 й.). А.Отажонов «Баҳор» (М.Тамсахиб пьесаси, 1961й.), «Бўронли йиллар» (Ў.Умарбеков пьесаси, 1963й.); Шоҳнинг боши бормиди, ё...» (А.Мухтор пьесаси, 1985й.) драмаларига ҳам мусиқа басталаган. Композиторнинг мусиқий меросида фортепиано, ўзбек халқ чолғулари ва оркестр учун турли асарлар мавжуд.

Абдушарип Отажонов 1969 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони, медаллар, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

МУҲАММАД ОТАЖОНОВ (1959)



Истеъдодли композитор Муҳаммад Абдушарипович Отажонов 1959 йил 16 сентябрда Урганч шаҳрида туғилди. Бошланғич муסיқа саводини отасидан ўрганди. К.Отаниёзов номидаги муסיқа мактабида фортепиано бўйича ўқиди. 1973 йили М.Харратов номидаги Урганч муסיқа билим юртида фортепиано мутахассислигидан таълим ола бошлади.

1976-1977 ўқув йилида М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов бўлимида бир йил ўқиди ва 1977-1982 йилларда фортепиано факультетининг асосий босқичида Н.Б.Гиенкода сабоқ олди. 1982 йил консерваториянинг композиторлик факультетининг иккинчи курсига қабул қилинди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, узилиб қолган ўқишини давом эттирди. 1989 йил Муҳаммаджон консерваторияни иккинчи мартаба битирди. 1989-1996 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг ўзбек халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги кафедрасида концертмейстер, ўқитувчи, 1996-2000 йилларда Ўзбекистон радиоси Ёшлар каналида муסיқа муҳаррири, 2000-2010 йилларда Ўзбекистон давлат консерваториясида катта ўқитувчи, доцент, бастакорлик кафедраси декани лавозимларида ишлади.

М.Отажонов 1985 ва 1987 йилларда ўтказилган ёш композиторлар кўрик-танловида иккинчи даражали мукофотга сазовор бўлди. 1989 йилда эса диплом иши сифатида фортепиано ва симфоник оркестр учун уч қисмли концертини ўз ижросида тақдим этди.

М.Отажонов турли жанрларда миллий асосда муסיқий асарлар яратиб, муסיқа жамоатчилигини хушнуд қилиб келмоқда. Чанг ва халқ чолғулари оркестри учун уч қисмли концерт, фортепиано ва симфоник оркестр учун 2-концерт, халқ чолғулари оркестри учун уч қисмли сюита, фортепиано дуэти, фортепиано ва симфоник оркестр учун 3- концерт, қонун ва оркестр учун уч қисмли концерт, камер чолғу муסיқаси шулар жумласидандир. Композиторнинг ижодидаги асосий етакчи образлар муסיқа тилининг халқчил интонациялари билан бойитганлиги туфайли бу асарлар замонавий руҳ билан тингловчи қалбини тўлқинлантиради ва гўзаллик оламига чорлайди.

М.Отажонов ўзбек халқининг сеvimли мусиқали драма ва комедия жанрларида самарали ижод қилиб «Чироғимни ким ёқади» (Ю.Жучик пьесаси, Югославия, 1992й.) трагикомедиясини, «Ҳар кимки вафо қилса...» (Ҳ.Мухаммад пьесаси, 1991й.), «Дилбар юраклар» (С.Солиев ва Х.Расул пьесалари, 1994й.), «Огаҳий» (К.Аваз пьесаси, 1999й.) мусиқали драмаларини яратди. Бу асарлар Огаҳий номидаги Урганч мусиқали драма ва комедия театрида сахна юзини кўрган.

Жонажон Ватанимиз мустақилликка эришгандан буён М.Отажоновнинг ижодий йўналишида ҳам бурилиш рўй берди. У турли мавзуларда бир талай жозибали кўшиқлар яратиб, хонандалар репертуарларини бойитди. Булар орасида «Ширин хотира» ва «Соғиндим» (С.Рустам сўзлари), «Яшнаган ўлкамга боқ» (О.Одилхонов сўзи), «Ўйнасин» (Н.Нарзуллаев), «Тўй бўлсин» (халқ сўзи), «Қалам қош» (З.Обидов сўзи), «Қарашларинг» (О.Эркин сўзи), «Мазали» ва «Юлдузим», «Шундай кўшиқ куйласам», «Асролмадим» (М.Отажонов сўзлари), «Мени тушун» (А.Кўчимов сўзи), «Қизгина» (П.Мўмин сўзи), «Баҳорим келди» (Шамсия сўзи), «Интилиб яшайман» (Т.Ниёзов сўзи), «Сетор» (Б.Машраб ғазали), «Жалолиддин», «Урганчим» (О.Матчон сўзлари) мавжуд.

М.Отажонов болалар учун кўплаб хор кўшиқларини яратди. Шу жумладан, «Ассалом», «Беозор мусича», «Чумчук», «Онажон» ва бошқалар. Бухоро шаҳрида ўтказилган Республика болалар хор жамоаларининг кўрик-танловида, Ўзбекистон халқ артисти, дирижёр Ш.Ёрматов раҳбарлигида 5000 та болалардан иборат кўшма хор ижросида М.Отажоновнинг «Ўзбекистоним» (Қамбар ота сўзи) ва «Наврўзжон» (З.Мўминова сўзи) кўшиқлари иккинчи даражали совринга сазовор бўлди.

М.Отажонов 1998 йилда «Гуноҳ», 2005 йилда “Қизи борнинг нози бор” кинофильмларига мусиқа басталаган.

ОРТИҚ ОТАЖОНОВ (1947)



Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти Ортиқ Отажонов 1947 йил 30 январда Хоразм вилояти Боғот туманида таваллуд топган.

1976-1980 йилларда Тошкент давлат Маданият институтида хор дирижёрлиги бўлимида таҳсил олди.

1968 йилдан Ўзбек давлат филармонияси қошидаги «Лазги» ашула ва рақс ансамблида яккахон ашулачи, 1981-1988 йилларда «Лазги» ансамблининг раҳбари бўлиб фаолият кўрсатган. Ҳозирда ижодий фаолият билан шуғулланиб келмоқда.

О.Отажонов анъанавий ва замонавий ижрочилик услубларини ривожлантиришда ўз хиссасини кўшиб келаётган санъаткорлардан биридир. У моҳир созанда ва хонанда сифатида халқ орасида кенг танилган. Ўзининг ижрочилик маҳоратини О.Отажонов Халқаро мусиқа айжуманларида, АҚШ, Германия, Япония, Иордания, Марокко, Непал, Малайзия, Янги Зеландия, Сингапур, Дания, Исландия, Япония, Австралия, Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа кўпгина хорижий мамлакатларда намойиш этди.

О.Отажонов ижрочилик фаолияти билан бир қаторда ижод билан ҳам шуғулланади. У яратган ва ижро этган «Ватан» (А.Орипов сўзи), «Бизга бўлсак» (Б.Бобомурод сўзи), «Дунё бу» (Ш.Неъматов сўзи), «Пиёлангда чой бўлиб» (М.Ҳайдар сўзи), «Ўзим билан ўзим» (Ў.Жўраев сўзи), «Хоразмда Хива бор» (Зарифий сўзи), «Бошқача» (О.Эркин сўзи), «Отажон», «Галсин-галсин» (Сахий Аҳмад), «Чарвоқ чироқлари», «Зеболаниб келибсиз», «Тинчлик учун» (Э.Самандаров сўзи), «Она диёрим», «Эсга олурсан» (О.Одилхонов сўзи), «Нигорим», «Ноз айла» (А.Обиджон сўзи), «Аён бўлғай» (О.Орифов сўзи), «Нурли кеча» (Э.Воҳидов сўзи), «Қачон келурсан», «Мадҳингни куйлай» (Т.Тўла сўзи), «Лазги» (Ҳ.Ғулом сўзи), «Ўзбекистон ипаклари», «Васлинг куйлаб» (С.Қўқонбеков сўзи), «Умр ўтар», «Сен унда зор бўлдинг» (О.Матчон сўзи), «Бири сенсан, бири мен» (Б.Ваҳобзода сўзи), «Турналар» (Воқиф сўзи), «Онажонлар, отажонларим» (Б.Туробова сўзи) каби 100 дан ортиқ кўшиқлар машҳур.

О.Отажонов 1980 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1985 йилда «Шавкатли меҳнат», 1992 йилда «Мустақиллик» медаллари, 1991 йилда «Ўзбекистон халқ артисти», 1993 йилда Туркменистон халқ артисти, Қорақалпоғистон халқ артисти унвонлари билан тақдирланган.

ПАК-ЕН ДИН (1909-1978)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафида турли миллат вакиллари ижод қилганлар. Улардан бири республикамызда истиқомат қилган корейслардан чиққан биринчи профессионал композитор Пак-Ен Дин ўзининг кўп қиррали ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан муסיқа тарихида ёрқин из қолдирди.

Пак-Ен Дин Узоқ Шарқ ўлкаси, Суйфун райони Қуйи-Корсаковка қишлоғида 1909 йилнинг 7 ноябрида дунёга келди. 1937 йилда муסיқа мактабини битирди. Ўша йили оиласи Ўзбекистонга кўчирилди. 1938 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик тайёрлов бўлими, 1940 йили асосий курсда профессор Б.Надеждин синфида таҳсил олди. 1945 йили торли кватрет ва биринчи симфония диплом иши билан ўқишни битирди. Шу йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига қабул қилинди.

1945-1953 йилларда ўрта таълим рус мактабида бадиий ҳаваскорлар жамоасига раҳбарлик қилди. 1953-1958 йилларда ижод билан шуғулланди. 1959-1969 йилларда консерваториянинг муסיқа назарияси кафедрасида ўқитувчи, 1969-1972 йилларда М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси қошидаги Корейс халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари лавозимларида фаолият юритди.

Композитор Пак-Ен Диннинг ижодий фаолияти кўшиқ ва театр учун муסיқа басталашда устувор туради. У Қозоғистон театри учун «Хон Гиртон» (Ким Гичера пьесаси), «Тори и Сунртхан» (Цой Чна пьесаси), «Хон Бемда» (Тхай Дян Чун пьесаси) муסיқали драмасини; «Актриса» (Ен Сен Ен пьесаси); «Суир Сунай» (Ли Ден Ним пьесаси); «Гену и Дикне» (Пак Снет пьесаси), «Олимтик» (Ен Сен Ена пьесаси); «Сим Чен» (Цой Ена пьесаси) муסיқали спектакллари, Муқимий номидаги республика муסיқали драма театри учун 1950 йилда «38-параллелнинг жанубида» муסיқали драмасини яратди.

Пак-Ен Дин, замондош корейс, рус ва ўзбек шоирларининг турли мавзулардаги шеърларига, хонанда ва хор жамоаси учун жуда кўп жўшқин кўшиқлар яратди. «Кутиш», «Қизлар сири», «Думанган дарё бўйида», «Биринчи муҳаббат», «Арғимчоқ», «Баҳор», «Қиз ва йигит», «Ойдин кеча», «Она», «Ёшлик», «Видолашув»; меҳнат, ватан,

тинчлик мадҳ этилган «Пахта ҳақида кўшиқ», «Ўрмон ёғочи оқизувчилар», «Шоликорлар», «Сирдарё», «Бўз ерни куйлайман», «Пахта ҳақида вальс», «Тинчлик ҳақида кўшиқ» каби кўшиқларни яратди. Жўрсиз хор учун яратган «Пхеньянга йўл», «Ёшлик», «Дехқонлар базми», «Ғалла янчиш» каби хор кўшиқлари машҳур бўлиб кетди. У акапелла хор учун «Хван Чори», «Ме Хян-Сан», «Катури», “Гун-бан” корейс халқ кўшиқларини қайта ишлади.

Композитор 4 қисмли симфония, иккита «Корейсча симфоник сюита»; «Байрам увертюраси», «Помир» ва «Балиқчилар» симфоник поэмалари, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун учта сюита, эстрада оркестри учун пьеса ва кўшиқлар, корейс ашула ва рақс ансамбли учун иккита махсус дастур яратди.

Пак Ен Дин ордени ва медаллар билан тақдирланган.

ЯН ПЕККЕР **(1906-1993)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, жамоат арбоби, мусиқашунос Пеккер Ян (Яков) Борисович XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У замонавий ўзбек мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнида туғилган муаммо ва зиддиятларни ечишда, ёш ўзбек композитор ва мусиқашуносларни тарбиялашда, мусиқа санъатини тарғиб қилишда миллий мақом санъатини ҳимоя қилишда астойдил хизмат қилиб, катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Пеккер Ян (Яков) Борисович Россиянинг Астрахан шаҳрида 1906 йил 4 сентябрда туғилди. 1912 йили уларнинг оиласи Самара шаҳрига кўчади. Ян 7 ёшидан гимназияда, сўнгра умумтаълим мактабда ўқийди. У болалигидан мусиқага қизиқади ва 1920 йили мусиқа мактабида фортепиано чалишни ўргана бошлайди. Бу мусиқа мактаби 1924 йили мусиқа техникумига айлантирилади. Ян техникумда ўқишини давом эттириб, уни 1928 йили битиради. Ўша йили Москвадаги Гнесинлар номидаги мусиқа техникумида фортепиано бўйича ўқишни давом эттиради. 1931 йили техникумни битириб, Москва давлат консерваториясининг мусиқа тарихи ва назарияси факультетига ўқишга киради.

Москва консерваториясини 1936 йили битириб, Халқ маорифи

буйруғига асосан янги ташкил топган Тошкент давлат консерваториясига ишга келди. Консерваторияда дарс беришдан ташқари Ўзбекистон радио комитетида бадий раҳбар лавозимига тайинланди. Мазкур даргоҳда ўзбек адабиёти ва мусиқа санъати намояндалари билан яқиндан танишди ва Тошкентда умрининг охиригача ишлашга қарор қилди.

1941 йили Я.Б.Пеккер радиодан бўшаб, ўқитувчилик ва илмий иш билан шуғулланди. 1944-1948 йилларда у Ўзбек давлат филармониясига бадий раҳбар лавозимига тайинланди. Филармониянинг директори М.Қориёқубов билан ҳамма ижро жамоаларининг фаолиятларини жонлантirdилар. Лекторий бўлими ташкил этилиб, ўзбек ва жаҳон халқлари мусиқасини тарғиб қилиш яхши йўлга қўйилган эди. Айниқса, Я.Б.Пеккер ўқиган маърузалари жуда кизиқарли ўтар эди, минглаб мусиқа мухлисларининг олқишларига сазовор бўлар эди.

Я.Б.Пеккер педагогик ва раҳбарлик меҳнат фаолияти билан бирга илмий иш билан ҳам шуғулланди. У ўзбек халқи ўтмиш тарихини, маданият ва санъатини, адабиёт ва унинг намояндалари ижодларини ўрганишга ҳаракат қилди. Замонавий ўзбек мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнини кўздан кечириб борди. Санъатнинг турли мавзу ва муаммоларига бағишланган мақолалари матбуот ва мусиқий-энциклопедияларда чоп этилди. Масалан: Филармония қошида 1938 йилда ташкил топган ўзбек халқ чолғулари оркестри фаолияти тўғрисида, санъат арбоблари орасида тортишувлар, ечилмаган муаммоларнинг муҳокамаси авжига чиққан пайтида Я.Б.Пеккер «Сов.музыка» журнали 1949 йил №5 сонида «Узбекский оркестр народных инструментов» номли оркестрнинг 10 йиллигига бағишланган илмий мақоласи чиқди ва тортишувлар анча пасайди. Мазкур журналнинг 1949 йилги №11 сонида шоир, драматург ва бастакор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг бастакорлик фаолиятига бағишланган илмий мақоласи чоп этилди. 1967 йили «Сов.литература» журналида инглиз ва немис тилларида «Узбекская опера» илмий мақолалари чоп этилди. Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти, композитор ва этнограф В.А.Успенскийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида монографик китоб икки марта 1952, 1959 йиллар рус тилида, 1952 йили ўзбек тилида Тошкентда чоп этилган. 1966 йили нашрдан чиққан китобда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г.А.Мушель ҳаёти ва ижодий фаолияти ёритилган. «Узбекская опера» мавзуида номзодлик диссертациясини ёзиб, 1956

йили ёқлаган ва шу диссертация асосида 1963 йили «Узбекская опера» китоби «Музыка» нашриётида Москвада чоп этилди. Мазкур китобни қайтадан кўриб чиқиб, янги қўйилган операларни таҳлил қилиб, 1984 йили «Сов. композитор» нашриётида Москвада чоп эттирди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг 1942 йилдан аъзоси, музикашунос олим Я.Б.Пеккер республикамиз замонавий музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун 1956 йили унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилган.

ТАТЬЯНА ПЕТРЕНКО (1972)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига ёш музикашунос Татьяна Петренко 1998 йили қабул қилинган.

Петренко Татьяна Александровна (Семейкина) Тошкентда 1972 йилнинг 24 октябрида дунёга келди. Болалигидан у музикага қизиқди ва 1979-1990 йиллари Республика санъат махсус мактаб-интернатининг фортепиано синфида ва музикашунослик бўлимида таҳсил кўрди. 1990-1995 йиллари М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида музикашунослик мутахассислиги бўйича профессор С.А.Закржевская ва музика танқидчилиги бўйича доцент В.З.Плунгянларда сабоқ олди. 1995-1998 йиллари консерваториянинг аспирантурасида сабоқ олди ва «Белла Бартокнинг композиторлик техникаси ва унинг аҳамияти Шарқ композиторларининг ижодиётида» номли диссертацияси устида иш олиб борди.

Т.Петренко турли мавзуларда тўплам, журнал ва газеталарда, рус ва инглиз тилларида 70 дан ортиқ илмий, оммабоп мақолалар ва тақризлар ёзди: Прелюдия и fuga «Памяти Авиценны» Т.Курбанова (методические записи музыкальной школы им. В.А.Успенского, вып. 5-Ташкент. Изд. «Фан» 1996 г.); Творческие установки Беллы Бартока и их значение для национальных композиторских школ Востока (Тезисы; Композиторская школа Узбекистана на современном этапе. (Сборник работ молодых ученых Узбекистана «Камолот, Ташкент, изд. «Фан» 1997 г.); И.Стравинский: штрихи к стилистическому портрету.(Сб.статей им.В.А.Успенского. Т., 2004.)

Журналларда чоп этилган мақолалар: Узбекские школьники покоряют немецких меломанов. («Ўзбекистон ҳаво йўллари» №1, 1996 г. на русском и английском языках); Наследие двух культур. («Ўзбекистон ҳаво йўллари» №2 и 3, 1996 г. на русском и английском языках); Альбина Шин: «Хочу надеяться» («Коресарим» №4, 1995 г.)

Т.Петренко «Час пик» для Энмарка Салихова. (Вечерний Ташкент, 1994 г.) «Его манил Восток» (о Р.Глиэре) (Вечерний Ташкент, 1985 г.); «Музыка-часть моей жизни» (о Х.Рахимове), (Вечерний Ташкент, 1996 г.); «Лейли и Меджнун встретились в Турции» (Правда Востока, 1994); «Композиторы объявляют год творческой активности (Правда Востока, 1997); «Тошкент 98»; музыкальный калейдоскоп (газ. «Пресстиж» №40,1998 г.) мақолалар муаллифидир.

АШОТ ПЕТРОСЯНЦ (1910-1978)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, профессор, мусиқашунос Ашот Петросянц илмий ижодий, педагоглик, дирижёрлик ва жамоат фаолияти билан XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У республикамизда замонавий профессионал мусиқа санъатини ривожлантириш, ўзбек халқ мусиқа чолғуларини қайта тиклаш орқали оркестр тузишга ва уни такомиллаштириш, нота услубида ижрочиликни жорий этиш, ижрочи кадрларни тайёрлаш билан банд бўлди. Ўзбек давлат филармонияси ва Тошкент давлат консерваториясида ўзбек халқ чолғулари оркестрини ва илмий лабораторияни ташкил қилди.

Петросянц Ашот Иванович Туркменистоннинг Мари шаҳрида 1910 йилнинг 10 майида туғилди. 1922 йилда болалар мусиқа мактабига скрипка бўйича ўқишга кирди. 1927 -1931 йилларда Тошкент мусиқа билим юртида скрипка синфида таҳсил олиб Мари шаҳар темир йўл клубидаги оркестрда созанда бўлиб иш бошлади. Тез орада «Ёш ишчилар театри» мусиқа бўлимининг мудири, кейинчалик директор лавозимида ишлади. 1935 йили Петросянц Тошкент шаҳрига келади ва «Болаларни бадиий тарбиялаш» марказий уйининг мусиқа бўлими мудири этиб тайинланди.

1936 йилда янги очилган Тошкент давлат консерваториясига

А.Петросянц биринчилардан бўлиб композиция бўйича Б.Б.Надеждин синфига ўқишга киради. Маълумки, филармония қошида Т.Жалилов раҳбарлигида 100 кишидан ортиқ ўзбек халқ чолғу ва ашула ансамбли ташкил қилинган эди. Мазкур ансамблда ишлаётган ёш созандаларга Ўзбекистон халқ артисти, композитор Н.Миронов нота ёзуви назариясидан дарс бериб, нотали оркестр тузган эди. Миронов талаба А.И.Петросянцни ўзига ёрдамчи сифатида ишга чақирди. Улар биргаликда илмий-назарий ва амалий ишларни бошлаб, 1938 йили реконструкция қилинган чолғулар гуруҳидан кўп овозли оркестр ташкил этдилар. Чолғуларни ясашда А.Кихваянц, А.Романченко, кейинчалик С.Диденко ва Оганесянцлар етакчилик қилишади. 1941 йилнинг бошида Миронов бу оркестрни шоғирди А.Петросянцга топширди ва у оркестрга бадиий раҳбар ва бош дирижёр этиб тайинланди. 1943 йилдан бошлаб оркестр қайта тикланди. 1948 йил Тошкент консерваториясида ўзбек халқ чолғуларида ижрочи кадрларни тайёрлаш учун махсус кафедра ташкил этилди. А.Петросянц кафедра мудирининг вазифасида ўқитувчидан профессор лавозимларигача юзлаб малакали ижрочи созанда ва дирижёр шоғирдларни тайёрлади. Петросянц чолғу асбоблар лабораториясида илмий иш билан банд бўлди, илмий анжуманларда маърузалар қилди ва қуйидаги дарсликларни яратди: 1951 йил реконструкция қилган ўзбек халқ чолғулари оркестри асосида «Инструментоведение», 1952 йили «Школа игры на доире», 1961 йили машҳур чангчи Аҳмад Одиллов билан ҳамкорликда «Школа игры на чанге», 1962 йили мусиқашунос Т.Визго билан ҳамкорликда «Узбекский оркестр народных инструментов», 1963 йили «Школа игры на нае» китобларини чоп этди. У ўз ижодий фаолиятида ўзбек чолғулари билан чегараланиб қолмай, Марказий Осиё халқлари чолғу асбобларини ҳам такомиллаштиришда ва оркестрлар ташкил қилишда фаол қатнашди. А.И.Петросянц ижодий фаолияти мусиқа жамоатчилигининг диққат марказида бўлди. 1957 йилгача Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг раҳбари сифатида фаолият юритди.

Ашот Иванович Петросянц Ўзбекистон мусиқа санъатининг ривожлантиришдаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Қорақалпоғистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонлари, Давлат мукофоти билан тақдирланган.

ИГОРЬ ПИНХАСОВ

(1959)



Композитор Игорь Пинхасов Туркменистон Республикасининг Ашхобод шаҳрида 1959 йилнинг 30 декабрида дунёга келди.

И.Пинхасов 1984 йилда П.Чайковский номидаги Москва консерваториясини, 1987 йили ассистентура - стажировкани профессор А.Леман синфида тугатди. 1988-1996 йилларда Ашхобод консерваториясида ўқитувчи, 1996-2007 йилларда Тошкент давлат эстрада-цирк коллежи, 2007-2010-йилларда Ҳамза номидаги музика коллежи, 2010 йилдан В.Успенский номидаги РИМАЛ ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

И.Пинхасов турли жанрларда ижод қилди. Асарлари орасида Симфония-достон (1984й.), саксофон, симфоник оркестр ва синтезатор учун Концертино (1987, 2-тахрири-2005й.), 2-Симфония (1990), хор, солистлар ва оркестр учун “Шахидлар хотирасига” кантатаси, камер чолғу асарлари, «Шахерезада» (1988), «Принцесса Турандот» (1989), «Царь Эдип» (1989) каби спектаклларга, «Тақдир» (1992), «Сияние» (1993), «Аромат желаний» (1993), «Поворот» (1994), «Тавба» (1995), «Бизнес доктор» (1997), “Номус” (2006), “Улфатлар-1, -2, -3” (2005-2009), “Аламли орзулар” каби кинофильмларга, “Ботирнинг бахти” мультфильмига музика басталади. 50 га яқин турли мавзуларда замондош шоирларнинг сўзларига эстрада кўшиқлар яратди.

ВЕРА ПЛУНГЯН

(1935)



Санъатшунослик фанлари номзоди, профессор, музикашунос В.З.Плунгян 2002 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига қабул қилинди. У республикамиз музика ҳаёти, ижодкорлар фаолиятига бағишланган китоб, мақола ва радиоэшиттиришлари билан танилди.

Плунгян Вера Зиновьевна Андижон шаҳрида 1935 йилнинг 19 августида таваллуд топди. Умумтаълим мактаби билан бирга болалар музика мактабида фортепиано синфида ўқиди, 1952 йилда Ҳамза номидаги Тошкент

давлат музыка билим юртининг музыка назарияси бўлимига ўқишга кирди. Айни пайтда 1953-1958 йилларда Тошкент давлат чет тиллар институтининг немис тили бўлимида таҳсил кўрди ва имтиёзли диплом билан битирди. 1956 йили В.Плунгян Тошкент давлат консерваториясининг музикашунослик факультетига ўқишга кирди. У талабалар орасида биринчилардан бўлиб, «Особенности музыкального языка «Шашмакома» мавзуида диплом ишини ёзиб, 1961 йили ўқишни муваффақиятли битирди. 1964-1967 йилларда ёш мутахассис аспирантурада таҳсил кўрди. 1971 йили «С.Юдаков - создатель первой узбекской комической оперы» мавзуида ёзган диссертациясини ёқлаб, санъатшунослик фанлари илмий даражасига эга бўлди.

В.З.Плунгян меҳнат фаолиятини талабалик даврида Т.Содиқов номидаги болалар музыка мактабидан бошлади. 1961-1966 йилларда йўлланма билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг услубий кабинетида ишлади. Айни вақтда 1961-1964 йилларда Тошкент давлат театр ва рассомчилик институтида ҳамда Ҳамза номидаги Тошкент музыка билим юртида ўқитувчилик қилди. Консерваторияда 1964 йилдан буён ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1972 йилдан доцент, 2003-йилдан профессор бўлиб 2012 йилга қадар музыка тарихи кафедрасида фаолият кўрсатди. Ўтган давр мобайнида у 80 дан ортиқ юқори малакали музикашуносларни тарбиялади.

В.З.Плунгян куйидаги китоб ва мақолаларни ёзди: «Сулаймон Юдаков» (1979), «Проделки Майсары» (1992), «Тухтасин Гафурбеков» (ҳаммуаллиф И.Г.Галушенко, 1997), Сулейман Юдаков в воспоминаниях современников. Штрихи к творческой биографии (Т., 2003), Педагогика – моя цивилизация (Педагогические записки историка и муз.критика) (Т.,2006), Соната моей жизни. (Т.,2009), Молодому поколению от историка музыки (Т.,2011) монографиялари, «Музыкальная критика в Узбекистане» (ҳаммуаллиф, 1984) очерки, «История музыки Средней Азии и Казахстана» том 1, ўқув қўлланмаси, «Музыкальная жизнь» 3, 4, 5 главы – (соавтор, 1995); сценарий телефильма «Один день в храме музыки» (к 60 летию Ташгосконсерватории, 1996). Булардан ташқари турли тўпламларда, «Сов. музыка» журналида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Правда Востока», «Ўзбекистон ўқитувчиси», «Халқ сўзи», «Тошкент оқшоми» каби газеталарда 100 дан ортиқ мақолалар, интервьюлар эълон қилинди. Бир қатор радио-эшиттиришлар ўтказди.

ЮНУС РАЖАБИЙ (1897-1976)



Ўзбекистон халқ артисти, Республика Давлат мукофоти совриндори, созанда, ҳофиз ва бастакор, академик Юнус Ражабий кўп қиррали ижодий фаолияти билан XX аср ўзбек мусиқаси тарихида теран ва ёрқин из қолдирди. У замонавий мусиқа маданиятимиз равнақиға, шунингдек, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига тамал тошини қўйган санъаткорлардан биридир. Унинг мумтоз қўшиқ ва ашулалари, рақс куйлари, мусиқали драмалари, айниқса, ўзбек халқ мусиқа мероси намуналарини, хусусан, мақомларни замонавий нотаға ва аудиотасмаларға ёзишдаги хизматлари беқиёсдир.

Юнус Ражабий ўзининг ҳаёти ва мусиқа санъатига кириб келишини «Ўзбекистон санъати» журналининг 1987 й. 3-сонида босилган «Ўзим ва ҳамкасбларим ҳақида» эсдалик мақоласида шундай таърифлаган: «Мен 1897 йилнинг 5 январида Тошкент шаҳрида дунёға келдим. Отам Ражаб Саримсоқов қассоб - касбига яраша серзавқ, довюрак одам эди. Онам Ойша Имомова уй бекаси эдилар. Оиламизда мендан ташқари яна уч ўғил ва икки қиз бор эди. Болаликдан хонанда-ю созандалар даврасида ўсдим.

Шукур акам бозордан бир дутор келтириб берди. Мирзақосим Ҳофиздан ва бошқа созандалардан эшитган куйларни мана шу дуторда машқ қила бошладим. Шу пайтларда акам Рисқи Ражабий яхшигина танбурчи эди. Дуторим билан унга жўр бўладиган бўлдим. Машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмухамедов ва йирик санъаткор Шораҳим Шоумаровлардан мақом ҳамда халқ ашулаларини ўргана бошладим.

7 ёшимдан эски мактабда ўқидим. 1910 йилда уни тугатиб, мадрасада уч йил таҳсил кўрдим. 13-17 ёшларимда кушхонада қассоблик қилдим. Лекин мусиқий машқларимни тўхтатмадим. Тошкентнинг Шайхонтохур, Кўксарой, Зангиота ва Тирсақда ўтказиладиган халқ сайилларида тошкентлик санъаткорлар билан бир қаторда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Марғилон, Наманган, Қўқон ва бошқа шаҳарлардан таниқли ашулачи, чолғучи, аскиячи, дорбоз, масхарабоз, раққослар қатнашарди. Ана шундай йиғинларда халқдан кўп нарса ўргандим. Кейинчалик «Ўзбек халқ мусиқаси» тўплам-

китобимга кўпгина халқ кўшиқлари, чолғу куйларини киритганман.

1913 йили отам вафот этгач, оиламиз моддий томондан қийналганлиги сабабли 1914-1915 йилларда Чимкент кушхонасида ишладим. Бу ерда машҳур санъаткорлар Султонхон, Қурбонхон, Имомхон, Ҳошимхон Ҳақимовлар билан танишдим. Бу ака-укалар орасида Илҳомхон най чалар эди. Ундан най чалишни ўргана бошладим. Машҳур Абдуқодир найчидан най чалиш сирларини мукамал ўргандим, етук созанда ва хонанда бўлиб, 1916 йилда Чимкентдан қайтдим. Шу йили машҳур мусиқачи ва ашулачи Шораҳим Шоумаровга шогирд тушиб, у кишидан таълим олдим. Устозим шу йили акам танбурчи Рисқи ва мен найчи-дугторчи, хонанда Ражабийлар, камончи Имомжон Икромов, доирачи Шожалиловлардан иборат ансамбль тузиб, репертуаримизни бойитиб халқ даврасига чиқадиган бўлдик.

1918 йили Тошкентда “Туркистон халқ консерваторияси” ташкил топди. 1919 йили эса композитор В.Успенскийнинг ташаббуси билан Баландмасжид, Роҳат боғида мазкур консерваториянинг бўлими очилди. Бу бўлим мусиқа техникуми деб ҳам аталарди. Бу ўқув юртига менга ўхшаган ёшларни қабул қилишди. Бизга ҳофиз Шораҳим Шоумаров, танбурчи Шобарот ака, доирачи Шожалил ака, доирачи Абдусоат Ваҳобов, чангчи Исмат ака, ғижжакчи Қурбонхон Ҳақимов, найчи Имомжон Ҳақимовлар устоз-домлалик қилишар эди. В.А.Успенский эса нота ёзуви ва мусиқа назариясидан, Саодатхоним Енекеева пианино чалишдан дарс беришар эдилар. Шу даврда Успенский устозларимиздан ўзбек мусиқаси билан танишишга ва уни ёзиб боришга киришди. У Шоумаров билан биринчи йил бирга ишлади ва бунинг натижасида чормақомдан анчагина қисмини нотага ёзиб олди.

1922 йили улуғ шоир Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони асосида (шоир Ш.Хуршид пьесаси) яратилган мусиқали драма, аввал “Намуна” мактаб саҳнасида, кейин ўзбек давлат театрида ўйналди. Бу спектаклдаги классик халқ мусиқасининг асосий куйларини Шораҳим Шоумаров билан мен ишлаган эдим. 1923 йили ўқишни битирдим ва акам Рисқи Ражабий, ғижжакчи Имомжон Икромов, чангчи Исмат акалар билан бирга Самарқандга Ўзбек билим юрти қошида очилган мусиқа мактабига муаллим бўлиб бордик. 1924 йилнинг августида Тошкентлик машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи билан ғижжакчи Солихон ҳожи Самарқандга келишди. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов билан учрашишди. Бухорода Бухоро

Шашмақомини мукаммал билувчи машхур ҳофиз Ота Жалол Носиров, танбурчи Ота Ғиёс Абдуғаниев ҳамда Уста Шоди Азизовлар билан танишдим. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ва Левича Бобохоновдан Бухоро «Шашмақоми»ни ўргана бошладик. Шундай қилиб, биз улардан «Бузрук», «Ироқ», унинг таснифлари, қашқарчалари, «Ушшоқ» ва унинг бир неча турларини, «Гулузорим», «Бебокча», «Бозургоний», «Гуллар боғида» ва Шашмақомнинг кўп бўлим, қисмларини ўргандик.

1925-1926 йилларда Самарқанд мусиқали драма театрида мусиқа раҳбари бўлиб ишладим. «Абдулфайзхон», «Ёркиной», «Падаркуш» каби драмалар қўйилди, уларга мусиқа басталадим. Шу орада «Фарҳод ва Ширин» ҳам Самарқандда қўйиладиган бўлиб қолди, мусиқасини қайта ишлаб бердим. 1926 йилда «Лайли ва Мажнун» (Ш.Хуршид пьесаси) мусиқали драмасига мусиқа басталадим.

1926 йили умр йўлдошимнинг вафоти сабабли Тошкентга қайтиб келдим. 1927 йили Тошкент радиоузелида радиостанция тузилди. Биз ҳар куни шу ерда ярим соатдан концерт бериб турдик. Кейинроқ шу ерда 12 кишилик ансамбль ташкил топди. Ансамбль таркиби борган сари кенгайиб бораверди. Машхур санъаткорлардан Шораҳим Шоумаров, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Домла Ҳалим Ибодов, Имомжон Икромов, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Сафо Муғанний, Матюсуф Харратов (Чокарий), Анвар Ражабий, Назира Аҳмедова, Марям Алишаевалар ансамблимизнинг дастлабки йилларидаги аъзолари эди. 1935 йилларга бориб ансамблимиз сони 40 тага етди ва мен уларга бевосита раҳбарлик қилдим.

1934 йили уч ой Москвадаги малака ошириш курсида, сўнгра Тошкент консерваториясининг тайёрлов курсида Имомжон Икромов билан биргаликда сабоқ олдик.

1937 йилда Москвада ўтадиган биринчи Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасига тайёргарлик бошланди. Декадага атаб «Ёлғиз» (катта ашула), «Энди сендек» ва «Ҳаммамиз» куйлари асосида уч қисмдан иборат сюита яратдим ва ижро этилди. Олтин соат билан мукофотландим. 1938 йили Бастакорлар уюшмаси ташкил топди. Мен эса аъзоликка қабул қилиндим.

1939 йилда Ўзбекистонда ўттиз ижрочидан иборат биринчи хотин-қиз дуторчилар ансамбли тузиш ҳукумат томонидан менинг зиммамга ва Лутфихоним Саримсоқовага топширилди. 1939 йилда ҳаётимда шу унутилмас воқеа содир бўлди. Ҳукуматимиз кўп йиллик

меҳнатимни муносиб тақдирлаб, менга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган фахрий унвон берилди ва «Шавкатли меҳнат учун» медали билан тақдирландим.

Билимимни ошириш учун 1941 йил бошида Москвага малака ошириш курсига Имомжон Икромов, Муҳаммадазиз Ниёзовлар билан бордик. Профессор Г.И.Литинский, В.Виноградов, санъатшунослик фанлари доктори В.А.Цуккерман, профессор В.М.Беляевлардан таълим ола бошладик. Фавқулодда бошланган иккинчи жаҳон уруши ўқишни давом эттиришимга тўсиқлик қилди. Тошкентга қайтиб Янгийўл шаҳридаги Тошкент вилояти мусикали драма ва комедия театрида мусиқа раҳбари бўлиб ишлай бошладим.

1945 йили 9 майда уруш бизнинг ғалабамиз билан тугагандан сўнг, ҳокимият раҳбарлари мени яна Радио ансамблига раҳбар қилиб тайинлашди. 1945-1947 йилларда бир вақтнинг ўзида, 1948 йили мусиқа санъати тарихида анчагина жиддий ғоявий тортишувлар рўй берди. Яъни халқимизнинг асрлар давомида эъзозланиб келинаётган, миллий ғоялар билан суғорилган Шашмақом, Фарғона-Тошкент мақомлари, Хоразм мақомлари «Сарой мусикаси» деб, уларни ижро этиш таъқиқлаб қўйилди. 1953 йилда эса радионинг «Ўзбек халқ чолғу асбоблар оркестрини» тарқатиб юбордилар. 1957 йили радио қошида «Ўзбек халқ чолғу асбоблар оркестри» қайтадан тикланди. Мен оркестрга бадий раҳбар, Дони Зокиров бош дирижёр қилиб тайинланди. 1958 йилдан эса мақомчилар ансамбли менинг раҳбарлигимда ишлай бошлади.

Халқ мусиқа меросининг дурдоналарини кўпдан буён тўплаб нотага ёзиб олаётган эдим. 1947 йилдан эътиборан қайта сайқал бериб, нотага тушира бошладим. 1955 йилда «Ўзбек халқ мусикаси»нинг биринчи томи санъатсевар халқимиз кўлига бориб етди. Бора-бора, келгуси 1957-1959 йилларда мусикашунос Илём Акбаров таҳририда яна тўрт жилди нашр этилди.

Кейинги 1960-1970 йилларда Шашмақомнинг олти томлиги, ҳар бир олти мақом алоҳида-алоҳида мусикашунос Файзулла Кароматов таҳририда нашр этилди. Ўзбекистон радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитети қошидаги мақом ансамбли ижросида Шашмақомнинг ашула бўлимига кирган барча шўьбаларини шогирдларимга ўргатиб, улар ижросида магнит ленталарига, пластинкаларга кўчиришга муваффақ бўлдим. Бу мураккаб ишни амалга оширишда мақом ансамблининг заҳматкашлари: ансамблнинг мусиқа раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Фахриддин Содиков, Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Берта Довидова, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ортиқхўжа Имомхўжаев, Ориф Алимахсумов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Карим Мўминов, созандалардан Ориф Қосимов, Зокиржон Содиков, Исҳоқ Қодиров, Илҳом Тўраев, Турғун Алиматов, Умаржон Отаев, Дадахўжа Соттихўжаев ҳамда Ғайбулла Саъдуллаевлар мен билан ёнма-ён туриб ҳормай-толмай меҳнат қилишди».

1920-1940 йилларда Ю.Ражабий ҳар хил мавзуларда, классик ва замонавий ўзбек шоирларининг шеърларига ашула, кўшиқлар, марш, хор кўшиғи, куйлар яратишдан бошлаб «Фабрика яллasi» (К.Ҳошимов сўзи), «Даврон-даврон» (Ғайратий сўзи), хор: «Яшнади» (М.Ғани сўзи), «Сирдарё» (А.Камтар сўзи), «Ҳаммамиз» (Жипак сўзи), «Ғалаба» (Миртемир сўзи), «Ўзбекистон» (А.Камтар сўзи), «Қаҳрамон» (Ғайратий сўзи), «Пахта» (А.Қодиров сўзи), «Ватан» (А.Мухаммадхон сўзи) каби жуда кўп кўшиқлар радио тўлкинларида янграб тез орада оммалашиб кетди. Булар қаторида «Гулбоғлар», «Мирзачўлда тўй», «Қаҳрамонлар марши», «Халқлар дўстлиги» каби оммавий кўшиқлар ўзбек халқ кўшиқларининг тузилишига яқин бўлсада, улар оҳанг жиҳатидан оригиналлиги билан ажралиб туради. Шулар қатори бастакор яратган «Соғинганман», «Ёр келди», «Келдинг», «Мунча ҳам», «Кошки», «Жудо», «Ишк», «Мустазод», «Ҳажрингда», «Гул сочар», «Раъноланмасун» каби қатор лирик ашулалари хонандалар томонидан севилиб ижро этилиб келмоқда.

Ю.Ражабий ижодида театр учун мусиқа басталаш муҳим ўрин тутди. У Самарқанд театрида ишлаган пайтларида юқорида қайд қилинган сахна асарлардан ташқари, 1932 йили Умаржон Исмоилов билан ҳамкорликда 1934 йили «Рустам» номли мусиқали драмани яратиб, кейинчалик яна қуйидаги сахна асарларга мусиқа басталади: 1934 й. «Аваз» (А.Ҳидоятлов пьесаси), 1941 й. «Қасос» (А.Умарий ва Туйғун пьесалари, мусиқасини ёзишда Б.Надеждин ҳамкорлик қилган). Композитор Н.Миронов билан биргаликда 1942 йили «Кўчқор Турдиев» (С.Абдулло ва Р.Ғуломов пьесалари), 1943 йили «Нодира» (Л.Қосимов пьесаси), Г.Мушель ҳамкорлигида 1944 йили «Муқанна» (Ҳ.Олимжон пьесаси) ва 1944 йили «Фарход ва Ширин» (К.Яшин пьесаси), 1968 йили композитор Сайфи Жалил билан ҳамкорликда «Алишер Навоий Астрободда» (И.Максумов пьесаси), 1964 йили С.Юдаков ва Б.Зейдманлар билан ҳамкорликда «Ўғил уйлантириш» (Х.Ғулом пьесаси) мусиқали драмалар. Шу билан бирга 1938 йили «Бой ила хизматчи», 1939 йили «Холисахон» (Ҳамза

асарлари) драма спектаклларига, 1935 йили «Навоий», 1936 йили «Муқимий», 1938 йили «Фурқат» ва «Лола» радио-постановкаларига мусиқа басталади.

1957 йили Ўзбекистон халқ артисти, композитор Толибжон Содиков, Борис Зейдман ҳамкорлигида яратилаётган «Зайнаб ва Омон» (Зулфия либреттоси асосида) операси, Т.Содиковнинг бевақт вафот этганлиги сабабли Ю.Ражабий, Д.Зокиров ва Б.Зейдман 1958 йили операни биргаликда ёзиб тугатдилар. Ўша йили асар А.Навоий номидаги опера ва балет катта академик театрида сахна юзини кўрди.

Ю.Ражабий мусиқанинг бошқа жанрларида ҳам қатор асарлар яратди. Масалан: Б.Надеждин билан «Пахта» номли симфоник оркестр учун рақс сюитаси, «Фарғонача» сюитаси ва «Сегоҳ» симфоник пьесаси, ўзбек халқ чолғулари ансамбли учун «Рақс», шоир Фурқатнинг шеърига басталаган «Найлагайман», «Тонг насими» ва «Юзинг ойдек» номли уч қисмли вокал-симфоник сюита, ўзбек чолғулари ансамблига бир талай куйлар басталади.

Юнус Ражабий Ўзбекистон мусиқа маданиятини ривожлантиришда улкан хизматлари учун қатор орден ва бир неча медаллар билан тақдирланган. 1939 йили унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1953 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари берилган. 1966 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланган.

Устоз санъаткор Юнус Ражабий Ўзбекистон мусиқа маданиятига, халқига бир умр сидқи дилдан ҳалол хизмат қилиб, тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйган мумтоз санъаткордир. Жиззах вилоят мусиқали драма театри, Тошкент педагогика коллежи, Тошкент метроси бекати, Тошкентнинг кўчаларидан бири ва ўзи асос солган Ўзбекистон радиоси «Мақом ансамбли» унинг номи билан аталади. Юнус Ражабий уй-музейи фаолият кўрсатмоқда.

ШАРИФ РАМАЗОНОВ (1910-2000)



Ўзбекистон халқ артисти, композитор Шариф Абдуллаевич Рамазонов XX аср кўп овозли ўзбек мусиқа санъатига тамал тошини қўйган композиторлар К.Абдуллаев, В.Успенский, Н.Миронов, М.Ашрафий, М.Бурҳонов, Т.Содиков, М.Левиев, С.Юдаковларнинг сафдошидир. У

ижодкорлик, раҳбарлик ва жамоатчилик фаолияти билан замонавий ўзбек муסיқаси тарихида ёрқин из қолдирди.

Рамазонов Шариф Абдуллаевич Хоразм вилояти Хива тумани Гандимён қишлоғида 1910 йили 16 июнда таваллуд топди. Ота-онасидан жуда эрта етим қолган Шариф холасиникида ва бегоналарнинг хонадонларида кун кечирди. 1920 йилда Хоразм халқ республикаси раҳбарияти давлат болалар уйини ташкил этиб, уларни ўқитди, тарбиялади ва мусиқадан биринчи сабоқ берди. 1923 йил Хивада болалар мусиқа мактаби очилиши билан Шариф биринчилардан бўлиб скрипка синфига кирди, сўнгра ўқишини Тошкент мусиқа техникумида давом эттирди. 1928 йили Самарқандда Ўзбекистон мусиқа ва хореография илмий тадқиқот институти ташкил топиши муносабати билан мазкур институтга кўчирма қилинди. Бу ўқув даргоҳида у Т.Содиқов, М.Ашрафий, М.Бурҳонов, Ш.Соҳибов, М.Левиев, О.Ҳалимов, М.Насимов, Н.Ҳасанов, Ф.Шамсуддинов, Д.Зокиров, Ф.Шаҳобов, П.Рахимовлар билан ўзбек мусиқа меросининг билимдонлари Ота Жалол Носиров, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Домла Ҳалим Ибодов, М.Харратов, Аҳмаджон Умрзоқов, Абдуқодир Исмоилов каби устозлардан ҳамда Оврўпо мусиқа назарияси ва тарихидан сабоқ олди. Шу институтда у мусиқа басталашга ҳам илк қадам қўйиб, бир неча куй ва кўшиқлар яратди. Жумладан, Н.Миронов раҳбарлигида М.Ашрафий, Т.Содиқов ва Ш.Рамазоновлар биргаликда «Садраш» номли симфоник оркестр учун марш ёздилар. Ўзбек халқ кўшиқ ва куйларини нотага ёзиб олиб, «Фарғона, Бухоро ва Хива кўшиқлари» номли тўпламни 1931 йилда нашрдан чиқардилар.

Ш.Рамазонов ўқишни битиргандан сўнг 1933-1941 йилларда Тошкент давлат мусиқа театри дирижёри, Урганч мусиқали драма театри бадий раҳбари ва бош дирижёри, Хоразм вилоят санъат бош бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишлади. 1936 йилда Урганч мусиқали драма театрида унинг «Ҳолисхон» (Ҳамзанинг шу номли драмаси асосида М.Мажидий томонидан тайёрланган), 1940 йил «Варка» (М.Мажидий пьесаси), 1940 йил «Шохсанам» (С.Абдулла пьесаси) мусиқали драмалари сахна юзини кўрди. Шу йилларда у бир талай кўшиқлар ҳам яратди. 1942 йили Ш.Рамазонов ҳарбий хизматга чақирилиб фронт жангларида қатнашди. Сўнгра ўзи ташкил этган дамли чолғулар оркестри билан уруш тугагунча дивизия қарамоғида хизматда бўлди ва 1946 йили армия сафидан захирага ўтказилиб, ватанига қайтади.

Ш.Рамазонов 1946-1955 йилларда Наманган вилояти Навоий номидаги мусикали драма ва комедия театри дирижёри, кейинчалик директор, айна пайтда, Наманган мусика билим юрти ва мусика мактаби директори, 1948 йилдан эса Наманган вилояти маданият ва санъат Бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. 1955 йили Тошкентга кўчиб келган Ш.Рамазонов Ўзбек давлат эстрадаси концерт ташкилотига бадий раҳбар этиб тайинланди. 1958 йилда Ўзбекистон эстрада-жаз оркестри ташкил этилди.

Ш.Рамазоновнинг ўзи ҳам эстрада кўшиқлари яратади ва тез орада бу жамоа республикамизда машҳур бўлди. Ш.Рамазоновнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли мазкур жамоага ссвимли эстрада хонандаларидан Ботир Зокиров, Луиза Зокирова, Элмира Ўразбоева, Стахан Раҳимов, Баҳром Мавлонов, Юнус Тўраевлар дадил ижодий қадамларини кўйган эдилар.

Ш.Рамазонов 1962 йилда Т.Содиқов номидаги 1-сон болалар мусика мактабига директор лавозимига тайинланди. Мазкур мактабда узоқ йиллар давомида ёш санъаткорларни тарбиялаш билан машғул бўлди. 1990 йили нафақага чиқди.

Ш.Рамазонов ижодий фаолиятида Наманган театрида сахналаштирилган «Асл фарзанд» (А.Миртемир пьесаси, 1947й.), «Гунчалар» (З.Фатхулин пьесаси, 1947й.) мусикали драмалар, симфоник оркестр учун «Қуёшли Ўзбекистон» (1948 й.), «Хоразмча» (1951 й.) сюиталари, «Мард пахтакорлар» (А.Пўлат сўзи, 1953 й.) кантатаси; симфоник оркестр учун сюита №3 (1955й.); Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Мирзаҷўл» увертюраси (1956й.); композитор А.Малахов билан ҳамкорликда «Плюс бир» кинофильмига мусика (О.Ёкубов сценарияси, 1967 й.) каби йирик асарлар яратди.

Ш.Рамазоновнинг ижодида кўшиқ жанри муҳим ўрин эгаллайди. Унинг овоз учун, хор ва болалар учун, айниқса, эстрада кўшиқлари алоҳида қийматга эга. Жумладан «Озод диёрим», «Тинчлик учун», «Гўзал Фарғона» (А.Бобожонов сўзлари); «Раққос», «Олтин тер», «Тошкент гулшани» (О.Камтар сўзлари); «Яйрайман» (М.Раҳмонов сўзи), «Бир ўзимга ҳавола» (Т.Тўла сўзи), хор учун: «Ўзбекистон» (А.Исроилов сўзи), «Андижоним» (Х.Хўжаев сўзи), «Теримчи қизлар таронаси» (А.Пўлат сўзи), «Қутлайман» (Э.Воҳидов сўзи); хор ва рақсга мўлжаллаб «Рақсга тушинг, дугоналар» (Б.Исроилов сўзи); хор, солист ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Муборак эллик баҳор» (О.Камтар сўзи), «Наманганнинг

олмаси» (халқ куйи) ва «Эй меҳрибоним» (Огаҳий сўзи) қайта ишланган ўзбек халқ кўшиқлари Луиза Зокирова ижросида, «Интизорман», «Дилрабо», «Шахло кўзим» (О.Камтар сўзлари); «Гулчи қиз» (М.Қориев сўзи), «Ғазалхон», «Боғ ерда барно қиз», «Йигитлар» (Т.Тўла сўзи), «Севдим дилдан» (А.Исроилов сўзи), «Сир ўзингга ҳавола» (А.Пўлат сўзи), «Раъно қиз» (Б.Насриддинов сўзи), «Дўстлик ватани» (Д.Полинин сўзи), Ўзбекистон радиосининг Ғ.Тошматов номидаги «Дуторчилар» ансамбли учун «Яйрайман» (М.Раҳмонов сўзи), «Тўқувчи қиз кўшиғи», «Ёр яхши» ва «Мирзачўл йўлида» (А.Пўлат сўзлари), «Булбулча» болалар хор жамоаси, «Пахтаой» болалар эстрада ансамбли учун «Аълочи» (Х.Муҳаммадали сўзи), «Бугун байрам» (Б.Исроилов сўзи), «Кўзичоғим», «Бўшашмайман», «Жиблажибон» (П.Мўмин сўзлари) ва бошқа кўшиқларни яратди.

Ш.Рамазонов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» (1952 й.), «Ўзбекистон халқ артисти» (1970 й.) фахрий унвонлари, жанговор орден ва медаллар билан тақдирланган.

АЛИШЕР РАСУЛОВ

(1960)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг 1990 йилдан буён аъзоси, композитор Алишер Расулов ҳозирги замон эстрада мусиқаси ижодкорларидан бири. У яратган жозибали кўшиқлар хонандалардан Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Раъно Шарипова, Юлдуз Абдуллаева, Кумуш Раззоқова, Козим Қаюмов репертуарларидан кенг ўрин олган.

Расулов Алишер Турсунбой ўғли Тошкентда 1960 йилнинг 8 июлида туғилди. Алишер 1967 йилдан умумтаълим мактабида ўқиди, мусиқа мактабида рубоб чалишни ўрганди. 1975 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кирди, мусиқа басталашга қизиқиб композитор Мирхалил Маҳмудовдан сабоқ ола бошлади. 1980 йилда у М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига кириб, профессор Тўлқин Қурбонов синфида таҳсил олди. Давлат имтиҳонига А.Расулов биринчи симфониясини тақдим этиб 1985 йили ўқишни муваффақиятли битирди.

А.Расулов меҳнат фаолиятини 1984 йилда 21-болалар мусиқа мактабида мусиқа назариясидан дарс бера бошлади. 1985-1987 йиллари Ашула ва рақс ҳарбий ансамблида хизмат бурчини адо этди. 1987-1991 йилларда ўзи ўқиган 4 - болалар мусиқа мактабида мусиқа назарияси фанидан дарс берди. 1991- 2005 йилларда эркин ижодкор, 2005-2008 йилларда 21 болалар мусиқа мактабида назарий фанлар ўқитувчиси, 2008 йилдан Эстрада цирк коллежида жаз аранжировкаси бўйича дарс бериб келмоқда.

А.Расулов ижодий фаолиятини талабалик давридан бошлади. У 1980-1985 йилларда фортепиано учун «Поэма»; беш қисмли сюита, иккита фуга, иккита прелюдия, 4 та пьеса, Шарқ пьесаси, болалар учун пьеса, фагот ва фортепиано учун пьеса, труба ва фортепиано учун соната, орган учун фуга, шоир Махтумқули шеърларига «Йиғларман» ва «Бўйларингга» кўшиқлари шулар жумласидандир. Унинг «Эсингизда бўлсин, инсонлар» кантатаси 1985 йилда ёш композиторлар кўрик-танловида рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. А.Расулов мустақил ижодий фаолияти давомида қуйидаги йирик шаклдаги мусиқа асарларини яратди: 1989 й. шоир Э.Воҳидов шеърига «Рухлар исёни» вокал симфоник поэмаси ва 1993 йили унинг иккинчи қисмини ёзди. Камер симфоник оркестр учун «Зороастр» концерти 1989 й, труба ва оркестр учун концерт 1991 й., виолончель ва оркестр учун концерт 1992 й., «Тўпаланг тойнинг ҳангомаси» (пьесаси) мусиқали комедияси, «Бир кам дунё» (Тоир Юнус пьесаси 1993 й.) трагикомедияси Муқимий номли мусиқали театрда сахна юзини кўрди. “Танҳо юлдуз”, “Аббосхон”, “Уйқусиз кечалар” мусиқали драмалари, “Тили асалим” мюзиклини ҳам яратди. Режиссер Саид Мухторовнинг «Адолат қомуси» номли 5 серияли ҳужжатли фильмига 1997 й., реж. Ю.Розиқовнинг «Ғаройиб парвоз» бадий фильмига 1997 й. мусиқа басталади, «Томоша гуруҳи» учун «Келажакка саёҳат» номли болалар рок-операси, ёш эстрада юлдузлари ижросида «Ял-ялли ялола, эй Ўзбекистон» номли «Офарин» танлови учун (мадҳия) 2001 й., Амир Хусрав Дехлавий шеърларига 4 та кўшиқ, аралаш ва болалар хори учун бир талай кўшиқлар яратди.

А.Расулов ижодида эстрада кўшиғи устувор туради. У 800 га яқин эстрада кўшиқларини яратди. Улар машҳур эстрада хонандаларининг репертуарларидан жой олган. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов ижросида «Дилором», «Соҳибқирон», «Иншоолло» (М.Юсуф сўзлари), «Қомат» (Навоий

ғазали), «Ой балдоқ», «Армон салтанати», «Омон-омон элим», «Ўйна, ёрим», «Айлан, гўзалим», «Кетолмайсан» (И.Жиянов сўзлари), «Лайли» (П.Мўмин сўзи), «Наврўз» (Қ.Искандаров сўзи), «Алёр», «Спорт» (М.Худойберганов сўзлари), «Юрагим ёнди» (П.Расулов сўзи), Насиба Абдуллаева ижросида «Аразларда» («Жоним менинг»), «Малол» (С.Дилхун сўзлари), «Адо бўлдим» (халқ сўзи), «Арзимни айтдим» (Хувайдо ғазали), «Муҳаббат борми дунёда», «Яллама дерман» (И.Жиянов сўзлари), «Ёқасиз» (А.Расулов сўзи), «Авайласа», «Қайтиб бергин юрагимни» (П.Мўмин сўзлари), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Козим Қаюмов ижросида «Жонона», «Малак» (П.Мўмин сўзлари), «Муҳаббат» (М.Тоиров сўзи), «Эртак» (Б.Исроилов сўзи), «Майхона» (Х.Муҳаммад сўзи), «Ноз этма» (Чустий ғазали), Юлдуз Абдуллаева ижросида «Ёр-ёр» (Б.Исроилов сўзи), «Лола» ва «Йиллар» (Э.Воҳидов сўзлари), Кумуш Раззоқова ижросида «Ҳижроннинг юки» (М.Мадрахимова сўзи), «Кўзгу», «Сурма» (Э.Воҳидов сўзлари), «Бўрон» (И.Жиянов сўзи) ва бошқа кўшиқлари янграган. Эстрада хонандалари М.Асалхўжаева, Э.Рўзमतов, Д.Убайдуллаев, М.Тешабоева, Ш.Воҳидов. М.Асадова, Р.Бўронова, Р.Комилов, М.Ғафурова, А.Ғаниев, З.Маҳкамов, О.Султонов, А.Раҳимжонов, Н.Ниғматов каби хонандалар ижросида Мустақиллик ва Наврўз байрамлари концерт дастурларида ҳам жаранглади.

ҲАБИБУЛЛА РАҲИМОВ

(1946)



Замонавий ўзбек профессионал муסיқа санъатининг намояндаларидан бири, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Ҳабибулла Раҳимов 1970-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига кириб келди. У турли мавзу, шакл ва жанрларда хилма-хил, баркамол асарлар яратиб, муסיқа шинавандаларини хушнуд этиб келмоқда.

Раҳимов Ҳабибулла Ғайбуллаевич Тожикистон Республикаси Хўжанд вилоятининг Нов туманида 1946 йилнинг 31 октябрида таниқли созанда Ғайбулла Раҳимов оиласида дунёга келди. Ҳ.Раҳимов Содирхон Ҳофиз номидаги Хўжанд давлат муסיқа билим юртида таҳсил кўрди. Ғижжак чалиш билан бир қаторда, унда муסיқа

басталашга иштиёқ туғилади. Муסיқа билим юртини битиргач, 1964 йили Тошкент давлат консерваторияси композиторлик факультетининг тайёрлов бўлимига ўқишга кириб, Б.Ф.Гиенко синфида таҳсил олади. 1974 йили Давлат имтиҳонларига шоир Тўлқин сўзига бадиий сўз устаси, яккахонлар, хор ва симфоник оркестр учун «Освенцим» номли ораториясини тақдим этди. 1974-1976 йилларда консерваторияда ассистент-стажёрликда профессор Б.И.Зейдман синфида касб малакасини оширди.

Ҳ.Раҳимов консерваторияда ўқиш билан бир пайтда 1969-1974 йилларда Республика дамли чолғулар мактаб интернатида муסיқа назарияси фанидан ўқитувчилик қилди. 1977-1989 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, 2003 йилдан Ўзбекистон Давлат консерваторияда профессор лавозимларида фаолият юритиб келмоқда. Консерваторияда ишлаш билан бир қаторда Ҳ.Раҳимов 1992 йилдан буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раис муовини вазифасини бажариб келмоқда.

Ҳ.Раҳимов яратган симфоник ва вокал-симфоник асарлар Ўзбекистон миллий симфоник оркестри репертуарини янада бойитди. «Симфоник поэма» (1974), овоз (якка хонанда) ва симфоник оркестр учун «Концерт» (1977), овоз ва симфоник оркестр учун Ибн Сино шеърларига «Бешта рубой» (1980), овоз ва симфоник оркестр учун Увайсий ғазалларига «Бешта романс» (1983), симфоник оркестр учун «Сайил» байрам увертюраси (1984), тўртта симфония — № 1 «Сегоҳ» (1978), № 2 (1984), № 3 (1991), № 4 (корейс оҳанглари асосида-2007); симфоник оркестр учун корейс халқ куйларига «Фантазия» (1992), «Қутлов» (2000), «Хоразм жилोलари» (2006) увертюралари, «Дўстлик садолари» вариациялари, флейта ва симфоник оркестр учун «Туркча фантазия» (2008) шулар жумласидандир. Камер оркестр учун «Раст» (1996), «Рақс» ва «Тонг» (1998), «Фидайда-1, -2» (2000) куйлари, альт ва камер оркестр учун «Концерт» (1975), фортепиано ва камер оркестр учун «Концертино» (1996), уд ва камер оркестр учун «Фантазия» (1997), флейта ва камер оркестр учун «Оқшом қўшиғи» (1999), дутор ва камер оркестр учун «Қўштор» (2000), «Термалар» фантазияси (2001). У композиторлардан биринчи бўлиб орган чолғуси, арфа, торли ва зарбли чолғулар учун «Концерт-фантазия» (1976) яратди.

Ҳ.Раҳимов ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ҳам бир қатор сара асарлар яратди. Жумладан, рубоб ва оркестр учун «Қўшиқ ва

рақс» (1981), най ва оркестр учун «Армуғон» (1990), рубоб — прима ва оркестр учун «Нақш ва тарона» (1990), қонун ва оркестр учун «Тарона ва уфор» (1992) пьесалари, оркестр учун сюита (1983), «Муборакбод», “Тасанно” увертюралари, фортепиано ва оркестр учун «Ёшлик байрами» (1985) концертиноси, овоз ва оркестр учун М.Али сўзига «Номаълум солдат хотираси»га (1986) поэмаси, оркестр учун «Концерт» (1990), рубоб ва оркестр учун «Концерт» (1991), фортепиано ва оркестр учун «Фантазия» (1993), кашқар рубоби ва оркестр учун «Арабча концерт- поэма» (2000), «Арабча рақс», «Японча рақс», «Ойдин кеча» (хитой куйлари асосида) (2001), “Сирли тун” (2004), “Тўй хангомаси” (2005), “Байрамона” (2006), “Тошкент фасллари” (2010), “Шахризода хикоялари” (2009), япон куйи асосида “Сакура” (2012), овоз ва оркестр учун Навоий ғазалига «Поэма» (1990), суҳандон, солист, хор ва оркестр учун Й.Муқимов сўзига «Баҳоуддин Балогардон» (1993), Ж.Жабборов сўзига «Соҳибқирон абадияти» (1996) ва Т.Ниёз сўзига «Истиклол» (1998), Й.Муқимов сўзига “Хожаи Жаҳон” (2007) ораторияларини ёзди. Бу асарлар оркестр репертуарларини бойитиш билан бир қаторда мусиқа ўқув даргоҳлари дастурига киритилган.

Ҳ.Рахимов дамли чолғулар хусусиятларини, чолғулаштириш йўллариини пухта ўрганиб, бу борада ҳам катта муваффақиятларга эришди. Композитор дамли чолғулар оркестри учун «Шодиёна» (1982), «Тонг» (1987) увертюраларини, «Юмореска» (1985), «Скерцо» (1986), «Рақс» (1987), «Ёшлик» (1987) пьесаларини, 2 та сюита (1989, 1990), 3 та марш (1993-1995) асарларини яратди. 1988 йили дамли чолғулар оркестри партитурасини ўқиш учун «Мажмуа» (Хрестоматия) тузди.

Ҳ.Рахимов 1975 йили Уйғун билан ҳамкорликда «Парвона» номли илк мусиқали драмасини ёзди. Композиторнинг «Она қалби» деб номланган биринчи операси шоир Жамол Камолнинг «Армон» достони асосида яратилган. Унинг либреттоси машҳур режиссёр Ф.Сафаров қаламига мансуб. Ушбу операнинг премьераси Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг кичик сахнасида 1987 йили бўлиб ўтди. Композитор яратган «Мушкул савдо» (М.Бобоев пьесаси) мусиқали драмаси 1989 йили, «Келин танлов» (Р.Азизхўжаев) мусиқали комедияси 1997 йили сахна юзини кўрди. 1999 йили эса Ҳ.Рахимов У.Азимов либреттосига «Алпомиш ва Ойбарчин» операсини, 2015 йилда “Фарход ва Сонне” балетини яратди.

Ҳ.Раҳимов кўшиқ ва романс жанрларида ҳам ижод қилди. Муаллифнинг «Соғинганда» (1984) номли тўпламига Ибн Сино рубоийлари туркуми, Ҳамид Олимжоннинг «Соғинганда», Рамз Бобожоннинг «Узоқда», «Юлдузлар», «Бўрон», «Менинг севгим» каби романслари киритилган. «Меҳрим гули» тўпламида «Ўзбекистон» (Ойбек шеъри), «Тошкент қасидаси» (М.Жаббор шеъри), «Қалбим дунёси» (Гулрухсор шеъри), «Дўстлик мадҳи» (Назармат шеъри), «Тошкент-Душанбе» (Назармат шеъри) кўшиқлари ва «Фаввора», «Висол» (Б.Бойқобилов шеъри), «Боқишларинг» (Назармат шеъри), «Орзу» (Увайсий ғазали) романслари ўрин олган.

Ҳ.Раҳимовнинг ватанпарварлик мавзуида басталаган «Ғалаба бонги», «Аскарлар кўшиғи» (Назармат шеърлари), «Туркистон марши» (Ж.Камол сўзи) каби кўшиқлари Республика кўшиқ танловларида ғолиб чиққан.

Композитор болалар учун ҳам бир қатор кўшиқлар яратди. Улар орасида «Дўмбоқчалар кўшиғи», «Боғча опам», «Ой боламиз — той бўламиз», «Бухоро», «Самарқанд» (С.Барноев сўзлари) алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, фортепиано учун «Альбом»ига 16 та асар, фортепиано учун 18 та халқ куйларини мослаштирди, қашқар рубоби тароналари, дутор, ғижжак ва фортепиано учун пьесалар, кларнет ва труба учун сонаталар ёзди.

Ҳ.Раҳимовнинг сара асарлари нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё республикаларида, балки чет элларда - Россия, Туркия, Миср, Болгария, Франция, Японияда ҳам муваффақиятли ижро этилган.

Ҳ.Раҳимов 1997 йили «Шухрат» медали билан мукофотланди, 2001 йили «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» унвонига сазовор бўлди.

ҲАМИД РАҲИМОВ (1927-1977)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Ҳамид Раҳимов ўзининг кўп қиррали ижоди, дирижёрлик, педагоглик ва жамоат фаолияти билан XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. Унинг жозибали кўшиқлари, симфоник, вокал-симфоник, айниқса мусиқали драмалари, радио ва теле постановкаларига ёзган мусиқаси ўзига хослиги

билан шинавандаларни ўзига тортади ва мафтун қилади.

Ҳамид Раҳимов Тошкент шаҳри 1927 йилнинг 15 май куни таваллуд топди. Ёшлик чоғлари ҳақида у шундай ҳикоя қилган эди: «Мен ўзимни таниганимдан буён мусиқага ихлосманд бўлдим. 1938 йилдан бошлаб дутор, най, пианино чалишни ўргана бошладим. 1941 йили иккинчи жаҳон уруши бошланди. Шу йилнинг август ойидан Тошкент тўқимачилик корхонасига ишга кирдим. 1943 йил августнинг охирида Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига бордим. В.А.Успенский ва Е.Е.Романовская менинг мусиқий қобилиятимни текшириб, мусиқа назарияси тайёрлов бўлимига ўқишга қабул қилишди. Орадан уч йил ўтгач, бир куни сольфеджио ва назариядан дарс бераётган ўқитувчи, мен басталаган куйларни Тошкент давлат консерваториясининг профессори Б.Б.Надеждинга кўрсатибди. У мени чақиртириб олиб, консерваториянинг тайёрлов бўлимида ўз синфида ўқишни таклиф қилди. Шу сабабли 1945 йили консерваторияга кўчирма қилишди. 1948 йили консерваториянинг тайёрлов бўлимини битириб, асосий босқичга ўтдим. 1954 йили Давлат имтиҳонини «Ёшлик» номли симфоник поэмаси ва «Сени севаман» (Т.Тўла сўзи) кўшиғидан иборат диплом ишимни тақдим этдим ва консерваторияни муваффақиятли битирдим. Профессионал композитор бўлиб шаклланишимда хурматли устозим Б.Б.Надеждиннинг хизматлари бекиёсдир».

Ҳ.Раҳимов санъат соҳасида меҳнат фаолиятини 1950 йилда, талабалик давридан бошлади. У 1950-1956 йилларда М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли мусиқа раҳбари, 1956-1958 йилларда Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри дирижёри, 1958-1960 йилларда «Баҳор» рақс ансамбли мусиқа раҳбари лавозимларида ишлаб, бу жамоаларнинг ижодий савиясини кўтаришга ва репертуарларини бойитишга хизмат қилди. Ҳ.Раҳимов 1960 йили Ўзбекистон Маданият вазирлигининг мусиқа бўлимига бошлиқ бўлади. 1961 – 1971 йилларда Тошкент давлат консерваторияси ректори, 1972 -1977 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида мусиқа кафедраси мудири бўлиб ишлади. 1977 йил 8 декабрда 50 ёшида айни куч-қувватга тўлган, ижодий баркамолликка етган чоғида дунёдан кўз юмди. Унинг тўлиқ сиймоси Ўзбекистон халқ артисти, машҳур раққоса ва балетмейстер Қундуз Миркаримова, севимли ўғиллари Баҳодир, Бобир, қизлари Маъмурахонлар ва кўплаб шогирдлари қалбида яшайди.

Консерваторияда ўқиб юрган пайтларида басталаган қуйидаги жозибали илк кўшиқлари: «Бахт йўлида сайрайман», «Тинч Ўзбекистоним» ва «Ёшлигимиз» (П.Мўмин сўзи), «Севимли ўғлим» (Ҳабибий сўзи), «Қалб кўшиғи» (М.Ғани сўзи), «Сўранг» (Шухрат сўзи), романс, яккахон ва симфоник оркестр учун қайта ишланган ўзбек халқ ашулалари: «Навбахор» ва «Ҳануз», дамли чолғулар ансамбли учун «Ялла», рақс ва ўзбек халқ куйлари асосида ёзилган иккита симфоник сюита унга шухрат келтирди. Хусусан, унинг симфоник оркестр учун «Миниатюра-концерт» сюитаси Т.Тўла билан ҳамкорликда, яккахон, хор ва симфоник оркестр учун «Баҳор» кантатаси, Ашула ва рақс ансамбли учун “Бухороча рақс” сюитаси, скрипкачилар унисон ансамбли учун «Вальс» каби асарлари ижрочилар томонидан қизгин кутиб олиниб, улар репертуарида сақланиб келинмоқда.

Ҳ.Раҳимовнинг кўшиқ жанрига муҳаббати чексиз эди. Унинг «Қуёшистон» (Сайёр сўзи), «Давр кўшиғи» (И.Ғани сўзи), «Ёшлигимиз», «Хаёлим сенда», «Тошкент баҳори» ва «Фестиваль вальси» (Т.Тўла сўзлари), «Ўзбекистоним» (Э.Воҳидов сўзи), «Севги ҳақида» (Ў.Рашид сўзи), «Қаҳрамонни севаман» (М.Қодиров сўзи), «Даврон сурайлик» (халқ сўзи), «Сени севаман» (Т.Тўла сўзи) каби оммавий ва лирик кўшиқлари, «Келдим» (С.Зуннунова сўзи) романи кўшиқ шинавандаларини сеҳрлаб қалбларидан жой олди.

Ҳамид Раҳимов мусиқали театр ва телевидение учун бир қатор сахна асарлари ва киномусиқа яратди. Муқимий номидаги музикий театрда «Сингиллар қиссаси» (Тўлқин пьесаси, 1955 й.) 1956 й. «Зафар» (У.Исмоилов пьесаси, бастакор Пўлат Раҳимов билан ҳамкорликда), 1959 йил «Оқ нилуфар» (ҳинд классик драматурги Шудраканинг «Лойдан ясалган аравача» номли пьесаси асосида ёзилган), 1960 й. «Раис уйланармиш» (Б.Халилов пьесаси), «Ишқинг билан» (Ҳ.Умаров пьесаси), 1974 й. «Жоним фидо» (И.Раҳим пьесаси), Фарғона мусиқали драма ва комедия театрида: 1974 й. «Сўнгги фожа» (М.Мирзаева пьесаси) ва 1975 й. «Танбур нола» (М.Қодиров пьесаси), Наманган мусиқали драма ва комедия театрида 1976 йили «Миршаб» (А.Турсунбоев пьесаси) каби асарлар бунёдга келди. Композитор 1970 йил «Зафар» мусиқали драмаси асосида Самарқанд опера ва балет театри учун шу номли (У.Исмоилов либреттоси) операсини яратди. Унинг премьераси қизгин олқишлар билан кутиб олинган эди. 1965-1976 йилларда «Она қалби», «Ҳайит», «Одам одамга» каби телеспектаклларга ҳам мусиқа басталади.

Ажойиб инсон, мураббий, ташкилотчи, дирижёр ва композитор Ҳамид Раҳимов XX аср замонавий профессионал муסיқа маданиятининг ривожланиши жараёнига улкан ҳисса қўшди. У элим деб, юртим ва санъатим деб тинимсиз меҳнат қилди, кўп саховатли ишларни бажарди.

Композитор Ҳамид Раҳимов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» (1967) фахрий унвони, фахрий ёрлиқлар билан муносиб тақдирланган.

ҚАҲРАМОНЖОН РАҲИМОВ

(1950)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг 1991 йилдан буён аъзоси, композитор Қаҳрамонжон Раҳимов турли жанр ва шаклларда яратган ранг-баранг асарлари билан муסיқа жамоатчилигига танилди ва хурмат эҳтиромига сазовор бўлди.

Раҳимов Қаҳрамонжон Карим ўғли Наманган вилоятининг Косонсой туманида 1950 йилнинг 11 февралда туғилди. Қаҳрамонжон 1957 йилдан ўрта таълим мактабида ўқиди. Болалигидан муסיқага қизиқди ва 1961 йил болалар муסיқа мактабининг баян синфида ўқиди. 1965 йили Наманган вилоят санъат билим юртига ўқишга кирди ва баян чалишни мукамал ўзлаштирди. 1970 йили Косонсой туманидаги ўзи ўқиган болалар муסיқа мактабига ишга юборилди. Муסיқа басталашга қизиқиши 1974 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетининг тайёрлов бўлимига чорлади. 1975 йилдан бошлаб консерваториянинг асосий босқичида профессор Б.Ф.Гиенкодан сабоқ олди. Консерваторияни 1981 йил муваффақиятли битирди ва ўша йили Жиззах вилоят санъат билим юртига ишга юборилди ва у ерда 4 йил ишлади. 1985-1987 йилларда Тошкентнинг 250-сон ўрта умумтаълим мактабида муסיқа ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1987 йилдан Тошкент Юнусобод даҳасининг 13 - болалар муסיқа мактабида, 2005 йилдан Ҳамза номли муסיқа коллежида, 2007-2012 йилларда Эстрада-цирк коллежида дарс берди.

Композитор Қ.Раҳимовнинг ижодий фаолияти талабалик давридан бошланган. У фортепиано учун 7 та прелюдия, 2 та скерцо, пьесалар, сонатина, соната, труба ва фортепиано учун «Скерцо»,

виолончель ва фортепиано учун пьеса, скрипка ва фортепиано учун 3 қисмли соната, 3 қисмли торли кватрет, симфоник оркестр учун «Поэма», 2 та симфония, труба ва камер оркестр учун «Скерцо», бас овози, флейта, фортепиано ва камер оркестр учун В.Маяковский шеърига «Поэма», баритон овози, аралаш хор ва симфоник оркестр учун А.Умарий сўзига «Қасида», овоз ва эстрада-симфоник оркестри учун Орлов сўзига «Фахрийлар балладаси», овоз ва камер оркестр учун Махтумқули шеърига «Айлар» арияси, вокал-чолғу ансамбли учун О.Матжон сўзига «Турналар» пьесаси, болалар хори ва фортепиано учун «Болалигим» (М.Дўстмуродова сўзи) ва «Дада, дейман» (Т.Йўлдошев сўзи) кўшиқларини яратди.

ЕЛЕНА РОМАНОВСКАЯ (1890-1947)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, педагог ва мусиқашунос Е.Романовская илмий-ижодий ва жамоатчилик фаолияти билан ХХ аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У В.А.Успенский ва Н.Н.Мироновлар билан бирга ўзбек ва бошқа Марказий Осиё халқлари мусиқа меросини ўрганиш, нотага ёзиб олиш ҳамда замонавий композиторлик ижодиётини ривожлантириш соҳасига тамал тошини қўйганлардан биридир. Романовская Елена Евгеньевна Санкт-Петербург ёнидаги Царское село (ҳозирда Пушкин шаҳри) 1890 йилнинг 25 майида таваллуд топди. Елена аввал черков қошидаги мактабда, кейин Санкт-Петербургда Владимирский хотин-қизлар педагогика мактабида ўқиди. У ерда умумтаълим фанлардан ташқари пианино чалиш ва мусиқа назариясидан дастлабки маълумот олди. 1908 йилда ўқишни битириб, Новгород губерниясига қарашли Летутино қишлоқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1912 йилда Черсновик шаҳридаги хотин-қизлар гимназиясида машҳур фольклоршунос Е.Линева билан яқиндан танишади ва унинг таъсири остида фольклоршунос бўлишни орзу қилади. У 1912 йили бўлғуси математик олим Всеволод Иванович Романовскийга турмушга чиқади, Варшава университетиде ишлаши муносабати билан у ерда машҳур мусиқачилар, ёзувчи ва рассомлар билан яқиндан танишадилар. Елена Евгеньевна консерваторияда таълим олишни орзу қилади. Лекин 1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошланиши

сабабли университет Ростов-Дон шахрига кўчиб келди. 1917 йилнинг охирида улар Тошкентга кўчиб келишади. В.И.Романовский 1920 йил Ўрта Осиё давлат университетидан математикадан дарс берди, фан доктори, профессор, 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди, бир қатор ўзбек математик олимларини тарбиялади, Е.Е.Романовская халқ консерваториясида музика назариясидан дарс бера бошлади, кўплаб санъаткорлар, жумладан, В.А.Успенский, Ш.Шоумаров, А.Ваҳобовлар билан яқиндан танишади. Ўзининг музикашунослик малакаси етарли эмаслигини сезган Е.Е.Романовская 1925 йилда Ленинград консерваториясига ўқишга киради. 1929 йил битириб, музикашунос сифатида Тошкент давлат музика техникумида, 1936 йилдан эса умрининг охиригача Тошкент давлат консерваториясида ишлади. У музика назарияси сольфеджио, гармония ва музика тарихидан дарс бериш билан бирга, 1931 йилда педагогика техникумлари учун музикадан дарслик дастурини, 1933 йилда ёш талаба-музикашунос Илёс Акбаров билан ҳаммуаллифликда умумтаълим мактаблар учун «Нота саводи» методик қўлланмасини ёзди; 1934 йилда бошланғич мактаб хорлари учун ўзбек халқ кўшиқлари 6 та намунасини нотага ёзиб олди. 1935 йил биринчи босқич мактаб болалари учун 30 та ўзбек ва рус кўшиқларидан тўплам тузди; 1938 йили ўзбек халқ музикаси асосида «Сольфеджио» дарслигини яратди. Консерваторияда 1937-1938 ўқув йилидан бошлаб ўзи тайёрлаган ўқув дастури асосида «Ўзбек халқ музика мероси» ва «Замонавий музика тарихи» дан дарс берди.

Е.Е.Романовская консерватория ва музика техникумидаги ўқитувчилиги билан айна пайтда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институти томонидан ташкил этилган фольклор экспедицияларида фаол қатнашди. Халқ ижрочиларидан куй ва кўшиқларни нотага ёзиб олиб, тўпламлар чоп эттирди. Масалан: 1931 йил машҳур композитор ва фольклоршунос В.А.Успенский ва унинг шогирдлари И.Аkbаров ва Ҳ.Муҳамедовлар билан ҳамкорликда Фарғона водийси бўйлаб фольклор экспедицияларида қатнашиб, асосан ўзбек аёллари, жумладан, Л.Саримсоқова ижросида бир талай ўзбек халқ кўшиқларини нотага ёзиб олди. 1934 йили И.Аkbаров билан Хоразм вилоятида ўтказилган фольклор-экспедиция сафаридан ҳам кўплаб халқ куй ва кўшиқларини ёзиб келиб, 1939 йилда «Хорезмская классическая Музыка» номида китоб чоп эттирди. 1935 йил Тожикистоннинг Тоғли бадахшон бўйлаб фольклор экспедициясидан ҳам кўпгина халқ музика намуналарини нотага

олди. 1936 йил Бухоро вилояти бўйича ўтказилган фольклор экспедициясида қатнашиб, ёзиб олинган 90 та замонавий кўшиқлардан 55 тасини нотага олади. 1939 йили Фарғона водийси бўйлаб ўтказилган экспедицияда Ҳамза кўшиқларини ва Ҳамзага бағишланган халқ кўшиқларини нотага ёзиб, 1941 йилда нашрдан чиқарди. 1939 йили у охириги марта Тошкент вилоятида ўтказилган фольклор экспедициясида қатнашиб, бир талай куй-кўшиқларни ёзди. Е.Романовская 1930-йилларда ўтказилган фольклор-экспедицияларнинг натижаларида, юқорида зикр қилинган тўпламлардан ташқари 1939 йили икки китобдан иборат «Ўзбек халқ кўшиқлари»ни, 1941 йилда икки томлик «Узбекские частушки» нота тўпламларини нашрдан чиқарди.

Ўзбек халқ мусиқа ижодининг билимдони ва тарғиботчиси Е.Романовская мусиқа ва театр тўғрисида илмий-маърифий мақолалар ёзди, анжуманларда маърузалар ўқиди. Унинг ёзган газета мақолалари орасида «Наследие, которая требует заботы и внимания», «Опыты гармонизации узбекской музыки», «Макомы Хорезма» кабилар алоҳида ўрин тутди. Журнал «Сов Музыка» № 9 1934 йилда «Музыкальное творчество Узбекистана», шу журнални № 7, 1937 й. «Тошбек и Гул-Курбон» (Помир халқ эртаги), журнал «Литература и искусство Узбекистана» китоби 4-я, 1940й. «Узбекская народная музыка»; брошюра «Композиторы Узбекистана в дни Отечественной войны» Тошкент, 1944 г.; журнал «Звезда Востока» №11, 1947й. «Узбекский оперный театр» илмий мақолалар чоп этилган.

Ўзбекистон Бастакорлари уюшмасига 1938 йилда аъзо бўлган, 1940-1945 йилларда масъул котиб бўлиб ишлаган Е.Романовская 1937-1940 йилларда консерватория директори, 1938-1944 йилларда «Санъат» нашриётида муҳаррир, 1944-1947 йилларда Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори лавозимларида ишлади. У 1944 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

ДИЛОРОМ САЙДАМИНОВА (1943)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафида истеъдодли аёл композиторлардан бири Сайдаминава Дилором Аҳматовна ҳам бор. У ижодий ва педагогик фаолияти билан республикамиз

замонавий профессионал музика санъатининг ривожланиш жараёнига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Д.Сайдаминова 1943 йилнинг 27 феврида Тошкентда таваллуд топди. Унинг музикага қизиқиши ва қобилиятини сезиб, 1950-1959 йилларда Р.Глиэр номидаги махсус музика мактабида, 1959-1961 йилларда В.Успенский номидаги махсус музика мактабида фортепиано мутахассислиги бўйича ўқиди. 1961 йилдан у Тошкент давлат консерваториясида фортепиано ихтисослиги бўйича профессор А.М.Литвиновдан ва композиция бўйича профессор Б.И.Зейдмандан дарс олди. 1966 йили фортепиано ва 1967 йили композиторлик мутахассисликлари бўйича консерваторияни муваффақиятли битирди. 1969-1971 йилларда консерваториянинг ассистент-стажёрлик курсларида профессор Б.И.Зейдман синфида касб малакасини оширди.

Д.Сайдаминова меҳнат фаолиятини талабалик давридан бошлади. 1961-1963 йилларда болалар музика мактабида, 1963-1968 йилларда Тошкент педагогика билим юртида ва болалар музика мактабида дарс берди. 1967-1978 йилларда Тошкент давлат консерваториясида умумий фортепиано бўйича, 1978-1998 йилларда бастакорлик ва чолғулаштириш кафедрасида ишлади. Шу билан бирга 1974-1975 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳайъатининг масъул котиби, 1975-1978 йилларда Ўзбекистон телерадиосининг музика таҳририяти бош муҳаррири лавозимларида, 1995 йилдан «Московское время» газетасининг штатсиз муҳаррири бўлиб ишлади.

Д.Сайдаминова ижодида фортепиано ва бошқа чолғуларга, турли чолғу ансамблларга музика яратиш устувор туради. Фортепиано учун яратган асарлари орасида «Стены древней Бухары» номли туркуми (1979 й. Москвада чоп этилган), пьесалар, 6 та иккита фортепиано учун пьесалар, «Вальс», «Сайёра», «Токкатино», «Ноктюрн», «Сонатина», «Фрески Афрасиаба» туркуми, поэма, «Болалар бекинмачоғи» каби асарлари чоп этилган. Камер чолғу музика асарлари орасида торли квартети (1967 й.), скрипка ва фортепиано учун соната (1977 й.), флейта ва фортепиано учун Концерт, тўртта пьеса (1980 й.), чанг учун сонатина (1980 й.), труба учун учта пьеса (1981 й.), ғижжак учун бешта пьеса (1987 й.), дамли брасс-квинтет учун «Навоий» (1990 й.), виолончель ва фортепиано учун соната-импровизация (1993 й.), виолончель учун «Соло» (1994 й.), чанг ва фортепиано учун фантазия (1993 й.), овоз ва чолғу

квартети учун «По следам Франчески» (1996 й.), «Нити туманных снов» (2004) кичик новелласи, «Мираж» (2005), Афлотун суҳбати ҳикояси асосида «Глиняные буквы, плывущие яблоки» (2009), овоз, скрипка, сурнай, чанг ва қашқар рубоб учун «Саратон» (2011), фортепиано учун «Диалог с Омар Хайямом» (2010) каби асарлари яққа ва ансамбль ижрочилари репертуарларидан ўрин олган.

Д.Сайдаминова симфоник ва вокал-симфоник мусиқа соҳасида ҳам ижод қилиб келмоқда. Иккита симфония (1867, 1988 й.), фортепиано ва симфоник оркестр учун иккита концерт (1971 ва 1981 й.), симфоник поэма (1977 й.), «Байрам увертюраси» (1985 й.), камер торли оркестр учун кичик новелла (1986 й.), симфоник оркестр ва бас овози учун «Дўстлик билан кучлимиз» қасидаси ва «Сенга Ватаним» (Р.Фарҳодий сўзлари,) рок-оратория, (1985 й.), саксофон ва симфоник оркестр учун «Концерт» (2004), 2 та фортепиано ва катта симфоник оркестр учун отаси Сайидахмад ва онаси Ҳамида ая хотираларига бағишланган «Менинг болалик боғим», саксофон ва дамли оркестр учун 1 қисмли Концерт, саксофон тенор ва симфоник оркестр учун Концерт (2004), саксофон тенор ва камер оркестр учун «The shadows» (2007), зарбли чолғу ва катта симфоник оркестр учун «Темурланг» (2010) асарлари ажралиб туради.

Унинг театр учун ёзган асарлари орасида «Горючий камень» (О.Узоқов либреттоси, 1975 й.), «Жасорат» (Н.Маркарянс либреттоси, 1985 й.) каби балетларга, «Афсона яратган қиз» (Ш.Саъдулла пьесаси, Андерсеннинг ҳикоялари асосида ёзилган, 1967 й.), «Ёр қайрилиб боқмайди» (Ю.Шомансур пьесаси, 1973 й.) ва «Тўрт қовоқ» (1975 й.) (мазкур спектакльни Республика болалар ва Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрларининг ёш томошабинлари қизгин қабул қилишган). «Ҳамроқул ота» (1976 й.), «Есть на Востоке добрый город» (1978 й.), «Хива» (1994 й.), «Свидание с Ташкентом» (1979 й.), «Сехрли гилам» мультфильмига (1978 й.), «Младшая» бадиий фильми (1994 й.) ва бошқа ҳужжатли кинофильмларга мусиқа яратди.

Композитор бир талай кўшиқлар ҳам яратди. Улар орасида «Ўзбекистон» (Ҳ.Олимжон сўзи), «Ўзбекистон-кенг жаҳоним» (Э.Воҳидов), «Олтин йўл» (А.Мухтор сўзи), «Уфқ» (Зулфия сўзи), «Оқар дарё» (П.Мўмин сўзи), «Солнечный Узбекистан» (Р.Фарҳодий сўзи), «Далаларда» (Б.Исроилов сўзи), «Қорли кун» (А.Мухтор сўзи), «Песня о Ташкенте» (Е.Евтушенко сўзи), «Бодом гуллари» (С.Орифжон сўзи), «Ялла» (Р.Фарҳодий сўзи), «Менинг юлдузим»

(Б.Зокиров сўзи), «Мангу олов» (Ҳ.Муҳаммад сўзи), «Тошкент чироқлари» каби 100 дан ортиқ турли мавзуларда ёшлар ва болалар учун кўшиқлар яратди.

1971 йилдан буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси Д.Сайдаминова республика Ёшлар мукофоти совриндори бўлиб, 1992 йили «Мустақиллик» медали билан тақдирланган. Мангеймда ўтказилган Халқаро танлов лауреати. Композиторнинг асарлари Россия, АҚШ, Германия, МДҲ ва бошқа давлатларда муваффақиятли ижро этиб келинмоқда.

ВАЛЕРИЙ САПАРОВ

(1947)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига Валерий Сапаров ёрқин, жозибали муסיқа асарлари билан кириб келди. Истеъдодли композитор ўзининг туркман, ўзбек ва Оврўпо муסיқа оҳангларини ўзаро пайваста қилиб яратган симфоник, вокал-симфоник, фортепиано ва турли чолғу оркестрлари, айниқса, эстрада хонандалари ва жамоалари учун басталаган куй ва кўшиқлари билан кўп миллатли республикаимиз муסיқа санъати ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Сапаров Валерий Ибрагимович Туркменистоннинг Мари шаҳрида 1947 йилнинг 26 августида дунёга келди. 6 ёшида умумтаълим мактабига ва муסיқа мактабининг фортепиано синфига ўқишга киради. 1961 йили Д.Овезов номидаги Туркменистон давлат муסיқа билим юртига фортепиано бўйича ўқишга қабул қилинади. 1966 йили уни битириб, муסיқа мактабида ўқитувчи ва концертмейстер лавозимида ишлай бошлади. Бир йилдан сўнг у Тошкент давлат консерваториясига фортепиано мутахассислиги бўйича ўқишга киради. У доцент Ю.Кензер синфида таҳсил кўрди ва 1973 йили пианиночи сифатида битирди.

1979-1983 йилларда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида профессор Т.Қурбонов синфида композициядан таҳсил олди. 1982-1985 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртининг эстрада бўлимида «Эстрада аранжировкаси» фанидан дарс берди. 1985-1996 йилларда Эстрада-цирк студиясида, 1996-2005 йилларда Тошкент эстрада-цирк коллежи ўқитувчиси, бўлим мудири, 2005 йилдан Ўзбекистон давлат консерваториясида дарс бериб келмоқда.

В.Сапаров талабалик давридан бошлаб чолғу ва вокал муסיқасининг ҳар хил жанрларида кўпдан-кўп асарлар яратди. Унинг 1980 йилда басталаган флейта, торли чолғулар, фортепиано ва урма чолғулар учун «Концертино»си, 1981 йили ёзган фортепиано концерти, 1986 йили консерваторияни битиришда Давлат имтиҳонига тақдим этган «Тарих саҳифалари» номли биринчи симфонияси, 1985 йилда ёзилган 6 та труба, 2 та фортепиано, торли чолғулар ва урма чолғулар учун «Байрам тантанаси», 1986 йили фагот ва симфоник оркестр учун «Концерт»и, 1987 йили флейта ва симфоник оркестр учун «Концерт»и, 1997 йили 4 та саксофон ва симфоник оркестр учун «Каприччио» каби мазмундор асарларнинг ҳар бири лирик ва драматик ҳолатларни ифода этганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг маҳорати ўсаётганидан ва муаллиф ўз ижодий услубини топа олганидан далолат берди.

В.Сапаров камер оркестри учун «Прелюдия ва фуга» 1981 йили америкалик машҳур композитор Ж.Гершвиннинг хотирасига бағишлаб «РЭГТАЙМ», 1984 йили «Қилпиллама» халқ лапарни асосида, 1990 йили «Гўзал ёр» кўшиғи асосида иккита саксофон альт ва камер оркестр учун пьесалар, Эстрада-симфоник оркестри учун ўзбек халқ лапарни асосида «Аяжон» эстрада попуриси 1977 йили, «Ёдгорлик» пьесаси 1979 йили, Икром Акбаровнинг «Газли» кўшиғи асосида фортепиано ва оркестр учун «Концерт пьеса»си 1983 йили, «Байрам увертюраси» 1985 йили дамли чолғулар оркестри учун «Дивертисмент» 1989 йили, 4 та саксофон ва оркестр учун «Каприччио» 1999 й., флейта ва оркестр учун «Регтайм», альт саксофон ва оркестр учун «Қари Наво» ўзбек халқ куйи асосида пьеса (2006) ва бошқалар.

Композитор иккита фортепиано учун: «Вальс-скерцо», уч қисмли сюита «Прелюд», фортепиано учун «Юмореска», бешта прелюдия, уч қисмли сонатина, 7 та кичик пьеса, вариация, рақс ва токката, учта пьеса: Токката, Юмореска, Рондо-рақс (булар «Юный пианист» 3-қисмида Ғ.Ғулом нашриётида чоп этилган). Шу нашриётда 1981 йили бешта енгил пьеса, 10 та 2 ва 3 овозли полифоник услубда ёзилган пьесалардан 4 таси тўпламга киритилган, Д.Шостакович хотирасига бағишланган уч қисмли соната, 3 та пьеса, скрипка ва фортепиано учун прелюдия, вальс, рақс, виолончель учун соната, гобой учун «Куй», фагот ва фортепиано учун: «Юмореска», вибратон ва фортепиано учун: «Импровизация ва Аллегро» (1980 йилда Ереван шахрида ҳам ижро этилган), кларнет ва фортепиано

учун: учта прелюдия; торли квартет учун сюита; флейта, виолончель ва фортепиано учун вариациялар, флейта ва фортепиано учун «Токката» ва «Пастораль», брас-квинтет учун учта пьеса; тенор-саксофон ва фортепиано учун: концерт вальси ва бошқалар.

В.Сапаров яккахон ва эстрада-симфоник оркестри учун «Лирик монолог» туркуми (С.Капутикян сўзи, 1979 й.), баритон овози, труба, иккита фортепиано ва урма чолғулар учун «Атомлар манзараси» (Т.Хара сўзи 1980 й.), 1984 йили Р.Фарҳодий сўзига «Асрлар овози» номли оммабоп рок-ораториясини Хоразм филармониясининг «Сабо» вокал-чолғу ансамбли илк бор ижро этган. Эркаклар хор жамоаси ва оркестр учун «Туркистонликман» номли кантатаси (1988 й.), (Н.Буртишева сўзи). Бунинг орасида якка хонанда ва болалар хор жамоалари учун романс ва хор акапеллалар яратди.

В.Сапаров “Любовь в стиле блюз” мюзиклини (2013), Республика кўғирчоқ театри учун «Қуёш менинг дўстим» (1984 й.), «Пахтаой» опера-эртас (1987 й.), ёзувчи О.Генри ҳикояси асосида «Қариндошлик қалб» (В.Борисов либреттоси, 1990й.), Челябинск шаҳри кўғирчоқ театри учун «Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи» (1991 й.) спектаклига мусиқа басталади.

Серғайрат композитор В.Сапаров шу кунга қадар 100 дан ортиқ кўшиқлар яратди. Улар орасида «Севинчли номлар», «Элегия», «Муҳаббат хотираси», «Ватаним куйлари», «Карусель», «Меҳнат ва тинчлик учун», «Ўзбекистон меҳмонлар кутмоқда», «Биз дунё ёшлари» (Р.Фарҳодий сўзлари), «Қайтиб келиш», «Христофор Колумб» (Н.Бутишев сўзлари), «Берёзалар ялтирайди» (Л.Дербенёв сўзи), «Ҳаммаси биз учун», «Бола юраги» балладаси, «Бу шаҳарни мен қураман» (Л.Ошанин сўзлари), «Истардим» (Р.Ҳамзатов сўзи) ва бошқа асарлари мавжуд.

Сапаров Валерий Ибрагимович 1990 йили Францияда ўтказилган халқаро мусиқа асарлари танловида диплом билан тақдирланган. 2012 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.



ДАДААЛИ СОАТҚУЛОВ (1917-1985)

Ўзбекистон халқ артисти, машҳур найчи-созанда, педагог, композитор, жамоат арбоби Дадаали Соатқулов ХХ аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У болалигидан миллий мусиқа анъаналарида тарбия олди. Кўп овозли мусиқа санъатининг шакл ва

жанр хусусиятларини ўзлаштириб, замонавий мусиқа ижодкорлигининг ривожланишига баракали ҳисса қўшди. Унинг яратган жозибали кўшиқлари, куйлари, камер чолғу, симфоник ва вокал-симфоник асарлари, айниқса, мусиқали драмалари ижро жамоалар репертуарини бойитди.

Дадаали Соатқулов 1917 йилнинг 1 майида Наманган вилояти Поп туманида туғилди. 1931-1934 йилларда Наманган шаҳридаги мактабда ўқиди, бадиий ҳаваскорлик тўғарагидай най чалишни ўрганди. 1934 йили Ҳамза номидаги Кўқон давлат театрига созанда сифатида ишга кирази. Тез орада у театрнинг мусиқа бўлими мудири вазифасига тайинланади.

1940 йили Д.Соатқулов композитор бўлиш ниятида Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирази. Ўқиш даврида Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари ансамблида найчи бўлиб ишлайди. Кейинчалик у эслаб ёзган эди: «Урушнинг касофати билан консерваториядаги ўқишим 1942-1944 йилларда тўхтаб қолди. Ғижжакчи С.Алиев, рубобчи М.Мирзаев, доирачи Ш.Ҳамдамов, баянчи Н.Налевайко, мен найчи, лапарчи М.Омонова, хонандалар Н.Ёқубова, С.Самандарова ва раққоса Т.Маҳмудовалардан иборат «Фронт концерт бригада»си тузилди. Бригадамиз бутун 1943 йили ва 1944 йилнинг апрел ойига қадар Шимолий-Ғарбий Белорусия, Ленинград, Волхов фронтларида жангчиларга концертлар бериб хизмат қилди. Жангчиларга берган концертларимиз дастурида мен яратган «Олға бос», «Ватан учун» «Зафар», «Хужум», «Ғолиблар марши», «Ватан» каби ватанпарварлик руҳида басталаган кўшиқларим ҳам жаранглар эди. 1944 йилнинг апрелида ватанимиз, жонажон Тошкентга қайтиб келдик. Мен радиодаги ишимни, сентябрдан консерваторияда ўқишимни давом этдим. Давлат имтиҳон комиссиясига Ғ.Ғуллом сўзига «Пахтакорлар тинчлик учун» номли яккаҳон, хор ва симфоник оркестр учун кантатани такдим этиб, консерваторияни 1953 йили муваффақиятли битирдим».

Д.Соатқулов консерваторияни битиргач, турли масъул вазифаларда ишлади: 1953-1959 йилларда М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси бадиий раҳбари, 1959-1960 йилларда Ўзбекистон давлат телерадио комитети бадиий раҳбари, 1960-1963 йилларда филармония директори, 1963-1969 йиллар Муқимий номидаги мусиқали театр директори, 1969-1970 йиллар филармониянинг директори, 1971-1972 йиллар радио муסיқий

тахририятининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. 1972-1974 йилларда фақат ижод билан шуғулланди. 1975-1985 йилларда Тошкент давлат театр ва рассомлик институти мусиқий кафедрасида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлади.

Д.Соатқулов ижодида мусиқий драма устувор ўрин тутди. 1959 йил «Мардлар қиссаси» (Б.Раҳмонов пьесаси), 1969 йил «Зарафшон қизи» (Д.Файзиев пьесаси), 1962 йил «Пилла ая» (Туйғун пьесаси), 1964 йили «Гули сиёҳ» (Р.Ҳамроев пьесаси, Соҳиб Жамолнинг романи асосида), 1965 йил «Ҳаёт ҳақиқати» (М.Бобоев пьесаси), 1966 йили «Махтумқули» (К.Яшин пьесаси, мусиқаси Б.Гиенко билан ҳамкорликда ёзилган); 1969 йил «Фарғона тонг отгунча» (М.Исмоилов романи асосидаги Р.Ҳамроев пьесаси), 1971 йили «Бир қизга минг ошиқ» (Кришна Чандра романи асосидаги Ж.Асатетдинов, К.Маннонов ва З.Айнутдиновлар пьесаси), 1973 йил «Ошиқлар» (Ё.Шукуров пьесаси), 1975 йил «Зилола» (Ё.Мирзо ва Б.Соатқулов пьесалари); 1980 йил «Юсуф ва Зулайҳо» (Х.Саъдулло пьесаси), 1984 йили «Синган юраклар» (Т.Турсун пьесаси). Мазкур мусиқали драмалар Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида, Фарғона, Наманган, Андижон мусиқали театрлар жамоалари биринчилардан бўлиб томошабинларга ҳавола этган.

Композитор симфоник оркестр учун 4 қисмли сюита, симфоник оркестр ва скрипка учун «Ария», Г.Мушель билан ҳамкорликда «Стадионда учрашамиз» кино мусиқаси; ўзбек халқ чолғулари оркестрига 5 қисмли сюита, най ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Чўли Ироқ» поэмаси; «Фарғона квартети», болалар театрида сахна юзини кўрган «Серка бобонинг найранглари» ва «Ўжар мушукча» спектаклларига мусиқа басталади. У йиллар давомида классик ва замондош шоирлар шеърларига кўплаб кўшиқ ва романслар яратди. Улар орасида романслар: «Айлари», «Зебосидан», «Кун чашмаси» (Навоий шеърлари), «Навбахор» ва «Гулистоним менинг» (Муқимий шеърлари), эстрада кўшиқлари: «Моҳигул» (Ғ.Ғулом шеърлари), «Наманган оқ олтини» (Зулфия шеъри), «Қувноқ чўпон» (Ҳ.Муҳаммад шеъри), «Гул боққа» (Т.Тўла сўзи), «Қизлар ва йигитлар лапар» (Я.Қурбон сўзи) кабилар машҳур бўлиб кетган. Болалар учун «Боғимиз», «Она ватаним», «Биз мардлармиз» кўшиқларини ва мусиқа мактаби ўқувчиларига бағишланган фортепиано учун чоп этилган тўплам, скрипка ва фортепиано учун пьеса, фортепиано ва кларнет, фортепиано ва гобой учун пьесалар яратди.

Дадаали Соатқулов 1949 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1967 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан мукофотланган.

ГАБДУРАҲИМ СОБИТОВ (1913-1996)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, доцент, композитор Г.Собитов ижодий ва ўқитувчилик фаолияти билан республикамиз кўп миллатли мусиқа маданияти ривожланиши учун самарали хизмат қилди ва ҳаётида ёрқин из қолдирди.

Собитов Габдурахим Галимзянович 1913 йилнинг 20 июнида Россиянинг Самара шаҳрида дунёга келди. Кейинчалик у эслайди: “1927 йили Ўзбекистоннинг Зомин қишлоғига оиламиз кўчиб келди. 1929 йили 7-синфни битириб, Тошкентга келдим. 1936 йили ҳарбий хизматга чақирилдим ва мусиқа техникумида ўқишга рухсат олдим. Бу ўқув юртида халқ чолғулари ва композиторлик бўлимларида ўқидим. 1938 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирдим. Б.Б.Надеждин синфида композициядан сабоқ ола бошладим. 1941 йили уруш бошланиши билан жангларда қатнашдим, жангда оғир яраландим. Госпиталларда даволаниб, ногирон аҳволда Тошкентга қайтдим. 1943-1944 ўқув йилидан бошлаб консерваторияда ўқишимни давом эттириб, 1945 йили имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлдим. 1945-1946 ўқув йилидан 1985 йилга қадар консерваторияда гармония, чолғушунослик, партитура ўқиш фанларидан дарс бериб, ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишладим ва ижод қилдим”.

Г.Собитов 1950-1970 йилларда самарали ижод қилди. У 1945 йили консерваторияни биринчи симфония диплом иши билан тугатган бўлса, келгусида унинг қаламидан қуйидаги чолғу асарлари бунёдга келди: ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Татарча сюита» (1947 й.) ва «Етти гўзал» рақс сюитаси (1968 й.), симфоник оркестр учун бешта сюита, уларнинг орасида : беш қисмли «Помир сюитаси» (1954 й.) ва тўрт қисмли «Халқлар дўстлиги» сюитаси (1-қисм-уйғур, 2-татар, 3-озарбайжон ва 4-ўзбек халқ куйлари асосида, 1950й.) асарлари жуда машҳур бўлиб кетган эди. Ю.Ражабий ва Б.Надеждинлар билан ҳамкорликда ёзилган «Пахта» номли

хореография сюитаси 1951 йили Москвада ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати кунларида, М.Турғунбоева сахналаштирган хореографик композиция Катта театрнинг симфоник оркестри ижросида (дирижёр Б.Иноятов) томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинган эди. Келгусида бу сюита жуда кўп мартаба ижро этилди. 1961 йили «Бешта оғайни» номли кинофильмга ёзган мусиқаси асосида шу номли беш қисмли симфоник сюита, домбралар секстети учун уйғур халқ куйлари асосида сюита (1947й.), торли квартетига сюита кабиларни яратди.

Г.Собитов театр учун мусиқа басталашда ҳам баракали ижод қилди. У бошқа бастакорлар билан ҳамкорликда «Сочлари оқарган хотин» ва «Хуш келибсиз» (1952 й. Б.Гиенко билан), Т.Жалилов билан ҳамкорликда «Нурхон» (1951 й.); «Истеъдод» (1957 й.), «Дала маликаси» (1960 й.), «Алпомиш» (1962 й.). Драматик театр учун: «Снежок» (1950й. В.Любимов пьесаси), «Алёша Пешков» (1952й. О.Форш ва И.Груздевлар пьесаси) бу спектакллар Тошкент болалар театрида қўйилган. Композитор мусиқасини басталаган «Хуррият» ва «Юрак ёниш даркор» (1958 й.) спектакллари Ҳамза номидаги драма театрида сахналаштирилди. У «Пламенные годы» (1958 й.) ва «Пятеро друзей» (1960 й.) кинофильмларга мусиқа басталади, турли мавзуларда классик ва замонавий шоирларнинг шеърларига 40 дан ортиқ кўшиқ ва романслар ёзди, турли чолғулар учун 100 дан ортиқ халқ куйларини қайта ишлади, симфоник, дамли, ўзбек ва рус халқ чолғулари оркестрлари учун қатор композиторларнинг асарларини чолғулаштирди.

Габдурахим Собитов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» (1988 й.) фахрий унвони, Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи ва медаллари билан тақдирланган.

ФАХРИДДИН СОДИҚОВ (1914-1977)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, созанда, бастакор ва устоз Фахриддин Содиқов ижодий, ижрочилик, муаллимлик ва жамоатчилик фаолияти билан XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У ўзбек мумтоз мусиқа анъаналарини изчил давом эттириб, ўзига хос услубда кўшиқ, ашула,

куй ҳамда бошқа шакл ва жанрларда бир қатор асарлар яратиб, халқимиз ҳурмат эътиборига сазовор бўлди. Бастакорнинг яратган мусиқаси жўшқинлиги, ширадорлиги, мазмундорлиги, таъсирчанлиги билан тингловчига ҳузур бахш этади.

Фахриддин Содиков Тошкент шаҳрида 1914 йилнинг 13 майида таваллуд топди. Болалигидан мусиқага қизиқди. Аввал дутор чертишни маҳалладаги катта ёшдаги болалардан ўрганди. Кейинчалик Чорсу гузарида жойлашган машҳур ҳофиз Шораҳим Шоумаров ташкил этган «Саной нафиса» жамоаси қошидаги ансамбль чиқишларини кузатиб борди ва тез орада уларга шогирд бўлиб ҳам қолди. Нуғмон-қори Мўминзода устозидан чанг чалиш, Абдусоат Ваҳобов устоздан дутор чертиш маҳоратига эга бўлди. 1918 йили Туркистон халқ консерваторияси ташкил этилиб, В.А.Успенский раҳбарлигида эски шаҳар бўлими очилиши муносабати билан Ф.Содиков 1920 йилдан бошлаб устозлардан сабоқ олишни давом эттирди. 1924 йилда халқ консерваторияси негизида Тошкент давлат мусиқа техникуми очилиши билан 1926 йилдан у ерда ўқиб, 1933 йили муваффақиятли битирди.

Бастакор, чангчи-созанда Ф.Содиков меҳнат фаолиятини 1930 йили Ўрта Осиё темир йўл қошидаги клубда халқ чолғулари ҳаваскорлар тўғарагини ташкил қилишдан бошлади. 1928 йили ўтказилган созандалар танловида Ф.Содиков қатнашиб иккинчи даражали, кейинги йилда эса биринчи даражали дипломга сазовор бўлди. 1933 йили у мусиқали театрға ишға қабул қилиб, машҳур санъаткорлар билан танишди, улар билан ижодий мулоқотларда бўлди. 1937 йилда Москвада ўтадиган Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасига Т.Жалилов бошчилигида 100 кишидан ортиқ ўзбек ансамблига моҳир созандалар қатори Ф.Содиков ҳам ишға таклиф қилинди. 1938 йили филармония қошида хотин-қизлардан иборат дуторчилар ансамбли ташкил этилгач, у мусиқа раҳбари сифатида ишлади ва бастакорлик ижоди билан репертуарни бойитди, ижрочилик маҳоратини оширди ва тез орада машҳур жамоага айлангирди. Уруш йиллари фронт концерт бригадасининг мусиқа раҳбари бўлиб жангчиларға хизмат қилди. 1947-1953 йиллари Ф.Содиков Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари ансамблида чангчи, 1953-1955 йилларда филармониянинг ашула ва рақс ансамбли созандаси, 1955-1957 йилларда Ўзбек давлат эстрадасида ансамбль раҳбари вазифасида ишлади.

1957 йилда Ф.Содиков Ю.Ражабий раҳбарлигидаги радио

қошида ташкил этилган созандалар ансамблига чангчи этиб таклиф қилинди. 1959 йилда мақомчилар ансамблида чангчи, 1961 йилдан эса мазкур ансамблга мусиқа раҳбари этиб тайинланди ва шу вазифада умрининг охиригача ишлади. 1972 йилда Тошкент давлат консерваториясида янги ташкил топган Шарқ мусиқаси кафедрасида ишлаб, мақом ижрочилиги бўйича талабаларга устозлик қилди.

Ф.Содиқов яратган ноёб ва баркамол мусиқий асарларни, айниқса, миллий кўшиқчилик санъатининг ривожланишига кўшган ҳиссасини инобатга олган ҳолда 1967 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди.

Ф.Содиқов мусиқанинг турли жанрларида ижод қилди, унинг ижодида куй, кўшиқ ва ашула алоҳида ўрин тутди. У классик ва замондош шоирлар шеърларига 300 дан ортиқ асарлар яратди. Жумладан, Ғ.Ғулум сўзига 1934 йили басталаган «Ҳорманг энди колхозчилар», «Марҳабо» (Миртемир сўзи), «Ватандан миннатдорман», «Эй чехраси тобоним» (Муқимий сўзи), «Ўйнасин» (Ҳабибий сўзи) илк кўшиқ ва лирик ашулалари тингловчиларни ўзига жалб қилди. Бастакор бирин-кетин, янги-янги оригинал кўшиқ ва лирик ашулалар яратишга муваффақ бўлди. У яратган ватанни, меҳнатни, тинчликни мадҳ этадиган кўшиқлар орасида «Ўзбекистоним менинг» (Уйғун сўзи), «Ҳосил тўйи» (М.Қориев сўзи), «Жаҳон бўйлаб бир овоз янгра» (К.Муҳаммадий сўзи), «Тинчлик кўшиғи» (У.Ғани сўзи), «Зарафшон» (А.Пўлат сўзи), «Гуллар водийси» (Т.Тўла сўзи), «Ватан ўхшар кўёшга» (Э.Раҳим сўзи), «Ўзбекистон олтини» (Ё.Мирзо сўзи), «Ботир чўпон кўшиғи» (К.Муҳаммадий сўзи), «Олтин водий» (З.Обидов сўзи), «Теримчи қизга» (С.Зуннунова сўзи), «Ёрим тўқур хонатлас» (А.Бобожонов сўзи), «Ўлкам ипакка тўлсин», «Оқ олтин карвон-карвон» ва «Мирзачўлнинг қизиман» (З.Обидов сўзлари) каби кўшиқлар радио тўлқинларида мунтазам жаранглаб келди. Бастакорнинг кўплаб кўшиқ ва ашулалари табиатни, ишқ-муҳаббатни, инсонийликни, гўзалликни мадҳ этади: «Севгилим», «Тонг шабодалари», «Уёламан», «Ҳаё» (М.Қориев сўзлари), «Ёр билиб», «Хўб де, жоним», «Ёр бўлсанг дейман» (С.Зуннунова сўзлари), «Бир гўзал», «Ойдин кечада» (Миртемир сўзлари), «Онажоним», «Айб этма», «Хуш ҳаво чаманларида», «Муборакбод», «Кўзим», «Мезбон бўлай» (З.Обидов сўзлари), «Менга навбат», «Ширмоной», «Ёр бўлмаса», «Гўзал», «Зухрога» (Т.Тўла сўзлари), «Очил ниҳол», «Сўлим баҳор», «Висол гулшани», «Вафо кўшиғи», «Сув сулув кўшиғи» (А.Исроилов

сўзлари), «Хумор», «Шайдосиман», «Ташна қалбим» (Ё.Мирза сўзлари).

Ф.Содиқов Б.Гиенко билан ҳамкорликда Муқимий номидаги муסיқали драма театрида сахналаштирилган «Ота ўғли» (Ҳ.Шарипов пьесаси), Т.Тошматов билан ҳамкорликда «Инбузарлар» (Ш.Низомиддинов пьесаси), С.Ҳайитбоев билан ҳамкорликда «Салтанат ларзада» (В.Саъдулла пьесаси) муסיқали драмалари, Д.Зокиров билан ҳамкорликда «Гўзал» номли телепостановкаларга муסיқа яратди. Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри учун Т.Тошматов билан ҳамкорликда Т.Тўла сўзига «Янги Тошкент» номли сюита ва «Кўнгил сен» (С.Кўқонбеков сўзи), «Ўзбекистон» (Т.Ражабий сўзи), «Кўнглида бўлса» (Т.Мўминов сўзи) кўшиқларини яратди. Булардан ташқари, у «Ватан марши», «Қурилиш марши», «Гулнор», «Ўзбекча вальс», «Ўхшарсиз» каби чолғу куйларини ва Ўзбекистон радиосининг рамзий чақирик куйини басталади.

Ажойиб инсон, машҳур бастакор, созанда ва устоз Ф.Содиқов XX аср муסיқа санъатини ривожлантиришига қўшган ҳиссаси учун 1964 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган, орден ва медаллар билан мукофотланган.

ТОЛИБЖОН СОДИҚОВ (1907-1957)



Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, композитор ва дирижёр Толибжон Содиқов замонавий ўзбек профессионал муסיқа санъатига 1920 йилларнинг бошида кириб келди. Устозлардан санъат сирларини ўрганди, ўқиди, дутор, танбур, най каби чолғуларда моҳир ижрочи сифатида танилди. Ўзининг ижодий, ташкилотчилик ва жамоатчилик фаолияти билан муסיқа санъатимизнинг ривожланишига биринчилар қаторида тамал тошини қўйди. Унинг яратган кўшиқ, романс, симфоник ва вокал-симфоник асарлари, айниқса, муסיқали драма ва опералари яккахон, концерт ва театр жамоалари репертуарини бойитди.

Содиқов Толибжон Самарқанд шаҳрида 1907 йилда таваллуд топди. 1924 йили Самарқанд Ўзбекистон Республикасининг пойтахти деб эълон қилинган йили Толибжоннинг тақдирида ҳам кескин

бурилиш рўй берди. Пойтахтда маданият ва санъат муассасаларига эътибор қаратилиши билан санъат гуруҳлари, театр ва концерт ташкилотлари, бадий ҳаваскорлик тўғараклари бирин-кетин пайдо бўлади ва улар ўртасида танловлар ўтказиш анъанага айлана бошланди. Толибжон шаҳардаги санъат гуруҳларига кўшилиб, концертларда қатнашар эди. 1927 йили Самарқандда машҳур, келгусида Ўзбекистон халқ артисти Али Ардобус (Иброҳимов) ёш ҳаваскор санъаткорлардан «Кўк кўйлакли»лар тўғарагини тузди. Мусиқа раҳбари этиб Толибжон Содиковни таклиф этди. Мазкур тўғаракка келгусида санъатимиз намояндалари Дони Зокиров, Манас Левиёв, Исохор Оқилов, Наби Ҳасанов, М.Халилов, Асрор Жўраёв, Воҳид Абдуллаёв, Жалол Обидов, Мирбобо Зиёев, Микоэл Калантаров ва бошқалар қатнашдилар. 1925 йилда Самарқанд мусикали театрига Тошкент халқ консерваториясини битирган Юнус Ражабий мусиқа раҳбари этиб тайинланди. Шу йилдан бошлаб Толибжон Содиков устоздан най чалишни ўрганди ва театр созандалар ансамблида қатнашди. 1928 йилдан бошлаб найчи бўлиб театрда ишлади. 1930 йили сахна юзини кўрган «Боғбон қиз» (С.Абдулла пьесаси) спектаклига мусиқа басталади. 1928 йили Самарқандда Н.Миронов раҳбарлигида Ўзбекистон мусиқа ва хореография илмий тадқиқот институти ташкил топди. Биринчи талабалар қаторида Т.Содиков ҳам бор эди.

Бу даргоҳда у устозлар - ҳофизлар Ота Жалол Носиров, Домла Ҳалим Ибодов, танбурчи Ҳожи Абдурахмон, чангчи Матюсуф Харратов, найчи А.Исмоилов, кўшнаичи А.Умурзоқовлардан Фарғона-Тошкент, Бухоро ва Хоразм мусиқа услубларини ўрганди. Н.Н.Миронов нота ёзуви, сольфеджио, мусиқа назарияси ва тарихидан сабоқ берди. Институт режасига асосан Т.Содиков курсдошлари М.Ашрафий ва Ш.Рамазоновлар билан Н.Н.Миронов бошчилигида биринчи маротаба халқ кўшиқ ва куйларини нотага ёзиб, 1931 йилда «Песни Ферғаны, Бухары и Хивы» номли тўплам нашрдан чиқди. Курсдошлар «Садраш» номли илк симфоник асарни ҳам ҳамкорликда яратишди.

1930 йили Т.Содиков Ҳамза номидаги ўзбек драма театрининг созандалар ансамблига раҳбарликка таклиф қилинди. У 1932 йилга қадар ишлаб чолғу ансамбли таркибини кенгайтирди, ижро сифатини яхшилади, театр репертуаридаги сахна асарларининг мусиқасини қисман янгилади, драматург К.Яшиннинг «Ёндирамиз» драмасига мусиқа басталади.

1933 йили Ўзбекистон давлат мусиқий театр оркестрига (1939 йилдан бошлаб А.Навоий номидаги опера ва балет театри) дирижёр лавозимига таклиф этилади. Дирижёрлик иши билан бирга 1933 йили «Лайли ва Мажнун» (Ш.Хуршид пьесаси), 1935 йили «Хужум» (Чўлпон ва В.Ян пьесалари) ва 1936 йили “Пўртана” спектакллари мусиқа басталади.

1934 йили Т.Содиқов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасини ташкил этиш ваколатини олди. 1938 йилда Ўзбекистон Санъат Бош бошқармаси томонидан мазкур уюшманинг таъсис хайъати тасдиқланди. Таъсис хайъатига Толибжон Содиқов — раис, М.Ашрафий — раис ўринбосари, Карим Абдуллаев — масъул котиб ва аъзолар буйруқ билан тайинландилар. Уларга қурултойга тайёргарлик кўриш вазифаси топширилди. Иккинчи жаҳон уруши сабабли Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси биринчи қурултойи 1948 йили бўлиб ўтди.

1937 йили Москвада ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасига 1936 йилдан бошлаб катта тайёргарлик бошланди. Т.Содиқов «Биринчи депутат» (М.Пётр сўзи) ва «Сафарбар» (Миртемир сўзи) кўшиқларини, овоз ва симфоник оркестр учун «Ёр» (Миртемир сўзи) романсини, симфоник оркестр учун «Шодиёна» поэмаси ва «Рақс», Р.М.Глиэр билан ҳамкорликда “Гулсара” (К.Яшин пьесаси) мусиқали драмаси каби асарларни яратди. Булар декада дастурларида ижро этилди ва олқишларга сазовор бўлди. 1940 йили Р.М.Глиэр билан ҳамкорликда «Лайли ва Мажнун» (Хуршид либреттоси асосида) операсини яратди.

1935 йили Москва консерваторияси қошида М.Қориёқубов ташаббуси ва раҳбарлигида Ўзбек опера студияси ташкил топган эди. Толибжон Содиқов композиторлик малакасини ошириш ниятида 1939-1941 йилларда мазкур студияда профессорлар Р.М.Глиэрдан композициядан, Мелик Пашаевда дирижёрликдан сабоқ олди. 1941 йилда бошланган Иккинчи жаҳон уруши унинг ўқишини тўхтатди.

Т.Содиқов ижодий фаолияти уруш ва тинчлик йилларида самарали бўлди. У бирин-кетин мусиқанинг турли шакл ва жанрларида кўплаб асарлар яратди. Улар орасида А.Ф.Козловский билан ҳамкорликда «Даврон ота» (С.Абдулла пьесаси, 1941й.) М.Бурҳонов, М.Вайнберг, Т.Жалилов, Н.Ҳасанов, А.Каримовлар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қиличи» драмаларини (1942 й.), «Гулхан» (Ш.Саъдулла пьесаси, 1943 йил) болалар учун спектаклга мусиқа басталади. 1942 йилда Миртемир билан ҳамкорликда 5 та

кўшиқ ва 4 та романс ёзди. Айниқса, унинг “Булбул” (Камтар шеъри), «Баҳор» (Миртемир шеъри), «Сарвигул» (Навоий шеъри), «Жонон кўринур» (Низомий шеъри) романслари машҳур бўлиб кетди. Буларни хонандаларнинг бир нечта авлодлари ижро этиб келмоқда.

Уруш йиллари яна яқка хонанда ва симфоник оркестр учун «Интизор» номли вальс, «Фарҳод қурилиши» симфоник поэмаси ва жангчиларга бағишланган махсус «Кино концерт» фильмига муסיқа танлади ва ёзди. Урушдан кейинги йилларда у «Севаман» (С.Абдулла пьесаси) муסיқали комедиясини (1945 й.) «Армуғон» (А.Бобожонов пьесаси) муסיқали драмасини, Р.М.Глиэр билан ҳамкорликда «Гулсара» (К.Яшин либреттоси, 1949 й.) ва «Лайли ва Мажнун» (Ш.Хуршид либреттоси, 1949 й.) операларини таҳрир қилдилар. «Зайнаб ва Омон» операсининг (1957 й.) биринчи пардасини ёзишга улгурди. 1958 йили Зулфия либреттоси асосида ёзилган ушбу операни Ю.Ражабий, Д.Зокиров ва Б.Зейдманлар охирига етказишди ва ўша йили премьераси бўлди. Мазкур опера 1959 йили Москвада ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати 10 кунлигида бошқа опералар қатори намойиш этилди. 1951 йилда Москвада ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасига бағишлаб яқка овоз ва симфоник оркестр учун «Москва» (А.Пўлат сўзи) номли кўшиқ, мумтоз «Ушшоқ» мақом ашуласини қайта ишлаб, симфоник оркестрга мослаштирди, «Ватан» ҳақида туркум кўшиқлар композитор Б.Бровцин билан ҳамкорликда иккинчи «Киноконцерт» яратди. Муқимий шеърларига ёзилган ўзбек халқ ашула ва яллаларини овоз ва симфоник оркестрга мослаштирди. Турли мавзуларда, классик ва замондош ўзбек шоирларнинг шеърларига бир қатор кўшиқ, ашула ва романслар яратди. Уларнинг аксарияти 1949-1956 йилларда тўпламларга киритилиб чоп этилган. Т.Содиқов 1957 йили «Хур Ватан» ва «Бахтиёр ёшлик» (А.Бобожон сўзлари), «Жоним, ишон» (Мирмухсин сўзи) номли кўшиқлар яратди.

Композитор Толибжон Содиқов Ўзбекистоннинг замонавий муסיқа маданиятини ривожланишидаги улкан хизматлари учун, 1939 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрлиқлари, орден ва медаллар билан тақдирланган.

Ажойиб инсон, халқимизнинг севимли композитори, дирижёр ва жамоат арбоби Толибжон Содиқов 1957 йили оламдан кўз юмди. Тошкент шаҳар болалар муסיқа мактаби ва пойтахт кўчаларидан бирига унинг номи берилди. 2003 йилда Т.Содиқов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

ЭНМАРК СОЛИХОВ (1934)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Солихов Энмарк Шокирович 1960-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига ёрқин, жозибали, замонавий услубдаги эстрада кўшиқлари, симфоник асарлари ва кино музыкаси билан кириб келди.

Солихов Энмарк Шокирович Самарқанд шаҳрида 1934 йилнинг 12 сентябрида таваллуд топди. Болалигидан музыкага меҳр қўйди. Шаҳар маданият уйи қошидаги ҳаваскорлар музыка тўғарагида аккордеон чалишни ўрганди. 1953-1954 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов бўлимида фортепиано синфида таҳсил олди, 1954-1958 йиллари Ҳамза номидаги Тошкент музыка билим юртининг музыка назарияси бўлимида ўқиди. 1958-1963 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг бастакорлик факультетида профессор Б.И.Зейдман синфида таҳсил олди. Талабалик йилларида турли жанр ва шаклларда асарлар ёзди. 1960 йили давлат имтиҳонига «Симфония»сини тақдим этиб, консерваторияни битирди.

Э.Солиховнинг меҳнат фаолияти талабалик давридан бошланган. У 1960-1964 йилларда клубда концертмейстер, 1964-1965 йилларда Ўзбекистон радиоси симфо-джаз оркестрининг бадий раҳбари, 1968-1969 йилларда Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчи, 1968-1970 йилларда Ўзбекистон эстрада оркестрининг бадий раҳбари, 1970-1973 йилларда Тошкент давлат консерваториясида ўқитувчи, 1971-1975 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳайъатининг масъул котиби, шу билан бир вақтда 1973-1976 йилларда Ўзбек концерт ва Ўзбек эстрада жамоаларининг бадий раҳбари, 1975-1982 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг ҳайъат раиси, 1982-1984 йилларда Ўзбекистон Маданият вазирлигининг музика муассасалар бошқармаси бошлиғи, 1984-1986 йилларда «Ўзбекконцерт» директори, 1986-1990 йилларда «Ўзбек-концерт» бирлашмаси бадий раҳбари ва айна пайтда 1987-1991 йилларда Ўзбекистон музыка жамиятининг ҳайъат раиси, 1996-1998 йилларда консерваторияда

янги ташкил этилган эстрада муסיқаси кафедраси мудирини, 1999 -2000 йилларда мазкур кафедра доценти лавозимида фаолият юритди.

Э.Солиҳов турли жанр ва шаклларда хилма-хил, ранг-баранг муסיқа асарлари яратди. 1963 йили симфония, «Тўйчи Эрийгитов» номли симфоник поэмаси, 1985 йили иккита рояль, скрипкачи ва виолончельчилар унисони билан симфоник оркестр учун «Концертли пьеса №1», учта рояль, скрипка, виолончельчилар унисони ва симфоник оркестр учун «Концертли пьеса №2» асарлари муסיқа жамоатчилигида катта таассурот қолдирди. Композитор торли кватрет, фортепиано учун «Соната», (Москвада «Концертный репертуар пианиста» тўпламида 1979 йилда чоп этилган), фортепиано учун «Рақс ва Прелюдия» («Детские пьесы композиторов Узбекистана» тўпламида 1985 йили чоп этилган). Булардан ташқари фортепиано учун ёш пианиночиларга атаб бирталай куйлар ёзди.

Э.Солиҳов 1976 йили ўзбек халқ эртаклари асосида «Ойгул парининг совғаси» (М.Шербаченко либреттоси) биринчи ўзбек мюзиклини, «Ажойиб доира» (Б.Рубина либреттоси) мюзиклини, «Хўжа Насриддин» (В.Виткович либреттоси), «Пароль — заря Востока» (А.Васильев либреттоси), «Дурочка» (Д.Шелков либреттоси) оперетталарини яратди. Мазкур асарлар 80-йилларда нафақат Ўзбекистонда, балки Россиянинг бир қатор шаҳарлари театрларида муваффақиятли сахналаштирилди.

Композитор ижодий фаолиятида эстрада ва кино муסיқаси устувор туради. У замонавий ўзбек эстрада санъатининг ривожланиш жараёнига ўзига хос услуби билан турли мавзуларда ранг-баранг, жозибали асарлар яратди. Э.Солиҳовнинг 1964 йилда яратган «Қиз бола» (П.Мўмин сўзи) кўшиғи эстрада хонандалари Н.Нурмухаммедова, болгариялик Коцева, «Ялла» ансамбли ижросида Германия, Польша, Чехия, Словакия, Россияда машҳур бўлиб кетган эди. Ўзбек халқининг сеvimли эстрада хонандаси Ботир Зокиров ижросида «Бу оқшом» (М.Қориев сўзи), «Қайдасан» ва «Ажабо» (М.Хайдар сўзи), «Соғинди жон» (Э.Воҳидов сўзи), «Умид» (А.Мухтор сўзи) каби кўшиқлар ҳам элга манзур бўлди. «Кузги орзулар» (О.Гаджиқосимов сўзи) кўшиғи дипломга сазовор бўлди, «Дўстлик гуллари» кўшиғи эса Чехияда танлов-кўриқда фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Шу кунга қадар 200 дан ортиқ кўшиқ ва эстрада куйларини яратди.

Э.Солиҳов «Уйғониш» (режиссёр Ш.Аббосов), «Эртак учун бораман», «Номерга юз сатр», «Карвон» (режиссёр У.Назаров), икки

серияли «Маржона», икки серияли «Алпомиш» (режиссёр Х.Файзиев), «Отамдан қолган далалар» (режиссёр Ш.Аббосов.) бадий кинофильмларига, «Ҳамро бувининг эртаги», «Шарқ», «Қувончининг туғилиши», «Ургут нақшлари», «Инсон, фақат сен учун», «Орол эътиқодлари», «Баҳор» (режиссёр А.Қосимов), икки серияли «Яна, ўша Насриддин» (режиссёр Э.Давидов), олти серияли «Акбарнинг саргузаштлари», «Ҳаяжонли йиллар», «Тақдир эшиги» (режиссёр Л.Файзиев) телефильмларига мусиқа басталади. Москва «Флора-фильм» студиясида «Шакалы», «Ау, ограбление поезда», «Динозавры», «Яр» (Есенин асари асосида) кинофильмларига, Ўзбектелефильмда «Очиқ дор», «Эркатоё» ва бошқаларга мусиқа басталади.

Энмарк Шокирович Солиҳов 1976-1980 йилларда икки маротаба Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши депутати бўлган. У 1984 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

УЛУҒБЕК СОЛИҲОВ

(1945)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор Улуғбек Солиҳов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1985 йилда қабул қилинган. У ўзининг эстрада куйи ва кўшиқлари билан мусиқа жамоатчилигига танилди.

Улуғбек Солиҳов Урганч шаҳрида 1945 йилнинг 14 июнида туғилди. 1956 йилда ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Шу ерда у мусиқага қизиқди ва 1962 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кирди, композициядан дарс олди ва 1967 йили ўқишни битирди. Ўша йили Улуғбек Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига қабул қилинди. У консерваторияда мутахассислик бўйича аввал Р.Вильданов, кейинчалик профессор Ф.М.Янов-Яновский синфида таҳсил кўрди ва 1973 йили фортепиано учун концерт диплом иши билан ўқишни битирди. Унинг скрипка ва симфоник оркестр учун ёзган концерти, фортепиано учун прелюдияси, япон шоирлари шеърлари, романс ва хор асарлари шунчаки талабалик машқлари бўлиб қолмасдан, балки бадийлиги билан мусиқа жамоатчилигида яхши таассурот қолдирди ва ижрочилар репертуаридан жой олди.

У.Солиҳов меҳнат фаолиятини талабалик давридан бошлаган. 1964-1970 йилларда у Тошкент вилоят Зангиота болалар мусиқа мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади, 1972 йили электро-техника заводи клубида эстрада оркестрига раҳбарлик қилди. Консерваторияни битиргач, 1973-1977 йиллари Ўзбекконцерт қошидаги Вокал-чолғу ансамблида созанда, 1977-1982 йилларда эстрада жамоалари учун ташкил этилган махсус курслар бошлиғи, 1983-1984 йилларда эстрада ансамбли раҳбари, 1984-2000-йилларда «Ўзбекконцерт»нинг бадиий раҳбари лавозимларда ишлаб келди.

У.Солиҳов фортепиано ва камер оркестр учун концерт-кино, виолончель ва симфоник оркестр учун концерт, симфония, фортепиано учун сонаталар, болалар альбоми, скрипка ва фортепиано учун соната, 100 дан ортиқ эстрада кўшиқларини яратди. Шунингдек, қуйидаги кинофильмларга мусиқа басталади: икки қисмли «Бахт гуллари» (режиссёр М.Зокиров), ўн қисмли «Тошкент манзаралари» ҳужжатли фильмлар ҳамда драматург М.Зокировнинг «Упавший с неба», «Сюрприз» ва бошқа оперетталарини яратган.

У.Солиҳов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони, “Дўстлик” (2010) ва “Меҳнат шухрати” (2012) орденлари билан тақдирланган.

ТАМАРА СОЛОМОНОВА

(1927-2013)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Тамара Соломонова 1965 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига аъзо қилинган. У ўзининг илмий-ижодий ва ўқитувчилик фаолияти билан республикамиз мусиқа санъати тарғиботига катта ҳисса қўшди.

Соломонова Тамара Евгеньевна Тошкентда, 1927 йилнинг 9 июлида дунёга келди. 1935-1945 йилларда умумтаълим мактабида ўқиди, мусиқага қизиқди. 1936 йилда Р.Глиэр номидаги махсус мусиқа мактабининг фортепиано синфига ўқишга кирди. 7 синфни битириб, В.Успенский номидаги махсус мусиқа мактабида ўқишини давом эттирди. 1947 йили Тошкент давлат консерваториясининг мусиқашунослик факультетига ўқишга кирди ва 1952 йили доцент Ю.Г.Кон раҳбарлигида Р.Глиэрнинг «Медный всадник» балети мавзусида диплом иши билан консерваторияни битирди.

Т.Е.Соломонова меҳнат фаолиятини 1947 йилдан консерваторияда ўқиш билан бирга, Ҳамза номидаги муסיқа билим юртида бошлади. Консерваторияни битиргандан сўнг ҳам шу ўқув даргоҳида сольфеджио, муסיқа назарияси, гармония каби фанлардан дарс беришни давом эттирди. 1952-1955 йилларда консерваториянинг тайёрлов курсларида дарс берди. 1963 йилдан профессор лавозимига бўлган йўлни босиб ўтди. 1973-1989 йилларда консерватория илмий ишлар бўйича проректори, 1989-1998 йилларда муסיқа таълимининг илмий асослари кафедраси мудирини лавозимида фаолият кўрсатди. Шунингдек, 1960-1973 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида маслаҳатчи лавозимида ишлади.

Т.Е.Соломонова ўзбек халқ муסיқаси ва композиторлар ижоди ҳақида қатор илмий ишлар олиб борди, мақолалар ёзди. Жумладан, «Узбекская детская песня» мақоласи «Очерки истории музыкальной культуры Узбекистана» тўпламига («Ўқитувчи» нашриёти, 1968 йил), «Роль распевности в узбекской народной песне» илмий мақоласи «Вопросы музыкознания» тўпламига киритилган («Фан» нашриёти, 1971 йил). Шу йўлда «Вопросы ритма в узбекском песенном фольклоре» номли диссертацияни ёқлаб, санъатшунослик фанлари номзоди бўлди. «История и современность» тўпламига урта илмий мақоласи киритилган («Муסיқа» нашриёти, Москва 1972 йил), А.Жабборов билан ҳамкорликда «Композиторы и музыковеды Узбекистана» номли китоб 1975 йили чоп этилган. «Некоторые черты ритмического рисунка в узбекской народной песне» мақоласи «Вопросы истории и теории узбекской музыки» китобида (Москва, 1979 год), «Фольклористика и музыковедение в Узбекистане» мақоласи «Музыкальная культура Узбекистана» (Москва, 1981 г.), тўпламига киритилган. Р.С.Абдуллаев билан ҳамкорликда «Хрестоматия по истории узбекской музыки»ни тузди ва 1981 йилда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди. 1983 йили «Фан» нашриётида чоп этилган тўпламга киритилган мақолаларни тўплаб, таҳрир қилган ва 6 бобни, хотимани ўзи ёзган.

Машҳур композитор, дирижёр, халқ артисти М.Ашрафийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида 1989 йил Е.Темина билан ҳамкорликда «Мухтор Ашрафий» номли монографиясини ёзган. Монографиянинг янги редакцияси «ЮНЕСКО» ташаббуси билан 2004 йилда Фируз Ашрафий ҳаммуаллифлигида Стамбулда нашр этилди. 2005 йилда Т.Соломонова А.Лутфуллаев билан ҳаммуаллифликда «Ўзбек халқ муסיқа чолғулари» монографиясини

(2005й) чоп этди. «Патриотические песни композиторов Узбекистана» мақоласи «Правда Востока» газетасида 1963 йили «На авторских вечерах» (О концертах из произведений М.Таджиева и Ф.Янов-Яновского) мақоласи, «Первая в Средней Азии» (О Ташкентской консерватории), давра суҳбатида замонавий ўзбек муסיқасининг муаммолари ҳақида «Сов. музыка» №8.1985 йил, «Вечерний Ташкент», газетани 2 сентябрь 1986 йилда ўтказилган давра суҳбатида, «Ўзбек операсининг муаммолари» ҳақида маъруза қилган. Ғ.Ғулом номли нашриётда 1987 йилда чоп этилган «История узбекской музыки» номли китобга ва «Муסיқа» нашриётида 1987 йилда чоп этилган. Ўзбекистон радиосида «Серьёзный разговор о музыке», «Развитие жанра кантаты в Узбекистане», «Раскрытие темы труда в жанре кантаты», «Композиторы Узбекистана для коллективов филармонии», «Композиторы Узбекистана для оркестра духовых инструментов», «Творчество композиторов Узбекистана для оркестра узбекских народных инструментов», «Творческий путь Юнуса Ражабий», «Квартет № 3 Б.Гиенко», «Симфония Б.Зейдмана», «Композитор Д.Зокиров», «Композитор М.Левиев», «Композитор С.Бабаев», «В.А.Успенский», «Композитор Д.Кабалевский», «Романсы русских композиторов на стихи Пушкина», «Новые произведения композиторов Узбекистана детям», «Симфоническая сюита «Мечта» Ик.Акбарова», «Каракалпакская сюита А.Козловского», «Композитор Ик. Акбаров», «Произведения молодых композиторов» мавзуларида чиқишлар қилган. Телевидение учун «Даргомижский», «Выступают композиторы», «Оркестр узбекских народных инструментов радио и телевидения», «Квартет узбекского радио и телевидения» сценарийларини ёзди.

Ўзбекистон муסיқашунослигига қўшган ҳиссалари учун Т.Е.Соломонова 1977 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

АБДРЕИМ СУЛТОНОВ *(1937-1994)*



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердах номидаги Давлат мукофоти совриндори, созанда, дирижёр ва бастакор Абдреим Султонов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1989 йили қабул қилинган.

Абдреим Султонов 1930 йилнинг 15 августида Қорақалпоғистоннинг Чимбой шаҳрида дунёга келди. 1937 йилдан умумтаълим мактабида ўқиди, музика тўғарагида гармон, мандолина ва скрипка чалишни ўрганди.

1941 йилда Чимбой туман театридаги чолғу ансамблида созанда бўлиб ишга кирди. 1944-1949 йилларда Нукус давлат педагогика билим юртининг сиртки бўлимида ўқиди. 1949 йилда Тошкент давлат консерваториясида профессор Б.М.Рейсон синфида скрипкадан, 1950 йилдан бошлаб композиторлик факультетида аввал профессор Б.Б.Надежиндан, кейин Б.Гиенкодан сабоқ олди. 1955 йили консерваторияни муваффақиятли битирди.

1955 йилдан А.Султонов Станиславский номидаги музикали драма ва комедия театрининг симфоник оркестрига бош дирижёр этиб тайинланди. 1957-1963 йиллари Бердах номидаги филармония қошидаги халқ чолғулари оркестри бадий раҳбари ва бош дирижёри лавозимида, 1963-1965 йилларда Нукус давлат музика ва хореография билим юртида ўқитувчи ва мудир вазифасида, 1965-1968 йилларда филармониянинг ашула ва рақс ансамблига бадий раҳбар, 1968-1972 йилларда Станиславский номидаги музикали театрнинг симфоник оркестри бош дирижёри, 1972-1977 йилларда телерадио қошидаги халқ чолғулари оркестри бадий раҳбари ва бош дирижёри лавозимида ишлади. 1977-1982 йилларда Нукус шаҳридаги болалар музика мактаби директори ва 1982 йилдан умрининг охиригача Ж.Шомуратов номидаги санъат билим юртида ўқитувчилик қилди.

А.Султонов композитор Ф.Назаров билан ҳамкорликда «Равшан» (1956 й., Ж.Оймирзаев пьесаси) музикали комедиясини, О.Ҳалимов билан «Бахыт» (1957) ва «Қырлы сокпақлар» (1961 й., С.Хожаниёзов, Сейтаниязов ва Калибетовлар пьесалари), Х.Турдиқулов билан «Арулар» (С.Хожаниёзов пьесаси) музикали драма ва комедияларини, Б.Ф.Гиенко билан ҳамкорликда халқ чолғулари оркестри учун машҳур «Қорақалпоқча сюита» ни яратди.

А.Султонов 1968 йили «Актрисанинг иқболи» (И.Юсупов пьесаси) музикали драмасини, халқ чолғулари оркестри учун «Қозоқча рапсодия», «Орамал рақс», «Ҳарманыз рақс», «Сюита № 1», «Қорақалпоқча хор-рақс» сюитаси, «Сюита № 2», «Сюита №3», «Алтын каллы жаслар косыги» вальси, «Баллада», «Хоразмча сюита», ғижжак ва оркестр учун «Сюита», «Қорақалпоқ ёшлар сюитаси», турли халқ чолғу ансамбли, фортепиано, халқ чолғулари оркестри ва симфоник оркестр жўрлигида классик ва замондош шоирларнинг

шеърларига уч юздан ортик кўшиқ ва романслар яратди.

Унинг ижодида кўшиқ жанри устувор туради. Мисол сифатида айрим кўшиқ ва романсларнинг номларини айтиб ўтамиз: «Боғман қиз», «Белорус дўстлар», «Гулзархон», «Дугоналарим», «Ўзбекистоним», «Қизлар», «Туркменистон гўзали», «Селькеш қызга» (Ж.Аймурзаев сўзи), «Амангул», «Гулжон», «Жаслык салты» (Т.Сайтжонов сўзи), «Саудигим», «Амудан солында достлык», «Бир жанан», «Келдим», «Болмаганша», «Бир пари», «Барсанба», «Садага», «Кече келмеди», «Бар сен бе», «Бери кел», «Шыкты жан», «Керак», «Дильдарим», «Бибигул», «Гул» (Ажиниёз сўзи), «Муҳаббатым салам», «Ўзбек қизи Лолахон», «Алтын дарьялык тынг», «Эмулы атлаган жолларынг сенинг», «Қыздынг кеули кызыл гул» (И.Юсупов сўзи) ва бошқалар.

Абдрейм Султонов ёрқин ижоди дирижёрлик, педагоглик, раҳбарлик ва жамоатчилик фаолияти билан она Ватанининг муסיқа маданияти ривожига катта ҳисса қўшди. 1957 йили «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1969 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонларига, 1974 йили Бердах номидаги Давлат мукофотиға мушарраф бўлди.

АЛИЯ ТАХТАГАНОВА (1950)



Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг кўп миллатли аъзолари сафига композитор Алия Тахтаганова 1985 йили қабул қилинган. Ўтган йиллар давомида у муסיқанинг турли жанр ва шаклларида, ҳар хил мавзуларда муסיқа басталаб, айниқса, хонанда, хор жамоалари, вокал-чолғу ансамбллар учун яратган ранг-баранг ва жозибали кўшиқлари билан танилди.

Тахтаганова Алия Асановна 1950 йилнинг 3 апрелида Наманган шаҳрида дунёга келди. Алия Наманган вилоят муסיқа билим юртини фортепиано ихтисослиги бўйича тугатиб, 1969-1972 йилларда Учқўрғон тумани ва Наманган шаҳар болалар муסיқа мактабларида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1972 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик тайёрлов бўлимига, сўнгра консерваториянинг асосий курсида профессор Ф.М.Янов-Яновский синфида сабоқ олди. 1980 йили консерваторияни битириб Самарқанд

давлат санъат билим юртида 1983 йилга қадар ўқитувчи бўлиб ишлади ва ижод қилди. 1983-1989 йилларда ўқувчилар саройида болалар вокал-чолғу ансамблига раҳбарлик қилди. 1989-2004 йилларда Тошкент авиасозлар маданият саройи қошидаги татар маданият маркази қошида ашула ва рақс ансамблини тузди ва унга раҳбарлик қилди.

А.Тахтаганова ўтган йиллар давомида куйидаги муסיқа асарларини яратди: хонанда, болалар ва аёллар хор жамоалари ва симфоник оркестр учун «Ёзги кантата», 1982 й. камер оркестр учун «Двойная fuga», фортепиано учун 3 та прелюдия, 3 та пьеса: (1980 й.), «Прогулка», «Размышление», «А ну-ка, догони!» 1982 й., 1984 й. торли кватрет, 1981-1984 йилларда акапелла хори учун С.Есенин шеърларига «Сыплет черёмуха снегом», «Слышишь мчатся сани» ва «Глупое сердце, не бойся», шоир А.Блок шеърларига «В сумраке снежном» беш қисмли туркум: «Утихает светлый ветер», «Ветер принес из далека», «В сумраке снежном», «У камина» ва «Балаган», 3 та тожик халқ кўшиқларини хор учун мослаштирган: «Дар дилам», «Лола» ва «Мо сар ниҳодем», 3 та рус халқ кўшиқларини қайта ишлаган: «Вечерний звон», «Позарастали стежки-дорожки» ва «Ах ты, ноченька», шоира О.Ҳожиева сўзи, Р.Фарҳодий таржимаси «Край родной — Узбекистан» ва шоир Н.Нарзуллаев сўзи «Ўзбекистоним» хор акапелла кўшиқлари.

А.Тахтаганова ижодида кўшиқ жанри етакчилик қилади. У ўтган йиллар давомида катталар, ўсмирлар ва айниқса, турли ёшдаги болалар учун 100 дан ортиқ замондош шоирларнинг сўзларига кўшиқлар яратди. Айниқса, унинг «Дождик» (Б.Заходер сўзи), «Тойчоқ» (Қ.Ҳикмат сўзи), «Қуён» (И.Муслим сўзи), «Баҳор», «Сухбат», «Эркатоё» (О.Ҳожиева сўзи), «Булбулча» хор жамоаси ижросида: «Мир», «Наша песенка» (Р.Фарҳодий сўзи), «Песенка о Ташкенте» (Л.Юсупова сўзи), «Саида» (Б.Исроилов сўзи), кўшиқлари «Пахтаёй», «Гунча», «Камалак», «Аланга» вокал-чолғу ансамбллари ижросида машҳур бўлиб кетган. Булардан ташқари у «Голуби—любовь моя» кинофильмига, болалар спектаклларига муסיқа басталади.

МИРСОДИҚ ТОЖИЕВ (1944-1996)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Тожиев Мирсодиқ Маҳмудович XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У ўз мусиқий овози билан 1970-йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига кириб келди. Давр ва замонавий профессионал ўзбек мусиқа санъати олдидаги юксак ижодий мақсадларини чуқур англаган ҳолда ранг-баранг симфоник асарлар яратиб, тез орада эл-юртга танилди. Миллий симфонияни юзага чиқариш жараёни ривожланиб бораётган бир даврда М.Тожиев яратган симфониялар унинг катта тарихий ютуғи бўлиб, бу билан ўзбек симфонизмининг ривожланиш уфқларини янада ёритиб берди.

Тожиев Мирсодиқ Маҳмудович 1944 йилнинг 25 мартида Тошкентда туғилди. Мирсодиқ болалигидан мусиқага қизиқди. 1960 йилда ўрта мактабни битириб, Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кириб А.Малахов ва Р.Вильдановдан композиторлик мутахассислигидан сабоқ олди. 1965 йили уч қисмли торли кватрет, фортепиано учун вариация, фортепиано ва симфоник оркестр учун диплом ишлари билан ўқишни битириб, Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга киради. Мазкур олий даргоҳда композиторлик мутахассислигидан аввал Р.Вильданов, 1969 йилдан эса Ф.Янов-Яновский синфида ўқиди. Мирсодиқ 1969 йилда ёш композиторларнинг танловида қатнашди ва «Шоир муҳаббати» симфоник поэмаси учун Дипломга сазовор бўлди.

1970 йили М.Тожиев Давлат имтиҳон комиссиясига Ҳ.Олимжоннинг «Ойгул ва Бахтиёр» достони асосида 2-симфония балетини диплом иши сифатида тақдим этди. У мусиқа билим юртида ва консерваторияда ўқиб юрган 1962-1967 йиллари болалар мусиқа мактабида, 1964-1970 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида мусиқий назарий фанлардан дарс берди. 1971 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, 1972-1974 йилларда консерваториянинг мусиқа назарияси кафедрасида дарс берди. 1973-1979 йилларда у М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг «Гўзал», «Шодлик» ансамблларида созанда, кейинчалик филармония бадий раҳбари лавозимларида ишлади. 1979 йилдан умрининг охиригача

консерваториянинг бастакорлик кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади, 1982-1985 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳайъати котиби, 1985-1987 йилларда биринчи котиб вазифаларида ишлади.

М.Тожиев талабалик даврида яратган биринчи симфониясидан тортиб то охириги 19- симфониясига қадар босиб ўтган ижодий йўли камолотга эришиш йўли, деса ҳам бўлади. Чунки мусиқа санъатининг бошқа жанрларида асарлар ёзишига қарамай, миллий симфониялар яратиш М.Тожиевнинг ижодий фаолиятида бош вазифа бўлиб қолди. Унинг 19 та симфонияси мазмуни ва талқини бўйича хилма-хилдир. Унда муаллифнинг шахсий дунёқараши билан муштарак умуминсоний туйғуларгача ўз ифодасини топган. Симфонияларнинг айримларига сарлавҳа орқали, қисқача дастур ёки мавзу номи берилган. Масалан: 2-симфония - балет «Ойгул ва Бахтиёр» (1970 й.); 4-симфония «Отам хотираси» деб аталади (1975 й.). Симфонияда уруш фожияси, даҳшатли синовлардан ғолибона ўтган халқларнинг жасорати акс этган. 5-симфония машҳур дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаровга бағишланган (1976 й.); 1991 ва 1992 йилларда 15,16,17-чи «Сомон йўли» номли симфония-трилогия; 1-«Архипелаг Гулаг», 2-«Руҳлар нидоси», 3-«Сомон йўли» деб аталади. 1995 йилда охириги 19- «Қаҳрамонлик» симфонияси, Ватанимиз истиқлолига бағишланган. Симфониялардан: №7, 8, 12 ва 18 (1978, 1983, 1993 йиллар) камер симфоник оркестр учун ёзилган.

М.Тожиев йиллар давомида камер-чолғу мусиқа басталашда ҳам самарали ижод қилди: иккита прелюдия, сонатина, сюита, виолончель ва фортепиано учун «Элегия», флейта ва фортепиано учун «Кўшиқ», труба ва фортепиано учун сонатина, торли кваттет, «Фортепиано триоси» ва бошқалар. Унинг қалами остидан қўйидаги асарлар ҳам чиқди: 1974 йил «Гўзал» ансамблига «Шодиёна» увертюраси, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун учта увертюра, ХЧО ва фортепиано учун Концертино (1976й.), 1979-1991 йилларда чанг учун 10 та Шарқона рапсодия, акапелла хори учун «Ёр-ёра» (С.Каримов сўзи, 1974 й.), «Биз Ўзбекистондан» (Ғ.Ғулом сўзи, 1974 й.) вокал-хореографик сюитаси, 1977 йил «Ўзбекистон» (Б.Бойқобилов сўзи), яккахон, хор ва симфоник оркестр учун қасида, хор ва симфоник оркестр учун: «Дўстлик» (1981 й.), «Пахтакор» (1982 й.), романслар: «Айрилиқ шомида» (Уйғун сўзи), Уйғун сўзларига иккита туркум кўшиқлар, «Бакенщик» (реж.Ф.Хўжаев) ва «Қариб қуйилмаган» (реж.М.Абзалов) кинофильмларига мусиқаси,

республика болалар театри учун «Маугли» спектаклига мусиқа басталади. 1978 йили Муқимий номидаги мусиқали театрда «Чоллар ва кампирлар» (Ҳ.Шарипов пьесаси), буюртма асосида 1975 йили Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига атаб Регистон майдони учун «Кўҳна Самарқанднинг юраги» нурли-товушли панорамани (режиссёр О.Узоқов) ёзди.

М.Тожиевнинг 3-симфонияси 1973 йил Олма-ота шаҳрида ўтган Осиё мамлакатлари халқаро мусиқа минбари анжуманида, Москва, Санкт-Петербург ва Болгарияда ижро этилди ва 1974 йил Республика Ёшлар мукофотига сазовор бўлди. 4-симфонияси Москва, Чехословакияда ижро этилган, Бутуниттифоқ ёшлар ташкилоти мукофотига сазовор бўлган. 5-симфонияси Югославияда, 8-симфонияси Австрияда, Москвада ижро этилган.

Ўзбекистоннинг замонавий профессионал мусиқа санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун 1981 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ

(1913-1994)



Ўзбекистон халқ артисти, созанда-ғижжакчи, устоз, жамоат арбоби, бастакор Ғанижон Тошматов XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. Бу ажойиб инсон ўзбек ва уйғур халқларининг муסיқий меросини, ижрочилик ва бастакорлик санъат анъаналарини давом эттириб, эл-юрт ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Ғанижон Тошматов Андижон вилояти Асака туманида 1913 йилнинг 22-июнида таваллуд топди. Болалигидан мусиқага қизиқди, отасидан ва акаларидан соз чалишни, 1930-1932 йилларда Андижондаги машҳур санъаткор Собиржон Сиддиқовдан ғижжак чалишни ўрганди. 1932 йилда Ғанижон устозининг маслаҳати ва тавсияси билан Й.Охунбобоев номидаги Андижон вилояти давлат мусиқали драма театрига ғижжакчи сифатида ишга кирди, машҳур созанда ва бастакор, ушбу театр муסיқий ансамблининг раҳбари Т.Жалилов ва бошқа санъаткорлар билан танишди.

Ғанижон Тошматов 1934 йили Фарғона вилояти мусиқали драма театрига таклиф қилинди. 1936-1939 йилларда ушбу театрнинг чолғу ансамблида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади.

1939 йили Тошкентда Муқимий номидаги республика мусиқали театри ташкил этилиши муносабати билан Ғанижон Тошматов ушбу жамоага таклиф этилди ва 1946 йилга қадар мазкур театрда ишлаб яхши тажриба ортирди.

1946-1953 йилларда у Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари ансамблига раҳбар этиб тайинланди. 1953-1957 йилларда Ўзбек давлат филармонияси ва Ўзбек давлат эстрадаси концерт жамоаларида созандалик қилди. 1952-1954 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида ўқиди.

1957 йили Ўзбекистон радиоси қошида ўзбек халқ чолғулари оркестри ташкил этилиши муносабати билан Ғанижон Тошматов концертмейстерлик лавозимига таклиф қилинди ва созанда сифатида 1967 йилга қадар ишлаб келди.

1967 йилда Ғанижон Тошматов Ўзбекистон радиоси қошида Уйғур мусиқаси, 1978 йили Ўзбек этнографик ансамблини ташкил этиб уларга бошчилик қилди. Бир йил ўтгач яна шу ерда Дуторчи қизлар ансамблини ташкил қилди ва унга раҳбар бўлди. Ҳозирда Ғанижон Тошматов номи билан аталувчи Дуторчилар ансамбли республикамиздаги машҳур мусиқий жамоалардан биридир. 1987-1988 йилларда Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамблининг бадиий раҳбари бўлиб ишлади.

Ғанижон Тошматовнинг созандалик ва бастакорлик соҳаларида ўзбек миллий санъатига қўшган ҳиссаси ниҳоятда каттадир. У халқимизга энг аввало моҳир созанда сифатида танилди. Унинг ижросида янграган «Ушшоқ», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Насри Сегоҳ», «Уфори Насри Сегоҳ», «Чапандози Баёт», «Фарғона Бузруги», «Сурнай Бузруги», «Наврўзи Ажам» каби мақом чолғу йўллари билан бирга «Яланг Дарон», «Нисор», «Тонг отгунча», «Кўнгилсан», «Ёрим келур», «Тановар»нинг бир неча турлари ва ўзи басталаган «Гулжамол», «Кезарман» ва бошқа куйларни юксак маҳорат билан чалгани мусиқа шинавандалари қалбини янада завқлантиради.

Ғанижон Тошматовнинг композиторлик фаолияти Фарғона вилоят мусиқали драма театрида устози Тўхтасин Жалиловнинг унинг маслаҳати билан «Лайли ва Мажнун» (1935 й.) ҳамда «Фарҳод ва Ширин» спектакллари саҳнага қўйилишида ва уларга ўз куйларини қўшишдан бошланди. Шунини айтиш жоизки, Ғанижон Тошматовнинг бастакорлик ижодида кўшиқ, ашула, яллалар устувор ўрин тутди. У мумтоз ва замондош шоирларнинг шеърларига асосланиб 400 дан ортиқ асарлар яратди. Унинг ашулаларидан

«Истадим», «Кезарман», «Эй бегим» (Навоий шеърлари), «Гулжамол», «Қора зулфинг» (З.Бобур шеърлари), «Хай-хай на санам» (Машраб шеъри), «Қоши қароси» (Халқ сўзи), «Менга номехрибон бўлди» (Хувайдо шеъри), «Соғиниб» (Ҳамза шеъри) кабилари мумтоз асарлар қаторига қўшилган. «Совға», «Гулшан диёрим», «Ҳазрати инсон», «Наврўз», «Машғал Тошкентим», «Алёр», «Қиз узатдик», «Гулшанимда», «Тоғ бошида рўмолим қолди», «Доира дум-дума», «Янги лазги», «Ёрга мактуб», «Огоҳ ўзинг», «Янгича ёр-ёр», «Пахтазорда кўрдим», «Соҳибжамол», «Кел, ёрим», «На гўзалсан», «Лапарчи қиз кўшиғи», «Кўнглим сендадир», «Сирдарё кизи», «Раққоса хиром айлар», «Чаман базмида», «Гуллар» каби кўшиқ ва ашулалари ҳам тингловчиларнинг қалбида жой олган.

Ғ.Тошматов Уйғур этнографик ансамблига раҳбарлик қилган йиллари бутун куч ва эътиборини ансамбльнинг ижро савиясини кўтаришга қаратди, ўн иккита уйғур мақомини тиклашда ва тасмага ёзиб олинишида бош-қош бўлди. Шу ансамбль учун «Уйғур кизлери», «Кўзларинг», «Саратонда хатлар ёзиб» ва бошқа ашула ва кўшиқларини, «Андижон санами» номли уч қисмли вокал-рақс сюитасини яратди.

Ўзбек халқ мусиқаси мероси хазинасидаги унутилаётган кўплаб терма кўшиқ, ялла, лапар ашулаларини тиклаб, дуторчилар ансамбли репертуарини бойитди.

Шунингдек, Ғ.Тошматов турли ансамбллар учун бир неча вокал-хореографик сюиталар, 1965 йили композитор Б.Зейдман билан ҳамкорликда Муқимий номидаги мусиқали театр учун «Қарикиз» (Т.Тўла пьесаси) мусиқали драмасини яратди.

Ажойиб инсон, атоқли санъаткор ва устоз Ғ.Тошматов 1930 йиллардан бошлаб Юсуфжон-қизик, Охунжон-қизик ва бошқа сўз санъати усталари, ҳофиз ва бастакор Жўраҳон Султонов билан биргаликда аския санъатини ривожлантириш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Унинг бир неча ҳажвиялари адабий тўпламларда ва журналларда чоп этилган. Композиторнинг мусиқий асарлари ва аския намуналари Ўзбекистон радиоси томонидан тасмаларга ёзиб олинган. Уларни ижро жамоалари билан бирга Франция, Бельгия, Ҳиндистон, Индонезия, Руминия, Болгария, Туркия, Греция, Миср ва бошқа мамлакатларда намоиш қилган.

1965 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1973 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

ТЎЛҚИН ТОШМАТОВ (1934-2007)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда, композитор Тўлқин Тошматов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1973 йили қабул қилинган.

Тўлқин Тошматов 1934 йилнинг 30 декабрида Тошкентда дунёга келди. 1949 йил Р.Глиэр номидаги махсус муסיқа мактаб-интернатида ўқиди. Мазкур мактабда ғижжак бўйича таҳсил олди. 1955 йили Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғу асбоблари факультетининг ғижжак синфида Я.Сабзановдан таҳсил олди ва 1960 йили ўқишни битирди.

Консерваторияда ўқиб юрган пайтларида муסיқа басталашга ҳам қизиқди ва 1961 йили композиторлик факультетининг профессори Б.И.Зейдман синфида таҳсил кўрди. Биринчи симфониясини диплом иши сифатида тақдим этиб, консерваторияни 1966 йили иккинчи маротаба битирди.

Т.Тошматов меҳнат фаолиятини талабалик давридан бошлади. У 1957-1958 йилларда «Баҳор» рақс ансамблида, 1958-1978 йилларда Ўзтелерадиоси ўзбек халқ чолғулари оркестрида ғижжакчи, 1976-1982 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг халқ чолғулари кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифаларида, 1982-1983 йилларда Ўзбекистон радиоси муסיқа таҳририятининг бошлиғи, 1983-1997 йилларда Тошкент маданият институтида катта ўқитувчи, доцент лавозимида, 1997-2007 йилларда Р.Глиэр номидаги махсус муסיқа мактаб-интернатида ўқитувчи бўлиб ишлади.

Т.Тошматов турли жанр ва шаклларда ранг-баранг асарлар яратди. Улар қаторида: иккита симфония, симфоник увертюра, З.Обидов сўзларига 4 қисмли вокал-симфоник туркум, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун: «Байрамона увертюра», «Ассалом, Ўзбекистон», бастакор Ф.Содиқов билан ҳамкорликда «Янги Тошкент» (М.Қориев сўзи) кантаталари; бастакор Н.Ҳасанов билан «Самарқанд» сюитаси, кўшнай ва оркестр учун сюита; оркестр учун «Дилдан куйла, ўйна, қувна» сюитаси, рубоб ва оркестр учун сюита; «Кўшиқ ва рақс»; най ва оркестр учун икки қисмли «Най яллasi»; чанг ва оркестр учун «Рондо»; оркестр учун «Шоҳимардон марши»;

«Олтин диёр» увертюраси. Камер чолғу асарлар: торли кватрет, чанг ва фортепиано учун «Пьеса»; фортепиано учун «Лирик куй», 4 та прелюдия; 10 та вариация, болалар учун «Пьеса», «Ўйна, дилбар» пьесасини тилга олишимиз мумкин.

Композиторнинг ижодида кўшиқ жанри муҳим ўрин тутди. У замондош шоирларнинг сўзларига 200 дан ортиқ кўшиқ басталади, кўп хонандалар репертуарини бойитди. Унинг яратган кўшиқларидан намуналар: «Тўй яллasi», «Тошкент денгизида», «Она Ватанга», «Зарчаноқ» (Б.Исроилов сўзи); «Осмон тўла юлдузлар», «Геологлар кўшиғи», «Ишон», «Гуллар сочай йўлингга», «Бахшида бўлсин» (З.Обидов сўзи); «Ёшлигим» (Х.Яхёев сўзи); «Чегарачилар кўшиғи», «Аҳдим муқаррар» (М.Қориев сўзи), «Тошкентим» (Т.Тўла сўзи); «Қуёш ўлкаси», «Пахтакорман», «Солдатлар кўшиғи» (А.Дулат сўзи); «Муҳаббатим — қуёшим», «Чаман айлаб кел» (Н.Нарзуллаев сўзи); «Севги», «Йўқ, халоват истамайман», «На қилсин» (Э.Воҳидов сўзи); «Гул сўраб», «Биз дўстлармиз» (У.Рашид сўзи); «Чўпон кўшиғи» (С.Акбарий сўзи); «Метрочи қизлар», «Сирдарё офтоби», «Илҳомим», «Ёр совғаси», «Билим юртимиз» (Х.Якубов сўзи); болалар учун ҳам бир талай кўшиқлар яратди.

Т.Тошматов йиллар давомида машҳур бастакорлар — Ф.Содиқов, К.Жабборов, Ғ.Тошматов, С.Калонов, Н.Ҳасановлар билан ҳамкорликда ўзбек халқ чолғулари оркестрига асарлар чолғулаштирди.

Т.Тошматов қуйидаги сахна асарларига мусиқа басталади: Ф.Содиқов билан ҳамкорликда 1967 йили «Инбузарлар» (Низомиддинов пьесаси) мусиқали драмаси, ёш томошабинларга атаб 1980 йилда «Ур тўқмоқ» (Н.Рўзимуҳаммедов пьесаси) мусиқали драмаси композиторга шуҳрат келтирди. Мазкур асар аввал Муқимий номидаги мусиқали театрда, кейинчалик вилоят театрларида ҳам сахна юзини кўрди. 1987 йили «Музаффар қуёш фарзанди» ва 1988 йили «Ғойибдан пайдо бўлган шаҳар» (Н.Рўзимуҳаммедов асари) спектаклларида мусиқа басталади.

Тўлқин Тошматов 1972 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланди.

РАҲМАТЖОН ТУРСУНОВ (1939-2014)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, педагогика фанлари номзоди, профессор, бастакор Раҳматжон Турсунов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1984 йили қабул қилинган. У устозларнинг ишларини давом эттириб, ўзбек кўшиқчилиқ санъатига баракали ҳисса қўшди.

Раҳматжон Турсунов Қашқадарё вилояти Қарши туманида 1939 йилнинг 5 мартида туғилди. Раҳматжон мактабда ўқиб юрган пайтларида бадий ҳаваскорлик тўғрагига қатнашди. 1956-1960 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг хор дирижёрлиги бўлимида, 1960-1968 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг хор-дирижёрлиги факультетида таҳсил олди.

Р.Турсунов 1968-1970 йилларда Қарши давлат педагогика институтининг мусиқа кафедрасида, 1970-1974 йилларда Тошкент давлат маданият техникумида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1974- йилда Тошкент давлат маданият институтининг хор-дирижёрлиги кафедраси ўқитувчиси, 1976-1982 йилларда катта ўқитувчи, сўнгра доцент вазифаларида ишлади. 1981 йили «Ўзбекистонда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг фаолияти», 1982 йили «Ашула ва рақс ансамблларининг ташкилий тузилиши ва ўқитиш методикаси», «Бадий ҳаваскор жамоа аъзоларини эстетик тарбиялаш услуби» масалаларига бағишланган рисола, журналларда мақолалари чоп этилди. Р.Турсунов «Ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамблларининг ривожланиши ва педагогик шарт-шароитлари» мавзуида диссертация ёзиб, 1987 йили уни ёқлади ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. У 1987-1994 йилларда М.Қодирий номидаги Тошкент маданият институтининг Халқ мусиқаси кафедраси мудири, доцент, 1994-2013 йилларда профессор лавозимларида фаолият юритди.

Р.Турсунов 1978-1985 йилларда профессор Б.Ф.Гиенко синфида композиция амалиётидан маслаҳатлар олиб, ижод билан ҳам шуғулланди. Шу йиллари унинг қалами остидан қуйидаги мусиқий асарлар бунёдга келди: «Чўлдан келган саболар» (М.Али сўзи), хор ва фортепиано учун вокал-хор “Сюита”си, а капелла хори учун «Чўл

гуллари» (Г.Жўраева сўзи) жўрсиз хор кўшиғи; най учун «Ёдим сенда» пьесаси, «Чанг таронаси» куйи, жўр овоз учун «Механизаторлар» (Н.Нарзуллаев сўзи) дуэти, ашулачилар ансамбли учун «Пахта менинг бахтимдир», «Олқиш айтар замона» (М.Али сўзи) кўшиқлари ва бошқалар.

Р.Турсунов ижодида кўшиқчилик устувор туради. У турли мавзуларда классик ва замонавий шоирларнинг шеърларига 100 дан ортиқ кўшиқ, ашула, яллалар яратди. Унинг «Булбул» (А.Орипов шеъри), «Ғамзасин севдинг кўнгил» (Фузулий ғазали), «Мубтало қилурсан» (Лутфий ғазали), «Мадҳингни куйлай» (Т.Тўла шеъри), «Қалбимда ўзинг борсан», «Ёр васли», «Ҳаёт кўшиғи», «Интизор дил» (Н.Нарзуллаев шеърлари), «Муҳаббатдан», «Баҳор кўшиғи», «Насиб этсин сенга», (Ж.Жабборов шеърлари), «Азим дарё» (З.Обидов шеъри), «Бу кун», «Аён бўлгай», «Кўнгил», «Этгам», (А.Орипов шеърлари), «Онамга хат», (М.Бобоев шеъри), «Висолинг бўлмаса» (Атоий ғазали), «Ўртади» (Навоий ғазали), «Ошкор бўлурсан» лирик кўшиқ ва ашулалари; «Сен қувончим» (Уйғун шеъри), «Бокмади» (Р.Абдурашид шеъри), «Сархушман» (А.Қосимов шеъри) романслари таниқли хонанда ва хофизлар репертуаридан муносиб ўрин олди.

Мустақиллик йилларида «Соҳибқирон Темур», «Ўзбекистон» (А.Орипов шеърлари), «Олқиш этар замона» (М.Али шеъри), «Ватан мадҳи» (А.Суюн шеъри), «Нур бўлиб дунёга келгансан» (Э.Воҳидов шеъри), «Баҳор жилоси» (Ж.Жабборов шеъри), «Ўзбекистон — она диёр» (М.Али шеъри), «Ватаним — тинчлик боғи» (Қ.Ўтаев шеъри), «Ўзбекистоннинг сулув қизлари» (М.Юсуф шеъри) каби қатор кўшиқ ва ашулаларни яратди.

Раҳматжон Турсунов 2001 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланган.

ЗУМРАД ТҶЙЧИЕВА **(1944)**



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, композитор Зумрад Тўйчиева Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1979 йили қабул қилинган. У симфоник, вокал-симфоник, камер-чолғу асарлари, кўшиқ-романслари ҳамда ўқитувчилик фаолияти билан республикамиз мусиқа

санъатининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

3.Тўйчиева 1944 йилнинг 10 январида Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Р.Глиэр номидаги махсус муסיқа мактаб-интернатида Б.Мирзааҳмедов синфида қашқар рубоби чалиш сирларини ўрганди, композиторлик амалиётидан дарс олди. 1961-1966 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида профессор Б.Зейдман синфида таҳсил олди. Диплом иши сифатида Э.Воҳидов шеърига ёзилган хор, яккахон ва симфоник оркестр учун «Нидо» вокал-симфоник туркумини тақдим этди. Ассистент-стажёрликда касб малакасини оширди.

3.Тўйчиева 1966-1970 йилларда Республика халқ ижодий уйида услубчи, 1970-1974 йилларда консерваториянинг муסיқа назарияси кафедрасида ўқитувчи, 1974-2000 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида муסיқий-тарихий ва назарий фанлар кафедраси мудири, доцент лавозимларида ишлади. 2000 йилдан Р.Глиэр номидаги махсус муסיқа мактаб-интернатида ўқитувчи, бўлим мудири лавозимларида фаолият олиб бормоқда.

3.Тўйчиева ўтган йиллар давомида муסיқанинг турли жанр ва шаклларида миллий руҳ билан суғорилган катта ҳажмли мураккаб асарлар яратди. Симфоник оркестр учун «Байрам увертюра»си, Ҳ.Шарипов сўзига «Табаррук тупроққа қасида» вокал-симфоник поэмаси, (1964й.), «1- Симфония», (1969й.) яккахон, хор ва симфоник оркестр учун Зулфия шеърлари асосида «Хотин-қизларга қасида» вокал-симфоник туркуми (1986 йили ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ҳам ишланган), 1970 йили 6 қисмли симфоник сюиталар шулар жумласидандир. У куйидаги камер чолғу муסיқа асарларини яратди: скрипка ва фортепиано учун «Ария вариациялари билан», 1965 й. торли кваттет учун учта пьеса (1972-1978 йй.), фортепиано учун «Сонатина» (1963й.), «6 та прелюдия»; 4 та пьеса. Бу асарлар 1980 йили «Болалар учун фортепиано альбоми»да нашр этилган. Композитор замондош шоирларнинг сўзларига куйидаги романс ва кўшиқларни яратди: «Эслайсанми» (Т.Тўла сўзи), «Сайёралар кутганда» (Ҳ.Шарипов сўзи), «Не балога этдинг мубтало» (Зулфия сўзи), ўзбек халқ чолғу оркестри ва хонанда учун «Аёл мадҳияси» (Зулфия сўзи), жўрсиз хор (акапелла) учун «Алла» кўшиғи, болалар учун «Капалак» (М.Туропова сўзи), «Навбахор куйчиси» (Ё.Мирзо сўзи), «Ёз келди» (А.Орипов сўзи) кўшиқлари, фортепиано учун 10 та пьеса ва иккита fuga тўпламда нашр этилган.

3.Тўйчиева кўп йиллик педагоглик малакасининг маҳсули

сифатида ўзбек композиторлари асарлари асосида 1989 йили «Полифониядан таҳлилий машқ ва масалалар» ўқув қўлланмасини, 1996 йили «Полифоник сольфеджио» дарслигини чоп этди.

Зумрад Тўйчиева 2014 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан тақдирланди.

ФАЙЗУЛЛА ТЎРАЕВ (1940)



Таниқли санъатшунос олим, профессор Файзулла Жўраевич Тўраев 1940 йилнинг 18 майида Бухоро вилоятида таваллуд топди. 1958-1963 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари бўлимида таҳсил олди. 1963-2014 йилларда Бухоро давлат университетининг “Муסיқа” кафедрасида ёш авлодга таълим берибди. 1989 йилдан педагогика фанлари номзоди.

Ф.Тўраевнинг илмий ишлари санъатшунослик ва муסיқа таълими муаммоларига бағишланган. У Бухоро муסיқа фольклори ва Бухоро Шашмақоми тарихи тадқиқотига бағишланган 3 та монография, 2 та илмий рисола ва 170 га яқин илмий, илмий-публицистик, илмий-тарихий ва педагогик мақолалар муаллифидир. Жумладан, олимнинг 2005 йилда “Мақом асослари”, 2009 йилда “Ўзбек чолғу асбоблари учун миллий куйлар” (С.Дўстров ва О.Файзиев билан ҳамкорликда) ўқув қўлланмалари, 1996 йилда “Санъаткор хонандаси”, 2008 йилда “Бухоро муғаннийлари”, 2005 йилда О.Сафаров ва О.Атоев билан ҳамкорликда ёзган “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари” монографиялари нашр юзини кўрди.

Илмий изланишлар билан бирга Файзулла Тўраев бастакорлик билан ҳам шуғулланиб бир қатор сара куй ва қўшиқлар яратди. Халқ чолғулари ансамбли учун “Гулдаста”, кашқар рубоби учун “Насими субҳ” куйлари, “Гулга ошиқ” (М.Халил сўзи), “Онажон” (М.Дадабоев сўзи) ашулалари, болалар учун “Баҳор” (Д.Каримова), “Қор” (халқ сўзи), “Баҳоржон” (С.Барноев сўзи), “Баҳор келди” (Н.Комилов сўзи), “Боғча яллasi” (О.Сафаров сўзи) каби қўшиқлари жамоатчилик томонидан эътироф этилган.

БОТИР УМИДЖОНОВ

(1933-2004)



Ўзбекистон халқ артисти, моҳир хор дирижёри ва композитор Ботир Умиджонов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1982 йили қабул қилинган. Унинг дирижёрлик фаолияти республикада кўп овозли хор санъатини ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. 1960 йилда Ўзбекистон радиоси ҳузурида у ташкил этган хор жамоаси маданий ҳаётимизда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Ўзбек ва бошқа халқлар анъанавий кўшиқ, лапар, ашулаларини кўп овозли хор учун мослаштириб, композиторларнинг оригинал хор асарларини моҳирона ижро этиб, бу жанр ривожини ва тарғиботига катта ҳисса қўшди.

Умиджонов Ботир Ҳошимович Душанбе шаҳрида 1933 йилнинг 31 январидида таваллуд топди. Унинг оиласи 1939 йили Тошкентга кўчиб келади. Ботир 1941-1948 йилларда болалар меҳрибонлик уйида тарбияланади, хор ва драма тўғаракларига қатнашади. 1952 йилдан Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг хор-дирижёрлиги бўлимига ўқишга киради ва Ўзбек давлат филармониясининг акапелла хорига ишга жойлашади. 1955-1960 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факультетида Е.А.Гудкова синфида таълим олди. 1960 йилда республика радиоси ҳузурида хор жамоасини тузади ва 1993 йилга қадар бу жамоанинг бадий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлайди.

Ботир Умиджонов композиторлик мутахассислигидан дипломга эга бўлмаса ҳам унинг амалий тажрибаси йилдан йилга ўсиб, мусиқанинг турли жанр ва шаклларида ижод қилиб, миллий оҳанглар негизидида мусиқий асарлар яратди. Унинг ижодида хор учун ёзилган асарлар устувор аҳамиятга эга. Композиторнинг қалами остидан куйидаги оригинал акапелла хор асарлари бунёдга келди: «Эй санам» (Ҳамза сўзи), «Гўзал» (М.Туробов сўзи), «Жангчи қабрида» (Маҳбуба Раҳим қизи сўзи), «Олтин водий» (Ҳ.Шарипов сўзи), «Тарихий имзо» (Б.Исроилов сўзи), «Рубоий» (У.Хайём сўзи), «Рубоий» (Навоий сўзи), «Рубоий» (Ҳ.Дехлавий сўзи), Акапелла (жўрсиз) хор сюиталари: тожик халқ кўшиқлари асосида «Дилбаруме» номли сюитаси, тўрт қисмли «Бахт нури» (О.Ҳайдаров, М.Ашурбоев, У.Мирзаев ва Ж.Умаровлар сўзлари) сюитаси,

Д.Зокиров билан ҳамкорликда «Асрим садоси» (Ойбек сўзи) кантатаси, татар халқ кўшиқлари асосида «Яшлар уйюни» сюитаси, «Ўйнанг, дилдоралар» (Ҳ.Мухаммад сўзи), «Табрикнома» (Ойбек сўзи), «Байрам ғазали» (Ҳ.Ғулом сўзи) каби ноёб хор асарлари, ўзбек халқ чолғулари оркестри жўрлигида хор поэмаси.

Композитор ўтган йиллар давомида кўп овозли хор учун мослаб турли халқ кўшиқларини қайта ишлаган: ўзбек халқ кўшиқларидан «Ёр нималар девдим сизга», «Олмача анорингга балли», «Қора соч», «Ўзганча», «Жон Андижон», «Илилла ёрим», «Хуршиди жаҳон келди», «Гал бери», «Бахт яллеси» (Н.Ҳасанов мусикаси, А.Пўлат сўзи), «Сегоҳ» (Ш.Хуршид сўзи), «Чоргоҳ» (Фуркат сўзи), «Сараҳбори Наво» (Ҳофиз сўзи), «Зарафшонда тўй бугун» (Отаев сўзи); уйғур халқ кўшиқларидан: «Ўйнамду яхши», «Колхоз ёшлари»; қирғиз халқ кўшиқларидан: «Қобузчи», «Қизил гул», «Ой тобо»; қозоқ халқ кўшиғи «Япурай»; қорақалпоқ халқ кўшиқларидан: «Чинбай», «Мунгли қиз», «Дад алингнен»; тожик халқ кўшиқларидан: «Гар намедони бидон», «Дилиман»; озарбайжон халқ кўшиғи «Чал ойна» ва бошқалар профессионал ва ҳаваскор хор жамоаларининг репертуарида муносиб ўрин эгаллади.

Б.Умиджонов замондош ва классик шоирларнинг шеърларига кўплаб кўшиқ ва романслар яратди, масалан: «Дилрабо» (А.Исроилов сўзи), «Ёр ўзинг» (А.Пўлат сўзи), «Оромижон тун» (Т.Ражабий сўзи), «Билганмисиз» (Ў.Рашид сўзи), «Мени эслагин» (Х.Салоҳ сўзи), «Гул барги» (Х.Яҳё сўзи), «Бахория» (М.Бахти сўзи), «Ошиқ» (Жомий сўзи), «Сандадир кўзларим» (Ойбек сўзи), «Эшитдим» (Э.Самандаров сўзи), «Айрилиқ ўтида» (Қ.Мақсумов сўзи), «Жонон хиромон» (Аминзода сўзи), «Севги» (Ойбек сўзи), «Соч оқлиги — кўнгил оқлиги» (Миртемир сўзи), «Ҳажир» (Нодира сўзи), «Мо руи Самарқанд» (М.Бахти сўзи), «Олисдаги ёримга» (З.Обидов сўзи) ва бошқалар.

Шунингдек, Б.Умиджонов қуйидаги радио спектаклларга мусиқа басталади: «Одам бўлиш қийин», Ў.Умарбеков романи асосида «Жийда гуллаганда» ва «Афросиёб гўзали» (М.Қориев қиссаси ва романи асосида), «Ўтган кунлар» (А.Қодирий романи асосида). 1990-йилларда Ю.Ражабий номидаги Жиззах вилоят театри сахнасида «Зулмат ютган зиёкор» (Ў.Рашид пьесаси) ва Муқимий номидаги мусиқий театр сахнасида «Оқибат» (Р.Маъдиев пьесаси) мусиқали драмалари бунёдга келди. «Шиддат» (режиссёр У.Назаров) номли ўзбек бадиий фильмига мусиқа басталади.

Ботир Умиджонов композиторлик, дирижёрлик ва жамоатчилик фаолияти билан замонавий ўзбек мусиқа санъатининг ривожланишига катта ҳисса қўшгани учун «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирланган.

КАРОМАТДИН УТЕГЕНОВ (1924-1998)



Қорақалпоқ Автоном Республикаси замонавий мусиқа санъатининг намояндаларидан бири, мусиқашунос Кароматдин Утегенов турли мавзуларда ёзилган илмий ва оммабоп мақолалари, оғзаки маърузалари педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан республика маданий ҳаётида фаол қатнашди ва эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлди. Йиллар давомида чоп этилган ва нашр қилинмаган кўп илмий мақолалар, дарслик ва қўлланмалар ёзди. 1978 йили Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди.

Кароматдин Утегенов Нукус шаҳрида 1924 йилнинг 30 декабрида дунёга келди. 1939 йилдан Тўрткўл болалар мусиқа мактабининг фортепиано синфида ўқиди. 1946-1948 йилларда К.Станиславский номидаги мусиқа театрида хор артисти, 1948-1949 йилларда Нукус шаҳридаги 4-болалар боғчасида пианиночи бўлиб ишлади. 1949-1952 йилларда ҳарбий хизматни бажариб, 1952-1956 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси ва тарихи бўлимида ўқиди. 1956-1961 йилларда эса Тошкент давлат консерваториясининг мусиқа назарияси ва тарихи факультетида таҳсил олди. Бу икки ўқув даргоҳлар К.Утегеновнинг мусиқашунос бўлиб етишиб чиқишида муҳим роль ўйнади.

Мусиқашунос К.Утегенов Тошкентдаги иш фаолиятини ўқиш билан биргаликда бошлади. У 1957-1958 йилларда болалар мусиқа мактабида дарс берди. 1960-1961 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент санъатшунослик илмий тадқиқот институтида мусиқа бўлими лаборанти лавозимида ишлади. 1961 йили «Қорақалпоқ халқ қўшиқлари» мавзуидаги диплом иши билан консерваторияни битиргач, 1961-1963 йилларда Нукус давлат мусиқа ўқув юртида педагог ва илмий мудир, 1963-1965 йиллари К.Станиславский номидаги мусиқа театрида концертмейстер, 1966-1971 йилларда Нукус шаҳрининг 1-сон болалар мусиқа мактабида ўқитувчи ва 1961-1990

йилларда Ж.Шомуратов номидаги Нукус давлат мусиқа билим юртида ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди. 1984-1986 йилларда Қорақалпоқ Бастакорлар уюшмасининг масъул котиби лавозимида ишлади.

Мусиқашунос К.Утегенов педагогик фаолияти билан бирга умрининг охиригача илмий-назарий ишлар билан ҳам шуғулланиб келди. Унинг қаламидан қуйидаги китоб ва мақолалар бунёдга келди: 1966 йили ўрта таълим мактабларининг 5-8-синфлари ва 1968 йили 1-4-синфлари учун «Мусиқий китоб»ларни Давлатмуродова билан ҳамкорликда ёзди. Улар 1970 йили биринчи синфлар учун «Мусиқа алифбоси», 1973 йили синфлар учун «Ашула дарслиги»ни, 1-7-синфлар учун «Ашула айтиш» дастурини яратдилар. К.Утегенов Н.А.Римский-Корсаковнинг «Практический учебник гармонии» (1966), В.А.Вахромеевнинг «Элементар мусиқа назарияси» (1969), Б.Штейнпресс ва И.Ямпольскийларнинг «Краткий словарь любителя музыки», Евсеев, Соколов, Дубовскийларнинг «Гармония дарслиги» дарсликларини рус тилидан қорақалпоқ тилига таржима қилди. Йиллар давомида турли мавзуларда илмий, илмий-оммабоп мақолалари газета ва журналларда чоп этилди.

ВИКТОР УСПЕНСКИЙ (1879-1949)



Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти, санъатшунослик фанлари доктори, мусиқа этнографи, ўқитувчи ва истеъдодли композитор Виктор Александрович Успенский ўзининг кўп қиррали ижодий ва жамоатчилик фаолияти билан республикамиз мусиқа маданияти ривожига катта ҳисса қўшди. У турли жанрларда мусиқий асарлар яратиб, қатор ижодий муаммоларнинг ечимини топишда биринчилар қаторида меҳнат қилиб, XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди.

В.А.Успенский Россиянинг Калуга шаҳрида 1879 йилнинг 31 августида таваллуд топди. Виктор дунёга келганидан кўп ўтмай отаси хизмат юзасидан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига оиласи билан кўчиб ўтади. Кейинчалик В.Успенский шундай элаган: «Болалигимдан менинг қалбимга рус ва Ғарбий Оврупо классик композиторлари, ўзбек ва қирғиз халқ мусиқаси кириб келди. Маҳаллий аҳолининг

тўй-томошаларида ва сайилларда янграган мусиқа, айниқса, уларнинг ажойиб мураккаб усуллари мени мафтун қилар, уйимизда ҳам доим мусиқа жаранглар эди. Отам скрипкадан, онам фортепианодан сабоқ беришди. Менинг ижрочилик маҳоратим ўсиб борар эди. Гимназияни битирганимдан сўнг, ота-онам мени профессионал созанда бўлишимга қаршилик қилиб, мажбуран Оренбург ҳарбий кадет корпусига ўқишга бердилар. Бу ҳарбий мактабда интизом қатъий ва ўқиш жуда қийин бўлишига қарамай, мусиқага бўлган муҳаббатим сўнмади. Бўш вақтимда фортепианода машқ қилдим. Дамли ҳарбий оркестрда геликон чолғусида чалдим, кичик симфоник оркестрда эса контрабас ва арфа чалишга тўғри келди. 1898 йилда кадет корпусини тамомладим ва Александропольда жойлашган 45-Драгун Шимол полкида бўлим командири этиб тайинландим. Мазкур полкда хизматимни ўтган 1898-1908 йилларда мусиқа амалиёти ва назарияси билан астойдил шуғулландим, консерваторияга киришга тайёрландим. 1908 йил мен поручик, ўз хоҳишим билан ҳарбий хизматдан истеъфога чиқдим ва ўша йили синовлардан ўтиб, Санкт-Петербург консерваториясининг композиторлик факультетига кирдим. Машҳур композитор, дирижёр, профессор А.К.Лядов синфида композициядан ва бошқа мусиқа фанларидан сабоқ ола бошладим. Лекин сил касалига чалиниб, 1910 йилда ўқишни вақтинча тўхтатиб, Швейцариянинг Давос ва Германиянинг Лейпциг шаҳарларида даволанишга тўғри келди. Бир йил Лейпциг консерваториясида эркин тингловчи сифатида сабоқ олиб турдим. Даволаниб, ўз консерваториямга қайтиб ўқишимни давом эттириб, 1913 йилда битириб, «эркин санъаткор» дипломига эга бўлдим. Бир йил ижод билан шуғулландим ва мусиқа мактабида дарс бердим. Бу узоққа чўзилмади. 1914-йилда бошланган 1-жаҳон уруши менинг бутун режаларимга ва ижодимга салбий таъсирини кўрсатди. Армия сафига чақирилдим ва жангларда қатнашдим. 1916 йил ноябрида фронтда қаттиқ контузия бўлиб госпиталда даволандим. Лекин уруш касофати билан умрбод дудуқланиб гапирадиган бўлиб қолдим.

1917 йил 20 сентябрда «Маҳаллий халқ кўшиқларини тўплаш ҳамда халқ мусиқа санъатини ўрганиш учун Тошкентга келдим. 1918 йилнинг февралда Е.А.Чернявский ва А.В.Поповларнинг Туркистон халқ консерваториясини ташкил қилиш тўғрисидаги ғояси ва таклифлари амалга ошди. 1919 йил 15 июнь куни консерватория тантанали тарзда очилди ва ўқув жараёни бошланиб кетди. Мусиқада ўқишни хохловчилар сони тобора кўпайиб борди. Менинг

ташаббусим билан 1919 йили Тошкентнинг Шайхонтохур даҳаси Баланд масжид, Роҳат боғида халқ консерваториясининг бўлими очилди. Бир неча йиллар давомида ҳофиз Шораҳим Шоумаров ижросида Фарғона-Тошкент мақомлари: «Дугоҳ Хусайний», «Чоргоҳ», «Шаҳноз-Гулёр», «Баёт», булардан ташқари «Қаринаво», «Собиржон», «Заркокил», «Илғор» ва «Дилрабо» ашулаларини нотага ёзиб олишга муваффақ бўлдим. Туркистон Маориф халқ комиссарлиги, Ўрта Осиё халқлари мусиқий фольклорини, режали равишда ўрганиш, тарғибот қилиш учун илмий марказ ташкил қилишни менинг зиммамга юкледи. Мен раҳбар сифатида Н.Н.Миронов, Ғ.Зафарий ва Э.Мелнгайлислар билан бирликда 1920 йилнинг 28 апрелида ушбу марказни очдик ва режа тузиб иш олиб бордик. Туркистон Марказий ижро комитети раисининг махсус фармонида асосан, вилоятлардан санъаткорларнинг турли авлодларини марказга жалб қилдик. Буни энг аввал ҳар бир хонанда ва созанда ва улардан тузилган ансамблларнинг ижрочилик санъатларини халқ олдида намойиш қилишга даъват қилишдан бошладик. Мана шу мақсад билан ташкил қилинган биринчи концерт 1921 йил 8 майида театр биносида ғоят катта муваффақият билан ўтди. Концерт дастурида ўзим симфоник оркестр учун гармониялаштирган ўзбекча «Заркокил», «Латифа», қозоқча «Дунё» ҳамда афғонча «Акрамхон» халқ кўшиқлари менинг дирижёрлигимда жаранглади.

Мен ва Н.Миронов ижрочилардан кўп кўшиқ, ашула ва куйларни нотага ёзиб бордик.

1922 йилнинг кузида Абдурауф Фитрат билан учрашдик. Узоқ суҳбатлашдик. У мени Бухоро Шашмақомини устозлардан нотага ёзиб олиш учун ўз юртига таклиф қилди ва шартнома туздик. Берилган ваъдамга ва шартномага асосан 1923 йилнинг бошида Бухорога етиб келдим. Мени улуғ санъаткорлар, Шашмақом билимдонлари Ота Жалолоддин Носиров, Ота Ғиёс Абдуғани ва Домла Ҳалим Ибодовлар билан таништирдилар. Уларнинг ижросида Шашмақомни нотага ёзиб олишга муяссар бўлдим. Нотага ёзишда айрим камчиликлар бўлиши мумкин. Шунинг учун «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ» ва «Ироқ» мақомлари махсус комиссия томонидан текшириб чиқилди, Бухоро халқ маориф нозирлиги томонидан маъқулланди. Н.Н.Миронов таҳрири остида 1924 йили Москвада нашр этилди. Бу қилган ишимни Бухоро халқ жумҳурияти халқ маориф нозирлиги юқори баҳолаб, менга йўлланган

ташақкурномасида шундай дейилади: «Қадимги мақомларни йиғиш ва ёзиб олиш сизга топширилган эди. Сиз бу вазифани моҳирона бажардингиз ҳамда Шарқ мусиқасини тўплаб, нашр қилиб, абадийлаштириш ишига жуда катта ҳисса қўшганингиз учун ташақкурномамизни қабул қилгайсиз. Имзо. А.Фитрат». Бу ишимдан ўзим ҳам мамнун бўлдим. Ушбу Шашмақомни нотага ёзиш жараёнида, 1923 йили қишлоқ хўжалиги кўрғазмасига бир гуруҳ ўзбек санъаткорлари билан биргаликда Москвага бордим. Москвада ўзбек санъаткорларининг концертлари жуда ҳам кўтаринки руҳда, муваффақиятли ўтди. Мен 2 сентябрь куни ўзбек халқи мусиқа санъати ва ўзимнинг қилаётган илмий ишим тўғрисида маъруза қилдим. Маърузамни мен билан борган санъаткорлар турли намуналар билан тасдиқлаб туришди. Бизни катта қизиқиш билан тинглаб, қизғин олқишлашди.

1925 йили август ойининг ўрталарида ҳамда 1927, 1929 йилларда Туркменистон ҳукумати таклифига биноан фольклор экспедицияларини ташкил қилиб, Туркман халқ мусиқасини турли ижрочилардан нотага ёзиб олишга муяссар бўлдим. Хуллас, 1920-йилларнинг бутун иккинчи ярмида асосан туркман мусиқаси устида илмий ва амалий иш олиб бордим. Натижада нашрга тайёрланган тўплам-китобни махсус комиссия кўриб чиқиб, юксак баҳо берди. Мусиқашунос В.М.Беляев таҳририда «Туркман мусиқаси» китоби нашрдан чиқди ва махсус мукофотга сазовор бўлди. 1929 йилнинг 6 апрелида «Туркменистон халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирландим.

1930 йили Тошкент давлат мусиқа техникуми қошида ўзбек халқининг бой мусиқий меросини тўплаш, ўрганиш, нотага ёзиб олиш учун махсус бўлим очилди. Яъни ўзбек санъаткорлари билан ҳамкорликда ишлашга яхши шароит туғилди. Энг аввало дўстим Шораҳим Шоумаров билан илгарилари бошлаган ишимизни давом эттирдик. 1928 йилда ташкил топган Самарқанд давлат мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институти 1932 йили Тошкентга кўчиб келди. Энди биз мазкур институтнинг кўрсатма-режалари асосида илмий ишлар олиб борадиган бўлдик. Иш режасига биноан, машҳур ўзбек санъаткорларидан турли асарларни нотага ёзишни давом эттириш билан бирга, Тошкент вилоятига ҳам экспедицияга чиқиб, доимий экспедиция ҳамкорларим Е.Е.Романовская, Х.Мухамедова ва Ил.Акбаровлар билан биргаликда ҳаваскор созанда ва хонандалар, болалар ижроларида кўпгина қўшиқ ва куйларни нотага ёзиб олдик.

Улар билан 1930-йилларда Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси шаҳарларида экспедиция ўтказиб, жуда ҳам кўп халқ мусиқа намуналарини ёзиб олишга муяссар бўлдик. Кўп машҳур санъаткорлар билан танишдик.

Ўзбек ва туркман халқ мусиқа санъати менинг композиторлик ижодимга ниҳоятда катта таъсир қилди, илҳомлантирди ва улар асосида турли жанрларда асарлар яратдим. Мени босиб ўтаётган ҳаётим ва ижодий фаолиятим, албатта, гул сочилган равон йўл эмас. Халқлар маданияти ва санъатининг ўтмиш меросига, замонавий йўналишига, сиёсий мафкурадан келиб чиққан ҳолда муносабатлар ҳар хил бўлди. Айниқса, 1939-1948 йилларда «Мақом» санъати масаласидаги низолар юрак бағримни чил-чил қилди. Менинг дўстларим И.Азимов, М.Қориёқубов, Ян Пеккерлар билан ҳимоя қилишга уриндик. Лекин иложини қила олмадик. Мен Ўрта Осиё халқларига, санъаткорларига, бирга дўстона ишлаганларга, мени билган ва мухлисларимга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман».

Композитор В.А.Успенский фольклор экспедиция илмий ишлари, педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан банд бўлишига қарамасдан йиллар давомида мусиқа санъатининг турли шакл ва жанрларида ранг-баранг мусиқа асарларини ҳам яратди. Масалан: фортепиано учун қуйидаги асарларни ёзди: Прелюдия, соната, вариация, этюд, ўзбек халқ мусиқаси «Мискин-2», «Мухаммаси Ироқ», «Савти Ажам», «Самой Дугоҳ ва Аскарый» асосида пьесалар тўпламининг биринчи дафтари; «Уфор-Соқийнома», «Баёнчи», «Найларам», «Усмония» ва «Ражабий» тўрт қўл учун пьесалар тўплами, иккинчи дафтар (бу икки ф-но дафтарлари Тошкентда 1936 йилда чоп этилган), «Гулханга ибодат қилиш», «Сув остида қўшиқ» (1945 й., 1948 й.) пьесалари, «Насруллои» асосида рапсодия (1947 й.), «Новелла» (1951 й.), иккита лирик вальс, «Капалак» (1955 й.) пьесаси ва бошқалар.

Овоз ва фортепиано учун шоир К.Бальмонт сўзига «Русалка» (1970 й.) В.Брюсов сўзига «Сағана» (Дахма, 1916 й.), П.Верлен сўзига «Ой нури» (1911 й.), П.Шелли сўзига «Ой» (1912 й.), Ив.Бунин сўзига «Шероз атиргули» (1913 й.), М.Лермонтов сўзига «Бешик алласи», «Қалбим ўлик», «Айт, нима учун» романслари (1913 й.), К.Бальмонд сўзига «Кечки далалар» ва «Мажнунтол» дуэтлари (1918 й.), «Куз қўшиғи», П.Верлен сўзига «Менинг юрагим ғам-ғуссада» романслари; Фарғона халқ қўшиғи «Ойдек тўлибдир», овоз ва

фортепиано учун қайта ишланган (Хислат сўзи) ва «Вой, додей» (Халқ сўзи) ва икки хотин-қизлар овози ва фортепиано учун «Чаманда гул очилди» (Халқ сўзи). Мазкур кўшиқлар 1932 йил ёзилган, Моквада 1934 йилда чоп этилган (1956 йили эса қайта чоп этилган).

Овоз ва фортепиано учун «Ўзбекча вокализ» (1932 й. Москвада 1934 й. чоп этилган) 1928 йили «Равот қашқирлари» овозсиз кинога мусиқа басталади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари якка овоз ва фортепиано учун «Ўзбекистон» (Чустий сўзи), Икки овозли хор ва фортепиано учун «Юриш марши» (Т.Фаттоҳ сўзи) ва «Юр, ботирлар» (Чустий сўзи) каби кўшиқларни яратди.

Композитор симфоник оркестр учун қуйидаги асарларни яратди: «Акрамхон» (афғонча), «Зулайҳо» ва «Сулу соч» (қозоқча), «Заркокил» (ўзбекча) кўплаб асарлар, симфоник сюита (Москвада 1934 йили чоп этилган). Овоз ва симфоник оркестр учун «Дугоҳ Хусайни II» ва «Тўлқин» (1933-1938 й.), «Муқанна» сюитаси, (1943-1944 й.), «Ўзбекча рапсодия» поэма-рапсодияси, (1944 й. 1960 йил чоп этилди), «Туркманча каприччио» (1945 й.), Навоий хотирасига «Лирик симфоник поэма» (1947 й. 1959 йили Москвада чоп этилган).

В.А.Успенскийнинг XX асрнинг 20-40-йилларида замонавий ўзбек мусиқа санъатининг ривожланишида муҳим хизмати шундаки, у анъанавий ўзбек мусиқасининг кўп овозли шакл ва жанрини «пайванд» қилиш мумкинми ёки йўқми деган жумбоқ бўлиб турган саволга тўғри жавоб топди.

Буни «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид пьесаси) спектаклига басталаган мусиқасида тасдиқлаб берди. Маълумки, Навоий достони асосида Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» пьесасига Ш.Шоумаров ва Ю.Ражабийлар ўзбек халқ мусиқа меросидан керакли намуналарни танлаб берган эдилар. Мазкур мусиқали драма 1922 йилда «Намуна» мактаби театр ҳаваскорлари томонидан биринчилардан бўлиб сахнага олиб чиқилган эди. Келгусида вилоят театрлари ҳам шу услубда ўзлари халқ мусиқасидан киритиб ижро этадилар. 1934 йилда В.А.Успенский Хуршид билан ҳамкорликда «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаси устида иш олиб боришди. Спектакльга мусиқа ёзишдан аввал, ўзини синаш ниятида «Баёт», «Хусайний», «Найларам», «Дугоҳ Хусайний», «Шаҳнози Гулёр» каби мумтоз ашулаларни кўп овозли услубда гармониялаштирган тарзда симфоник оркестрга мослаштириб, тингловчилар диққатига ҳавола

этиб кўрди.

В.А.Успенский дастлабки муваффақиятлардан илҳомланиб, ўзбек куйлари, ашула ва мақомларини гармониялаштиришда тутган йўлининг тўғрилигига қаноат ҳосил қилиб, «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драма партитурасини ёзди. Мазкур асарнинг мусиқасини кўп овозли услубда ёзишда, мақом ва куйларнинг тузилишлари, парда хусусиятлари ҳамда зарб усул ўлчовлари, миллий хусусият бўёқларини сақлаб қолишда ижобий натижаларга эришди. «Фарҳод ва Ширин»нинг премьераси (Москвада) 1936-1937 йилларда жуда катта муваффақият билан ўтди ва композиторга шуҳрат келтирди.

В.А.Успенский қуйидаги нота тўпламлари ва мақолалар муаллифидир: «Шашмақом» (1924 й. Москва); «Мақтаб болалари кўшиғи», (1924 й.); «Туркман мусиқаси» биринчи дафтар (1928 й.), «Иккинчи дафтар» (1929 й.), «Фарғона кўшиқлари» (1931 й.), «Бухоро кўшиқлари ва мақом парчалари» (1934-1947 й.), «Катта ашула» (1940 й.), «Ўзбек классик мусиқаси» (1927 й.), «Зикр куйлари» (1940 й.), «Турклар кўшиғи» (1943 й.), 1. «Уйғурлар кўшиғи» (1945 й.), Навоий сўзига мусиқа (1949 й.), «Гулёр Шахноз» (1931 ва 1956 й. чоп этилган). Кўп йиллар давомида Москвада истиқомат қилган, мусиқашунос ва шарқшунос олим, профессор, ўзбек ва шарқ мусиқасининг билимдони В.М.Беляев билан мактуб алмашиб турган. Бу хатларни 1980 йилда нашр қилинган «В. А.Успенский» китобида ўқиш мумкин. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида Ян Пеккернинг «В.А.Успенский» монографиясидан (Т., 1959 й.) тўла маълумот олиш мумкин.

1943 йили В.А.Успенскийга бажарган илмий ишлари учун ҳимоясиз санъатшунослик фанлари доктори илмий даражаси берилган. 1937 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирланган.

МАТЮСУФ ХАРРАТОВ (ЧОКАР) **(1889-1953)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мақом билимдони, созанда ва бастакор Матюсуф Харратов ХХ асрнинг биринчи ярмида, ўзбек мусиқа маданиятининг ривожланишига тамал тошини қўйган устоз санъаткорлардан. У бутун умрини Хоразм халқ

музыка меросини, тарихини, улуғ устозларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишга бағишлаб уларни тарғиб қилди, ўзи ҳам санъаткор сифатида шаклланди, ёшларга устозлик қилди ва музыка басталади. 1928 - 1932 йилларда Самарқандда ташкил этилган музыка ва хореография илмий тадқиқот институтида Хоразм мақомларини талабаларга ўргатди. Бу кўп қиррали истеъдод соҳиби, радио, филармония ва музыкали театрларда фаолият кўрсатиб, замонавий ўзбек музыкасининг ривожланиш жараёнига улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоларининг сафига 1940 йилда қабул қилинган.

Матюсуф (Чокар) Харратов ўзи босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўлини шундай таърифлаган: «Мен Хива шаҳри ёнидаги Шайхлар қишлоғида 1889 йили дунёга келдим. Олти ёшимдан бошлаб қишлоқ мактабида ва айрим вақтларда Хива мадрасасида ўқидим. Бу олий ўқув даргоҳида араб, форс, турк тилларини, шеърят қонунларини, шаклларини ўргандим. Айниқса, шоир Комил Хоразмийнинг ўғли шоир ва танбурчи Матрасул Мирзабоши (тахаллуси Мирзо)дан жуда кўп нарсаларни ўргандим ва ўзим ҳам Чокар тахаллуси билан шеър ёзиб машқ қилдим. Бобомнинг хонадонида шоир ва санъаткорлардан Аваз Ўтар, Муҳаммад Юсуф (тахаллуси Баёний), Матрасул Мирзабоши, Матёқуб Позачи, Қаландар Дўнмас, Машариф Қамбар, Қурбон созчи ва бошқалар музыкали кечалар ўтказишар эди. Мен уларга хизмат қилар эдим. Музыкага қизиққанганимни сезган бобомнинг илтимоси билан музикаий мушоирада қатнашиб келган созанда ва хонандалар ҳар бири ўз касбини менга 7 ёшимданок ўргата бошладилар. Шу сабабли мен доира, гармон, танбур, сантур, ғижжак, чанг, дутор чалишни ва ашула айтишни устозлардан ўргандим. Ёш санъаткор сифатида 1920 йилга қадар она юртимда халққа хизмат қилдим.

1920 йили Хивада болалар музыка мактабини очдим, директор лавозимида ишладим ва санъатим билан халққа хизмат қилдим.

Ўзбекистон Республикасининг аввалги пойтахти Самарқанд шаҳрида 1928 йили музыка ва хореография илмий тадқиқот институти ташкил топди. Унинг директори Н.Н.Миронов мени Хоразм мақомидан дарс беришга таклиф қилди. Шу йилдан бошлаб менинг ҳаёт ва ижод тақдиримда ўзгаришлар рўй берди. Мазкур институтда 1932 йилга қадар ишладим. Илмий иш билан ҳам шуғулланар эдим. 1928 йилдан бошлаб Самарқанд радиосининг музыка бўлими мудури ва санъаткор ижрочи бўлиб 8 йил хизмат

қилдим. Тожикистон Республикасининг радио эшиттириш муסיқа бўлимини очишда кўмаклашдим. 1935 йили Ўзбекистон радиосида ишлаш учун Тошкентга таклиф қилишди. Муסיқа бўлимида ишладим. Ўзбек филармониясининг ижрочи жамоалари билан 1937 йилда Москва шаҳрида ўтган Ўзбек адабиёти ва санъатининг 10 кунлигида ижрочи сифатида фаол қатнашдим. Декададан қайтгач, 1937 йили Тошкент давлат консерваторияси композиторлик факультетининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирдим. Европа нота ёзувини ўргандим. Муסיқа назарияси, тарихи ва классик композиторларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари билан танишдим. Уч йил консерваторияда ўқидим. 1935-1949 йилларда Ўзбекистон радио комитетида созанда ва хонанда лавозимида ишлаб, кўшиқ ва куйлар яратдим. 1938 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ташкил қилиш таъсис комиссиясига аъзо бўлдим. 1940 йили Бастакорлар уюшмасига қабул қилиндим.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари радиода ишлаш билан бирга бир нечта ватанпарварлик руҳида кўшиқлар басталадим. Улар орасида: «Севимли Ватан», «Даврон», «Йигитлар» (Уйғун сўзи), «Баҳодир йигитлар» (Ойбек сўзи), «Пулемёт», «Қаҳрамон учувчилар», «Зенитчи», «Қирувчи», «Танкист», «Оқ олтин» (Зафар Диёр сўзлари), «Даврон бизники» (А.Бобожонов сўзи), рақс «Фарҳод уфори» номли кўшиқларим ва рақс муסיқаларим якка хонанда, хор ва рақс жамоаларининг репертуарларидан жой олдилар.

Бастакор ва шоир Матюсуф Харратов (Чокар) ўз замонасининг забардаст ва илғор фикрли санъаткори сифатида жўшқин ҳаёт ичида яшади ва унинг ижодида ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт ўз ифодасини топди. Бастакор 1929-1941 йилларда ўз шеърларига куйлар басталади: «Колхозчи», «Ғайратим пахтага», «Зиндабод деҳқони», «Пахтага аҳамият беринг», «Чиндани пахта», «Пахтачилик яшнасин», Абдуллаев сўзига «Менинг тоғим» ва ўз сўзига «Ўзинг», «Муҳаббатим», «Шахло кўзлар», «Ёшлик туйғуси» каби лирик ашулалар ҳам яратди. 1937 йили Москвада ўтказилган декадада унинг «Сайл ва колхозда тўй» сахнасида «Мустаҳзод уфори» ашуласи (сўзи ва куйи ўзиники) ижро этилди. Шулар билан у ўз ижодий фаолиятида нота ёзувини ўргангандан кейинги йилларда Хоразм мақомларини нотага ёзишга киришди ва айримларини ёзишга улгурди.

Н.Н.Миронов раҳбарлигида ташкил топган «Нотали оркестр» янги жамоасида чангчи бўлиб ишлади Чангни диатоникдан хроматик

услуга ўтказишда фаол қатнашди. Ушбу оркестр Беларуссиянинг турли шаҳарларида ўтказилган гастролларда ҳам қатнашди.

Матюсуф Харратов мусиқа санъати ва адабиётида қилган улкан хизматлари учун 1944 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» юксак унвон билан тақдирланди. Унинг фарзандларидан Фозилжон ва қизи Муслима Харратовалар ҳам оталари изидан бориб, ўзбек санъати тараққиётига ўз муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Урганч давлат санъат билим юрти М.Харратовнинг номи билан аталади.

ПЎЛАТ ХОЛИҚОВ (1927-2003)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр, профессор, композитор Пўлат Холиқов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1980 йили қабул қилинди. У ўзининг ёрқин ижоди билан замонавий профессионал мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнига самарали ҳисса қўшди.

Холиқов Пўлат Ҳошимович Қўқон шаҳрида 1927 йилнинг 22 декабрида таваллуд топди. Композитор «Мусиқа йўлига қандай кириб келдингиз?» деган саволимизга шундай жавоб берганлар: «...Мусиқий истеъдодимни ва қизиқишимни сезган ота-онам Қўқон шаҳар мусиқа мактабининг фортепиано синфига ўқишга беришди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши туфайли шаҳримизга Москванинг 1-сон ҳарбий мусиқа мактаби кўчиб келди. Ушбу мактаб ҳарбий қисмдаги дамли чолғулар оркестрига созандалар тайёрларди. Мен шу мактабнинг кларнет синфига ўқишга кирдим. Тўрт йиллик дастурни икки йилда бажариб, 1944 йили ўқишни битириб, турли ҳарбий қисмларнинг оркестрларида хизмат қилдим. Киев шаҳар ҳарбий гарнизонининг оркестрида хизмат қилиш пайтида менинг мусиқий истеъдодимни инобатга олиб, оркестр раҳбари 1946 йили П.И.Чайковский номидаги Москва давлат консерваторияси қошидаги ҳарбий дирижёрлар тайёрлаш факультетида М.М.Багриновский синфида дирижёрлик мутахассислигидан ўқидим. 1950 йили мазкур консерваторияни муваффақиятли битириб, Германия ва Украинада турли ҳарбий қисмлардаги дамли чолғу асбоблар оркестрларини бошқардим. 1958 йили ҳарбий хизматдан бўшаб Тошкентга оилам билан кўчиб келдим ва Ўзбекистон Маориф вазирлиги қошидаги

дамли чолғулар мусиқа мактабида 1958-1960 йилларда ўқитувчи бўлиб ишладим. 1960 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирдим. Аввал профессор Б.Б.Надеждин, кейин профессор Г.А.Мушель синфида таҳсил олдим. Давлат имтиҳонига фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концерт»ни тақдим этиб, 1966 йили консерваторияни муваффақиятли битирдим. 1962-1969 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари, 1962-1972 йилларда консерваторияда ўқув бўлими мудири, сиртки бўлим проректори, ўзбек халқ чолғулари факультети декани ва мазкур факультетда ўқитувчи ва 1969 йили доцент лавозимларида ишладим. 1972-1977 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультети доценти, 1978-1979 йиллар кафедра мудири лавозимларида, 1979-1994 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг оркестр дирижёрлиги кафедрасида доцент ва 1985 йилдан профессор лавозимларида ишладим».

Иккита симфония (1964-1970 йиллар); камер оркестр учун иккита симфониетта (1967-1973 йиллар); симфоник оркестр учун «Увертюра» (1974 й.) ва симфоник поэма «Саодат» (1988й.); альт ва симфоник оркестр учун «Концерт» (1973 й.); труба ва симфоник оркестр учун «Концерт» (1987 й.) асарлари П.Холиқовнинг ижодига мансуб. Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун: най ва оркестр учун «Концерт» (1972), «Номаълум солдат қабрида», увертюра (1967), «Раққоса» поэмаси (1969), «Поэма» (1972); «Ҳамид» поэмаси (1978), «Увертюра» (1979), дутор прима ва оркестр учун «Концерт» (1978); фортепиано ва оркестр учун араб халқ куйлари асосида «Арабча сюита» (1981); «Ёшлар увертюраси» (1981); «Қизлар рақси» рақс (1986); «Дутор навоси» пьесалари (1987); кўшнай ва фортепиано учун «Сюита» (1970); чанг ва фортепиано учун «Фарғонача рез» (1987); «Дутор Баёти» ўзбек халқ куйи асосида фортепиано учун учта пьеса (1970); араб куйи асосида оркестр учун «Поэма-рапсодия» ва иккита пьеса (1980); турли чолғу асбоблар учун пьесалар (1974-1979 й.) яратди.

Чолғу-камер асарлар: кларнет ва фортепиано учун «Скерцо» (1980), кларнет ва фортепиано учун «Сонатина» (1987); фортепиано учун 11 та енгил пьесалар 2-4-синфлар учун; 5-8-синфлар учун 10 та пьеса («Юный пианист» тўпламида 1980 йилда чоп этилган); фортепиано учун учта прелюдия, учта фуга ва иккита сонатина ёзди.

Хор учун 10 та хорал (1963-1973), «Хорал» (1975), хор ва фортепиано учун «Ватаним» (1986); «Ёшлар марши» (1987) кўшиқлари; болалар хор жамоаси учун «Ёш курувчилар кўшиғи», «45 минут» ва «Қодиржон қалдирғоч» (П.Мўмин сўзлари -1974-1976 йиллар); «Қор» (А.Ҳожи сўзи) ва «Моҳир куйлар» (Толиб сўзи). Замондош шоирлар сўзларига турли мавзуларда кўшиқ ва романслар яратди. 1977 йили «Дед Мороз ва Санта Клаус» (А.Иловайский пьесаси) ва 1978 йили «Дороги отцов» (Л.Юсупов пьесаси) спектаклларига муסיқа басталади.

П.Холиқовнинг ижодида дамли чолғулар оркестри учун муסיқий асарлар ёзиш алоҳида ўрин эгаллайди. У оркестр ва якка чолғу асбоблар учун кўплаб асарлар яратди. Улар орасида жуда машҳур бўлиб кетганлари: «Салом, пахтакор» увертюраси (1970), «Фарғона» марши, иккита корнет ва оркестр учун «Концерт полька»си (1972), «Тошкент» марши (1987), «Увертюра» (1980), «Аскарим» марши, «Ёш солдат» сюитаси (1988).

Дирижёр П.Холиқов ҳарбий хизмат даврида жанговор медаллар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

ҒАНИ ХОЛИҚОВ (1946)



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли композитор Ғани Холиқов Ўзбекистон муסיқа санъатига 1970-йилларнинг ўрталарида кириб келди. У ранг-баранг, оҳангдор эстрада кўшиқлари, муסיқали сахна асарлари, симфоник асарлари, рақс куйлари билан шинавандалар қалбидан муносиб ўрин олди. У Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1988 йили қабул қилинди.

Ғани Холиқов Жиззах шаҳрида 1946 йилнинг 8 апрелида дунёга келди. Ғани 1958 йилда Тошкент давлат дамли чолғулар махсус муסיқа мактабида труба синфида ўқишни бошлади. 1965 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультети тайёрлов бўлимига ўқишга қабул қилинди ва бир йилдан сўнг асосий босқичга профессор Г.А.Мушель синфида ўтказилди. 1968 йили ҳарбий хизматни адо этиб қайтади ва ўқишни профессор Сайфи Жалил синфида давом эттиради. У санъат сирларини чуқур ўрганди, ижодий изланди, турли жанр ва шаклларда асарлар ёзди. Унинг

«Марғилон», «Сенинг совғанг», «Тўнғич ғунча», «Лолам», «Тонгда», «Сен учун», «Ишқингда ёнаман», «Сехри бордир», «Гулчеҳра» каби эстрада кўшиқлари Юнус Тўраев, Раъно Шарипова, Наталья Нурмухамедова ва Раъно Қодировалар ижросида оммалашиб кетди. Б.Зокировнинг сценарийси билан яратилган «Синдбаднинг еттинчи саёҳати» театрлаштирилган томошага етук композиторлар билан бир қаторда консерватория талабаси Ғ.Холиқов ҳам мусиқа яратди.

1974 йили Ғ.Холиқов диплом иши сифатида тақдим этилган ўзининг биринчи симфонияси билан консерваторияни муваффақиятли битирди. Ўша йили Ю.Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрига бош дирижёр этиб тайинланди. 1978-1980 йилларда Жиззах давлат санъат билим юрти директори, 1981-1984 йиллари вилоят халқ ижодий уйида бўлим мудири, 1984-1991 йиллари яна Жиззах вилоят мусиқали драма театри бош дирижёри, 1991-2001 йилларда Жиззах давлат санъат билим юртида эстрада бўлими мудири, 2001-2002 йилларда Ҳамза номидаги мусиқа коллежида, 2002-2004 йилларда эстрада-цирк коллежида, 2005-2008 йилларда В.Успенский номидаги РИМАЛда ўқитувчи бўлиб ишлади.

Композитор Ғ.Холиқовнинг ижодий фаолиятида эстрада мусиқаси устун туради. У йиллар давомида 200 дан ортиқ оммабоп кўшиқлар, оркестр ва ансамбльлар учун чолғу куйлар яратди. Унинг «Мажнунтол», «Куйла, Ботир» (З.Обидов сўзлари), «Наврўзи оламга келинг» (Орифий сўзи), «Бу менинг севгилим» (А.Ҳожи сўзи), «Нозлигим», «Она Ўзбекистон», «Дутор рози» каби кўшиқлари билан бирга ўзбек халқ ва мумтоз кўшиқ ва куйларидан «Қари Наво», «Дилхирож», «Ёр-ёр», «Соқийномаи Баёт», «Учрашув» каби 20 дан ортиқ асарлар туркумлари, «Гул диёрим бор», «Гул фасли», «Она элим», «Жоним Ўзбекистоним», «Сиз шонли армия аскарларисиз», «Келмадинг» (Миртемир сўзи), «Зилол оқин», «Хотира» ва «Камалак» (Ш.Ботирова сўзи), «Бевафо ёрга» (Ш.Ахророва сўзи), «Ёндимми мен, онажон» (Н.Баракаева сўзи), «Севдим сени» (М.Худойберганов сўзи), «Оқ каптар» (Тўлқин сўзи), «О, баҳорим кетмагин мендан» (Ҳ.Убайдулло сўзи) ва бошқалар профессионал хонанда ва жамоалар репертуарларидан муносиб ўрин олди.

Композитор қалами остида «Жиззах алёри» (Ҳ.Расул сўзи), «Келди Наврўз» (И.Ҳамро сўзи) каби вокал-хореографик сюиталар ва болалар хори ва якка хонандалар учун «Кўшиқ туркумлари», «Симфоник-рақс», «Жиззах — 1916 симфоник поэма», эстрада

оркестри учун «Қайдасан, Наргиз», «Илтижо», «Она диёрим» пьеса ва сюиталар, Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб эстрада оркестри ва хор учун «Фантазия» каби йирик мусикий асарлар бунёдга келди. Мазкур асарлар орасида «Баҳор келди сени сўроқлаб» (Зулфия шеъри), «Хайр энди, хайр Дилрабо» (А.Орипов шеъри), «Интизор этма» (Ш.Ахророва шеъри) кўшиқлари, Ш.Ахророва сўзларига «Соғлом авлод кўшиғи», «Тинчлик бўлсин дунёда», «Майса» каби болалар учун кўшиқлар туркуми яратилди.

Ғ.Холиқов сахна асарларига мусиқа басталашда ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Бу борада у драматург Ҳайитмат Расул билан ҳамкорликда «Қайсар қайнона», мусиқали комедия, «Аризасига кўра» (Ў.Умарбеков пьесаси) спектаклига, «Танбаллар» (К.Аваз пьесаси) комедиясига, «Кашмир кўшиғи» (Ш.Рашидов асари) номли мюзикл каби сахна асарларига мусиқа яратди.

Ғ.Холиқов 2000 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 2001 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвонига сазовор бўлди.

ЕФИМ ШВАРЦ *(1934-2006)*



Кўп миллатли Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1974 йили композитор Ефим Шварц болалар учун яратган жозибали, жарангдор, ранг-баранг кўшиқлари билан кириб келди. У турли жанр ва шаклларда ижод қилиб, симфоник, вокал-симфоник, чолғу ва овозли асарлар яратиб, республикамиз замонавий профессионал мусиқа санъатининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди.

Шварц Ефим Лазаревич Украинанинг Винницк вилояти Чечельник қишлоғида 1934 йилнинг 18 августида дунёга келди. Е.Шварцнинг оиласи 1946 йили Тошкентга кўчиб келади.

1951 йилда Е.Шварц Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртининг ўзбек халқ чолғулари бўлимидаги рубоб прима синфида ўқиди. 1954 йили Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида рубоб-прима бўйича сабоқ олди. Консерваторияда ўқиб юрган пайтларида мусиқа басталашга қизиқди. Шу сабабли 1957 йили композиция факультетининг биринчи курсига

кўчиб ўтди. Профессор Б.Б.Надеждинда мутахассисликдан сабоқ олди. Устозининг вафот этиши сабабли ўқишни профессор Б.И.Зейдман синфида давом эттирди. 1962 йили у фортепиано ва симфоник оркестр учун уч қисмли «Концертино» диплом ишини тақдим этиб, консерваторияни муваффақиятли битирди.

Е.Шварцнинг меҳнат фаолияти талабалик давридан бошланди. У 1952-1953 йилларда умумтаълим мактабининг мусиқа тўғарагига раҳбарлик қилди. 1958-1961 йилларда болалар мусиқа мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. Консерваторияни битиргандан сўнг Ўзбекистон радиосининг мусиқа таҳририятида, 1961-1999 йилларда муҳаррир ва катта муҳаррир лавозимларида фаолият кўрсатди. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, мазкур лавозимда йиллар давомида ўзбек композиторларининг янги асарларини радио тасмаларига ёзиб борди, республика санъаткорларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятларини, мусиқа мактаб, билим юрти ва консерватория фаолиятини, мусиқа янгиликларини ёритиб, тарғиб қилди. Ўзбек тилини пухта ўрганди. 1997-2006 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежининг композиторлик синфида дарс берди.

Мусиқа басталашни Е.Шварц талабалик даврларидан бошлади. Ўқиш мобайнида у фортепиано учун пьесалар, соната, 10 та лирик миниатюралар, уч қисмли сонатина, скрипка ва фортепиано учун «Вариация»; кларнет ва фортепиано учун «Соната»; Симфоник оркестр учун «Увертюра»; замондош рус ва ўзбек шоирларининг сўзларига бир қатор кўшиқлар ёзди. Уларнинг орасида рус тилида: «Мой край», «Молодёжная», «Ўзбекистан», «Туристическая походная» (А.Иванов сўзлари); «Стильная песенка» (Ю.Кленев сўзи); ўзбек тилида: «Менинг Ватаним», «Дўстлик кўшиғи» (Қ.Муҳаммадий сўзи); «Янги йил кўшиғи» (Ў.Умарбеков сўзи) каби кўшиқлар ўз вақтида машҳур эди; ғижжак ва фортепиано учун 7 та ўзбек халқ куйларини қайта ишлади.

Консерваторияни битиргандан сўнг Е.Шварц кўшиқ жанрига катта аҳамият берди. Йиллар давомида у юздан ортиқ катталар, айниқса, болалар учун кўшиқлар ёзди. Композиторнинг ўзбек ва рус тилларида ёзган жозибали, энг яхши кўшиқлари муаллифлик тўпламларида чоп этилган. 1981 йили «Ғазалхон ёшлигим», 1985 йили «Кўшиқчам», 1990-йилларда ёзган «Менинг Ватаним» (Қ.Ҳикмат сўзи); «Бизнинг мактабда — ҳамма бир сафда» (Қ.Муҳаммадий сўзи); «Ойим хурсанд доим» (П.Мўмин сўзи); «Биз Ўзбекистонда яшаймиз» (Н.Красильников сўзи) асарларини яратди.

Композитор Е.Шварц республика театр сахналарида қўйилган «Сказка старого года», «Сехрли соат», «Алёнушка ва аскар», «Гаврош», «Ревизор» ҳамда «Мишка телепат», «Чингиз Ахмаров», «Олтин соз» каби телефильмларга мусиқа басталади.

Е.Л.Шварц 2003 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланган.

ЯХЪЁ ШЕРФЕДИНОВ (1894-1975)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, фольклоршунос ва композитор Яхъё Шерфединов замонавий крим-татар профессионал мусиқа санъати ривожланишига катта ҳисса қўшган. У йиллар давомида крим-татар халқ мусиқа мероси намуналарини тўплади, ўрганди, нотага ёзиб олди ва чоп эттирди. Кўп қиррали композитор бутун ижодий фаолиятини татар ва ўзбек халқлари мусиқа санъатларининг тараққиётига бахшида қилди.

Я.Шерфединов ўзи босиб ўтган ҳаёт ва ижодий йўлини шундай таърифлаган: Кримнинг Феодосия шаҳрида 1894 йилнинг 18 мартида дунёга келдим... 1907 йили мактабни битирдим. Ўша йили Симферополь шаҳридаги Ўқитувчилар тайёрлаш семинариясига қабул қилдилар. Ўқишни 1913 йилда битирдим. Санкт Петербург шаҳридаги «Поощрения художеств» рассомчилик мактабига 1914 йили ўқишга кирдим. Икки йилда тўрт курс дастурини бажардим. Қримга қайтдим ва Керч райони Сароймин қишлоқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишладим. 1920-1923 йилда Феодосия шаҳрида мактабда ўқитувчилик қилдим.

Болалигимдан скрипка чалишни ўрганган эдим. Татар-рус халқ куйларини ва ўзим тўқиган куйларни ижро этардим. 1924-1928 йилларда Москва давлат консерваториясининг тайёрлов курсида ўқидим. Курсни битириб консерваториянинг Илмий этнографик ва композиторлик факультетида 1931 йилгача ўқидим. 1931-1937 йилларда Симферополь шаҳрида Қрим радио комитетининг мусиқа эшиттириш тахририяти мудири лавозимида, 1937-1938 йилларда опера ва балет театрида бадий раҳбар ўринбосари лавозимида, 1938-1941 йилларда «Қрим давлат ашула ва рақс ансамбли» бадий раҳбари бўлиб ишладим.

1941 йилда оилам билан Тошкентга кўчиб келдик. 1944

йилнинг сентябрида Й.Охунбобоев номидаги Андижон давлат муסיқали драма театрида муסיқа бўлими мудири ва дирижёрлик лавозимида, 1947-1952 йилларда Андижон давлат ёш болалар муסיқа мактабида ҳам ишладим. 1952 йили Тошкентга кўчиб келдик. 1955 йилга қадар ўқувчилар саройида ва хотин-қизлар педагогика билим юртида муסיқа ўқитувчиси бўлиб ишладим.

Я.Шерфединов қуйидаги сахна асарларига муסיқа басталади: 1936 йили «Ишламаган тишламайди» (Юсуф Болта пьесаси) муסיқали комедияси, 1937 йилда татар халқининг севимли қахрамони, тарихий шахс «Алим» (Ю.Болта пьесаси) муסיқали драмаси воқеанинг 100 йиллигига бағишлаб ёзилган. 1943 йили Т.Жалилов билан ҳамкорликда «Нурхон» (К.Яшин пьесаси), 1959 йили «Арзи қиз» (Ю.Болта пьесаси) муסיқали драмалари ва 1961 йили «Қани, менинг муҳаббатим» (Р.Муродов пьесаси) муסיқали комедиясини яратди.

Композитор симфоник ва вокал-симфоник жанрларда бир талай асарлар яратди. Улар орасида халқ куйлари асосида ёзган беш қисмли симфоник сюита, беш қисмли симфоник рақс-сюита, симфоник хореография сюита, 4 қисмли «Қримча сюита» солист, хор ва симфоник оркестр учун «Юзик ўюни» (Ф.А.Ким сўзи) вокал-симфоник сюита: солист, хор ва симфоник оркестр учун 1967 йили «Янги ер» (Ф.Аким сўзи) кантата ва бошқа асарлар бор.

Я.Шерфединовнинг ижодий фаолиятида кўшиқ жанри устун туради. У крим-татар шоирларининг сўзларига турли мавзуларда яккахон ва хор жамоалари учун икки юзга яқин кўшиқ яратди. Айниқса, унинг лирик кўшиқлари: «Гўзалим», «Гўзал Лейло», «Айшап», «Сени кўрганда», «Эгар кулсен», «Пияра», «Сеним учун», «Чокърак башинда», «Ана йири», «Севдалик», «Антириси», «Баҳор кўшиғи», «Севдим сени» «Ёшлар», «Ўзбекистон қизлари», «Ватанимизда байрам», «Ипакчи қиз» каби кўшиқлари халқ мулкига айланди. Композитор ёш болалар учун ҳам бир талай кўшиқлар яратган.

Фольклоршунос сифатида Я.Шерфединов қуйидаги тўпламларни нашрдан чиқартди: 1931 йили «Қрим-татар халқ кўшиқ ва рақслари» тўплами 100 асардан иборат, 1958 йили Ўзбекистонда 12 асардан иборат тўплам ва 1975 йили «Хайтарма» тўплами Москвадаги «Муסיқа» нашриётида чоп этилди.

Я.Шерфединов 1971 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

ШОҲИДА ШОЙМАРДОНОВА (1938)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, уйғур аёллари орасидан етишиб чиққан биринчи профессионал композитор Ш.Шоймардонова Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1968 йили қабул қилинди. У уйғур ва ўзбек халқларининг муסיқий меросига таяниб, Оврупа ва рус классик муסיқа санъатининг жанр ва шакл қонун-қоидаларини ўзлаштириш орқали композитор сифатида шаклланди.

Шоймардонова Шоҳида Алиевна Шарқий Туркистоннинг Қашқар шаҳрида 1938 йилнинг 26 ноябрида таваллуд топди. Унинг болалиги Ғулжада ўтди. Бу шаҳарда ўқиди, муסיқага меҳр қўйди ва болалар муסיқа мактабида таълим олди. 1952 йили Урумчи шаҳар университетининг санъат факультетида сабоқ олди ва 1954 йили ўқишни битирди. Ўзи мактабда муסיқадан дарс бера бошлади. У йиллар давомида университетда уйғур халқининг машҳур созанда ва хонандаларидан 12 уйғур муқомларини, маҳаллий фольклорни ўзлаштирди ва келгусида ўзи ҳам шу йўналиш услубида ижод қила бошлади, куй ва кўшиқлар басталади. Профессионал композитор бўлиб етишиш ниятида Ш.Шоймардонова 1957 йили Тошкент давлат консерваторияси композиторлик факультетининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди. 1959 йили тайёрлов бўлимини битириб, асосий босқичда профессор Б.Зейдман синфида композициядан сабоқ ола бошлади.

Илк асарлари орасида гобой ва фортепиано учун «Сонатина», торли квартет, фортепиано учун пьесалар, улуғ Алишер Навоий ва уйғур шоири Нимшаҳид шеърларига миллий руҳ билан суғорилган ашула ва романслар яратди. Скрипка ва симфоник оркестр учун яратган бир қисмли концерт диплом иши билан 1964 йили консерваторияни муваффақиятли битирди. 1964-1966 йилларда Ш.Шоймардонова Ўзбекистон радиоси Бош муסיқий таҳририятида муסיқа муҳаррири бўлиб ишлади.

Композиторлик малакасини ошириш ниятида Ш.Шоймардонова 1966-1970 йилларда консерваториянинг аспирантурасида профессор Б.И.Зейдман синфида таҳсил кўрди. Ана шу йилларда симфоник оркестр учун симфониетта, симфония-поэма

яратди, турли жанрларда ижод қилди. У 1970-1972 йилларда Ўзбекистон радиосининг чет эл тахририятида катта муҳаррир лавозимида ишлади. 1972-1980 йилларда консерваториянинг Шарқ муסיқаси кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. Уйғур муқомини назарий ва амалий билимдони Ш.Шоймардонова 1981-1985 йилларда Ўзбекистон телерадиоси таркибидаги «Уйғур халқ муסיқаси ансамбли» бадиий раҳбари лавозимида ишлаган даврида уйғур муқомларининг олтитасини магнит тасмага ва грампластинкаларга ёздиришга эришди. 1987-1996 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг Халқ муסיқаси кафедрасида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлади.

Виолончель ва фортепиано учун соната, симфониетта, симфония, «Тут сояси» номли муסיқали радио спектакль ва айникса, 1978 йили Зулфия сўзига ёзган «Озод Шарқ аёли» номли кантата, 1986 йилда Олмаота Уйғур муסיқали театри буюртмаси асосида ёзилган «Салай чаққон» муסיқали комедияси тингловчиларга манзур бўлди. Сўнгги асар театрнинг гастроли туфайли Муқимий номидаги муסיқали театрда ҳам ўша йили сахна юзини кўрди. Бундан илҳомланган композитор Ҳ.Ғуллом билан ҳамкорликда «Муҳаббат навоси» муסיқали драмасини яратди. 1989 йили Муқимий номидаги муסיқа театрида сахналаштирилди. Мазкур асарлар Ш.Шоймардоновага шуҳрат келтирди.

Ш.Шоймардонова уйғур ва ўзбек кўшиқчилиги равнақига ҳам баракали хисса қўшди. Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги эстрада-симфоник оркестри, дуторчилар ансамбли, ўзбек халқ чолғулари оркестри хонандалари учун 100 дан ортиқ кўшиқлар яратди. Жумладан: «Келсам» ва «Келгин дўстим ўсакда» (Х.Ҳамроева сўзлари), «Кўклам ишқи» ва «Фарёд» (Л.Муталлиба сўзлари), «Нигоримга» ва «Дехқон қизи» (Т.Содиқова сўзлари), «Кўрдим юзингни» (Машраб сўзи), «Уйғур қизи» (Х.Исломов сўзи), «Фарзандим» (И.Барагов сўзи), «Тарим қизига» (Х.Илахунова сўзи), «Ватаним» (Абдурахмонов сўзи), «Сенга» (П.Собитова сўзи), «Юлдузлар» ва «Олтин балдоқ» (Т.Тўла сўзлари), «Гул қишлоғим» (А.Исроилов сўзи), «Муҳаббат вальси», «Ролда қиз бола» (М.Қориев сўзи), «Навбахор чорлайди» (З.Обидов сўзи), «Дуторингни қўлга ол» (Зулфия сўзи), «Тинчлик боладек азиз» ва «Толе ёр бўлсин» (Г.Жўраева сўзлари), «Ватаннинг эрка қизи» ва «Шодлик кўшиғи» (Усмон Носир сўзлари) каби кўшиқлари ижрочилар репертуаридан мустаҳкам жой олди.

Шоймардонова Шоҳида Алиевна 1993 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, 2000 йилда «Шухрат» медали ва бир неча фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

ЖАПАК ШОМУРАТОВ (1893-1972)



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, созанда, бахши ва бастакор Жапак Шомуратов қорақалпоқ мусиқа санъатининг ривожланишига тамал тошини қўйган санъаткор. 1966 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига қабул қилинган.

Ж.Шомуратов Чимбой туманидаги Назархон қишлоғида 1893 йили дунёга келди. Бастакорнинг хотирлашича: «Мен 5 ёшдан мусиқага қизиқдим. Султон ва Атажон бахшилар устозлик қилдилар. Дутор чертишни ўргандим, 16-17 ёшимдан бошлаб дostonлардан парчалар ижро этдим, 1940 йилдан бошлаб ўзим ҳам қўшиқлар ва куйлар басталай бошладим, 1930-йилларда композитор Шафранников менга нота ёзувини ўргатди. Айниқса, Олимжон Ҳалимов билан мусиқали драмалар ёзишда ҳамкорлик қилганимиздан жуда хурсандман. Бу инсондан мен кўп билмаганларимни ўргандим. 1936-1952 йиллари Станиславский номидаги театрда, 1952-1955 йиллари Бердах номидаги театрда созанда, артист бўлиб ишладим. 1955 йилдан бери радиода ишлаб ижод қилиб келмоқдаман».

Бастакор Ж.Шомуратовнинг ижодида қўшиқ, чолғу ва рақс куйлари устун туради. У турли мавзуларда классик ва замондош шоирларнинг шеърларига 150 дан ортиқ қўшиқлар басталади. Улар орасида: «Тозагул», «Биз Ватан боласи», «Амударя» (А.Шомуратов сўзи); «Мен айлансам», «Бугун», «Дангкли жигит» (айтишув); «Тинчлик кептери» (хор); «Қутли болсин», «Дўстлик», «Кел-кел бала, кел-кел бала», «Суйган сулуга», «Жетистим» (С.Ҳожапиезов сўзлари); «Ботир қизлар», «Курдасжан», «Жанга кала», «Бахит баҳари», «Еки курдас», «Гурес», «Кулким келади» ва бошқалар бор.

Ж.Шомуратов композиторлар Шафранников билан ҳамкорликда «Лейтенант Елмуратов» (Ж.Аймурзаев пьесаси), О.Ҳалимов билан ҳамкорликда «Орол қизи» (Ж.Аймурзаев пьесаси); «Аму бойинда» (А.Шомуратов пьесаси); «Зияда» (С.Ҳожаниязов

пьесаси); «Бердах» (Ж.Аймурзаев пьесаси), «Тазагул» (Манитов пьесаси); «Суймегенге суйкенбе» (С.Хожаниязов пьесаси) яратган мусиқали драмалари сахнада узоқ умр кўрди ва қорақалпоқ театр санъатининг ривожланиш жараёнида муҳим роль ўйнади.

Ж.Шомуратов мусиқий санъатни ривожлантиришда қилган улкан хизматлари учун «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти» фахрий унвони, қатор орден ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Нукус давлат санъат коллежи Жапак Шомуратов номи билан аталади.

ЭРГАШ ШУКРУЛЛАЕВ **(1922-1994)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда, бастакор Эргаш Шукруллаев XX аср ўзбек мусиқа санъати тарихида ёрқин из қолдирди. Серқирра санъати билан томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди. У 1981 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига қабул қилинди.

Эргаш Шукуруллаев Фатҳулло ўғли 1922 йили 9 майда Бухоро шаҳрида таваллуд топди. Болалигидан мусиқага меҳр қўйди. 1930-1936 йилларда Бухоро Шарқ мусиқа мактабида таълим олади. 1936 йилда Т.Жалилов раҳбарлигида Ўзбек давлат филармонияси қошида ташкил топаётган Ўзбек халқ ансамблига таклиф этилади. 1937 йилнинг май ойида Москвада ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлигида қатнашди ва «Сайил» дастурида биринчилардан бўлиб елкасида «Лаган ўйин» рақсини намойиш қилди. Бу рақс унга шуҳрат келтирди. Шу ансамбль таркибида ёш созандалардан нотали оркестр ташкил топган эди. 1938-1940 йиллари Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик мутахассислиги бўйича тайёрлов бўлимида Б.Б.Надеждин синфида таҳсил олди. Э.Шукруллаев ҳарбий хизматга чақирилиб, 1941 йилнинг охирида Тамарахоним тузган янги ансамбльга ўтди. У шу ансамбль билан 1942-1945 йиллари Эрон, Кавказ, Мўғулистон, Узоқ Шарқ, Украина, Болтиқ бўйларидаги ҳарбий қисм жангчиларига берилган концертларда қатнашди.

Тамарахоним ансамблида 1949 йилгача ишлади. 1949-1954 йилларда Ўзбек филармонияси таркибидаги «Ўзбек халқ чолғулари

оркестри»да созанда бўлиб ишлади. 1948-1954 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида ўқиди. 1951 йили Берлинда ўтказилган жаҳон ёшлари ва талабаларининг 3-фестивалида созанда ва раққос сифатида қатнашди ва «Лаган ўйини» учун «Фестиваль лауреати» унвонига сазовор бўлди. 1957 йили эса машҳур ўзбек санъаткорлари Ҳалима Носирова, Мукарамма Турғунбоева, Саодат Қобулова, Галия Измайлова, Дони Зокиров, Саттор Ярашев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа созандалар билан Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон, Бирма, Таиланд, Кампучия, Вьетнам, Лаос мамлакатлари бўйлаб икки ярим ойлик гастроль сафарида иштирок этди.

1955-1960 йиллари Ўзбек филармониясининг мусиқа бўлимида якканавоз лавозимида ишлади. 1962-1968 йиллари Тошкент давлат консерваториясида мақомдан талабаларга дарс берди. 1969 - 1974 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида профессорлар Г.А.Мушель ва Б.И.Зейдман синфларида таҳсил олди.

Э.Шукруллаев созандалик, раққослик ва ўқитувчилик фаолиятини кўшиқчилик санъати билан бирга бойитиб борди. У яратган ва ижро этган ҳажвий кўшиқлари, «Том бошида», «Кабоб» (К.Яшин сўзлари), «Қайнона-келин можароси» (Т.Мўмин сўзи), қозоқча «Қора тўрғай», қирғизча «Паризодой», қорақалпоқча «Бибигул», тожикча «Ёрам-ей, жонам», «Мафтунингман», «Бир қизни учратдим» кинофильмларида айтган кўшиқлари уни машҳур қилди.

Э.Шукруллаев талабалик йилларида фортепиано учун иккита пьеса, сўзсиз кўшиқ, прелюдия, рақс, чанг ва фортепиано учун пьеса, рақс, рубоб ва фортепиано учун рақс, най ва фортепиано учун рақс, ўзбек халқ чолғу асбоблар оркестри ва хонандалар учун «Нима бўлди» (Ҳабибий сўзи), «Қиз кўшиғи» (М.Кулиев сўзи), «О, чехраси ой» (Я.Қурбон сўзи), «Ватан» (Отаёр сўзи), «Хумор айлаб» (Н.Нарзуллаев сўзи) каби кўшиқлар ва айниқса, «Қоғозбозлик» (Ў.Рашид сўзи), «Шофер», «Кўшниллар», «Хўп, хўжайин» (Я.Қурбон сўзи) асарларини яратди. Ўқишни тамомлагандан сўнг турли жанрларда самарали ижод қилди: торли кваттет, най, рубоб ва фортепиано учун «Трио», симфоник оркестр учун «Дўстлик таронаси» сюитаси, симфоник оркестр учун «Фуга», ўзбек халқ чолғулари оркестри учун сюита, «Вальс», рубоб-прима ва оркестр учун «Сонатина», ғижжак ва оркестр учун «Романс», чанг ва оркестр учун «Рақс», най ва оркестр учун «Марш» ва «Соло», ғижжак ва

оркестр учун пьеса, қашқар рубоби ва оркестр учун «Баҳор» куйи, тожик халқ куйлари «Кухистон» ва «Субҳидамда»ларни оркестр учун қайтадан ишлаган, най ва оркестр учун «Орзу» пьесасини яратган. Э.Шукруллаев ўзи раҳбарлик қилган ансамбллар учун замондош шоирларнинг сўзларига турли мавзуларда кўшиқ, лапар, ялла ва куйлар яратди.

Эргаш Шукруллаев 1954 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланган.

ЖАҲОНГИР ШУКУРОВ **(1981)**



Жаҳонгир Жўраевич Шукуров мамлакатимиздаги ёш композиторлар орасида замонавий ёзув техникаси асосида фаол ижод қилиб келаётган истеъдод соҳибларидан. У 1981 йилнинг 24 январида Бухорода таваллуд топган. 2004 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясининг бастакорлик бўлими магистр босқичини проф.Ф.Янов-Яновский синфида, 2005 йилда опера-симфоник дирижёрлиги бўлимини Э.Азимов синфида муваффақиятли тамомлаган. Талабалик давридаёқ ўзининг хуш хулқи, ўз касбига бўлган қизиқиши, мақсад сари илмга интилиши ва тиришқоклиги билан алоҳида ажралиб турарди. Ўзбек мусиқасининг тембр, ритм ва оҳанг хусусиятларини замонавий мусиқа билан уйғунлаштириш борасидаги ижодий қизиқиши талабалик давриданок бошланган эди. Бу йўналишда турли ижрочилар гуруҳи билан усул, гармония ва товушқаторликлар борасида, композитор сифатида ўз йўналишини топиш устида турли ижодий экспериментлар олиб бормоқда. Симфоник оркестр учун “Концерт” ва “Stream”, камер ансамбль учун “Мусиқа”, саксофон квартети учун “Lontano”, “In Distance”, “Syozanee”, овоз ва чолғу ансамбли учун “Interaction”, «Марсия», кинофильмларга ёзган мусиқалари фикримизни тасдиқлайди.

Ж.Шукуров бир неча халқаро ёш композиторлар мастер-класслари иштирокчисидир. Булар Требнитцдаги машҳур Швейцариялик композитор Клаус Хубер (Германия 2003 й.) ва “Bang On a Can” Ёзги Институтида америкалик композиторлардан (Стив Райх, Дэвид Ленч, Жулия Вольф ва Майкл Гордон) сабоқ олганидир (АҚШ 2005). Бугунги кунга қадар Ж.Шукуровнинг асарлари Бельгия, Италия,

Австрия, Финляндия, Германия, АҚШда ҳамда Ўзбекистонда ўтказилган замонавий мусиқий фестивалларида ўзбек ва чет эл ансамбллари томонидан ижро этиб келинган. “Delta saxophone quartet” (Буюк Британия), “Courage” (Германия), “Xenia string quartet” (Италия), “Musiques Nouvelles” (Бельгия), “Continuum” (АҚШ), “Julliard” (АҚШ), “Aspekte Festival Ensemble” (Австрия) ва Omnibus ансамбллари (Ўзбекистон) шулар жумласидандир.

Жаҳонгир Шукуров ўзининг дирижёрлик фаолияти билан ҳам мамлакатимиз мусиқий жамоатчилиги эътиборидадир. Марказий Осиёда биринчи мартаба ижро этилган П.Хиндемитнинг 1-чи камер концерти, Д.Лигетининг камер концерти, С.Губайдулинанинг “Concordanza” ва “Detto II” асарлари унинг дирижёрлиги остида жаранглади. Бундан ташқари Л.Бетховеннинг “Эгмонт” увертюраси ва 3-фортепиано концерти, И.Брамснинг 3-симфонияси, И.Стравинскийнинг “Домбартон Оакс” асари ва С.Юдаковнинг “Майсаранинг иши” опералари ҳам унинг дирижёрлиги остида муваффақият билан ижро этилди. Ж.Шукуров Тошкентдаги нодавлат ташкилоти бўлмиш “Omnibus” ансамблининг асосчиси ва дирижёрларидан биридир. Шу билан бир қаторда у Марказий Осиёда ягона бўлган ҳар йили бўлиб ўтадиган ёш композиторлар учун “Omnibus Laboratorium” халқаро мастер-классининг асосчиларидан бири ва продюсери ҳамдир. Бир неча йилдан буён муваффақият билан ўтаётган бу халқаро мастер-класс эса нафақат мамлакатимиз ёш композиторлари, балки бутун Марказий Осиё ёш композиторларининг ижодий баркамоллиги учун ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ж.Шукуров Ўзбекистон давлат консерваториясининг бастакорлик ва чолғулаштириш кафедрасида ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбек профессионал мусиқа маданиятида фаол ижод қилиб келаётган истеъдод соҳиби бўлган ташаббускор дирижёр-композитор Жаҳонгир Шукуров ўзининг фаолияти билан ёш ижодкорлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

АНВАР ЭРГАШЕВ (1954)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1986 йили ёрқин истеъдод соҳиби, пианиночи, дирижёр ва композитор Анвар Эргашев турли шакл ва жанрларда яратган жозибали асарлари билан кириб келди. У басталаган кино муסיқаси, муסיқали драма ва комедиялари, симфоник, камер-симфоник асарлари, болалар театри, драмаси ва муסיқали театрлар учун ёзган муסיқаси Ўзбекистон муסיқа санъатида салмоқли ўрин эгаллайди.

Эргашев Анвар Йўлдошевич Душанбе шаҳрида 1954 йилнинг 19 апрелида таваллуд топди. Болалик йиллари Фарғонада ўтади. 1961 йили мактабда, 1962-1968 йилларда болалар муסיқа мактабининг фортепиано синфида ўқиди. 1968-1972 йилларда Фарғона давлат муסיқа билим юртининг фортепиано синфида таҳсил кўрди. 1972-1977 йилларда Тошкенг давлат консерваториясида фортепиано мутахассислиги бўйича доцент Б.В.Евлампиев синфида ўқиди. Консерваторияни битиргач, Фарғона муסיқа билим юртига ишга йўлланма олади. Ҳарбий хизматни адо этиб, 1980 йилда консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги синфига ўқишга киради. Икки йилдан сўнг композиция факультетига ўтказилиб доцент М.Тожиев синфида таълим олди. 1986 йили фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концерт» диплом иши билан ўқишни муваффақиятли битирди. 1994 йили опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислигини профессор Ў.Усмонов синфида битирди.

А.Эрашев меҳнат фаолиятини 1971 йили ўқиб юрган кезлари Фарғона муסיқа билим юртида концертмейстерликдан бошлади. 1977-1980 йиллари Фарғона давлат муסיқа билим юртида ва 1980-1986 йиллари Р.Глиэр номидаги муסיқа мактаб-интернатида ўқитувчилик қилди. 1986-1988 йилларда у Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг репертуар коллегияси ходими лавозимида ишлади. 1988-1993 йиллари А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси, 1993-1996 йиллари Навоий номидаги катта опера ва балет театри дирижёри, 1996-1998 йиллари Й.Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрида муסיқа бўлими мудири ва 1998-2008 йилларда Ўзбекистон Миллий симфоник

оркестри бош дирижёри, 2002 йилдан буён А.Навоий номидаги ДАКТда бадиий раҳбар лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

А.Эргашевнинг композиторлик фаолияти талабалик давридан бошланган. У консерваторияда ўқиб юрган пайтларида: фортепиано учун сонатина; 4 та прелюдия, рондо фортепиано учун соната, виолончель ва фортепиано учун пьеса, скрипка, виолончель ва фортепиано учун трио, торли кваттет, виолончель ва симфоник оркестр учун концерт-поэма, Зулфия шеърига иккита романс ва замондош шоирларнинг сўзларига бир нечта кўшиқлар басталади. Унинг ижодида театр ва кинофильмларга мусиқа басталаш устун туради. Ўтган йиллар давомида 1987 йили «Қасоскорнинг олтин боши» (реж. А.Ҳамдамов), 1987 йили «Оқ бино оқшомлари» (реж.Ҳ.Файзиёв), 1988 йили «Шерали ва Ойбарчин» (реж.Х.Иброҳимов), 1989 йили «Уч қирол жанги» (реж. Сухайль Бен Барка) — Марокко, Италия, Испания ва «Ўзбекфильм» студиялари ҳамкорликда; 1990 йили «Қора мушук изларидан» (реж.Ю.Розиқов), 1990 йили Марказий телевидениесининг топшириғи билан «Исходные данные смерти», «Олов қаъридаги фаришта» (реж.Ю.Розиқов), 1991 йили «Жаҳаннамга сакраш» (реж.М.Боймуҳамедов), 1992 йили «Тавба» мусиқали бадиий фильм (реж. Ф.Ҳайдаров), 1993 йили «Шариф ва Маъриф», 1994 йили «Тилла бола» комедиялари (реж. И.Эргашев), 1994 йили «Бомба» комедияси (реж. З.Мусақов), 1995 йили «Юлдузингни бер, осмон» (реж. Ф.Давлатшин), 1996 йили «Ака Шариф Тошкентда» комедияси (реж.Д.Абдуллаев), 1997 йили «Катта жанжал» (реж. М.Боймуҳамедов), 2001 йили «Ойижон» (З.Мусақов), 2002 йили 8 серияли «Фидойилар» (реж. Б.Содиқов), 1996 йили «Бойкенжаев ва бошқалар», 1997 йили 10 серияли «Тартиб», 25 серияли «Домла», (реж.Ю.Розиқов), 1998 йили 10 серияли «Диққат, мотор», (реж. Ф.Давлатшин), 1999 йили 2 серияли «Қуёши ботмайдиган юрт», (реж. Д.Каримова), 5 серияли «Силсила», (реж. М.Муҳамедов 1999 йили), «Бешовлон» (реж.С.Бабаев, 2001 й.), «Боғ» (реж. Б.Аҳмедов, 2001 й.) кинофильмларига мусиқа басталади.

Композитор А.Эргашев қуйидаги театрларда сахна юзини кўрган спектаклларга мусиқа басталади: Навоий номидаги Ўзбекистон давлат Академик катта опера ва балет театрида «Тегирмон тепасидаги қуёш» (1994 й.), «Қор маликаси» (1996й.), «Сехрли китоб» (1997й.), «Морозко» (1998й. реж.Х.Қосимов.), «12 ой» (1995й. реж. Х.Комилов.), «Янги йил тўполони» (2001й. реж.

В.Умаров), “Кичкина Мук” (2005), “Қишки ўрмон эртаги” (2011) каби мюзикллари сахналаштирилди.

Муқимий номидаги театрда 1990 йили «Анқовлар чайқови» мусиқали комедияси, Тошкент оперетта ва мусиқали комедия театрида «Крошка», «Митти» (реж.В.Бородин, 1992й.) Иркутск шаҳрида «Убей меня голубчик» мусиқали комедияси қўйилган.

Ҳамза номидаги академик драма театр учун: «Уфқ» (Саид Аҳмад асари, 1995й.), «Қатағон» (Ў.Ҳошимов асари, 1995 й.), «Жиноят устида ушлансин» (Ҳ.Муҳаммад асари, 1997й.), «Соҳибқирон» (А.Орипов асари, 1997й.), «Кундузсиз кечалар» (У.Азимов асари, 1998й.), «Сехрли танбур» (Ҳ.Муҳаммад асари, 1998й.), «Пири коинот» (Ҳ.Расул асари, 1998й.), «Шайтон ва Фаришта» (реж.С.Имомов, 1998 й.) спектаклларига мусиқа басталади.

Ёш томошабинлар театри учун 1987 йили «Яраш-яраш» мюзиклини ва 1996 йили «Балли улоқча» мусиқали эртагини (Н.Рўзимухамедов асарлари), 1993 йили «1001 кеча» мюзиклини (Н.Турсунов асари, реж. В.Умаров) ёзди, «От йиғлаган оқшомда» (Т.Мурод асари, реж. О.Салимов), 1996 йили «Учар табиб» (Мольер-Ш.Бошбеков асари), «Осмондан танга тушган кун» (Д.Маҳмудов асари, реж. Д.Маҳмудов), «Ваққос ва паққос» (Х.Исомитдинов асари, реж.Х.Маҳмудова) спектаклларига мусиқа яратди.

Композитор А.Эргашев асарлари Марокаш, Италия, Испания, Франция, Германия, Россия каби хорижий мамлакатларда ижро этилди. 2001 йилда Анвар Эргашев 2000 йилнинг энг яхши бастакори номинациясида «Офарин» мукофотиغا сазовор бўлди.

2002 йилда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвони, 2007 йилда Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

СУЛАЙМОН ЮДАКОВ

(1916-1992)



Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори, композитор Юдаков Сулаймон Александрович XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин ва теран из қолдирди. Бу нодир истеъдод соҳиби, атоқли композитор бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўзбек мусиқа санъатини ривожлантиришга бағишлади.

Юдаков Сулаймон (Соломон) Александрович Қўқон шаҳрида

1916 йилнинг 14 апрелида таваллуд топди. Ўзининг болалик чоғларини эслаб, шундай хикоя қилган эди: «Онамга ёрдам бериш учун 7 ёшимдан бошлаб Қўқоннинг марказий кўчасида пойафзал тозаловчи бўлиб ишлар эдим. Оилавий аҳволимни ва кечки мактабга эндигина борганимни билиб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мени 1928 йили етим болалар уйига жойлаштирди.

Болалар уйида дамли чолғу асбоблар оркестри тузилган бўлиб, оркестр раҳбари менга флейта чалишни ва нотани ўргатди. У мусиқий қобилиятимни сезган бўлса керак, менга Москвада ўқишга маслаҳат ва ёрдам берди. 1932 йили Москва давлат консерваторияси қошидаги мусиқа “Рабфак”нинг флейта синфига ўқишга кирдим. 1934 йили «Рабфак»ни бекитишди ва консерватория қошида Москва давлат мусиқа техникуми очилди. Мени композитор М.Ф.Гнесиннинг тавсияси билан техникумни назарий, тарихий, композиторлик бўлимини биринчи курсига қабул қилишди. Техникумда дамли чолғулар оркестрига ҳам қатнашиб турдим. Композициядан аввал М.О.Меснерда, икки йилдан сўнг М.Ф.Гнесинда сабоқ олдим. 1938 йили техникумни муваффақиятли битирдим. Ўша йили Москва давлат консерваториясининг профессори, композитор Р.М.Глиэр синфида композициядан таълим ола бошладим. Курсни тамомлаганимда 1941 йили иккинчи жаҳон уруши бошланди ва мен Тошкентга қайтиб келдим. Урушдан кейин, қария онамга қарайдиган одам бўлмаганлиги сабабли ўқишимни давом эттира олмадим. Лекин ўз устимда доим ишладим, ҳамкасабаларим билан ижодим ҳақида ўртоқлашиб турдим”.

С.Юдаков шу муҳитда яшади, ўқиди, дунёни таниди, мусиқа оламининг мўъжизакор сирларини ўрганди, композитор бўлиб шаклланди. Москва консерваториясида ўқиб юрган йиллари турли чолғу асбобларга, ансамблларга мусиқа яратди. Унинг фортепиано учун ёзган этюд, прелюдия, вариация, сонатина, флейта ва фортепиано учун ёзган «Рондо», «Лирик куй», этюд, скрипка ва фортепиано учун ёзган «Скердцо», «Сонатина», торли кuartет каби Шарқ мусиқа оҳанглари билан суғорилган асарларини консерватория талабалари қизиқиб ижро қилишар эди. 1940 йили талаба-композитор С.Юдаков истисно тариқасида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига қабул қилинди.

С.Юдаковнинг мустақил ижодий фаолияти Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошланди. У 1941-1945 йилларда: ўзбек ўғлони, юрт қаҳрамони Қўчқор Турдиевга бағишлаб «Олдинга босинг, ўртоқлар»

ва «Дўстлар» (А.Лохутий сўзлари); «Чавандозлар кўшиғи» (Миртемир сўзи), «Жонга жон, қонга қон» (Т.Фаттоҳ сўзи) каби ватанпарвар оммавий кўшиқларни, «Ҳабиби ту манам» (Ҳ.Юсуфи сўзи) романсини (1942 й.), «Фарзанад» (Исмоилзода пьесаси) мусиқали драмасини, торли квартет учун 3 та пьеса ва сюита, симфоник оркестр учун «Сюита» асарларини яратди. Ижод билан бирга С.Юдаков 1941-1942 йилларда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлади. 1943-1944 йилларда Тожикистон Давлат филармониясида бадий раҳбар лавозимида ишлади. Тожик шоирларининг сўзларига бир қатор кўшиқ ва романслар яратди. 1945 йили Тожикистон Давлат мадҳиясини ёзиш учун кўрик-танлов эълон қилинди. Мазкур танлов учун бошқа композиторлар қаторида С.Юдаков ҳам А.Лохутий сўзига мадҳия ёзди. С.Юдаковнинг мусиқаси танлаб олиниб тасдиқланди, ҳозирга қадар сўзи ўзгартирилган ҳолда С.Юдаковнинг мадҳияси жаранглаб келмоқда.

1946 йили С.Юдаков Тошкентга қайтиб келади ва ижодини давом эттиради. Т.Тўла сўзига хор, солист ва симфоник оркестр учун «Ғалаба» (1945 й.) кантатасини ёзди. А.С.Пушкин сўзига ўзбек, тожик ва рус оҳангларини пайваста қилган ҳолда «Куйлама соҳибжамол», «Гуржистон тепаликларисида», «Булбул», «Тунги майин шабада», «Инозилья, мен бу ердаман» (1945 й.), А.Лохутий сўзига «Афсонаи дил» ва «Тасфири ту» каби романсларини, скрипка ва фортепиано учун «Шарқ поэмаси» (1946 й.)ни яратди. Композиторнинг «Шарқ поэмаси» ва «Куйлама соҳибжамол» романи ижрочиларнинг турли авлодлари репертуарларидан муносиб ва мустақил ўрин олган бўлиб, ҳозирга қадар ижрочи ва тингловчиларни мафтун этиб келмоқда.

Скрипка, виолончель ва фортепиано учун «Сюита» (1946); иккита фортепиано учун «Сюита» (1948 й.) симфоник оркестр учун «Тантанавор увертюра» (1949 й.); торли квартет учун «Сюита» (1949 й.), А.Навоий сўзига «Басандаст» (1949 й.) романи, М.Миршакар сўзига «Алла» ва «Янги ғалабалар учун» кўшиқлари, М.Турсун сўзига хонанда, хор ва симфоник оркестр учун «О, қиз бола» кўшиғи ўлкамизнинг замонавий мусиқа санъатига яна бир истеъдодли, забардаст композитор мустақил равишда кириб келганидан дарак берган эди. С.Юдаков асарларида ўзбек ва тожик халқлари мусиқасининг таъсири бўлса-да, аммо ўз услубига хос мусиқалар яратишга катта эътибор бергани ҳам яққол сезилади. 1951-1953

йилларда С.Юдаков Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳайъатининг махсус котиби бўлиб ишлади.

С.Юдаков касб маҳоратини бадий жиҳатдан етилиб бориши муҳим даври 1950-1980-йилларга тўғри келади. А.Мухтор сўзига ёзилган «Жон Ўзбекистон», «Меҳнат шодлиги», Ғ.Ғулом сўзига «Қирғизистон пахтакорларига», Ш.Рашидов сўзига «Дугоналар», «Оламда гуллар яшар», Т.Тўла сўзига «Карнавал вальси», А.Сурков сўзига «Ҳинди-руси бхай-бхай», «Тинчликсеварлар марши» каби жозибали, жўшқин кўшиқлар фикримизнинг далилидир. Айниқса бу ўринда композиторни 1950 йили Ғ.Ғулом сўзига ёзган, 1951 йилда эса Давлат мукофотига сазовор бўлган 6 қисмли «Мирзачўл» номли вокал-симфоник сюита, 1955 йилда Т.Тўла сўзларига ёзилган: «Менинг Ватаним» 4 қисмли кантата, «Висол» (1965 й.) вокал поэмаси, 1972 йил Ҳ.Ғулом сўзига ёзилган «Муборакбод» 5 қисмли кантата (болалар хор жамоаси ҳам қатнашади), 1972 йил Миртемир сўзига солист, хор ва рақс жамоалари учун ёзилган «Альёр» вокал хореографик сюитаси, 1973 йил Э.Воҳидов сўзига солист, хор ва симфоник оркестр учун «Ўзбекистон» поэма-кантатаси, 1975 йили Т.Тўла сўзига «Ғалаба» ораторияси ёрқин мисол бўла олади. Шу номли 1945 йилда ёзилган мусиқа асосида яратилган мазкур оратория биринчи гал А.Навоий номидаги опера ва балет жамоаси томонидан кўтаринки руҳда муваффақиятли ижро этилди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, 1950-1970 йилларда Республикада ҳар йили оммавий хор, кўшиқ байрамлар ўтказилар эди. Байрамни ўтказишда хор жамоаларининг бирлашмасидан ташкил топган 50 минглик хор, бошқа композиторларнинг асарлари қаторида С.Юдаковнинг «Мирзачўл», 1955 йилдан бошлаб «Менинг Ватаним» асарлари мунтазам ижро этилар эди. 1972 йилдан бошлаб «Альёр» вокал-хореографик сюита ҳам энг кўп ижро этиладиган асарлар қаторидан муносиб ўрин олди.

С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши» номли биринчи ўзбек комик операси унга катта шуҳрат келтирди. 1958 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат катта Академик опера ва балет театрида сахна юзини кўрган мазкур опера театрнинг асосий репертуарларидан бири бўлиб, ҳозирга қадар ижро қилинмоқда. Ҳамзанинг шу номли комедияси асосида С.Абдулла ва М.Мухамедовлар либреттосини тайёрлашган. Бу опера 1959 йили Москвада ўтган Ўзбекистон адабиёт ва санъатининг 10 кунлигида Большой театрда сахна юзини кўрган. Тез орада Москва давлат “РОМЭН” лўлилар театри рус

тилида операни томошабинларга ҳавола этди ва узоқ йиллар давомида театр репертуарида сақланиб келди. 1960-йилларда мазкур опера Бошқирдистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Самарқанд опера ва балет театрларида ҳам сахна юзини кўрди ва катта муваффақият қозонди. 1974 йили эса Польшани Лодзь шаҳри опера ва балет театрида ҳам томошабинлар қизгин кутиб олдилар. Операнинг биринчи ижрочилари: Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Жамол Низомхўжаев, Ҳусан Исмоилов, Михаил Давидовларнинг ижрочилик амплуалларида янгилик бўлди. Улар ижросида комплект граммофон пластинкалар миллион нусхада чоп этилди. Шунини айтиш жоизки, бутун дунёда яратилган энг машҳур опералар тўғрисида “Танланган 100 опера” номли китобда С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси ҳам тилга олинган. Мазкур опера биргина композиторга эмас, бутун Ўзбекистоннинг замонавий мусиқий маданиятига ҳам шуҳрат келтирди.

С.Юдаков 1970 йилларда Шарқда машҳур бўлган, латифа саркардаси Насриддин Афандига бағишлаб «Нариддин Афандининг ёшлиги» номли балет яратган эди. Балетнинг премьераси 1997 йилда Навоий номидаги Давлат академик катта опера ва балет театри жамоаси ижросида бўлиб ўтди ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Композитор С.Юдаков Р.Ҳамраев ва М. Мелькумовлар билан ҳамкорликда «Оқ йўл» мусиқали комедиясини яратди. «Шоҳи сўзана» (А.Қаҳҳор пьесаси), «Ганга қизи» (Р.Тагор асари), «Зухранинг мактуби», «Фурқат» драма спектаклларига, «Қачон атиргуллар очилади», «Темирчининг байроғи», «12-соатли ҳаёт» кинофильмларига мусиқа басталади. Унинг қалами остидан «Хоразмча байрам юриши», «Тантанавор увертюра», «Ёшлар поэмаси», «Фестиваль увертюраси», «Хореографик сюита» каби симфоник мусиқалари симфоник оркестрлар репертуарларидан муносиб ўрин олган. Композиторнинг симфоник мусиқий асарлари орасида она хотирасига бағишланган, мунгли «Поэма-рапсодия» алоҳида ўрин тутади. У бир талай камер-чолғу ансамбль ва оркестрларга ҳам асарлар яратди.

С.Юдаков кўп қиррали ижодий ва жамоатчилик фаолияти билан Ўзбекистон мусиқа маданиятининг ривожланиш жараёнига улкан ҳисса қўшди ва бой мусиқий мерос қолдирди. Унинг буюк хизматлари орденлар, медаллар билан, «Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган санъат арбоби» ва «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлар билан тақдирланган. С.Юдаков Давлат ва Республика давлат мукофотларининг совриндори.

РАВШАН ЮНУСОВ (1949)



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик номзоди, Ўзбекистон давлат консерваторияси шарқ музыкаси кафедраси профессори Равшан Юсупович Юнусов етакчи муסיқашунослардан биридир. У ўқитувчилик, илмий-ижодий ва ташкилотчилик фаолияти билан муסיқа маданиятини юксалтириш жараёнида маънавиятимизни бойитиш, миллий кадриятларимизни тиклаш ва асрий эзгу ниятларимизни рўёбга чиқаришда ҳормай-толмай хизмат қилиб келмоқда.

Юнусов Равшан Юсупович 1949 йилнинг 20 июлида Тошкентда туғилди. 1964 йили Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимига ўқишга кирди. 1969 йили Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетига қабул қилинди.

1974 йили консерваториянинг аспирантурасига кирди. Мақом санъатининг билимдони, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Исҳоқ Ражабов илмий раҳбарлигида изланишларини давом эттирди. Устози раҳбарлигида мумтоз мақом санъати асосларини ўрганди ва ўқишни битиргач, шу масалада изланишларини давом эттирди. “Черты общности и различий в макомах и мугамах” номли ўзбек ва озарбайжон халқларининг мумтоз муסיқа меросининг қиёсий таҳлилига бағишланган номзодлик диссертациясини ёзиб, 1983 йили уни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Р.Юнусов меҳнат фаолиятини болалар муסיқа мактабида дарс беришдан бошлади. У 1969-1974 йиллари болалар муסיқа мактабларида ўқитувчи, 1978-1981 йилларда консерваториянинг халқ муסיқаси кабинети мудирини, 1979-1983 йилларда консерваториянинг Шарқ муסיқаси кафедраси ўқитувчиси, 1983-1987 йиллари композиторлик-муסיқашунослик факультети декани, 1989-1992 йиллари муסיқа тарихи кафедраси мудирини, 1992-1996 йиллари илмий ишлар бўйича проректор, 1996-1997 йилларда Ўзбекистон

Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари, 1997-2002 йилларда Тошкент давлат консерваторияси ректори, 2002-2010 йилларда мусикий шарқшунослик кафедраси мудир, 2000-йилдан кафедра профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. 1995 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг 10 курултойида ҳайъат аъзоси ва жамоатчилик асосида раис ўринбосари вазифасига сайланган.

Р.Юнусовнинг ишлари турли мавзуларда, ўзбек ва рус тилларида ёзилган монография, рисола, ўқув қўлланма, 100 га яқин мақола, тақриз ва ўқув дастурларидан иборат. Улардан айримларининг номларини эслатиб ўтамиз: «К проблеме узбекско-азербайжанских музыкальных связей» («Элм», Боку, 1977 й.), «Озарбайжон муғомлари» («Сов.Ўзбекистони санъати» журн. № 10.1978 й.) «Некоторые черты цикличности в макомах и мугамах» маъруза («Мецниереба», Тбилиси 1978 й.), «Структурные особенности макомов и мугамов» («Вопросы музыки и эстетики», сб. 639, Ташкент, 1980 г.), «О сравнительном изучении макомов и мугамов» (изд.Г.Гулям, 1981г.), «Мақомлар хусусида» («Билим» жамияти, Т. 1982 й.), «О параллелях и макомате и мугамате» («Вопросы музыковедения Узбекистана», Ташкент, 1982 г.) «Мақом асослари» курси дастури (А.Кушаев билан ҳаммуаллифликда педагогика институтлари мусиқа факультетлари учун, Тошкент, 1982 й.), «Нодир санъат кўриги» («Тошкент ҳақиқати» газ. 1983 йил 1 февраль), «Черты общности и различий в макомах и мугамах» (авторреферат кандидатской диссертации, Ташкент, 1983г.), «К изучению макомно-мугамных жанровых соотношений» («Вопросы теории истории и исполнительства в музыке Узбекистана», Ташкент, 1984 г.), «Халқ бойлиги» («Ўзбекистон маданияти» газ. 1979 й.), «Очиқ хат» («Сов.Ўзбекистони санъати» журн. № 5, 1985 й.) «Мусиқавий тил билан» («Тошкент ҳақиқати» газ. 1987 й. 2 сентябрь), «Фаттоҳхон Мамадалиев куйлайди» («Тошкент ҳақиқати» газ. 1988 й. 3 январь), «Новая жизнь макомных традиций» («Мелодия» № 2, журн. Москва, 1988 г.), «Мусиқа, давр, тингловчи» («Тошкент ҳақиқати», газ. 1988 й., 2 декабрь), «Нафосат маскани» (газ. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 й. 16 декабрь), «Навқиронлик» Ҳабибулло Раҳимов ижодий қиёфасига бир назар, («Санъат» журн. № 9,1990 й.), «Макомы и мугамы. К типологии жанров узбекской и азербайжанской профессиональной мелодии» монографияси, изд. «Фан», 1992г.), «Навоий ғазаллари

Ф.Мамадалиевнинг мусиқий талқинида» («Гулистон» журн. № 5, 1996 й.), «Қўшиқми ё ашула» («Гулистон» № 2, журн. 1997 й.), «Мирсодиқ Тожиев ва ўзбек симфонияси» (Мусиқа ижодиёти масалалари, Т. 1997й.), А.Назаров билан ҳаммуаллифликда «Бухоро-Шарқ дурдонаси» (ўзбек, инглиз ва рус тилларида. Т. 1997 й.), «Исҳоқ Ражабов — XX аср мақом алломаси» (Санъатшунослик масалалари. Илмий мақолалар тўплами, Т. 1998 й.), «Шашмақом тароналари хусусида» (Мусиқа ижрочилиги ва педагогикаси масалалари, тўпلام № 1, 1999 й.), «Жаҳон андозаларидаги мусиқий қадриятларимиз» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ. 1998 й. 18 сентябрь), «Ўзбек халқ мусиқа ижоди», ўқув қўлланма, иккинчи қисм («Зиё чашмаси», Т., 2000 йил), «Миллий истиқлол мафкураси ва мусиқий жараён» («Мусиқа ижодиёти масалалари, 2-тўпلام. «Янги аср авлоди», Т.,2002 йил), О.Иброҳимов ва Ф.Кароматли билан ҳаммуаллифликда «Халқ мусиқа ижодиёти», «Мумтоз анъанавий касбий мусиқа» мақолалари («Ўзбекистон санъати», 1991-2001 йиллар, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2001 й.). Шунингдек, Х.Азимовнинг «Фортепиано дарслиги» (Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1998 й.); Ф.Мамадалиевнинг «Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари» (Т., «Янги аср авлоди», 2001 й.) мақолалари нашр этилган. «Шашмақом чолғу йўллари» — 5 та альбомга аннотациялар (Т., 1987-1994) «Шашмақом ашула йўллари: Бузрук мақоми альбомига аннотация (1992й.), “Фахриддин Содиков” монографияси (Т.,2005), Миллий энциклопедияда “Мақом”, “Мақом ансамбли” мақолалари, “Мақом ва муқом жанрлари қиёсига доир” (Санъатшунослик масалалари. II, Т.,2005), “Фаттоҳхон Мамадалиев ижодида мақом анъаналари” (Шашмақом анъаналари ва замонавийлик (Т., 2005), “О Жанровостилевых особенностях научного симпозиума «Мир мугама»” (Озарбайжон, инглиз, рус ва араб тилларида. Баку. 2009), “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”. II қисм. (Т., 2000), “Солфеджио” дарслиги (Т., 2004) ўқув қўлланмалари ва бш.

Р.Юнусов Ўзбекистон композиторларининг ижодига бағишланган аннотациялар, буклетлар ҳамда номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилувчиларга оппонент, тақризлар муаллифидир. Шу жумладан Абдулазиз Ҳошимов, Оқилхон Иброҳимов, Салоҳиддин Муҳаммад Ҳасан, З.Зафарова, С.Райимбергенова, Е.Алкон каби олимларнинг камолотга етишида ҳиссаси катта. Айниқса, унинг ўзбек мусиқа мероси, мақом,

бастакорлик ижодига бағишланган радио ва телевизион туркумлари мухлислар томонидан илиқ кутиб олинган.

Р.Юнусов 1999 йилда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

МАТНИЁЗ ЮСУПОВ (1925-1992)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, созанда, хонанда, фольклоршунос, композитор Матниёз Юсупов XX аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. Унинг кўп дилрабо кўшиқлари, мусиқали драмалари, опера ва балетлари, симфоник ва вокал-симфоник, халқ чолғулари оркестри учун яратган асарлари халқ назарига тушди. Айниқса, «Хоразм мақомлари», «Ўзбек халқ мусиқаси»нинг икки жилддан иборат нота ёзуви тўпламлари унга шуҳрат келтирди. Ажойиб, хуштабиатли инсон, истеъдод соҳиби, санъаткор М.Юсупов эл юрт хурматиغا сазовор бўлди.

Юсупов Матниёз Абдулнийезович ўз ҳаёт йўлини қисқача, шундай таърифлаган эди: «Мен Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида 1925 йилнинг 1 январида таваллуд топдим. Отам Абдулнийез Юсупов санъатни жону дилидан севар, дутор ва танбур чертишни яхши кўрар, хонадонимизга санъаткорлар йиғилишиб, шеърий-мусиқий кечалар ўтказишар эди. 8 ёшимда ўрта таълим мактабига ўқишга бордим. Бўш вақтимда дутор ва ғижжакчилик билан шуғулландим. Устозим орқали Хоразмнинг машҳур санъаткорлари: Мадраҳим Ёқубов, Ҳожихон Болтаев, Матпано ота Худойберганов, Матёқуб Харратов, Куржи ота Авазматов, Худак ота (Худойберди Қурбон ўғли), Девон бобо (Отажон Абдуллаев), Матюсуф Харратов (Чокар), Жуманиёз Ҳайитбоев, Бола-бахши Абдуллаев, Қурбон ота Исломов, Хўжа ота Отажонов, Она биби - қори, Матёқуб ота Матжонов, Дўстжон ака Бобожонов ва бошқалар билан яқиндан танишдим, улардан жуда кўп нарсаларни ўргандим, айримлари билан келгусида бирга ишладим. 1940 йили Урганч шаҳрида машҳур санъаткор Ҳ.Болтаев раҳбарлигида миллий ансамбль ташкил топди. Устозлар ёнига мени ҳам ишга таклиф қилишди. 1943 йили Украина frontiдаги жангларда бир оёғимдан қаттиқ яраланиб уруш ногирони бўлиб

қолдим. У.Гаджибековнинг «Гўр ўғли» операсини тинглаб, томоша қилиб, унинг оҳанграбо мусиқасига маҳлиё бўлдим ва композитор бўлишни орзу қилдим. 1944 йили она диёримга қайтиб келдим. Ўзимга кадрдон миллий ансамбльда созанда ва хонанда сифатида ишлай бошладим. 1945 йилнинг июль ойида вилоят мусиқали драма театрига ишга таклиф қилишди. Бир йил ўтгач театрнинг мусиқа раҳбари қилиб тайинландим. Театрда машҳур созанда ва ҳофиз Комилжон Отаниёзов билан танишдим ва дўст бўлиб узоқ йиллар бирга ишладик. Театрда ишлаб юрган кезларим куй ва кўшиқлар ҳам басталашга интилдим, мақом санъатини устозлардан ўргандим. Лекин уларни нотага ёзишни билмас эдим. Ўқиш зарурият бўлиб қолди. Шу сабабли 1951 йили Комилжон Отаниёзов, Абдушариф Отажонов, Султон Ҳайитбоевлар билан биргаликда Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртига ўқишга кирдик. 1955 йили ўқишни муваффақиятли тамомлаб, ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирдик. Бу олий даргоҳда мен профессор Б.Надеждинда композициядан, А.Козловскийда чолғулаштириш бўйича сабоқ олдим. Тошкент мени профессионал композитор бўлиб етишишимда, шахсий ҳаётимда муҳим роль ўйнади.

М.Юсупов талабалик давридан бошлаб турли шакл ва жанрларда асарлар яратди. К.Отаниёзов ва Л.Степановлар билан ҳамкорликда «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» (А.Бобожонов пьесаси) мусиқали драмани яратишди ва Муқимий номидаги мусиқали театрда бу спектакль сахна юзини кўрди. Консерваторияни битириш арафасида у А.Бобожонов ва М.Муҳамедовларнинг либреттосига «Бўз ўғлон» операсининг муқаддима ва биринчи пардасини Навоий номидаги опера ва балет театрида сахналаштириб, диплом иши сифатида давлат имтиҳон комиссиясига тақдим этди. 1960 йили консерваторияни муваффақиятли битирди. 1960-1964 йиллари М.Юсупов фақат ижод билан шуғулланиб симфоник оркестр учун «Поэма», «Сюита», «Қаҳрамонлик увертюра»си, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Рапсодия», «Сюита», торли кватрет учун «Сюита», виолончель ва фортепиано учун «Соната», фортепиано учун пьесалар, учта мусиқали драма: «Ғазал фожиаси» (А.Бобожонов пьесаси), «Уч паҳлавон», «Қайдасан, ҳаёт» (Т.Собиров пьесалари), 1964 йилда эса Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри жамоаси композиторнинг Ҳ.Ғуллом либреттоси асосида ёзилган «Хоразм кўшиғи» операсини сахналаштирди. Мазкур операни

томошабинлар қизғин кутиб олишган эди. 1967 йили бу опера Москванинг Кремль саройида ҳам намойиш қилинган.

М.Юсупов 1956-1985 йилларда Урганч мусиқа билим юрти директори, М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси қошидаги «Лазги» ансамбли бадий раҳбари, Ўзбекистон радиоси муҳаррири бўлиб ишлади. 1985 йилдан умрининг охиригача А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти лавозимида талабаларга дарс берди.

М.Юсупов ижодида мусиқали драма ва кўшиқ жанри устувор аҳамият касб этади. У 1956-1990 йилларда: «Дил кўзгуси» (Ҳ.Ғулом пьесаси), «Республика ўт ичида», «Тун ва нохун» (Ю.Юсупов пьесалари), «Зухранинг жасорати» (Ҳ.Матрасулов пьесаси), «Тўғон» (О.Матчон пьесаси), «Муқаддас дарё» (Ҳ.Расулов пьесаси), «Миллионер ўғли» (Х.Исломов ва Ж.Тешабоевлар пьесаси), «Тунги фарёдлар» (М.Бобоев пьесаси) каби мусиқали драмаларнинг премьералари Муқимий номли республика давлат мусиқали театрида ва баъзилари Хоразм, Бухоро мусиқали драма ва комедия театрларида ўтди. Наманган театрида 1986 йил «Робиябону» (Н.Одилов пьесаси) мусиқали драмаси сахна юзини кўрди. Мусиқа жамоатчилиги 1974 йилда Самарқанд опера ва балет театрида сахналаштирилган «Гулсанам» (Ў.Умарбеков либреттоси) балетини, болалар учун ёзган «Алиқамбар» (О.Матчон либреттоси) ва «Чевар қиз» (М.Муҳамедов либреттоси) операларини қизғин кутиб олди.

Ўзбек кўшиқчилик анъанасини давом эттириб, М.Юсупов йиллар давомида турли мавзуларда юздан ортиқ жозибали кўшиқлар яратди. «Ўлка» (Ҳ.Олимжон шеъри), «Ўлкамизда ёз» (Миртемир шеъри), «Гулдаста» (А.Пўлат шеъри), «Орзу баҳорим» ва «Кўшиқ завқи» (П.Мўмин шеърлари), «Хуш келибсиз» ва «Севги сурури» (Н.Нарзуллаев шеърлари), «Гулираъно дерман» (Э.Самандаров шеъри), «Мағрур бўлсак» (Э.Охунова шеъри), «Тўй алёри» (З.Обидов шеъри), «Ёшлигим — қуёшлигим» (М.Карим шеъри) ва бошқалар шулар жумласидан.

М.Юсуповнинг кўшиқлари «Гулдаста» нота тўпламида 1985 йил чоп этилган, бир неча пластинкаларда ҳам ёзилган. Композитор акапелла хори учун ҳам бир неча кўшиқлар ҳамда йирик вокал-симфоник асарлар яратган. Унинг «Беруний боғлари» (Т.Тўла сўзи) ва «Туямўйин тароналари» (Э.Самандаров сўзи) вокал-симфоник сюиталари, «Тасанно ишчилар» (Ҳ.Ғулом сўзи) кантатаси хор, солист ва оркестр учун ёзилган асарлари олқишга сазовор бўлган. Ўзбек халқ

чолғулари оркестри учун «Лирик вальс», «Қаҳрамон шоввозлар» сюитаси, най ва оркестр учун «Фантазия», чанг ва оркестр учун «Концерт-рапсодия» ва бошқа яққа чолғулар учун ҳам асарлар яратди. 100 та ўзбек халқ куйи ва кўшиқларини фортепиано учун мослаштирди.

Композитор, фольклоршунос-олим М.Юсупов ижодий фаолиятида Хоразм халқ мусиқа мероси намуналарини нота ёзувига олиб, Юнус Ражабий чоп эттирган 9 томли «Ўзбек халқ мусиқаси» тўпламлари таркибига «Хоразм кўшиқлари» (VI-том 1960 й.), ва «Хоразм мақомлари» (VII- том 1962 йил, IX-том 1959 йил) номлари билан киритди. У 1980-1987 йилларда «Хоразм мақомлари» нота ёзувини қайта кўриб чиқиб тўлдириб, Илём Акбаров таҳрири остида чоп эттирди ва Республика Давлат мукофотига (1990 йил) сазовор бўлди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг 1962 йилдан буён аъзоси М.Юсупов сермахсул композитор, ижрочи ҳамда халқ мусиқасининг билимдони сифатида эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлди. У 1969 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони ва медаллар билан тақдирланган.

САРВАР ЮСУПОВ (1983)



Истеъдодли ёш бастакор Сарвар Мухамадалиевич Юсупов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига 2011 йилда қабул қилинган. У 1983 йилнинг 5 октябрида Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида таваллуд топган. 2002 йилда Фарғона давлат санъат билим юртининг фортепиано мутахассислигини, 2006 йилда Ўзбекистон давлат консерваторияси бастакорлик бўлимининг бакалавр босқичини, 2008 йилда магистратура босқичини проф. Ф.Алимов синфида тамомлаган. 2008-2010 йилларда А.Навоий номидаги Давлат академик катта театрида оркестр созандаси, 2010 йилдан Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театрида жўрनावоз вазифасида ишлаб келмоқда.

С.Юсупов талабалик йилларидаёқ ўзини илмга чанқоқ, янгиликларга ва ижод қилишга интилувчан шахс сифатида намоён этди. Унинг асарларида ўзбек миллий мусиқасининг барча хусусиятлари яққол намоён бўлиб туради. Талабалик даврида ёзган

торли кватрет (2003), фортепиано учун “Баллада” (2004), “Баҳром ва Дилором” симфоник поэмаси ва гобой учун “Сароб” пьесаси (2006), диплом иши сифатида тақдим этилган “Нажот кемаси” симфонияси ва овоз учун “Тановор” поэмаси (2008) асарлари С.Юсуповни композитор сифатида шаклланганлигини ва ўз овозига эгаллигини исботлади.

Мустақил ижодий фаолияти давомида турли жанрларга мурожаат қилиб ўсмир болалар учун “Бахтиёр ёшлар кўшиғи” (2012), ватанпарварлик мавзuida “Аскар кўшиғи” (Ҳ.Зиё, 2013), “Ватан мардлари” (З.Юсупова, 2013) каби асарларни яратди.

С.Юсуповнинг ижод марказини сахна асарлари ташкил этади. “Отабек ва Кумушбиби” (А.Қодирийнинг ўтган кунлар романи асосида, Ж.Жабборов инсценировкаси, 2006), “Матонат” (О.Хошимов асари, 2010), “Африка гўзали” (П.Меримэ асари, 2012), “Меъмор” (Э.Хушвақтов асари, 2013), Фарғона театри учун “Бошқача одамлар” (Охунжон Хошимов асари, 2010), Қарши театри учун “Яраланган оққуш ноласи” (Х.Рустамова асари, 2011) муסיқали драмалари, болалар учун “Хасис бой ва хизматкор” (З.Солиева асари) муסיқий эртаги Республика теартлари репертуарларидан кенг ўрин олди. Гогольнинг “Шинель” асари асосида пантомимаси (2011) ҳам ўзининг муסיқий тили билан эътиборни жалб этади.

2011 йилда “Замон қаҳрамони” мавзусидаги Республика театрлари фестивалида С.Юсуповнинг “Матонат” ва “Бошқача одамлар” спектакллариға ёзган муסיқалари “Энг яхши муסיқий безак” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

ДМИТРИЙ ЯНОВ-ЯНОВСКИЙ (1963)



«Грифон» мукофоти совриндори, ёрқин истеъдод соҳиби, композитор Дмитрий Янов-Яновский замонавий муסיқа ривожига улкан хисса кўшиб келаётган ижодкорлардан. У Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1986 йилда қабул қилинди.

Дмитрий Феликсович Янов-Яновский Тошкентда санъаткорлар оиласида 1963 йилнинг 24 апрелида таваллуд топди. 1970 йили В.А.Успенский номидаги махсус муסיқа мактабининг фортепиано синфига ўқишға кирди. Юқори синфларда

мусиқа басталашга қизикди ва композициядан сабоқ ола бошлади. Мазкур мактабни 1981 йили битириб, Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирди. Отаси профессор Ф.М.Янов-Яновский синфида мутахассисликдан таҳсил олди. Турли шакл ва жанрларда мусиқа ёза бошлади, ижодий изланди. Йилдан-йилга композиция техникасини ва касб маҳоратини оширишга ҳаракат қилди. Турли якка чолғуларга, ансамбль ва оркестрларга, спектакль ва мультфильмларга мустақил равишда мусиқа басталади. Талабалик даврида фортепиано учун «Образы», «Картины Черлениса», «Сонатина», «Импровизация и токката», скрипка ва урма чолғулар учун «Соната № 1», скрипка ва фортепиано учун 2 та «Соната № 2 ва № 3» (1981 -1982 й.), фортепиано ва торли оркестр учун «Концерт № 1» (1983й.), виолончель ва урма чолғулар учун «Концерт» (1981 й.), дамли чолғулар квартетига прелюдия ва токката», сопрано овози ва фортепиано учун инглиз халқ шеърларига «Овоз туркуми» (1982 й.), олтита бас учун овоз, фагот, фортепиано, орган ва зарбли чолғулар учун «Ламентация», Шарқ шоирлари шеърларига «Овозли ва чолғу туркум» (1983 й.), иккита флейта, маримба, вибрафон, челеста ва фортепиано учун «Тихая музыка» (1984 й.), овоз, фортепиано, труба, гитара ва занг чолғулари учун шоир Ф.Г.Лорка шеърларига «Лунные песни» туркуми (1984 й.), учта яккаҳон ва оркестр учун А.Пушкин асари асосида «Сцены из Фауста» (1985 й.), сопрано овози ва фортепиано учун А.Ахматова шеърларига «Anni Domini» туркуми (1985 й.), Тошкент Рус драма театрида сахна юзини кўрган «История и сказки Королевской площади» (реж. И.Марков, 1982 й.) ва «Чайка» (реж.М.Файль, 1986 й.), «Илҳом» театри сахнасида қўйилган «Эквус» (1984й.), «Вагончик» (реж. Н.Абдурахмонов, 1986 й.), «Дом, которые построил Свит» (реж. М.Вайль, 1985й.) каби спектаклларга, «Золотой лист» (реж. Г.Нуғмонов, 1985 й.), «Давай меняться» (реж. Д.Валиев ва Г.Нуғмонов, 1984 й.), «Сад хризантем» (реж. Н.Смирнов, 1986 й.), «Я рисую сказку» (реж. А.Собиров, 1986й.) каби мультфильмларга басталаган мусиқасини жамоатчилик самимий кутиб олди. Москвада ўтказилган ёш композиторлар кўрик-танловида Д.Янов-Яновский «Мастера» (В.Вознесенский шеъри) монокантатаси учун учинчи даражали мукофот (1981 й.) ва «Торли квартет» учун (1985 й.) биринчи даражали мукофотга сазовор бўлди.

Дмитрий Янов-Яновский 1986 йили консерваторияни аъло даражали диплом билан битирди. 1986-1987 йиллари ички ишлар

кўшинларининг дамли чолғулар оркестрида ҳарбий хизматни адо этди. 1987-1991 йилларда фақат ижод билан банд бўлди. 1991-1996 йилларда В.А.Успенский номидаги махсус муסיқа мактабида композиторлик мутахассислигидан сабоқ берди. 1995-2006 йилларда Д.Янов-Яновский Тошкентда ўтказилган “Илхом-XX” Халқаро замонавий муסיқа фестивалининг ташкилотчиси, бадиий раҳбари ва Ўзбекистон давлат консерваториясининг композиторлик ва чолғулаштириш кафедрасида фаолият олиб борди.

Композитор 1986 йили Олмаотада ўтказилган кинофестивальда «Золотой лист» мультфильмига басталаган муסיқаси учун «Соврин», 1991 йили Швейцариянинг Фрибуре шаҳрида «Энг яхши диний асар учун» ўтказилган жаҳон кўрик-танловида сопрано овози ва торли кватрет учун «Асгутоза» асари 2-мукофотга сазовор бўлди. 1992 йили АҚШнинг Бостон шаҳрида ўтказилган «ALEA III» халқаро композиторларнинг энг яхши асарлари учун кўрик-танловида камер ансамбль ва магнит лентаси учун «Предчувствие» асари Бош совринга сазовор бўлди. 1992 йили Франция шаҳрида ўтказилган халқаро кинофестивальда композиторнинг «Камни» (реж. Д.Файзиев) кинофильмига ёзган муסיқаси «Энг яхши киномуסיқа учун» номинациясига сазовор бўлди. Унинг яратган муסיқаси 1993-1994 йилларда Данияда Лерхенбург муסיқа фестивалида, 1994 йили Швециянинг Стокгольм муסיқа фестивалида, 1994 йили Лондонда «Алмейда» муסיқа фестивалида, 1994 йили Шлезвич-Гольштейн муסיқа фестивалида, 1995 йили Ўзбекистон киночилар уюшмасининг «Грифон» мукофотида, отаси Ф.М.Янов-Яновский билан ҳамкорликда «История ислама» кўп серияли мультфильмига ёзган муסיқаси учун Бош мукофотга сазовор бўлдилар. 1997 йили Д.Янов-Яновскийнинг танланган муסיқий асарларидан «Harmonia Mundi» ва «Chant du Monde» (Франция) нашриётлари компакт диск чоп эттирдилар. 1998 йили эса Рим ва Турин шаҳарларида (Италия) композиторнинг муаллифлик концерт-кечалари ўтказилди. 1999-2000 йилларда Милан ва Париж консерваторияларида мастер-класс дарсларини ўтди.

Д.Янов-Яновский ижодида симфоник, камер-симфоник оркестрлар, камер-чолғу-вокал ансамбллар ва кинофильмларга муסיқа басталаш устун туради. У ўтган йиллар давомида, фортепиано ва симфоник оркестр учун «Sotto voce» (1986 й.), камер оркестр учун «Ритуал» (1994 й.), торли кватрет ва симфоник оркестр учун «Соприкосновение» (Schirmer нашриётида 1995 йили чоп этилган),

овоз, раққосалар ва 10 та чолғучи созанда учун «Нить» (У.Хайём шеърлари, 1990 й.), виолончель учун Соло «Мадригал», чанг учун Соло «Chang-musik-1», иккита фортепиано учун «Chang-musik -2», флейталар учун «Фрагменты жизни птиц», (1991 й.), торли трио учун «Chang-musik -3» (1992 й.) флейталар, гобой, шишали гармоника, альт ва виолончель учун «Звучащая темнота» (1992 й.), торли квартет учун «Chang-musik-4», 12 чолғучи созанда учун «Камер мусиқа» (1993 й.), торли квартет учун «Chang-musik -5» (1994 й.), оркестр учун «Ритуал», 6 та урма чолғу асбоблар ва торли оркестр учун «Такыр», торли квартет, оркестр ва магнитофон лента ёзуви учун «Пересечения» (1995 й.), 3 та аёллар овози, флейта, гитаралар, виолончель ва фортепиано учун «Come and Go» (С.Баккет сўзи), этюд, флейта, скрипка, сопрано-овози, урма чолғулар, орган ва фортепиано учун «Колыбельная для Хайдальберга» 1996 й., Меццо-сопрано ва торли квартет учун «Посвящение Густаву Малеру» (Ф.Рюккер т сўзи), скрипка ва торли ансамбль учун «Lux aeterna» вокал ансамбль ва бас кларнет учун «Ad amorem» (1997й.), «Кўшиқлардан кўшиқ», клавесин ва камер ансамбль учун «Предопределение» (М.С.Эшер асари орқали), клавесин, чанг ва магнитофон лентаси учун «Музыка сноведений» (1999 й.), орган учун «Эльф и Зеркало» пантомимаси, фортепиано учун «Аллюзии и воспоминания», виолончель, 9 та турли чолғулар ва магнитофон лента учун «Голос в листве» тунли мусиқа (2000-2001й.), фортепиано учун «6 та Силуэт» (2001 й.), фортепианода 4 қўл учун «Шесть утеранных вальсов Шопена» (2002), Э.Лир сўзига баритон ва ансамбль учун «Limericks» (2003), М.Цветаева сўзларига меццо-сопрано ва 6 та чолғу учун «Бессоница» вокал туркуми (2003), Клавишли (орган, клавесин, фортепиано) ва торли чолғулар учун Концерт (2004-2005), флейта, кларнет, фортепиано, скрипка ва виолончель учун «A-S-C-H» (2004), фортепиано ва урма чолғулар учун «Фрагменты из дневника» (2005), 4 та чолғу учун «Звучащая минута» (2006), кларнет, скрипка, метроном ва маримба учун «100 нот памяти Д.Л.» (2008), 9 та чолғу учун «Дивертисмент» (2009), гитара учун «Маленькая ночная лютневая музыка» (2009) каби кўпгина асарлар бунёдга келди.

Бугунга қадар композитор 40 дан ортиқ бадий, телефильм, анимацияли ва хужжатли кинофильмларга мусиқа ёзди. Жумладан, «Концерт» (реж. Г.Нугманов), «Манкурт» (реж. С.Никитин), «У лужи» (реж. С.Алибеков) (1990 й.), «Девочка со спичками» (реж.

С.Никитин, 1992й.) мультфильмларига, «Судный день» (реж. Д.Абдуллаев, 1991й.), «В.Багдаде всё спокойно» (Ирисфильм, 1992й.), «АмирТемур» (реж. Бсадиқов ва И.Эргашев), «Единственная память» (реж. Р.Назармухамедов), «Воиз» (реж. Ю.Розиқов, 1999 й.), «Феллини» (реж. Н.Аббасов), «Чаёнгул» (реж. С.Назармухамедов, 2000 й.), «Пари Момо» (реж. М.Ражабов), «Бахт қадри» (реж. Ю.Собитов), «Гран», «Ал-Бухорий», «Бухоро», «Пятая Графа», «Чёрный панель», «Конец века Ташкент», «Весна в Ташкенте» ва бошқа кинофильмларга мусиқа басталади. «Созвездие Омара Хайяма» (1997й.), «Холстомер», «Кабала Святош», «Отель Вавилон», «Принцесса Турандот», «Язык птиц», «Тартюф», «Человек-ящик», «Из жизни насекомых» каби 20 га яқин сахна асарларига мусиқа басталади. Асарлари Тошкент, Исроил, АҚШ, Германия театрларида сахна юзини кўрди. Меццо сопрано овози, драма актёри ва оркестр учун «А Джо» (С.Беккет пьесаси, 2001), 4 та солист ва камер ансамбль учун бир кўринишли “Филип Гласс покупает буханку хлеба” (Д.Айвз пьесаси асосида, 2010) камер операларини яратди.

НАТАЛЬЯ ЯНОВ-ЯНОВСКАЯ (1934)



Санъатшунослик фанлари доктори, профессор, мусиқашунос Янов-Яновская Наталья Соломоновна 1967 йилдан буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси. Забардаст мусиқа тарихнависи, кўп қиррали олима, республикамиз мусиқа ҳаёти ва санъатшунослик фани ривожланиши жараёнида фаоллик кўрсатмоқда. Унинг «Музыка узбекского кино и киномузыка», «Узбекская симфоническая музыка», «Икрам Акбаров», «Муталь Бурханов. Время, жизнь, творчество» каби композиторларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган монографиялари, замонавий профессионал мусиқанинг турли мавзу, долзарб масала ва муаммоларига бағишланган 200 дан ортиқ мақола, тақриз, оммабоп, маъруза матни ва илмий чиқишлари билан республикамизнинг маданий ҳаётига ва ўзбек санъатшунослик фанига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Янов-Яновская (Левина) Наталья Соломоновна 1934 йилнинг 31 майида Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги ҳарбий муҳандис оиласида таваллуд топди. Наталья 1952 йили Самарқанддаги

умумтаълим мактабини олтин медаль билан битириб, Тошкент давлат чет тиллар институтига ўқишга кирди. Тошкентга ўқишга келган йили консерваториянинг кечки курсида ҳам ўқиди. 1953 йили консерваториянинг муסיқашунослик факультетига ўқишга кирди. 1958 йили профессор С.М.Векслер раҳбарлигида диплом ишини ҳимоя қилиб муваффақиятли битирди.

Н.Янов-Яновская ўқишни битиргандан сўнг меҳнат фаолиятини Ўзбекистон радиосининг чет эл бўлимида катта муҳаррирликдан бошлади. 1960-1992 йилларда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлади. 1966-1987 йилларда у консерваторияда муסיқа назарияси фанидан дарс берди. Н.Янов-Яновская 1966 йили «Музыка узбекского кино» мавзуида ёзган диссертацияни ҳимоя қилиб санъатшунослик фанлари номзоди ва 1984 йили «Узбекская симфоническая музыка» мавзусида ёзган диссертациясини ҳимоя қилиб, санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. 1990-2010 йилларда консерваторияда доцент, профессор сифатида ишлади. 2009-2014 йилларда консерватория қошидаги Илмий тадқиқот марказида етакчи илмий ходим лавозимида фаолият юритди.

Н.Янов-Яновская илмий асарлари: “Музыка узбекского кино и киномузыка” (Фан. Т., 1969г.), «Узбекская симфоническая музыка» (Ғ.Ғулом, Т., 1979й.), «Икром Акбаров» (Г.Ғулям, Т. 1990 г.), «Муталь Бурханов. Время, жизнь, творчество» (1999 й.), “Узбекская музыка и XX век” (Т., 2007), “Памяти наших учителей” (Я.Янов-Яновский ва Д.Янов-Яновский билан ҳамкорликда. Т., 2010) монографиялари, муסיқа санъатига боғлиқ қуйидаги тўпламларнинг айрим бобларини ёзди. Жумладан, «История узбекской сов.музыки» уч томли китобдаги биринчи, иккинчи ва учинчи бобларни; «История музыки Средней Азии и Казахстана»да учинчи, тўртинчи ва бешинчи боблари; «История музыки народов»да олтинчи боб; «История и современность»да «Инструментальный концерт в Узбекистане» мақоласи (Москва, 1972 й.), «Сов.музыкальная культура» китобида «Макомы и узбекская симфоническая музыка», Москва. 1980 й., «Сов. музыка на современном этапе» тўпламида «О национальном стиле современной узбекской симфонической музыки» мақоласи (Москва. 1981г.), «Музыкальная культура братских народов» тўпламида «Пути освоения жанра» мақоласи (Киев, 1982й.), «Музыка народов Азии и Африки» тўпламида «У истоков многоголосия в

узбекской музыке», мақоласи, (4 китоб, 1984 й.), «Борбад и художественные традиции народов Центральной и Передней Азии» тўпламида «К вопросу о «Восточном симфонизме» мақола-маърузаси (Душанбе. 1990й.), «Культура Среднего Востока» тўпламида «Национальные традиции и современное симфоническое творчество» мақоласи, Тошкент. 1992 г., «Общественные науки» журналининг 5-ва 6-сонларида 1992 йилда «О современном этапе развития узбекской музыкальной культуры» мақолалари, «Традиции и новаторство в искусстве Центральной Азии» тўпламида «О путях формирования узбекской композиторской школы (На примере стилей) И.Акбарова и М.Бурханова» мақоласи (Т.,1995й.), Мустақиллик ва маънавий тараққиёт китобида “Узбекское музыковедение последнего десятилетия XX века: обретения, проблемы” мақоласи (Т., 2001), “Музыка ижодиёти масалалари” тўпламида “Музыкашунослик муаммоларига бир назар” (Ф.Кароматли билан ҳамкорликда) мақоласи (Т., 2002), “Европейский театр в исламском мире: постсоветские трансформации в театральном искусстве Центральной Азии” китобида “Узбекская опера как явление интертекста” мақоласи (Т., 2003), “Традиционное и современное искусство Казахстана и Средней Азии” тўпламида “Теория интертекста в ее проекции на восточную музыку” мақоласи (Олмаота, 2004), “Ўзбекистон санъатида маданият толерантлик ва анъаналарнинг ўзига хослиги” тўпламида “Проблемы музыкального времени и пространства в контексте диалога культур” мақоласи (Т.,2005), “Санъатшунослик масалалари”нинг II – тўпламида “В поисках научной истины” мақоласи (Т.,2005), “Процессы реформирования музыкального образования” китобида “К вопросу об историзме мышления” мақоласи (Т.,2009) чоп этилди. Англияда 2000 йилда нашр этилган «Музыка энциклопедияси» китобига Марказий Осиё композиторларининг ижодий фаолиятини ёритган 24 та мақола, Москвада чоп этилган журналга Н.Янов-Яновская 40 дан ортик илмий мақола ёзди.

Н.Янов-Яновская тинмай ижодий меҳнат қилиб, республикамиз музикаий илмий обрўсини кўтаришда жонбозлик кўрсатмоқди. У 1972 йили музикашунослар кўриктанловида 1 даражали дипломга сазовор бўлди.

Янов-Яновская Наталья Соломоновна кўп йиллар мобайнида консерваторияда педагоглик фаолиятини олиб бориб бир қатор ёш музикашунос мутахассисларни тарбиялашда жонбозлик кўрсатди.

Н.Янов-Яновская раҳбарлигида ўнлаб талабалар диплом ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Улар республикамизда ва чет элларда фаолият кўрсатмоқдалар. 2000 йилларга қадар устоз раҳбарлигида муסיқашунослар С.Воҳидов, З.Мирҳайдарова, С.Мирхўжаева, Н.Ҳасанова, О.Беков (Ўзбекистон), Е.Осипова (Туркманистон), И.Н.Захарченко (Қозоғистон), Л.Назарова (Тожикистон), А.Н.Жешинский (Қирғизистон) санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасига муваффақ бўлдилар.

Шу билан бирга диссертация ёқловчиларга оппонентлик қилди. У Санъатшунослик илмий тадқиқот институти таркибидаги ихтисослашган кенгашнинг 1981 йилдан буён аъзоси. 1992-1998 йилларда Ўзбекистон Олий Аттестация комиссияси кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг муסיқашунослик ва танқидчилик комиссияси раиси, 2003-2005 йилларда Олмаотадаги М.Ауэзов номидаги тил ва адабиёт институти қошидаги диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича махсус кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Н.Янов-Яновская 1991-1992 йилларда Халқаро таржимаи ҳоллар марказининг (Кэмбридж, Англия) ва 1993 йили Америка таржимаи ҳоллар институтининг (Шимолий Каролина) «Йил аёли» номинацияларига сазовор бўлган.

Наталья Соломоновна муסיқа санъатининг ривожланишидаги хизматлари учун 2001 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

ФЕЛИКС ЯНОВ-ЯНОВСКИЙ (1934)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваториясининг бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси профессори, композитор Янов-Яновский Феликс Маркович Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1963 йили лирик, оҳангдор, ранг-баранг, жозибали муסיқа асарлари билан кириб келди. У ўз ижодий услубини топиш йўлида жаҳон классик композиторларининг услубий анъаналарини ва XX асрда бунёдга келган муסיқий оқимларни, миллий маданият манбаларини синчковлик билан кузатди, ўрганди ва ўз ижодий услубини топиб олди.

Янов-Яновский Феликс Маркович 1934 йилнинг 28 майида

Тошкентда таваллуд топди. Болалигидан скрипка чалишга қизикди. У 1941 йилдан В.А.Успенский номидаги махсус музика мактабининг скрипка синфида ўқиди. 1952 йили Тошкент давлат консерваторияси оркестр чолғулари факультетининг скрипка синфида профессор Н.Е.Бронфмандан сабоқ ола бошлади, 1953 йилдан бошлаб, бир пайтда профессор Б.Б.Надеждин синфида композициядан ўқиди. Ф.Янов-Яновский 1957 йили скрипка, икки йилдан сўнг композиция бўйича консерваторияни муваффақиятли битирди.

Истеъдод соҳиби композитор Ф.М.Янов-Яновский меҳнат фаолиятини талабалик давридан бошлади. У 1954-1956 йилларда рус драма театри оркестрида скрипка чалди. 1956-1964 йилларда М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестрида, 1964-1968 йилларда Ўзбекистон радиоси қошидаги торли кватетда, 1957-1961 йилда консерваториянинг камер синфида концертмейстер лавозимида, 1961 йилдан буён бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, 1977 йилдан доценти, 1988-2014 йилларда профессор лавозимларида, 1974-1980 йилларда музикашунослик ва композиторлик факультети декани ва 1979-1986 йилларда бастакорлик кафедраси мудири лавозимларида ишлади.

Унинг ижодкорлик фаолияти ҳам талабалик йилларидан бошланди. Шу даврда яратган кўп асарлари орасида «Симфониетта» (1955й.) ва Г.Х.Андерсеннинг «Дюймовочка» эртақ-спектаклига (1956й.) басталаган музикаси машҳур бўлди. Композитор ўтган йиллар давомида мустақил равишда баракали ижод қилди ва умум оврўпа музикаий интонацион доирасида музика басталади. Шу билан бирга ўзбек халқининг анъанавий музика меросига мурожаат қилиб, ғижжак ва фортепиано учун «Прелюдия ва фугетта», чанг ва фортепиано учун 3 та пьеса, ғижжак, альт-ғижжак ва фортепиано учун иккита пьеса, ғижжак ва фортепиано учун «Сюита», ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Алла» каби асарларни яратди, бир неча халқ куйларини оркестр учун қайта ишлади.

Ф.Янов-Яновский музиканинг барча жанрларида баракали ижод қилмоқда. Масалан, йирик жанрда - скрипка ва симфоник оркестр учун учта «Концерт» (1961, 1976, 1992й.) ва «Концерт сюитаси» (1962й.), торли кватет ва камер оркестр учун «Concerto grosso №1» (1969), симфоник оркестр учун «Концерт» (1973й.), фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концертино» (1978й.), скрипка, альт, виолончель ва торли оркестр учун «Оддий концерт»

(Concerto grosso № 2, 1989й.), гобой ва оркестр учун «Концерт» (1980й.), «Эпитафия» (1979й.), камер оркестр учун «Ларго ва скерцо» (1980й.), симфоник оркестр учун 1-(1982), 2-(1986), 4-«De Profundis»-(1990й.) симфониялари, баритон ва камер оркестр учун 3- симфония (1987), труба ва кичик оркестр учун икки қисмли «Концерт Dyplich» (1998й.), кларнет, фагот, корнет апистон, скрипка, виолончель ва урма чолғулар учун «Echo» (1999й.), симфоник оркестр учун «In tempo sostenuto» (2000й.) асарларини, камер-чолғу мусикада - виолончель ва фортепиано учун «Настроение» туркуми (1970й.), фортепиано учун «Концертино» (1978й.), флейта ва фортепиано учун пьесалар (1980й.), орган учун «Поэма-импровизация» (1986й.), флейта ва фортепиано учун «Вальс» (1985 й.), соло альт учун «Прелюдия ва фугетто» (1987 й.), фортепиано учун пьесалар, сонатина, «Брасс-квинтет» №1 ва №2 (1991,1994й.), торли квартет учун «Sostenuto» (1993 й.), флейта ва 14 чолғу учун “Муסיқа” (1995 й.), камер ансамбль учун «Муסיқа» (1995 й.), «Silhouette» (1996 й.), труба ва кичик оркестр учун «Diptich» (1998 й.), саксофон квартети учун «I-M-T» (2002), ансамбль учун «Lontano» (2003), инглиз сурнайи, 2 та саксофон, маримба ва контрабас учун «Music for five» кичик концерти (2004), ансамбль учун «Piano,piano...» (2004), 2- ва 3-торли квартетлар (2009), скрипка ва ансамбль учун “Discussion” (2010), виолончель ва фортепиано учун Соната (2011) ва бш.

Композиторнинг ижодида вокал-симфоник ва камер вокал мусика жанрлари ҳам мавжуд. Ўтган давр ичида у қуйидаги асарларни ёзди: овоз ва симфоник оркестр учун «Я слушаю время» поэмаси (Н.Браун сўзи, 1962й.), сухандон, хонандалар, хор ва симфоник оркестр учун «Голос» (Э.Межелайтис сўзи, 1968 й.) ва солистлар, эркаклар хори ва симфоник оркестр учун «Повесть о Чили» (Л.Аоагон, Э.Баркери, Г.Валькарсел, Ф.Г.Лорка, П.Неруда ва С.Альенде сўзлари, 1977 й.) ораториялари, «Элегия» (С.Фукао сўзи, 1973 й.) ва А.Орипов сўзига «Триптих», У.Хайём сўзига «Из поэзии Омара Хайяма» (1980 й.), А.Орипов сўзига «Поэтические строфы» кантатаси (1987 й.), У.Хайём рубоийларига, баритон овоз ва оркестр учун «Рубайат», яккахонлар, камер хори, орган ва камер ансамбли учун «Diesiae» (1994 й.), хонанда, хор ва оркестр учун «Рекием» (1997й.), А.Пушкин шеърларига, контр-тенор овози ва урма чолғулар учун «Приношение Баху», тенор овози ва ансамбль учун «De Ecclesiastes» (1999 й.), сопрано, меццо-сопрано овозлари, кларнет, вибрафон, скрипкалар, виолончельлар учун «Stabat Mater» (2000 й.),

хитой ва япон шоирлари шеърларига “Грустные песни” романслар туркуми (2005), антик шоирлар шеърларига сопрано, тенор ва ансамбль учун «Odi et amo» (2011) ва бошқалар.

Йиллар давомида Ф.Янов-Яновский турли мавзуларда ёзилган сахна асарларига мусиқа басталади. Масалан, Тошкент рус драма театри учун «Ещё раз о любви» (Э.Радзинский пьесаси, 1961 й.), «Сердце на ладони» (А.Шамякин пьесаси, 1966й.), «Три пилюли» (В.Иловайский пьесаси, 1967 й.). «Ревизор» (Н.Гоголь пьесаси, 1967 й.), «Конармия» (И.Бабель пьесаси, 1968 й.), А.Малахов билан ҳамкорликда ёзилган «Человек со звезды» (1969 й.), «Путешествие без багажа» (Ж.Ануй пьесаси, 1971 й.), «Дни тревог и надежд» (К.Ёрматов ва М.Мелкумов пьесаси, 1974й.), «Дон Карлос» (Шиллер пьесаси, 1974й.), Ёш томошабинлар театри учун «Конёк горбунок» (П.Ершов пьесаси, 1959й.), А.Малахов билан ҳамкорликда ёзилган «Журавлинные перья» (Киносита пьесаси, 1960 й.), Республика кўғирчоқ театри учун «Кто украд луну?» (Р.Фарходий пьесаси, 1983й.), «Как Качал-палван с фашистом воевал» (Н.Розимухаммедов пьесаси, 1985й.) спектаклларига мусиқа, С.Маршак либреттосига «Петрушка-иностранец» (1970 й.), «Оркестр» (Ануй либреттоси, 1991 й.), «Спасение...» (Ф.Ховревол либреттоси, 1999 й.), “Аккомпониатор” (М.Митуа либреттоси, 2001), “Принцесса на горошине” (Г.Х.Андерсен, 2009) операларини, “Урошима Таро” (2006) балетини, тенор, ансамбль ва раққосалар учун япон шоирлари шеърларига “Дивертисмент” (Времена года) яратди.

Композиторнинг ижодида кино мусиқаси ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У 2000 йилга қадар 45 тадан ортиқ бадий кинофильм, телефильм ва мультфильмларга мусиқа басталади. «Слепой дождь» (реж. А.Қобулов), «Этот славный парень» (реж. Э.Хачатуров, 1972 й.), «Мой добрый человек» (реж.Р.Ботиров, 1973й.), «Поклонник» (реж. А.Ҳамраев,1973 й.), «Ты — песня моя» (реж. А.Қобулов, 1975 й.), «Далекие близкие годы» (реж. К.Ёрматов, 1977й.), «Смысл жизни» (реж. Д.Салимов, 1987й.), «Вельд» (реж. Н.Тўлахўжаев, 1987 й.) бадий фильмлари, «Глазами друга» (реж. М.Зокиров, 1965 й.), «Кўғирчоқбоз» (реж. Л.Бобохонов, 1970 й.), «Лётное поле», «У самого синего небо» (реж. Л.Бобохонов, 1972й.), «Найти любимую» (реж. Ш.Жунайдуллаев, 1979 й.) телефильмлари, «Уста Салимжон» (реж. А.Аҳмадхўжаев, 1974 й.) хужжатли фильми, «Солнечный луч» (1970 й.), «Мал да удал» (реж. К.Камолова, 1971 й.), «Этот упрямый зайчонок» (реж. Ш.Шокирова, 1972 й.), «Заколдованный корабль»

(реж. З.Ройзман, 1975 й.), «Арба» (реж. А.Бобохонов, 1976 й.), «Кураш» (реж. Ш.Шокирова, 1980 й.), «Час пик», «Веходы» (1982 й.), «Идол» (1983 й.), «Щенок и семеро гусят», «Будет ласковый дождь» (Н.Тўлахўжаев, 1984 й.), «Забар» (1981 й.), «Крыша» (реж. А.Собиров, 1983 й.), «Волшебный най» (реж. Боймухаммедов, 1982 й.), «Глиная сказка» (реж.Смирнов, 1983й.), «Царевна мышей» (реж. Кривошена, 1983й.), «Летающий суслик»; 1984 й. «Капля» (реж. Д.Салимов) мультфильмлари, «Ислом тарихи» сериали (Д.Янов-Яновский билан ҳамкорликда, 1996-2000 йй.), «Цветы на поляне» (1997й.), 6 серияли «Алпомиш» мультфильми (реж. Н.Тўлахўжаев, 2000 й.), «Чудовище или кто-то иной» (реж. А.Фатхулин), «Тайное путешествие эмира», «Второе путешествие Каина» (реж. Ф.Давлетшин), «Согдиана» (реж. Г.Шермухаммедов) каби бадий киноларга мусиқа басталади.

Ф.Янов-Яновский якка хонанда, хор жамоалари, болалар учун йиллар давомида кўшиқлар ҳам яратдики, улар ижрочиларнинг репертуарларидан муносиб ўрин олган.

Композитор Ф.Янов-Яновскийнинг юқорида тилга олинган мусиқа асарлари шундан далолат берадики, у доимий равишда ижодий барқарорликка, кўп композиторлар ўйламаган ёки унчалик аҳамият бермаган, анъанавий мусиқа жанрларини кенгайтириш, янги воситаларни кўллашга интилди. Албатта, ижодкорнинг ҳамма асарлари ҳам бир хил бадий қийматга эга эмас. Лекин, шуни айтиш жоизки, ўз услубини топа олгани ва ижодининг ранг-баранглигини инкор этиб бўлмайди. Композиторнинг асарлари АҚШ, Франция, Москва, Лондон, София, Гейдельберг, Япония, Минск, МДХ давлатларида ижро этилган.

У 1970-1990-йилларда буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасидаги «Иваново» ижодий уйида ёшларга маслаҳатчи бўлган.

Ф.Янов-Яновский 1977 йили Ўзбекистон Ҳукуматининг фахрий ёрлиғи ва 1988 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган. 1986 йили Ўзбекистон Ёшлар мукофоти совриндори, Украина Республикасининг Львов шаҳрида 1981 йили ўтказилган кинофестивальда «Веходы» мультфильмининг мусиқаси учун диплом, 1996 йили ўғли Дмитрий билан ҳамкорликда «История ислама» мультфильмига ёзган мусиқаси учун Ўзбекистон Киночилар уюшмасининг «Грифон» соврини, 2001 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 10 йиллиги юбилей медали, 2008 йилда M&TVA мукофоти билан тақдирланган.

БОЗОРБОЙ ЎРУНОВ (1951)



Бозорбой Ўрунов Хоразм вилоятининг Хонқа туманида 1951 йилнинг 18 апрелида таваллуд топди. 1966 йилда Ургенч давлат мусиқа билим юртининг ўзбек халқ чолғулари бўлимига ўқишга кирди. 1974 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультетини муваффақиятли битирди. 1988-1993 йилларда Хоразм вилоят телерадиокомпанияси қошида «Мақом» ансамбли тузди ва унга раҳбарлик қилди.

Унинг «Гулла-яшна, юксал, Ўзбекистон», «Хоразм», «Дўстлик мадҳи», «Ўзбегим», «Лазги ҳақида кўшиқ», «Қутлуғ Наврўзи олам» каби кўшиқлари, яллалар, лапарлари ва бошқа асарлари ижрочиларнинг концерт дастурларидан кенг ўрин олган. «Мустақиллик қасидаси», «Ватан посбонлари», «Ўлкамизда шодиёна», «Хоразмда Хива бор», «Тўйга келинг» ва кўплаб асарлари «Ўзбекистон-Ватаним маним» танловида, улуғ қаҳрамон Жалолиддин Мангубердиннинг 800 йиллиги, Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилей тантаналарида ва бошқа оммавий тадбирларда жаранглади.

РАУФ ҚОДИРОВ (1952)



Таниқли олим, педагогика фанлари номзоди, жамоат арбоби Рауф Қодиров ўзининг илмий ишлари билан Ўзбекистонда мусиқа педагогикасини ўзлаштирилишида ва кенг тарғиб этилишида катта муваффақиятларга эришди.

Рауф Ғафурович Қодиров 1952 йилнинг 27 сентябрида туғилган. Р.Ғ.Қодиров В.Успенский номидаги мусиқа мактаб интернатини 1970 йилда, Тошкент давлат консерваториясини 1975 йилда хор дирижёрлиги бўйича тугатган.

Ўз меҳнат фаолиятини Р.Ғ.Қодиров Низомий номидаги ТДПУ мусиқа факультети хор дирижёрлиги кафедрасида 1975 йилдан кафедра ўқитувчиси сифатида бошлади. 1982-1985 йилларда Москвада Педагогика фанлари академияси Бадий тарбия илмий-тадқиқот институтида таҳсил олди ва 1986 йилда “Формирование

навыков многоголосного пения в младших классах школ Узбекистана” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Низомий номидаги педагогика институтида Р.Ғ.Қодиров: 1989-2000 йилларда мусиқий педагогика ва методика кафедраси мудири, 1992-1995 педагогика кафедраси докторанти, 1999 йилда амалий психологлар факультетини тугатган, 1999-2000 йилларда мусиқа факультети декани ва бошқа лавозимларда иш юритган.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Р.Ғ.Қодиров 1991 йилдан мусиқий педагогика кафедраси доценти, 2002-2003 йилларда “Мусиқий педагогика” кафедраси мудири, 2003 йилдан профессори лавозимларида фаолият олиб бормоқда.

Р.Ғ.Қодировнинг ўқув илмий ва ижодий ишлари асосан мусиқа педагогикаси ва психологияси масалаларига бағишланган бўлиб, бу соҳада 300 га яқин илмий асарлари нашр этилган. Хусусан, “Бошланғич мактабда кўп овозли куйлаш” (1997), “Ўзбекистон болалар кўшиқлари антологияси” (2002), “Мусиқа психологияси” (2005), “Композитор Ғафур Қодиров: йиллар ва асарлар” (2007), “Музыкальная педагогика” (2009), “Мусиқа педагогикаси” (2011), болалар учун яратган асар ва кўшиқлари (“Айиқчам”, “Қуён”, “Меҳрибон ойижон”, “Акс садо”, “Эски шаҳар” ва б.), илмий ва шеърый таржималар (Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”, Жомий “Китоб”, Авлоний “Мусиқа”), ўзбек шоирларнинг болалар учун ёзган кўшиқларининг таржималари, қатор кўшиқларни жамоа бўлиб куйлаш учун қайта ишлаган ва кўплаб бошқа асарлар ёзган.

ҒАФУР ҚОДИРОВ **(1917-1985)**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Ғафур Қодиров ХХ аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У яратган жозибали кўшиқлар, симфоник ва сахна мусиқаси, айниқса, болалар учун ёзган асарлари замонавий мусиқа санъатимизни бойитди.

Ғафур Қодиров Тошкент шаҳрида 1917 йил 1 февральда таваллуд топди. 1933-1936 йилларда Ўрта Осиё санъат рабфақда ўқиди. 1936 йили у Тошкент давлат тўқимачилик институтига ўқишга кирди. Мазкур институтнинг

бадий ҳаваскорлик хори билан 1937 йилда ўтказилган олимпиадада иштирок этди. Шундан кейин Ғафур мусиқа билан жиддий шуғулланишга қарор қилди. Ўша йилларда унинг мусиқа қобилиятини сезган композитор Н.Н.Миронов маслаҳати билан Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов бўлимига ўқишга киради. 1940 йили Б.Б.Надеждинда композиторлик мутахассислигидан, А.Ф.Козловскийда чолғулаштиришдан таълим олиб, 1945 йил консерваторияни бир қисмли симфония диплом иши билан муваффақиятли битирди. Ўша йили Бастакорлар уюшмасига қабул қилинади ва Ҳамза номидаги Тошкент давлат билим юртига мусиқа назариясидан дарс беришга йўлланма олиб ишлайди. 1959 йили у чолғулаштиришдан дарс беришга консерваторияга таклиф қилинди ва 1969 йили доцент илмий унвонига сазовор бўлди. 1971-1975 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси хайъатининг масъул котиби лавозимида ҳам ишлади. Йиллар давомида Ғ.Қодиров педагогик ва жамоатчилик фаолиятининг бирлигида ижод қилиб, турли шакл ва жанрларда фортепиано учун пьесалар, «Рондо», «Рақс», «Сюита», «Соната», «Прелюдия ва фуга», виолончель ва фортепиано учун пьесалар, кларнет ва фортепиано учун пьесалар, торли кваттет, симфоник оркестр учун «Марш», «Сюита», «Симфониетта», фортепиано жўрлигида «Ғазал» (Навоий шеъри) романси, «Мард йигит» (Ю.Ҳамдам сўзи) кўшиғи, болалар театрларида сахна юзини кўрган «Қари чол ва бўри» (И.Дўстхўжаев пьесаси) номли спектаклига 1944 йил мусиқа басталади.

Ғ.Қодировнинг 40 йиллик ижодий йўлига назар ташласак, Шарқ ва Ғарб мусиқаси анъаналарига таянган ҳолда замонавий миллий мусиқий асарлар яратишга интилиб, ўз ижодий услубини топа олганини кўрамиз. Ўзига хос услубда у кўпроқ овоз учун, симфоник, вокал-симфоник, эстрада, халқ чолғулари оркестри, айниқса, болалар учун турли шакл ва жанрларда кўплаб асарлар яратди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, композитор жонажон Ватанимиз табиатининг гўзал манзараларини, халқимизнинг меҳнат жасоратини, соф муҳаббат билан болаларимизнинг қувноқ ҳаёти ва маърифатга интилишларини ифода этишда ижобий ютуқларга эришган. Масалан, у ўз ижодий фаолиятининг ҳамма даврларида яққалон, хор жамоалари ва эстрада гуруҳларига кўшиқлар басталашга кўпроқ эътибор берди. Унинг кўшиқлари оҳангдорлиги, дилкашлиги, ранг-баранглиги, ҳаётийлиги, севги-муҳаббатни кенг қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ғ.Қодиров кўшиқларида

давр нафаси яққол сезилиб туради. Масалан: «Ўзбекистоним» (Шухрат сўзи), «Қуёшли Ўзбекистон» (М.Ғани сўзи), «Ўлкамга» (М.Бобоев сўзи), «Тинчлик — бизнинг посбонимиз» (П.Мўмин сўзи), «Ёшлар марши» (Ж.Абдуллахонов сўзи), «Мирзачўл» (Ҳабибий сўзи), «Гулистон ўлкам» (Маърифий сўзи), «Янги ерга хат» (Р.Бобожон сўзи), «Ёш физкультурачилар марши» (П.Мўмин сўзи), «Ўзбекистоним» (Ж.Жабборов сўзи), «Оқ олтин таронаси» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Дурдона ўлкам» (Ҳ.Шарипов сўзи), «Дўстлик фестивали» (Б.Насриддинов сўзи), «Пахта» (Халқ сўзи). Айниқса, унинг лирик эстрада кўшиқлари машҳур бўлди: «Мирзачўл ёр-ёри» (Ш.Шомухамедов сўзи), «Баҳор кўшиғи» (Ў.Рашид сўзи), «Пиллачи қиз» (Миртемир сўзи), «Бахт кўшиғи», «Чўлпон кўшиғи» (Ж.Жабборов сўзлари), «Койинманг, онажон» (С.Зуннунова сўзи), «Механизатор қиз» (Камтар сўзи), «Жонажон Тошкентим» (Т.Тўла сўзи), «Пахтазор ўлкам» (Ҳ.Ғулом сўзи), «Гўзал Тошкентим» (П.Мўмин сўзи) ва бошқалар.

Ғ.Қодиров кўшиқларининг аксарияти, жумладан болалар учун яратган кўшиқлари қуйидаги нота тўпламларида чоп этилган: «Кўрик ер кўшиқлари», «Пиллачи қиз», «Қуёш ва биз», «Бахт кўшиғи», «Мактабжон—офтобжон», «Бахтли авлод», «Ўйнаб бер». Булардан ташқари «Фортепиано учун пьесалар» ва «Ўзбек рақслари» тўпламлари ҳам нашрдан чиққан.

Йиллар давомида Ғ.Қодиров чолғу мусиқа соҳасида самарали ижод қилди. У симфоник оркестр «Поэма-баллада», поэма, «Рақс сюита»си, «Балет сюита»си, «Ёшлик увертюраси», «Сўзана» поэмаси, иккита симфоник сюита, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун: 4та сюита (1949, 1954, 1967, 1979й.), «Кичик увертюра», «Вальс», «Ёшлар вальси», «Қизлар рақси», «Йигитлар рақси», дамли чолғулар учун: «Юбилей марши», афғон рубоби ва фортепиано учун иккита пьеса.

Ғ.Қодиров асосан, болалар учун кўп кўшиқ ва йирик ҳажмли вокал-чолғу асарлар яратди. Шунинг учун унга «Болаларнинг севимли композитори» деб ном беришган. Композитор турли чолғулар ансамбли, оркестр, яккаҳон, ансамбл ва хор учун яратган асарлари орасида яккаҳон, хор ва симфоник оркестри учун: «Мактабжон-офтобжон» (Т.Илҳомов сўзи) 4 қисмли вокал-симфоник сюитаси, «Биз ёш ўқувчилар» (Т.Илҳомов сўзи) 4 қисмли кантата, «Биз космоснинг забтқоримиз» (Ҳ.Муҳаммад сўзи) 4 қисмли кантата, «Биз истиқбол эгасимиз» (П.Мўмин сўзи) 5 қисмли вокал-симфоник

сюитаси, болалар хори учун «Лайлак», «Чегарачи», «Алишер исмли болаларга» (Б.Исроилов сўзи), «Бобомлар боғбон», «Ота-оналарга», «Арча кўшиғи» (Э.Раҳимов сўзлари), «Дангасалик-касалик» (П.Мўмин сўзи), якка ижрочилар учун кўшиқлар қатор нота тўпламларга киритилган.

Композитор Ғ.Қодиров ўзининг ёрқин ижодий педагогик ва жамоатчилик фаолияти билан Ўзбекистон мусиқа маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» (1983й.) фахрий унвони билан тақдирланган.

ДИЛБАР ҚОДИРОВА (1963)



Композитор Дилбар Қодирова Тошкентда 1963 йилнинг 16 августида таваллуд топган. 1970 йили Р.Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатининг фортепиано мутахассислигига ўқишга кирди, мусиқа басталашга интилди. 1981 йили М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирди ва профессор Б.Ф.Гиенко синфида таҳсил кўрди. Талабалик даврида фортепиано учун «Вариация», «Элегия», пьесалар, болалар альбоми, уч қисмли торли кuartет, 5 қисмли «Ватан туйғулари» вокал-симфоник поэма (1984 й.); яккахон, бадий ўқиш ва симфоник оркестр учун «Қасида», хор ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Мажнунтол» поэмаси (Зулфия шеъри, 1985 й.) каби асарлари билан мусиқа шинавандаларининг эътиборини ўзига қаратди. 1986 йили консерваторияни муваффақиятли битирди ва мустақил ижодга йўлланма олди. У меҳнат фаолиятини 1986 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультетида аввал концертмейстер, кейинчалик мусиқий-назарий фанлар ўқитувчиси, 1991- йилдан Ўзбекистон Миллий университети аспиранти, ўқитувчиси ва доцент сифатида фаолият юритмоқда.

1987 йили Д.Қодированин «Сайёра» балетини (М.Ҳазратқулов либреттоси) Самарқанд давлат опера ва балет театри жамоаси томошабинларига ҳавола этгани маданий воқеага айланди. Самарқанд театри Россиянинг Иркутск шаҳрига қилган гастротида ушбу балетни

ҳам томошабинларга намойиш этди ва олқишларга сазовор бўлди. Мазкур балет 1987 йили ёшлар мусиқа асарлари танловида 3-мукофотга сазовор бўлди. Композитор балет мусиқаси асосида 4 қисмли симфоник сюита тузди.

Дилбар Қодирова куйидаги мусиқий асарларни яратди: 1987 йили яккахон ва симфоник оркестр учун А.Орипов шеърига «Монолог-поэма»; овоз ва камер симфоник оркестр учун «Автопортрет»; овоз ва трио учун «Бераҳимдур» арияси, болалар учун сахналаштирилган «Олтин жўжа» спектаклига мусиқа, «Кўз тутай» (Э.Охунова сўзи); «Тингла, булбул» (Зулфия сўзи), «Хон қизи» (Ш.Саъдулла сўзлари), «Юлдузларни ёндириш» (Р.Фарҳодий сўзи), «Майлими» (Н.Нарзуллаев сўзи) кўшиқларини, «Фасли баҳор» (Ойбек сўзи) ва бошқа романсларни яратди.

НЕЪМАТЖОН ҚУЛАБДУЛЛАЕВ (1930-2002)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли бастакор, хонанда ва созанда Неъматжон Қулабдуллаев ўзининг бетакрор санъати билан халқ дилидан чуқур жой олган.

Неъматжон Қулабдуллаев 1930 йили Чимкент вилоятининг Қўштегирмон қишлоғида туғилган. 1948 йилда Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртини, 1956 йилда Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов бўлимининг вокал синфида доцент Д.Муллақандов ва дутор синфида доцент Ф.Васильевлардан сабоқ олди. Н.Қулабдуллаев 30 йил давомида Қори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясида меҳнат қилди. Н.Қулабдуллаев дутор созандалиги ва хонандалик санъати билан 60 йил давомида нафақат республикамизда, балки Хитой, Миср, Араб амирликлари, Эрон, Туркия, МДХ давлатларида ижодий учрашувлар ва концертларда қатнашиб, ўзбек мумтоз ва замонавий мусиқа санъатини кенг тарғиб қилди.

Н.Қулабдуллаев ижро этган «Индамади», «Ўйнасин», «Қўлда раъноси билан», «Жон бўлибди, жонон бўлибди», «Розиман», «Эй юрак», «Соғиндим, соғиндингми», «Она юртим Ўзбекистон», «Онадур ул онадур», «Кулгай» каби кўшиқ ва ашулалар хонандага шуҳрат келтирди.

Бастакор Н.Қулабдуллаев ўтган давр мобайнида кўшиқчилик жанрида ижодий изланиш, анъанавий халқ услубида, турли мавзуларда, классик ва замонавий шоирларнинг шеърларига 200 га яқин ранг-баранг кўшиқ ва ашулалар яратди. Бастакор яратган куйлар, кўшиқ ва ашулалари ўзи ва бошқа машхур хонанда ва созандалар томонидан концерт дастурларида ижро этилган, радио тўлқинларида мунтазам жаранглайди. Хусусан, «Соғиндингми», «Ўзбеклар иши», «Интизор этма», «Дилда бормисан», «Зеболигиндан», «Кулиб, кулиб», «Эй юрак», «Дилором», «Билгайсиз», «Кунларим», «Бўлмоғил», «Овора бўлма», «Минг йил наззора қилсам», «Дуторим», «Ўзбекистоним», «Ўзбегим хазинаси» асарлари бастакор ижросида, «Ўзбекистон гуллари», «Хаёл», «Ўтмасмикан» ашулалари Олмахон Ҳайитова ижросида, «Кулгай», «Топмадим» асарлари Д.Қаюмова ижросида, «Эй соҳиби дил» К.Исмоилова ижросида, «Ўрғилайин ёр бўйидан» Ҳ.Юсупова ижросида янграган.

Н.Қулабдуллаев дутор, най асбоблари ва халқ чолғу ансамбллари учун бир қатор куйлар басталаган. Бастакор яратган ва ижро этган асарлари Ўзтелерадиокомпаниясининг «Олтин фонди»да сақланмоқда.

Ўзбек мусиқа санъатининг ривожланишида ва тарғиб этилишида муносиб ҳисса қўшган бастакор, созанда ва меҳрибон устоз Неъматжон Қулабдуллаев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони ва «Эл юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

ДИЛШОД ҚУРБОНОВ (1974)



Истеъдодли композитор Дилшод Қурбонов Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида 1974 йил 14 июльда таваллуд топди.

1981 йилда В.А.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг фортепиано мутахассислиги бўйича А.И.Ибрагимова синфига ўқишга кирди. 5-синфида вокал-дирижёрлик ва композитор мутахассисликларидан (педагог А.Берлин) ҳам таълим олди. 1993-1998 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг бастакорлик-чолғулаштириш факультетида композитор А.Мансуров синфида таълим олди. 1999-2000 йилларда ассистентура-

стажировкани тугатди. 2001 йилдан буён консерваториянинг эстрада ижрочилиги кафедрасида ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Асарлари: Симфоник оркестр учун «Увертюра», торли оркестр учун «Токката», виолончель ва фортепиано учун «Ёруғ юлдузлар осмони» поэмаси, фортепиано ва гитара учун Концерт, скрипка ва фортепиано учун «Баллада», ф-но учун 6 та Прелюдия, 3 қисмли Сонатина, Рондо, рубоб ва ф-но учун 2 та дуэт, зарбли чолғулар ва ф-но учун «Концерт-фантазия», ўзбек халқ чолғулари квартети учун «Концерт-рондо», гобой ва афғон рубоби учун «Сўзсиз қўшиқ» дуэт, якка кларнет учун «Тоғликлар хиргойиси» пьесаси, «Бу ёшлик», «Иккаламиз», «Дўстлар», «Наврўз», «Наврўз байрами», «Ёшлар қўшиғи» каби бир қатор эстрада қўшиқлари, «Шайтанат», «Ёлғон муҳаббат», «Отажоним» фильмларига муסיқа басталаган.

ТЎЛҚИН ҚУРБОНОВ (1936-2002)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор, композитор Тўлқин Умарович Қурбонов республика композиторлари сафига 1960-йилларнинг ўрталарида кириб келди. Унинг 40 йиллик ижодий йўлига назар ташлар эканмиз, доимий изланиш, юксакликка интилиш, профессионал ўсиш билан ўзига хос ижодий йўлини топиб олишга муваффақ бўлганини яққол кўрамиз.

Бу ўринда у Оврўпода турли муסיқий оқимларнинг мураккаб техника усулларини эгаллаб, улардан ижобий фойдаланиб, миллий муסיқада қўллаш, пайваста қилиш устида муттасил ишлади. Шу сабабли у ижодида симфоник, камер симфоник ва ўзбек халқ чолғулари учун яратган асарларида янги-янги воситаларни қўллаган ҳолда йирик муסיқий асарлар яратди.

Қурбонов Тўлқин Умарович Тошкент шаҳри Ўқчи маҳалласида 1936 йилнинг 10 октябрда таваллуд топди. Тўлқин болалигидан муסיқага қизиқди. 1949 йилдан Р.Глиэр номидаги махсус муסיқа мактаб-интернатида ғижжак мутахассислиги бўйича ўқитувчи Я.Сабзанов синфида, фортепианодан эса Н.Е.Будилинада сабоқ олди. 1956 йили Тошкент давлат консерваториясида профессор Б.Надеждин синфида композициядан дарс ола бошлади.

Талабалик даврида Т.Қурбонов фортепиано учун пьеса, скрипка ва фортепиано учун бир неча пьеса ва прелюдиялар,

«Баллада», «Элла-вальс», «Алла», «Икки овозли инвенция», «Уч овозли фуга», гобой ва фортепиано учун пьеса, флейта ва фортепиано учун пьеса, скрипка ва фортепиано учун «Поэма» ва «Сонатина», «Уч қисмли сюита», симфоник оркестр учун «Увертюра», болалар учун «Айиқча» ва «Бизнинг боғчамиз» (А.Раҳмат сўзлари), «Ёдингдами», «Галанкда» (Х.Шерозий сўзлари) ва А.Пушкин сўзига «Куз» номли романсларни ёзди. Булардан айримлари ижрочилар репертуаридан ўрин олган эди. Консерваторияни эса у 1961 йили 4 қисмли симфония диплом иши билан битирди. Йўлланма билан у 1961-1962 йилларда Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлади. 1963-1966 йилларда Т.Қурбонов Тошкент давлат консерваторияси аспирантурасида, профессор Б.Зейдман раҳбарлигида ўқиди ва янги асарлар ёзди. Шу йилларда консерваториянинг мусиқа назарияси кафедрасида талабаларга дарс берди. 1968-1969 ўқув йилида эса Ленинград давлат консерваториясида профессор Б.Арапов раҳбарлигида малакасини ошириб келди ва Тошкент консерваторияси бастакорлик кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида мутахассислик ва чолғулаштиришдан талабаларга дарс бера бошлади. 1983 йилда доцент, 1994 йилда профессор илмий унвонларига эга бўлди.

Т.Қурбонов ижодида симфоник мусиқа устувор аҳамият касб этди. Бу ўринда у 1963 йилда ёш композиторлар орасида биринчи бўлиб «Сарахбори Бузрук» мақом қисмини симфоник оркестр учун қайта ишлади. Бу асарни ёзишда композитор англадики, ўзбек чолғу мусикасини яратишда гармонияга нисбатан полифония услубидан фойдаланиш қулайлик туғдиради. Оркестрлар таркибига қўшимча чолғулар киритди. Иккинчи (1964 й.), учинчи (1966 й.), тўртинчи (1967 й.), бешинчи «Ҳамза» (1977 й.) симфониялари, «Осиё» симфоник поэмаси (1965 й.), симфоник оркестр учун «Фуга» (1966 й.), торли оркестр ва литавралар учун «Вариация» (1969 й.), дамли чолғу ва урма чолғулар учун мусиқа (1978 й.), камер оркестр ва литавралар учун мусиқа (1978 й.), симфоник оркестр учун «Прелюдия ва фугетта», «Тўёна» (1976 й.), торли оркестр ва литавралар учун «Авиценна» прелюдия ва фугаси (1978 й.), дамли оркестр ва урма чолғулар учун «Тарих саҳифалари» прелюдия ва фугаси (1983 й.), 20 та валторна ва урма чолғулар учун «Қасида» (1984 й.), камер оркестр учун «Симфония» (1989 й.), симфоник оркестр учун «Аския» (1988 й.), М.Ашрафий хотирасига бағишланган «Каприччио» (1992 й.), саксофон ва камер оркестр учун «Ғазал»

(1994 й.), дирижёр Ғ.Тўлагановга бағишланган «Рапсодия» (1995 й.), дамли оркестр учун «Пешрав» марши (1995 й.), симфоник оркестр учун «Рапсодия» (1995 й.), камер оркестр, фортепиано ва виолончель учун «Ж.Масненинг мулоҳаза фикрлаши» ва «Сен-Сансинг оққуши» (1995 й.), 5 қисмли «Сюита», дамли оркестр ва урма чолғулар учун (1996 й.), Л.А.Мальмберг хотирасига бағишланган тромбон ва симфоник оркестр учун «Поэма-элегия» (1997 й.), Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган камер оркестр учун «Хоразмча» (1997 й.), дамли оркестр ва литавралар учун бешта пьеса (1998 й.), симфоник оркестр учун 5 қисмли сюита (1999 й.), камер оркестр учун «Крейслер»: «Муҳаббат шодиёнаси», «Муҳаббат жафоси» ва «Гўзал Розмарин» (1999 й.) каби асарлари фикримиз далилидир.

Т.Қурбонов ўзбек халқ чолғулари оркестри репертуарини бойитишда баракали ижод қилди. Шуни айтиш жоизки, композитор муайян ижодий тажриба орттириб, 1970-йиллардан бошлаб ўзбек халқ чолғулари оркестрига бирин-кетин ёрқин ва жозибали асарлар ярата бошлади. У оркестр учун 2 та пьеса (1976 й.), «Поэма» (1978 й.), 2 та пьеса (1978 й.) каби асарларни ёзиб юрган пайтларида Ўрта Осиё халқлари куйларидан фойдаланган ҳолда мусиқали «Хамса»ни басталаш ғояси туғилади. Халқлар дўстлиги ришталари ривожига бағишланиб «Ўзбекча поэма» (1977 й.), «Қирғизча поэма» (1978 й.), Бердахга бағишлаб «Бўзатау» қорақалпоқча поэмаси (1978 й.), «Туркманча поэма» (1978 й.) ва «Тожиқча поэма» (1979й.) каби поэмаларни ёзди. Қардош республикаларда ўтказилган дўстлик концертларида булар ижро этилди ва композиторга шуҳрат келтирди. Машҳур бўлиб кетган асарлар оркестр репертуаридан муносиб ўрин олади. Композитор 1980-1990 йилларда бирин-кетин: «Байрам увертюраси» (1981 й.), «Лирик поэма» (1982 й.), «Кўшчинор» (1983 й.), «Поэма» (1984 й.), «Фестиваль сюитаси» (1985 й.), ғижжак ва оркестр учун «Концерт-поэма» (1988 й.), Жалилов номидаги академик ўзбек халқ чолғулари оркестрининг 40 йиллик тўйига бағишлаб «Юбилей» увертюраси (1988 й.), А.И.Петросянц хотирасига бағишлаб «Рапсодия» (1990 й.), «Афғонча поэма» (1989 й.), «Ёшлик увертюра»си (1989 й.), 2 та симфония (1990, 1991 йиллар), оркестр учун «Рапсодия» (1994 й.), 1990-1999 йиллар орасида 9 та «Нақш», най ва оркестр учун «Рондо» Моцарт куйи асосида ёзилган (1995 й.), виолончель ва оркестр учун «Романс» (1996 й.), оркестр учун «Муборак» увертюраси (1999 й.) каби асарларни яратди.

1970 йили А.Мухтор сўзига «Машраб» вокал-симфоник поэмаси, 1978 йили шоир Б.Исроилов сўзига 4 қисмли «Кантата», Навоий ва Хайём рубоийларига 4 қисмли хор туркуми (1991 й.); Яссавий сўзига «Прелюдия ва фуга» вокал-симфоник асари, хор ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Мадҳия» (сўзи композиторники —1993 й.), Навоий сўзига «Ушшоқ» вокал-симфоник поэмаси (1994 й.), виолончель ва фортепиано учун 2 та пьеса (1967,1973 й.), «Эскиз» ва пьесалар (1976 й.), контрабас ва фортепиано учун «Фантазия» (1976 й.), валторна ва фортепиано учун «Речитатив ва ария» (1975 й.), кларнет ва фортепиано учун «Импровизация» (1978 й.), виолончель ва фортепиано учун пьеса (1978 й.), труба, валторна, тромбон ва литавра учун «Речитатив», флейта ва фортепиано учун пьеса (1984 й.), гобой ва фортепиано учун «Рондо» (1981 й.), орган учун «Этюд» (1986 й.) ва «Прелюдия» (1999 й.), Брасс-квинтет учун «Муборакбод» (1991 й.), 4 та кларнет учун мусиқа (1995 й.), Жомий сўзига овоз ва оркестр учун «Ушшоқи Содирхон» (1996 й.), кларнет ва фортепиано учун халқ куйларини қайта ишлаган (1997 й.), Н.Қобул билан ҳамкорликда яратган «Иброҳим Расулуллоҳ таваллудлари» мусикали драмаси Муқимий номидаги мусикали театрда сахна юзини кўрди.

Композитор Т.Қурбонов Ё.Илёсовнинг «Сўроқли қаҳра йўл» қиссаси асосида И.С.Мальмберг либреттосига «Широқ» (1985 й.) ва ўзбек халқ эртаги асосида ёзган либреттосига «Шерзод ва Паризод» (1999 й.) балет мусикасини басталади. Кинорежиссёр Й.Аъзамовнинг «Жарима сўқмоқ йўл» фильмига мусиқа басталади (1971 й.). Т.Қурбонов ўзбек тилида «Полифония» дарслигини ёзиб, 1985 йили чоп эттирди.

ҒУЛОМ ҚЎЧҚОРОВ (1919)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр, моҳир педагог-мураббий, бастакор ва жамоат арбоби Ғулом Қўчқоров 1991 йилдан буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг аъзоси. У 50 йилдан ортиқ ижодий ва педагогик фаолиятини ёш авлодларнинг мусиқий тарбиясига бағишлади. Унинг мусиқа мактаб ўқувчилари ва мусиқий-бадий хаваскорлар жамоалари учун мўлжаллаб яратган нота тўплами ва дарсликларидан ёш авлод фойдаланиб келмоқда. Замондош шоирлар

шеърларига яратган кўшиқлари, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун басталаган мусиқий асарлари турли жамоалар репертуарларидан ўрин олган.

Ғ.Кўчқоров Тошкент шаҳрида 1919 йили 15 июлда таваллуд топди. Ғулом 1932 йилда Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа техникумининг тайёрлов бўлимига ўқишга кириб дутор ва танбур синфида таҳсил олди. Техникумда 1936 йилдан талабаларни нота услубида ўқитиш тизими бошланганлиги сабабли у 1936-1942 йилларда шу тизим асосида ғижжак синфида ўқиди.

1942-1960 йилларда эса Республика ўқувчилар саройидаги мусиқа мактабида ўқитувчи, 1938-1973 йилларда ҳозирги Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида созанда, кейинчалик концертмейстер лавозимида ишлади. 1949 – 1954 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида таҳсил олди. 1961 -1987 йилларда Тошкент шаҳар Т.Содиқов номидаги 1 -болалар мусиқа мактабида педагог ва бўлим мудури бўлиб ишлади.

Бастакор ва педагог Ғ.Кўчқоровнинг ижодий фаолияти асосан мактаб болалари билан боғлиқ бўлиб, яратган кўшиқ ва куйлари қуйидаги тўпламларга киритилган.

Мусиқа мактаблари учун «Шодиёна» номли ўқув қўлланмага 18 та тарона ва этюдлар (Ғ.Ғулом нашриёти, 1982 й., 1990 йили қайта чоп этилган), «Дутор садоси» дарслигида ўзиники ва ўзбек композиторларининг асарларидан 23 та киритилган (Ғ.Ғулом нашриёти, 1987 й.), «Гулшан» дарслик-тўплами қашқар рубоби учун фортепиано жўрлигида мусиқа мактабларининг 2-3-синф талабаларига мўлжалланган, «Дилрабо» тўплам-дарслиги қашқар рубоби ва фортепиано учун мусиқа мактаб ва ўрта таълим ўқув юрти талабаларига мўлжалланган, «Ёш дуторчи» тўплам-дарслиги ёш дуторчилар учун яратилган, бадий хаваскорлар тўгараклари учун «Ўзбек халқ кўшиқлари» тўпламига «Ёр-ёр»лар, лапарлар, яллалар, кўшиқлар киритилган. Тўпламга киритилган асарларни бастакор ўзи нотага олган ва фортепиано жўрлигида қайта ишлаган. «Дутор ноласи» номли тўплам 1992 йили нашр этилган.

Бастакор Ғ.Кўчқоров «Дўстлик таронаси», «Бахтиёрлар марши» каби пьесалар, «Доно қиз» (Камтар сўзи), «Хумор эрур» (Р.Усмонов сўзи) кўшиқлари Т.Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғу асбоблар оркестрининг репертуаридан жой олди. Болалар учун «Жўр бўлайлик, ўртоқжон» номли кўшиқлар туркуми (П.Мўмин сўзи),

дутор ва рубоб куйлари; «Севинч», «Дилрабо», «Ёр хумори» каби пьесаларни яратган.

Гулом Қўчқоров 1971 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланган.

ТЎХТАСИН ҒАФУРБЕКОВ (1939)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, санъатшунослик фанлари доктори, муסיқашунос Тўхтасин Ботирович Ғафурбеков забардаст олимлардан биридир. У ўзининг илмий тадқиқотчилик, ўқитувчилик ва жамоатчилик фаолияти билан нафақат муסיқашунослик фанига, балки замонавий ўзбек муסיқа санъатининг тарғиботига ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Унинг ўзбек ва бошқа тилларда нашр этилган мақола ва монографиялари, Шарқ-Ғарб мавзуларидаги тадқиқотлари, илмий-маърифий ва ўқув нашрлари, қатор радио ва телевидение дастурлари, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда ўқиган маърузалари эътиборга сазовордир.

Тўхтасин Ғофурбеков Фарғона шаҳрининг Янгисой маҳалласида 1939 йили 7 май куни таваллуд топди. Болалигидан онасидан айрилган Тўхтасин 1946 йилдан болалар уйида тарбияланади. У ерда аккордеон, фортепиано, трубада чалишни ўрганади ва Уста Олим Комилов номли 1-болалар муסיқа мактабида дамли чолғулар, муסיқа назарияси ва фортепиано фанлари сирларини кунт билан ўзлаштира бошлайди.

1957 йили Тошкентга келиб Ҳамза номидаги муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимига ўқишга киради. Унинг муסיқашунос сифатида вояга етишида устози Е.А.Финченконинг хизматлари ниҳоятда катта.

1961 йили билим юртини битиргач, Тошкент давлат консерваториясининг муסיқашунослик факультетига ўқишга кириб Н.Ф.Орлов, Ю.Г.Кон, фортепианодан К.М.Успенская синфларида таҳсил олди. 1962-1965 йилларда ҳарбий хизматда дамли оркестр ва ҳаваскорлик тўғарақларига раҳбарлик қилди. Армия сафидан қайтиб, консерваторияда ўқишни давом эттиради. 1969 йили «Фольклор ва

композиторлик ижодиёти (Ғарбий Европа, рус ва Ўзбекистон муаллифлари мисолида)» мавзuidaги диплом ишини якунлайди. Шу даврдан консерваторияда ўқитувчи, Санъатшунослик институтида кичик илмий ходим сифатида фаолият кўрсатди.

1967 йилдан эътиборан Фарғона водийси, Тожикистон, Қирғизистоннинг айрим ҳудудларида давом топган мусиқа меросини тўплаш ва кейинчалик ноталаштириш ҳам Т.Ғафурбеков фаолиятига айланди.

1970 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди, 1971 йили кенгаш ҳайъатига сайланди, 1979-1982 йиллари уюшманинг фольклор шўъбасига, 1982-1985 йиллари мусиқа танқидчилиги ва мусиқашунослик шўъбасига раҳбарлик қилди.

Т.Ғафурбеков 1970-йилларда консерваторияга асосий ишга ўтади, “Ўзбек мусиқаси тарихи” ва «XX аср Ғарб мусиқаси» курсларини қайтадан тузади. «Мусиқанинг элементар назарияси» (1980й.), И.Способиннинг «Мусиқа шакли» (1982й.), В.Левикнинг «Чет эл мусиқаси тарихи» (1984й.) адабиётларини ўзбек тилига таржима қилади, муаллифлар гуруҳи яратган «Ўзбек мусиқаси тарихи» (1981й.), О.Н.Азимованинг «Гармония» (2000й.), И.Акбаровнинг «Мусиқа луғати» (1987й. янги нашри - 1997й.) сингари қатор дарсликларнинг ўзбек тилидаги нашрларига махсус муҳаррирлик қилди.

1960-йиллардан эътиборан нашр этила бошланган илк тадқиқотлариданоқ, ёш олим ўзбек мусиқаси тарихи, замонавий композиторлик ижодиёти муаммолари билан чегараланмай, Ғарб ва қардош халқлар мусиқасига фаол мурожаат эта бошлайди. «Боқий образлар сахнада», «Янги симфониялар», «Новосибирскда илмий анжуман» каби мақолалар шулар жумласидандир. Т.Ғафурбековнинг қатор мақола ва тадқиқотлари маҳаллий рўзнома, журналлар ва тўпламлардан ташқари Москва, София, Бухарест, Олмаота, Ҳиндистон, Япония, Париж каби шаҳарларда хорижий тилларда нашр этилди. 1995 йилдан Ўзбекистон Республикаси Миллий мусиқа кенгаши раис ўринбосари, 2000-2006 йилларда раиси сифатида фаолият кўрсатди.

Т.Ғафурбеков қуйидаги илмий-назарий, тарихий асарларнинг муаллифидир:

1) Монографиялар: «Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. (1984й.), Творческие ресурсы национальной мелодии и их преломление в узбекской

музыке (1997й.), “Ўзбек бастакорлик санъати: тарих, тақдир, келажак” (Т., 1997), Сайланма (Т.,2009).

2) 120 дан ортиқ илмий-назарий мақолалар, шулар жумласидан: «Об обработках узбекского песенного фольклора» (В кн. «История и современность. Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана. Москва, 1972), «К истории изучения музыкального творчества в Средней Азии» (В.кн.: Проблемы музыкальной науки Узбекистана. Ташкент, Фан, 1973), «Обработки народных песен» (В кн. История узбекской сов музыки. Том II (1945-1967). Т., 1973), «Мобильные ресурсы узбекской мелодии» (В кн. Взаимообогащение музыкальных культур народов Средней Азии и Казахстана. Т., 1977), «Камерно-инструментальная музыка» (В кн.: История узбекской музыки. Москва, 1979), «Народно-национальные истоки узбекской камерно-инструментальной музыки» (В кн. Музыкальная культура. Москва, 1981), «Макомы в узбекской музыкальной драме и оперы» (В кн. Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность - Т., 1981). «Жанрово-интегративные процессы в узбекской музыкальной драме» (В сб. Вопросы теории, истории и исполнительства в музыке сов Узбекистана. Т., 1984), «Пора интенсивного возмужания» (журн. «Сов Музыка», 1981. №7), «Узбекская музыка: свершения и перспективы» (совм. С.Р.Абдуллаевым, журн. «Сов музыка», 1982, №12), «Б.Асафьев о музыке устной традиции» (В кн. Б.В.Асафьев и сов.музыкальная культура. Москва, 1986), «Б.Асафьев об узбекском музыкальном наследии» (В.сб.Музыка народов Азии и Африки. Вып.5. Москва, 1987), «Узбекское инструментальное наследие» статья-рецензия на книгу Ф.М.Кароматова “Узбекская инструментальная музыка”, “Наследие” (Музыкальная фольклористика. Вып.3. Москва, 1986), «Творцы монодийных произведений в Средней Азии» (В кн. Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность. Москва, 1987), «Авторская индивидуальность в узбекской традиционной музыке» экспресс-информация (Серия «Музыка». М. 1988), «Барбадово искусство: суть и судьба» (В кн. Борбад и художественные традиции народов Центральной и Передней Азии. Душанбе, 1990), «Искусствоведение Узбекистана: обретения, потери, перспективы» (В кн. Бухара и мировая культура. Первый международный симпозиум. Бухара, 1993), Разделы «Музыкальная

драма» (В кн.: История музыки Средней Азии и Казахстана. Москва, 1995), раздел «Музыка» (В кн.: Амир Темура в мировой истории. Издание ЮНЕСКО: Париж-Ташкент, 1996); «Музыкальное искусство эпохи Темура и Темуридов» (журн. «Общественные науки в Узбекистане» 1996, № 5-6-7-8), «Искусствознание Узбекистана: от прошлого к будущему» (В кн. Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари. Тошкент, 1997), раздел «Музыка» (В кн. Хива-город тысячи куполов. Издание ЮНЕСКО: Париж-Ташкент, 1997); «Музыка эпохи Амир Темура и его образ в творчестве композиторов Европы. (Материалы Международного симпозиума: Бонн - Ташкент, 1997). Ўзбек тилидаги нашрлар: «Ўзбек сов энциклопедияси». I-XIV томлар -Тошкент, 1971-1980. «Ғарбий Европада мусиқа жанрларининг юзага келиши. В.А.Моцарт» // Сов Ўзбекистони санъати. 1978. № 5; «Людвиг ван Бетховен» // шу журнал. 1978. № 9. «Самарқанднома» // шу журнал. 1979. № 3; «Мерос ва композитор» // шу журнал. 1979. № 9; «Мутал Бурҳонов. Ижодий қиёфа». // шу журнал. 1979. №11; «Камер чолғу мусиқа». Ўзбек мусиқаси тарихи. Тошкент, 1980; «Ижоднинг олтин қирраси» //Сов. Ўзбекистони санъати. 1986. №11; «Шарқ хорижий Ғарб мусиқасида» // «Санъат» журнали. 1990. №3; «Навоий ва мусиқа». Муаммога бир назар. «Навоий» альманахи. № 1 (ўзбек, инглиз ва рус тилларида). 1991; «Дебюта» - уч аллома Ражабийлар. «Ражабийхонлик» тўплами. Тошкент. 1994; «Келинчакдек ораста юртни кўрдим» // «Гулистон». 1995. № 1; «Бобур мусиқа хусусида» // шу журнал. 1994. № 1; «Мустақил тафаккур тилаги». Санъатшунослик ниҳоллари. - Тошкент, 1995; «Қалб мавжидан чиққан садолар». М.Бурҳонов ва Т.Ғафурбековлар билан суҳбат. //Тафаккур. 1996. № 2; «Мусиқа»: Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. - Т., 1996; «Мусиқа»; Амир Темура жаҳон тарихида. ЮНЕСКО нашри: Париж-Тошкент, 1996; «Темурбек ва темурийлар даври мусиқа илми». Амир Темура даврида фан ва таълим Ренессанси. - Т., Ўз. Республикаси ФТДҚ нашри, 1996; «Самарали ҳамкорлик». Далварзинтепа Шаҳристони. Токио, 1996; «Мусиқа»; Хива — минг гумбазлар шаҳри. ЮНЕСКО нашри: Париж-Тошкент, 1997; «Муқаддима» ва «Ўзбекистон санъатшунослиги; борлиқлар, йўқотишлар, келажак». Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари. Тошкент, Фан, 1997; «XX аср ўзбек мусиқаси ва Юнус Ражабий». Мусиқа ижодиёти масалалари. 1-китоб. - Тошкент, 1997; Шу мақола //Жаҳон адабиёти. 1997. № 3; «Шарқ-Ғарб бадиий жараёни тадқиқ ва таҳлил янги минг йиллик арафасида».

Марказий Осиё санъати; тарихий тараққиётнинг ўзига хослиги. Т., 1997; «Амир Темур даври мусиқа санъати. Соҳибқирон қиёфаси Европа опера ижодиётида». -Мустақил Ўзбекистон тарихи ва тараққиётида Амир Темур роли ва ўрни. - «Конрад Аденаур» ва «Амир Темур» жамғармалари нашри. Берлин-Тошкент, 1997., Музыкальная критика на переломе эпох.//Актуальные проблемы музыкальной науки и музыкального образования. Алматы, 2005, М.Таджиев симфонияларига қиёсий назар.//Санъатшунослик масалалари. 3-тўплам. Т., 2007.

3) Чет тиллардаги нашрлар: «Сайфи Жалил ва унинг 1 - «Самарқанднома» симфонияси. //Дни узбекской музыки в Народной Республике Болгарии. - София. 1978. - болгар тилида; «Впервые исполнено в Ташкенте». // Музыка. 1978 . № 5 - румин тилида; «Алишер Навоий ва мусиқа» «Навоий» альманахи 1991. 1.- инглиз тилида; «Алишер Навоий ва Эрон маданияти».// Вклад Иранских народов в развитие мировой цивилизации. - Душанбе, 1992. - рус. инглиз ва форс тилларида; «Самарали ҳамкорлик». Далварзинтепа Шахристони. - Токио, 1996. - япон тилида; «Мусиқа»; Темурийлар Ренессанси. - ЮНЕСКО нашри: Париж, 1996. - француз тилида; Шу мақола, - инглиз тилида; «Мусиқа»: Хива — минг гумбазлар шаҳри. ЮНЕСКО нашри: Париж, 1997. –француз ва инглиз тилларида; «Мусиқа»: Бухоро — Шарқ дурдонаси. ЮНЕСКО нашри: Париж, 1997. - француз тилида. «Музыка эпохи Амира Темура», «Образ Амира Темура в творчестве композиторов Европы» //Роль и место Амира Темура в истории и развитии Независимого Узбекистана. - Берлин-Ташкент 1997 и 2000 - в двух томах: на немецком, узбекском, русском и английском языках.

Мусиқашунос олим Т.Ғафурбеков ўзбек мусиқа санъати ва мусиқа фанини ривожлантириш жараёнида қилган меҳнатлари учун 1988 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, 2014 йилда “Эл юрт хурмати” ордени ва медаллар билан тақдирланган.



НУРИДДИН ҒИЁСОВ (1957)

Композитор ва дирижёр Ғиёсов Нуриддин Шамсиддинович 1980-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди. У

Тошкент шаҳрида 1957 йилнинг 12 июлида таваллуд топди. 1971-1972 йилларда Т.Содиқов номидаги мусиқа мактабида чанг бўйича сабоқ олди. 1972 йил Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга кириб, чанг синфида таниқли созанда Аҳмад Одиловдан, 1974 йилда мусиқа назарияси бўлимига ўтиб, М.Тожиёв синфида таҳсил олади.

1978 - 1983 йилларда Тошкент давлат консерваториясида композициядан профессор Т.У.Қурбоновдан, дирижёрликдан профессор З.Ҳақназаровдан таҳсил олди. 1983 йилда консерваториянинг ассистентура-стажировкасида касб малакасини оширди. 1984-1986 йили ҳарбий хизматда бўлди. 1986 йили ўқишини давом эттириб, «Сабот» оратория-диалог асари билан ўқишни битирди. 1986 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига қабул қилинди. 1987-1991 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ва 1991-1994 йиллари Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1995 йилдан буён у эркин ижодкор сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Композитор Н.Ғиёсовнинг ижодида чолғу мусиқаси устун туради. 1973-1977 йилларда торли кватрет учун «Уфор», баритон ва фортепиано учун «Миниатюралар», «Билмас малика» романси, альт ва фортепиано учун «Поэма», торли кватрет учун «Кватрет», фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концерт» (1977 йил), 1978-2002 йилларда чанг, дамли чолғулар учун пьесалар, труба ва фортепиано учун «Импровизация ва фуга», орган учун «Беш кайфият», «Прелюдия ва фуга», «Пьесалар альбоми», «Ғижжак нолалари», 8 та пьеса, бас ва симфоник оркестр учун «Баллада», сопрано ва фортепиано учун, «Аёл қалби» туркуми (Г.Жўраева сўзлари), 30 дан ортиқ романслар, валторна ва фортепиано, флейта ва фортепиано, скрипка ва фортепиано учун «Соната»лар, виолончель ва фортепиано учун «Хаёлпараст», «Трио», флейта, кларнет ва фагот учун «Пьесалар альбоми», дамли чолғулар учун «Полифоник пьеса», мисли чолғулар учун «Пьесалар», иккита туба учун «Ноғора нолалари», ноғора учун 20 та пьесадан иборат туркум, зарбли чолғулар учун «Поэма», 1-Кватрет (1980 й.), 2-Кватрет (1981 й.), 3-Кватрет (тўртта контрабас учун, 1983 й.), 4-Кватрет (тўртта флейта учун, 1983 й.), фортепиано учун асарлар: «Болалар мусиқаси» 2 та дафтар, «Полифоник пьесалар» 4 та дафтар, «Дақиқалар» туркум, «Соната — вариация шаклида», «Полифоник дафтар», «Нақшлар» 4 кайфиятли туркум, «Микромир» туркум, «Полифоник мақом» 4

шўъбали 24 та фуга (1981 йил), «Насима» мақоми «Йиғлармен» Навоий сўзи, овоз ва хор учун «Учта поэма», акапелла хори учун «9 та фуга», ўзбек шоирларининг сўзлари, «Тўртта хор» Б.Бойқобилов сўзи, «Тўртта хор» болалар ва акапелла хори учун, аралаш хор учун Концерт (1989 й.), «Уч оға-ини ботирлар» опера-балети, (Н.Ғиёсов либреттоси, 1982й.), «Соҳибқирон Темур» спектакли учун мусиқа, «Улуғбек хазинаси» радиоспектакли учун мусиқа, «Баҳодир Жалолов», «Абдулла Қаҳҳор», «Алишер Навоий», «Бефарқлик қалтироғи», «Гулистондан жудо», «Чархпалак» каби 17 та кинофильмларга мусиқа, 100 га яқин кўшиқлар яратди.

Н.Ғиёсовнинг симфоник мусиқа жанрида олиб борган ижодий изланишлари диққатга сазовордир. Композитор симфоник оркестр учун 14 та симфония: № 1. «Гойя» («Билишнинг машаққатли йўли», 1983 й.), № 2 «Акам хотирасига» 11 та чолғу учун (1983 й.), № 3 «Нақшлар» симфония-концерт (1984 й.), № 4 «Ўспиринлик» торли оркестр ва зарбли чолғулар учун (1984 йил), № 5 «Туйғулар» симфоник оркестр ва сўз устаси учун (М.Аъзам китобидан шеърӣ ўқишлар, 1985 й.), № 6 «Мақом-симфония» торли оркестр ва литавралар учун (1986 й.), № 7 «Мақом-симфония» симфоник оркестр учун, Симфоник учлик (трилогия) - «Абадийлик» (1989-1990 йиллар), «Абадий коинот» (Абадий Оллоҳ) 8-симфония, «Абадий Исо» (9-симфония); «Абадий Ислом» (10-симфония), № 11. «Ўғлим хотирасига» камер оркестр учун (1999 й.), № 12. «Ҳайвонлар макони» ҳайвонот боғига бағишланади, № 13. «Адашганлар» (1995-2002 й.), № 14. «Покланиш» (1997-2002 й.), «Бешта эртак» (1978 й.), «Поэма-импровизация» (1981 й.), «Авиценна» симфоник поэмаси (1980й.), 9 та концерт-мақом № 1 - виолончель ва симфоник оркестр учун (1985 й.), № 2 - чанг ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун (1986 й.), № 3 - альт ва камер оркестр учун (1987 й.), № 4 - фортепиано ва симфоник оркестр учун (1987 й.), № 5 - халқ чолғулари оркестри учун (1988 й.), № 6 - скрипка ва симфоник оркестр учун (1988й.), № 7 - кларнет ва симфоник оркестр учун (1988 й.), № 8 - фортепиано ва симфоник оркестр учун (1993 й.), № 9 - катта симфоник оркестр учун (1998 й.) асарларини яратди.

1980-2002 йилларда «Шаклий ёзув» (шарқ мусиқаси имлоси. Темперация қилинган ва қилинмаган созланишга асосланган мусиқа учун имло), «Мусиқий тизим» (Асарларимизнинг техник ва драматургик асослари) илмий ишларини олиб борди.

СУЛТОН ҲАЙИТБОЕВ (1926-2000)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, композитор С.Ҳайитбоев замонавий профессионал композиторлар сафига 1960-йилларнинг бошида кириб келди. Унинг дилрабо кўшиқ ва ашулалари, чолғу куйлари, оркестр учун ёзган асарлари, мусиқали драма ва комедиялари, симфоник ва вокал-симфоник асарлари мухлислар қалбидан муносиб ўрин олган.

Султон Ҳайитбоев Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида 1926 йилнинг 5 май куни таваллуд топди. Ёшлигидан мусиқага меҳр кўйди, мактаб ва туман мусиқа тўғарагига қатнашиб, ғижжак ва доира чалишни ўрганди. Туғма истеъдод соҳиби Султон ёш бўлишига қарамай, Янгиариқ туманидаги «Колхоз театри»да созанда бўлиб ишлади. 1945-1949 йиллари Тошкентда ҳарбий хизматни ўтади. Султон ўша дамлар ҳақида куйидагича ҳикоя қилган: «Ҳарбий ҳаваскорлар ансамбли» репертуар дастурида ўзбек халқ мусиқаси билан бирга Ю.Ражабий, Т.Жалилов, К.Жабборов, С.Калонов, Ф.Содиқов, Н.Ҳасанов, М.Ниёзов, П.Раҳимов, Т.Содиқов, М.Левиёв, С.Юдаков каби композиторларнинг кўшиқ ва куйлари мавжуд эди. Мазкур бастакорларнинг ижодлари менга жуда ҳам таъсир қилди. Мен ҳам шуларга ўхшаган бастакор бўлишни орзу қилар эдим. Чунки ўзим ҳам куйлар басталашга интилиб, бир неча куй ва кўшиқларим ансамбль ижросида жаранглади. Оврўпа нота ёзувини ўзлаштиришга, мусиқачи бўлишга қарор қилдим».

С.Ҳайитбоев 1949 - йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг ғижжак синфи ва мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кирди. Мусиқа назарияси ва композиторлик мутахассислиги бўйича С.Бобоев ва Б.Гиенколардан сабоқ олди. 1952 йили Ўзбекистон халқ артисти Ю.Ражабий радио қошидаги Ўзбек халқ чолғу ансамблига С.Ҳайитбоевни ишга таклиф қилди. Хоразм, Бухоро ва Фарғона, Тошкент анъанавий мусиқа йўналишларини ўзлаштириши ёш композитор учун катта мактаб бўлди.

1955-1960 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида профессор Б.Б.Надеждин синфида таҳсил олди. 1960 йилда Ўзбекистон маориф вазирлиги қошидаги педагогика илмий текшириш институтида мусиқа ва бадиий санъат

бўлими мудирлари лавозимига тайинланди. 1962 йилдан эса М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг мусиқа бўлимига мудирлик қилди. 1965-1968 йилларда консерваториянинг аспирантурасида профессор А.Козловский раҳбарлигида таҳсил олди. 1968 йилдан консерваторияда муаллимлик қилди. 1975 йилдан умрининг охиригача А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида чолғулаштириш ва партитура ўқиш кафедрасини бошқарди.

Бастакорнинг ижодида кўшиқ ва мусиқали драма жанрлари устун туради. У ижодининг 40 йилдан ортиқ даврида кўшиқчилик санъатига эътиборини қаратди. Замондош шоирлар билан ҳамкорликда, турли мавзуларда жуда кўп кўшиқ, ялла ва ашулалар яратди. Шуниси диққатга сазоворки, композитор кўшиқларини машҳур хонандалар ва ижрочи жамоаларнинг илтимосларига кўра яратиб, уларнинг репертуарларини бойитди. Масалан, Ўзбекистон халқ артистлари — Олмахон Ҳайитова ижросида «Ўзбекистон гуллари» (А.Бобожонов сўзи), «Ўзбекистон сўзлагай» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Хаёл» (Э.Охунова сўзи), «Ўтмасмикан» (Нилуфар сўзи), Коммуна Исмоилова ижросида «Эй, соҳиби дил» (Т.Тўла сўзи), «Сўзим айтаман» (Халқ сўзи), «Истар» (Э.Самандаров сўзи), Султонпошша Ўдаева ижросида «Хивам, менинг дўстларим» (Э.Самандаров сўзи), Қувондиқ Искандаров ижросида «Эсингдами» (Миртемир сўзи), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳадя Юсупова ижросида «Ўргилай ёр, бўйингдан» (А.Исроилов сўзи), «Ох, агар кўрсам яна», (Х.Бойқаро сўзи), «Овозингни эшитганда» (Т.Қаҳҳор сўзи), Матлюба Дадабоева ижросида «Ўзбекистоним» (Ж.Жабборов сўзи), хонанда Озода Ёрова ижросида «Кечма муҳаббатдан» (Э.Самандаров сўзи), Ғанижон Ваҳобов ижросида «Қалам қошга» (П.Мўмин сўзи) ва бошқа хонандалар ижросида концерт дастурларида, радио эфир тўлқинларида жаранглаб келмоқда. Булардан ташқари, «Лазги» вокал-хореографик ансамбли ва ўзбек халқ чолғулари оркестрининг ижро дастуридан композиторнинг бир талай кўшиқлари ўрин олган.

1991-1999 йилларда Э.Самандаровнинг сўзларига «Соғиниш», «Юлдуз билан», «Истар», «Умид ғунчаси», «Кетма, муҳаббат», Б.Бойқобиловнинг сўзларига «Биз Темур авлодимиз», Раъно Узоқова сўзига «Вафо қилмади», Ҳусайн Бойқаро ғазалларига «Армон бўлмасин», «Равшан айлагил», «Ох, агар кўрсам яна», «Жамолингдан кўзим равшан» каби кўшиқ ва куйлар яратди. Композиторнинг

кўшиқлари 1985 йилда Ғ.Ғулом нашриётида «Ўзбекистон сўзлагай» номи билан махсус тўпламда ва турли бошқа тўпламларда чоп этилган.

1962 йили С.Ҳайитбоев бастакор К.Жабборов билан ҳамкорликда «Нодира» (Ҳ.Раззоқов пьесаси) мусиқали драмасини яратди. Асар Андижон мусиқали театрида сахна юзини кўргандан бошлаб композиторнинг ижодида катта бурилиш бўлди. У шу жанрга меҳр кўйди ва йиллар давомида 14 та мусиқали драма, иккита мусиқали комедия ва учта телевизион спектакльга мусиқа басталади. Унинг сахна асарлари Муқимий номидаги мусиқали театрда ва вилоят театрларида сахна юзини кўрди. Масалан, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театри 1964 йили «Сўнгги хон» (А.Бобожон ва М.Муҳамедовлар пьесаси) мусиқали драмани, шу театр жамоаси 1972 йили «Қудалар» (Ў.Рашид пьесаси) мусиқали комедияни, 1973 йили «Маузерли қиз» (Ю.Юсупов пьесаси), 1985 йили «Аҳмад билан Оқбилак» (Т.Мирза пьесаси), Бобур номидаги Андижон вилоят театри 1969 йили «Салтанат шубҳада» (Ш.Саъдулло пьесаси), 1971 йили Фарғона вилоят театри «Яйлов тонги» (Тамкин пьесаси) ва 1973 йили «Завқий» (К.Маҳкамов пьесаси), Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театри 1976 йили «Муҳаббат ёдгори» (М.Назаров пьесаси) ва 1979 йили «Фарзанд деб» (Ў.Рашид пьесаси), М.Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти театри 1978 йили «Чороғбонлар» (М.Назаров пьесаси) мусиқали драмаларини, Ю.Ражабий номидаги Сирдарё вилоят театри 1990 йили «Икки ошиқ бир бўлса» (Т.Қаҳҳор пьесаси) мусиқали комедияни томошабинларга ҳавола қилган эди. Муқимий номидаги мусиқали театр жамоасини эса 1966 йили «Бағритош» (Ҳ.Умаров пьесаси), 1975 йили «Туркман қизи» (Тамкин пьесаси), 1994 йили «Ҳар кимга вафо қилса» (Ҳ.Муҳаммад пьесаси), бастакор А.Исмоилов ва композитор М.Отажоновлар ҳамкорлигида ёзилган «Башорат» (Э.Самандаров пьесаси) мусиқали драмалари 1995 йили сахна юзини кўрди. 1967 йили «Увайсий» (Т.Қосимова пьесалари), 1971 йили «Дилистоним менинг», 1984 йили «Машраб» (Алп Жамол пьесаси) телеспектаклларига мусиқа басталади.

Композитор С.Ҳайитбоевнинг скрипка ва симфоник оркестр учун концерт, симфония, симфоник сюита, рубоб ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Концертли лирик пьеса», ўзбек халқ чолғулари оркестри учун учта сюита, ўзбек халқ чолғулари ва доира учун «Доира-ракс пьесаси», қашқар рубоби ва фортепиано учун

«Баллада», фортепиано учун пьеса, вариация, прелюдия, фуга каби асарлар мусиқа мактаблар ўқув дастурларига киритилган. Ўзбек мумтоз «Феруз 1 ва 2»ни, «Алиқамбар», «Тобон айласа» ва «Келдим» ашулаларини якка хонанда ва фортепиано учун мослаштирган. Болалар учун «Турналар», «Орзу», «Ўқи, билим ол», «Кимнинг хати чиройли», «Интернатчилар кўшиғи» каби кўшиқлари якка ижрочи ва болалар хор жамоаларининг репертуар дастурларидан жой олган. С.Ҳайитбоев 1960-1964 йилларда Т.Ҳусайнов билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларнинг 5 ва 6-синфлари учун «Мусиқа» дарслигини яратди ва нашрдан чиқарди.

Султон Ҳайитбоев 1988 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, шунингдек, бир неча медаллар билан тақдирланган.

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА (1940-2014)



Ўзбекистон халқ артисти, хонанда ва бастакор Олмаҳон Ҳайитова Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига 1998 йили қабул қилинган. У кучли, ноёб, ўзига хос бетакор овози билан мусиқа шинавандаларининг олқишларга сазовор бўлди.

Олмаҳон Ҳайитова Хоразм вилоятининг Ханқа туманида таваллуд топган. Умумтаълим мактабида ташкил топган бадий ҳаваскорлик тўғарагида рубоб, дутор чертиш ва кўшиқ айтишда тенгдошлари орасида у алоҳида ажралиб турар, келгусида хонанда-санъаткор бўлишига кўпчилик ишонар эди. Мактабни битириб Урганч шаҳар маданият уйидаги ашула ва рақс ансамблига қабул қилинди. Ансамблда устозлардан халқ мусиқа меросидан кўплаб кўшиқлар ўрганди. 1959 йили эса Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар театрига хонанда лавозимига таклиф этилди. Мазкур театрда моҳир хонанда сифатида узил-кесил шаклланди ва эл-юртга танилди. 1963 йили ёш хонандани М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси қошидаги Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов раҳбарлигида ташкил топган «Хоразм ашула ва рақс ансамбли»га яккахон лавозимига таклиф этилди. 1969-1974 йилларда М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида таҳсил кўрди. 1995-2005 йилларда Хоразм вилоят «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси таркибидаги

К.Отаниёзов номидаги филармониянинг директори вазифасида фаолият кўрсатди.

Хонанда-бастакор Олмахон Ҳайитова ўзининг ижрочилик ва бастакорлик фаолияти билан миллий кўшиқчилик санъатига ўз ҳиссасини кўшди. Унинг 50 дан ортиқ турли мавзуларда, замондош шоирларнинг сўзларига басталаган, ранг-баранг, кўшиқ, ялла ва ашулалари мавжуд. Улар орасида «Муҳаббат», «Сен бир ёна, мен бир ёна», «Торни кўлга олингларей», «Уяламаней» (Ошиқ Эркин сўзлари); «Бўлса бўлар, бир бўлар» (Шоди Карим сўзи); «Ўйнали» (О.Матжон сўзи), «Кўзингдан айланай» (Қ.Матрасул сўзи), «Ишқ ўйнашдим» (Комила сўзи) ва бошқа кўшиқлари ўз ижросида машҳур бўлди.

Олмахон Ҳайитова 1966 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1992 йили «Ўзбекистон халқ артисти» ва 1993 йили Қорақалпоғистон халқ артисти фахрий унвонлари билан тақдирланган.

ОЛИМЖОН ҲАЛИМОВ (1912-1984)



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Бердах номидаги Давлат мукофоти совриндори, композитор Олимжон Ҳалимов XX аср ўзбек ва қорақалпоқ халқлари замонавий профессионал муסיқаси тарихида чуқур из қолдирди. Ўзбек муסיқа маданиятининг вакиллари билан бири, атоқли композитор Қорақалпоғистон замонавий муסיқа санъатининг ривожланишига тамал тошини кўйди. Қардош халқ муסיқа маданиятининг ривожланишига ёрдам бериш учун 1944 йили борган О.Ҳалимов умрининг охиригача шу ерда хизмат қилди. У турли жанр ва шаклларда ранг-баранг асарлар яратиб, ижро жамоаларининг репертуарларини бойитди. Унинг муסיқали драма ва комедиялари узоқ йиллар давомида Нукус, Бухоро, Урганч ва Тошкент театрлари сахналарида намойиш этилди.

Олимжон Ҳалимов Бухоро шаҳрида, машҳур ҳофиз, шашмақом билимдони Ўзбекистон халқ артисти Домла Ҳалим Ибодов оиласида 1912 йилда таваллуд топди. У 1919 йили маҳалла мактабида ва 1924 йилдан бошлаб янги мактабда ўқиди. Туғма истеъдод соҳиби Олимжон болалигидан муסיқа оламида ўсди, муסיқага қизиқди,

ҳофиз ва созандаларга ҳавас билан эргашиди. 1926 йили Бухоро мусиқа мактабида машҳур ғижжакчи Нажмиддин Насриддинов синфида таҳсил ола бошлади. 1929 йили Самарқанд мусиқа ва хореография илмий тадқиқот институтига ўқишга кирди. Ушбу ўқув даргоҳида у машҳур санъаткорлар: Ота Жалол Носиров, отаси Домла Ҳалим Ибодов, Абдурахмон Умаров, Аҳмаджон Умурзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харратов, Николай Миронов каби устозлардан мусиқа санъати сирларини ўрганди. Ўқиб юрган йиллари ва 1932 йили битиргандан сўнг ҳам Самарқанд радиосининг халқ мусиқа ансамблида созанда бўлиб ишлади. Шу институтда бўлғуси атоқли санъаткорлар: М.Бурҳонов, Т.Содиқов, М.Левиев, Д.Зокиров, М.Насимов, Ф.Шамсутдинов ва бошқалар билан танишди, бирга ўқиди.

1933 йили О.Ҳалимов Свердлов номидаги Тошкент мусиқали театрига ишга таклиф қилинди, 1935 йили эса П.И.Чайковский номидаги Москва давлат консерваторияси қошида янги ташкил этилган «Ўзбек опера студияси»га юборилди. Мазкур ўқув даргоҳида у хор дирижёрлиги бўлимида ўқиди ва профессор Г.И.Литинский синфида композиторлик мутахассислигидан сабоқ олди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан у Тошкентга қайтиб келиб, Тошкент вилояти театрида мусиқа раҳбари бўлиб ишлай бошлади. 1942 йилнинг бошида унга Туркистон ҳарбий округи бошқармаси Фарғона гарнизонида «Ашула ва рақс ансамбли»ни ташкил этишга топшириқ беради. Ансамбль учун кўшиқ ва куйлар ёзади, атоқли бастакор Ю.Ражабий билан ҳамкорликда «Нодира» спектаклига мусиқа басталади. Мазкур спектакль 1943 йили Фарғона вилоят мусиқали драма театрида сахна юзини кўрди.

1944 йилнинг охирида О.Ҳалимов Қорақалпоғистонга замонавий мусиқа санъатини ривожлантиришга ёрдам бериш учун юборилади. У маҳаллий санъаткорлар билан ва халқ мусиқа мероси билан танишади, ижод қилади, давлат ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатади.

Драматург Ҳожиниёзов пьесасига бастакор-бахши Жапак Шомуратов билан ҳамкорликда «Суймегенге-суйкенбе» мусиқали комедиясини ёзди. Ушбу спектакль 1945 йили Станиславский номидаги мусиқали драма театрида сахналантирилади. Бу асар муаллифларга катта шуҳрат келтирди. Бундан илҳомланган композитор турли мавзуларда ёзган кўшиқ ва рақс куйлари билан бирга 1945-1952 йилларда бастакор-бахши Ж.Шомуратов ва

драматург Ж.Оймурзаевлар билан ҳамкорликда: «Ойгул-Абад», «Орол қизи», «Амударё», «Бердах», «Бекжаб фожиаси», А.Хайриддинов билан ҳамкорликда «Жайловда тўй» мусикали драмаси ва А.Султонов билан ҳамкорликда «Кунчелек кўзли ёр» асарларини яратди.

О.Ҳалимов композиторлик малакасини ошириш учун 1952 йилда Тошкент давлат консерваториясига ўқишга кирди. У профессор Г.А.Мушель синфида таҳсил олади ва талабалик даврида фортепиано учун пьесалар, 5 та прелюдия, сонатина, скерцо, вальс, фортепиано ва флейта, виолончель, кларнет учун бир нечта пьесалар, фортепиано учун қорақалпоқ халқ куйи асосида «Рапсодия» ва ўзбек чолғулари оркестри учун «Қорақалпоқча сюита» ва бошқа асарлар яратди. Давлат имтиҳонига «Қирқ қиз» номли вокал-симфоник поэмани тақдим этиб, 1958 йили консерваторияни муваффақиятли битиради.

О.Ҳалимов қорақалпоқ ва ўзбек классик ҳамда замондош шоирларнинг сўзларига 200 дан ортиқ ранг-баранг кўшиқ ва ашулалар яратди. Улар билан бирга Х.Сеитов сўзига «Қорақалпоғистон» кантатаси, И.Юсупов сўзларига «Орол лирикаси» вокал-симфоник сюитаси, 4 қисмли симфоник сюита каби йирик асарларни ҳам басталади.

Композитор О.Ҳалимовнинг ижодий фаолиятида мусикали драма ва комедия жанрлари етакчи ўрин эгаллайди. Мазкур жанрларда у 20 дан ортиқ асар яратган. Жумладан: «Тенгинг топгин, қиз» (Утепов пьесаси), «Ғариб ошиқ» (Бегимов ва Олланазаров пьесаси), «Жос жулеклер», «Тинимсиз тўлқинлар», «Ахмоқ подшо», «Мамонби ва Бумагул» (Ҳожиниёзов пьесаси) ва бш. Узоқ йиллардан буён сахнада умр кўрган «Суймегенге суйкенме» мусикали комедияси (қайта ишланган) учун композитор 1972 йили Бердах номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотида сазовор бўлган.

Йиллар давомида О.Ҳалимов 140 та қорақалпоқ халқ мусикаси дурдоналарини йиғиб, уларни нотага ёзиб, абадийлаштириш ниятида мусикашунос И.Ақбаров таҳрири остида «Ўзбек халқ мусикаси» тўпламининг 8- жилдида нашрдан чиқарди. (Тошкент, 1959 йил).

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига композитор, дирижёр, устоз Олимжон Ҳалимов 1958 йили қабул қилинган. У Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда ўтказилган адабиёт ва санъат декадаси, қурултой, пленум маданият ва санъат тадбирларида фаол қатнашди. 1967 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг

Қорақалпоғистон бўлими очилди ва у бўлим раиси этиб сайланди, 1977 йилгача фаол меҳнат қилди.

Олимжон Ҳалимов «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти» фахрий унвонлари, орден, медаллар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

ИБРОҲИМ ҲАМРОЕВ *(1916-1999)*



Ўзбекистон халқ артисти, доцент, композитор Иброҳим Ҳамроев ХХ аср ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди. У замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатини илк ривожланиш жараёнига тамал тошини қўйган композиторлардан бири. Композитор бутун умри давомида турли шакл ва жанрларда асарлар яратиб, маънавий ҳаётимизни бойитишга хизмат қилди.

Иброҳим Ҳамроев Бухоро шаҳрида Ҳамро Азимов оиласида 1916 йилнинг 25 декабрида дунёга келди. Болалигидан мусиқага қизиқиб танбур чертишни ўрганди. У 1934 йилда Бухоро мусиқа мактаби ва мусиқа билим юртининг ўзбек халқ чолғулари бўлимида сабоқ олади. 1937 йили ёш созанда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик тайёрлов бўлимига кириб, Б.Б.Надежин синфида композициядан ўқийди. У 1940 йили асосий босқичга ўтади ва профессорлар: А.Ф.Козловский ва Л.Н.Ревуцкийлар синфида таълим олади. Талабалик даврида скрипка ва фортепиано учун 2 та пьеса, виолончель учун пьеса, ғижжак, афғон рубоби ва фортепиано учун «Трио», пьеса, этюд, ракс, сонатина, танбур учун куй, торли кватрет учун сюита, симфоник оркестр учун 4 қисмли сюита ёзди. 1945 йилда 1 қисмли симфония диплом иши билан консерваторияни муваффақиятли битирди.

И.Ҳамроев Бухоро мусиқа техникумида ўқиб юрган кезлари аввал болалар, кейин мусиқали драма театрида созанда бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади. 1939 йилдан консерваториянинг тайёрлов бўлимида мусиқа назарияси ва сольфеджиодан дарс берди. 1943 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида ҳам дарс бера бошлади. 1950 йилда мазкур ўқув юртига директор лавозимига тайинланди. 1957-1995 йилларда И.Ҳамроев консерваторияда

ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент вазифаларида талабаларга дарс берди, ўзбек муסיқаси асосида «Сольфеджио» фанидан икки қисмли дарслик чоп эттирди.

И.Ҳамроев яратган 4 қисмли симфоник сюита (1951й.), симфоник поэма (1957 й.), «Ўзбекистон» (К.Отабоев сўзи, 1956й.), «Бу сенинг илҳоминг» (Ж.Жабборов сўзи, 1975 й.), «Сени улуғлайман» (Миртемир сўзи, 1957й), кўп қисмли кантаталар, айниқса, шоҳ асари «Ўзбекистон хотин-қизлари» (А.Бобожонов сўзи, 1957й.) кантатаси, унга шуҳрат келтирди ва Республика мукофотиغا сазовор бўлди.

Театр учун композитор қуйидаги муסיқали драмаларни яратди: «Милихоббону нави товон» (Э.Маматхонов пьесаси, 1962й.), «Бир гунча очилгунча» (Мирзо пьесаси, 1965 й.), «Шоирнинг орзуси» (Х.Расул пьесаси, 1972й.), «Интиқом» (Я.Маматхонов пьесаси, 1983й.), опералар: «Ойжамол» (Э.Воҳидов либреттоси, 1969 й) ва «Чўл чакмоғи» (Ж.Жабборов либреттоси, 1973 й.). Мазкур сахна асарлари орасида «Ойжамол» ўзбек опера санъатининг ривожланиш жараёнида ёрқин из қолдирди. Замонавий мавзуда ёзилган опералар кўрик-танловида «Ойжамол» диплом ва мукофотга сазовор бўлган.

И.Ҳамроев ўзбек халқ якка чолғулари ва оркестрига ҳам ранг-баранг муסיқалар яратди. У басталаган асарлар орасида, айниқса, чанг учун ёзилган иккита «Концерт» (1963-71 й.) ва қашқар рубоби учун концертлари машҳур бўлиб, созандалар ўқув дастурларидан кенг ўрин олган.

Композитор И.Ҳамроев кўшиқчилик соҳасига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. У замондош шоирлар сўзларига яратган кўпгина кўшиқларининг деярли ҳаммаси Ватан, меҳнат, ҳаёт ва муҳаббат мавзусида яратилган ва кўплари лирик ҳолатни ифодалайди. Унинг «Ўзбекистоним менинг» ва «Бахтимиз чароғбони» (Ё.Мирзо сўзлари), «Қиз орзуси» (Т.Маҳмудов сўзи), «Дилда баҳор ўйнайди» ва «Одамлардан сўроқлаб» (Тўлқин сўзлари), «Тингланг мени, сайёралар», «Дилбарим, жоним», «Гўзал қизга» (М.Қодиров сўзлари), «Юр, сайёрага чиқайлик» (А.Абдусаматов сўзи), «Баҳор байрами» (Т.Тўла сўзи), «Сайёраларга» (Юсупов сўзи), «Менчи капитан» (Ж.Жабборов сўзи), «Чаман» (П.Мўмин сўзи), «Рубобим» (О.Мухторов сўзи), «Офарин илҳоми» (В.Саъдулла сўзи), «Ҳар баҳор, ҳар кузда» (Н.Раҳимов сўзи) ва бошқа кўшиқлар фортепиано ва кўплари ўзбек чолғулари оркестри жўрлигида ижро этилади. 1985 йил композитор овоз ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун

«Ўзбекистон, бўл омон» (С.Ақбаров сўзи) балладасини яратди. Унинг болаларга аталган кўпгина кўшиқлари бор.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг 1944 йилдан аъзоси Иброҳим Ҳамроев ўзбек мусиқаси ривожига кўшган хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари, медаллар билан тақдирланган.

РАШИД ҲАМРОЕВ (1937-1985)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Давлат мукофоти совриндори, композитор Ҳамроев Рашид Ҳамидович ўзбек замонавий профессионал композиторлари сафига 1960-йилларнинг бошида кириб келди. У тез орада ёрқин, жозибали, турли жанр ва шаклларда яратган асарлари билан мусиқа жамоатчилигининг ҳурмат эътиборига ва халқ назарига тушди.

Ҳамроев Рашид Ҳамидович Бухоро шаҳрида 1937 йили дунёга келди. Умумтаълим мактабида ўқиб юрган йиллари маданият саройининг мусиқа тўғарагига қатнади, рубоб, дутор ва ғижжак чалишни ўрганди. Унинг мусиқага бўлган қобилиятини ва интилишини сезган амакиси Иброҳим Ҳамроев ўз ташаббуси билан Рашидни Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимининг тайёрлов курсида ўқитади. Шу ўқув юртида Р.Ҳамроев мусиқий-назарий фанлар ва композиторлик мутахассислигидан С.Бобоев ва Б.Гиенколардан таълим олди. 1956 йилдан бошлаб у Тошкент давлат консерваториясида профессор Б.И.Зейдман синфида ўқиди ва 1961 йили консерваторияни битирди. 1966-йилларда аспирантурада касб малакасини оширди.

Р.Ҳамроев консерваторияни битиргач, Тошкент давлат театр ва рассомчилик институтининг мусиқий фанлар кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга тайинланади ва тез орада ушбу кафедранинг бошқаради. 1974 йили янги ташкил топган А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг чолғулаштириш ва партитура ўқиш кафедраси доценти вазифасига таклиф этилади ва шу ўқув даргоҳида умрининг охирига қадар «Партитура ўқиш ва чолғулаштириш» фанидан дарс беради.

Р.Ҳамроев ижодий фаолиятининг илк давридаёқ «Йўлчи ва Гулнор» (1960 й.) симфоник поэмаси, «Фортепиано учун 3 қисмли

концерт» (1961 й.) диплом иши ва мустақил равишда «Биринчи симфония» йирик асарлари билан муסיқа жамоатчилигининг эътиборига тушган эди. Бу йирик асарларни яратишдан аввал у тўрт қисмли торли кваттет, фортепиано, скрипка ва виолончель учун «Трио», уч қисмли фортепиано учун сонатина, фортепиано учун 10 та вариация, скрипка ва фортепиано учун «Элегия» каби куйлар ёзиб, ижрочилар репертуарини бойитган эди. Шунини айтиш жоизки, юқорида тилга олинган иккита йирик асари республикамизда замонавий профессионал муסיқа ижодкорлиги тарихида воқеага айланган эди. Чунки Р.Ҳамроевдан аввал ўзбек композиторлардан бирортаси бундай йирик, мураккаб жанрда, юқори савияли, миллий руҳ билан суғорилган, бадий-муסיқий асар ёзмаган эди. Ушбу вазифани биринчилардан бўлиб ёш композитор бажаришга муваффақ бўлди.

Ёш композитор Р.Ҳамроевга 1965 йили Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида сахналаштирилган Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида Т.Тўла либреттосига яратган «Зулматдан зиё» операси катта шуҳрат келтирди. Мазкур опера 1966 йили Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1972 йили эса драматург И.Султоннинг либреттосига ёзган «Тонг олдида» операси ҳам Навоий номидаги опера ва балет театрида сахна юзини кўрди. (Композиторнинг «Шайх санъон» операси сахналаштирилмаган).

Бундай ижодий ютуқларга сазовор бўлган Р.Ҳамроев тинимсиз ижод қилди, турли мавзу, жанр ва шаклларда катта ва кичик ҳажмли муסיқа асарларини яратди: бир қисмли «Симфония № 2», (1966 й.), Д.Зокиров ва Г.Ёқубовлар билан ҳамкорликда «Ҳамқишлоқлар» муסיқали драмаси (1965й.) Й.Охунбобоев номидаги республика театрида сахналаштирилган, «Семурғ» (1969), «Ёлғончи ва уч баҳодир» (1971 й.), «Етти миллион умр» (1972й.) каби спектаклларга муסיқа басталади, фортепиано учун болалар альбоми, драматург М.Каримов билан ҳамкорликда «Мирзачўл афсонаси» муסיқали драмаси, бир неча кўшиқ ва романслар яратди.

Р.Ҳамроев ижодида чолғу муסיқаси устун бўлди. У 1973 йили скрипка ва симфоник оркестр учун концерт ёзди. Унинг 1984 йилда яратган «Ёшлик байрами» симфоник увертюраси 1982,1984,1985 йилларда ҳавола этилган 2,3,4-симфониялари ва «Авиценна» (1980 й.) Жамол Камол сўзига вокал симфоник поэмаси ҳам шулар қаторига киради.

Композитор Р.Ҳамроев ўзининг ёрқин, кўп қиррали ижодий ва ўқитувчилик фаолияти билан Ўзбекистоннинг замонавий профессионал мусиқа санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун 1984 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

РАВШАН ҲАМРОҚУЛОВ (1944)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, моҳир созанда, педагог-мураббий Ҳамроқулов Равшан Баҳромович ўзбек бастакорлик ижодиётининг анъаналарини давом эттириб келаётган истеъдодли бастакорлардан биридир. У 1996 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига қабул қилинди.

Ўзининг ёрқин ижоди ва ташаббускорлик фаолияти билан Самарқанд вилоятининг маданий ҳаётига самарали ҳиссасини қўшди.

Ҳамроқулов Равшан Баҳромович Самарқанд шаҳрида 1944 йилнинг 4 апрелида таваллуд топди. У болалигидан мусиқага қизиқади. 1960 йилда Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги Самарқанд давлат мусиқа билим юртига рубоб синфига ўқишга киради.

Р.Ҳамроқулов 1964 йилда мусиқа ўқув юртини муваффақиятли битириб Самарқанд давлат опера ва балет театрига ишга тайинланди. 1964-1965 йиллари Тожикистон давлат филармониясида созанда, 1965-1968 йиллари армия сафида, 1968-1971 йиллари «Лола» номли Тожикистон давлат ансамблида рубобчи-созанда бўлиб ишлади. 1972-1976 йилларда С.Айни номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг мусиқа кафедрасида ўқийди. Мазкур олийгоҳда 1973 - 1992 йилларда ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида, 1992-йилдан Самарқанд вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий методик марказида биринчи тоифали услубчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Равшан Ҳамроқуловнинг бастакорлик ижоди 1972 йилдан бошланган. «Самарқанд» (В.Абдулло сўзи), «Самарқанд сеҳри», «Наргис кўзли», «Паризод» (Н.Нарзуллев сўзлари), «Самарқанд жамоли» (А.Исроиловлар сўзи), «Ишим бордур ўша охуда» (Ҳ.Олимжон сўзи), «Мен эдим» (С.Сирожиддинов сўзи), «Этгали» (А.Орипов сўзи), «Бахтлар макони», «Зарафшон» (О.Икромов сўзлари), «Ор айлама» ва «Эй, улуғ шоир Навоий» (О.Гулханий

сўзлари), «Бўлурму» (З.Обидов сўзи), «Онажоним» (Б.Юнусов сўзи) ва бошқа 100 дан ортиқ турли мавзуларда замондош шоирларнинг сўзларига кўшиқ, ашула, лапар ва яллалар яратди. У «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танловига бағишлаб ҳам жуда кўп кўшиқ яратди. Улар орасида: «Ҳаққим борми сени Ватаним дейишга» (Х.Бобомуродов сўзи), «Ўзбекистоним» (Ж.Сувонов сўзи), «Номингдан айланай» ва «Чинор минорларига бор» (Х.Бобомуродов сўзлари), «Соз тутди элим» ва «Боламни асрагил» (Э.Шукуров сўзлари), «Сен сайқали жаҳондурсан, Самарқанд» (Д.Файзи сўзи), «Ўзбекистоним кўшиғи» (Б.Бойқобилов сўзи), «Истиклол кўшиғи» (М.Зоир сўзи), «Самарқандим», «Кел, Самарқанд шаҳрига» ва «Бўлмағай» (А.Орипов сўзлари) ва бошқалар.

2001 йилда унинг шоир О.Икромов шеърларига басталаган тўплами, “Рубоб тароналари”нинг биринчи қисми, 2003 йилда иккинчи қисми, шунингдек “Қашқар ва Афғон рубоби” учун 30 дан ортиқ этюдлар тўплами, 2004 йилда “Яхшиларни яхшиси” кўшиқлар тўпламини нашрдан чиқарди. 2006-2007 йилларда унинг “Билимдан топади қийматин инсон”, “Кўшиқ кўнгил мезони”, “Рубоб наволари”, 2013 йилда “Самарқанд мадҳи” ва “Қашқар ва Афғон рубоби” наволари услубий қўлланмаларини чоп этди.

1989 йили Р.Ҳамроқулов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан мукофотланди.

АБДУЛАЗИЗ ҲАСАНОВ

(1968)



Истеъдодли композитор Ҳасанов Абдулазиз Тельманович Тошкент шаҳрида таниқли композитор Тельман Ҳасанов оиласида 1968 йилнинг 13 августида туғилди. 1983 -1987 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимида ўқиди, композиторлик мутахассислигидан сабоқ олди. 1987-1996 йилларда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида М.Маҳмудов синфида таҳсил олди. 1996-1998 йилларда консерваториянинг асистент-стажёрлик бўлимида профессор Т.Қурбонов синфида касб малакасини оширди. 1998 йилдан бастакорлик ва чолғулаштириш кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишламоқда.

А.Ҳасановнинг ижоди талабалик давридан бошланган. Унинг

1990-1998 йилларда ёзилган асарлари фортепиано учун: Прелюдиялар, «Фугато», «Диалог», 10 та «Полифоник куйлар», тўрт қўл ижросига мослашган «Бухороча», «Скерцо», «Орзу», «Рақс», «Ўйлар», «Масхарабозлар», «Севимли образ» пьесалари; хор учун «Она» (Шухрат сўзи); гобой ва фортепиано учун «Пьеса», торли ва урма чолғулар учун «Вариация», «Симфоник поэма», фортепиано ва симфоник оркестр учун Концерт №1 (диплом иши), Концерт № 2 (2001 й.) яратди, «Тоҳир ва Зухра» кинофильмининг мусиқасини янгилашда ҳамкорлик қилди.

А.Ҳасанов «Ўзбекистон» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Соғинаман» (Ошиқ Эркин сўзи) «Нозик», «Айрилиқ» (И.Жиянов сўзлари); «Унутмадинг» (Дилбар сўзи); «Бу тунларда» (Ш.Қўлдошева сўзи); «Қалбим» (М.Тоиров сўзи) каби жозибали, ранг-баранг эстрада кўшиқларини яратди.

НАБИЖОН ҲАСАНОВ (1913-1972)



Ўзбекистон халқ артисти, созанда ва бастакор Набижон Ҳасанов 1920- йилларда мусиқа санъатига қадам қўйган. Бастакорнинг жозибали ва дилрабо кўшиқ, ашула ва яллалари, сахна асарларига басталаган мусиқаси халқ юрагидан жой олди, ўзбек мусиқаси тарихида ёрқин из қолдирди.

Ҳасанов Набижон Азимович Самарқанд шаҳрида 1913 йилда таваллуд топди. 7 ёшидан маҳалладаги эски мактабда, 9 ёшидан янги мактабда ўқиди. У шундай хотирлаган эди: «Мусиқага бўлган муҳаббатни энг аввал онам ва отам уйғотишди. 1928 йилда Т.Содиқов раҳбарлигида мактабимизда ҳаваскорлик тўғараги ташкил этилди. Бу ерда най чалишни ўргандим, устозим Толибжон акадан ғижжакчи-созанда бўлиб етишдим. 1926 йили машҳур бастакор, созанда Тўхтасин Жалилов Й.Охунбобоев номидаги мусиқали драма театрига ишга таклиф қилдилар. Самарқандда 1928 йили мусиқа ва хореография илмий тадқиқот институти очилганини эшитиб, 1930 йилда мазкур институтга ўқишга кирдим. Ђижжакдан ташқари скрипка, виолончель, фортепиано чалишни ҳам ўзлаштирдим. Нота ёзувини, сольфеджио ва мусиқа назариясидан институт директори, мураббий Н.Н.Миронов ўргатар эди. Бу ўқув даргоҳида Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари, «Фарғона-Тошкент мақом йўллари»ни катта устозлардан ўрганиш

билан бирга Оврўпо ва рус муסיқа санъати билан ҳам танишиб бордик. Ўқиш билан бир даврда театрда созанда, 1932 йилдан муסיқа раҳбари бўлиб ишладим. Ўша йили ўқишни битирдим. Институтда ўқиб юрган пайтимда машҳур санъат арбоби Али Ардобус ташкил қилган «Кўк кўйлак» деб аталувчи шаҳар ёш ҳаваскорлар тўғарагига Т.Содиқов, М.Левиёв, В.Абдулло, А.Жўжаёв, А.Тўхтамаёв, Ж.Обидов, М.Зиёёв, М.Қаландаров каби истёждодли санъаткорлар билан қатнашар эдим. Самарқандда ўқиб ва ишлаб юрган пайтларимда машҳур устоз, ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз Расулов домланинг хонадонларида бўлиб ўтадиган муסיқа кечалари, устознинг ўғитлари биз учун ҳақиқий сабоқ мактаби бўлди.

1936 йили устозим Т.Содиқов таклифи билан Тошкентдаги республика ўзбек муסיқали театрининг ансамблида концертмейстер бўлиб ишладим. 1936 йили эса ўзбек филармонияси қошида Т.Жалилов раҳбарлигида ташкил топаётган катта ўзбек халқ чолғулари ансамблига ишлашга ўтказишди. Мазкур ансамбль билан 1937 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида муваффақиятли қатнашдим. 1938 йили Самарқанд муסיқали драма театри раҳбарияти мени ишга чақириб, муסיқа раҳбари лавозимига тайинлади. Шу театрда ишлаган пайтларимда «Гулсара», «Ғунчалар», «Тоғ қизи», «Насриддин Афанди», «Шаҳар ўт ичида» каби спектаклларга халқ муסיқа намуналарини ва ўзим басталаган куйлардан киритиб, сахна асарини бойитишга ҳаракат қилардим. Бу асарлар 1939 йилда Ўзбекистон опера ва балет театридаги халқ чолғу ансамблига концертмейстер лавозимига тайинландим. 1941 йилда бошланган даҳшатли Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига катта кулфат келтирди. «Офарин», «Найзабардор», «Сени дерман», «Зафар кўшиғи», «Шодлик», «Шерзод келур», «Яхши», «Юрсак олға», «Салламно», «Кўрдим юзингни» ва хор учун «Олға» каби кўшиқларни басталадим. Ансамбль билан Шимолий Кавказ фронтидаги ҳарбий қисмлар ва госпиталларда, 1942 йили икки ой Эрондаги ҳарбий қисмларда концертлар бердик. Уруш йиллари сахна юзини кўрган «Ўзбекистон қиличи» муסיқали драмасига муסיқа басталашда бошқа композиторлар билан бирга мен ҳам қатнашдим. Т.Содиқов билан ҳамкорликда болалар театри сахнасида кўйилган «Гулхан» спектаклига муסיқа басталадик. 1944 йили Тошкентда ўтган Ўрта Осиё халқлари санъатида «Ярашди», «Салламно», «Кўрдим». «Юзингни соғиндим» ашулаларимни концерт дастурида Ҳалима

Носирова ва Шаҳодат Раҳимовалар ижро қилишди. 1944 йилда Бекобод театрида ишладим. 1945 йилда Самарқанд вилоят театрига концертмейстер лавозимига тайинландим. Бу ерда сахнага қўйилган «Тақдир», «Ором Гул» ва «Вафо ва макр» спектаклларига мусиқа басталадим.

1947 йилда Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғулари оркестрига концертмейстер лавозимига тайинландим. Мазкур жамоада хонандалар учун «Ўзбекистон» ансамбли учун куйлар, «Айланай» ва «Офарин» (Чустий сўзлари), «Жафо қилма» ва «Жононим келур» (Уйғун сўзлари), «Ноз қилурсан» каби кўшиқларни басталадим. Булардан ташқари ўзим «Бўл-бўл, болам», «Тасаддуқ», «Парвона бўлибман», «Қизгина», «Хуш келдинг» адабий мусиқа учун радиоспектакллар яратдим. Бастакорлар уюшмасига 1942 йилдан буён аъзоман», деб Н.Ҳасанов ўз таржимаи ҳолини 1948 йилнинг 31 мартада ёзиб тугатади.

Набижон Ҳасанов 1948-1951 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетида таълим олди. Умрининг охиригача радио оркестрида ижрочилик ва бастакорлик фаолияти билан замонавий ўзбек мусиқа санъатига хизмат қилди. 150 дан ортиқ ранг-баранг, турли йўналишларда ўз услубига хос кўшиқ, ялла ва ашулалар яратди. «Оқ каптардан илтимос» (М.Бобоев сўзи), «Жонажон ўлкам», «Менинг Ватаним» (С.Исмоилзода сўзлари), «Она Самарқанд» (Назармат сўзи), «Мафтунингман, Самарқанд» (Ё.Мирзо сўзлари), «Шўхи замоним» (А.Камтар сўзи), «Гуллайди Тошкент» (Т.Тўла сўзи), «Тингланг, юлдузлар» (З.Обидов сўзи), «Гуллар очилур» (М.Рахимов сўзи), «Ноз этарди, эъзоз этарди» (П.Мўмин сўзи), «Гулчехралар» (Э.Воҳидов сўзи), «Не бўлди» (Бобур сўзи), «Дилбар» (Б.Машраб сўзи), «Ўн саккиз ёшлигим» (Навоий сўзи), «Интизор» (Миртемир сўзи) кўшиқлари, «Ўйнаб ўтинг, шаббодалар» (С.Қўқонбеков сўзи), «Қизлар вальси» (М.Қодиров сўзи), «Бахт ялласи» (А.Пўлат сўзи), «Ёр қўйнида» (С.Қўқонбеков сўзи) каби ялла-лапарлари халқимиз қалбидан жой олган.

Бастакор Н.Ҳасанов ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Лирик», «Дўстлик» сюиталари, халқ чолғулари ва оркестр учун пьесалар яратди. 1953 йилдан Ўзбек эстрада театрида созанда, 1957 йилдан умрининг охиригача радио оркестрида ишлади.

Машҳур бастакор Набижон Ҳасанов 1950 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1967 йил «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари билан тақдирланган.

ТЕЛЬМАН ҲАСАНОВ (1940)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр, композитор Тельман Набиевич Ҳасанов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1983 йили қабул қилинди.

Ҳасанов Тельман Набиевич Тошкентда, Ўзбекистон халқ артисти, композитор Набижон Ҳасанов (1913-1972 й.) оиласида 1940 йилнинг 5 апрелида таваллуд топди. Болалигидан мусиқага қизиқди, ота касбига эргашди. 1955 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти тайёрлов бўлимида, сўнгра асосий курсида ғижжак синфида ўқийди. 1962 йилда Тошкент давлат консерваторияси композиторлик факультетининг тайёрлов бўлимига ўқишга киради. 1965 йили консерваториянинг асосий курсига ўтказилди ва тез орада ҳарбий хизматга чақирилди. 1967 йили профессор Г.А.Мушель синфида таҳсил олишни давом эттиради. Талабалик даврида скрипка, виолончель ва фортепиано учун яратган «Трио»си, чанг ва оркестр учун «Концерт»и, «Сўлим диёр» (Ҳ.Мухаммад сўзи), «Отандан ёдгор» (С.Кўқонбеков сўзи) кўшиқларини яратади, 1972 йилда фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концерт» диплом иши билан консерваторияни муваффақиятли битирди.

Т.Ҳасанов 1961-1967 йилларда Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида ғижжакчи, 1970-1971 йилларда республика Ички ишлар вазирлиги қарамоғидаги ашула ва рақс ансамбли раҳбари, 1972 йили М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг дирижёри лавозимларида ишлади. Консерваторияни битиргач, 1972-1975 йилларда Ўзбекистон радиоси Бош мусиқа таҳририятининг бош муҳаррир ўринбосари, 1975-1977 йилларда радионинг ўзбек халқ чолғулари оркестри дирижёри, 1977-1980 йилларда телевидение бош мусиқа таҳририятининг бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. 1980 йили А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг чолғу дирижёрлиги кафедрасига ишга таклиф этилди. 1990-1991 йилларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси қошидаги Мусиқий тарғибот бюроси директори лавозимида ишлади. Ўтган йиллар давомида у республикамизнинг турли вилоятларида ашула ва

рақс ансамбллари тизди, уларнинг репертуарини бойитди, республика кўрик-танловларига тайёрлади ва халқ ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Ёрқин истеъдод соҳиби, композитор Т.Ҳасанов ўтган йиллар давомида турли жанр ва шаклларда мусиқа асарлари яратди. Унинг симфоник оркестр учун «Сюита» (1980й.), академик Юнус Ражабий хотирасига бағишланган яккахон ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Поэма» (1982й.), яккахон ва эстрада оркестри учун Уйғун сўзига «Баллада» (1985 й.), «Гулбаҳор қани» (Б.Ҳалилов пьесаси, 1977 й.), 1977 йили «Хўжайин», 1979 йили «Қизи борнинг нози бор» (Х.Расул пьесалари 1980 й.), «Куёвлар конкурси» (Х.Мухаммад пьесаси 1982 й.) мусиқали комедиялари, М.Қориев ҳикояси асосида «Ой тугилган кунда» (1974 й.) телеспектакльга мусиқа асарлари бунёдга келди.

Т.Ҳасанов ижодида кўшиқ жанри устун туради. 300 дан ортиқ кўшиқлар яратган бўлиб, улар орасида «Хуморингиз бўлайин», «Ватаним, гўзалсан», «Қизлар севинчи», «Ёрдин келган хат» (А.Исроилов сўзлари), «Баҳор келди» (Ў.Рашид сўзи), «Кўнгил учун», «Олтин қанот», «Жавоб» (Туроб Тўла сўзлари), «Тинчликдан яшнаган», «Қизларжон», «Кўринмайсан», «Тошкент садоси» (П.Мўмин сўзлари), «Жон, республикам», «Чўл нашидаси» (З.Обидов сўзлари), «Қалбдаги сиймо», «Гуллар билан кутаман» (Ш.Рашидов сўзи), «Тошкент баҳори» (Б.Халил сўзи), «Ўлкамиз осмонида» (А.Орипов сўзи), «Зулфия» (Назармат сўзи), «Сабо билан» (Д.Файзиев сўзи), «Атиргулим» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Гул диёр» (А.Юсупов сўзи) ва бошқалар алоҳида ажралиб туради.

ХУРШИДА ҲАСАНОВА (ТУРСУНОВА) **(1967)**



Ўзбекистон Бастакорлар уюшасига истеъдодли композитор Хуршида Ҳасанова (Турсунова) 2000 йилда қабул қилинди.

Хуршида Отабоевна Ҳасанова (Турсунова) 1967 йилнинг 7 сентябрида Тошкент шаҳрида туғилди. У болалигидан мусиқага муҳаббат қўйди. 1975 йилда Т.Содиқов номидаги Тошкент шаҳар болалар мусиқа мактабининг фортепиано ҳамда А.Мансуров синфида композиторлик мутахассислигидан таҳсил олди. 1982-1986 йилларда

Ҳамза номидаги Тошкент музыка билим юртининг музыка назарияси бўлимида ўқиди, композиторлик мутахассислигидан сабоқ олди. 1986-1991 йилларда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида М.Маҳмудов синфида сабоқ олди. 1991-1998 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг музыка факультетида, 1998-1999 йилларда консерваториянинг музыка назарияси кафедрасида ўқитувчи, 1999 йилдан Тошкент шаҳар кўшимча таълим мажмуаси қошидаги «Севинч» вокал студиясида музыка раҳбари, 2000 йилдан консерваториянинг музыка назарияси ва бастакторлик кафедраларида ўқитувчи, 2012 йилдан доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Композитор Х.Ҳасанова (Турсунова) “Отам хотирасига” симфонияси (2003), фортепиано ва симфоник оркестр учун бир қисмли «Концерт» (2001), Симфоник поэма (1989), торли оркестр учун 4 қисмли сюита, жўрсиз хор учун Э.Воҳидов сўзига «Илтижо» икки қисмли туркум (1989), фортепиано учун «Вариациялар», «Пьесалар», «Сонатина», хор асарлари, скрипка, флейта, гобой, кларнет, фагот каби чолғулар учун фортепиано жўрлигида ёзилган пьесалар, ёғочли дамли чолғулар квартетига «Квартет» ларни яратди. 2012 йилда Х.Ҳасанова композитор М.Ашрафийнинг “Рустам ҳақида дoston” ораторияси мавзуси асосида фортепиано учун ёзган “Фантазия”, “Omnibus” ансамбли учун замонавий услубда «Тарихнинг кичик саҳифаси» ва “Ҳолат” асарлари (2011-2013), халқ чолғулари оркестри учун “Оҳанглар ёғдуси” увертюраси (2013)ни яратди.

Х.Ҳасанова 1998 йилдан буён замонавий эстрада ва болалар кўшиқчилик санъатига эътибор қаратиб, 150 га яқин эстрада ва болалар учун кўшиқлар ёзди. «Чинни гуллар», «Соғинаман» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Етолмайман» (М.Йўлдошев сўзи), «Куз гуллари» (Ҳумоюн сўзи), «Ростини айтинг» (Э.Охунова сўзи), «Алангадан нидо» (М.Йўлдошев сўзи), «Сен учун» (Н.Қурбонова сўзи) эстрада кўшиқлари, «Севинч» болалар вокал гуруҳи учун «Ўзбекистон жаннат» (Д.Ражаб сўзи), «Табассум қил» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Севинч» (С.Музаффарова сўзи), «Турналар» ва «Ватан» (Ҳ.Раҳмат сўзи), «Камалак» (П.Мўмин сўзи), «Ҳумо куши» (Ў.Ҳошимов сўзи), «Соғлом авлод» (У.Қўчқор сўзи), «Лола» (И.Муслим сўзи), «Мажнунтол» (И.Жиянов сўзи) ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Композитор Х.Ҳасанова 2000 йилда Наврўзга бағишланган

кўшиқ кўрик-танловида «Турналар» кўшиғи учун 2-даражали мукофотга сазовор бўлди. 2000 йилда чегара кўшинлари томонидан ўтказилган аскар кўшиқлари кўрик-танловида «Чегарамиз ҳарбийлари» кўшиғи учун совринли ўрин, Италиянинг Сан-Ремо шаҳрида ўтган Халқаро болалар кўшиқ фестивалида “Шодиёна” кўшиғи учун Гран-При мукофотига (2003, 2009 йил), Франциянинг Париж шаҳрида ўтган Халқаро болалар мусиқа фестивалида янграган “Попурри” туркуми учун 1-мукофотга (2006 йил), 2013 йилда “Эътироф” мукофотининг “Йилнинг энг яхши бастакори” номинациясига сазовор бўлди.

Х.Хасанованинг телевидение билан ҳамкорликдаги ижодий фаолияти «Янги авлод студияси» да бошланган. «Арча, арча, арчажон» видеофильми, «NEMO» болалар клуби кўрсатувининг мусиқий безаклари, “Наврўз фантазияси”, “Ғаройиб кашфиёт”, “Болалик орзуси”, “Наврўзой” мусикали видеофильмлари, “Тоғда ўтган қувноқ ёз” (2006) болалар фильмига мусиқа Х.Хасанова қаламига мансубдир. Композитор «Зумраша» ҳажвий киножурналига ҳам мунтазам мусиқа ёзиб келмоқда. Композиторнинг болалар учун ёзган бир қатор кўшиқлари “Кўшиқлар сеҳри” (2007) китобига, “Менинг диёрим” услубий қўлланмасига (2011) киритилган, “Сеҳрли дунё” муаллифлик дискдан ўрин олган.

ОРИФХОН ҲОТАМОВ (1927-2002)



Ўзбекистон халқ ҳофизи, забардаст бастакор, моҳир созанда Орифхон Ҳотамов ўзбек мумтоз мусиқа ижрочилиги ва ижодкорлигида ўзига хос мактаб яратган санъаткор. Унинг юзлаб яратган куй, кўшиқ ва ашулалари мусиқа шинавандаларининг қалбидан чуқур жой олди. О.Ҳотамов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига 1991 йили қабул қилинган.

Орифхон Ҳотамов Жиззах шаҳрида 1927 йилнинг 10 октябрида таваллуд топган. 1936 йилда унинг оиласи Тошкентга кўчиб ўтади. Орифхон мактабда ўқиб юрган пайтларида мусиқага қизиқади ва тўгаракка қатнаб най, ғижжак, кейинроқ танбур, дутор чалишни пухта ўзлаштирди. 1944 йилда у Муқимий номидаги мусикали театрда, 1945 йилдан Ўзбек давлат филармониясида созанда ва хонанда сифатида фаолият кўрсатди.

1950-1954 йилларда О.Ҳотамов Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртида ғижжакдан таълим олади. 1957 йилга қадар маданият уйларида ишлайди. 1957 йилда Ўзбекистон радиоси қошида Д.Зокиров раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига ишга таклиф қилинади. 1959 йили эса Ғ.Тошматов раҳбарлигидаги муסיкий-этнографик ансамбльга таклиф этилади. О.Ҳотамов 1976-1989 йилларда мақомчилар ансамблида ишлайди, 1989-1999 йилларда М.Уйғур номидаги Санъат институтида доцент лавозимида талабаларга анъанавий хонандалик бўйича сабоқ беради. 1999 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик кафедрасида ёш созанда ва хонандаларни тарбиялади.

Бастакор О.Ҳотамовнинг ижодкорлик фаолияти ўзига хос ва серкирради. У ўтган даврда 500 дан ортиқ куй ва ашулалар яратди. Бутун ижоди давомида Яссавий, Хайём, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Фузулий, Амирий, Нодира, Ҳазиний, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Ҳувайдо, Муқимий, Машраб, Фурқат, Розий, Салоҳий, Рожий, Нисбат каби ўтмиш, Ҳабибий, С.Абдулла, Чустий, С.Зуннунова, Зулфия, В.Саъдулла, Э.Охунова, Х.Яҳёев, Нилуфар, П.Мўмин, Т.Тўла, Н.Муҳаммад, М.Али каби замондош шоирларнинг шеърларига ашулалар яратди. Бу асарларда Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур, севги-муҳаббат каби мавзулар ўз ифодасини топган. Масалан, «Найлайн», «Қаро бўлибдур», «Оқара бошлади», «Бўлибдур», «Гулузорим менинг», «Сўнмасму», «Ёр сендек» (Навоий сўзлари); «Билдингму», «Дунё менинг», «Умринг елдай ўтади», «Саховат йўқ» (Яссавий шеърларига); «Фироқингизда», «Сенсан севарим», «Сендин не ҳосил» (Лутфий шеърлари); «Билмас», «Айламиш» (Фузулий шеърлари); «Эй сабо», «Сени кўрдим», «Бўлмаса», «Аламдур», «Дема», «Ўлдурайму дермисан», «Ҳожат эмас», «Тоқатим» (Машраб шеърлари); «Даврон мени ўткарди», «Оразин айтай», «Парво қилмайман» (Бобур шеърлари); «Етиб васлингга», «Баҳона қилиб», «Булбули беқароримиз», «Мен келдим» (Огаҳий шеърлари); «Фидо», «Баҳор эт» (Нодира шеърлари); «Айладинг кўйдинг», «Эй сарви қомат», «Савол айлаб», «Раҳм айладинг» (Фурқат шеърлари); «Ёр эсанг ёнимда бўл», «Гўзал бу», «Кўлингга толейим» (Уйғун шеъри); «Фарзанд», «Кўзинг», «Аҳбоби билан» (С.Абдулла шеърлари); «Табассум», «Оҳиста-оҳиста» (Т.Тўла шеърлари); шоир Чустий билан ҳамкорликда «Ватандир», «Пайдо бўлибдур», «Муддаолардан ҳали», «Овора бўлма, дейди»,

«Индамаслар олами», «Ризо қилади», «Дерлар», «Тенги йўқ», «Кечмадим», «Бўлурму», «Иши йўқ», «Кам бўлармиди», «Суратингиздан ўргилай», «Баҳор айёмида», «Бир қадах», «Ноз этай келинг» каби кўшиқ ва ашулаларни яратди.

Орифхон Ҳотамов 1989 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1993 йилда «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвонлари, 1997 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

АБДУЛАЗИЗ ҲОШИМОВ **(1939-2003)**



Санъатшунослик фанлари доктори, муסיқашунос ва композитор Абдулазиз Ҳошимов Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига 1981 йили қабул қилинган. Муסיқашунос сифатида уйғур муқомлари ҳақидаги илмий тадқиқий мақолалари, композитор сифатида яратган асарлари билан замонавий муסיқашунослик фани ва композиторлик ижодиётини бойитди.

Абдулазиз Сатторович Ҳошимов Хитой Халқ Республикаси Шинжон уйғур автоном районининг Ғўлжа шаҳрида 1939 йилнинг 14 мартида таваллуд топди. 1946-1956 йиллари Ғўлжа шаҳрининг умумтаълим мактабида ўқиди. Болалигидан муסיқага бўлган қизиқиши ва мазкур мактабдаги машҳур созандалардан мумтоз муסיқа сирларини ўрганди. Уйғур халқ муסיқа меросини ўз қалбида сингдира борди ва уйғур муқомларини ўргана бошлади. 1956-1959 йиллари Абдулазиз Урумчи шаҳридаги тиббиёт институтида ўқийди. Лекин муסיқага бўлган иштиёқи туфайли 1959 йили Ғўлжа шаҳридаги маданият уйи ансамблида ишлай бошлайди. 1960 йили Абдулазиз Ҳошимов Тошкент шаҳрига оиласи билан бутунлай кўчиб келади. 1961-1965 йиллари Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент шаҳар Маданият уйидаги уйғур ашула ва рақс ансамблида созанда бўлиб ишлайди. 1965-1969 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртининг муסיқа назарияси бўлимида ўқийди. Сўнгра Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетининг тайёрлов бўлимига ўқишга қабул қилинади. 1971 йили консерваториянинг асосий босқичига ўтказилиб, профессор Г.А.Мушель синфида композиторлик мутахассислигидан сабоқ ола бошлади. 1972 йилдан Шарқ муסיқаси кафедрасида профессор И.Р.Ражабов раҳбарлигида мақом асосларидан сабоқ олади. 1976

йили муסיқашунослик, 1977 йили эса композиторлик мутахассисликлари бўйича консерваторияни муваффақиятли тугатади.

Муסיқашунос-композитор А.Ҳошимов талабалик даврида 1967-1972 йиллари ўзбек радиоси қошида тузилган уйғур муסיқаси ансамблида чангчи, 1974-1976 йилларда Тошкент шаҳар 23-болалар муסיқа мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. Консерваторияни тамомлагач, умрининг охиригача Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлади. 1994-2003 йилларда консерваториянинг муסיқий шарқшунослик кафедрасида ўқитувчи, сўнгги йили эса профессор вазифасида фаолият олиб борди. Ўн иккита уйғур муқомлари устида илмий ишлар ёзди, уларни ноталаштирди, 1988 йили уйғур муқомлари мавзуида номзодлик ва 2001 йили уйғур касбий муסיқа мероси бўйича докторлик диссертацияларини ёқлади.

Муסיқашунос А.Ҳошимов йиллар давомида ўзининг илмий мақолалари ва изланишлари билан халқаро анжуманларда фаол қатнашди. «О структуре уйгурских мукамов в условиях их бытования» («Макомы, мугамы и современное композиторское творчество» Ташкент, 1978), «Уйғур ўн икки муқоми» («Парвоз» Олмаота, 1979 й.), «Уйғур муқомлари» («Сов. Ўзбекистони санъати» журнали, 1978, №6), «О некоторых проблемах изучения двенадцати уйгурских мукамов» (Актуальные проблемы уйгуроведения, Алма-Ата, 1983), «Локальные разновидности двенадцати уйгурских мукамов» («Музыка народов Азии и Африки» М. 1984), «Уйгурский санам» («Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность» М. 1987), «Двенадцать уйгурских мукамов в условиях современности» Борбад и художественные традиции народов Передней и Центральной Азии, Душанбе, 1990), «Двенадцать мукамов и их локальные особенности (на примере илийских строений, илийских мукамов)» (Маком, Берлин, 1992), «Уйғур ўн икки муқоми системаси ҳақида» (Уйғур он икки муқоми тадқиқоти, Пекин, 1992), «Уйғур халқининг ўн икки ноғора муқомлари» (Ражабийхонлик, Тошкент, 1993), «Уйғур ўн икки муқоми тадқиқотидаги бир қанча масалалар» (Уйғур Осиё тадқиқоти, Урумчи, 1989, №1) «Муқом» (Таджикская энциклопедия, 7 том. Т., 1978), «Доланские мугамы» (тезисы III Международного музыкального симпозиума, Самарканд, 1988), «Ноғора муқомлари» (тезис Истамбул, 1989), кўлөзма: «Двенадцать уйгурских мукамов»

(нотные и поэтические тексты) 1 -2 том; «Нохшо жанри ва унинг алоҳидаликлари» (1989) каби илмий мақолаларни ёзди.

А.Ҳошимов композитор сифатида турли жанр ва шаклларда асарлар басталади. Турли оркестр учун «Адажио» (1970 й.), фортепиано учун «Тўртта пьеса», «Вариациялар» (1971 й.), виолончель, гобой, кўшнай ва фортепиано учун пьесалар (1973 й.), торли кваттет учун «Икки пьеса», торли кваттет, флейта ва фортепиано учун «Сонатина» (1974 й.), торли оркестр учун «Пассакалия» (1975й.), «Симфоник поэма» (1977й.), катта симфоник оркестр, аралаш хор, хонанда ва суҳандон учун «Халқ қаҳрамони Содир полвон хотирасига» кантатаси (1977 й.), жўрсиз хор учун «Элим бор» (И.Искандар сўзи) асарлари, «Гулдаста» (Т.Наматов сўзи), «Булоқ кўшиғи» (Х.Ҳамроев сўзи) романслари, «Ғунчам» мусикали драмаси (З.Қодирий асари) ва бошқалар шулар жумласидан.

Уйғур ва ўзбек халқлари маданияти намояндаси, олим ва ижодкор Абдулазиз Ҳошимов ўзининг кўпқиррали ижодий фаолияти билан кўп миллатли республикамиз мусика санъати ва мусикашунослик фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.



АКРАМ ҲОШИМОВ (1963)

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 1992 йили композитор Акрам Абдулазизович Ҳошимов ранг-баранг, турли жанр ва шаклларда яратган мусика асарлари билан кириб келди. У Тошкентда, композитор Абдулазиз Ҳошимов оиласида 1963 йилнинг 14 январ куни таваллуд топди. Болалигидан мусикага қизиқди, 1974-1978 йилларда Р.М.Глиэр номидаги махсус мусика мактаб-интернатида хор дирижёрлиги мутахассислиги бўйича таҳсил олди. 1978-1982 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусика билим юртининг мусика назарияси бўлимида ўқиди. 1982-1989 йилларда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетида ўқиди. 1983-1985 йиллари ҳарбий хизматни адо этди. Талабалик даврида турли жанрларда миллий рух билан суғорилган асарларни яратди: «Мушаврак» симфонияси, фортепиано учун «Вариациялар», «Ажам» муқом-пьеса, «Соната-экспромт» «Токката», «Сонатина» ва «Болалар альбоми», торли ва дамли чолғулар учун

ранг-баранг пьесалар, баритон овози ва камер оркестр учун «Рубойилар» (Х.Ҳамроев сўзи), симфоник оркестр, хор ва сухандон учун «Ғани ботир» вокал-симфоник поэмаси (А.Қутлуқов сўзи), Лутфулла Муталлиб хотирасига «Эркни куйловчи» - хор акапелласи, бир қатор романс ва кўшиқлар - «Мен ва булбул» (Р.Рўзиев сўзи), «Ўн саккиз ёшим» (Т.Наматов сўзи), «Тошкант кечаси», «Онамга» (Учқун сўзи), «Жалом ноҳшиси», «А тебе все равно», «Народу моему» вокал туркуми (Л.Муталлиб сўзи) ва бошқаларни яратди.

Мустақил равишда дамли чолғулар квартети учун «Пьесалар» (1990й.), «Қизил китоб» камер кантатаси (Учқун сўзи, 1994й.), «Уйғурча рапсодия» ўзбек халқ чолғулари оркестри учун, «Сапоя усули» ўзбек халқ камер оркестри учун (1996й.), бир қатор романс ва кўшиқларни яратди. Уйғур халқ куйларини, или халқ туркум ноҳшиларидан «Жон дўстлар», «Гуламхон», «Оҳ, урорман» ва кўплаб ноҳшиларни нотага олди.

Композитор А.Ҳошимов 1990 йилдан бошлаб Республика санъат мактаб-интернатида ўқитувчи, директор ўринбосари бўлиб ишлади. Шу йилларда консерваториянинг ассистентура-стажировкасида профессор Ф.Янов-Яновский раҳбарлигида касб малакасини оширди. 1996-1997 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида бош мутахассис, 1997 йилдан Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқитувчи, ўқув бўлими мудири, доцент лавозимларида хизмат қилиб келмоқда.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси фаолиятидан лавҳалар	3
Абдуллаев Рустам	12
Абдуллаев Рустамбек	15
Абдуллаев Карим	16
Абдуллаева Ойдин	18
Абдуллаева Улбиби	20
Абсалямов Салих	21
Адамбоева Тожигул	22
Азимова Орзу	23
Азимов Холмирза	25
Азимов Турсун	27
Акбаров Икром	29
Акбаров Илёс	32
Алиев Бахтиёр	34
Алимов Фарход	35
Амануллаева Дилором	38
Анваров Султон	41
Атоев Ориф	42
Ашрафий Мухтор	43
Аҳмедов Маҳмуд	46
Бафоев Мустафо	47
Бегматов Соибжон	51
Берлин Александр	53
Берлин Ирина	55
Бобоев Собир	56
Бровцин Борис	59
Бурҳонов Мутал (Мутаваккил)	61
Варелас Совет	65
Варелас Анатолий	66
Василенко Сергей	68
Визго Тамара	70
Вильданов Румиль	72
Воҳидов Садир	74
Галушенко Ирина	75
Гиенко Борис	77
Глинский Владимир	80

Глиэр Рейнгольд	82
Головянц Тамара	84
Демисинов Гаип	85
Дулгарова Ирина	86
Ёрматов Шермат	88
Жабборов Аҳмаджон	90
Жабборов Комилжон	93
Жиемуратов Маркабой	95
Жалил Сайфи	97
Жалилов Тўхтасин	100
Жумаев Александр	103
Жумаев Товур	108
Жўраев Турсунбой	110
Жўраев Ҳалимжон	111
Заретдинов Қурбонбой	112
Зейдман Борис	114
Зокиров Дони	116
Зокиров Нурилла	120
Зокиров Пайзиқул	122
Иброҳимов Оқилхон	123
Изомов Хайри	126
Икромов Имомжон	128
Икромов Алишер	131
Исмоилов Абдуҳошим	134
Калонов Саиджон	135
Карелова Ирина	137
Каримова Зарифа	138
Каримхожи Собир	139
Кароматли Файзулла	141
Кенжаев Комил	146
Князев Владимир	148
Ковбас Максим	149
Козловский Алексей	151
Комилов Қаҳрамон	154
Коральский Аркадий	156
Левиев Манас	159
Лутфуллаев Баҳрулло	162
Малахов Альберт	165
Маллабоев Авазбек	166

Мамадалиев Фаттоҳон	167
Мамадалиев Ҳалим	170
Мамиров Қўлдош	171
Маннопов Султонали	173
Мансуров Аваз	174
Матёқубов Ботир	177
Матёқубов Отаназар	180
Маҳмудов Мирхалил	182
Мейен Вадим	184
Милов Владимир	186
Мирзаев Муҳаммаджон	188
Муродова Дилора	191
Миролимова Замира	193
Миронов Николай	194
Муртазоев Мухторжон	196
Мирҳайдарова Закия	198
Мусаев Улуғбек	199
Мушель Георгий	201
Муҳамедов Абдурахим	204
Муҳамеддинов Нажимаддин	207
Набиев Абдусаид	208
Надеждин Борис	210
Назаров Абдуманнон	213
Назаров Анор (Аноркул)	214
Назаров Фаттоҳ	216
Назаров Хушнуд	219
Насимов Мардон	220
Ниёзов Мамадазиз	222
Норхўжаев Надим	224
Носирова Чаман	227
Носирова Юлдуз	229
Нуримова Лейла	230
Нуримова (Турсунова) Ноила	232
Олимбоева (Аҳмедова) Карима	234
Оллобергенов Ислон	235
Отажонов Абдушарип	236
Отажонов Муҳаммад	240
Отажонов Ортиқ	241
Пак-ен Дин	243

Пеккер Ян	244
Петренко Татьяна	246
Петросянц Ашот	247
Пинхасов Игорь	249
Плунгян Вера	249
Ражабий Юнус	251
Рамазонов Шариф	256
Расулов Алишер	259
Раҳимов Ҳабибулла	261
Раҳимов Ҳамид	264
Раҳимов Қахрамонжон	267
Романовская Елена	268
Сайдаминова Дилором	270
Сапаров Валерий	273
Соатқулов Дадаали	275
Собитов Габдурахим	278
Содиқов Фахриддин	279
Содиқов Толибжон	282
Солиҳов Энмарк	286
Солиҳов Улуғбек	288
Соломонова Тамара	289
Султонов Абдреим	291
Тахтаганова Алия	293
Тожиев Мирсодиқ	295
Тошматов Ғанижон	297
Тошматов Тўлқин	300
Турсунов Раҳматжон	302
Тўйчиева Зумрад	303
Тўраев Файзулла	305
Умиджонов Ботир	306
Утегенов Кароматдин	308
Успенский Виктор	309
Харратов Матюсуф (Чокар)	315
Холиқов Пўлат	318
Холиқов Ғани	320
Шварц Ефим	322
Шерфединов Яхъё	324
Шоймардонова Шоҳида	326
Шомуратов Жапак	328

Шукруллаев Эргаш	329
Шукуров Жаҳонгир	331
Эргашев Анвар	333
Юдаков Сулаймон	335
Юнусов Равшан	340
Юсупов Матниёз	343
Юсупов Сарвар	346
Янов-Яновский Дмитрий	347
Янов-Яновская Наталья	351
Янов-Яновский Феликс	354
Ўрунов Бозорбой	359
Қодиров Рауф	359
Қодиров Ғафур	360
Қодирова Дилбар	363
Қулабдуллаев Неъматжон	364
Қурбонов Дилшод	365
Қурбонов Тўлқин	366
Қўчқоров Ғулом	369
Ғафурбеков Тўхтасин	371
Ғиёсов Нуриддин	375
Ҳайитбоев Султон	378
Ҳайитова Олмаҳон	381
Ҳалимов Олимжон	382
Ҳамроев Иброҳим	385
Ҳамроев Рашид	387
Ҳамроқулов Равшан	389
Ҳасанов Абдулазиз	390
Ҳасанов Набижон	391
Ҳасанов Тельман	394
Ҳасанова (Турсунова) Хуршида	395
Ҳотамов Орифхон	397
Ҳошимов Абдулазиз	399
Ҳошимов Акрам	401

А.Ҳ.ЖАББОРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН
БАСТАКОРЛАРИ
ВА
МУСИҚАШУНОСЛАРИ**

МАЪЛУМОТНОМА

Тўлдирилган 2-нашр

Расом *Ш.Одилов*
Компьютерда тайёрловчи *Б.Ашуров*

Босишга рухсат этилди 3.04.2015. Бичими 60 x 84 ¹/₁₆.
Шартли б.т. 25,5. Нусхаси _____.